

НАНАҚСИНГҲ

**ОЛТИН ЎҚ**

РОМАН

Ғафур Ғулом  
номидаги  
Адабиёт ва санъат  
нашриёти  
Тошкент — 1975

Панжоб тилидан  
РАҲМОНБЕРДИ МУҲАММАДЖОНОВ  
таржимаси

-

С  $\frac{70304-52}{352 \text{ (C6)}-75}$  169—75

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975 й. (тарж.).

— Жасвант! Менга қара, ўғлим! Сенга гапиравериб жажим-да жаж қолмади. Кўй энди бу фойдасиз ишларни. Бунақада тирикчилик қилиб бўладими? Сендаги ҳунар бошқа бировда бўлганда борми, аллақачон давлатнинг тагида қолиб кетарди.

Қош қорайиб қолган, дастгоҳ олдида ўтирган ражгарҳлик тароқчи Бҳажансингхнинг қўли ҳам, тили ҳам барабар ишламоқда. У чархга ўрнатилган чўзиққина фил суягини чап қўлидаги камонча билан тўхтовсиз айлантирмоқда. Қўлидаги йўнғич эса, «қирр-қирр» қилиб суякни йўнмоқда ва ундан чиқаётган юпқа, думалоқ пайраҳалар дастгоҳнинг ўнг томонига худди билагузукларга ўхшаб уюляпти. Бҳажансингхнинг иккала қўли билан жағи барабар ишларди. Ёнида ишлаб ўтирган ўғли Жасвант эса унинг гапларини миқ этмай эшитиб ўтирибдими ёки, эҳтимол, бир қулоғи билан эшитиб, иккинчисидан чиқариб юборяптими, билиб бўлмасди.

Бҳажансингхнинг ёши элликларда бўлиб, соқол-мўйловига оқ оралай бошлаган, лекин бошидаги сочи ҳали ҳам қоп-қора. Кўзлари айтарли чарақлаган ҳам эмас, унчалик нурсиз ҳам эмас. Барча панжоблик эркаклар сингари, яғрини кенг, оёқ-қўллари йўғон, бақувват. Узун соқолини бураб, энгаҳининг тагига ётқизиб олган бўлиб, шу туфайли бир оз солдатча важохат касб этган.

Чап қўлдаги очиқ эшикдан ора-сира кириб турган енгил шабада Бҳажансингхнинг яланг бошидаги сочларини ўйнарди ва у гоҳ-гоҳ чап қўли билан уларни босиб-босиб қўярди. Йўнғич остидан учиб чиқаётган майда майин қириндилар теваарак-атрофга сочилиб, бир қисми устанинг очиқ кўкрагига ўтирмоқда эди.

Гапириб-гапириб туриб Бҳажансингх қайрилиб ўғлига қа-

ради. Жасвант эса бутун вужуди билан ишга шўнгиб кетган эди. Отасининг гаплари ё унинг қулоғига кирмаётгани ёки кирса ҳам, мутлақо миясига етиб бормаётгани шундоқ кўриниб турарди.

Ўғлининг бу бепарволигини кўриб Бҳажансингхнинг баттар қони қайнаб кетди. У ўнг қўлидаги камончани зарда билан орқасидаги деворга, чап қўлидаги йўлғични тарс этиб чархга урди-да, тутақиб бақирди:

— Мен кимга гапиряпман, Жасвант? Ҳадеб итга ўхшаб акиллайверамамми? Гапимни эшитяпсанми ё йўқми?

Ун олти-ун еттига кирган панжоблик бола йигит ҳисобланади. Чунки мўйлови сабза ура бошлаши билан унинг танаси ҳам бирдан яйраб кетади. Лекин Жасвант ўша ёшга бориб ҳам ҳали йигитдан кўра кўпроқ болага ўхшарди. Тўғрироғи, бола дейишга бир оз ортиқ, йигит дейишга бир оз кам. Мўйлови чиққан, лекин жуссаси кичкина, нозик, юзлари сўлғингина, кўзлари уятчан, юз-кўзида важоҳатдан асар кўринмайдди.

Отасининг яшиндек чақнаган кўзлари ва момақалдиरोқдек гумбурлаган овози Жасвантни ҳушига келтириб, ўгирилиб қарашга мажбур қилди. Шунда ҳам ундан «Ҳа, эшитдим» деган қисқатгина садо чиқди, холос.

— Эшитишга-ку эшитибсан,— ўша тутақишда давом этди Бҳажансингх,— лекин сендан ҳеч садо чиқмайди. Бунинг сабабини ҳам билмайман. Лекин мента битта нарсани айти сендек қўли тул уғлимиз бўлсан-ю, шу кечаю кундузда пешанамиз ярақлама са, қачон ярақлайди? Лаҳадга киргандами? Кўрипсанми, ҳу анави ўнг қўлдаги уч қаватли уйни? Кўни кечагина Висакҳа-сингх усталлик қилиб, бировларнинг уйини қуриб юрарди. Мана, ҳаш-паш дегунча ўзи дангиллама уй қуриб олибди. Энди анави чап томондаги Лоланинг болохонасига қара. Ўша ҳам ей деса, тузук-қуруқ овқат топа олмасди. Онанг эртаю кеч бекорга ги-жилламайди. Аканг ҳам сени билиб қойийди. Шу кулбамизнинг деворини сал кўтара олмасак, унда сенинг ҳунарингдан нима фойда? Бошимизга урамизми?

Жасвант миқ этмай яна ишига шўнгиб кетди. Ишга шўнғишга-ку шўнғиди, лекин кўнглида отасининг кўзини шамғалат қилиб қочиб қолишни мўлжаллаб ўтирарди. Бҳажансингх ўғлининг ниятини сизди ва тоқати тоқ бўлиб кетди.

— Гапирмасанг, гапирмай ўлиб кет!— деди у зарда билан ва ўрнидан турди-да, ҳурпайган сочини силаб, у ёқ-бу ёғини қоқиб, ташқарига чиқиб кетди.

Отасининг тутаққан ҳолда чиқиб кетишини кўриб, Жасвант қўрқиб кетди. Чунки акаси ҳол-аҳволдан хабардор бўлиб қолса борми, келиб, бўрсиқнинг боласидай дўппюелашдан ҳам тоймай-

ди. Отаси чиқиб кетгандан кейин унинг қўли ишга бормай қўйди. Бир томондан, акасининг келиб қолиш хавфи бўлса, иккинчи томондан, умуман кўнгли вайрон бўлиб кетган эди. Унинг ичи анча қоронғи бўлиб қолган эди. Жасвант ўрнидан туриб, чироқни ёқди. Кейин жойига келиб бир оз ўтирди. Утириб-ўтириб беҳосдан уйнинг деворларига кўз югуртира бошлади. У деворларга турли журналлардан олиб, кўп расмларни ёпиштириб ташлаган эди. Шу пайтда электр чироғи нурида бу расмлар жуда ажойиб кўринмоқда эди. Жасвант хийла пайтгача ўша расмларни томоша қилиб ўтирди. Ташқари қоп-қоронғи бўлиб қолган эди. Отасининг қаттиқ-қуруқ гаплари билан Жасвантнинг қорни анча тўйиб қолган эди. Энди қолган-қутган бўш жойини тўлдириш учун ҳовлига чиқиб, ошхонага яқинлашган эдики, ошхона билан туташган ичкари хонадан отаси билан онасининг ёжиллашган товуши қулоғига чалиниб, қорни бутунлай тўйди-қўйди. Дарҳол орқасига қайтди-да, аста-секин юриб кўчага чиқиб кетди.

Ўчоқбоши бир эшик орқали ётоқхона билан туташган эди. Уртадаги эшик очиқ бўлиб, битта чироқ иккала томонни ёритиб турарди. Бҳажансингх жаҳл билан ишхонасидан чиқди-да, тўғри ётоқхонага кирди. Болага гап уқтириш менинг қўлимдан келмаган бўлса, зора онасининг қўлидан келса, деган умидда хотини билан гаплашмоқчи эди. Хотини Ҳарнамкаур нариги хонада, яъни ўчоқбошида, битта сандиқни очиб, ичидаги латта-путталарни титиб ўтирган эди. Енида бир уюм кийим-кечак, латта-путта ётарди.

Икки-уч минут чўзилиб ётди-да, кейин ётган жойидан қичқирди:

— Наъмий! Бу ёққа кел-чи.

Лекин Наъмийнинг ўрнига у ёқдан Наъмийнинг койинган овози келди:

— Менга қаранг! Бу «Наъмий» нима деганингиз? Отимни бутун айта олмайсизми? Сизга минг марта айтаман, одамларга ўхшаб гапиришни ўрганинг, деб. Сиз бўлсангиз ҳадеб: «Наъми-ий! Наъми-ий!» дейсиз.

Хотинидан бу танбеҳни эшитиб, Бҳажансингхнинг яна ҳам таъби тирриқ бўлди. Лекин хотинининг танбеҳи унинг назарида ўринли бўлганиданми, жаҳлини заҳардай қулт этиб ичига ютди. Ахир қишлоқни ташлаб шаҳарга келганига қанча йил бўлиб кетди, лекин шу маҳалгача унинг қишлоқчилиги қолмади-қолмади.

— Ҳах! Яна эсимдан чиқибди,— деди Бҳажансингх кулиб, мулойимгина.— Бирпас бу ёққа келгил. Зарур гап бор.

— Шошмай турсангиз-чи,— яна ўша тутатқан, дағал овоз эшитилди.— Мана бу дардисарни бир ёқлик қилай.

— Қанақа дарднсар экан у?— Яна ҳам мулойимроқ оҳанг-да сўради Бҳажансингх.

— Сизнинг неча пуллик ишингиз бор! Дунёни сув олса, тўпингизга чиқмайди. Ҳамма бало менинг бошимга келади. Улмадим бу машмашадан қутулмадим.

Бҳажансингх яна бирор нарса дейишга ботинолмади. Девор томонга ёнбошлаб олди. Кун бўйи ишлаб, қорни ҳам очган, уйқуси ҳам келиб кетган эди. Лекин ўғлининг кўрсатган феъли ва хотинининг дағдағаси — иккови бир бўлиб, иштаҳани ҳам бўғди, уйқуни ҳам қочириб юборди. Ҳарнамкаурга айтмоқчи бўлиб турган гаплари ҳам, ё эсидан чиқиб кетди, ёки ичига тушиб кетди. Энди Ҳарнамкаурнинг нимадан жаҳли чиқиб турганига келсак, буни Бҳажансингх билар ва бу масалада ўзини айбдор ҳисобларди.

Чорпояда чўзилиб ётганича у турли-туман фикр-хаёлларга чўмиб кетди ва хаёл отига миниб, ҳозирги кун даштини ташлаб узоқ ўтмиш водийларига бориб қолди.

Қаршисидаги деворда ифлосгина рамкада бир кичкинагина сурат осийлиқ турарди. Сурат кўримсизгина, хира ва дағал бўлиб, унда Бҳажансингх бундан ўн беш-ўн олти йил илгариги ҳаётини кўрмоқда эди. Наводалар гўзал баҳорга ўхшаган ҳаёт эди ўша дамлар! Шод-хуррамлик, лаззат тўла ҳаёт!

У ёқда Ҳарнамкаур латта-путталарни саранжомлаш билан машғул бўлиб, ёқда эса Бҳажансингх ўша лаззат тўла ўтмишнинг жозибали навқарларини кўрмоқда эди.

Бҳажансингх навқирон йигит эди. Ҳурилиқо хотини, иккита ширингина ўғилчаси бор эди. Давлат йўқ, дунёвий манманлик, хўжа-кўрсин шон-шавкат йўқ, лекин осойишталик, тинч-тотувлик, меҳр-муҳаббат кучли эди. Уй-жойи ўша вақтда ҳам худди шу эди — кесак деворли шу иккита-учта хона, шу қуп-қуруқ ҳовли. Лекин шу девор-тош, шу хоналар, шу ҳовли кишига нақадар роҳат-фароғат бахш этарди! У вақтда эр-хотин иккови бир-бирини худди Ҳийр-Ранжадек<sup>1</sup> севарди. Икковининг дили ҳам, тили ҳам бир эди. Фикр-ўйлари, ҳатто кўрадиган тушлари ҳам бир хил бўларди.

Бҳажансингх ҳозирги ҳақиқий ҳолатини бутунлай унутиб, гўзал ўтмиш хотиралари қучоғида жавлон ураркан, бирдан қаршисидаги дағалгина сурат дунёга келган кунга бориб қолди. Эрта баҳор кезлари эди. Ҳавода ҳали қиш нишонаси бўлмиш ёқимли салқинлик бор эди. Эр-хотин иккови иккала ўғилчасини кўтариб ярмаркани томоша қилгани боришганди.

<sup>1</sup> Панжобқа «Ҳир-Ранжа» дostonидаги ошиқ-маъшуқлар номи. (Китобда бундан кейин ҳам учрайдиган барча изоҳлар муҳаррирники.)

Кичкина ўғли Ҳарнамкаурунинг қўлида, каттасини Бҳажансингх елкасига ўтқазиб олган. Каттаси беш яшар, кичкинаси бир ярим яшар. Кўнгли орзу-умид, меҳр-муҳаббат нашьаси билан тўлиб-тошган эр-хотин одам тўла ярмаркани айланиб, томоша қилиб юрарди. Иккови ҳам ўзини худди осмонда учиб кетаётгандек ҳис қиларди. Иккала ўғли қўлига иккита-иккита шар ушлаб олган эди. Доно онаси, учиб кетмасин, деб шарларнинг ипини болаларнинг бармоғига боғлаб қўйган эди. Оломоннинг орасида бир-бирини йўқотиб қўймаслик учун Бҳажансингх хотинининг оппоққина, нозиккина, хннали қўлидан ушлаб олган ва бу қўл, унга мислсиз кайф бахш этмоқда эди. Айланиб юришган эди, бир жойда бирдан биров жар солиб қолди:

— Беш минутда расмингиз тайёр бўлади. Баҳоси тўрт анна. Бор-йўғи тўрт анна.

Бу овозни эшитиб, Бҳажансингх таққа тўхтади ва Ҳарнамкаурунинг қўлини сиқиб деди:

— Наъмий! Юр, бир расм олдирайлик.

Ҳарнамкауру у пайтларда «Наъмий» эди, ҳали маданийлик нималигини билмасди. Эрининг бу «уятсиз» гапини эшитиб қипқизариб кетди-да, деди:

— Вой ўлмасам! Уят бўлмайдими? Кўрган одам нима дейди?

Лекин Бҳажансингх оёғини тираб туриб олгач, «Наъмий» эри айтган «уят» ишга бош қўшишга мажбур бўлди. Иккови бориб, бир қутисимон камера олдига ўтиришди. Ҳарнамкауру қип-қизариб бир неча дақиқани зўрға ўтказди. Бир оздан кейин фотограф бир қалин конвертни уларнинг қўлига тутқазди. Ҳарнамкауру бир қўлини эрининг қўлига тутқазиб, иккинчи қўлида ҳалиги конвертни ушлаб кетиб бораркан, бутун фикри-хаёли конверт ичидаги суратда эди, тинмай ўшани таъриф қиларди. Сурат уни бутунлай ўзига ром қилиб олган эди.

Уйга келиши биланоқ Ҳарнамкауру эрини рамка олиб келгани жўнатди. Рамка келди дегунча, оиласининг акси бўлмиш суратни рамкага солиб, шу деворга осиб қўйди.

Бҳажансингх узоқ вақтгача деворда осиглиқ ўша суратга тикилганича хаёлап ўтмишнинг турли-туман мароқли лавҳаларини томоша қилиб ётди. Худо билади, бу сайр-томоша яна қанча давом этарди, лекин Ҳарнамкаурунинг овози уни ҳақиқий дунёга қайтишга мажбур қилди:

— Хўш, нима гапингиз бор эди?

Бҳажансингх кўзларини суратдан олиб, хотинининг ғазабли юз-кўзига қаради. Лекин хотинининг кўзларидаги заҳар унинг ҳозиргина ёқимли ўтмиш хотиралари бахш этган ширин кайфиятини буза олмади. У жуда ҳам ёқимли, мулойим оҳангда сўради:

— Ўзи нима гап, Наъмий, э... Ҳарнамкаур? Нега бугун жуда жаҳлинг чиқиб қолди?

— Жаҳлим чиқмай нима қилади ахир.— У яна ҳам тутатиб кетди.— Эртасининг тўйга борадиганман. Бу уй жувонмаргда бир тузуккина латта ҳам йўқ. Сандиқ-қутиларнинг ҳаммасини тиғиб ташладим.

Ҳалиги ширин кайфиятини ҳали ҳам бир оз сақлаб турган Бҳажансингх мумкин қадар мулойимлик билан деди:

— Ҳеч зарари йўқ, Наъмий... Ҳарнамкаур. Ҳеч гап ема. Тўйга ҳали тўққиз-ўн кун бор. Эрта ўтиб, индинга пешингача қанча пул десанг муҳайё бўлади.

— Пулни белимга туғиб кетаманми?— эрининг мулойимлиги Ҳарнамкаурнинг баттар жиғига тегди.— Кийим-кечакни вақтида қилиб олмасам, вақт ўтгандан кейин бошимга урамани? Тўйдан кейин ногора чалишдек гап бўлади.

— Ҳой, барака топгур!— деди Бҳажансингх бир оз тезлашиб.— Бировнинг гапига ҳам қулоқ солгин озгина. Сенга керакми пулни? Ёки жонини ҳам сугуриб оласанми? Намунча тутасанми?

Лекин Ҳарнамкаурнинг газиби босилмади. Охири Бҳажансингх ҳам хотини билан баробар босилди. Бу пайвандани жанг жуда узоқ давом этди.

- -

У вақтларда ҳали «Шарқий Панжоб», «Ғарбий Панжоб» деган гаплар йўқ эди. Беш дарё бўйидаги ерларнинг ҳаммаси Панжоб деб аталарди.

Жоландҳар вилоятига қарашли бир кичкинагина қишлоқда рамгарҳлик Матабсингхнинг кичкинагина ери ва кўримсизгина уйи бўлиб, ўша ерда у оиласи билан бирга роҳат-фароғатда бўлмаса-да, ҳар ҳолда тинчгина, бемалол яшаб юарди.

Илгариги замонда одамлар сирдан қараганда шоишавкатсиз, соддагина бўлса-да, лекин кўнгли жуда илиқ бўларди. Матабсингх ҳам ўшалардан бири эди. У суяклари бақувват, ишҳоятда меҳнатчан одам бўлиб, арзимаган бир тароқчи бўлишига қарамай, уч ўғил уйлантирган, бир қиз чиқарган ва қаринганимда кунпмга ярар деб, унча-мунча пул ҳам орттириб қўйган эди. Бундан ташқари раҳматлик хотинидан қолган унча-мунча зар-зеварларни ҳам ўғилларидан яшириб, асраб олиб қўйган эди. Мол боқишга ҳам ишқибоз эди. Оғилхонасида ҳамма вақт бир-иккита сигир-бузоқ боғлиқ турарди.

Матабсингх ўз ишига жуда уста ва узоқни кўрадиган одам

эди. Турли хил керакли ёғочларни кўтара-кўтара олиб келиб  
гамлаб оларди-да, кейин бемалол ўтириб катта-кичик тароқлар  
ясайверарди. Тайёрлаган молини ҳар ўн-ўн беш кунда Жоланд-  
ҳарга олиб бориб дўкондорларга кўтарасига сотиб келарди.  
Иккала катта ўғли — Кейла билан Жейла ҳам бўйдоқлик вақ-  
тида отаси билан бирга ўтириб ишларди.

Матабсингх ўзи жоландҳарлик эди, лекин Амритсар вилоя-  
тида ҳам, ҳамма ерда қариндош-уруглари бор эди. Қисқаси, ик-  
кала вилоят ҳам ўзиники эди.

Катта ўғиллар — Кейла билан Жейла (тўла айтаганда Кар-  
нелсингх билан Жарнелсингх) бир оз лафзи тезроқ бўлиб, уй-  
ланганидан кейин отаси билан кўпда чиқиша олмади. Чунончи,  
Матабсингх кўп ўтмай ўз билгисича ҳовлини шартта бўлиб, ик-  
ковини бошқа қилиб қўйди. Отасидан қолган ер-сувни сотди-да,  
пулини баб-баравар тўртга бўлиб, икки бўлагини иккала катта  
ўғлига берди, қолган икки бўлагини ўзи билан кенжа ўғли  
Бҳажансингхга, деб олиб қолди. Бирмунча вақт ўтгандан кей-  
ин эса қишлоқни ҳам ташлаб, Бҳажансингх билан бирга  
Амритсарга кўчиб келди. Ўша кунларда шаҳардап ташқарида  
янги маҳаллалар вужудга келаётган эди. Матабсингх ҳам шарт  
этиб бир парча ерни сотиб олди-да, таги ғишт, усти кесак қилиб  
бир уй қуриб олди. Уйнинг девор-тоши лойли ишларини ўзи қил-  
ди, ёғоч ишларини Бҳажансингх бажарди. Қишлоқдаги сиви-  
рини ҳам бирга етаклаб келган эди. Чунончи, шаҳарда ҳам,  
худди қишлоқдагидек, сут-қатиқ, айрон жуда бемалол бўлди.  
Янги уй соддагина эди, — сариқ ғиштли девор билан ўралган  
кичкинагина ҳовли, икки-учта хона, лекин қишлоқдагига қара-  
ганда кўпроқ роҳатбахш кўринарди.

Ҳовлининг бир томонига соябон қуриб, Матабсингх ўзига  
ишхона қилиб олди. Ота-бола ўша ерда ўтириб кун бўйи тер тў-  
киб меҳнат қила бошлади. Қишлоқдалик вақтида Матабсингх-  
нинг қиладиган иши фақат тароқчилик бўлса, шаҳарга келган  
касбини бир оз кенгайтириб, тароқ билан бирга каравот ва ҳо-  
казоларга оёқ ҳам ясайдиган бўлди. Амритсарда бу нарсанинг  
жуда бозори чаққон эди. Бу янги ҳунар унга шу жиҳатдан жу-  
да қўл келдики, турган ерида атрофда тутзорлар ва шунга ўх-  
шаган чайир дарахтлар кўп бўлиб, ўқтин-ўқтин кўтара сотилиб  
турарди. Чунончи, Матабсингхга керакли ёғочлар арзон-гаров  
топиларди. Шундай қилиб, унинг даромади ошиб бораверди ва  
шу даромад билан тез кунда ўғли Бҳажансингхнинг ҳам боши-  
ни иккита қилиб қўйди. Сал нари бориб Матабсингх ихтисосини  
яна ҳам кенгайтирди: фил суягидан ва селлилоиддан билагузук  
ясашни ўзлаштириб олди. Ундан кейин эса унинг ишхонасида  
ёғоч тароқлар билан бирга суяк тароқлар ҳам ясаладиган бўл-

ди. Шундай қилиб, уй-рўзгор харажатлари ортиши билан баробар даромад ҳам кўпайиб бораверди.

Матабсингх ўзи бир саводсиз одам бўлса-да, лекин узоқ умр тажрибаси уни ўқимишли кишилар сингари доно, баъзи масалаларда эса олиму фозил қилиб қўйган эди. Илгари қишлоқда энг донишманд одам ҳисобланарди у. Шаҳарга келиб ҳам, ўша обрўсини сақлаб қолди. Унинг диний қарашлари ҳам ўзига хос эди. Гурдварага-ку<sup>1</sup> жуда кам борарди, лекин гуру<sup>2</sup> таълимоти-ни жуда яхши тушунарди ва мавриди келганда амалга тадбиқ этишга ҳаракат қиларди. У хилватни яхши кўрарди. Қишлоқдалик вақтида ҳовлининг бир четига ўзига атаб битта кичкина хона қуриб олган эди. Шаҳарга келиб ҳам кўча эшикнинг ёнига битта алоҳида ҳужра қилиб олди.

Матабсингхнинг диний қарашлари, албатта, ўғлига ҳам таъсир қилган эди. Лекин янги келган келин, яъни Бҳажансингхнинг хотини ҳам бу жиҳатдан қайнотаси билан эрига жуда ўхшарди. Ҳарнамкау<sup>3</sup>р гузал ва доно бўлиши билан бир қаторда, ўз бурчини билиш фазилатига, жумладан, бошқаларга хизмат қилиш фазилатига ҳам жуда бой эди. У кириб келиши биланоқ унинг ҳар жиҳатдан яшнатиб юборди. Даставвал у қайнотасининг қўлини жуда сиқиб оларди. Кечир соғинч, торт, корий бериш, таппи қилиш каби бир қанча ишларни дарҳол ўз зиммасига олди. Оилада жуда тотувлик ва роҳат-фарогат ҳукмрон бўлиб кетди.

Кейин худонинг ишони билан бир қатар, Бҳажансингхнинг олдинма-кетин икки ўғил келди. Булар ота-онанинг-ку орзу-армонлари тижасли эди, лекин бувасига ҳам бутунлай янги ҳаёт бахш этди. Неваралар катта бўлиб, эсини таниб борган сари, уларнинг буваси ҳам қайта ёшариб бораверди. Бу икки ўғилдан кейин Бҳажансингх бир қиз кўрди. Лекин умри қисқа экан, икки ярим ёшдаёқ дунёдан ўтди.

Ҳарнамкау<sup>3</sup>рнинг жуда иши кўпайиб кетган эди: болаларга қараш, мол-ҳолга қараш, сигир соғиш, супуриб-сидириш, қозон-товоқ... Эртаю кеч тиним билмасди. Лекин шунда ҳам бирон марта шикоят қилиб чурқ этиб, оғиз очмасди. Ишчанликда-ку ҳеч ким унга бас кела олмасди, лекин сабр-тоқатдан ҳам жуда худо берган эди.

Ҳарнамкау<sup>3</sup>р сингари Бҳажансингхнинг ҳам ишдан қўли қўлига тегмасди. Уй-рўзгорнинг сарф-харажатлари ортиб борарди. Бинобарин, кундан-кунга кўпроқ меҳнат қилишга тўғри келарди. Отаси энди илгаригидек кўп иш қила олмасди.

<sup>1</sup> Гурдвара — синхлар ибодатхонаси.

<sup>2</sup> Синх мазҳабининг пешвоси.

Бҳажансингҳнинг ўзи ҳам бунга йўл қўймасди. Мехнатнинг огирини иложи борича ўзи оларди. Лекин шод-хуррамлик ва меҳр-муҳаббат қанотида парвоз этиб, ҳеч чарчаш нималигини билмасди. Матабсингҳ-ку қош қорайди дегунча овқатни еб, ўзининг хонасига кириб, ясланиб ётиб оларди. Лекин булар эр-хотин иккови болаларни ухлатарди-да, яна ишхонага келиб ўтирарди. Бҳажансингҳ ўзининг ишини қиларди, Ҳарнамқаур унинг ёнида ўтириб ип йигирарди. Қўл ишда, огиз гапда. Кечаси алламаҳалгача иккови ширин-ширин суҳбат қиларди.

Тонг отиши билан эшик олдидаги уйдан Матабсингҳнинг узук-юлуқ хиргойиси ва маъбуд Вишнуга аталган муножоти эшитила бошларди. Учоқбошида кувада даста айлантириб лассий<sup>1</sup> қилаётган Ҳарнамқаурнинг муножот қилган ширин овози янграрди. Ҳовлида эса соябон тагида дастгоҳнинг овозига жўр бўлиб Бҳажансингҳ куйлашга тушарди. Бир оздан кейин идиш-товоқ кўтариб ҳожатманд қўшни аёллар лассий олгани кириб кела бошларди. Ҳарнамқаур муножот куйлаганича идишларга лассий қуя бошларди.

Панжобдаги ҳамма қишлоқларда, шаҳар жойларда эса унда-бунда шундай бир анъана бор: сигир-бузоқли хонадонлар сигир-бузоқсиз қўшниларини пийсамбилла<sup>1</sup>ло лассий билан таъминлайди. Бунини олувчилар ҳам ҳеч айб деб билмайди, берувчиларга ҳам бу ҳеч малол келмайди. Лекин шуниси ҳам борки, деярли ҳар бир сигир-бузоқли хонадонда уй бекаси икки хил лассий тайёрлайди: бири ўзи учун, бири қўшнилар учун, яъни бири қуюқроқ, иккинчиси суюқроқ. Лекин Ҳарнамқаурда бундай одат йўқ эди. У лассий бобида барчани барабар кўрарди. Қайнотасидан шундай таълим олган эди. Давлатни топиб, яшириб қўйиш жуда катта гуноҳ; еб-ичадигани мўл бўла туриб, уни бировдан қизганган одам учун бу шундай бир катта гуноҳки, бу гуноҳдан дўзах ўти ҳам уни халос қила олмайди, дерди, қайнотаси. Ҳарнамқаур бу гапни жуда қулоғига қўйиб олган эди.

Бу уйдагиларнинг лассийдан бошқа ҳам кўп яхши фазилатлари бор эди. Шу фазилатлар туфайли маҳалла-қўй бу хонадонни «худо ярлақан хонадон» деб, эъозларди. Буларнинг даромади ҳам кўплар қатори унча катта эмас эди. Лекин шунга қарамай, унча-мунча нарсага зориқиб эшикдан кириб келган одам қуруқ чиқиб кетмасди. Бундан ташқари, тоат-ибодатни ҳам бу оила сира канда қилмас эди. Маҳалла-қўй буларни мақтагани мақтаган эди: «Қилмишига яраша худо беряпти буларга, мана, иккала акасини қара-ю, Бҳажансингҳни қара; уларнинг уйини оббо деб қизлар босяпти, бунга эса кетма-кет иккита ўғил

---

<sup>1</sup> Л а с с и й — баъзи нарсалар қўшиб тайёрланадиган панжобча айрон.

насиб этди», дерди одамлар. Қўшнилариинг гапи қақ эди: кимки ҳалол меҳнат қилиб пул топса, эр-хотин иккови бир-бирини Ҳийр-Ранжадек севса, худди кўнглидагидек фарзандлари бўлса, қарзини қистаб биров эшигини тақиллатиб турмаса, емиш-ичмиш бемалол бўлса, сут-қатиқ Ганга дарёсидек оқиб турса— бундай уй чиндан ҳам жаннат бўлади-да! Агарда жаннат дегани бошқа нарса бўлса, унда жаннат ҳам бу уй олдида бекор.

\* \* \*

\*

Вақт катта-катта қадам ташлаб ўтиб кетаверди. Вақт билан барабар одамларнинг табиати, онги ҳам ўзгариб бораверди. Айниқса, Ҳиндистоннинг озодлик йили деб аталмиш 1947 йилдан кейин, инсоннинг қалби ва онгида жуда чуқур ўзгаришлар юз берди. Қанча-қанча фаришта фазилатли жишилар ҳайвоний хусусиятлар касб этди. Қанча-қанча шахслар ўзини кишидан халос этиш ўрнига, ўзини сувга отди. Баланд-баланд девор-иҳоталар ўз ичидаги шовдираб турган экинларни ямлай бошлади. Қанчадан-қанча арғимчоқ арконлар сиртмоққа айланди. Урвонда қўшани бу ўтдан қанча нисол омон қолганикин? Унча-мунчагина қолгандир, холос. Шу омон қолган унча-мунча кук ниҳоллардан бири Матабсингхнинг оиласи эди, деса бўлади. Бу катта ўт бу оиллага айтирли завар етказмади. Бир четини сал

тонавор айтиладиган муножотлар эшитилмасди. Қўшни асллар ҳали ҳам эрталаблари идиш-товоқ кўтариб лассий олгани кичиришарди. Лекин уларнинг соии энди камайиб қолган эди. Уларга бериладиган лассий ҳам илгаригидек қуюқ бўлмасди. Баъзида эса идиш-товоқлар қуруқ ҳам қайтиб кетарди. Ҳарнамкаур келганларга гоҳ «томизғи йўқ эди, қатиқ уйита олмадим» деса, гоҳ «томизғини кам солган эканман, қатиқ уйимай қолди» ва ҳоказо деб ваз қиларди. Бу гапларга ишонса бўларди, албатта. Лекин асл сабаби бошқа эди, яъни, Ҳарнамкаур сутнинг бир қисмини сотадиган бўлиб қолган эди. Қолгани эса уларнинг ўзидан ортмасди. Чунки катта ўғли полвонликни машқ қилаётган бўлиб, кўпроқ сут ичиши керак эди.

Ҳарнамкаур янги келин бўлиб келган пайтларида, она бўлган кунларида, ундан кейин ҳам анчагина вақтгача жуда юксак номларга муносиб аъло фазилатли аёл эди. Лекин вақт ўтиши билан атроф-теварақдагиларнинг таъсирига учраб, у ҳам ўшалар сингари фикр юритадиган бўлиб қолди. Охир-оқибатда у илгари қайнотаси билан эрига эргашиб келган бўлса, энди уларнинг олдига тушишни одат қила бошлади.

Сал кейипроқ бориб упда яна бир одат — сандиқ тўлдириш олати пайдо бўлди. Бу одати кундан-кунга зўрайиб бораверди ва ахир бориб унинг бутун ҳаёти, бутун дунёси сандиққа жо бўлди-қолди. Шунинг оқибати бўлса керак, ромгарҳлик Матаб-спинҳнинг хонадони илгариги кўркинн бутунлай йўқотди.

Халқда шундай бир ривоят бор: бир подшоҳ бўлган экан. Унинг жони бир тўтиқушда экан. Тўти бирор нарсадан озор чекиб қолса, подшоҳ ҳам барабар азоб чекаркан. Шунинг учун тўтига ҳеч озор етмасин деб, подшоҳ уни етти қават ернинг тагида сақлар экан...

Ҳарнамқаур ҳам кундан-кунга худди ўша подшоҳга ўхшаб кетаверди. Ахир бир кун бориб унинг жони ҳам сандиқнинг ичига тушиб қолди. Подшоҳ тўтисини қандай эҳтиёт қилган бўлса, Ҳарнамқаур ҳам сандигини инсон назари тушмайдиган қилиб эҳтиёт қиларди. Гоҳ-гоҳда ярим кечада, ҳамма ухлаб ётган пайтда секин ўрнидан турарди-да, оёқ учидан юриб бориб орқадаги хужрага кирарди. Эшикни маҳкам бекитиб, ичидан занжирларди. Кейин сандиқчани очиб, ичидаги давлатни бу ёққа олиб, йиринини йирик, майдасини майда қилиб бирма-бир санаб чиқарди. Сўнгра ҳаммасини яна тугиб-боғлаб жойига қўярди-да, қайтиб бориб ўрнига ётарди.

Вақт ўтган сари Ҳарнамқаурнинг сандиги ҳам тўлиб бораверди ва шу билан баробар унинг мясида ҳам турли хил режалар пайдо бўла бошлади. Шу режалардан биттаси унинг фикру зикрини, айниқса, эгаллаб олган эди. У ҳам бўлса бир дангиллама уй қурдириш фикри эди. Ҳарнамқаур ўнгидан, сўлдаги катта уйларга кўзи тушди дегунча, «Э, худо! Ё бизларга шунақа уй-жой бер, ё буларнинг кошонасини ҳам ер билан яксон қил!» деб худога нола қиларди. Баъзан шу орзуси жуда юрак-бағрини ёндириб юборганда, «Э худо! Биз сенга нима ёмонлик қилдикки, шу тўрт деворни сал баландроқ кўтаришга ҳам ҳеч қодир қилмайсан?» деб худога ҳам таъна қилиб қўярди. Ахён-ахёнда шу масала юзасидан Бҳажансингх билан гижиллашиб оларди. Эридан уч-тўрт дакки егандан кейин ўзича нима балоларни гўлдираб жўнаб қоларди.

Бҳажансингхда ҳали ҳам отасининг анча таъсири бор эди. Отасининг сабр-тоқат, адл-инсоф, ҳалоллик ва ҳоказолар тўғрисида қиладиган насиҳатлари ҳали ҳам қулоғида эди. Шунинг учун бўлса керак, Ҳарнамқаурнинг бунақа ҳирсий гапларини ёқтирмасди. Лекин ёқтирмагани билан бу гапларни илгаригидек хотинининг соддалигига йўйиб қўя қолмасди. Энди у хотинини уй-дунё масалаларида ўзидан кўра ўн чандон доно деб биларди. У энди илгариги эри нима деса, ҳўп деб бош эгиб туградиган Ҳарнамқаур эмас эди.

Битта ота-онанинг фарзанди бўлишига қарамай, ака-ука Ҳарбанс билан Жасвантнинг ўртасида жуда катта фарқ бор эди. Каттасининг гавдаси қанчалик йўғон ва келишган бўлса, кичкинасиники шунчалик ингичка ва кўримсиз эди. Икковининг табиаи ҳам бутунлай бошқа-бошқа эди. Ҳарбанс қанчалик шалдир-шулдур, қувноқ, тетик ва ҳаракатчан бўлса, Жасвант шунчалик бўшанг, шалвираган эди. Шу сабабдан уйдагилар уни «кесаквой», «таппивой» ва ҳоказо деб атарди. Қаерга ўт-қазиб қўйсанг, ўша ерда ўтираверарди, қўлига нима тутқазсанг, ўшани ейверади. На хархашани биларди, на ўжарликни. Ҳатто қўлидаги ёки олддаги нарсани акаси тортиб олиб, еб қўйганда ҳам, мўлтайиб қолаверади.

Ҳин-кулги бобида Жасвант чннакам «кесаквой» эди. Акаси маҳалладаги болаларга аралашиб-қуралашиб кун бўйи югуриб-елиб, шовқин-сурон кўтариб ўйнарди. Бу эса ерга ўтириб олиб лойдан ҳар хил нарсалар ясаш билан овора бўларди. Кейин уларни офтобга қуригани қўйиб, ўзи қаёққадир жўнаб қоларди. Акаси кетарди ҳам қанчаларини босиб-бачиб ташларди. Лекин шуида ҳам Жасвант бечора отаси ёки онасига бориб акасида шикоят қилишга журъат этолмасди. Бирпасгина лаб-луп-лаб оғиналиб, йиғлаб-сиктаб оларди-ла, яна қайтадан ўша ишга тушарди.

Ота-она ўз фарзандини, албатта, яхши кўради — каттасини ҳам, кичкинасини ҳам. Бҳажансингх билан Ҳарнамкаури ҳам кичкина ўғли Жасвантни ёмон кўрарди дейиш нотўғри. Лекин шу нарса аниқ эдики, Ҳарбансга нисбатан Жасвантга уларнинг меҳри жуда ҳам кам эди. Бунга сабаб Жасвантда ўзиникиларнинг ҳам, бегоналарнинг ҳам диққатини жалб қиладиган бирон-бир хислат йўқ эди. Синган қадоқ тошнинг қадр-қиймати қанчалик бўлса, Жасвантнинг ҳам уйдагиларга шунча қадр-қиймати бор эди. Сики тош тарозига ярамайди, лекин ҳар ҳолда унча-мунча иш бериши мумкин. Масалан, у билан туз, гармдори, шунга ўхшаш нарсаларни туйиш мумкин.

Ташдан қараганда Жасвант чиндан ҳам «тезаквой», «кесаквой» эди. Аммо диққат билан қаралса, айтадиган панг эмас эди. Табиат янглишиб бўлса ҳам, ҳеч бўлмаса бир нарса ато этиб қўйган эди. У ҳам бўлса, тийран ақл-идрок. Қанчалик кам гапирса, шунчалик кўп ўйларди. Қанча кўп ўйласа, уйдагилар унга шунча кўп таъна тоши ёғдиришарди.

Одамнинг танасини ўрганувчи олимларнинг айтишича, кўп ўйлайдиган ёки тийран ақл эгаси бўлган болалар жисмоний жиҳатдан кўпинча кучсиз бўлармиш. Чунки еган овқатининг

анчагина қисмини мия сўриб олармиш. Эҳтимол, Жасвантнинг нимжонлигининг сабаби ҳам шудир.

Аммо ота-онасининг бемехрлигига қарамай, Жасвантни га-риб, шўрлик деб бўлмас эди. Ахир меҳр-муҳаббатдан бутунлай маҳрум бўлган кишинигина шўрлик деб аташ мумкин. Жасвант ота-онасининг меҳридан-ку маҳрум эди-я, лекин бувасининг нуридийдаси эди. Бува шу синиқ қадоҳ тошга ўхшаган неварасини ўз жонидан ҳам азиз кўрарди. Жасвантнинг кичкиналик пайтиданоқ Матабсингх бувагина бўлиб қолмай, унга ота-она ўрнини босиб, устоз ва мураббий бўлиб келмоқда эди. Одамлар ҳатто: «Бу чол эсини еб қўйганми нима бало, гулдек Ҳарбансга назар-эътибор қилмайди-ю, кесак-тезакка ўхшаган Жасвантни ер-кўкка ишонмайди, бағрига босгани-босган»,— деб ҳайрон бўлишарди. Жасвант ҳамма вақт буваси билан бирга эди: буваси билан бирга ўтириб овқат ерди, кечаси бирга ухларди, унинг елкасига миниб бирга сайр қиларди... Икковининг гўё ташаси бошқа-бошқа-ю жони бир эди. Қачон акаси уриб-дўппосласа, Жасвант ота-онасига сиғинмай, келиб шу бувасининг пинжига тиқиларди ва бувасининг илицқина бағри унинг танаси-ю қалбидаги бутун дардини сўриб оларди.

Жасвант бувасидан ташқари яна бир нарсага жуда меҳр қўйган эди. У нарса отасининг ишхонаси эди.

Қўл-оёғи ишга ярар экан, Матабсингх узлуксиз ўғли билан бирга ўтириб ишлади. Лекин қариган сари қўл-оёғи бўшашиб, кундан-кунга ишдан чиқиб бораверди. Жасвант авваллари лойдан от, ҳўкиз, шунга ўхшаган нарсалар ясагани-ясаган эди. Кейинроқ бориб, бувасининг меҳр-шафқати туфайли ишхонада буваси билан бирга ўтирадиган бўлди-да, қолган-қутган ёғоч парчалари ва чўп-пайраҳалардан ўзи билганича уни-бунни яса-ша ружу қилди. Гоҳ бир парча юпқа ёғочни тешиб, тўртта чўп тиқиб бирор курсими, каравотми ясарди, гоҳ бирон от-ҳўкиз ясарди. Баъзида ишга яроқли бирор ёғочни ишдан чиқариб ёки бирор асбобни зада қилиб кўярди. Шундай пайтларда Бҳажансингх, жаҳли чиқиб, қийиё бошласа, буваси дарров унинг ёни-ни оларди. «Бҳажансингх! Ўғлим! Ҳеч зарари йўқ. Бир чақа-икки чақалик нарса бузилса бузилибди-да. Одам шунақа йиқилиб-суқилиб от миншини ўрганади-да»,— дерди у.

Бувасининг гапи тўғри чиқди. Қўп ўтмай Жасвант йиқилиб-суқилиб ҳақиқатан ҳам сувориликни ўрганиб олди. Етти-саккиз ёшда, эндигина мактабга қадам қўйган чоғидаёқ қўли анча ишга бориб қолди. Кичкина тешача билан йўнилган хомаки тироқни йўниб-текислаш, қум қоғоз билан ишқалаб силлиқлашни жуда машшоқ усталардек дўндирадди. Бундан ташқари тироққа ҳошия қилишни ҳам тузуккина ўрганиб олди. Қарабсизни,

саккиз-тўққиз ёшидаёқ буваси билан отасига яхшигина кўмакчи бўлиб қолди.

Жасвант ўқишда ҳам анча ўткир чиқди. Айниқса, расм солишда синфда унга бас келадигани йўқ эди. Кичкина бўлишига қарамай, турли хил ишлардан қўли бўшамасди: дарс тайёрларди, ишхонада ўтириб иш қиларди, бувасига қарарди... Эртадан кечгача у-бу иш билан банд бўларди. Лекин, шунга қарамай, ҳеч очилмади. Табиати ўша-ўша ёпиқ карамлигича қолаверди. Хойнаҳой шунинг учун ота-онаси билан акасининг ҳеч эътиборини қозона олмади. Аммо буваси билан жуда қалин эди. Унинг буваси билан иноқ суҳбатларини кўриб, ота-онаси, «Бу қанақа бола экан-а, фақат буваси билан гаплашиб-сўзлашишга қасам ичганми нима бало» деб ёқасини ушларди.

Невара-бува икковининг бир-бирига меҳр-муҳаббати ортиб бораверади. Жасвант кучга тўлиб, навқиронлашиб борган сари, буваси ҳолдан кетиб, сўниб борарди. Жасвант бешинчи синфни тамомлаган эдики, буваси ишхона билан хайр-маъзур қилиб тўшакка-ёпишиб олди. Бу купгача Жасвант ҳунарда отасидан қолдишмайдиган бўлиб қолган эди. Чунончи, бувасининг ўрнини босиб отаси билан ўтириб ишлашарди. Лекин устахонада пой-шикаст утира олмасди. Чунки, биринчидан, ўқув буви кўпайиб кетган, иккинчидан, бувасига ғамхўрлик қилиш бутунлай шунинг зиммасида эди. Кейинги пайтларда Ҳарнамқаурнинг қай-ишдан ҳам муҳаббати ўзгариб, Бҳажансингх ҳам отасига илгаригидек қарамай қўнган эди. Шундан бундан сингхнинг ишўнгани худою, қолаверса шу невараси эди.

Жасвантнинг қистови билан Бҳажансингх фил саягидан буюм ясашга ўтган эди. Лекин ўзига қолса, қўлинг ўргилсин бирор буюм ясашнинг уддасидан чиқа олмасди, унақага завқи ҳам йўқ эди. Жуда деганда каравот ва шунга ўхшаган нарсаларга оёқ ясаш ўрнига билагузук қилиши мумкин эди ёки ёғоч тароқнинг ўрнига суяк тароқ қиларди, холос. Аммо Жасвант жуда нозик нарсалар қиламиз, ундай қиламиз, бундай қиламиз, деб отасини жуда умидвор қилиб қўйган эди. Умидвор қилишга қилиб қўйиб, энди ўзи кўпда думини тутқизмасди. Ё дарс қилиш билан овора бўларди, ё бувасига қараб кўни ўтарди. Бу Бҳажансингхнинг ғашига тегиши турган гап эди. У ўғлига такрор-такрор насиҳат қиларди: «Менга қара, ўғлим. Ҳозирги кунда ўқиш-ёзишдан нима фойда? Беш синфни ботириб олдинг, бўлди-да. Хат-пат ёзиш, унча-мунча ҳисоб-китоб қилиш қўлингдан келса бас. Нима, бирор идорага кириб ишлармидинг? Сен ҳам тиззангни букиб ўтириб мен билан бирга иш қилсанг эди, бизлар ҳам бир нарсалик бўлиб қолардик». Лекин қани энди Жасвант ҳам ёрилиб бирор нарса деса! Ёпиқ қарам ҳеч очил-

мади-очилмади. Акаси Ҳарбанс ҳам уриниб кўрди. Қуруқ гап-дап ҳеч нарса чиқмагач, қўлини ишга солиб, бир-икки уриб, дўппослади ҳам. Лекин Жасвантдан бари бир садо чиқмади. Тепса тебранмас дегани шу бўлса керак.

Ишхонада ўтириб ишлашга-ку Жасвантнинг фурсати кам эди. Лекин озми-кўпми ишлагани ҳам ишламаган билан бара-вар эди. Қўлига бирор иш олса, уни тезроқ битиришни ўйлама-ди-да, икир-чикир, майда-чуйда жойларни маромига етказиш билан овора бўларди. Шунинг учун минг ақлли, доно, минг қўли гул уста бўлсин, уйдагиларнинг бошига битган бало эди у.

Буваси Матабсингх дардга чалиниб, борган сари Жасвант-нинг ҳам иш-юмуши кўпайиб бораверди. Шу бувасига қарай-ман деб, у кўппинча дарсини ҳам тайёрлаёлмай, мактабга кеч қоларди. Аммо бувасига сира-сира озор етказдирмас-ди. Вақтида чой-сувини берарди, вақтида овқат едирарди. «Уҳ» деса дарров, тепасида ҳозир бўларди. Бувасини ҳамма вақт по-киза тутарди. Кийим-кечагини ҳам, танасини ҳам. Кийими сал кир бўлиб қолса, дарров уни ювишга тушарди

Буванинг йиғиб қўйган пул-маблағи бор, уни ўзининг ҳуж-расига яшириб қўйибди — бунга уйдагиларнинг ҳаммасининг имони комил эди. Бобонинг ўзи ҳам бир неча марта ишора қи-либ қўйган эди. Лекин у маблағ қанча — бунга ҳеч ким билмасди.

Матабсингх иш-кучдан қолиб, ётиб олгандан бери уйдаги-лар ўша маблағ тўғрисида борган сари кўпроқ ва жиддийроқ гапирадиган бўлиб қолган эди. Бҳажансингх-ку бу нарсага ун-ча аҳамият бермасди. Лекин Ҳарнамкаур билан Ҳарбанс шу мавзу устида кундан-кунга кўпроқ бош қотирришарди. Улар жуда паришон эди. «Чол ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан бирдан ўлиб қолса, нима бўлади? Эҳтимол, бунинг топган-тутгани ҳуж-расида эмасдир, бирор бошқа ердадир. Бирдан бу ўлиб қолиб, давлат ернинг тағида қолиб кетмасайди. Эҳтимол, чол бутун давлатини учала ўғли билан қизига тенг тақсимлаб берар. Унда бизнинг шўримиз қурийди-ку. Бизга жуда нима тега қо-ларди?» — Шуларни ўйлаб она-боланинг ичининг тирнарди.

Ҳарнамкаур ўқтин-ўқтин шу гапларни эрига ҳам айтарди. Лекин ҳар сафар Бҳажансингх уни койиб берарди:

— Э, мўмин банд! — дерди у хотинига қараб. — Йиртқич бў-рига ўхшаб шунақа нарсаларни ўйлаб нима қиласан, а? Одам-нинг жонидан ҳам пул азизми сенга?

Шу жавобни эшитиб Ҳарнамкаур ичидан зил кетиб қолаве-рарди. Лекин Ҳарбанс бу масалада тўла-тўқис онаси билан бирга эди. Она-бола никови кўнглидаги орзусининг рўёбга чиқа-риш, яъни, чолнинг давлатини қўлга киритиш учун хилма-хил режалар тузиш билан овора эди. Энди Жасвантга келсак, у на

бунақа нарсаларга қизиқарди, на бунақа сир-асрорни биров унга айтарди.

Охири она-бола, бир иложини қилиб чолнинг ўзидан сўраб билиб олиш керак деб қарор қилишди. Чунончи, бир куни чолни ёлғиз топиб, Ҳарнамқаур жуда эҳтиёт ва мулоҳимлик билан қўйнига қўл солди. Чолнинг берган жавоби уни умидвор қилиш-га-ку, қилди, лекин кўнглини тўлдира олмади. Чол гапни чўзмасдан ва ҳеч нарсани яширмасдан бундай деб жавоб берди:

— Қизим! Менда нимаики бўлса, ҳаммаси шу ҳужранинг ичида. Аммо мен уни Жасвантнинг тўйига атаб қўйибман.

Бу гап Ҳарнамқаурни-ку ўйга солиб қўйди, лекин Ҳарбанснинг юрагини жуда ҳам така-пука қилиб юборди. «Тўйни ўйлайдиган бўлса, аввал менинг тўйимни ўйлаши керакмасмиди?— деб жаҳли чиқди унинг.— Ахир аввал катта уйланадими ёки кичкина уйланадими? Ундан кейин Жасвант уйлангунча чол тирик юрармикин? Шу кетиши бўлса, йил-олти ойдан ошмайди».

Она-бола жуда аросатга тушиб қолди. Бува билан набира ўртасидаги иноқликни Ҳарбанс бошиданоқ кўришга кўзи йўқ эди. Бир бало бўлмасайди, деб шубҳа қилиб юрарди у. Она-бола бир неча кунгача у ер-бу ерда шивирлашиб юрди. Лекин улар бажансингхга бу тўғрида ҳеч нарса деб ағиз очишмади. Чунки у минг хотини билан ўғлининг ёни бўлсин, лекин отаси ҳақида бирор ёмон гап эшитиш ё ўйлашга тоқати йўқлиги аён

\* \* \*

Ушандан сўнг кўп ўтмай тўсатдан бир воқеа юз берди. Ёз кунлари эди. Бажансингх нима иш биландир — эҳтимол Ҳарбансга қиз қидириб бўлса керак — бир неча кунга қишлоққа чиқиб кетган эди. Ҳарнамқаур билан Ҳарбанс — она-бола кечалари томда ётишарди. Чолнинг томга чиқа оладиган ҳоли йўқ эди. Табиийки, Жасвант ҳам уни ёлғиз қолдира олмасди.

Тун ярмидан оққанда Ҳарнамқаур билан Ҳарбанс иккови ҳовлига тушиб бирдан: «Ўғри! Ўғри кетди! Ушла!» деб дод-вой қилиб қолди. Дарров қўни-қўшнilar йиғилди. Ўғри қаёқдан кириб, нималарни олиб кетдйкин деб суриштириб қарашса, ҳеч нарсани олмабди ҳисоб. У кўча девордан ошиб тушиб, чол ётган ҳужранинг бир бўрчагини сал тешибди, холос.

Тонг отиши билан полиция етиб келди ва тафтиш қилишга тушди. Матабсингх ўғри олиб кетган буюмларини биттама-битта айтиб берди, полиция ёзиб олди: олти-етти тўвла<sup>1</sup> тилла,

---

<sup>1</sup> Т ў в л а — 11,7 граммга тенг оғирлик ўлчови.

Ўттиз-Ўттиз беш тўла кумуш ва икки юз рупия нақд пул. Полиция ҳар қанча қидирса ҳам, четдан келган ўғрининг оёқ изини топа олмади. Лекин она-боланинг донолиги туфайли муллажирингнинг ёрдами билан тафтиш тезда поёнига етди.

Шунча давлатни ўғри олиб кетганидан Ҳарнамкаур жуда жиғибийрон бўлди. Бҳажансинг ҳам сафардан қайтиб келгач, бу хабарни эшитиб жуда ичи ачиди. Хотинига қўшилиб у ҳам ичида отасини роса койиди.

Бувасининг йиққан-терганини ўғри олиб кетганидан Жасвант ҳам жуда ҳафа бўлди. Айниқса, ўша давлат билан бирга буванинг бир эзгу нияти чиппакака чиққани ҳаммасиданшиб тушди. Лекин кўп ўтмай, бувасининг бир гапи билан унинг кўнгли тасалли топди.

— Жасвант. Қўзим!— деди буваси.— Сенинг омнатингни қўлдан бериб қўйдим. Яхши бўлмади. Лекин сен буни ҳеч кўнглингга келтирма. Ҳеч зарари йўқ, болам. Пул ахир қўлнинг кири. Худо сенга ҳали жуда кўп беради. Давлат сенинг оёғингни ўпади. Ниятинг холис бўлса, ишинг ўнгидан келаверади.

Тез кунда бу воқеа ҳамманинг эсидан чиқиб, яна ҳамма нарса эски изига тушиб кетди. Бироқ чолга нисбатан Ҳарнамкаурнинг муносабати бир оз юмшалиб қолди. Ҳарбансинг ҳам илгари буваси билан бир-икки оғиз ҳазил-ҳузулдан бошқа ҳеч қанақа алоқаси йўқ эди. Энди эса кунда қол-аҳвол сўраб, беш-ўн минут олдида ўтирадиган бўлиб қолди.

Чолнинг аҳволи жуда оғирлашиб қолди. Жасвант ўқиш-ёзишларини ҳам йиғиштириб, эртаю кеч бувасининг ёнида ўтирди. Охири бир кун чол бу дунё билан видолашди.

Ўлишидан икки-уч кун илгари Жасвант каравотнинг бир чеккасида ўтириб бувасининг оёқларини уқалаётган эди, буваси ниҳоятда меҳри тошиб, бор дуо-олқишларини неварасининг бошидан сочиб бундай деган эди:

— Жасвант, қўзим! Сен менга шунча хизмат қилдинг. Бунинг эвазига мен сенга нима берсамикин? Сенга деб асраб олиб қўйган беш-ўн чақамни ҳам ўғри олиб кетди. Сенинг тўйингни кўрсам деб орзу қилувдим, буни ҳам худо кўп кўрди. Лекин, майли, зарари йўқ, чироғим, худога орқа қилавер...

Буваси гапиряпти, Жасвант эса тинглаб юм-юм йиғляпти. Бир оз нафасини ростлаб олиб, буваси гапида давом этди:

— Жасвант! Мен сенга фақат иккита нарса бериб кетаман. Биттаси менинг дуоларим, иккинчиси — насиҳатларим. Бошқа берадиган ҳеч вақоим йўқ. Лекин сен хафа бўлма. Шу иккала нарсани эҳтиёт қил, кунингга ярайди. Ҳаром нарсага ҳеч қўл

урма. Ҳаром нарса — заҳар. У одамни ўлдиради. Ҳаромдан ҳазар қил.

Жасвант бувасининг оёқларига бошини қўйиб ҳўнграб йиғ-лади, буваси эса ниҳоятда меҳр-шафқат билан унинг бошини силади.

Икки кундан кейин бобо Матабсингхнинг гул ва байроқчалар билан безатилган тобути охирги манзилга қараб йўл элди. Энг олдинда созандалар соз чалиб борарди. Уларнинг кетидан бир неча киши катта-катта қўнғироқларни жаранглатиб, аламларни<sup>1</sup> ҳилпиратиб борарди. Бобонинг ўгиллари, неваралари, узоқ-яқин қариндош-уруғлари ҳазил-ҳузил қилиб, бақириб-чақириб борарди. Тобут устидан хурмо, танга-чақа ва ҳоказолар сочилмоқда эди. Одамлар сочиқни талашиб шовқин-сурон, ур-йиқит қилмоқда эдилар. Ҳар бир киши шундай худо ярлақаган одамдан табаррук нишона сифатида бирор нарса олиб қолишни истарди.

Жасвант-чи? Жасвант тобутнинг орқасидан бувасининг кафанга ўралган оёқларини ушлаб ҳўнграб йиғлаб борарди. Бунини кўриб баъзилар қуларди: ахир бу йиғлайдиган вақтми?

#### 4 боб

Ҳасанат Ҳасаннинг ёнида қилган ўғли болада уйланиш тўғрисида турли хил фикр, орзу-истақлар тўғрисида сўзлашди. Ҳасанат эса ўн тўққизга тўлиб, йиғирмага қадам қўйган эди. Чунончи, унинг миёсида ҳам қолгуси ҳаёти тўғрисида турли фикр-хаёллар уйғонган эди. Кейин Ҳарбанс кўп йиғитларга ўхшамасди. Табиат унга кишининг ҳаваси келадиган чирой ва паҳлавонларга хос қадди-қомат ато қилган эди. Мактабни-ку олтинчи синфни битирибоқ ташлаб юборганди. Лекин омад худоси Комдев<sup>2</sup> ва паҳлавонлар пири ҳазрати Рустамнинг инояти билан вазоҳату обрў-эътиборда унақа-мунақанни бир чўқишда қочирарди. Спорт билан шуғулланиб, унинг йиғитлик жамоли яна ҳам яшнаб кетган эди.

Қасбу ҳунарга келганимизда эса иш бутунлай бошқача: бувасининг қасбига қизиқиш у ёқда турсин, ҳатто ундан нафрат қиларди. Ўргатилган эчкига ўхшаб, дастгоҳнинг олдида мукка тушиб ўтиришга унинг заррача ҳам тоқати йўқ эди. Ҳатто борди-ю, битта-яримта уни Бҳажансингх тароқчининг ўғли деб қолгудек бўлса бутун баданига ўт тутатиб кетарди. Идора

<sup>1</sup> Алам — байроқ.

<sup>2</sup> Комдев — яхшилик ва омад худоси.

хизматчиси бўлган йигитлар билан улфат эди, шу «идора хизматчиси» деган номни яхши кўрарди. Қисман ўзининг, қисман ошна-оғайниларининг кучи билан бир хумдонга эллик рупия маош билан секретарь бўлиб кириб олгандан кейин эса, унинг орзулари яна ҳам қанот ёзиб юборди. Одамлар сўраб қолгудек бўлса, кўпинча ўзини бошқарувчи, маошини юз эллик рупия, дерди. Ҳар ҳолда шу эллик рупияли ишни отасининг касбидан юз чандон яхши деб биларди. Олган моянасини бутун ўзига сарф қиларди. Моянадан уч пул чегириш на унинг эсига келарди, на ота-онаси ўйларди. Одатда ота-она ўз боласининг топган пулига фахр ҳам қилади, ундан умид ҳам қилади. Бҳажансингх гоҳ-гоҳда, Ҳарбанс маошидан ҳеч нарса бермайди ҳам, деб шикоят қилиб қўярди. Лекин Ҳарнамкаур бу гапни хаёлига ҳам келтирмасди. Аксинча, эрини қойиб берарди: «Сиз бунақа гапларни гапирманг, — дерди у. — Ҳарбансини ўз ҳолига қўйиб қўйинг. Бу ўғлимнинг жуда иқболи баланд. Мана кўрасиз, шунинг орқасидан ҳадемай бу уй давлатга тўлиб кетади».

Уйланишга келганда, ҳозирги кунда йигитлар кам, қизлар кўп. Бҳажансингхнинг тоифасида эса бу фарқ яна ҳам каттароқ эди. Катта-катта, ўзига тўқ хонадонлар муносиб куёв қидириб у ёқдан-бу ёққа изғиб юрарди. Қишлоқ жойда турадиганлар кўпроқ бирор идорада хизмат қиладиган йигитларнинг кетига тушарди. Шу шароит Ҳарнамкаурга жуда қулай эди. Чунки унинг биронта ҳам қизи йўқ. Аксинча, олдинма-кетин икки ўғли воёга етиб, унинг пешанасини ярқиратаман деб турувди. Буларни қўлга киритиш учун бир неча ота-оналар бирмунча вақтдан бери куч синашиб келмоқда эди. Уларнинг кўпчилиги Ҳарбансга кўз тиккан эди. Ўзи биринчи уйланадиган ҳам шу эди. Шундай чиройли, хушбичим йигит ва юз эллик рупия маошли идора ходимини қўлга киритган одамнинг армони қоладими? Лекин Ҳарнамкаурнинг режаси бошқа эди. Шундай қимматбаҳо нарсани арзон-гаров бериб юбормоқчи эмас эди. Ахир у икки қўшни қошона ўртасида ер тишлаб ётган каталакдек уйини кўтаришни орзу қиларди. У шу маҳалгача келган совчиларни турли баҳоналар билан қайтармоқда эди: ҳойнаҳой уларнинг ҳаммаси ҳам тегишли ҳақни тўлашга қодир эмас эди.

Охири бир жойдан Ҳарнамкаурнинг кўнглидагидан ҳам аъло бир номзод чиқиб қолди. Қиз ота-онасининг ёлғизгина фарзанди, бир неча юз минг рупияли давлатга бирдан-бир ворис эди. Бу номзодни топган Ҳарнамкаурнинг онаси эди. Қиз томондагилар кўбени кўриш иштиёқида бўлиб, Ҳарнамкаур яқинда қишлоққа тўйга борганида Ҳарбансини ҳам албатта бирга олиб бориши керак эди. Хат орқали ва онасининг оғзидан бу хушxabарни эшитиб у терисига сиғмай кетди.

Одатда қишлоқдан кўчиб келиб, шаҳарда ўрнашиб қолган кишиларнинг гап-сўзида ҳам, туриш-турмушида ҳам бир хил ўзгариш пайдо бўлади. Уларни қишлоқчи ҳам деб бўлмайди, тўла маънода шаҳарлик ҳам деб бўлмайди. Бҳажансингхнинг оиласи ҳам худди ўшанақа эди. Иккала ўгли-ку мактабда ўқиб ва шаҳарлик болаларнинг ичида юриб шаҳарликларнинг тили-ю урф-одатларини анча ўзига сингдириб олган эди. Лекин Бҳажансингхда ҳали ҳам ўша қишлоқчилик одати бор эди. Ҳарнамкаурига келсак, у қишлоқча кийим-кечакка ҳам, қишлоқча гапириб-сўзлашга ҳам ҳеч тоқат қила олмасди. Ўзи-ку ҳали шаҳар тилини тузуккина ўзлаштириб олганича йўқ эди, лекин қўлидан келганича, шаҳарча гапиришга тиришарди.

Худди шу шаҳарнинг асорати билан иккала ўғил онаси билан отасига мурожаат қилганда уларни «беъбе», «баъпу» демасдан «бҳаъбий», «бҳаъпажий» деб атарди. Ҳарнамкаури эрига бир нарсa демоқчи бўлса, «Бансийнинг отаси» дейиш ўрнига, «ҳой, жий»<sup>1</sup>, ёки «менга қаранг, жий» дер эди. Бҳажансингх эса кўпинча хотинини расмана «Ҳарнамкаури» деб аташ ўрнига, ҳали ҳам қишлоқчасига «Наъмий» деб қўя қоларди. Шу хатоси тўғайли ўқтин-ўқтин иккаласи енжиллашиб турарди.

Ҳарнамкаурининг амакиси ўғлини уйлантираётган бўлиб, тўй тўйнуқка келиб қолган эди. Орада ўн кунгина вақт қолган эди, холос. Улар Ҳарнамкаурини чақириб хат устига хат ёзмақда. Қишлоқлагилар шаҳарлик карндошларини ўзидан кўра анча уруғлар ичида энг доно ҳисобланарди. Чунончи қишлоқча бориб, тўйга бош-қош бўлиши керак эди. Лекин аслини олганда ўзидан ҳам кўра Ҳарбансингх шу сафарига жуда катта умид боғлаган эди.

Тўйга бориш учун камида икки юз рупия сарф қилиш керак эди. Аввало, бу она-боланинг ўзига янги кийим-кечак, кейин куёвга бирор совға-салом, келинга юз кўрарга бирор нарсa, йўл кира ва бошқа сарф-ҳаражатлар. Энг муҳими Ҳарбансини бўлғуси қайнота-қайнонага манзур бўладиган қилиб ясантириш эди. Лекин бу ёқда Бҳажансингх, пул бугун келади, эртага келади, деб галга солиб ётарди ва Ҳарнамкаурининг еган-ичгани ҳам ичига тушмасди. Хўш, Ҳарнамкаурининг сандиғи қайси дардга даво бўлиши керак? Ахир бу сандиқ бунақа ўнта тўйни эпларди-ку. Лекин гап шундаки, сандиқнинг қорни катта эди, арзимаган бир тўй, деб уни ёришга Ҳарнамкаурининг кўзи қиймасди.

Онасининг сандиғи ва унинг ичидаги сир-синоатни Ҳарбанс

---

<sup>1</sup> Ж и й — одоб-эҳтиромни ифодаловчи кўмакчи сўз. Аслида «дил», «жон» демакдир. (Тарж.)

биларди. Лекин Бҳажансингҳнинг бунақа нарсалардан ҳеч хабари йўқ эди. Унинг ўзи одати шунақа эди: топган пулини уйга олиб келарди-да, уч-тўрт рупияни ажратиб олиб, қолганини хотинига тутқазарди. Уйнинг бутун сарф-харажатларини Ҳарнамкаурнинг ўзи қиларди.

Бҳажансингҳ уч кун овора бўлиб охири юз эллик рупия топиб келди. Сарф-харажат эса икки юз рупия эди, ҳеч қирқиб-сирқишнинг иложи йўқ эди. Бҳажансингҳ ялиниб-ёлвориб Ҳарбансни янги костюм-шим тиктирмасликка рози қилди. Эғнидаги костюм-шими ҳам унча эски эмас эди, бор-йўғи бир ярим йил бўлган эди олганига. Лекин эрининг бу қитмирлиги Ҳарнамкаурга ёқмади. Чунончи, у шартта сандиғидан юз рупия олиб ўғлининг қўлига тутқазди. Қолган кам-кўстини Ҳарбанс ундан-бундан қарз-ҳавола қилиб тўлдирди-да, янги костюм-шим олиб келди. Лекин она-бола ўзидан бошқа ҳеч кимга бунинг исини чиқармади.

Ҳаш-паш дегунча жўнашадиган кун ҳам етиб келди. Ҳарнамкаур билан Ҳарбанс ясаниб-тусаниб, буюмларни тугиб-боғлаб сафарга тайёр бўлиб туришган ҳам эдики, бирдан бир нарса Ҳарнамкаурнинг эсига келиб қолди: озгина ҳўл мева олиши керак экан. Дарров беш рупия бериб, эрини бозорга жўнатди.

Бҳажансингҳ уйдан чиқиб, биринчи муъолишдан ўтаётганда унга Пармешварийнинг онаси дуч келди. Кампир ожизу ноставон танасининг бутун юкини ҳассага ортиб, йўталиб-сўталиб, оёғини битта-битта судраб босиб келмоқда эди.

Бҳажансингҳ сал яқинроқ бориши билан, кампир уни дарҳол гапга тутди:

— Бҳажансингҳ! Чироғим! Мен сенинг олдингга кетаётган эдим. Яхши бўлди, ўзинг йўлда...— Қаттиқ йўтал гапини тугатгани ҳам қўймай, уни хиппа бўғди.

Пармешварийнинг онаси Бҳажансингҳга бегона эмас эди, ўша кўчада турарди. Бошқа ҳеч кими бўлмагани учун қизи билан куёвининг қўлида не-не кулфат чекмоқда эди. Она билан қиз-ку ўзаро қондош-жондош. Лекин қайнона билан куёв ўртасида бир ижтимоий алоқа бор, холос. Бунинг устига кампирнинг куёви ўзи бир қизиқ табиатли одам эди. У ўзига тўқ эди. Тўқ одамлар эса одатда пишиқ бўлади, узоқ бир қариндошини умр бўйи кафилликка олмайди. Бунинг устига бу кампирнинг кўкйўтал деган дарди бедавоси бўлиб, эртаю кеч балғам туфлаб, деворларни бўяб ташларди. Бир йўтали тутиб қолса, бир ҳафта-икки ҳафталаб каравотга суягини ишқалаб ётарди. Кечалари на ўзи ухларди, на уйдагиларни ухлатарди. Хуллас, ҳамманинг жонига тегиб кетган эди. Ҳатто ўзининг тугиб, катта қилган қизи

Пармешварийни ҳам бу узлуксиз касал безорижон қилиб юборган эди. Қизининг ҳоли шу бўлгач, неваралари нима оқибат кўрса тарди. Уларнинг кампирни кўргани кўзи йўқ эди.

Кампир аҳён-аҳёнда келиб Бҳажансингдан дорига бир рупия-ярим рупия тилаб олиб кетарди. Чунончи, ҳозир Бҳажансинг ҳам кампирнинг муддаосини дарров пайқади.

— Оёғингизга бош урай, она!— деб кампирга салом берди Бҳажансинг ҳам ва унинг олдида тўхтади.

— Умрингдан барака топ, чирогим. Болаларингнинг роҳатини кўр. Ҳаммасининг умри узоқ бўлсин...— оғзидан тўхтовсиз дуолар ёғила кетди.

Худо билади, агар кампирнинг йўтали тутиб қолмаганда бу олқишлар яна қанча давом этарди.

— Хўш, нима буюрмоқчи эдингиз, она?— сўради Бҳажансинг ҳам, гарчи унинг муддаоси аён бўлса ҳам.

— Мен нима буюрардим, чирогим. Буюрадиган худонинг ўзи.

Кампир деворга суяниб олди-да, ўша турганича ўзининг бу тун дostonини гапириб кетди. Бу дoston қизи билан куёвининг жабр-зўлмидан бошланиб, дорига келиб тақалди.

Бҳажансинг ҳам шошилдиб турган эди, гезроқ қутулдиш учун кампирнинг гапини бунди.

Ҳа, тўғри айтасиз, она. Бу дунё ўзи гам-гашвинга кел, Хўш, менга нима хизматингиз бор эди?

Ҳажансинг деворга тўғлаб, кампир гапини давом этди:

Ҳажансинг анта сенга, Бҳажан миён ҳолим жуда гап бўлиб қолди. Худойим шу юриб тургап чоғимда олиб қўя қолсам мингдан-минг розийдим. Лекин тилаганга ўлим бермайди. Бҳажан миён, бировни ўзига мақташ уни ёмонлаган билан баробар. Лекин мени кечирасан. Мен сенга айтсам, сен бу дунёга пайгамбар бўлиб келган экансан. Шунинг учун ҳам гариб-бечораларни ҳамма вақт қўллаб юрасан. Ҳеч қайси бир она сенга ўхшаган ўғил туққан эмас.— Кампир уч-тўрт йўталиб олди-да, яна гапида давом этди: — Текин касалхонанинг берган дориси менга унча наф қилмади. Утган ой бир йўталим тутганда катта дўхтир бир қоғоз ёзиб берди-да, шу дорини дўкондан олиб ичкин, деди. Мундоқ-мундоқ тиллага ўхшаш дори экан. Ўзи кичкинагина шиша, нархи етти ярим рупия. Барака топсин Сантамуҳ аттор, жуда яхшилик қилди. Ёнимда тўрт рупия бор эди. Ушани бериб, дорини олиб келдим.

— Хўш, наф қилдими ўша дори?— сўради Бҳажансинг ҳам ошиқиб.

— Наф қаёқда,— деди кампир.— Дорини ичиб турганимда сал тузукдай эдим. Тамом бўлувдики, яна ўша азоб бошланди. Кечалари кўзимни юрсам, ҳар нарса бўлай. Пар-

мешварийга оғиз очгудек бўлсам, худди еб қўяй дейди. Оғзига келганини вайсайди. Охири ўйладим: кел, Бҳажансингхнинг олдига борай, зора раҳми келса, дедим. Чирогим, яна кимга... — Шундай деб туриб кампирнинг яна қаттиқ йўтали тутиб қолди.

Кампирнинг ҳол-аҳволини кўриб, унинг ҳасратини эшитиб, Бҳажансингхнинг юраги ачишиб кетди. У ёқда кампир бутун суякларини силкитиб йўталапти, бу ёқда Бҳажансингх чўнтакларини ковлаяпти. Лекин ёнидан бор-йўги икки ярим рупия чиқди. Ҳарнамкаурунинг бергап пулини қўшса, кампирнинг ҳожати чиқарди, аммо бундай қилганида боши бир қоп ғалвага қоларди. Хотинининг тинчгина жўнаб кетгани яхши эди. Чунончи, кампирнинг йўтали босилди дегунча, Бҳажансингх шошиб-пишиб сўради:

— Она! Анави доктор берган қогоз қани?

— Ҳозир қарайман,— деди-да, кампир ва чўнтагидан гижимланиб кетган ифлос бир қогозни чиқарди. Бҳажансингх қогозни олди-да, деди:

— Бўлмаса, она, сиз уйга кетаверинг. Дорини бир соат-бир ярим соатда ўзим олиб келиб бераман.

— Бола-чақангнинг умри узоқ бўлсин. Худо сенга қўчқордек етти ўғил берсин. Невараларингнинг роҳатини кўр...— Кампир яна қайтадан дуохонликка тушиб кетди. Билган дуоларининг ҳаммасини айтиб тугатгач, деди:

— Аммо, ўғлим, тагин Пармешварийнинг олдида бериб ўтирмагин. Худди ит куйини бошимга солади. Мен ташқарида ўтираман, секин келиб киши билмас бериб кетарсан.

Бир оздан кейин Бҳажансингх бозордан мева-чева олиб уйга қайтиб келди. Хотини отланиб тайёр бўлиб ўтирган эди, гижиллаб қарши олди:

— Намунча йўқ бўлиб кетдингиз? Истансага шошиб турганини билар эдингиз-ку.

— Зарари йўқ,— жавоб берди Бҳажансингх.— Ҳалп анча вақт бор. Йўлда Пармешварийнинг онаси учраб қолди. Уша гапга солиб қолди. Ҳа, айтгандай, менга беш рупия бергил.

Эрининг «пул» деганини эшитиб, Ҳарнамкауру ажабланиш ва жаҳл аралаш деди:

— Менда ўзи бориш-келиш йўл кирага лойиққинна пул қолди. Нимага керак бўлиб қолди пул сизга шу пайтда? Мен ўзим сиздан сўрамоқчи бўлиб турувдим. Сиз бўлсангиз мендан сўраяпсиз қўрққан олдин мушт кўтарар дегандек.

Бҳажансингхнинг тарвузи қўлтигидан тушди. Кундузи эмаски, бировдан бориб қарз олиб келса. Кечаси кимнинг эши-

гига боради? У ёқда ҳойнаҳой Пармешварийнинг онаси эшикда кутиб ўтиргандир. Дорини ҳозир олиб бориб бермаса, тун бўйи кампир бечоранинг ҳоли нима кечади?

— Ахир пул нимага керак бўлиб қолди?— сўради яна Ҳарнамкауэр эрининг гумсум, хомуш ўтирганини кўриб ва сабабини билгач, пешанасига бир уриб деди:— Э, худойим-е! Уша эски одатларингиз ўлгур қолмади-қолмади-да. Биров айтган экан, сичқон снгмас ишга, галвир боғлар думига, деб. У алвасти кампир ўлгур қаерда пойлаб турган экан сизни?

Бу аччиқ танқиду танбеҳни эшитиб Бҳажансингх ичидан зил кетди. Бу заҳарни қулт этиб ютди-ю, лекин ҳар ҳолда хотинини бир ачитмай туролмади.

— Ҳарнамкауэр! — деди у. — Илгари сен бунақа эмасдинг-ку.

— «Бунақа эмасдинг-ку!» Шунинг учун-да шу маҳалгача бор-йўғимни улашиб келдим. — Бирга икки қилиб жавоб берди Ҳарнамкауэр. — Лекин бошқаларни кўриб-кўриб одамнинг ақли кириб қоларкан. Сизга бўлса икки дунёда ҳам ақл кирмайди. Ҳадеб бераверсам, ўзимнинг ҳолим нима кечади, деб ҳеч ўйламайсиз. Нима, бизлар бу ерда пул заводи очиб қўйибмизмики, ким кўрганга бераверамиз!

Биринчи кўриш эсимай келди ўтираворди. Эрининг бу ақбалини кўриб, Ҳарнамкауэрнинг кўнгли ахир эриди. Бундан ташқари у кетиш чоғида эрини хафа қилиб кетгиси йўқ эди. Қолаверса жаҳл устида арзимаган беш рупия пулни деб сал ортиқчадан қўриқиб қўйган эди. Бу эридан кўнглини қўйиб берди ва ўша ердан унинг ғудурлаган овози келиб турди:

— Одамларда ҳам ўзи ҳеч шарм-ҳаё деган нарсa қолмапти. Қўзанинг оғзи минг кенг бўлсин, ит ахир ҳаддидан ошмаслиги керак.

Қўлида букланган беш рупиялик бир қоғозни ушлаб қайтиб чиқди-да, уни эрининг қўлига бермай, зарда билан олдиға улоқтирди.

— Манг, олинг. Лекин мен сизга айтиб қўяй, ҳар кимнинг гапига учаверманг. Мен жуда яхши биладан ўша алвасти кампирни. Нимадан камлиги бор? Бу лаънати шунчаки эшикма-эшик юриб юлишга ўрганган. Одам деган шунчалик ҳам виждонини сотадими! Худо урди-кетди!

Бҳажансингхга бу таъна тошлари Пармешварийнинг онасига эмас, унинг ўзига отилаётгандек туюлди. У бир оз фалсафиёна оҳангда деди:

— Ҳарнамкауэр! Бекордан-бекорга ким бировнинг олдида тиз чўқади? Ахир «тиладинг — ўлдинг» деган гап бор. Одамни виждонсиз қилиб қўядиган нарсa йўқлик-муҳтожлик.

Ҳарнамкауэр бунга жавоб бермади: жўнай деб турганида ик-

ковининг баттар таъби тирриқ бўлиб қолнишдан қўрқди. Бҳажансингх энгашиб ерда ётган пулни худди балчиққа беланган латтани кўтариб олгандек олди. Шу ўртада Жасвант арава олиб келиб қолди. Ҳарнамкаур ҳам ясаниб-тусаниб ичкаридан чиқди.

— Сен аравага ўтириб истансага кетавер. Мен кетингдан етиб бораман, — деди Бҳажансингх хотинига ва кўчага чиқиб кетди.

## 5 боб

Ҳар бир кишининг ўзига хос табиати, одати бўлади. Бҳажансингхга бир нарсa одат бўлиб қолган эди: қачон бирор нарсадан кўнгли лат еб қолса — масалан, хотини билан уришиб қолса — хаёл ва хотиралар қаноти билан парвоз этиб, ўтмиш дунёсига бориб қоларди. Мана, ҳозир ҳам хотини улоқтирган беш рупияни олиб кўчага чиққан чогида худди ўша кайфият уни чулғаб олган эди. У уйдан чиқиб, тўппа-тўғри бозорга қараб йўл олди. Бир бозор кўчани ўтиб, иккинчисига бурилди. Оёқлари юриб боради-ю, лекин эс-ҳуши аллақаерларга кетиб қолганди. Хаёлан у тўрт устун устига қўндирилган том тагида ёғоч йўниб ўтирадиган, янгигина уйланган кунларини сайр этмоқда эди. Ўша вақтда Бҳажансингхнинг даромади-ку ҳозиргидан анча кам эди, лекин барака анча ортиқроқ эди. Ўша арзимаган даромад билан уй-рўзгорни ҳам яхши тебратарди, унча-мунча ҳожатманд қўшниларининг ҳам ҳожатини чиқариб турарди. Янги келин бўлиб келган хотини эса бу ишда ҳамма вақт унга кўмаклашарди. Ўша кезларда рўй берган бир кичкинагина воқеа шу пайтда унинг эсига тушиб кетди. Унинг бугунги воқеага алоқаси бор эди.

Қиш кунларидан бири эди. Энди кўтарилиб келаётган қуёшнинг илиқ нурларидан ҳузур қилиб Бҳажансингх соябони тагида ишлаб ўтирарди. Шу пайт бирдан ўша кўчада турувчи, шарқий вилоятдан келган бир қўшниси унинг олдида пайдо бўлиб қолди. У бир шахсий идорада кундузи югурдак, кечаси қоровул бўлиб ишлаб, ойига ўттиз рупия маош оларди.

— Ҳа, Панжу биродар. Кел, — деб қарши олди уни Бҳажансингх ва соябон олдида турган курсига «ўтир» деб ишора қилди. — Хўш, аҳволлар қалай? Қандай? шамол учирди? — шундай деб сўради-ю, лекин аслида бунинг келиш сабабини биларди. Панжу аҳён-аҳёнда, маоши кечикиб қолган кезларида кириб, уч-тўрт рупия қарз олиб турарди. Бечора каттагина онласи-

ни юртига ташлаб, пул топиш дардида шу ерга келиб қолган эди, пулдан сиқилган эди.

— Давлатингиз соясида юрибмиз, сардоржий, — деди Панжу «Аҳволлар қалай!» деган саволга жавобан ва сўнгра уялиб-суялиб ўзининг арзи-қоллини айта бошлади:— Уйдан хат олдим. Қизимнинг йўқлови<sup>1</sup> келиб қолибди. Қудаларим жуда худо урган чиқиб қолди, сардоржий. Тўй пайтида бераднганимни хўп бердим. Ҳеч кам-кўстини қолдирганим йўқ. Лекин шунга қарамай, қизим эшигидан кириб бориши биланоқ ҳаммаси ҳар чеккадан уни уриб-турта бошлади. Утирса ўпоқ, юрса сўпоқ дейди. Уйга биринчи келишдаёқ қарасак куявериб, йиғлайвериб, қизим бечора бир бурдагина бўлиб қолибди. Хуллас, сардоржий, энди йўқловда яна бир марта ўшаларнинг оғзига урмасам, худо биледи, улар қизим бечоранинг бошига не кунларни солади,— шундай деди-ю, Панжу ҳўнграб йиғлаб юборди.

Панжунинг дард-ҳасратини эшитиб Бҳажансингхнинг кўнгли бир хил бўлиб кетди. Лекин Панжуга оз-овлоқ эмас, йигирма беш рупия кераклигини билгач, нима қилишини билмай қолди. Хайриятки, Панжунинг қизининг йўқлови ўн-ўн тўрт кундан кейин бўларкан. Пулни беш-олти кундан кейин юборса, ҳеч зарари йўқ. Шу билан эди шунда Бҳажансингх бир нафисини қилиб пулни топиб берарди. Чунончи, у Панжуга тасалли бериб деди:

— Ҳеч ташвиш қилма, Панжу биродар. Тўрт кундан кейин келсанг, айтган пулнингни нақд олиб кетасан.

кўринг, — деб миннатдорчилик билдирди-да, Панжу чиқиб кетди.

Панжу кетиб, Бҳажансингх қўлидаги камончасини энди уч-тўрт марта тортувди ҳамки, чиройликкина бир сиймо ташқаридан мўралаб қолди. Чиройликкина юз-кўздан кейин бир келишган навқирон тана намоён бўлди. Уни кўрди-ю, худди ҳусн жоду қилгандек, Бҳажансингхнинг қўлидаги камонча таққа тўхтаб қолди. Гулга кўмилиб, тебраниб турган шох сингари, ёшлик ҳусн-малоҳати билан тебраниб суюкли хотини «Наъмий» ичкарига кириб келди. Келиши биланоқ сурма ранг рўмолининг учи билан эрининг танасига ёпишган қипиқларни артиб-сурта бошлади ва меҳр тўла оҳангда эркалик билан деди:

— Бугун чой ичишни ҳам эсдан чиқариб қўйдингизми?

Бҳажансингх хотинининг навбаҳордек танасидан ва булбул-никидек ёқимли овозидан кўзлари ва қулоқлари орқали роҳат қилиб жавоб берди:

---

<sup>1</sup> Тўйдан сўнг келин эриникида бир оз туриб, отасиникига қайтиб келади ва шу ерда анча туради. Сўнгра куёв келиб, олиб кетади (Тарж.).

— Мана, ҳазир-да. Озгинагина иш қолди. Шунн бўламуну бораман.

— Э!.. — Эркаланиб норозилик билдирди хотини. — Қорин оч бўлса, қулоққа гап ёқадими. Олдин бориб, тамадди қилиб олинг, кейин келиб қиласиз ишингизни.

— Шунақа тиқилинч қилмагини-да, Наъмий, — деди Бҳажансингҳ ясама жаҳл билан. — Энди бугундан бошлаб кечалари ҳам ишлашга тўғри келади.

Наъмий ўша-ўша норозилигу эркалик билан эрининг қўлидан тортиб қистар экан, деди:

— Ҳа, кечалари-ю эрталари-ю ишлайверасиз. Кундузи камлик қилади сизга ишлашга. Ахир кечасини худо ухлашга яратганми, ишлашга яратганми?

Наъмийнинг нозиккина танасида-ку бир норғул йигитни кўтариб турғазишга лўйиқ куч-қувват қаёқда. Аммо унинг ҳусн-маълоҳати, ишва-нозлари филни ҳам ётган жойидан турғазишга қодир эди. Чунончи, Бҳажансингҳ бу кучга қандай қилиб бардош берарди?

— Бутун кечалаб-ку ишламоқчи эмасман, — деди у ўрнидан турар экан. — Лекин бир бечоранинг ҳожатини чиқариш учун кечаси ҳам уч-тўрт соат ишласам, мендан нима кетади?

— Ким экан у? — сўради Наъмий эрининг тўқмоқдек оғир ва дағал қўлини ўзининг гулдек нозик ва мулоим қўллари билан ушлаган ҳолда. — Ўзим ҳам сўрамоқчи бўлиб турувдим, бу эрталаб-азонда ким билан суҳбатлашиб қолдингиз деб. Ҳа, майли, келинг, олдин бориб чўмилиб олинг. Иссиқ сув қилиб қўйдим, совиб қолади. Кейин нонуштага ўтирганингизда гапириб берасиз.

Бҳажансингҳ ювиниб бўлиб, калима келтирган ҳолда ошхонага кириб келди ва нонушта қилишга ўтирди, Наъмий маска ёғда пиширилган иссиқ-иссиқ қатламчаларни ва бир кичкина идишда янги қилинган сариёғни мис лаганда эрининг олдига қўйди-да, сўнгра деди:

— Хўш, энди айтинг-чи, нима гап ўзи?

Бҳажансингҳ ҳалиги шарқлик мусофирнинг дард-ҳасратини-ю унинг қилган илтимосини битта қўймай гапириб берди.

— Юраги намунча тўш экан бу одамларнинг. — Товадан янги қатламани олиб эрининг лаганига солар экан, уҳ тортиб деди Наъмий, — бошида бир кун ўлим борлигини бутунлай унутиб қўйган одамлар. Ахир бировнинг бутун бошлиқ қизини олиб келдинг уйингга, яна нима ҳақинг қолди у бечорада? Ҳеч меҳмурувват деган нарса қолмади одамларда. Хўш, энди сиз нима деб жавоб бердингиз унга?

— Мен... мен, уч кундан кейин келиб олиб кетгин пулни, де-

дим, — жавоб берди Бҳажансингх мис стакандаги лассийдан бир ҳўплаб. — Қалламга бир ўй келди: бугун, эртага кечалари ҳам озгина ўтириб иш қилсам, индинга пешингача ишласам, ҳаммасини бир қилиб дўкондорга олиб бориб топшираман, ўшандагина керакли пул қўлга тегади.

Бу гапларни эшитиб Наъмий чуқур ўйга толди. Буни кўриб Бҳажансингх сўради:

— Ҳа, намулча ўйланиб қолдинг, Наъмий?

— Менинг ўйлаётганим шуки, бечора не умид билан эшигингизга келган экан, сиз уни қуруқ қайтариб юборибсиз. — Жавоб берди Наъмий. — Қизни уйига жўнатишдек нозик масала бўлса. Қачон почтадан пул етиб боради-ю, қачон қиз уйига жўнайди.

— Лекин, Наъмий, қўлимда бўла туриб йўқ деганим йўқ-ку. Менинг ёнимда нари борса ўн рупия пул бор. Бу билан унинг иши битармиди?

— Лекин мендан ҳам бир оғиз сўрасангиз бўлмасмиди. Жуда узоқ эмасдим-ку. Хотин кишининг бисоти ҳар қанча арзиманган бўлса ҳам, зарур бўлиб қолганда, ундан ҳам унча-мунча чиқади.

Хотинининг бу меҳрибонлигини кўриб Бҳажансингхнинг кунгли ийиб кетди ва бу фаршасифат аёлнинг оёқларини кузига суртгиси келиб кетди. Наъмий лип этиб туриб, қўшин хонага кириб кетди ва у ердан бир кичкина тугунча олиб чиқди.

— Лекин, Наъмий, — деди Бҳажансингх ҳайрон бўлиб, — йиғиб қўйганимга яна озгина қўшиб-чатиб, шойи кўйлак тиктирмай, деб юривдинг-ку?

— Ҳа, шойи кўйлак қочиб кетяптими. Шунинг санаб кўринг-чи, қанчайки. Қамини ёнингиздан қўшинг-да, ҳозироқ бориб, бериб келинг бечорага.

Бҳажансингх ўша заҳоти хотинининг ҳукмини бажо келтирди. Хотининики-ю ўзиники бўлиб Панжуга керакли пул чиқди. Ҳатто уч-тўрт танга ортиб ҳам қолди.

Тўсатдан Бҳажансингхнинг эс-ҳуши ўзига келиб, у ўтмишдан ҳозирги кунга қайтиб келиб қолди. Бундай қараса, европача дорилар сотиладиган дўкон ҳў орқада қолиб кетибди. Дарҳол кетига қайтди.

## 6 боб

Болалик билан йигитлик ўртасида жуда ҳам кичкина, шоят соч толасидан ҳам кичкина бир масофа бўлади. Лекин одамзод, бу чегарага келганида шу кичкинагина масофа унга бепоён ва

тубсиэ денгиз бўлиб кўринади. Унинг кўксида олам-жаҳонни қамрайдиган ўй-туйғулар тўфони кўтарилла бошлайди. Унинг қалб даласига бу фикр-ўйлар, ҳис-туйғуларнинг уруғи қачон сечилган, уларни ким сочган, йигитлик фасли келиши билан улар бирдан қаёқдан униб чиқа бошлайди — бундан одамнинг ҳеч хабари бўлмайди. Гўё одамнинг қалбида ҳис-туйғу, орзу-истаклар яккам-дуккам чизиқлар билан хомаки сурат шаклида ифодаланган бўлади-ю, вақт келиши билан рангга тўлиб, аниқ қиёфа касб эта бошлайди.

Болалик фасли тугаб, йигитлик фасли бошлана борган сари, Жасвантнинг қалбида турли-туман ўзгаришлар рўй бера бошлади, унинг ҳаёт тупроғига қачонлардир сочилган уруғлар униб чиқа бошлади. Лекин уруғнинг униб чиқиши бир гап-у, ниҳолнинг униб ўсиши бутунлай бошқа гап. Тош тагида ётган уруғ ҳам ернинг нами ва ҳароратидап баҳра олиб, униб чиқиши мумкин. Лекин шу униб чиққан нарсга эҳтимол камол топиб кетар, эҳтимол нобуд бўлар. Унинг ўсиб-униши учун қуёш нури ва мусаффо ҳаво керак. Жасвант ҳам худди шунақа бир ниҳол эди. У жисмоний жиҳатдан ҳам, руҳий жиҳатдан ҳам ўсиш, улғайиш имконидан бутунлай маҳрум бўлиб келган эди. Еш болалик чоғиданоқ ота-онасининг меҳр-шафқатини билмай келарди. Бошқача айтганда, ота-онаси бўлиб туриб, етим, туғишганлари ичида худди ўгайдек эди. Ота-онаси ва туғишган акаси учун синиқ қадоқ тош ҳам, бу ҳам бир эди. Унинг жонига оро қирадиган, болалик кўнглини иситадиган бирдан-бир киши буваси эди. Шу бувасининг меҳр тўла қучоғи ҳароратидан баҳра олиб, унинг насиҳат ва дуолардан илҳомланиб мактабдаги ўқиш-ёзиш ва уйдаги касб-ҳунар билан овуниб юарди.

Лекин шум тақдир Жасвантнинг шу кичкина таянчини ҳам кўп кўрди, мушфиқу меҳрибон бувасини ундан тортиб олди.

Бобо Матабсингхнинг ўлим, уйдаги бошқаларга роҳат келтирган бўлса, Жасвантни буткул хонавайрон қилди. Бошқалар марҳумнинг жасадини ўтга топшириб, тўрт кунда уни унутиб юборган бўлса, Жасвантни бу жудолик ғами узоқ муддатгача эзиб ётди. У бутунлай ўзини йўқотиб қўйди: на бировнинг гапи қулогига ёқади, на бирор ишга қўли боради. Ҳатто ўқиш-ёзишга ҳам нштиёқи қолмади.

Маргимуш жуда хавфли заҳар. Лекин табибларнинг фикрича, бирор-бир одамга агар ёқиб қолгудек бўлса, унга худди оби ҳаётдек таъсир қилармиш, унинг танасини худди пўлатдек мустаҳкам қилармиш. Бу фикр қанчалик ҳаққоний — буни айтиш қийин, аммо бувасининг ўлими Жасвант учун мар-

гнмуш бўлиб, аввалига уни жуда олиб бориб-олиб келди, лекин вақт ўтиши билан унинг учун оби ҳаётга айланди.

«Қиши ғам-андуҳини ишга кўмса, ундан хурсандлик унади»— дерди буваси. Бувасининг мана шу соддагина гапига амал қила бошловдики, Жасвант дарҳол бунинг нафини сезди. Бобосининг бу гапи шунчаки бир ўғит-насиҳатгина эмас, балки бир мўъжизадек туюлди унга. Бувасининг ўғит-насиҳатларию дуолари наф қилиб, Жасвантдаги умидсизлик ўрнини умид ва маъюслигу тарки дунё ўрнини завқу шавқ, ғайрат-ҳафсала эгаллай бошлади. У ўқишда довол кетидан довол ошиш билан бирга, ишда хунармандлик чегарасидан ўтиб, санъаткорлик чўққиларига яқинлашиб борарди. Унинг кундан-кунга ишхонага меҳри ортиб борарди. Ўқиш-ёзишдан қанчайики вақти қолса, ҳаммасини шу ерда ўтказарди. Уйдагиларга фақат иш керак эди, бошқаси уларни қизиқтирмасди. Чунончи, Жасвантнинг ишхонага иштиёқи ортиб борган сари, ундан наф сезиб, уйдагилар ҳам унга бирмунча эътибор қиладиган бўлиб қолди.

Ишхонада ўтиришга иштиёқ уйғонувди ҳамки, ишхонанинг афт-ангори унинг диққатини ўзига торта бошлади ва у тўрт устун, хомаки том ва тақир ердан иборат соябонни йўқотиб, ўрнига бир расмий иморат қилишни йўқотиб қўйди. Бу фикрни отасига айтган эди, у ҳам рози бўлди. Чунки бу соябон Бўҳажаннинг ҳам қўлдан бери қониқтирмай юрарди: у одамни на офтоб-жазирамадан саклай оларди ва на ёғин-сочин совуқ-

тўзон ясалган буюмларга ўтириб, уларга берилган ишлов-оройишни ҳам бирмунча еб қўярди.

Ота-боланинг муштарак меҳнати ва унча-мунча сарф-харажат билан тез кун ичида янги режа ҳам амалга ошди. Тўрт устунли том ўрнига расмана тўрт девор кўтариб, устига тунукали том қилинди. Төмдан ўтадиган иссиқ-совуқни тўсиш учун қалин картондан шип қилинди. Оёқ ости тахтали пол бўлди. Шундай қилиб, оддий соябон ўрнида расмана бир устахона вужудга келди. Лекин шунинг ўзи билан Жасвантнинг кўнгли тўлмади. У гир айланган девор билан шипни кўнгилдагидек қилиб бўяди. Кейин, ҳудуд билади қаёқ-қаёқлардан, қайси-қайси журналлардан турли-туман расмларни топиб келди. Уларни ўзига муносиб картон парчаларига ёпиштирди, картонларнинг четини турли хил ҳошиялар билан безади ва ҳаммасини тўрттала деворга осиб қўйди. Натижада, бу хона оддий бир устахона бўлиб қолмай, гўё бир музей тусини олди, Жасвант расмларни ҳам бир хос усул билан тўплаган эди. Уларнинг барчаси қадимий сангтарошлик намуналари эди: Ажанта ғорларида ва бошқа ғорларнинг қоя деворларига тараб-лаб солинган суратлар,

Орисса вилоятининг Девгирий ибодатхонасидаги темир ва мисдан ишланган маъбуд-маъбудаларнинг ҳайкаллари, Сатара вилоятидаги Панггиний тоғидан олиб келинган қудрат худоси, Балешварнинг расмлари, Мадрас шаҳри яқинидаги Маҳабалипурам минораларининг фотосуратлари ва ҳинд сангтарошлик санъатининг яна хилма-хил юксак намуналари бор эди. Коллекцияда булардан ташқари бошқа, хорижий мамлакатларда яратилган тасвирий санъат намуналари ҳам бор эди. Кунлар ўтиши билан баробар бу ажойибхона деворларидаги расмларнинг сони ҳам кўпайиб борди. Нарироқ бориб устахона деворидаги зебзийнатга яна баъзи бир нарсалар қўшила бошлади. Булар қалам, ручка ва мўйқалам билан Жасвантнинг ўзи ясаган расм ва нақшлар эдики, булар Жасвантнинг рассомлик санъатига ружу қилаётганидан далолат берарди.

Ишхонани ясатиш-безаш билан бир қаторда, Жасвант ўзининг ҳунар-маҳоратини ошириш устида ҳам тинмай тер тўкарди. Бҳажансингхнинг қўллари ўша эски, содда ишга ўрганган қўллар эди. Лекин Жасвант ўзи ясаётган буюмида санъат деган нарса кўринмагунча ҳеч кўнгли ўрнига тушмасди. Шу одати туфайли у ҳатто отаси ясаган ҳар бир буюмни ҳам албатта бирров ўз қўлидан ўтказарди. Бҳажансингхнинг устахонасидан энди аста-секин тароқ, билагузук, каравот-курси оёқларидан ташқари, бир неча хил нозик нарсалар ҳам чиқа бошлади. Қанча вақти, қанча меҳнати кетса кетсин, лекин Жасвант ҳар бир буюмни ўз қўлидан ўтказиб, ўз дидига мувофиқ роса маромига етказмагунча бозорга жўнатмасди.

Жасвант жон-жаҳди билан ишга берилиб, уйдагилар олдида-ку кундан-кунга қадр-қиймати ошиб бормоқда эди. Лекин шу билан бирга унинг бир одати уйдагиларни ёмон гижинтирарди. У ҳам бўлса унинг сусткор-эзмалиги, яъни бирор буюмни шартшурт қилиб битириб қўя қолиш ўрнига уни ҳадеб йўниб-йўмтаб, силаб-сийпаб ётиш одати эди. Унинг қиладиган иши худди ўтакетган ҳудожўй одамнинг узлуксиз тоат-ибодатини эслатарди.

«Сабр меваси ширин бўлади», деган гап бор. Жасвантнинг сусткорлиги даромадга зарба бериши ҳаммага аён, лекин шу нарса ҳам равшан эдики, ҳар бир нарсага ҳусн бахш этишга, уни яшнатишга боланинг иштиёқи зўр эди. Яна шуниси ҳам бор эдики, манаман деган усталарнинг моҳир қўли яратган бирор буюмни, — ҳар қанча мураккаб, ҳар қанча қийин бўлса ҳам, — бир марта яхшилаб кўриб олса бас эди — дарров ўзлаштириб оларди, худди ўшандай, ҳатто ундан ҳам кўра яхшироқ қилиб ясашга қурби етарди.

Омаду комронлик тангриси қўллаган Жасвант ўз иш-ҳунари, санъати билан машғул бўлган ҳолда тез кунда болалик ва йи-

гитлик туташган нуқтага етиб келди. Ун етти ёшга кирдим деганда бир томондан, ўнинчи синфни мақтовга сазовор равишда битирди, иккинчи томондан, ўз касб-хунари соҳасида бир қанча тийран ва юксак марраларни эгаллашга муваффақ бўлди. Кунда қиладиган амалий ишидан ташқари у тасвирий санъат тўғрисида китоблардан ҳам анча назарий билим ортирди. Натижада жуда кўп манаман деган усталар учун фақат тирикчилик востаси бўлган ҳунар Жасвант учун руҳафзо санъат бўлиб қолди. Бу санъатнинг нозик сирлари ечилиб борган сари Жасвант ўзини гўр ва оми ҳис қила бошлади. Бу эса унинг ғайрат ва иштиёқига туртки бўлди ва у ҳар қанча қийин бўлса ҳам, ҳар қанча риёзат чекишга тўғри келса ҳам бу санъатнинг энг юксак чўққиларини эгалламай қўймайман, деб аҳд қилди.

Унинг қўлидан маҳсулот кам чиқарди, лекин чиққани олтинга баробар бўларди. Бу уйдан чиққан маҳсулот бозорда машҳур эди, оғизларда дoston бўлиб қолган эди. Бу уйдаги сирдан хабарсиз кишилар, Бҳажансингх Аградан бир катта устани топиб келибди, дер эди. Биланлар эса, йўқ, бунинг ҳаммаси кичкина ўглининг қаромати, дерди.

Ота-бобосининг касбидан нафрат қилувчи, еттинчи синфни ҳам ярмида ташлаб, бир идорада арзонмаган бир мушсий бўлиб олган акаси Ҳарангга қарама-қарши ўтараёқ, Жасвант шу касб-хунарга бутун меҳрини қўйиб, отасининг ўнг қўли бўлиб қолди. Лекин Бҳажансингх бу «ўнг қўлга» қанча умид боғлаган бўлса, шунинг билан биринчи ҳам нўсба чиқмай турарди. Жасвантнинг сусткорлиги кундан-кунга кучайиб, ишнинг унуми ҳам азали зарба бермоқда эди. Ваҳоланки, Жасвантнинг шундай қўли гул бўлиб туриб, ота-боланинг айни пулни пул билан ўйнайдиган вақти эди. Ахир Жасвантнинг ясаган буюмлари бозорда қўл-қўлга тегмас эди. Ҳатто бир неча катта-катта дўкондорлар катта-катта пулни олдиндан бериб, Бҳажансингх билан шартнома тузишнинг пайида юарди. Аммо ўглининг сусткашлигини кўриб туриб, Бҳажансингх ҳеч ким билан шартнома қилишга журъат қилолмасди. Жасвантга на панд-насихат, ялиниш-ёлвориш қор қиларди, на дўқ-пўписа. Ҳар қанча гапни миқ этмай эшитиб ўтираверарди. На «ҳа» бор, на «йўқ». Бозор шаҳрида отнинг ҳам, эшакнинг ҳам нархи бирлигини Жасвант ҳам худди отасидек яхши тушунарди. Лекин, шундай бўлгач, отвозликни ташлаб, эшаквозлик қилиш керак, деган отасининг фикрига мутлақо қўшилолмасди. Жасвантнинг бу турқ-атворидан уйдагиларнинг — отасию онаси, акаси — ҳаммасининг жуда жони ҳалқумига текилган эди. Акаси айниқса уни еб қўйгудек бўларди. Лекин бу сирли кўза ҳеч ўзига намни юқтирмасди. Уйдагилар жуда жонига тегаверади деган бўлса, секингина кўчага чиқиб ке-

тарди-да, аллақасеқларда сандироқлаб юриб, алланарсалар билан шугулланиб кунни ўтказарди. Қоронғи тушириб уйга қайтиб келарди ва яна ўша таъна тошлари бошига ёғиларди. Шунда у секин ўрнига чўзилиб, уйқуга кетарди. Акаси Ҳарбанс баъзан жаҳлига чидаёлмай, икки-уч тарсаки ҳам тортиб юборарди. Лекин Жасвант буни ҳам индамай ичига ютиб кетаверарди. Гоҳо хўрлиги келиб, кўзига нам олган чоғида ҳам, буни ҳеч кимга кўрсатмасди.

Низони ҳал қилишнинг бошқа йўли қолмагач, ўртада уриш чиқади. Бу тўғри Лекин уришда ҳам ютуқ насиб бўлмаса, бўйинни ҳам қилишдан бошқа илож қолмайди. Жасвантнинг уйидагилар ҳам охири тавбасига таяниб, Жасвантни ўз ҳолига ташлаб қўйишга мажбур бўлишди. Чунки шундай қилинмаса, Жасвантдан тегиб турган унча-мунча фойдадан ҳам маҳрум бўлиб қолиш хавфи бор эди.

Лекин онаси билан акаси қишлоққа тўйга жўнаб кетгач, Жасвант эртаю кеч уйда бўладиган бўлиб қолди. Сигир-бузоққа қараш, овқат қилиш, супуриб-сидириб — хуллас, уйдаги ҳамма юмуш унинг бўйнига тушиб, бир ёқда ишхонадаги йўниш-тарошлаш ишлари билан банд бўлиб, у ёқ-бу ёққа боришга қўли ҳам тегмайдиган бўлиб қолди.

Қадимдан Амритсар шаҳри фил суягидан буюмлар яшаш бобида номи чиққан. Ҳолбуки, бу касбнинг асосий маркази Агра ҳисобланади. Лекин бу ҳунар Аградан секин-аста Жайпурга, Деҳлига ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларига тарқалди ва йиллар ўтиб Амритсарга ҳам етиб келди. Чунончи сикҳ давлати барпо бўлган даврдан бошлаб шу кунгача бу шаҳарда фил суягидан қилинган буюмлар савдоси қизғин.

Ҳиндистон озод бўлгандан кейин чет эллик сайёҳлар ва ҳар турли делегациялар кўплаб кела бошлаши натижасида, мамлакатда фил суягидан қилинган буюмларнинг, айниқса, санъат буюмларининг бозори жуда чаққон бўлиб кетди. Аслини олганда бу қўл ҳунари дунё бўйича фақат Ҳиндистонга хос. Европада фил деган нарсанинг ўзи йўқ. Фил фақат икки жойда — Африка билан Ҳиндистонда бор, холос. Чунончи, Ҳиндистонда чиқадиغان фил суяги шу ернинг ўзидан ортмайди. Лекин Африкада чиқадиغان фил суягининг ҳам етмиш-саксон проценти шу Ҳиндистонга келади. Тўғри, кейинги чорак аср ичида фил суягига ишлов бериш ҳунари Европада ҳам унча-мунча тарқалди. Бироқ европаликлар бу ишда унча муваффақиятга эриша олмадилар. Сабаби шуки, биринчидан, бу фақат қўл ҳунари, бунинг устига жуда майда меҳнатни талаб қилади. Машинага ўрганган Европа кишилари эса бунчалик майда, қўл меҳнатига тоқат қилиша олмайдди. Ҳиндистонда эса бу касб жуда узоқ анъанага

эга. Чунончи бу ҳунарниг нозик-нозик томирларини ушлашда хорижий усталар ҳиндистонлик усталарга сира ҳам тенг кела олмайдилар. Бунинг яққол далили шуки, Ҳиндистонга келиб қолган манаман деган европаликлару америкаликлар бу ердаги усталарнинг яратган нарсаларини кўриб, оғизлари очилиб қолади ва юртларига қайтиш вақтида уйдагиларга совға-салом олаётганда даставвал шу фил суягидан ясалган нарсалар уларнинг кўзига ташланади.

Чет элликлар келадиган ва истиқомат қиладиган асосий жой Деҳли бўлгани туфайли фил суягидан ясалган буюмларнинг асосий бозори ҳам, шубҳасиз, шу шаҳарда эди. Деҳлида тез кунда бу савдо шу қадар ривож топиб кетдики, натижада шаҳарнинг турли жойларида — Жома масжид, Чанданий чаук, Каннат плейс, Қизил қалъа ва бошқа жойларда фил суяги билан савдо қилувчи қанчадан-қанча дўконлар пайдо бўлди, Агра, Жайпур ва бошқа шаҳарлардан қанчадан-қанча ҳунаремандлар Деҳлига келиб ўрнашиб олишди. Сабаби, бу ерда уларга лойиқ иш ҳам кўп, меҳнат ҳақи ҳам яхши эди.

Фил суягидан қилинган буюмлар савдоси Деҳлида ривож топиб борган сари Амритсар бозори файзини йўқота борди. Лекин шундай бўлса ҳам, бу ердаги ҳунаремандлару савдогарларга бу буюмларга сарфлаб бергани йўқ. Нархларини Деҳлида наоми буюмларга эҳтиёж жуда ошиб кетди, бу ердаги савдогарлар шу ернинг маҳсулотига қаноат қила олмай, бошқа жойлардан, жумладан Амритсардан ҳам мол олиб келадиган бўлдилар. Лекин

Деҳли савдогарлари уларнинг молини арзон-гаров олиб келиб, Деҳлида икки-уч барабар ортиқча сотишарди. Буни кўриб, амритсарлик савдогарлар қараб туришолмади. Бинобарин, тез кунда улар ҳам Деҳлига келиб дўкон оча бошлашди.

«Панжоб ҳунаремандлик моллари» савдо фирмасининг эгалари Мантасингх билан Гурдитсингх ҳам олгирилкда ҳеч кимдан қолишмасди. Иккови бир ёқадан бош чиқариб шартта Деҳлида Жома масжид ёнида дўкон очиб олди. Биттаси Деҳлидаги дўконни қўлга олди, иккинчиси Амритсардаги ишни бошқарди. Иккови ҳам ўз ишига жуда уста эди, пул-маблаг бисёр эди. Чунончи, тез кунда уларнинг Деҳлидаги дўкони жуда тўллаб кетди. Гурдитсингх муттасил Амритсардан мол тўплаб Деҳлига юбориб турарди, Мантасингх эса бу молни, устига катта фойда қўйиб шатиллатиб сотарди. Ишнинг ҳавосини олиб борган сари, буларнинг иштаҳаси ҳам очилиб бораверди. Энди тайёр мол билан қаноатланмай, хом ашёни олиб сотишга ҳам ружу қилиб қолишди. Ассомдан ва Африкадан фил суягини кучи етганича олиб келиб, ўзидан ортганини бошқа савдогар-

ларга кўтарасига сота бошлашди. Иши шундай гуллашига қарамай, бир тўсқинлик уларни ранжитиб турарди. У ҳам бўлса, Деҳли бозорида чаққон бўлган, чет эллик харидорларнинг дидига мос келиб, уларнинг чўнтагидаги пулини бетўхтов суғуриб оладиган мол амритсарлик усталарнинг уйидан жуда кам чиқиши эди. Хусусан, фил суягидан ясалган қутичалар, шахмат тахталари, портсигарлар, Тож Маҳал акси, Ганди ва Неру ҳайкалчалари, фил карвонлари ва ҳоказолар чет эллик харидорларни жуда қизиқтирарди ва қанчалик нозик ва ҳашаматли пшланган бўлса, шунчалик қадр топарди. Мол дидига ёқиб қолса бўлди, харидор пулнинг юзига бормасди. Амритсарда эса бунақа аъло даражадаги нозик буюмларни ярата оладиган моҳир ҳунармандлар кам эди. Улар савдогарларнинг ярим эҳтиёжини ҳам қондира олмасди. Шунинг учун ҳар бир савдогар яхши-яхши ҳунармандларни катта-катта пулга учуриб, шартнома кншанига солиб олиш пайига тушган эди. Уста хоҳласин савдогарга ишчи бўлиб ёнлансин, хоҳласин муайян муддатда, муайян миқдорда маҳсулот топширсин, ишқилиб, шартнома тузотига илинса бўлгани.

Шу ўртада Бҳажансингхнинг уйидан чиқа бошлаган ажойиб буюмлар Амритсар савдогарларининг диққатини ўзига тортди. Буларнинг ичига лампочкалар ўрнатилган бўлиб, уларнинг ёриғда одам худди асл Тож Маҳал ва асл Қутб Минорни кўриб тургандек бўларди. Илгариги оддийгина тарақ-билагузук сингари нарсалар қаёқдаю, эндиги панжарасимону тўрсимон, ўймакор нозик нақшин буюмлар қаёқда! Айниқса Жасвант ясаган Тож Маҳал ва Қутб Минор ҳаммани ҳайрон қолдирарди. Буларнинг ҳаммаси Жасвантнинг ҳунари эканини билмаганлар, бу ҳафтафаҳм-пайтавақулоқ Бҳажансингх тўсатдан қандоқ қилиб шундоқ моҳир бўлиб қолди, деб ёқасини ушларди. Бир купи Бҳажансингх фил суягидан америкача тарзда ишланган бир жуфт бўйинга тақиладиган зеварни кўтариб Гурдитсингхнинг дўконига келгандан кейин эса бу уйда ясаладиган буюмларнинг яна ҳам донғи кетди.

Амритсар бозори бунақа ажойиб нарсаларни ҳазм қила олмасди: Чунончи Гурдитсингх уларни қўлга тегди дегунча Деҳлидаги дўконга жўнатаверди. У ердан эса Мантасингх яна юбор, кўпроқ юбор, деб талаб қила бошлади. Шу билан бирга у хат ёзиб, шу буюмларни ясовчи усталар билан ҳар қандай қилиб бўлса ҳам шартнома тузиб, узоқ бир муддатга уларнинг оёқ-қўлини боғлаб олиш керак, деб кўрсатма берди. Ҳар қанча аванс талаб қилса, бериш керак, аммо шу нарсага эҳтиёж бўлиш лозимки, уларнинг бурни кўтарилиб кетмасин, деб таъкидлади. Шундан кейин айёр савдогар Гурдитсингх бисотидаги барча

макр-хйллани ишга солиб Бҳажансингҳни қўлга олиш пайига тушди. Аввалига бир неча кунни дўстлик ипини боғлашга сарфлади: гоҳ ёнида пул сарфлаб Бҳажансингҳни кинога олиб кирган, гоҳ ёнида олиб юриб, у ёқ-бу ёқни сайр қилдирган ва ҳоказо. Булар иккови ҳамватан эди. Ундан кейин унча-мунча сарф-харажат Гурдитсингҳга оғир тушмасди. Шу нарсалар ҳам унинг ишини анча осонлаштирди. Гурдитсингҳ секин-аста ишоракиноялар билан Бҳажансингҳнинг онгига таъсир қила бошлади, яъни, онам қўлидан келганича хўн давлат ортириб, ҳаётнинг роса кайфини суриши керак, деган ғояни талқин этди. Ора-сира Бҳажансингҳнинг кўримсизгина кесак деворли уйини унинг эсига солиб, бошқаларнинг пишиқ гишту бетондан қилинган данғиллама иморатларини гапириб, куйинган бўлиб дерди:

— Бҳажансингҳ оғайни! Негадир сен менинг жуда кўнглимга ёқиб қолдинг. Лекин битта нарсани ўйласам ичимдан зил кетаман. Мен бир саройда турсам-у, менинг жонажон оғайним арзимаган бир кулбада ғариб-бечораларга ўхшаб кун кечирса — бу қандоқ бўлди, деб ўйлайман.

Бунга жавобан Бҳажансингҳ камбағаллигини ўз пешанасидан кўрса, Гурдитсингҳ кулиб дерди:

— Э, оғайни! Одам уз тақдирини уз яратди. Хоҳласан, иккаламиз баҳс боғлашамиз: бир йил, ҳатто олти ой ичида сенинг уйинг ҳам худди меникидек бўлиб қолмаса, ўшанда айта-

бир оз кун ушандан кейин Гурдитсингҳ кўрдикки, Бҳажансингҳнинг кўнгли анча ўзгариб қолди. Шундан кейин у ниҳоятда дўстона ҳамдардлик билан унга пул ишларининг бир йўлини таклиф қилди:

— Агар хоҳласанг, мен акамни кўндириб, фирманинг касасидан сенга беш юз ёки ҳатто минг рупия нақд олиб беришим мумкин. Ҳар қанча зарар кўрган чоғида ҳам акам менинг гапимни ҳеч ерда қолдирмайди. Номига бир шартнома қилиб қўйилади, холос.

Гурдитсингҳнинг таклифи Бҳажансингҳга жуда маъқул бўлди. Лекин у «номигагина қилинадиган шартномадан» бир оз чўчиб, ўйланиб қолди. Чунки, у бу ўйинни Жасвантга орқа қилибгина ўйнаши мумкин эди. Жасвант эса айни ўша кунларда учар қуш бўлиб, думини тутқазмай юрарди. Жасвант пойшикаст ўтириб ишлайдиган бўлмагунича бу ўйинни бошлашга ўрин йўқ — охири вой бўлиши турган гап эди. Ҳар қанча панд-насиҳат Жасвантга қор қилмаслигини-ку Бҳажансингҳ жуда яхши биларди. Лекин шу билан бирга қўлга қўниб турган омад қушийни учуриб юборишга ҳам ҳеч кимнинг кўнгли йўқ эди.

Ахир минг рупия-я! Бундай катта пулни у тушида ҳам кўрган эмас. Тўсатдан бир меҳрибон дўсти таклиф қилиб қолди. Бўлмаса қаяқдайди!

Ҳарнамкаурнинг қишлоққа кетганига йигирма кунча бўлган. Бугун-эрта қайтиб келиб қолиши керак. Чунончи, Бҳажансингҳ, мен, онаси, акаси — ҳаммамиз бир бўлиб яна бир ўртага олсак, ажаб эмас Жасвант гапга кириб қолса, деб ўйлади. Шундай деб кўнглидан ўтказди-да, Гурдитсингҳга бундай деб жавоб берди:

— Эрта-индинга кеннойинг қайтиб келади. Иккаламиз маслаҳатлашиб кўрамиз-да, кейин сен нима десанг, ўшандоқ қиламиз.

Бу жавобдан Гурдитсингҳнинг кўнгли тасалли топди.

## 8 боб

Чорак кам бир ойни қишлоқда ўтказиб, она-бола қайтиб келгач, Бҳажансингҳ билан Жасвантнинг шодликдан кўзлари чақнаб кетди. Иккови пешиндан кейинги поезддан тушди. Ҳарбанс кўчаданоқ ошна-оғайнилариининг олдига жўнади. Ҳойнаҳой уларга айтадиган яхши хабарлар бор эди. Ҳарнамкаур эса келиши биланоқ дарров ҳамма ёқни супуриб-сидиришга тушиб кетди. Жасвант-ку қўлидан келганича уйни тартибга солиб турди, лекин эркак нарсарўзгор юмуши бобида хотин кишига бас кела олармиди. Кейин Жасвантнинг бундан бошқа ҳам мингта иши бор эди.

Онаси келиши биланоқ Жасвант қамоқдан қутулганига хурсанд бўлиб, уйдан чиқиб кетди ва шу кетганича кечаси алламаҳалда қайтди. Кечқурун овқат-повқат ейилгандан кейин эр-хотин бирга ўтириб, узундан-узоқ суҳбат қуришди. Аввало, Ҳарнамкаур эрига келиннинг уйидан олиб келган сарпо-суруқларини намоиш қилди. Битта катта идиш тўла ҳар хил ширинликлар, ўзига шойидан бош-оёқ сарпо, эрига салла. Кейин куёвникидан теккан буюмларни кўрсатди. Ҳамма нарсаларни мароқ билан кўздап кечирар экан, Бҳажансингҳ ҳазиллашиб деди:

— Наъмий... Э, Ҳарнамкаур, шунча нарсар йиғиштириб келибсан. Тўй кимники эди? Бировникимиди, ўзингникимиди?

— Меники эди тўй, — ўша оҳангда жавоб берди Ҳарнамкаур. — Менинг асл тўйим мана шу эди. Сизга ҳазилга хотин бўлиб юрувдим.

— Хўш, гапир-чи, — сўради Бҳажансингҳ, — тўй қандоқ бўлди? Келин томондан нима-нималар келди?

— Эй, нимасини айтасиз, — Ҳарнамкаурнинг кўзлари чарақлаб деди. — Қиз томон ҳаммани орқада қолдирди. Билмадим,

одамлар шунча: пул-давлатни қардан олади? Қизига йигирма тўвла тилла берибди, шойидан йигирма беш бош-оёқ кийим, эллик битта мис идиш, бешта кумуш идиш, беш юз рупия нақд пул, яна бир талай ҳар хил нарсалар. Энди қайси бирини айтаман сизга? Бутун қариндош-уруғларга — каттасидан тортиб кичкинасигача — бош-оёқ сарпо қилибди. Биронтасининг жим-жилоғи ҳам қолмабди.

— Ҳа-ҳа? Ундоқ бўлса, қишлоқилар шаҳарликларни йўлда қолдириб кетибди-да?

— Э-э, сизнинг шаҳарликларингиз бунақа тўйни ўйлаб қиладн. Стол-стуллар қўйиб, шунақанги нарсалар тортдики, кўрса, наҳарликларнинг оғзи очилиб қолади.

— Ана холос! Қойил! Хўш, куёв томон нима-нималар берди?

— Куёв томонми?— деди Ҳарнамкаур қош-қовоғини чимириб.— Нимасини сўрайсиз? Ўзимникилар шундоқ хунар кўрсатдики, айтишга ҳам одам уялади. Булар шундоқ юзи билан балчиққа ботди-қўйди. На бирор тузуккина кийим қилибди, на биронта қўлга илинадиган зар-зевар.

— Лекин бечоралар нима ҳам қилсин? Ўзи зўрға тирикчилик қилиб юрган одамлар бўлса, бой-бадавлат бўлмаса.

— Э, минг камбағал бўлсин. Ўлар жойда эмас эди-ку. Уч-тўртта тузуккина кийим ҳам қилганми? Буларнинг оқибатини тўлдириб ташлаган қудалар ҳойнаҳой ўйлагандир, оч бенгалликларга учрадим, деб. Ишқилиб менинг амакиваччаларимнинг жуда омади келди. Хуло бераман ласа, томни тешиб ташладн, деганига сарф қилди.

— Э-э, барака топгур-эй!—Бҳажансингх бир оз қаршилиқ қилган оҳангда деди.— Бахт деган нарса пул, давлатда эмас-ку.

Эрининг гапи Ҳарнамкаурга ёқмади. У таъна билан деди:

— Азиз-авлиёларнинг гапини қўйинг. Уй-жойли одамнинг пули бўлмаса, ҳоли вой. Мана ўзингиз кўрдингиз. Қудаларнинг пул-давлати бор экан, қанча обрў-иззат топди. Куёв томон бўлса шарманда бўлди.

— Э, кел, қўй,— деди Бҳажансингх.— Темирчидан ўтса, кўмирчига, кўмирчидан ўтса, темирчига экан. Бизга нима? Бировни мақташу камситишни бизга ким қўйибди.

— Сизнинг тишингизнинг орасидан чиқиб кетаверади. «Бизга нима» эмиш! Ахир биз ҳам бугун бўлмаса, эртага ўгил уйлантиришимиз керак. Шу ёғини ҳам ҳеч ўйлайсизми? У ердаги сир-синоатни кўриб, менинг кўзим мошдек очилди. Қариндош-уруғлар ҳаммаси сўрайди: Ҳарнамкаур, сен ҳам бирон тайёргарлик қиляпсанми, дейди. Бу ёқда ойим ҳар гапда бир айтади: Наъмий, бундоқ қўл қовуштириб ўтирган билан иш битмайди, ўғилларингни бир нарса қилгин, дейди.

Бҳажансингх кўрдики, хотинининг авзойи бузилиб келяпти. Чунончи мавзунни ўзгартириб, деди:

— Сен ҳам жуда ўша ерда қолиб кетдинг. Бир ҳафтада келаман, деб кетувдинг, бир ойни ўтказиб келдинг. Бу уйдагилар ҳеч эсингга ҳам келмади дейман?

Бунга жавобан Ҳарнамкаури бутун саргузаштини бирма-бир сўзлаб берди. Шунча кун тўйни деб ўтирмаганини, асосан, Ҳарбансинг дардида юрганини айтди. Жим тинглаб ўтирган Бҳажансинг бу гапларни эшитиб, бир оз ўйланиб қолди. Сўнгра деди:

— Ҳарнамкаури, менинг гапимга кирсанг, ўғлингни уйлантиришга жуда ҳам ошиқма. Ахир қариб қолаётгани йўқ-ку Ҳарбанс. Ундан кейин сен қуда қиламан деётган Анупсингхнинг хонадонини мен яхши биламан. У қаёқдаю, бизлар қаёқда. Бунақа бойларга қуда бўлиш ҳазил гап эмас. Ундан кейин ўғлингнинг ҳолига ҳам бир қараб қўй. Бор-йўғи еттинчи синфни битирган. Моянаси бор-йўғи эллик рупия. Уларга қанақа қилиб ёқади.

— Э-э! Сиз бу гапларни қўйинг,— деди Ҳарнамкаури жаҳли чиқиб.— Боланинг пешанасида бўлса бўлди. Қуда томонга бунинг моянаси керак эмас. Ўзи пул-давлатга кўмилиб ётибди улар. Уларга ёқармиди, дейсиз. Ёқиш-ёқмасини мендан сўранг.

— Ҳа-ҳа? Улар кўрдими болани?

— Кўрди ҳам гапми?— фахр билан деди Ҳарнамкаури.— Кўриб, оғзи очилиб қолди. Худо ўз паноҳида асрасин, Ҳарбансинг ҳам кўриниш-туриши шахзодалардан қолишмайди. Қизнинг онаси шундоқ беш кетдики, энди қўяверасиз. Сизнинг хабарингиз йўқ, қанча-қанча қизли, ота-оналар анча вақтлардан бери амаки-ваччамнинг кетига тушиб юрарди. Лекин ойим ҳам жуда донода! Ўғлимизни шундай жойдан уйлантирамизки, бошидан давлат аримайдиган бўлсин, деб жавоб берарди ҳаммасига. Мана айтгани бўлди, давлатга кўмилиб кетди. Энди ойимнинг бизнинг ўғлимизга топган жойи ундан ўн ҳисса ортиқ.

— Ўн ҳисса ортиқ? Хўш, қанақа экан?

— Мен сизга айтсам, қиз ота-онасининг ёлғиз фарзанди. Пул-давлатдан ҳўп худо берган. Қизига-ку худди пошшоларга ўхшаб сеп беради. Бу турган гап. Бундан ташқари ўзи қанчаки мол-давлати бўлса, ҳаммаси ўзимизники. Улар ойимга айтиб қўйибди: боланинг камбағаллиги билан бизнинг ишимиз йўқ; боладидимизга тўғри келди, бўлди, дебди. Лекин уларнинг бир шартини сал оғирроқ экан.

— Қанақа шарт экан?

— Болани уйимизга ичкўёв қиламиз, дейди улар. Ўйлаб қараганда шунда ҳам биздан ҳеч нарса кетмайди. Қайнона-қайн-

отаси тирик экан, ўшаларнинг ичида юриб, ўйдаги бутун сир-синоатни билиб олади. Пул-давлатнинг ҳаммасини ўз қўлига олиб олади. Улар ўлгандан кейин меросга даъвогар бўладиган ҳеч ким йўқ. Ҳаммаси шуники бўлади. Лекин биз ҳам жуда ўйлаб-сўйлаб «хўп» дейишимиз керак. Ахир ўғлимизнинг кимдан кам жойи бор?

— Лекин... Ҳарнамкауэр,— деди Бҳажансингх ярим рози-ярим норози оҳангда,— сенинг гапинга қараганда, келин туширишнинг ўрнига ўғилни ҳам қўлдан бериб қўярканмиз-да.

— Лекин биздан нима кетарди?— деди Ҳарнамкауэр қизишиб.— У ерда хоҳлаганини ейди, хоҳлаганини кияди. Ундан кейин биз ҳам қуруқ қолмаймиз. Керак бўлганда ёрдам бериб туради. Қайнота-қайнона ўлгандан кейин-ку, ҳамма нарса ўзимизники бўлади. Сиз ҳам ишхонада эртаю кеч тер тўкишдан қутуласиз, болаларингиз ҳам пул топиш ғамидан қутулади.

Пиёз пўстидек парда орқасида турган мол-давлатни тасаввур этиб, Бҳажансингх ўзини йўқотиб қўйди. Лекин ҳар қолда хотинининг гапига дарров қўшила олмади, чуқур ўйга толиб қолди.

— Ўғилни қўлдан бериб қўямиз, дейсиз.— деди Ҳарнамкауэр.— Ўғилни узоқ кетгани билан, ота-онадан кечиб кетармиди? Ўғлимизни шундоқ бошшомик тахтига утқазамиз, у ула-ула-ула бегимизга сажда қилади.

— Хайр, бу гапинг-ку тугри,— деди Бҳажансингх бир оз ҳов-шов-шув билан.— Лекин шундан сўнгра ҳам қарор бериш керак. Ўз уйимизнинг ҳам сал қаддини кутарсак эди, ушанда улар билан баҳслашсак бўларди. Ўзинг айтяпсан-ку амакиваччаларинг қандай шарманда бўлганини. Ўшалар кўрпасига қараб оёқ узатганда, шундоқ бўлармиди? Биз бўлсак улардан ҳам беш-баттармиз.

Ҳарнамкауэр насиҳат қилган оҳангда деди:

— Беш қўл баравар эмас. Ундан кейин бизнинг ҳол-аҳволимиздан қудаларнинг жуда яхши хабари бор. Қизнинг онаси оймага аниқ-таниқ қилиб айтибди: бизга куёвнинг мол-давлати керак эмас, куёвнинг ўзи керак, куёв бизларга манзур бўлди, тамом, бошқасининг бизга кераги йўқ, депти. Шундоқ бўлгандан кейин, намунча ўйлайсиз? Энди шарманда бўлишга келганда, одамларнинг гап-сўзи билан бизнинг нима ишимиз бор? Одамлар оғзига келганини гапираверади. Гапирса, гапирар. Бирор еримиз камайиб қолармиди? Бир ҳафта гапирар, ўн кун гапирар, кейин мағзаванинг кўпигидек ўзидан-ўзи йўқолиб кетади гаплар.

Хотинининг бу панд-насиҳатини эшитиб, Бҳажансингх нима қиларини билмай қолди. Хўп дейишга ҳам ҳайрон, йўқ дейишга

ҳам. Ўзи билан ўзи кураш олиб бораркан, фалсафага таямишга мажбур бўлди.

— Сенинг гапинг-ку тўғри, Ҳарнамкауэр. Лекин ҳалиги айтганимдек менинг гапимда ҳам маъни бор. Ҳар қанча мол-давлати бўлганда ҳам одам ўшанга орқа қилиб кўпда ўсиб-унмайди. Одамнинг давлати кўпайган сари, ҳирси ортиб бораверади. Пешанамизда нима ёзиқлик бўлса, кўраверамиз. Улар ўлсину, давлати бизга тегсин, деб бировга ёмонлик соғинишнинг нима кераги бор. «Қилмиш — қидирмиш» деган гап бор. Одамнинг қилгани олдига қайтмай иложи йўқ.

Бошқа пайт бўлса, эҳтимол, эрининг бу фалсафиёна гаплари Ҳарнамкауэрга ёқарди. Лекин ҳозир улар жуда ҳам бемаъни, аҳмоқона туюлди унга. Лекин шундай бўлса ҳам юмшоқ оҳанда дедап:

— Авлиёларнинг садақаси кетсангиз бўлади. Уларнинг гапига шак келтириб бўлмайди. Мен ҳам пул-давлат деб одамимонини сотиши керак, деётганим йўқ-ку! Лекин уй-жойли одам бўлсак, нима қилишимиз керак. Тўрт пуллик бўлиб қолсак, бола-чақамизнинг кунига ярайди. хайр-эҳсон қиламиз, ўтган-кетганларни йўқлаймиз, унча-мунча ҳожатмандларнинг ҳожатини чиқарамиз. Қўлимизда ҳеч нарса бўлмаса, на ўзимизга бўй бўла оламиз, на бошқага эн бўла оламиз. Мана, узоққа кетмай қўя қолинг, ҳу анави кунги Пармешварийнинг онаси тўғрисида бўлган жанжални олиб қўя қолинг. Шу ўлиб кеткур беш рупияли деб сизнинг кўнглингизни огритдим. Кейин ўзимга ёмон таъсир қилди. Беш рупия ортиб қолгани бор эди, ичкарида ётувди, бирдан ўша эсимга тушиб қолдию, шартта опчиқиб қўлингизга бердим. Мана, ўша беш рупия бўлмаганда кампирнинг қанча қарғишига қолардик.

Ҳарнамкауэр лекциясини тугатиб, унинг таъсирини билмоқ учун эрининг бетига қаради. Бҳажансингхнинг юзида ҳам инкор, ҳам иқрор нишоналари кўринарди. Эрининг нафаси ичига тушиб ўтирганини кўриб, Ҳарнамкауэр яна битта ҳийлани синаб кўришга қарор қилди.

— Ҳа, намуна нафасингиз ичингизга тушиб кетди? Менинг маслаҳатим сизга ёқмаган бўлса, ёқмапти-да! Сизнинг раъйингизга қарши мен бир нарса қилармидим? Кела туриб, Ҳарбансинг отаси хўп демагунча мен ҳеч нарса қилолмайман деб, айтиб келувдим ойимга. Бўлмаса сиз шу бугуноқ йўқ деб хат ёзиб юбора қолинг.

Ҳарнамкауэрнинг бу ҳийласи иш берди.

— Йўқ, Ҳарнамкауэр, мен ундоқ демоқчи эмасман,— деди дарҳол Бҳажансингх.— Мен ўз боламга-ку душман эмасман, лекин...

— Ҳа, душман бўлмасангиз, «лекин-пекин» деб нима қиласиз?

— Менинг ўйлаган нарсам шуки,— жавоб берди Бҳажансингх,— тақдир эшиги очилай-очилай деб туриб бирдан шарақлаб ёпилиб қолмасайди, унда нима қиламиз — шуни ўйлаяпман. Ўйнашга ишониб эримдан айрилдим, дегандек бўлиб қолмасайди деб қўрқаман.

— Авлиёларнинг гапини қўйинг,— деди Ҳарнамкауэр эрининг қўлини икки қўли билан ушлаб эркалаган йўсинда.— Эшикка келиб турган бахт фариштаси ҳайдаб юборилса, у умр бўйи адашиб юрар экан. Сиз бекорга бошингизни қотираверманг. Биз жуда қаргишга учрайдиган иш қилаётганимиз йўқ. Бир йўла шундоқ улкан иш ҳам битади, камбағал-бечоралик ҳам умр бўйи бегона бўлиб қолади. Менинг биттаю-битта ғамим шуки, тўрт деворни озгина кўтариб олсак бўлдийди. Ҳеч бўлмаса қудаларнинг бетига тик қарайдиган бўлардик.

Ҳарнамкауэрнинг гаплари Бҳажансингхга жуда қизиқ туюлди, аммо қизиқ туюлгани билан бемаъни туюлгани йўқ. Чунки Бҳажансингх уй-дунё масалаларида хотишини ўзидан кўра ўн чандон доно деб биларди. Уй-жойнинг аҳволи ҳақиқатан ҳам юмни букадиган эди. Мама, ўтган ёғингарчилик пайтида чакка утиб, унинг қоқ ердан ноборат саҳни шундоқ қой бўлиб кетди. Бунинг устига кунни кеча Гурдитсингхнинг айтган гаплари ҳам эсига тушди. Ўйлаб қараса, Гурдитсингх билан хотини иссиқликнинг таъти билан жойдан чиқяпти. У Гурдитсингхнинг гапларини хотинига бирма-бир айтиб берди. Бу гапларни эшитиб, Ҳарнамкауэрнинг севинчи ичига сиғмай кетди.

— Оҳ! Уни қаранг-а! Бизнинг чеккан оҳларимиз худо таолонинг қулоғига бориб етибди. Энди бўлмаса сиз орқа-ўнгини ўйлаб ўтирманг-да, шартта пулни олинг.

Бҳажансингх бу ишда кўндаланг бўлиб турган бир нарсани, яъни, Жасвантнинг ўжарлигини тилга олган эди, Ҳарнамкауэр ҳал қилувчи оҳангда деди:

— Сиз буни ҳеч ғам қилманг. Мен ўзим гапириб-тушунтириб, уни йўлга солиб оламан. Ҳамма нарсани эшитиб-кўриб туриб, ҳеч нарсани билмайман, деб ўтирадиган жинни эмас. Ахир бир кун ўзининг ҳам бошига тушади шу иш. Бугун у акасига ёрдам бермаса, эртага унга ким ёрдам беради. Қўлни қўл ювади, деган гап бор ахир!

— Хўп, бўпти бўлмаса,— деди Бҳажансингх рози бўлиб,— сен агар Жасвантни йўлга солсанг, пулни эртага ё индингаёқ бориб олиб келаверман.

Шу қарорга келиб, эр-хотин суҳбатни тугатишди-да, ўринга ётиб, тинч уйқуга кетишди.

Кечаги қарорга мувофиқ эртасига Ҳарнамқаур Жасвант билан гаплашмоқчи эди. Лекин тонг отиши билан, ҳали онаси уйқудан турмаган ҳам эдики, Жасвант одати бўйича туриб, кўчага чиқиб кетди. Уша чиқиб кетганича кун ботгандан кейин алламаҳалда келди. Овқатни еб, яна чиқиб кетаётган эди, кун бўйи пойлаб ўтирган онаси уни тўхтатди:

— Уғлим, менга қара, сенга озгина гапим бор.

Ҳарнамқаур Жасвантни олдига олиб ўтирди-да, гапни узоқдан бошлаб, ўзининг фикр-ўйини унинг онгига етказишга ҳаракат қилди. Жасвант миқ этмай эшитиб ўтираверди, онаси тўхтамай гапириб кетаверди. Чорак кам бир соат тўхтовсиз жавраганидан кейин ҳам Жасвантдан садо чиқмагач, бир оз тарвузи қўлтигидан тушди. Унинг тили тўхтовсиз гапирар, лекин кўзлари ўғлининг юз-кўзини кузатарди. Жасвантнинг юз-кўзида эса турли хил ҳис-туйғу аломатлари алмашилиб турарди. Гоҳ афсуспадомат кўринарди, гоҳ жаҳл аломати, гоҳ бепарволик аломати ва гоҳ яна бир хил. Лекин шу билан бирга Жасвантнинг кўзларида фарзандлик меҳри ҳам нурафшон эди. Ҳарнамқаур ҳали нутқини тугатмай ўртада бир тўхтаб, Жасвантнинг сукутини бузишни зарур деб топти.

— Мепнинг гапимни эшитяпсанми ё қулоғингга пахта тикиб ўтирибсанми?— сўради у бир оз зарда билан.

— Эшитяпман,— жавоб берди Жасвант. Худди тошга тил кириб кетгандай бўлди.

— Хўш, гапир, сен нима дейсан?

— Ҳм.

— Бундоқ очиқ гапир. Сенинг «ҳм» деганинг билан иш битмайди.

Шу ерга келганда Жасвант ўзининг одатига қарши онасининг бетига тик қаради ва кейин яна илгаригидай кўзларини ерга қадаб олди. Унинг ҳалиги қарашидан Ҳарнамқаур бир оз қўрқиб кетди. Лекин бу қўрқув унинг тилини тийиш ўрнига, яна ҳам жағини очиб юборди.

— Менга қара! Шунақа оғзингга талқон солиб ўтираверасанми? Биров ҳадеб жағ ураверади, сен...

— Хўш,— тўсатдан тилга кирди Жасвант.— Хўш, нима демоқчисиз менга?

Жасвантнинг гапини эшитиб Ҳарнамқаурнинг жаҳли ҳам чиқди, кулгиси ҳам қистаб кетди.

— Аҳмоқнинг бошида шохи бўлмайди деб шуни айтарканда. Бир соатдан бери жавраб ўтирибману, «нима демоқчисиз» дейди-я! Ухлаб ўтирибсанми ё уйғоқмисан?

— Мен уйғоқман,— жавоб берди Жасвант оғзининг қулфи очилиб кетиб.— Лекин менинг назаримда сизлар ҳамманглар ухлаб ётибсизлар.

— Бизлар ухлаб ётибмизми?

— Ухлаб ётган бўлмасанглар, шунақа тушлар кўриб ўтирармидинглар?

— Тушлар?

— Ухлаб ётиш ҳам у ёқда турсин, катталарни иззат қилиш деган гап бўлмаганда, мен сизларни кўр ҳам дердим.

— Ҳа, нега энди? Мундоқ очиқ гапир.

— Гапирайми?

— Ҳа, гапир.

— Эшитиб, гапимга чидайсизми?

— Шунча маҳалгача чидаб келдим, энди ҳам чидайвераман.

— Жаҳлингиз чиқмайдими?

— Қачондан бери шунақаларни ўйлайдиган бўлиб қолдинг? Жаҳлим чиқса, сенга нима? Хўш, қани айт, нима демоқчисан?

— Ўша сардорнинг қизига уйлантирмоқчимисиз акамни?

— Ҳа. Хўш, нима ёмон жойи бор экан бунинг?

— Ёмонгина эмас. нолонлик-ку бу.

Нолонлик дегани нолон? Хўш, айт!

Бунга жавобан Жасвант ҳам узундан-узоқ бир лекция ўқишга тушди. Ў уйдаги бирор киши олдида шундоқ дадиллик билан бу бунинг биринчи марта гапириб туриши эди. Ҳарнамкаур бир нолонлик дегани нолон.

бунга имкон бермади. «Синиқ қадоқ тош»нинг тўсатдан тилга кириб кетганини кўриб, Ҳарнамкаурнинг оғзи очилиб қолди: ахир шунча гапни Жасвантга ким қуювди! Жасвант қуйидаги сўзлар билан лекциясини тугатди:

— Менга қаранг, ойи. Бу дунёда пул ҳақиқатан ҳам катта нарса. Лекин шу пулни деб одам виждонидан айрилиб, бировга ёмонлик исташи керак эмас.

— Ёмонлик иташ? Ҳа, мен қачон ёмонлик истабман бировга?

— Ёмонлик иташ бундан ортиқ бўладими, ойи? Ахир ўзингиз айтяпсиз-ку Анупсингхнинг ёлғизгина битта қизи бор, улар ўлгандан кейин бутун давлати бизники бўлади, деб. Бунинг маъноси шуки, қачон улар ўладию, қачон мен мол-мулкка эга бўламан, деб пойлаб ётасиз-да энди.

— Эй, аҳмоқ бўлмай ўл!— деди Ҳарнамкаур тутатиб.— Худди отасининг ўзи-я!

— Дадам аҳмоқми?— деди Жасвант ҳам қизишиб.— Дадам бечора чинакам фаришта одам эди. Лекин энди назаримда сиз уни аҳмоқ-тентак қилиб қўядиганга ўхшайсиз.

— Сени ҳам ўшандоқ қиламан,— деди Ҳарнамқаур.

— Ҳа, қўйиб берсам-ку шундай қилишдан тоймайсиз. Лекин чучварани ҳам санаманг, ойи. Сизнинг ҳийла-найранглариңизга мен ҳеч ҳам учмайман. Лекин шуни ҳам айтиб қўяй: агар менинг гапимга кирсангиз, сизни давлатга кўмиб юбораман.

— Давлатга кўмиб юбораман? Сен-а?— сўради Ҳарнамқаур жаҳли чиқиб турса ҳам мулоимлик билан.— Сен қаердан олиб келасан менга керак давлатни?

— Давлатни олиб келиш менинг қўлимдан келади, ойи. Лекин мен давлатни бировнинг уйига ўт қўйиб олиб келмайман. Мен мана бу билакларимнинг кучи билан топаман пулни. Мана бу миям билан топаман.

— Мен биламан, Жасвант,— Ҳарнамқаур яна ҳам мулоимлик билан деди.— Сенинг қўлинг гуллигини биламан. Лекин миянг бутунлай бошқа гап. Ҳамма балога мубтало қилаётган мана шу миянг. Сенинг миянг жойида бўлганда, бизлар ҳў қаёқларга бориб қолардик.

Жасвант кулиб юборди.

— Ҳа? Нега куласан?

Жасвант жим.

— Нега индамайсан?

Жасвант жим.

— Жасвант!!

Жасвант жим.

— Яна ўша жининг тутдими?

Жасвант жим.

— Э, худойим-эй! Гапириб-сўзлаб туриб, нима бало бўлиб қолди сенга яна? Соқов бўлдинг-қолдинг.

— Қўнглиңизга нима келса, ўшани қилинг, ойи,— ўрнидан туриб деди Жасвант эшикка йўл оларкан,— мен сизнинг ишингизга аралашмайман. Лекин шу билан бирга бунақа ишларда сизга ёрдам ҳам бермайман. Шу эсингизда бўлсин. Анави Гурдитсингҳ билан шартнома қилишга келсак, хоҳласангиз, қилаверинг шартномани. Лекин мен сизга айтиб қўяй: ўша қароқчиларнинг тузогига илиниб, кейин ўзингиз афсус қилиб юрасиз. Ишни-ку мен илгаригидай кўпми-озми, қўлимдан келганича қилавераман. Аммо Гурдитсингҳдан оладиган пулингизни узаман, деб айтолмайман. Қолганини энди ўзингиз биласиз.

Шундай деди-ю, Жасвант уйдан чиқиб кетди. Ҳарнамқаур уни тўхтатишга журъат этолмади. Умуман Жасвантнинг охириги қарорини эшитгандан кейин яна нима ҳам дерди унга?

Сал кейинроқ бу суҳбатнинг мазмунини эрига гапириб берди. Лекин аниқ қилиб гапиргани йўқ. Жасвантнинг бўлаётган тўйга қаршилиги ва қарзни узишни устига олмагандлиги каби

гапдарни эридан жўрттага яширди. Бунинг ўрнига ичидан чиқариб, Жасвант тўла кафилликни-ку олгани йўқ, лекин қарзни узишга ёрдам бераман, деб ваъда қилди, деди. Бҳажансингҳнинг кўнгли ўрнига тушишга ҳозирча шунинг ўзи етарли эди. Жасвант агар ярим-ёрти ишлаб берса ҳам, минг рупияни узиш ҳеч гап эмас эди. Ўша куниёқ Бҳажансингҳ «Панжоб ҳунармандлик буюмлари» фирмаси билан шартнома тузиб, минг рупияни олди. Шу билан бирга бўлгуси қудаларига розиман деб хат ҳам ёзиб юборди. Уч-тўрт кундан кейин янги уйнинг планини туздириб, уни тасдиқлашга юборди. Кейин бу қурилишга кетадиган сарф-харажатларнинг рўйхатини тузишга киришди. Қўлидаги пул-ку қурилиш харажатларини қоплай олмасди, лекин унашув куни қуданикидан минг рупия ёки камида беш юз рупия келар деган умиди бор эди.

## 10 боб

Ромгарҳлик бўлишига қарамай, сардор Анупсингҳнинг ўзи ҳам, ота-бобоси ҳам дурадгорликдан бутунлай беҳабар эди. Ота-бобоси катта заминдор бўлиб келган, ўзи ҳам ўз вилоятининг катта заминдори эди. Жоландҳар вилоятининг Қиртарпур қишлоғи ўзининг истекоматгоҳи. У ўз хонадонини сардор Жаммасингҳ Ромгарҳия билан боғлаб, бу алоқани қуйидагича ҳикоя қиларди.

Сардор Ранжитсингҳ Панжобнинг ўн икки вилоятининг ҳаммасини ўз кўл остига олмоқчи бўлганида, Жаммасингҳ ўзига қаршилик қилган эди. Сардор Ранжитсингҳнинг қўлида сардор кетини минг Ранжитсингҳ билан бир неча бор уруш қилган экан. Охири Ватола жангида у енгилпти ва Ранжитсингҳга тобе бўлиб қолипти. 1803 йилдан кейин, яъни, Жаммасингҳ ўлганидан кейин маҳарожа Ранжитсингҳ унинг ворисларига катта-катта ер-сув, катта-катта мансаблар бериб, Жоландҳар вилоятини узиш-кесил ўз мулкига қўшиб олибди. Сардор Анупсингҳ ўша заминдорларнинг авлоди экан. Ўша мерос наслдан наслга ўтиб келиб, охири шу Анупсингҳга теккан экан. Бу ер-сувга бундан бошқа ҳам кўп даъвогарлар чиққан экан, лекин Анупсингҳнинг отаси, ундан кейин эса ўзи судлашиб-судлашиб, ер-сувни ўз қўлида сақлаб қолган экан. Анупсингҳ шу маҳалгача ҳам даъвогарлар билан судлашиб келарди.

Анупсингҳ бошиданоқ судвозликда жуда чиниққан эди. Шу суд ишларидан хабардорлиги унинг ҳамма ишларида қўл келмоқда эди. У заминдорликдан ташқари, судхўрлик ҳам қиларди. Одамларнинг зар-зевари, ер-суви, уй-жойини гаровга олиб, қап-ча ҳам пулни ҳаммага қарз бериб қўйган эди. Бу қарзлардан оладиган фойдаси олдида заминдорликдан унган даромад ҳеч нарсага арзимасди.

Бу дунёнинг ишлари ўзи жуда бир қизиқ. Бир уйда нечта нонхўр бараварига бер, ейман деб туради-ю, ейишга ҳеч нарса бўлмайди. Иккинчи бир уйда ейдиган нарса уюлиб ётади, ейдиган ҳеч ким йўқ. Сардор Анупсингх билан хотини Дҳарам-каур иккинчи тоифадаги одамлар эди. Булар шунча йил яшаб, бирга умр кўриб, топгани ёлғиз битта фарзанд эди, у ҳам бўлса — қиз. Эрининг ёши қирқларда, хотини ундан тўрт-беш ёш кичикроқ. Умуман олганда-ку фарзанд кўришдан умидни узадиган жойга боргани йўқ эди, лекин бир қиздан кейин бошқа фарзанд бетини кўролмагач, бир ҳисобда умидини узиб қўйган эди.

Ёлғиз фарзанд бўлгани туфайли Нарендр (ҳамма эркалаб уни Ниндар деб атарди) ота-онасининг кўрар кўзи эди. У ўн бешга тўлиб, ўн олтига қадам қўйган бўлишига қарамай, ҳали ҳам ота-онасининг назарида кичкина бола эди. Уйдагилар ҳамма вақт унинг раъйига қарарди. Лекин шу чексиз меҳр-муҳаббат, эркалаш уни бир умрга ожизу нотавон қилиб қўйган эди. Керагидан ортиқ овқат бериларди, керагидан ортиқ хархашасига қулоқ солинарди. Шу боисдан ёшлигиданоқ касалдан боши чиқмасди ва устига табиати ҳам жуда бузилиб кетган эди: ниҳоят даражада тантиқ, ўжар ва қийиқ эди. Арзимаган нарсага бир арази тутса, овунтириб бўлмасди! Овунтиришга ҳаракат қилинган сари, уники баттар тутарди. Эртаю кеч шу аҳвол эди. Натижада кундан-кунга озиб-тўзиб борарди. У ичмаган дорию, уни кўрмаган, бу уйдан жарақ-жарақ пул олиб кетмаган доктор қолмади. Ёшлик чоғида, башарти одамнинг тани соғ бўлса, ҳар қандай юзда ҳам озми-кўпми жозиба бўлади. Лекин Нарендр бечорада на тани соғлиқ бор эди, на ёшлик жозибаси бор эди. Унинг танаси борган сари тўллишиб борарди. Лекин аслида у семириб эмас, шишиб, бадтарроқ бадбашара бўлиб бормоқда эди. Танасидаги қувват фақат юриш-туришгагина етарли эди. Югуриб-елиш, ўйнаб-кулиш ёки бирон иш қилишга мадори йўқ эди. Ўзи, умуман, одам бўлиб иш қилиш нималигини ҳам билмасди. Бунга ота-онаси ҳам йўл қўймасди, ҳожат ҳам йўқ эди.

Ўша атрофдаги қишлоқда бу бадавлат оиланинг зиқналигини тўғрисида турли хил миш-миш гаплар юрарди. Деҳру дегаи бир ошпази бор эди. Буларнинг ўшанга қиладиган муомаласи айниқса тилларда достон эди. Бечора бир соддагина одам бўлиб, қилган меҳнати эвазига овқат ерди-ю, унча-мунча кийим-кечак кўрарди, холос. Лекин кунига бир неча марта хўжасидан калтак ерди. Айби шукки, гоҳ ўтинни кўпроқ ёқиб қўярди, гоҳ хамирни ортиқроқ қилиб қўярди, гоҳ кирга совунни кўпроқ суртиб қўярди ва ҳоказо.

Бу гап-сўзларнинг қайси бири рост, қайси бири ёлғон — буни-ку айтиш қийин эди. Лекин бир нарса ҳар ҳолда аниқ эди: Анупсингҳ ҳам, хотини Дҳарамкаури ҳам пулга худого сиғингандек сиғинарди. Буни масалай, шу нарсадан билса бўларди: Анупсингҳ агар бирор ёққа боргудек бўлса, йўлкирадан чега-риш ниятида ярим йўлга арава ёллаб, ярмига пиёда юрарди. Хотини ҳам шу аҳвол эди: бирор ерга меҳмонга ёки тўй-тўйчиққа борадиган бўлса, илэжи борица оёғига таянарди.

Дҳарамкаурининг анча йиллар бурун қилган бир ҳангомасини қўшнилари ҳали-ҳали гапириб юрарди. Бир кун и молга берадиган похолли бир жойдан иккинчи жойга ташиб туриб, Анупсингҳ ҳаммаси бир рупиялик беш-олтита қоғоз пулни чўнтагидан тушириб қўйибди. Дҳарамкаури саройдаги бутун ғарамни ағдартўнтар қилдирибди. Ушанда ҳам пул топилмагач, ярим кечагача жағи тинмай, ҳатто эри билан муштлашибди ҳам. Шундоқ куйиб кетибдики, ҳатто икки маҳал-уч маҳал овқат ҳам емабди.

Лекин қизи Нарендри касал бўлиб қолгудек бўлса, бутун зиқ-налиги саховатга айланиб кетарди-ю, пулни худди сувдек сарфларди.

Нарендрини эрга бериш тўғрисида гап бошлангандан бери эр-хотин икковини чуқур унга толиб қолган эди. Масала фақат унинг эрга беришдан иборат бўлганда-ку, ҳойнаҳой, булар бунчалик ташвиш қилишмасди. Бир ёғи тинмай совчи келиб турган бўлса, иккинчидан, сарф-харажатни ўйлайдиган жойи йўқ эди. Хохла-

нак-шубҳасиз жонидан ҳам яхши кўрарди. Лекин улар яхши кўрган яна бир нарса бор, у ҳам бўлса давлат. Қизининг ҳар бир туки қанчалик азиз бўлса, давлатнинг ҳам ҳар бир пайсаси уларга худди шунчалик азиз, эҳтимол ундан ҳам азизроқ эди.

Анупсингҳ билан Дҳарамкаури иккови эртаю кеч бир нарса устида, яъни, муносиб куёв топиш устида бош қотирарди. Уларнинг нияти ичкуёв қилиш эди. Бунга рози бўладиган йигитлар ва ота-оналар кўп эди. Аммо ҳамма гап ичкуёвнинг қандай бўлишида эди. У охиригача вафодор бўлиб қоладими ёки аввалга вафодор бўлиб юриб, кейинроқ айниб қоладими — гап шунда эди. Борди-ю, буларнинг не ҳасратда тийин-тийинлаб йиққан, судбозлик қила-қила жамғарган давлатини совуришга тушадиган бир куёв дучор бўлиб қолса, унда нима бўлади?

Шу фикр-андишалар билан, шу ғам-ташвиш билан қанча-қанча кунлар ўтиб кетди. Совчилар узлуксиз келиб турарди. Лекин турли сабаб-баҳоналар билан ҳаммаси қуруқ қайтариб юбориларди. Буларнинг кўзлаган куёви камбағал хонадоннинг боласи бўлиши ва ўз ота-онасидан кечиб, фақат шуларни дейиши

керак эди. Шуларнинг чизган чизигидан чиқмаслиги, булар нима деса, ҳўп деб бош эгиб туриши лозим эди. Алифни калтак дейдиган саводсиз ҳам бўлмаслиги керак эди. Суд-пудга қатнаб, қоғэзни қоғоздан ажратиб турадиган бўлса бас эди. Лекин қадди-қомат, куч-қувватдан худо берган, кези келганда унча-мунчанинг адабини бериб қўядиган бўлиши керак эди. Лекин буларнинг қолипига тушадиган куёв ҳеч қаердан топилмай турарди.

Охири қўшни қишлоқдаги бир кампирнинг невараси буларнинг дидига мосроқ чиқиб қолди. Бу хонадон билан узоқ бир туташган жойи ҳам бор эди. Анупсингҳ боланинг отаси мўмин-қобилигина эдам эканлигини биларди ва бола ҳам ҳойнаҳой отасига ўхшагандир, деб умид қиларди. Чунончи, икки ўртада гаплашув-сўзлашув бошланди. Шу билан баробар синаш-текшириш ҳам бошланиб кетди. Анупсингҳ бир куни атайлаб Амритсарга бориб, бир амаллаб йигитни ҳам ўз кўзи билан кўриб келди. Йигит унга ёқибгина қолгани йўқ, ҳатто уни ўзига ром қилиб қўйди. Унинг қадди-қомати ва вазоҳатига Анупсингҳ жуда «беш» кетди. Дҳарамкаур ҳам йигитни кўришни орзу қилиб турувдики, шу ўртада қишлоқда тўй бўлиб қолиб, ўртада турган бувиси йигитни, яъни Ҳарбансни шу тўй баҳонасида онаси билан бирга қишлоққа чақиртириб келди. Дҳарамкаур ҳам йигитни ўз кўзи билан кўриб, олтиндан аъло топди.

Лекин бўлғуси куёвнинг ташқи кўриниши олтиндан аъло бўлиши Дҳарамкаурни қаноатлантирмас эди. У йигитнинг ичини ҳам текшириб кўриши керак эди. У билан яхшилаб суҳбатлашиб, қанчалик вафодор бўлишини синаб кўриши лозим эди. Биринчи учрашувда бунинг унча иложи бўлмади. Чунки йигит ёлғиз эмас эди, ёнида бир неча қариндош-уруғлари бор эди. Ахири, Дҳарамкаур ўйлаб-ўйлаб ўз ниятини амалга оширишнинг бир йўлини топди. Қишлоқдаги ўзига қарашли бир йигитни ишга солди. У йигит бир куни сайр баҳонасида у қишлоққа бориб, Ҳарбанс билан танишиб олди-да, юр, сени бир сайр қилдириб келай, сенинг бўлғуси қаллиғинг ҳам бизнинг қишлоқда экан, хоҳласанг кўрсатиб ҳам қўяман деб, қишлоғига олиб келди. Ҳарбанснинг ўзи ҳам қаллиғини кўриш иштиёқида эди. «Кўрнинг истаги нима — икки кўз», дегандек, анави йигитнинг таклифини эшитиб, оғзи қулоғига етди.

Дҳарамкаур Ҳарбанснинг кўнглини овлашга яширинча яхшилаб тайёргарлик кўриб қўйган эди. Унинг келган-кетганини ҳеч ким кўрмасин деб учрашувга атайлаб гира-шира шом пайтини тайинлаган эди. Чунончи худди ўша пайтда, чеккадаги бир хонада у Ҳарбансни кутиб олди. Ҳарбанс одоб-эҳтиром юзасидан қайнонасининг оёғига қўл тегизмоқчи бўлиб энгашув-

дики, у беш-беш рупиялик бешта қогозни унинг қўлига қистирди. Қайнона-куёв иккови бир ярим-икки соатча қуюқ суҳбатлашиб ўтиришди. Суҳбатнинг қандай вазиятда ўтганини гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Фақат шуни айтиш кифояки, қайнона-си билан бош эгиб хайрлашиб, кўчага чиққанида Ҳарбанс шод-хуррамлик кайфидан гандираклаб қолган эди.

Ушандан кейин Ҳарбанс неча кун қишлоқда турган бўлса, шу муддатда кунда бўлмаса-да, уч кунда бир қайнона-си билан учрашиб, суҳбатлашиб турди. Лекин ҳеч ким буни сезгани йўқ — уйдагилар ҳам, ташқаридагилар ҳам. У қайнона-сидан кейин қайнотаси билан ҳам учрашди, қаллиғини ҳам кўрди. Қаллиғи-ку, у тасаввур қилгандек чиқмади ва бундан кўнгли бир оз лат еди. Аммо ҳар учрашувда қайнота-қайнона-си шундай жаннат манзараларини чизиб кўрсатардики, бу манзаралар олдида қаллиғидаги арзимаган нуқсон кўзига кўринмай кетарди.

Ҳарбансга биринчи борганида қайнона-сидан йигирма беш рупия теккан бўлса, кейин ҳам ҳар сафар ўн-ўн беш рупиялаб тегиб турди. Шунча учрашиб-суҳбатлашиб ҳам қайнона-сининг кўнгли тўлмади. Ҳарбанс ишхона-сидан ҳат орқали руҳсат олиб, яна би кун ёна ота кетди. У ушангча ўна қишлоқда бўлиб қўя қолса дер эди. Қайнона-қайнотасининг хоҳиши ҳам шу эди. Лекин Ҳарнамқаур бунга эришнинг розилигини олишни лозим деб топди ва Амритсарга борган захотим жавобини ёзиб

Ҳарбанс ҳайрон бўларди. Ҳали унашув бўлгани йўқ, тўй бўлгани йўқ-ку, қайнота-қайнона-м менинг атрофимда шундай парвона бўляпти. Уйдаги сир-синаотларигача ҳаммасини айтиб берди. Буларнинг меҳр-муҳаббати ҳозир шундай бўлса, тўйдан кейин қандай бўларкин, деб ўйларди у. Қайнотаси ўз қўл остидаги деҳқонлар тўғрисида, улардан унадиган даромад тўғрисида, ким-кимлар билан, нима-нималар устида судлашаётгани тўғрисида батафсил гапириб берди. Гўё Ҳарбанс эртагаёқ шу ишларнинг ҳаммасини ўз қўлига оладигандек туюларди.

Уйга жўнаш олдидан охирги марта борганида-ку бўлғуси қайнона-сининг меҳр-муҳаббати бундан олдинги чегараларнинг ҳаммасидан ҳам ўтиб кетди. Чунончи онаси билан бирга Амритсарга қайтиб келганда Ҳарбанс қайнона-қайнотасини ўзининг асл ота-онаси деб ҳисоблайдиган бўлиб қолган эди.

## 11 боб

Тез орада юлдузлар тўғри келган бир кун Бҳажансингҳнинг ўғли Ҳарбансга қиз томондан сарпо келди ва эл-халқни

йиғиб унаштириш маросими адо этилди. Лекин йиғин ўйлаб қўйилганидек даранг-дурунг билан эмас, соддагина қилиб ўтказилди. Уйдагилар ҳам, кўчадагилар ҳам шундай катта уйдан келадиган сарпо-суруқни ўз ҳаёлида кўкларга кўтариб қўйган эди. Лекин келган сарпони кўриб ҳамманинг ҳафсаласи пир бўлди. «Вой-бў! Ҳеч бир камбағал-қашшоқ ҳам бунчалик қилмайди-я! Ногоранинг овози ҳақиқатан ҳам узоқдан ёқимли экан. Номии улуг, супраси қуруқ, деб шуни айтади. Худо урган зиқна одамлар экан»,— дерди ҳамма.

Қуда томон сарпо-суруқнинг соддалигига бундай сабаб кўрсатибди: қариндошларимиздан биттаси вафот этиб қолди; шунинг учун жуда тахтакос қилишни муносиб кўрмадик: нимаики кам-кўсти бўлса, тўйида чиқарамиз, деб айтиб юборибди.

Янги уй қуриш режаси тузилганда шу унашувга келадиган пулга катта умид боғланган эди. Умид қилинган икки-икки ярим минг рупия ўрнига сарпо билан бирга, бор-йўғи минг рупия пул келди. Бҳажансингх билан Ҳарнамкаурунинг анча ҳафсаласи пасайиб қолди. Лекин не умид билан тузиб қўйилган режани бекор қилишга Ҳарнамкаурунинг ҳеч кўнгли бўлмади. Бу режанинг учун ҳаёт-мамонт масаласи бўлиб қолган эди. Қудаларнинг кўрсатган оқибатини кўриб, булар ҳойнаҳой мени қашшоқ ҳисоблаб, менсимасди; деб кўнглига тугиб олди. Ўзининг ҳамда қариндош-уруғ, қўни-қўшниларнинг турткиси билан шу фикрга келгач, энди бир амаллаб бу қашшоқлик доғини ювишга қарор қилди. Бунинг бирдан-бир йўли, унинг фикрича, уч қаватли ёки камида икки қаватли иморат қуриш эди. Шу ҳам агар қўлимдан келмаса, унда ўлиб қўя қолганим яхши, деб ўйлади у.

— Э, барака топкур!— деди Бҳажансингх хотинига бир кунининг эртаю кеч куйиб-пишиб юришидан жаҳли чиқиб.— Эртаю кеч «уй, уй» деб сайрайсан. Бор-йўқ ишонганинг минг рупия бўлса. Ҳа, бу пул билан қуруқ деворнинг ўзини ҳам кўтариб бўлмайди-ку.

Бунга жавобан Ҳарнамкауру шундай гап айтдики, буни эшитиб Бҳажансингхнинг танасига қон югуриб кетди. Хотини унга оддийгина бир уй-жойли аёл эмас, балки иқбол фариштасидек кўриниб кетди.

— Сиз белни маҳкам боглаб, ишни бошлаб юборавринг,— деди Ҳарнамкауру.— Пулни мен ўзим бир гап қиламан.

— Сен қаердан оласан?— сўради Бҳажансингх қувончу ҳайрат билан хотинига тикилиб.

— Э қора девдан олиб келмайманми. Сизнинг нима ишингиз бор? Хотин киши ҳар қанча қора ер бўлганда ҳам, керак бўлиб қолганида уч-тўрт пулни албатта ёнидан чиқара олади.

Бу гапни эшитиб, Бҳажансингх танасига икки ярим кило тоза қон қуюлгандек ҳис қилди ўзини ва хаёлан қаршисида ўтирган иқбол маъбудасининг оёғига сажда қилди.

Шаҳар кенгашида Гурдитсингхнинг анчагина таниш-билишлари бор эди. Чунончи у Бҳажансингхнинг янги уйининг планини тезда тасдиқлатиб берди. Кейин унга далда бериб деди:

— Энди, оғайни, сен ишни бошлаб юборавер. Агар яна пул-мул керак бўлиб қолса, мен турибмай. Ахир ошна-оғайни шунақа пайтда кунга ярамаса, қачон ярайди?

Бир томондан хотини, иккинчи томондан Гурдитсингх далда бериб, меҳрибончилик қилиб тургандан кейин, Бҳажансингх нимани ташвиш қиларди? План тасдиқланиши биланоқ ишни бошлаб юборди ва икки-уч кунда, қарабсизки, ҳовлисига гишт, цемент, ёғоч-тахта ва ҳоказолар уйилиб кетди. Планга мувофиқ эски уйни бузиб, ўрнига янгидан девор кўтарилди. Ўтириштириш вақтинча ишхонада бўладиган бўлди. Ошхонанинг ўрнига ҳовлининг бир четига тўртта устун қўйиб, устига енгилгина тунука том қилиб олинди. Янги уйнинг бутун ёғочли ишларини Бҳажансингх ўз устига олди. Қолган ишларни уста-мардикорлар қилди.

Суд билан уста бировнинг уйига кириб келса, товоғи олтиндан бўлмагунча чиқмаиди, деган гап бор. Қурилиш бошланувдики, план билан сарф-харажат ўртасида кундан-кунга фарқ ортиб бораверди. Бҳажансингх умрида биринчи марта шунақа ҳолатни кўриб олди.

Ушани қилаверди. Усталар ўз фойдасини кўзлаб ишни кўпайтираверди. Улар фалон нарсани фалон қилинг, бор-йўғи йигирма рупия билан битади, дерди. Амалда эса унга юз рупия сарф қилишга тўғри келарди. Натижа шу бўлдики, пойдеворнинг ўзиёқ қўлидаги пулнинг ярмиги ҳўплаб қўйди. Бузилган уйнинг кесак-тупроғини ташувчиларнинг ўзи икки юз рупиядан оргиқроқни олиб қўйди. Шундай қилиб, қолган пул қуруқ деворни кўтаришга етди ҳалос. Лекин шунда ҳам Бҳажансингх хотини билан Гурдитсингхга орқа қилиб, ташвиш қилмади.

Уйдаги товуқ қочиб кетмайдди деди-да, хотинининг бисотини қўйиб, аввал кўчадагини овлашга қарор қилди. Шу ниятда у Гурдитсингхнинг дўконига борди. Лекин арз-ҳолини айтишга улгурмасданоқ, Гурдитсингх ундан шикоят қила кетди. Бҳажансингхнинг назарида оғайнисининг шикоятлари ҳақ эди. Шартнома тузиб, пул олганига бир ой бўлди, аммо шу орада бирор нарса ясаб, дўконга олиб келиб бергани йўқ.

Ўтириб бирор нарса ясашга қўли ҳам тегмасди. Ҳали ёғоч-тахта қирқиб-рандалаётган, ҳали усталарнинг ишини қузатаётган, ҳали бозорга бориб, уни-буни олиб келаётган... Ўзининг

ишини қилишга вақт қани? Бҳажансингх Жасвантга катта умид боғлаган эди. Лекин у бўлса ўша-ўша: ё бутун қупини кўчада ўтказарди, ё ўтириб иш қилган тақдирда ҳам илгаригидек ҳеч иши унмасди. Шундай аҳволда Бҳажансингх Гурдитсингхдан қайси юзи билан ёрдам сўрайди? Ёрдам сўраш у ёқда турсин, ялиниб-ёлбориб зўрға унинг ғазабини босди. Шу билан бирга, эндиги ойда роса ўтириб иш қиламан-у, ўтган ойнинг қарзини ҳам қўшиб узаман, деб ваъда берди.

Кўчадан ҳафсаласи пир бўлгач, энди уйни овлашга мажбур бўлди.

Ойдин кеча. Соат саккиз-саккиз яримлар. Ҳарбанс ҳар куни кечқурун чиқиб кетарди-да, ошна-оғайнилари билан ҳангомалашиб, сайр-томоша қилиб, кино-пино кўриб, кечаси бир маҳалда қайтиб келарди. Жасвант ҳам ҳушига келган пайтда келарди. Чунончи, шу пайтда уйда эр-хотин иккови ёлғиз эди. Бҳажансингх ўзи шундай пайтни пойлаб турган эди, хонанинг эшигини бекитиб қўйди-да, ўтириб хотини билан суҳбат қила бошлади.

— Сизга қанча пул керак?— сўради Ҳарнамкаур Гурдитсингх қиссасини эшитгандан кейин.

— Қанча қўлингдан келса, беравер,— жавоб берди Бҳажансингх.— Чойга қанча қанд солсанг, шунча ширин бўлади. Иморат қилиш, Ҳарнамкаур, бу пошшоларнинг иши.

— Ҳар қолда унча-мунча ҳад-чегарасини мўлжаллаб қўйгандирсиз?

— Ҳад-чегарасини айтасан-а. Планда кўрсатилган уч қаватли иморатни энди бир четга йиғиштириб қўясан. Икки қаватли қилишнинг ўзига ҳам ҳали озмунча пул керак эмас.

— Ахир қанча пул керак сизга ўзи? Айтинг.

— Пул жуда кўп керак, Ҳарнамкаур,— деди Бҳажансингх қўрқа-писа.— Лекин менинг маслаҳатим шуки, ҳозирча икки қаватлини ҳам орзу қилмасдан, бир қаватни қуриб, бас қилиб қўя қолиш керак. Шу бир қаватли иморатга ҳам ҳали анча-мунча пул кетади.

— Э қўйинг. Бир қаватли деган гапни қўйинг— Ҳарнамкаур ниҳоятда дадиллик ва ишонч билан эътироз билдирди.— Бир қаватни бузиб, ўрнига яна ўша бир қаватни қурасизми? «Онаси ўлди, хотини туғди, яна ўшанча бўлди» деган гап бўлди-ку. Эл-халққа кулги бўлмоқчимисиз?

— Хўп, бўпти,— деди Бҳажансингх бир оз қизишиб,— кулги бўлишни хоҳламасанг, қани, чиқар нақд икки мингни.

— Икки минг билан иш битадиган бўлса, сиз ҳеч ташвиш қилманг. Буни мен бир гап қиламан.

Бҳажансингхнинг оғзи очилиб қолди. Ҳарнамкаурдан тўрт юз ёки жуда борса беш юз рупия чиқар деб умид қилиб турган

эди. Унинг икки мингга ҳам қурби етиши ҳеч хаёлига ҳам келгани йўқ эди.

— Ростданми?— сўради у, ишонгиси келмай, хотинига тикилар экан.— Ростдан ҳам шунча пул борми сенда?

Ҳарнамкаур маст бўлиб илжайди ва унинг бу ёқимли табасуми Бҳажансингхнинг бутун шак-шубҳаларига барҳам берди. Унинг бутун вужуди шодлик, меҳр-муҳаббат туйғулари билан тўлиб-тошиб кетди:

— Э, умрингдан барака топ, Ҳарнамкаур! Сен менинг уйимга пайғамбар бўлиб келган экансан. Ҳоки пойингни кўзимга...

— Э, бас қилинг!—Эрини тўхтатди Ҳарнамкаур.— Бачканалик қилишга тушасиз дарров.

— Лекин менга қара, қаердан олдинг шунча пулни?— Яна ишонқирамай сўради Бҳажансингх.— Бировнинг хазинасини кўтариб келдингми? Қимми шилдинг?

— Айтайми?

— Айт.

— Жаҳлингиз чиқмайдими?

— Жинни бўлдингми?

— Бўлмаса, жаҳлим чиқмайди, деб онт ичинг.

— Сенинг жонингга онт ичаман.

— Қимми шилдинг бўлмаса?

— Сизнинг отангизни.

— Бас?

— Чин сўзим?

— Ҳа, чин сўзим. Сиз қишлоққа кетган пайтингизда.

— Хў ўша «ўғри тушди» деган гап...

— Ўша ўғри мену ўзингизнинг катта ўғлингиз эди.

Тахтадек қотиб қолди Бҳажансингх. Лекин унинг бу қотишида на норозилик, бор эди, на жаҳл. Бир ширингина кайф, бир қониқиш ҳис қилмоқда эди, холос. Шу гапни ўша «ўғри тушган» кезларда эшитса, ҳойнаҳой, тан-баданига ўт тутатиб кетарди. Лекин ундан бери қанча вақт ўтиб кетди, қанча-қанча ўзгаришлар бўлиб кетди. Бҳажансингх ҳам ахир қандай қилиб ўша илгариги Бҳажансингх бўлиб қоларди? Сирнинг очилиши унга ҳеч таъсир қилгани йўқ деб-ку бўлмайди. Лекин таъсири фақат шу бўлдики, боши бир озгина айланди, кўзлари бир озгина тингандек бўлди.

Ҳарнамкаур эрининг юз-кўзини диққат билан кўздан кечирарди, ундаги енгилгина ўзгаришни сезиб, сўради:

— Жаҳлингиз чиқдими дейман?

— Нима?

— Мен айтаман: қилган ўғрилигим сизга ёқмади, шекилли?  
— Ҳа... Йўқ, нега ёқмасакан.  
— Бўлмаса нега мунча қош-қовоғингиз осилиб кетди?  
— Ҳеч осилгани йўқ. Шундоқ кўринаётгандир сенга.  
— Онт ичинг менинг жонимга.  
— Сенинг жонингга онт ичдим.  
— Ўзингиз ўйлаб қаранг: Ҳарбанснинг берган шу маслаҳати ёмон маслаҳатми? Ҳарбанс иккаламиз шундоқ қилмаганимизда бизга тегармиди бунча нарса? Отаси ўлди дегунча даъвогарлар йиғилиб, бўлашиб оларди.

— Лекин Ҳарнамкаур,— деди Бҳажансингх сал уялиқираб,— дадам ўз оғзи билан айтувди-ку буни Жасвантнинг тўйига атаб...

— Тавба қилдим!— гапни бўлди Ҳарнамкаур.— Шу маҳалгача ҳам сизнинг соддалигингиз қолмади. Ахир менга қаранг...

Шу ерга келганда ташқарида бирор шарпа сездеи шекилли, «Тўхтаб турнинг» деб ўрнидан турди-да, эшикни очиб, ҳовлига чиқди. Ойнинг ёруғида кўзи кўча эшикка бориб қолган Жасвантга тушди.

— Жасвант!— чақирди у кетидан.— Келиб, яна қаёққа чиқиб кетяпсан?

«Ҳозир келаман» деб жавоб берганича Жасвант орқасига қарамай чиқиб кетди.

— Дарров келгин,— деди-да, Ҳарнамкаур яна ичкарига кириб кетди.

## 12 боб

Бҳажансингх бутун тунни деярли мижжа қоқмай, у ёқдан-бу ёққа тўлганиб ўтказди. Унинг қалбида турли-туман ҳис-туйғулар муттасил алмашилиб турди: гоҳ бойиб кетиш орзуси, гоҳ бошлаб қўйган иморатини тезроқ битириб олиш иштиёқи, гоҳ хотинининг кўрсатган ҳунарига ҳайронлик. Гоҳ-гоҳда отаси ва унинг ўз уйидагилардан фириб еб кетгани эсига тушарди. Лекин у ўзи топган ва хотини айтган далиллар ёрдами билан бу кейинги туйғуларни бош кўтарди дегунча босиб қўярди. «Кел, отам ахир орқасига ортиб у дунёга олиб кетармиди,— деб тасалли берарди у ўзига.— Барибир бўйидан олиб энига солинади. Шу уйдан олинган пул шу уйнинг ўзига яради. Буни нимаси гуноҳу нимаси ноинсофлик?»

Бҳажансингхнинг кечаси билан уйқуси келмаганининг яна бир сабаби бор эди, эҳтимол, энг катта сабаб ўша эди, яъни у ҳам бўлса отасидан қолган давлатни бир кўриш иштиёқи. Кеч-

қурунги суҳбат вақтида хотинига қамча ялинди ўша давлатни бир кўрсат, деб. Лекин Ҳарнамкаур ҳеч кўнмади: ҳозир эмас, эртага, деб туриб олди. Жони тўтида бўлган подшоҳ тўтини етти қават ерининг тагига яшириб қўйгандек, Ҳарнамкаур ҳам, ҳойнаҳой, жони солинган қутисига эрининг кўзи тушишини хоҳламас эди.

\* \*  
\*

Тўш пайти эди. Уста-мардикорлар тушки овқатга чиқиб кетган эди. Ҳарбанс ишда, Жасвант эса кечаси келиб, яна чиқиб кетганича ҳали қайтиб келгани йўқ эди. Уйдагиларнинг ундай ҳафсаласи пир бўлган эди. «Қоқилган йиқилади, йиқилган ўрганади» деган мақол бор. Бу уйдагилар ҳам Жасвантнинг қилиқ-қилмишларига бир ҳисобдан кўникиб қолган эди.

— Хўш, Ҳарнамкаур,— ҳовлида турган курсига ўтирар экан, яна кечаги талабини қайтарди Бҳажансингх,— қани, энди олиб кел, кўрсат. Кеча ўзинг айтувдинг-ку эртага кўрсатаман, деб,

Ҳарнамкаур ҳойнаҳой шуни кутиб турган экан, дарров қани келди. Ҳарнамкаур билан чик тўла ҳуққонига қараб нўл олти. У ердан икки қўлида кўтарганича бир ёғоч қутини олиб келиб, эрининг қўлига берди-да, ўзи гизиллаганича кўчага чиқиб кетаётган экан. деди:

яна озгина пул олиб келаман. Ўтган кунни менга лотерядан икки юз эллик рупия чиқувди.

Бҳажансингхнинг қалбида йиқилдим деганда қўлидан ушлаб, бошини силаган парвардигори худонинг лутф-иноятдан мамнунлик ҳисси бирдан мавж уриб, унинг вужудини ларзага келтириб юборди. У ичкарига кириб, ўтирди-да, қутини очиб, ичидагини ерга ағдарди. Олдида уйилиб ётган давлатни кўргач, шодликдан кўзлари чақнаб, чеҳраси гулдек очилиб кетди. У эшикни яхшилаб беркитиб қўйди-да, кейин ўтириб олиб, хазинани кўздан кечира бошлади. Бир неча тилла ва бир неча кумуш зар-зевар, анчагина эски, яъни инглизлар вақтидан қолган кумуш тангалар, бир уюм катта-кичик қоғоз пуллар ва ниҳоят қанча ҳам танга-чақа. Бҳажансингх бу бойликнинг ҳар бир турини алоҳида-алоҳида қилиб ажратди ва сўнгра уларни бирма-бир ҳисоб қилишга тушди. Даставвал отаси қолдириб кетган давлат — кумуш тангаларни санаб чиқди. Кейин қоғоз пулларни йиригини йирик, майдасини майда қилиб ҳисоблади. Ундан кейин танга-чақаларни бир рупия-бир рупия қилиб дасталаб чиқди. Охирида олтин-кумуш зар-зеварларни биттама-

битта салмоқлаб кўрди. Кумуш тангалар тўрт юз рупияга яқин чиқди. Қоғоз пуллар уч юз эллик рупия, танга-чақа олтмиш рупиядан зиёд. Зар-зеварлар хомаки мўлжалланганда кам билан минг рупияга борарди. Жами Ҳарнамкауэрнинг мўлжаллаганидан, яъни икки мингдан бор-йўғи икки юз рупия кам экан. Ҳарнамкауэр ҳозир лотереядан ютган икки юз эллик рупиясини олиб келса, бу кам жойи ҳам тўлади. Бҳажансингхнинг қалби яна бир бор доно-ишбилармон хотинига ақидат ҳисси билан тўлди.

Уста-мардикорларнинг қайтиб келишига ҳали анча вақт бор эди. Шунинг учун Бҳажансингх олдида ётган тўп-тўп бойликни йиғиштирмай, хотинининг келишини пойлаб ўтирарди. У олдидаги бойликдан кўзини уза олмай, севинчи ичига сиғмай ўтирган эдики, шу пайт бирдан ташқаридан шарпа сезилди. Ҳарнамкауэр қайтиб келди шекилли, деб кўнглидан ўтказиб турган эдики, бир вақт хона эшигининг бир тавақаси аста-секин очила бошлади. «Ие, бу нимаси? Эшикни барала очиб киравермай, Ҳарнамкауэрнинг бу нима қилгани?» деб ҳайрон бўлиб қараб турган эди, бирдан Пармешварийнинг онасига кўзи тушди. Кўрди-ю, «Бу бало қаердан келиб қолди шу пайтда?» деган жумла унинг оғзидан эмас, юрагидан отилиб чиқди. Эшикни очгач, кампир не қийинчилик билан ҳассасини деворга тираб қўйди ва икки қўли билан тиззасига таяниб оstonага ўтириб олди. У тинмай йўталар ва ҳар йўталганида оғзидан балғам зарралари отилиб чиқарди. Унинг юз-кўзи илгаригидан ҳам бешбаттар даҳшатли бўлиб кетган эди. Болаларникига ўхшаш кичкинагина дэка кўйлакнинг йиртилиб кетган бўғзидан кўзга ташланувчи гўштдан холи суяклари гўрдан чиқиб келган мурдани эслатарди. Ранги қоп-қорайиб кетган, юзини илгаригидан ҳам баттар ажин қоплаб олганди. Кўзларидаги туман шундай қуюқлашиб кетганки, қорачиғлари зўрға назарга илинади. Қўлларининг осилиб-осилиб ётган териси одамни ваҳимага солади. Худди ичиб турган лассийсига бирдан пашша тушиб қолгандек, кампирнинг афт-ангорини кўриб, Бҳажансингхнинг кўнгли айниб кетди. Олдида уюлиб ётган хазинага кампирнинг ҳирс билан тикилганини кўргач, унинг баданига ўт туташди. У қўлига илинган бир парча латта билан хазинанинг устини ёпди. Лекин латта кичкина экан, бойликнинг бир чеккаси очилиб қолди.

Кампир ҳали оғиз очиб бир нарса дейишга улгурмасидан Бҳажансингх унга ҳамла қилди:

— Ҳа, нимага келдинг, кампир?

Ўмидига қарши Бҳажансингхнинг оғзидан «она» ўрнига «кампир» деган сўзни эшитиб, Пармешварийнинг онаси ўзини

йўқотиб қўйди ва айтмоқчи бўлган гапи ҳойнаҳой ҳиқилдоғига тиқилиб қолди. Лекин унинг нима демоқчилиги, мақсади шундоқ ҳам маълум эди.

Кампир бошқа бирор пайтда келганида эҳтимол бунчалик ёмон туюлмасди. Лекин айни шу пайтда кириб келишини кўриб, Бҳажансингхнинг аъзойи баданига ўт туташиб кетди. Бу балони қандай қилиб даф қилишга ҳайрон эди у. Ҳозир Ҳарнамкаур кириб қолса, нима дейди — шундан ҳам хавотирда эди.

Йўталиб-йўталиб туриб кампир ерга балғам туфлади. Буни кўриб Бҳажансингхнинг яна баттар жаҳолати тутиб кетди.

Ўқчиб олгандан кейин кампирнинг йўтали босилди. У чуқур-чуқур энтикиб, хир-хир қилиб нафас олганича гапиришга ҳозирланарди. Бҳажансингхнинг эса сабр косаси тўлиб-тошмоқда эди.

— Мен сендан сўраяпман, нега келдинг?— яна бир бор ўшқирди Бҳажансингх.

Кўкрагининг икки томонини иккала қўли билан ишқалаганича кампир йўтала-йўтала тўхтаб-тўхтаб гапира бошлади:

— Умринг узоқ бўлсин... Бола-чақангни... йўтал... ўтган кунни яна... дори... ксчаси билан...— йўтал ундан у ёққа ўтказмади. Бир кунни кампир тўғрисида гап кетганда Ҳарнамкаур у вятсизга ўзи тиланиш жини теккан, деган эди. Хотинининг ўша гапи тўғрилигига ҳозир Бҳажансингх юз фойиз ишонч ҳосил қилди. «Ҳақиқатан ҳам жин теккан бунга,— ўйлади у,— ўрганган кунни...

— Аҳ, мен нима қилай?— Яна ўшқирди у балони тезроқ даф қилиш ниятида. — Нима, мен докторманми? Касалхонага бор.

Бунга жавобан кампир яна ҳалиги тарзда гапга кирди. Гапининг на боши бор, на кети. Бир йўталади, бир гапиради. Бир гапиради, бир йўталади. На сўзни сўзга улаб бўлади, на бирор маъно чиқариб бўлади. Бҳажансингхнинг тушунгани шу бўлдики, кампир қизидан нолияпти, куёвини қарғаяпти, невараларидан безор бўляпти, гап бориб яна дорига тақалаяпти.

— Йўқол бу ердан!— бақирди Бҳажансингх кампирнинг тутуруқсиз гапларининг белига тепиб,— нима, сен менга ҳам ён-ҳамён пул ўтказиб қўйибсанми кунда-кун ора «бер» деб келаверасан?

— Барака топкур... — Яна бошлади кампир, — дуо қиламан... бола-чақангни... менинг... менинг ҳеч ким... ҳолимни сўрамайди. Сени... невараларингни... ризқи-рўзи... — Бҳажансингх қараса, кампир бирор нарсани ундирмасдан кетмайдиган. Олдидаги танга-чақага қўл суқди-ю, ярим рупиялак иккита тангани олиб, кампирнинг олдига улоқтирди ва деди:

— Ма, ушла. Лекин иккинчи қадам босма. Шу эсингда бўлсин.

Кампир пулга қўл узатмай, туман босган кўзлари билан олдида ётган тангаларга тикилар экан, яна ялинниб-ёлворди:

— Барака топкур... бола-чақангнинг... умри узоқ бўлсин... Сенинг... сарой-кошонанг... юлдузларни ўпсин... Тагин икки рупия бериб юбор. Хотининг дард кўрмасин... Тагин икки рупия...

Шундай деб туриб кампирнинг иккала кўзи яна уюлиб ётган пул-давлатга тикилди. Унинг бу ҳирс тўла кўзларини кўриб Бҳажансингх ниҳоятда тутақиб кетди ва кампирга қараб бақирди:

— Бошқа сариқ чақа ҳам ололмайсан. Хоҳласанг, ўшани ол. Бўлмаса даф бўл бу ердан. Нима, менинг сендан қарзим борми тиқилинч қиласан!

— Барака топкур... — Йиғлагудек бўлиб яна ялинди кампир. — Қарз нима қилади... Худо ярлақасин... Бирор рупия... Жуда ўлар бўлсам... Дори... Сен ўзинг... Сен ўзинг ҳамманинг... жонига оро кирасан.

— Оқибатини кўрдим ҳамманинг жонига оро кириб,— шундай деб Бҳажансингх юзини буриб олди. Кампир ҳали ҳам, ҳойнаҳой, яхшилаб ялинса Бҳажансингхнинг кўнгил юмшалишига умид қиларди. Лекин шу пайт бирдан кўча эшикдан кириб келаётга Ҳарнамкаулга кўзи тушди-ю, дарҳол ажин босган қўлини узатиб олдида ётган пулни олди. Ҳойнаҳой, Ҳарнамкаури кўриб қолса, бундан ҳам маҳрум бўламан, деб қўрқди.

Бир даста пулни қўлига ушлаб кириб келаётган Ҳарнамкаури остонада ўтирган Пармешварийнинг онасини кўрди-ю, жонипони чиқиб кетди. Унинг шодликдан яшнаб турган чехрасини ғазаб булут қоплади. Кампирнинг ердан бир парса олганини кўриб, айтиқса тутақиб кетди. Ичкарига кирар-кирмас у жаҳл билан эридан сўради:

— Қаёқдан пайдо бўлиб қолди бу яна?

Бҳажансингх хотинининг ғазабланганини сезд. Ўзидан ўтган хатони яшириш учун ёлгон гапирмоқчи бўлди, лекин гапиролмади. Чунки кампирнинг ердан бир парса олганини Ҳарнамкаури ўз кўзи билан кўрган эди.

— Ҳа, шундоқ дорига деб пул тилаб келган экан,— ростини айтиб қўя қолди Бҳажансингх.

— Қанча бердингиз?— сўради Ҳарнамкаури эрига шубҳа билан қараб.

— Бир рупия.

Лекин бу жавоб Ҳарнамкаури қониқтирмади. Кампир дарров ҳассасини қўлига олиб беш-олти қадам нарига кетиб қолган эди. Ҳарнамкаури қувиб бёрди-да, уни тўхтатди ва қўлига чанг солиб деди:

— Қани, кўрсат олганингни.

Кампирнинг муштини очиб ярим рупиялик иккита тангани кўргандан кейингина кўнгли ўрнига тушди. Бу менинг қўлимдагини ҳам юлиб оларкан деб кампир қўрқиб кетган эди, лекин Ҳарнамкаур шафқат қилди.

— Ёмон пашшахўрда қилиб қўйдингиз-да ўзингиз бу ўлгурни. — Қайтиб келиб эрини уришди Ҳарнамкаур. — Энди ўла-ўлгунча тинч қўймайди бизни.

Ўзини оқламоқ учун гуноҳини бўйнига олиб Бҳажансингх деди:

— Нима қилардим ахир келиб ўтириб олгандан кейин? Бир илож қилиб даф қилиш керак эди.

Шу гапдан кейин эр-хотин иккови ерда ётган хазинани йиғиштиришга тушишди. Чунки уста-мардикорларнинг келадиган вақти бўлиб қолган эди.

### 13 боб

Уша куни кечқуруноқ Бҳажансингх билан Ҳарнамкаур иккови зар-зевар билан кўмуш тангаларни сарроф бозорига олиб боришди. Зар-зевар кўнглидагидек бозорга сатилди. Кўмушнинг нархи кўтаририлганлиги туфайли тўрт юз рупияли кўмуш танга ҳам беш юз рупияга чақилди. Шундай қилиб, улар умид қилганидан ҳам кўпроқ маблағ жам бўлди.

ёниб кетгандек, пул топилиши билан Бҳажансингхнинг ўлай-ўлай деб турган қурилишига яна бошқатдан жон кирди. Иш юришибгина қолмай, ҳатто жуда авжига минди. Бунинг устига бир ёқда қуда томондан фалон куни тўй, деган қувончли хабар ҳам келиб қолди. Иккинчи ёқда чироққа мой қўйилганини сезиб, усталар ғайрат отига минишди. Уларнинг ҳам битта-битта судралиб, букилиб кетаётган оёқлари яна илдам-илдам қадам ташлай бошлади. Хўжайиннинг ҳамёни тўлалигини кўриб, усталар қайтадан янги-янги ғояларни таклиф қилишга тушди. Улар Ҳарнамкаурга айниқса, кўпроқ тазйиқ қиларди.

— Кенной!— дерди улар.— Иморат — кунда бўладиган нарса эмас. Худо берса, одам бир йўла кўнглидагидек қилиб қуриб олиши керак буни. Сизларнинг ҳам ҳеч қисиладиган жойингиз йўқ. Сизлар жуда подшоҳ тахтида ўтиргандексиз. Менинг сўзимга кирсангиз, бу уй шундоқ қулинг ўргилсин бўладики, бутун шаҳар желиб томоша қилади.

Ҳарнамкаурнинг ўзи йигирма шишани ичиб олгандек кайфи тарақ эди. Устанинг хушомаду тилёғлама гаплари кайфини яна ҳам ошириб юборди. Чунончи устанинг гапига жавобан у дерди:

— Уста! Сиз сарф-харажатни ҳеч ўйламанг. Шундай қилиб қурингки, кўриб, одамларнинг оғзи очилиб қолсин.

Хўжайин хўп дегандан кейин усталарга тоза худо берди. Булар енгини шимариб, бутун билим-ҳунарини ишга солиб уйни қўлидан келганча данғиллатиш, безашга киришиб кетишди.

Бҳажансингх гоҳ-гоҳда хотинини юмшоққина койиб қўярди:

— Ҳарнамкаур!— дерди у.— Сен катта бой-боёнларга ўхшаб жуда ҳам ҳашаматли иморатнинг кетига тушиб кетдинг. Бирдан пул етмай қолса, унда нима қиламиз? Бу сафар-ку отамдан шилганинг иш бериб қолди. Эндиги сафар қайси бойни шиласан?

— Сиз жим ўтираверинг, — ўшандоқ майингина жавоб берарди Ҳарнамкаур.— Бунақа ҳадеб басталик солаверманг. Отангизнинг пулига орқа қилиб ўтираверган билан иш битадимиз? Ахир тўйга бор-йўғи неча кун қолди? Икки ярим-уч ой қолди, холос. Ҳаракат қилинса, ҳамма иш битаверади. Ҳали бу қилинаётгани ҳисоб эмас. Бу шунчаки бошланғичи. Мен ҳали кўрсатаман бу қўшниларнинг ҳаммасига пудратчига ҳам, Лолага ҳам — уй қуриш қандоқ бўлишини.

Хотинининг бу эҳтиросли гапларини тинглаб Бҳажансингхнинг кўнгли мумдек эриб кетарди. У ич-ичидан бу бахт фариштасига тасаннолар ўқир ва ўз тақдиридан ниҳоятда мамнун бўларди.

Тўйга атиги уч ойча вақт қолган эди. Олдинда ҳали катта-катта харажатлар турарди. Лекин хотинининг доно ва илҳом-бахш фикри Бҳажансингхни ташвишдан холи қилиб қўйган эди. Ҳарнамкаур уйни гаровга қўйиб, олинган пул билан тўйнинг харажатларини қопламоқчи эди. «Бор-йўқ ғалва шу беш-олти ойлик тўй. Шу ғалвадан қутулиб олсак, у ёғи бир гап бўлар», дерди у.

Иморатни тезроқ битказиб тўйнинг ҳаракатини бошлаб юборилса деган ниятда қурилиш ишлари яна ҳам тезлаштириб юборилди. Усталарнинг сонини икки баравар қилинди. Мардикорлар ҳам кўпайтирилди. Керакли буюмларни ҳам кўтара-кўтара олиб келиб уйиб қўйилди. Бозорда цемент танқисроқ эди. Ҳукумат белгилаб қўйган қатъий нархда оламан деган одам жуда овора-сарсон бўларди. У топилгунча иш тўхтаб қоларди. Чунончи цементни икки баравар, уч баравар баҳога чайқов бозоридан олишга тўғри келди.

Энди ёғоч йўнишга келганда, у ҳам анча вақтни оларди. Бҳажансингх эса кўпда бу ишга уринмай, ўтириб ўзининг ишини қилиши керак эди. Чунки, Гурдитсингх «қани бер, қани бер» деб тиқилинч қилмоқда эди. Чунончи, ёғоч йўнишга ҳам маҳсус бир

одам ёллашга тўғри келди. Ҳарнамкур эрига, сиз ўтириб ўз ишингизни қилаверинг, усталарга мен ўзим муомала қиламан, деб тайинлаб қўйган эди. Чунончи, у усталарга қарарди, бозор-ўчар ишларни Ҳарбанс бажарарди. Шулар билан овора бўлиб у ҳам ишига гоҳ борарди, гоҳ хўжайинидан рухсат олиб, қолиб кетарди.

Энди Жасвантга келсак, ундан уйдагилар бутунлай қўлни ювиб, қўлтигига уриб олган эди. У ҳатто бир неча кунлаб ғойиб бўлиб кетарди. Юриб-юриб бир келиб қолса, гап-сўз, уриш-жанжал кўтариб, яна кўчага равона бўларди. Кейинроқ бориб, бу уриш-жанжаллар ҳам йўқ бўлди. Сабаби шуки, уйдагиларнинг минг ҳафсаласи пир бўлганда ҳам, ҳар ҳолда Жасвант ўзиники эди. Бу ўжар дайди болага озгина бўлса ҳам уйдагиларнинг жони куярди. Шунинг учун ҳам уни ниқтаб туришарди. Лекин тўй туйнукка келиб қолгач, ҳаммаси ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди-да, Жасвантнинг арқонини узун ташлаб қўйди. «Даф бўлмайдами, — дерди баъзан Жасвант тўғрисида гап кетганда онаси. — Хоҳлаган ерида санқиб юраверсин. Менинг Ҳарбансим омон бўлса бўлди. Шу бор, менинг пима ғамим бор...»

#### 14 000

Бҳажансингҳ, Ҳарнамкаури ва Ҳарбанс учовлари ҳовлида суҳбат қилиб ўтиришган эди. Бҳажансингҳ сўзларини бошлади:

— Менга қара, Ҳарнамкаури! Бу ишни энди қандан қилиб битирамиз? Бу ёқда, мана, тўй ҳам туйнукка келиб қолди.

— Ҳа, ўзингиз айтмовдигизми, — деди Ҳарнамкаури, — икки минг билан бутун иш битади, деб? Энди бўлса, пастдаги хоналарнинг ўзига кетиб қолди, дейсиз. Сизнинг гапингизда ҳам ҳеч субут қолмади.

— Яна ўша бўлмағур гапларни айтасан-а! — Бҳажансингҳ ширингина ўпкалади. — Пулни сарф қилган менми, сенинг ўзингми? Хоҳласанг, мен тийин-тийинигача ҳисоблаб берай. Ҳой, кўрпангга қараб оёқ узат, ҳадеб ишни кўпайтираверма, деб қанча жаврадим. Менинг гапимга қулоқ солдингми? Ахир шунақа ёпишадиган пол қилдирмаганингда, сенинг бошинг эгилиб қолармиди? Усталарнинг оғзига қарасанг, улар нималар демайди? Пулнинг юздан тўқсони бекорга сарфланди. Шундоқ бўлгандан кейин, ўзинг ўйла, икки минг нимага ета қоларди?

Ҳарнамкаури ўздан ўтган хатони ҳис қилмоқда эди. Шунинг учун ҳам эридан баланд кела олмади. Лекин Ҳарбанс онасининг қўлтигига кирди:

— Пул-ку сарф бўлишга бўлди, — деди у. — Лекин, дада, уй ҳам жуда қулинг ўргулсин бўлди. Мен ойимга қойил қолдим. Хоналарнинг оройишини жуда қойил қилдилар-да! Худди умр бўйи усталик қилиб келгандай-а!

— Э, ўғлим-эй! — деди Бҳажансингх унинг фикрига қўшилса-да, бир оз эътироз билдириб. — Фақат оройишга қараган билан иш битадими? Бундоқ ҳамёнга ҳам қараш керак-да. Бизлар икки қаватли қиламиз деб план тузиб ўтирибмиз. Бу ёқда бир қаватнинг ўзига ҳали тагин минг рупия пул керак. Иккинчи қаватга ҳали йўл бўлсин.

— Тагин бир минг рупия? — сўради Ҳарнамкаур узун бир ҳомуза тортиб.

— Бўлмаса-чи.

— Шунчани қаердан оламиз тагин?

— Қаердан олсанг, олаверасан, мен нима қилай. Ўзингни ўзинг сиртмоққа солиб ўтирибсан-ку. Менинг гапимга кирганингда, икки минг билан ҳамма ғалвадан қутулардинг. Сен бўлсанг кўшк қураман, деб туриб олдинг.

— Анави кун-ку айтаётган эдингиз-ку Гурдитсингх бир оз ёрдам қилади, деб.

— Ёрдам қаёқда, ўзи бер деб ётибди-ку,

Шундай деди-да, кейин у Гурдитсингх билан илгари бўлган ва ҳозир бўлаётган можароларни, унинг тақозо-талабларини бирма-бир хотинига сўзлаб берди.

— Нега мунча гам қиласиз, дада? — деди тўсатдан Ҳарбанс. — Ҳозирги бор хоналарни тугатиш учун қанча пул керак сизга?

Ёмғирни кутавериб жони ҳалқумига келган деҳқон бирдан осмонда пайдо бўлган булутга қанчалик умид билан тикилса, ота-онаси ҳам Ҳарбансга шундай умид ва ҳайрат билан тикилди.

— Қанча пул керак? Сен ёрдам қиласанми? — сўради ундан отаси.

— Эҳтимол қила оларман.

— Қаердан оласан сен пулни?

— Нима ишингиз бор? Қора девдан олиб келмайманми.

Бҳажансингхнинг бирдан эсига тушди: бир ой-бир ярим ой илгари Ҳарнамкаур ҳам худди шундай деган эди ва қора девданми, оқ девданми — кимдан бўлса ҳам икки минг бир юз рупияни олиб келиб қўлига тутқазган эди. Бҳажансингх ҳайрону лол бўлиб ўғлига тикилиб қолди.

Отасининг жим ўтиришини кўриб Ҳарбанс сўради:

— Минг рупия керак, деяётган эдингиз-а хоналарнинг би-тишига?

— Ҳа,— деб жавоб берди отаси ва ота-она иккови муштоқ кўзлари билан ўглининг оғзига тикилди.

— Бўпти, шунча пули мен олиб бераман сизга,— деди Ҳарбанс ва сўнгра қаердан, қандай қилиб олиб келишни сўзлай бошлади. Унинг айтишича, уйига бориб суҳбатлашиб юрган кунлари қайионаси унга кўп айтар экан: «Ҳарбанс ўғлим, бизларда нимаки бўлса, ҳаммаси сеники, тирикчилигимизда ҳам, ўлганимиздан кейин ҳам; нимага хоҳласанг, қачон хоҳласанг ишлатавер; биз чол-кампирга бир бурда нон бериб турсанг бўлди; қолганини ўзларинг биласанлар» дер экан.

Ҳали тўй бўлмасдан туриб Ҳарбанснинг қайнона-қайнотасиникига пул деб бориши ота-онасига бир оз қизиқ тўюлди. Чунончи, иккови тил учуда бўлса-да, бунга эътироз билдирди. Лекин Ҳарбанснинг айтган яна бир гапи уларнинг лабига муҳр босди.

— Жуда қизиқ гапни гапирасизлар-а,— деди Ҳарбанс.— Бирор гадога чўнтакдан икки анна чиқариб бериш бизга қандоқ бўлса, бир минг-икки минг уларга ҳам худди шундоқ. Бориб пул сўрашга-ку менинг ҳам кўнглим йўқ, лекин начора, Қариндош-уруғ шунақа пайтда кунга ярамаса, қачон ярайди. Сизлар кўп десанглар мен эртагаёк кишлокка жўнайман.

Ҳарбанснинг таклифини ота-она икковлари қабул қилишди. Шундай узоқ суҳбат давомида шу пайтгача Жасвантни ҳали ҳеч ким тилга олгани йўқ эди. Гуё у ҳам шу уйнинг одами

оҳ тортиб қолди:

— Оҳ! Анави жувормак одам башара бўлганда, Ҳарбанс шу арзимаган нарсани деб, қайионасиникига бориб юрармиди.

— Кимни айтяпсиз, ойи?— сўради Ҳарбанс.— Жасвантни-ми? Унинг номини сиз тилга олманг. У энди бизлардан кетди.

— Лекин менга қара,— деди Бҳажансингх уҳ тортиб,— лекин у қаерларда юрганикин шу кунларда? Илгари янглишиб бўлса ҳам ора-сира келиб турарди. Энди бутунлай йўқ бўлиб кетди.

Ҳарнамкаурунинг иккала кўзи жиққа ёшга тўлди, лекин у огиз очиб бир нарса демади.

— Мен айтайми қаерда юрганини? Сандироқлаб, безорилик қилиб юрибди,— деди Ҳарбанс.

— Одамларнинг гапига қараганда,— деди Бҳажансингх — битта алоҳида хонани кирага олиб ўтирганмиш.

— Олган бўлса олгандир айш-ишрат қилишга,— деди Ҳарбанс нафрат билан.

— Лекин Ҳарбанс,— ялинди онаси кўз ёшини артар экан,— сен бундоқ суриштириб кўргин, чиндан ҳам хона олиб ўтирганмикин ёки одамлар ёлғон айтганмикин дадангга.

— Бўпти,— жавоб берди Ҳарбанс,— қишлоққа бориб келай, кейин суриштириб ҳамма гапни билиб бераман.

— Ҳа, шундоқ қилгин,— тайинладн Ҳариамкаур.

Эртаси куни Ҳарбанс қишлоққа жўнаб кетди.

## 15 боб

— Ҳарбанснинг иши ўнгидан келсин-да.

— Қим билади, эҳтимол қуруқ қайтиб келар.

➤ Йўғ-э, чўнтагини пулга тўлатиб келади.

— Қим билади, бирдан бирор тўсқинлик чиқиб қоладими.

Шундай қарама-қарши фикр-хаёллар билан ота-она ўғлини кутиб ўтирарди. Ҳарбанснинг айтган гапларини ўйласа уларнинг дили умид билан тўларди, лекин қудаларнинг унашув вақтида қилган оқибати эсига тушса, тарвузи қўлтиғидан тушиб кетарди.

Пул йўқлиги туфайли қурилиш иши тўхтаб қолай деб турган эди. Усталарга анча кундан бери ҳақ тўланмасди. Дўкондорлардан ҳам анча қарздор бўлиб қолинган эди. Лекин Бҳажансингх билан Ҳарнамкаур бугун келади, эртага келади, деб Ҳарбанснинг йўлига кўз тикиб ўтирарди. Ҳарбансдан эса, дарак йўқ эди. Бунинг устига-устак, Гурдитсингх талаб қилиб ҳеч нарсани ундира олмагач, энди судга бераман деб дўқ қилишга тушди. Бҳажансингх олган пули эвазига номигагина озгина нарса ясаб берган, лекин у ҳам ниҳоят даражада қўпол ясалган эди. Илгаригидек нафосату силлиқлик, харидорни ўзига тортадиган жозибадан асар йўқ эди. Гурдитсингх бечора минг रुपияни ахир шу умид билан берганмиди? Лекин Бҳажансингхда нима айб? У Жасвантга ишониб, шартнома тузган эди. Жасвант эса бутунлай ғойиб бўлиб кетди. Бҳажансингхнинг ўзи бўлса нозик ишларни қила олмасди. Чунончи, унинг бир томондан, Гурдитсингхнинг дағдагаларидан жони ҳалқумига келса, иккинчи томондан, ўғлининг алдаб кетганидан фиғонни фалакка чиқарди.

Ҳарнамкаурнинг ҳам аҳволи шундай эди. Қаерда бўлса ҳам, топиб, болани уйга олиб келинг, деди у бир неча бор эрига. Лекин Бҳажансингх ўғлининг феълини жуда яхши биларди. Жасвантнинг айнаган миясини жойига келтириш унинг қўлидан келмас эди. «Ҳарбанс келиб ҳаракат қилиб кўрса, эҳти-

мол бирор нарса чиқар,— деб ўйларди у.— Чунки, Жасвант акасидан анча ҳайиқади.» Шундай қилиб ота-она бир эмас, икки масала юзасидан Ҳарбансни сабрсизлик билан кутарди. Лекин Ҳарбансдан дарак бўлавермагач, ота-она жуда ташвишга тушиб қолди.

Бунинг устига бир куни Гурдитсингх «одам иси келяпти, одам иси келяпти» деб ҳайқириб келиб қолгач, эр-хотинни даҳшат босди. Гурдитсингх келиши биланоқ уста-мардикорларнинг олдида ўшқириб кетди:

— Ў, барака топкурлар! Қачонгача алдаб юрасанлар? Бугун охирги марта айтиб қўйганим бўлсин, бир ҳафтанинг ичида менинг пулимни фойдаси билан бирга қайтариб бермас экансанлар, судга бераман сенларни.

Бу дағдагани эшитиб Ҳарнамкаур ичкаридан чиқиб келди ва Гурдитсингхни исканжага олди.

— Ҳа, намуноча дағдаға қиласан?— деди у бақириб,— оладиганинг пулми ёки одамнинг жонини оласанми? Бўпти, бир ҳафтада пулинг қўлингга тегади. Қайтиб менинг остонамга оёқ босма.

Гурдитсингх думини қисиб, жўнаб қолди. Ҳарнамкаурнинг кўнглида зўрақ одам қўлини ўйди. Амалини қўйди деб турсан минг рупиясининг унишини эшитиб ичидан хурсанд бўлди. Хотинининг қарз эгасига қилган муомаласи Бҳажансингхга унча ёқмади лекин ҳамма ишга бош-қош бўлган Ҳарнамкаурнинг

— Ҳа, ҳаммасини олиб бориб берамиз қўлингга бир ҳафтанинг ичида.— деди у ҳам.

Гурдитсингх кетгандан кейин Ҳарнамкаур кўнглининг ғуборини чиқарди:

— Дағдаға қилишини қаранг ўлиб кетгурнинг. Куни кечагина арра-тешасини елкасига қўйиб иш қидириб юрарди. Бугун бундоқ бўлиб қолибди. Худо хоҳласа, Ҳарбанс келди дегунча, пулни олиб бориб улоқтиринг олдига. Шу арзимаган пулни деб худди еб қўяй деяпти-я.

Ота-онасининг сабр косаси тўлиб турган эдики, олти кун деганда Ҳарбанс қайтиб келиб қолди. Уни кўриши биланоқ икковининг юраги гупиллаб уриб кетди. Кўча эшикдан хонанинг ичига кириб бориб ўтиргунча Ҳарбанс неча қадам босган бўлса, Бҳажансингх билан Ҳарнамкаурнинг кўнглида ҳам ўшанча туйғулар ўрин алмашди. Уларнинг шубҳаси ҳойнаҳой бежиз эмас эди: Ҳарбанснинг оёқ олиши суст эди, қош-қовоғи бир оз солинган, кўзлари бир оз хирароқ эди. Ота-она иккови ўғлига эргашиб ичкарига кирди. Ҳарбанс ўтирди дегунча, онаси ошиқиб деди:

— Роса ҳам куттирдиги-да, ўғлим. Йўлингга тикилавериб нақ кўзимиз тешилди.

Ҳарбансдан садо чиқмади. Буни кўриб, отаси оғиз очди:

— Хўш...— у ёғини айтишга ҳам ҳожат қолмади: Ҳарбанс чўнтагидан мижиғланган бир қоғозни чиқариб, ота-онасининг олдига улоқтирди.

— Манг, ушланг.

Ҳарнамкаур дарҳол қоғозни олди ва текислаб кўрдию тахтадек қотиб қолди: қўлидаги юз-юз рупиялик учта қоғоз эди. Кейин кўрқув ва ҳайрат тўла кўзларини ўғлига тикиб сўради:

— Бор-йўғи шуми?

Ҳарбанс онасининг бу қисқагина саволини эшитди, лекин миқ этмади. Уятдан ўзини қаерга қўйишни билмай ўтирар эди у. Онасининг қўлидаги мижиғланган учта қоғоз, гўё уни лаънат-маломат қилмоқда эди. «Шу ҳолингга мақтаниб ўтирибсанми?» дерди улар гўё.

«Кўчадан кирган меҳмонни ит қопмас» деган нақл бор. У ўзиникими, бегонами, барибир — уйдагилар даставвал «хуш келибсиз» деб уни ўтқазади-да, ҳол-аҳвол сўрайди; кейин муздаккина сув беради,<sup>1</sup> ундан кейин бошқа гапларга ўтади. Лекин ҳозир Бҳажансингх билан Ҳарнамкаур бу қондани бутунлай унутиб қўйди.

Бир оз вақтгача учови бошини гоҳ кўтариб, гоҳ қуйи солиб, гоҳ бир-бирига қараб, гоҳ қарамай нафасини ичига ютиб ўтирди. Учови ҳам жуда ноқулай вазиятга тушиб қолган эди. Кейин Ҳарнамкаур ҳалиги саволни яна қайтарган эди, Ҳарбанс ўшқариб жавоб берди:

— Сизлар мени бекорга ўтга ташладинглар.

— Бизлар ўтга ташладикми?— деди Бҳажансингх,— ахир сен ўз оғзинг билан айтдинг-ку ўғлим. Бунақа чироқларда мой бўлмаслигини мен билардим.

Ҳарбанс бир нарса деб улгурмасданоқ Ҳарнамкаур қизиган темирни босгандай деди:

— Бизлар ўтга ташлаганмишмиз!

Ҳарбанс миқ этмагач, Ҳарнамкаур яна бир неча қизиган темирни кетма-кет босди:

— Ҳеч уялмабди-да, а? Нима, сен гадоё экансанми? Тиланчилик қилиб борган экансанми уларнинг эшигига? Шу учта қоғозни олиб, бетига улоқтирмадингми?

— Хўш,— деди Ҳарбанс ҳам темирга темир билан жавоб бериб,— биз нима қилиб ўтқазиб қўювдик уларгаки олиб бетига ураман?

---

<sup>1</sup> Ҳиндистонда меҳмонга таом олдидан муздек сув тутиш одати бор.

— Ҳа, сенга боргин деб ким айтувди?— гапта аралашди Бҳажансингҳ.— Ўзинг мақтаб, кўкларга кўтардинг-ку қайнона-қайнотангни. Менга илгаригиданоқ маълум эди. Одамлар ахир, бу зикнадан ҳеч нарсани умид қилма, деб юзимизга айтди.

Ҳарнамкауэр учта қороз Ҳарбанста қандай қилиб текканни билишга ошиқмоқда эди. Чунончи эри тўхташи билан Ҳарбансга деди:

— Ҳарбанс, сен-ку қайнона-қайнонангни жуда кўкка кўтарётган эдинг. Булар...

— Э, таъба қилдим мен унақа қайнона-қайнотадан,— онасининг гапини бўлди Ҳарбанс.

— Хўш гапир-чи бундоқ? Нима гаплар бўлди ўзи? Нима дедм улар? Сенга қандай муомала қилди?

Бунга жавобан Ҳарбанс бутун бўлган сир-сироатни бир бошдан гапириб берди. Қисқа қилиб айтганда, у бориб қайнотасига: фил суягидан қилинган буюмлар билан савдо қилишга бир катта дўкон очяпмиз, шунга ўн беш-ўн олти минг рупия тўплашга тўғри келди, ҳаммасини тўпладик, энди яна икки минг бўлса, иш битади; сиз агар шу пулни бериб турсангиз, бир ой-бир ярим ойда қайтариб берардик, дебди.

— Аяялига икковининг нафаси ичига тушиб кетди,— гапида давом этди Ҳарбанс.— Кейин ундоқ део, бундоқ део баҳона қилишга тушди. Фалон одамнинг қўлида пулларимиз ушланиб ётибди, фалонлар билан судлашиб, фалон пул сарфлашга тўғри келди.

— Хўш, у ёғи нима булди?— суради Ҳарнамкауэр қайнотасига.

— Нима бўларди,— жавоб берди Ҳарбанс.— Бир неча бор қатнашга тўғри келди. Ҳадеб бораверишга-ку одамнинг юзи чидамайди, лекин начора? Қариндошларга билдирмасдан бориб келавердим. Охири кеча бир оз жаҳлим чиққанини кўриб, қайнонам шу учта қорозни қўлимга тутқазди-да, ўзимиз қийналиб турибмиз, ундоқ эди, бундоқ эди, деб яна арзи ҳол қилиб кетди. «Болам, бизга пул сендан ҳам азиз бўлибдими, икки минг-уч минг рупияни биз сенинг бошингдан ўгириб ташлаймиз; лекин нима қилайлик, вақт ўзи шунақа келиб қолди, қўлимиз ҳеч нарсага етмайдиган бўлиб қолди», дейди.

— Хўш, яна нима бўлди?— сўради Бҳажансингҳ.

— Нима бўларди,— жавоб берди яна Ҳарбанс.— Ўзини хўлиб қочди. Гоҳ сенга дўконнинг нима кераги бор, сен дўкон билан овора бўлсанг, бу ердаги ишларга ким қарайди, дейди. Хуллас, минг хил баҳона.

Қисса тамом бўлгач, ўртага яна сукут чўкди.

— Ҳе, ўлиб кетсин!— охири жимликини бузди Ҳарнамкауэр.— Бунака таги пастларга бизнинг берадиган ўғлимиз йўк.

— Эсингги ебсан, — Бҳажансингх рижиниб деди, — беради-  
ган ўғлимиз йўқмиш! Бермасанг, кимнинг юзи қора бўлади?  
Қим ерга қараб қолади? Бизми ё бошқа бировми? Уларга ҳеч  
ким ҳеч нарса демайди. Одамлар, қашшоқ билиб қизини бер-  
мабди, дейди холос.

Ҳарнамкаур бу далилни рад эта олмади. Унинг жим ўтирган-  
нини кўриб Бҳажансингх яна қўшиб қўйди:

«Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга» деган экан  
иллари ўтганлар. Шундай экан, тўйни қилиб ўтказавер. Ундан  
кейин кўрамиз буларнинг нима қилишини. Ўғлимиз агар ақлли-  
хушли бўлса, эшак қилиб, миниб олади уларни.

Охирги жумлани Бҳажансингх Ҳарбансга атаб айтган эди.  
Бунга жавобан у деди:

— Менинг ҳам фикрим шундоқ, дада. Ҳар нима бўлганда  
ҳам тўйни тўхтатмаслик керак. Тўйдан кейин уларнинг тумшуғи-  
дан ип ўтказиб олмасам, ўшанда айтасиз. Куёвининг кимлиги-  
ни ўшанда билади улар.

Ўғлининг ҳимматидан кўнгли кўтарилиб, Бҳажансингх хоти-  
нига деди:

— Сиёсат деб шуни айтади, Ҳарнамкаур. Вақти келганда  
эшакни ота дейишдан ҳам қочмаслик керак.

— Жуда тўғри айтадилар дадам, — отасини қувватлади Ҳар-  
банс, — эртами, кечми ҳаммаси ўзимнинг қўлимга ўтиши керак-  
ку. Мен бир бориб ўрнашиб олай, сизнинг ҳамма армонларин-  
гиз чиқиб кетади. Худо хоҳласа, ҳали бу уй нима бўлибди,  
данғиллатиб саройлар қурамиз, машиналар оламиз, кайфу са-  
фо қилиб, роҳат-фароғатда яшаймиз. У зикналар қамаб қўйган  
давлатни озод қилиб юборсак, бизга хўп хизмат қилади.

Ўғлининг бу гапидан Ҳарнамкаурнинг томир-томирига қон  
югуриб кетди.

— Айтганинг келсин, ўғлим, — деди у Ҳарбанснинг кифтига  
қоқиб. — Ростини айтганда, сенинг қанотинг билан учиб юриб-  
миз биз. Сен ширин-шакар бўлиб, қайнатанг билан қайнонанг-  
нинг елкасига чиқиб олсанг бўлди — биз ҳеч нарсадан толиқ-  
майдиган бўламиз. Лекин бир нарса эсингда бўлсин. У икков  
давлатнинг устида худди илонга ўхшаб, кулча бўлиб ўтирибди.  
Осон эмас уларни...

— Сиз хотиржам бўлаверинг, ойи, — деди Ҳарбанс гапни  
бўлиб, — бунақа илонларни ўйнатишнинг йўлини мен жуда ях-  
ши биламан. Агар ўйнамас экан, бошини оёғимнинг тагига  
олиб, янчиб ташлаш ҳам қўлимдан келади.

— Ундай бўлса, иш ўнгидан келар экан, ўғлим. — Ўғлининг  
орқасига қоқиб деди Ҳарнамкаур. — Яна бир нарсани эсингдан  
чиқармагин. Уларни эритиш учун бизни унча-мунча ёмонлаш-

дан ҳам тортинма. Ҳеч зарари йўқ. Бизнинг ҳеч қаеримиз камайиб қолмайди.

Ўгли билан хотинининг бу сиёсатомуз гапларини эшитгач, Бҳажансингх ўзида йўқ хурсанд бўлиб деди:

— Ҳа, бунинг ҳеч ёмон жойи йўқ. «Эр-хотин рози, не қилур қози» деган гап бор-ку ахир. Ўзимизнинг дилимиз бир бўлса, ҳеч қанақа гап-сўз кор қилмайди.

— Бўлмасам-чи!— эрининг гапига қўшилди Ҳарнамкаури.— Тирноқ кетса, гўшт қолади-ку.— Кейин бир оз тўхтаб, деди:— Хайр, буни вақти келганда кўрармиз. Лекин мени қийнаётган парса шуки, мана бу уйни қандай қилиб тугатамиз. У ёқда тўй туйнукка келиб турибди, бу ёқда бу ғалва. Ёнимизда эса уч пул йўқ.

— Э, барака тонкур!— деди Бҳажансингх хийла қизишиб,— сен худога орқа қилаверсанг-чи. Ҳамма иш битиб кетади. Мана, уч юз рупия қўлга кириб турибди-ку. Жуда бўлмай қолса, сигир-бузоқни икки ярим-уч юз рупияга сотамиз-да, шу пастдаги хоналарни битириб оламиз. Тепаси кейин бўлаверарди. Баҳона ҳам топилади: тўй яқин келиб қолгани учун қурилишни тўхтатдик, деймиз. Энди тўйнинг сарф-харажатларига келсак, анави куни мен бир диндор билан гаплашувдим. Унинг ушадан минг рупиянинг олиб бераман, деди.

— Менинг ҳам фикрим шу,— деди Ҳарнамкаури.— Шу билан ёмон иш битилади. Ушдан кейин бу ҳамма ёғимиз пул бўлиб кетади. Тун ушадан кейин, ушадан ушадан келур-кетур, нима дейсан, Ҳарбанс?

— Сенинг гапинг тўппа-тўғри. Ҳарнамкаури,— деди Бҳажансингх Ҳарбансдан олдиноқ.— Лекин мени анави ярамас Гурдитсингх ташвишга соляпти. Лоп этиб судга берса борми, бошимиз ерга қараб қолади. Тагин бу ёқда тўй бўлиб турса-ю, бу ёқда суднинг одами эшигимизга келиб, тиқилинч қилиб ўтирмасайди.

Буни эшитиб, Ҳарнамкаурининг юз-кўзидаги шодлик жилваси йўқола бошлади.

— Сизнинг гапингиз ҳам тўғри,— деди у уҳ тортиб.— Қандоқ таги паст одам экан Гурдитсингх! На уятни билади, на шарм-ҳаёни билади.

Бҳажансингх хотинига таъна қилди:

— Сен ҳам, Ҳарнамкаури, бир хил пайтда худди заҳарли илон бўлиб кетасан. Томдан тараша тушгандек, бир ҳафтанинг ичида олиб бориб берамиз пулингни, дейишнинг нима кераги бор эди? Мана кўрасан, эртас-индинга дағдаға қилиб яна тепангга келиб туради.

— Мен қаердан билибман бунинг қуруқ қайтиб келишини,—

деди Ҳарнамкауэр уҳ тортиб.— Улар ҳеч бўлмаса минг рупия берар, дарров олиб бориб анавининг оғзига урамиз, деб ўйловдим, хўш, энди нима қиламиз уни?

— Нима қилардик,— хотинига далда бериш ниятида деди Бҳажансингх.— Менинг фикрим шуки, уйнинг устидан олинадиган икки ярим мингдан ўшанинг пулини ажратиб бериб, қутулиб олиш керак.

— Бор-йўғи бир ярим минг қоладими? Ўша пул билан тўйни қойил қилиб бўладими? Жуда қизиқ гапларни гапирасиз-а!

— Э, қойил қилишни қўйсанг-чи. Жуда қойил бўлмаса, буидоқроқ бўлар. Бизларни биров шаҳардан чиқариб юборармиди?

— Дада!— деди Ҳарбанс,— тузини еб, тузлигига туфлади дегандай гапларни қиласиз-а сиз ҳам. Ҳозирги кунда бир ярим минг нима деган нарсаси? Ундан кейин, ўша ердан-ку, юз-юз минг олмоқчи бўлиб турибмиз. Ахир ўшанга яраша унча-мунча сарф қилиш ҳам керак-да. Шундиг учун менинг гапимга хўп десангиз, ўша Гурдитсингхга ялиниб-ёлвориб, бир ой-бир ярим ой сабр қилишга кўндириб. Сиз айтсангиз, гапипгизни қайтармайди. Ўша кунни ойим бекор қизишиб кетибдилар-да. Бўлмаса шу аҳволга тушиб ўтирармидик. Яна икки ойгина сабр қилиб турса, ўлиб қолмасди.

Яна бир оз шу мавзуда гаплашиб ўтиришди. Ахири бошқа йўл топилмагач, Ҳарбанснинг маслаҳатига амал қилишга қарор қилишди.

Гапдан гап чиқиб, Жасвант тилга олинди. У аҳён-аҳёнда бир соат-ярим соат кўриниш бериб кетар эди. Қолган вақтда қажаларда юради, нима қилади — буни ҳеч ким билмасди. Унинг тўғрисида ҳар хил гаплар юрарди. Лекин уларнинг қайси бири тўғри, қайси бири ёлғон — айтиб бўлмасди. Бу тўғрида Жасвантнинг ўзидан бир нарсани билиш амри маҳол эди. Деворда осиглиқ турган расмларнинг ҳаммасини йиғиштириб олиб кетганидан кейин, уйдагилар ундан бутунлай умидини узиб қўйган эди.

Шу пайтда учови ташвиш ва жаҳл билан Жасвантни гаплашиб ўтиришарди. Ҳарнамкауэр кўз ёши қиларди, Бҳажансингх дам-бадам уҳ тортарди. Ҳарбанс муштини ўқталиб, тишларини гижирлатарди.

— Кел, қўйларинг,— деди охири Бҳажансингх.— Хоҳлаган жойида тентираб юраверсин. «Ўлди» деймиз-қўямиз энди.

— Жуда қизиқ бўлди-ку,— деди Ҳарбанс қизариб-бўзариб,— ота-она боқиб-қўриб катта қилса, ўқитса, ҳунар ўргатса-да, энди берадиган вақти келганда думини хода қилиб қочса. Мен, дада, бу безорилигига ҳеч ҳам тоқат қилиб тура олмайман.

— Хўп, ўзинг айт бўлмаса, нима қилиш керак?— деди Бҳажансингх.— Қандай қилиб боғлаб олиб ўтирамыз уни? Бўйи бўйинг билан баробар бўлса. Қичкина бола бўлмасаки, уриб-сўкиб йўлга солсанг.

— Оҳ! Қани энди бошидан билсам,— деди надомат чекиб Ҳарнамкаур.— Туғилган заҳотиёқ бўйиб ўлдириб қўя қолардим.— Шундай деди-ю, хўнграб йиғлаб юборди.

— Бунақа кўз ёши тўккан билан иш битмайди, ойи,— деди жаҳл билан Ҳарбанс.— Ростини айтсам, уни бузган сиз ўзингиз. Эркалаб, бошингизга чиқариб юбордингиз. Менга қўйиб берганингизда, мен уни мулла қилиб қўярдим. Ҳали ҳам кеч эмас, йўлга солса бўлади.

— Бўлмаса сен ўзинг бир йўлини қил,— деди Бҳажансингх маъюслик зулмати ичида умид нурини кўриб.— Бизнинг қўлимиздан ҳеч нарса келмайди энди.

— Бунинг йўли шуки,— деди Ҳарбанс қизишиб,— сочидан ушлаб, итдек судраб уйга олиб келиш керак. Саёқни мулла қиладиган таёқ. Бунақаларга алдаш-сулдаш қор қилмайди.

— Хўп уриб-суриб кўрдинг-ку,— Ҳарнамкаур баяндай йиғлаб деди.— Сенинг шу уриб-дўппослашларинг уни сурбет қилиб қўйди...

— Уни сурбет қилган менинг калтагим эмас, сизнинг эркалашларингиз,— жавоб берди Ҳарбанс баттар жаҳли чиқиб.— Ҳеч кимга кун берганингиз йўқ. Бировнинг сал қўли тегиб кетса.

— Йўқ, Ҳарбанс, ундоқ эмас,— хотинига раҳми келиб Бҳажансингх унинг ёнини олди.— Ойинг тўғри айтади. Қалтак еяверса, бола деган безбет бўлиб қолади. Тағин унинг феълини ўзинг биласан. Озгина аччиқ-чучук гапириб қўйсанг, эс-ҳушидан айрилиб, шалпаяди-қолади. Шундай бўлгандан кейин, ўғлим, иложи борица яхши гап билан қўлга олавер.

— Хўп, бўпти, дада,— жавоб берди Ҳарбанс отасининг гапи қор қилиб.— Бир марта сизнинг айтганингизни ҳам қилиб кўрганим бўлсин. Бўлмаса, мен эртага ё индингаёқ топиб олиб келаман уни.

Эр-котин иккови ўғлининг гапига қўшилди.

## 16 боб

Ҳарбанс эртасига ишга бормади. Ўзи қанча кундан бери шу аҳволда эди. Қишлоққа жетаятганда хўжайинидан икки кунга ружсат олган эди, лекин бир ҳафтадан кейин қайтиб келди. Сирасини айтганда, ишдан ҳам кўнгли совиган эди. Бу арзимаган

иш ва арзимаган эллик рупия мояна уни энди мутлақо қонинг-тирмай қўйган эди. Ахир тез кунда бир каттамон давлатга эга бўладиган эди-да.

Эрталаб нонуштадан кейин Ҳарбанс Жасвантни қидирганин чиқиб кетди. Даставвал Жасвантнинг одатдаги юриб-турадиган жойларига борди. Ундан-бундан суриштириб тезда унинг уясини топиб олди. Фил дарвозасининг ичкарисида бир уйни кирага олиб ўтирибди, деб эшитган эди. Бундан бошқа ҳам кўп гапларни эшитган эди. Сўраб-сўраб ҳалити одамлар айтган жойни топиб олди.

Пастда дўконга ўхшаган иккита кичкина-кичкина хона бор экан-да, уларнинг ўртасида зинапоя бўлиб, унинг эшиги очик экан. Шу зинапоядан чиқаверишдаги квартирада Жасвант турар экан. Ҳарбанс шартта-шартта юриб зинапоядан юқорига чиқди. Хонанинг эшиги очик экан, Ҳарбанс ичкарига қаради-ю, оғзи очилиб қолди. Аҳмоқ-тентак Жасвант қаёқда-ю, Ҳарбанс кўриб турган ҳашаматли хона қаёқда! У остонада турганича ҳайрону лол бўлиб уйнинг ичидаги нарсаларни бирма-бир кўздан ўтказиб бошлади. Жасвант ҳам ичкарида ўтирибди, лекин шу қадар ишга берилиб кетганини, остонада ақаси турганини-дан мутлақо хабари йўқ.

Хона кичкинагина бўлса-да, лекин жуда ўхшатиб безатилган эди. Илгари Бҳажансингхнинг ишхонаси деворларида осонлиқ турадиган расмлар бу ерга олиб келинган. Улардан бошқа яна бир неча расмлар кўринарди — баъзиси босмахонадан чиққан, баъзиси қўлда ишланган.

Ҳарбанснинг ҳаммадан кўра диққатини ўзига тортган нарса сангтарошликка мосланган махсус жой эди. Жасвант ҳозир ўша ерда ўтириб махсус йўнғич ва болга билан бир тошни йўнғитарошламоқда эди. Хона ичидаги буюмларга қараб, Ҳарбанс бу ерда нима-нима нарсалар тайёрланишини дарров билиб олди. Бир томонда фил суягини ишлашга мосланган жой. Яна бир жой пластмассани ишлашга мосланган. Яна битта махсус жой бор, у ҳойнаҳой ёғочга ўйиб нақш солишга мўлжалланган.

Хонанинг бир бурчагида турган яна бир нарса Ҳарбанснинг диққатини жалб қилди. Бу вентилятор бўлиб, паррагиниб олиб ташлаб, Жасвант уни кичкинагина бир моторга айлантириб олган эди. Уни ёнида ингичка бир тасма ётарди. Вентиляторни шу тасма орқали столдаги кичкинагина станокка туташтириб, Жасвант ундан ёғоч, фил суяги ва ҳоказоларни тешиш, панжара, тўр яшаш ва ҳар хил бошқа ишлар учун фойдаланса керак.

Ҳамма нарсани яхшилаб кўздан кечириб бўлгач, Ҳарбанс йўталиб қўйди. Шундан кейингина Жасвант ишдан бошини кў-

тарди ва остонада турган акасининг баланд, йўгон гавдасига кўзи тушиши биланоқ тахта бўлиб қотиб қолди. Асбоблари қўлидан тушиб кетди ва у «Ака! Сизмисиз?» деганича сапчиб ўрнидан турди-да эшикка қараб юрди.

— Ҳа,— деб жавоб берди Ҳарбанс тишлари орасидан.

— Кириг. Ичкарига кириг,— таклиф қилди Жасвант.

Ҳарбанс миқ этмай тураверди.

— Ичкарига кирмайсизми, ака?

Ҳарбанс ичкарига қадам қўяркан сўради:

— Қачондан пайдо бўлиб қолди бу ишхона?

Ака-ука иккови олдинма-кетин юриб ичкари хонага кирди. Бу ерда битта каравоту каттакон бир қутига ўхшаган нарсадан бошқа ҳеч қандай жиҳоз йўқ эди. Ҳарбанс каравотга ўтирди-да, чор атрофга кўз югуртириб чиқди. Жасвант ҳам акасининг ёнига ўтирди.

Бирпас иккови сукут сақлаб ўтирди. Кейин Жасвант жимликти бузиб деди:

— Роса қийналгандирсиз топиб келгунигизча?

Ҳарбанс миқ этмай Жасвантнинг афтига тикилганича ичида ўйлади: «Бу «ёпиқ қарам калла»нинг оғзи очилиб, тилга кийиб қолибди-ку! Менинг олдимда ҳеч бунақа бемаълум гапирмасди-ку! Аҳён-аҳёнда гапириб қолганда ҳам гапида маза-матра бўлмасди. Бугун бўлса тилидан худди бол томяпти».

— Сиз ўйлаётган гапни мен тушуниб турибман, ака.— Яна

наҳой. Лекин, ака, тўғриси айтсам...

— Вақиллайверма ҳадеб!— Ҳарбанс бирдан тутатиб кетди.— Бу ерга келиб тилинг чиқиб қолибди. Энди шунинг учун уйдагиларни лақиллатаман деб ўйлайсанми? Иш қилиш кўнглингда бор экан, уйда жой топилмовдими ишлашга? Бунақа енг ичида нон ушатишнинг нима кераги бор эди. Сени боқиб кўриб, катта қилганлар энди бугун келиб сенга душман бўлиб қолдими? Уйдагилар менинг топганимни олиб қўяди, деб ўйлаган бўлсанг керак-да, а? Ҳой, билиб қўй, худойим бизнинг ризқ-насибамизни сенинг қўлингга бериб қўйгани йўқ. Биз қайрилиб ҳам қарамаймиз сенинг топадиган пулингга.

— Сиз, ака,— деди Жасвант йиғлагудек бўлиб,— сиз менга ноҳақ зулм қилиясиз. Бунақа нарсалар менинг хаёлимга ҳам келмайди. Менинг...

— Э, бу тилёғламаликни қўй!— яна гапни бўлди Ҳарбанс,— одамнинг яхши-ёмони бошидан маълум. Мен бугун кўриб турганим йўқ. Сенинг ўзи ҳолинг шу — уйдагилардан етти чақрим нарига қочасан улар сени худди еб қўядигандек. Бу эди яна ҳам яққол кўзга кўринибди. Лекин сенда айб йўқ,

бола. Ўзи шунақа бўлади: қурт-қумурсқага қанот битгани унинг ажали етди дегани бўлади.

— Ака, менинг гапимни ҳам бир эшитинг,— яна ҳам ялиниб деди Жасвант.— Ўшанда ҳам агар мени гуноҳкор деб билсангиз...

— Бе! — деди Ҳарбанс лаб-лунжини буриштириб.— Сенда гуноҳ нима қилсин. Сен сутга чўмилгансан. Айб бизларда. Бизлар бошиданоқ сени бўш қўйиб қўйдик. Бўлмаса индамасдан уйдан чиқиб кетишга сенинг бошинг ўнтайди.

— Мен сиздан илтимос қиламан, ака,— деди Жасвант икки қўли билан унинг билагидан ушлаб.— Сабр-тоқат қилиб менинг гапимни ҳам бир эшитинг. Ундан кейин нима десангиз майли.

— Нари тур! — Укасининг қўлларини силтаб ҳайқирди Ҳарбанс.— Бу ҳийла-найрангларинг менга кор қилмайди. Бошқа бировга бориб кўрсат ҳунарингни. Эшитишимча,— деди у ўша-ўша дагдага қилиб,— бировлардан қарз ҳам олганмиш-сизми?

— Ҳа, олганман, ака.— Жавоб берди, Жасвант.— Икки юз рупия жуда керак бўлиб қолувди.

— Нимага шунчалик зарур бўлиб қолди? Анови тош-пошларгами?— шундай деб Ҳарбанс ташқари хонага ишора қилди.

— Йўқ, ака. Буларга жуда унақа пул сарф бўлмайди.

Шундай деди-да, Жасвант ўрнидан туриб бориб, бурчақдаги сандиқнинг қопқогини очди ва унинг ичидан қоғозга ўралган бир узунчоққина нарсани олди ва қоғозини олиб ташлаб, уни авайлаб каравотга қўйди. Бу узунлиги уч фут ва йўгонлиги бир фут келадиган ғўлачасимон фил сияги эди.

— Шуни уч юз эллик рупияга олдим, ака,— деди Жасвант.— Ассомдан келадиган шунақа фил суягини арзонроққа ҳам олса бўлади. Лекин у бир оз нуқсонли бўлади. Менга эса бошдан-охиригача тўппа-тўғри, адл, силлиги керак эди. Шунинг учун қиммат бўлса ҳам мана шу Африкадан келган молни олдим.

— Нима, билагузук, қиласанми бундан?

— Йўқ, ака,— бир оз илжайиб жавоб берди Жасвант.— Билагузукка бунақа нодир нарсанинг нима кераги бор.

— Бўлмаса нимага керак бу?

— Мен бир ҳайкалча ясамоқчиман.

— Ҳайкалча ясамоқчиман?— мазах қилиб сўради Ҳарбанс.— Ҳа, бунақа қимматбаҳо нарсадан ҳайкалча ясаш кимдан чиққан ақл? Бу ерда бунақа қиммат нарсани қайси бир савдогар оламан, деб ўтирибди?

— Деҳлида ҳунармандлик буюмларининг кўرғазмаси бўла-

диган. Уша кўргазмада фил суягини ишловчи санъаткорларга катта мукофотлар бериларкан.

— Ана, холос!— Хахолаб кулиб юборди Ҳарбанс.— Яна битта янги жин урипти-да акамни. Балиқ ҳам тошни кемираман деркан. Ҳа, кел, бизларга нима. Мукофотни ҳам сенга атаб олиб қўйган бўлса керак?

Жасвант фил суягини яна боягидек эҳтиёт билан ўраб-чирмаб, олиб бориб қутичага солиб қўйди. Бу ёқда Ҳарбанс уни лаънат-маломат қилган тарзда гапга тушиб кетди. Уйдаги қийинчиликлардан иморатнинг ғалваларигача, иморатдан тортиб Гурдитсингхнинг қийноқларига, ундан ўтиб ўзининг тўйига бўладиган сарф-харажатларгача ҳаммасини битта қўймай гапирди. Ёнида ўтирган Жасвант бир неча марта гапиришга оғиз жуфтлади. Лекин Ҳарбанс ўзининг бутун ўйлаганини айтиб тутатмагунча унга навбат бермади. У гапириб-гапириб тўхтагач, Жасвант сўради:

— Гапириб бўлдингизми ака ёки яна борми?

— Бундан ортиқ гапириш энди кули элаш билан барабар.— Бояги дағаллик билан жавоб берди Ҳарбанс.— Биров қулогига пахта тикиб ўтиргандан кейин, минг гапир, бари бир уч пуллик фойда йўқ.

— Хўп, бўлмаса энди ака менинг ҳам уч-тўрт оғиз гапимни эшитинг.

— Сенинг гапингни уйга бориб эшитаман. Қани тур. Юр

— Уйгами?

— Қаёққа бўларди бўлмаса? Дўзахга борармидинг?

— Йўқ, ака, мен уйга ҳозирча боролмайман.

— Нега? Уйдан кечганмисан?

— Буни сўрамаганингиз маъқул эди. Лекин, хайр, сўраганингиздан кейин, айтсам айта қолай.

— Қани, айт бўлмаса тезроқ.

— Ака!— деб гап бошлади Жасвант ҳаяжон билан.— Сизнинг айтган гапларингиздан мен тушунишимча, сизлар мени ўтакетган бевафо, яхшилиқни билмайдиган, ота-онасини ҳам алдаб кетган деб хаёл қиляпсизлар.

— Хўш, ҳали ҳам бирон шубҳанг борми шунга?

— Шубҳа у ёқда турсин, ака, сизларнинг фикрларингизда ҳақиқат дегаи нарсадан тариқча ҳам йўқ. Менинг бу гапларим сизга қаттиқ тегиши мумкин. Лекин, ака, жаҳлингиз чиқмасин. Раҳматлик бувам, менга, ўғлим, бирор ерда ҳаром нарса ётганини кўриб қолсанг, етти чақирим наридан айланиб ўтгин, деб насиҳат қилиб кетган эдилар. Мен бўлсам, ундан ўзимни бори-йўғи бир-бир ярим чақирим узоқроққагина олиб келдим, холос.

— Яъни, нима демоқчисан бу билан?— бир оз ўнғайсизланиб сўради Ҳарбанс. Бунга жавобан Жасвант одатига қарши дадиллик ва тўла ишонч билан бувасининг йиғиб-терганини қандай қилиб ўғри урганини айтди. Бунга далил сифатида эса тунов кунги кечаси ҳовлида туриб ичкарида ўтирган онасининг отасига айтган гапларини сўзлаб берди.

Қаршилиқ қилишга озгина имкон бўлганда ҳам Ҳарбанс бу имкондан фойдаланиб, укасининг терисига роса сомон тикарди. Лекин ҳеч илинадиган жой тополмай нима қилишга ҳайрон эди, Шунга қарамай, у ўзини йўқотмади. Бу унинг табиатига зид бўларди.

— Кел, шундай бўлганоқ дейлик.— У ўзини оқлашга уринган тарзда деди.— Лекин бунда гуноҳ деган нарсa йўқ-ку. Ахир ўша давлат чолнинг тириклик вақтида ҳам шуларникийди, ўлганидан кейин ҳам шуларникийди. Олса, ўзига тегишли нарсани олибди. Шундоқ бўлгандан кейин, бунда гуноҳ нима қилади.

— Мени бу гапга тортмасангиз бўларди, ака.— Йиғлагудек бўлиб деди Жасвант.— Гуноҳми, гуноҳмасми — буни мен билмадим, лекин шунақа йўл билан топилган пул-давлатни мен ҳаром деб биламан.

♦ — Албатта!— деди Ҳарбанс кесатиб.— Ахир чол бу пулларнинг ҳаммасини суюкли неварасига атаб қўйган эди-да! Неварга тегмай, унинг ота-онасининг қўлига тушиб қолгандан кейин, албатта, ҳаром бўлади-да. Сенга текканда эди, ҳаммаси ҳаппа-ҳалол бўларди. Шундайми? Ҳамманики ўзига, ой кўринар кўзига.

— Мен сизни қандоқ қилиб ишонтирсамикин,— Жасвант худди кўкрагини тилгандек бўлиб деди.— Бунақа нарсалар менинг ҳаёлимга ҳам келмайди, ака. Бувам менга ҳамма вақт шундай таълим берган. Лекин шунда ҳам сизлар мени шундоқ паст, ярамас деб ўйларкансизлар, унда мендан узоқроқ туришинглар керак. Сизлар мени ўз ҳолимга ташлаб қўйинглар. Лекин шунда ҳам мен сизга бир нарсани албатта айтиб қўйишим керак: Жасвант кўнглидаги ота-онасига бўлган меҳр-муҳаббат билан фахрланади. Бунга ҳозирча ҳеч қанақа далил келтиролмайман, лекин бунинг вақти келади.

— Хўш, бўлмаса, сен ҳозир уйга бормаيسانми?

— Йўқ, ака, бормаيمان.

— Ҳеч қанақасига бормаيسانми?

— Бир шартни бажарсанглар, боришим мумкин.

— Қанақа шарт экан у?

— Шарт шуки, сиз ҳамманглар ҳақ-инсоф йўлидан юрасизлар.

— Ҳақ-инсоф йўлидан? Нима, сенинг хаёлингда бизлар ўғрилиқ қилиб юрибмизми?

— Сиз, ака, хафа бўлманг-ку, лекин сиз «Уйланаман, уйланаман» деяпсиз-а? Шунини мен айни ўғрилиқ-қароқчилик деб биламан. Ростини айтганда, сиз уйланаётганингиз йўқ, балки бировнинг давлатини қўлга киритиш учун...

— Кўп вақиллама!— Ҳарбанс ғазаб билан гапни шарт бўлди.— Ҳақ-инсофни биладиган сендан ўргилдим. Бизлар бировнинг дунёсини қўлга киритиш пайдамизу бу киши авлиё бўлиб ўтирганмишлар! Ҳў, сенинг кирдикорларингни мен жуда яхши биламан.

— Менинг кирдикорларимни-я?

— Ҳа, худди сенникини. Очиғини айтиб берайми?

— Ҳа, айтинг.

— Очилмай тура турса бўларди ҳали.

— Йўқ, ака, бунақаси кетмайди. Рост, сиз менинг бирор айбимни кўрган экансиз, тортинмай айтаверинг. Қайтага мен сиздан миннатдор бўламан.

— Ана холос! Ҳўп, бўлмаса, қани, айти анови қўл ушлашиб боғларда сайр қилиб юрадиган қиз ким? Меп буни шу бугун битта бир оламдан

— Э! Сиз Арунани айтяпсиз-ку. У менинг синфдошим, холос.

— Э, ҳийла-пайрангни кўй. Синфдоши эмиш! Ойни этак билан кетмакчи бўлган

Шу гапни айтди-ю, Ҳарбанс шартта орқасига угирилди ва хонадан чиқиб тасир-тусир зинадан пастга тушиб кетди.

\* \*  
\*

Уйга қайтиб келгач, Ҳарбанс ота-онасига Жасвантни роса қоралади. Одатда қизиққонли йигитлар ўзи шунақа бўлади. Қисман эшитган гапларига, қисман ўзи кўрганига асосланиб ва қисман ўзидан қўшиб манзарани шундай чиздики, уни кўриб Бҳажансингх-ку бир амаллаб ўзини тутди, лекин Ҳарнамкаурнинг бўладигани бўлди. У ўзини ўзи муштлаб, йиғлаб фарёд қилишга тушди:

— Э, худойим! Қандоқ мўмин-маъқулгина бола эди. Қайси бир азиз-авлиёнинг қарғишига учрадик. Одамнинг афтига тик қаролмасди, тил-забон деган нарсга йўқ эди боламда.

— Тил-забони йўқ эди?— кесатди Ҳарбанс.— Бир кун бориб кўрнинг, ўшанда биласиз. Сиз айтган ҳў илгариги Жасвант йўқ

энди. Биттага юзтани қўндириб турибди. Бировга оғиз ҳам очтирмайди. Сиз, одамнинг бетига тик қарамасди, деяпсиз, а? Бунисини ҳам эшитинг. Ҳозирча-ку мен унга ҳеч нарса демайман. Лекин сал аниқ қилиб олай, бир кун бориб шаппа ушлайман.

— Нима-нима?— эр-хотин иккови қўрқиб сўради.

— Эшитишимча, бир қизни олиб қочиш пайида юрганмиш.— Шундай деб Ҳарбанс гўё ўқ дорига гугурт чақиб юборди. Ҳарнамкауэр ўзини-ўзи уриб-юмдалашга тушиб кетди.

— Ойи, сиз туппа-тузук жинни экансиз.— Иккала қўли билан ойсини маҳкам ушлаб олди у.— Бунақа йиғлаб-сиқташ, бақириб-чақиршдан нима фойда?

Бу ёқда Бҳажансингх оҳ-воҳ қилиб ётибди:

— Э, худойм! Бунақа фарзандни бергандан бермаганинг яхшийдн. Бу дунё ҳам куйди, у дунё ҳам куйди. Шундоқ бўлишини билганимизда боқиб-кўриб катта қилиб ўтирармидик.— Кейин хотинига қараб деди:— Ҳарнамкауэр! Бу гапларни эшитиб, мен яна бир нарсадан хавотирдаман.

— Нимадан?— кўз ёшини арта туриб сўради Ҳарнамкауэр, Ҳарбанс ҳам отасининг оғзига тикилди.

— Шу гаплар, худо кўрсатмасин, оғиздан оғизга ўтиб Ҳарбанснинг қайнона-қайнотасининг қулоғига етиб қолмасайди, деб қўрқаман. Унда бутун қилган ҳаракатимиз уч пул бўлиб кетади-я.

— Тавба денг-э!— деди Ҳарнамкауэр кайфи учиб.— Бунақа бўлмагур гапларни оғзингизга олманг. Улар унақа аҳмоқлақма эмас ҳамманинг гапига учадиган.

— Э, барака топгур-э!— Бҳажансингх ўша ҳадиксираган оҳангда деди.— Одамнинг юзта дўсти бўлса, юзта душмани бор. Гурдитсингхга ўхшаган биттаси эртага бориб айтса, ишонса ишонавереди-да. Бу ҳам ахир ўзимизнинг қавмдан.

— Ҳеч ташвиш қилманг, дада!— Ҳарбанс отасига далда берди.— Уларнинг қулоғи жуда пишиқ. Сиз уларни мендан яхши билмайсиз. Мен сизга бир кунги воқеани атай. Қайнонам гандан-гап чиқиб, «Ҳарбанс ўғлим! Менинг қизим жуда бахтли туғилган экан— сенга ўхшаган йигит насиб бўлди», деган эди.

Қуни кечагина эр-хотин иккови қудаларининг гўрига гишт қалаб сўкиб-қарғаб ўтирувди. Ҳарбанс ҳам оббо деб уларнинг бошига таъна тоши ёғдираётган эди. Лекин бугун бирдан ҳаммаси яна ўшаларни мақтаб кўкка кўтариб қолди.

— Сенинг гапинг жуда тўғри,— деб гап бошлади Бҳажансингх.— Сардор Анупсингхнинг хонадонини мен яхши биламан. Сажда қилишга арзийдиган одамлар. Лекин шундоқ бўлса ҳам

одам чўчийди. Бу ярамас шаҳарни ташлаб, бирор ёқда даф бўлиб кетганда ҳам эди, одам бундоқ ташвиш тортмасди. Шунақа ишларни қилиш кўнглида бор экан, лаънати бирор бошқа ерга бориб қилмайдими.

— Келинг, қўйинг, дада!— деди Ҳарбанс отасининг дардига шерик бўлиб.— Ташвиш қилиб нима қиласиз? Қилмиш-қидирмиш, деган гап бор. Ким нима қилса, ўзи ажрини тортади. Энди сиз шу уч-тўрт куннинг ичида уйнинг қолган-қутган ишларини қилиб тугатинг-да, тўйнинг тайёргарлигини кўринг. Худо хоҳласа, ҳамма иш жойида бўлади. Мен турибманми, сизлар ҳеч нарсани ташвиш қилманглар. Сиз ҳам, ойи, кўп ваҳима қилаверманг.

— Барака топ, ўғлим!— оналик қалби меҳр-муҳаббатга тўлиб ўғлининг орқасига қоқиб деди Ҳарнамжаур.— Сен бор экансан, бизнинг ғамимиз йўқ. Лекин ўша ярамас туфайли охиратдан айрилдик энди. Худо умрингни узоқ қилсин. Сен бизларга етти ўғилга татийсан.

## 17 боб

Сардор Ануписингхнинг ёлғизгина қизи борлиги, бошқа фарзанди йўқлигини ҳамма биларди. Шунинг учун унинг қиз узатишидан хамманинг ўмиди катта эди. Кўплар бу тўй шохона мўнча биладиганлар, «э, бу чироқда мой йўқ», дерди. Айниқса унашув кезида Ануписингхнинг кўрсатган ҳунаридан хабардор кишилар, тўй ҳам ўша унашувга ўхшаган бўлади-да, дейишарди.

Одамлар нима деса деяверсин. Лекин бир нарсага шубҳа йўқ эди: эр-хотин аввал худо деса, ундан кейин шу қизини дер эди. Шундай экан, ҳар қанча зиқна бўлганда ҳам, ёлғиз қизининг тўйига ҳам зиқналик қиларди, деб ўйлаб бўлармиди? Албатта улар бир нарсанинг ташвишини қиларди. У ҳам бўлса шуки, не ҳасратда тийин-тийинлаб йиққан пул-давлатимизнинг ҳузурини қизимиз билан куёвимиз кўрсин-у, бошқа ҳеч ким бунга илашмасин, дерди улар. Фақатгина одамларни хурсанд қилиш, уларнинг мақтовини эшитиш учунгина бутун бор-йўгини қудасининг уйига ташиб беришга уларнинг ҳеч кўнгли йўқ эди. Буни ўтакетган нодонлик деб биларди улар. Йигит буларникида ичкўев бўлиб туриши керак эди. Бу жиҳатдан-ку қудаларга бир нарса беришнинг ўзи бўлмағур гап эди. Худди шуни ўйлаб, улар унашув вақтида катта кетмади. Тўйда ҳам худди шундай иш тутишни мўлжаллаб қўйишганди. Бўлғуси куёвимиз ҳақиқатан

ҳам ўғил ўрнини босса, бизнинг ҳамма нарсамиз ўшаники, дерди эр-хотин. Лекин бошқача ҳам бўлиши мумкин эди. Тўрт кундан кейин йигит ота-онасининг ногорасига ўйнаб, густоҳлик қила бошлаши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас эди. Шунинг учун булар ҳам жуда ўйлаб-сўйлаб иш қилмоқда эди. Ахир унақа-бунақа нарса эмас, давлат масаласи кўндаланг бўлиб турганди. Мана шу гапларнинг ҳаммасини назарда тутиб, шунга яраша тўй режаси тузилган эди.

Тўйдан олдиноқ бирдан шундай бир воқеа бўлиб қолдики, бу уларнинг, қудаларимиз бизнинг давлатимизни ўмаришнинг пайида экан, деган шубҳасини ишончга айлантириб юборди. Тўй бўлмасданоқ Ҳарбанс икки минг рупия сўраб келгач эса, улар, қудаларимиз худо урган уятсиз ва тамагир экан, деб кўнглига тугиб олди. Ҳозирдан ҳоли шу бўлса, тўйдан кейин нима ҳунар кўрсатади; булар уйимизнинг гиштини ҳам битта қўймай ташиб кетишдан тоймайди деган фикр пайдо бўлди уларда. Шу воқеадан кейин тўй бузилиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас эди. Ҳатто сардор Анупсингх хотинига шундай фикрни айтди ҳам, лекин Дҳарамкаур шундай қадди-қоматли куёвдан айрилиб қолишига сира рози бўлмади. Шу ёғи ҳам бор эдики, у Ҳарбанснинг табиатини яхши билиб олган эди. Тўйдан кейин озгина лаганбардорлик билан уни қўлга олиш осон деб ўйларди. Ҳойнаҳой шунинг учун ҳам Ҳарбанс пул сўраб келганида, Дҳарамкаур уни қуруқ жўнатишни муносиб кўрмади, уч юз рупияни унга қурбон қилди.

У ёқда йигит томон ҳам тўйга кўп жонбозлик қилди.

Бҳажансингх судхўрдан уйи устидан икки минг рупия олди, холос. Даллол ҳақи, судга бўлган сарф-харажат ва бир йиллик проценти бўлиб, ундан ҳам бор-йўғи бир ярим минг қўлга тегди. Энди Ҳарбанснинг эллик рупиялик маошига келганимизда, уни ҳам худо кўп кўрди. Ҳарбанснинг ўзи бўшаб жетмаганда, унинг кунда-кун ора ишга келмаслигидан безор бўлган хўжайиннинг ўзиёқ бўшатиб юборарди.

Ҳаш-паш дегунча никоҳ куни ҳам етиб келди. Куёвлар келди, юз кўриш бўлди, никоҳ ўқилди ва никоҳат желин тахтиравонга ўтириб куёв билан бирга жўнаб кетди. Лекин шуларнинг ҳаммаси ҳеч шавқ-завқсиз, қуруққина бўлди. Куёв томондагилар, қиз томон бизни жуда супрада қоқди, гадойсоққалар ҳам бундай зиқналик қилмайди, деб хафа эди. Қиз томон эса, қизга қандай амирона сарпо-суруқ келган бўлса, биз ҳам куёвга шундай шоҳона сарпо-суруқ қилдик, деб жавоб берарди. Куёв томон бор-йўғини шу қиморга тикиб, катта ютуқни умид қилиб ўтирган эди, ҳамма умиди пучга чиқди.

Умуман, йигитларда, бирор ёмон иш қилиб қўйса, уни уйдагилардан яширишга уринадиган одат бўлади. Лекин Жасвант яхши хислатларини ҳам ота-онасидан яширишга одатланган эди. У ўқтин-ўқтин ўзи билан ўзи бахслашарди. «Нега мен уларга кўнглимда борини айта олмайман?— дерди у ўзинга. — Нега уларга рўпара бўлишим билан, айниқса, акамни кўришим билан тил-забонимдан ажраламан-қоламан? Ахир мен ҳам шу уйнинг одамиман-ку? Ахир менинг ҳам ҳақ-ҳуқуқим бор-ку. Шундай бўлгандан кейин, ўзимни нега паст олиб юраман?»

Ўз ичидан чиққан бу саволларга жавобан ўз ичида биров дерди: «Улар менинг кўнглимдагини билишга ҳеч ҳаракат қилдими? Яиглишиб бўлса ҳам менга меҳр-муҳаббат билан икки сўз сўз айтдими? Уларнинг шундай муносабатини кўриб туриб, мен...»

Шунақа далиллар билан у ўзини овутишга уринарди. Лекин овути олмади. Чунки аёс ҳолга унинг табнати бутунлай ўзгарган эди.

Жасвантнинг кўнглида ота-онасига ҳеч меҳр йўқ, ўғиллик бурчинин сира ҳис этмайди, деб бўлмасди. Вафодор ўғил, намуналик уй қишси бўлишни бошқалар қандай орзу қилса, у ҳам шундайдир. Бирор ҳаётда беэҳтибор бўлиб келаётган экан, уйга уч пуллик фойдаси тегмас экан, бунинг ҳойнаҳой бирор сабаби бор эди.

Бошиданоқ уйдагилар уни деярли назар-писанд қилмасди. Бунинг ҳам улар билан деярли алоқаси йўқ эди. Лекин раҳматлик буваси ўлгандан кейин эса, бу бепарволик, бу алоқасизлик яна ҳам кучайиб кетган эди. Илгари Жасвант кундуз кунлари тентираб юрадиган бўлса, кейинроқ бориб кечалари ҳам кўчада қолиб кетадиган бўлди. Уйдагилар унинг дайдилигига барҳам бериш учун қўлидан келганча ҳаракат қилди. Уришиш-сўкиш, уриш-дўппослаш — ҳаммасини қилиб кўрди. Лекин фойда бермади. Кунлар ўтиб кетаверди, лекин Жасвантнинг оёқ олиши ўзгармади. Натижада уйдагилар уни илгари синиқ қадоқ тош ҳисоблаб келган бўлса, энди қуруқ бир кесакка чиқариб қўйди. У қаерда ётса ётаверади, қандоқ ётса ётаверади — ҳеч кимнинг хаёлига келмайди.

Вақт Бҳажансингхнинг хонадонини нақадар ўзгартириб юборди! Эҳтимол бошқалар бунга ажабланмас. Лекин Жасвантни бу нарсга жуда ҳайратга солиб, унга жуда азоб берарди. Илгари қаноат, адл-инсоф, раҳм-мурувват ҳукм сурган уй

энди Жасвантнинг кўз олдида ҳирс, нафспарастилик ботқоғига ботиб бормоқда эди. Ҳарбанснинг уйланиши тўғрисида гап бошлангандан бери эса бу уй бугунлай шайтонхона бўлиб қолган эди. Уйдаги гап-сўзларни, тузилаётган режаларни эшитиб-кўриб Жасвант виждон азобида ўйларди: «Булар биронинг мол-давлатига чанг солишнинг, бир ёлғиз қизли ота-онани шилишнинг намуна пайига тушди? Нима, дунёда пулдан азизроқ нарса йўқми? Булар пул деб намуна виждони-ни сотишмаса?»

Лекин шу сир-синаотларнинг ҳаммасини кўриб-билиб туриб ҳам Жасвант бир нарса қилишга ожиз эди. Бунинг бир сабаби шу эдики, ундан уч пуллик наф тегишидан умид узиб, уйдагилар унинг фикр-ўйи билан мутлақо қизиқмасди. Иккинчидан, Жасвантнинг ўзи ҳам ҳеч кимга бир нарса деб оғиз очмасди.

Кейин тузиб қўйилган режалар Жасвантнинг кўз олдида бирин-кетин амалга оша бошлади. Ҳарбанснинг унашуви бўлиб ўтди, уй қуриш бошланди ва бунинг учун уйдагилар Гурдитсингх деган бир қароқчи савдогар билан шартнома қилиб, ўзининг оёқ-қўлини кишанга солди.

Жасвант ўзи-ку ишхонада жуда камдан-кам ўтирарди. Кўпинча уйда ҳам бўлмасди. Лекин, шунга қарамай, уйдаги сир-асрорнинг ҳаммасидан хабардор эди. Ота-онасининг бемаъни режаларини кўриб, ичиди ғижинарди. «Нима бўлса бўлар; уйдагилар хоҳласа мени уриб-ўлдирсин, итдек судраб кўчага улоқтириб ташласин, лекин мен шулар билан бир гаплашиб қўяй,— деб кўнглидан ўтказарди у.— Одамлар фаришта ҳисоблаб, оёғига сажда қилган ўша Матабсингхнинг авлодисанлар, шунн унутдиларингми, деб, учаласининг эсига солиб қўяй».

У эртаю кеч шундай фикр-хаёлларга чўмиб ётарди. Лекин бирор марта бу гапларни айтишга журъат эта олмади. Унинг лабларига босилган муҳр ҳеч очилмади. Бундан эса «гадонинг жаҳли тўрвасига зарар» деган натижа чиқди холос. Уйдагилар билан унинг алоқаси борган сари узилиб бораверди. Охир бир кун кечаси кўчадан қайтиб келгач, ҳовлида туриб ичкарида гаплашиб ўтирган отаси билан онасининг бир гапини эшитди-ю, Жасвантнинг сабр косаси тўлиб-тошиб кетди. Онаси билан акасининг нияти ҳар қанча қора бўлса ҳам, шу маҳалгача Жасвантнинг кўнглида уларга бир оз бўлса-да, жой бор эди. Ҳеч бўлмаса, кўча-кўйнинг олдида Жасвант уларнинг юзини қиларди. Аммо, ҳалиги эшитган гапидан кейин уйдагиларнинг учоғи ҳам унинг кўзига балодек, одамхўр йиртқич ҳайвондек кўрини бошлади. Онам билан акам фариштадек бувамга нисбатан унинг

йиғиб-терган мол-дунёсини ўғирлашдек разилликни қилади ва отам бу разилликка бардош беради, деб Жасвантнинг мутлақо ҳаёлига келмаган эди.

Шу мудҳиш воқеадан кейин Жасвант бу уйда энди бир минут ҳам тура олмасди. У шартта орқасига бурилди-ю, эшикка қараб йўл олди. Остонага қадам қўювди ҳамки, орқасидан онаси чақириб қолди:

— Жасвант! Яна қаёққа кетяпсан? Овқат-повқат емай-санми?

Жасвант «Ҳозир келаман» деб, орқасига қарамай чиқиб кетди. У ҳойнаҳой бир нарсадан чўчиди. У ҳам бўлса шуки, агар бир минут ҳам тўхтаганда, лабининг муҳри очилиб кетиб, ичидаги ўқ дори омбори лоп этиб портлаб кетиши ва бировнинг жонини олиб қўйиши мумкин эди.

Раҳматлик бувасининг насиҳатларига суяниб Жасвант тонг отгунча бир амаллаб ўзини тутиб турди. Лекин шунда ҳам ота-онасига рўпара бўлиши билан тилининг жиловни қўлидан чиқиб кетиш аҳтимоли бор эди. Бундан ташқари уйдагилар разолат балчиғига шу қадар ботиб қолган эдики, манман деган одамнинг ҳам гапига қулоқ солишини ~~жудо биларди~~. Жасвант-ку бор-йўғи битта ўғил эди, ўғил бўлганда ҳам қуруқ кесакка ўхшаган ўғил. Чунончи, «энди алоқани оутундай узиб қўя қолганим яхши» деган қарорга келди-да, қайтиб уйига бормади. Лекин содиқ ўғил бўлиш, уй-жойим деб жон ~~қўйганим~~ ~~орам~~ қилган Жасвант учун бу инсолатда каттиқ азоб эди.

Аммо уйни ташлаб кетгандан кейин ҳам Жасвант ўзини якка ҳис қилмади, тарвузи қўлтиғидан тушмади. Унинг энг катта таянчи бувасининг насиҳатлари эди. Буваси унинг кўз олдидан сира нари кетмасди. У таянган иккинчи катта нарсасанъатга бўлган иштиёқи эди. Учинчидан, ҳунармандлар орасида унинг кўпгина таниш-билишлари бор эди. Улар ўзидан анча кичкина бўлишига қарамай, санъат бобида Жасвантнинг ўзидан улуғ биларди. Жасвант ўшаларнинг ёрдамига таянарди. Шунча таянчи бўлган одам, албатта, ота-онасининг меҳр-шафқатидан ва уйининг соясидан маҳрум бўлиб ҳам айтарли азоб чекмайди. Бунинг устига Жасвант бирор ёмон иш қилиб уйдан четгани йўқки виждон азоби уни еб қўйса.

Жасвантни иззат-нафси қўллаб-қувватлади, санъатга бўлган муҳаббати руҳлантирди ва таниш-билиш, ошна-оғайниларнинг меҳр-шафқати жонига оро кирди. У камдан-кам одам биладиган бир жин кўчадан иккита кичкина хонани ижарага олиб, ўша ерга ўрнашиб олди. У ясаган буюмлар бозорда бошқаларникига қараганда яхши қадр топарди. Чунончи, у

Ўтириб ғайрат билан меҳнат қилишга тушди ва нқтисодий томондан ҳам, санъат, маҳорат-жиҳатидан ҳам катта ютуқларга эриша бошлади. Озгина кунда, яъни икки-уч ҳафта ичида унинг меҳнат-машаққатларининг меvasи кўзга кўриниб қолди. Ҳунарманд-усталарникига қатнайдиган бўлди, дўкдорлардан анча буюртмалар олди, шу билан бирга, ўзининг ҳунар-маҳоратини кундан-кунга ошириб борди. Фил суягини ишлашдан қанча вақти қолса, ҳаммасини тошдан ҳар турли ҳайкалча ва ҳоказолар яшаш, қалам билан расм чизишга бағишлади. Лекин асл ҳунар, санъат қийин нарса. Унча-мунча риёзат чекиб, унинг чўққиларини эгаллаб бўлмайди. Жасвантнинг назарида санъат бир денгиз эди, у эса шу денгиз қирғоғида тош ўйнаб ўтирарди ва унинг чуқур тағида нималар яшириниб ётганини билмасди. Ўша денгиз қаъридаги сир-асрорни билиш иштиёқи билан ёнар ва бунинг учун турли-туман режалар тузарди. Охири бир кун ёнига унча-мунча пул тушувдики, Аграда ҳунармандлик кўргазмаси бўлаётганини эшитиб, сабри чидамади-да, поездга ўтириб бир неча кунли сафарга жўнаб кетди. Катта меҳнат-машаққат билан фил суягидан Қутб Минорнинг бир тимослини ясаган эди, лекин амритсарлик савдогарларга сотмаган эди. Ташқарининг ҳам бир ҳавосини олиш учун ўша буюмни ҳам ола кетди.

Даставвал у Деҳлига борди. Бу ерда унинг Қутб Минори катта каромат кўрсатди. Жасвант уни Амритсардагига қараганда деярли икки баробар ортиқча сотди ва унинг ҳунаридан рағбатланган дўкдорлар унга бир неча буюртмалар ҳам берди. Бундан ташқари Жасвант бу ерда кўп нарсаларни билиб олди. Масалан, четдан келган сайёҳлар кўпроқ қанақа буюмларни олишини билди. Кейин Аграга бориб, Тож Маҳални — расмининг ўзиёқ кўнгилни остин-устин қилиб юборадиган санъат ёдгорлигини ўз кўзи билан томоша қилди. Кейин кўргазмага бориб, у ерда қанчадан-қанча сангтарошлик намуналарини кўрди ва улардаги асл санъатга хос нафосатни кўриб оғзи очилиб қолди. Илгари у ўзини санъат денгизи соҳилида ўтирган деб ҳисоблаб келган бўлса, энди бу санъат намуналарини кўргач эса, соҳилдан ҳали етти чақирим нарида эканини ҳис қилди. Жайпурлик усталарнинг фил суягидан ясаган буюмлари, бангалурлик усталарнинг сандал ёғочига берган ишлови, агралик усталарнинг мармар ва пластмассадан тайёрлаган буюмлари ва яна кўп бошқа жойлардан келган тош, кумуш, мис, жез ва ҳатто лойдан ясалган шоҳ асарларни кўриб, боши айланиб кетди. «Арзимаган бир тош, ёғоч ёки фил суяги парчасига қандай қилиб жон киритган булар?— деб ўйларди у ичида ва ўзи ўзидан уялиб кетарди:— Мен ҳам ўзим-

ни санъаткор деб ҳисоблаб юрган эканман. Санъат мактабига кириб ўтирсам, билимим биринчи синфга ҳам арзимас экан».

Бир ярим ҳафтани ўтказиб, сайр-саёҳатдан уйга қайтиб келганда, унинг кўнгли илҳом ва иштиёқ билан лиммо-лим тўлган эди. Унда бир катта орзу ёки ҳатто жунун пайдо бўлган эди. Аградан кейин энди Деҳлида бўладиган санъат кўргазмасига атаб бирор нарса ясашга қатъий аҳд қилган эди. Бу кўргазмага бутун мамлакатда катта тайёргарлик борарди. Бошқа буюмлар қаторида фил суягидан ясалган буюмларга ҳам учта катта-катта мукофот тайинланган эди. Ҳиндистондаги манман деган санъаткорлар олдида-ку Жасвант ип еча олмасди; оққушлар орасида ғоз қандоқ бўлса, уларнинг олдида бу ҳам шундоқ эди. Лекин шунга қарамай, аҳдидан қайтмади. «Кел, ютмасам ютмасман. Ютқизиб ҳам кўп нарсани ўрганишим мумкин. Кўргазма очилишига ҳали уч-уч ярим ой вақт бор. Шу ўртада бирор нарса ясаб қоларман»,— деб ўйлади у. Шу қарорга келди-да, ўжар Жасвант белини маҳкам боғлаб ишга тушиб кетди. Лекин, фил суягининг бир четга қўя туриб, ишни тош йўнишдан бошлади. Чунки, шоҳ асарни яратишдан олдин у ҳали анча-мунча машқ қилишни керак эди. Фил суягини «бўрига» бўридан ҳам, деб тасвир қиларди. Бу буюмнинг нарса эмас эди. Тош эса текки. Шунинг ҳам борки, Жасвант ўзи тош йўниш санъатига ружу қилиб қолган эди. Қасрда тошдан ишланган бирор қадимий нарсани кўриб қолса, олиб келиб ҳазорга сола қўяр эди.

Тошдан ишлаган биринчи нарсаси Буддага кўпроқ ўхшаб кетарди. Лекин кўриниши ҳайкалга ўхшагани билан ҳамма нарса ҳам ҳайкалтарошлик намунаси бўлавермайди. Жасвант буни яхши биларди. Ҳайкални ясаш бир гап, лекин унга жон ато этиш бутунлай бошқа нарса. Бунинг устига оддий бир ҳайкал эмас, балки Буддадек улуғ бир зотнинг ҳайкалини ясамоқчи эди. Бу ҳайкалга жон киритишгина кифоя қилмасди. Унда жондан ҳам каттароқ бир нарса бўлиши керак эди. Бошдан-оёқ, бўғин-бўғинида улуғ зотга хос бир хислат — кўзларида жонлигу жонсиз ҳар бир нарсани ўзига торта оладиган бир куч, юзида киши қалбининг энг қоп-қоронғи бурчагини ҳам ёритиб юборадиган руҳоний нур бўлиши керак эди. Бу нарсаларни Жасвант қадимги ҳайкалтарошларнинг асарларида кўрган эди.

Лекин ҳайкал тайёр бўлгач, уни кўриб Жасвантнинг ҳафсаласи пир бўлди: ҳайкалда у ўйлаган хислатларнинг биронтаси ҳам йўқ эди. Ишни яна бошидан бошлади. Лекин бу сафар ҳам айтгани бўлмади. Яна бошқатдан ҳаракат қилди... Битта ҳайкални қайта-қайта ясайвериш жонига ҳам тегиб кетди. Қе-

чани кеча, кундузни кундуз демай ўтириб роса тер тўкди. Натижада соғлигининг ҳам мазаси қочиб қолди. Аммо тош парчасига жойламоқчи бўлган нарсасини жойлаёлмади. Фотоаппарат билан бирор ҳайкалнинг расмини олиш қанчалик осон бўлса, чинакам бир ҳайкални қўл билан яратиш шунчалик қийин экан. У жиғибийрон бўлиб бир неча кунгача қўли ишга, оғзи ошга бормай юрди. Бутун-бутун кунни қилган ишидаги камчиликларни синчиклаб ўрганиш билан ўтказди. Охири бир нарсага фаҳми етди, яъни биронта яхши устага шогирд тушмаса бўлмас экан. Ахир «уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар» деган гап бор-ку. Алоҳа, у биронта устоз топишнинг пайига тушди.

Бу мақсадга етиш Жасвант учун унча қийин бўлмади. Амритсарнинг ўзида бир рассомлик мактаби бор эди. Дунёга донғи кетган панжоблик бир рассом — сардор Тҳокурсингх деган бир одам шу мактабни очган бўлиб, бир неча йилдан бери унга ўзи раҳбарлик қиларди. Жасвант дарҳол бориб ўша мактабга ўқишга кириб олди.

## 19 боб

Рассомлик мактабида ўқиш муддати икки йил эди. Биринчи курсда ўқувчиларни рассомлик санъатининг бошланғич сирлари билан таништирилди, масалан, ўлчов асбобларидан фойдаланиш, стол устига қўйилган бирор соддагина нарсанинг расмини чизиш ва шунга ўхшаш оддий нарсалар ўргатиларди. Аммо иккинчи курсда ўқувчиларга анча чуқур билим бериларди, яъни қалам билан ва ундан кейин акварель ва мой бўёқ билан турли хил мураккаб расмлар солиш йўллари ўргатиларди. Рассомлик санъатининг ҳар хил турлари — турмуш манзараларини чизиш, портрет ясаш, композиция, табиат манзаралари, натюрморт ва ҳоказолар ўтиларди.

Мактабда амалий ишдан ташқари мутолаа учун ҳам яхшигина имкон яратилган эди. Ҳафтада уч-тўрт марта мактаб директори сардор Тҳакурсингхнинг ўзи лекция ўқирди. У ўқувчиларни нафис санъат билан таништиради, ҳинд ва хорижий рассомлик санъатининг тарихини ёритарди ва гоҳ-гоҳда ўз тажрибаси ва мутолааси асосида ҳайкалтарошлик тўғрисида бирмунча маълумотлар берарди. Баъзи-баъзида бошқа шахарлардаги санъат билим юртларидан катта-катта рассом ва санъатшунос олимларни чақириб, уларнинг лекцияларини уюштириб туриларди. Булардан ташқари йилда бир ёки икки марта ўқувчиларни узоқ-узоқ жойларга экскурсияга ҳам олиб бориладди.

Тасвирий санъатнинг юқорида айтиб ўтилган турлари тўғрисида Жасвант-ку ҳеч қандай муайян билимга эга эмас эди, аммо системасиз равишда ёшлигидан шу кунгача анчагина билим хазинасини миясига жойлаб олган эди. Рассомлик мактабига киргач, шу узук-юлуқ, сочилган билимлари унга жуда қўл келди. Гўё унинг ўзида сут тўла кўза бор эди, мактабнинг томизгиси тушиши билан шу сут дарров уюб, қатиқ бўлди-қолди. Натижада икки ҳафтадан кейиноқ уни иккинчи курсга ўтказиб юборилди. Бу ерда ҳам унинг бисотидаги билими жонига ора кирди ва у тез кунда синфдошларининг диққатини ўзига жалб қилди.

Лекин Жасвант бу ерга шунчаки рассомликни ўрганиш учун келган эмас эди. Унинг асл мақсади ҳайкалтарошлик санъати тўғрисида чуқурроқ маълумот олиш эди. Бу иштиёқини тўла қондирмоғи учун эса биронта етук, моҳир ҳайкалтарош унга устозлик қилиши керак эди. Шундагина у бир парча тош ёки фил суягига жонгина эмас, руҳ ҳам ато этишни ўрганиб оларди. Унинг бу иштиёқи-ку тўла қонмади, аммо қисман эрзусига етди. Шундай қилиб мактабдан у икки ёқлама фойда кўрди: ҳайкалтарошлик тўғрисида бирмунча кенг маълумот олди ва шу билан бир-бир рақибининг ишларини ҳам яхши била бошлаб олди. У иккала санъатда ҳам барабар қўлини шишитиб борди. Мактабда бутун вужуди билан берилиб рассомликни машқ қилар ва уйга келди дегунча ҳайкалтарошликка ишғиниб кетарди.

Ўшанда унинг қўли қолган эди. Лекин Жасвант кўкурсга атаб қилмоқчи бўлган ишини ҳали ҳам бошлагани йўқ эди. У бировдан қарз олиб ва ёнидаги пулини қўшиб бир бўлак олиш нав фил суягини олиб ҳам қўювди, лекин уни қандай шаклга солиш масаласи ҳанузгача ҳал бўлмай ётарди. У кечаю кундуз шу масала устида бош қотирарди. Гоҳ маҳатма<sup>1</sup> Будданинг сиймосини яратмоқчи бўларди, гоҳ маҳатма Ганди ёки Нерунинг ҳайкалини ясамоқчи бўларди, гоҳ эса бошқа бировни танларди. Лекин буларнинг ҳаммаси амалга ошмай қолиб кетарди. Сабаби шуки, Жасвант аслида ҳали ҳеч ким ясаб кўрмаган, бутунлай янги ва антиқа бир нарса яратишни орзу қиларди. Будда, Ганди ва Нерунинг ҳайкаллари эса минглаб ясаб ташланган эди. Ўйлаб-ўйлаб унинг мўлжали гуру Нанаксингҳга келиб тўхтади. Бу улуг зотнинг ҳайкалини бирорта санъаткор яратганини у ҳали кўргани ёки эшитгани йўқ эди. Аммо бир ишқал жойи чиқиб қолиб бу режа ҳам аро йўлда қолиб кетди. Мамлакатда шундай мутаассиб кишилар бор эдики, улар гуру Нанаксингҳни «дунёга

<sup>1</sup> Маҳатма — ҳиндча ҳазрат маъносига,

пешво» қилдирмай, «ўз мулки» қилиб олган эди. Шундай ақлига теша текканлар бор эдики, улар бутпарастлик билан буттарошлик ўртасидаги тафовутни билмас эди. Шунинг учун Жасвант, ҳазрат Нанаксингҳнинг ҳайкалини ясасам, унинг ворислари тагин менинг ёқамдан ушлаб, саззойи қилиб юрмасин, деб қўрқди ва бу ниятидан ҳам қайтишга мажбур бўлди.

Бир томондан юқоридаги масала Жасвантнинг миясини қотирган бўлса, иккинчи томондан яна бир нарса унга тинчлик бермай келарди. Унинг олдида шундай бир жумбоқ пайдо бўлган эдики, ечаман деб уринган сари у бадтар чигаллашиб борарди. Бу нарса эса у иккинчи курсга ўтган кундан бошланган эди.

Иккинчи курсда бор-йўғи ўн беш-йигирматача талаба бўлиб, уларнинг орасида уч-тўртта қизлар ҳам бор эди. Уша қизлардап биттасининг номи Аруна бўлиб, курсдаги барча болаларнинг диққатини ўзига тортган эди. Бу қизни қулинг ўргилсин гўзаллар қаторига-ку эҳтимол қўшиб бўлмасди, аммо одатдаги гўзалларга қараганда анчагина юқори турарди. Ранги-рўйи панжоблик қизларга нисбатан оқроқ, европалик қизларга нисбатан қорароқ, аниқроғи инглиз-ҳинд аёлларининг ранги-рўйига ўхшаб кетарди. Қадди-қомати ўртача, лекин жуда хушбичим бўлиб, киядиган соддагина кийими ўзига ниҳоятда ярашарди. Юзлари кичкинагина, думалоққина, кўзлари эса катта-катта ва чўзиққина эди. Лабларининг тузилишию ранги саҳар пайтида очилиб турган атиргулнинг баргларини эслатарди. Гапирганда эса худди шеър шеър ўқийтгандек ёки муғанний куй таратаётгандек туюларди. Лекин Жасвантга энг ажойиб кўринган нарса унинг нигоҳи эди. Унинг шу тилсимли нигоҳи биринчи учрашувдаёқ Жасвантнинг диққатини ўзига жалб қилди ва уч-тўрт кундан кейиноқ у учун бир жумбоқ бўлиб қолди.

Аруна ўзининг ҳусн-жамоли билан бутун синфни ўзига ром қилган ва Жасвантга жумбоқ бўлиб қолган, десак, ҳойнаҳой янглишган бўламиз. Чунки синфдаги баъзи бошқа қизлар ҳусн бобида ундан ортиқ бўлса бор эдики, кам эмас эди. Ундоқ бўлса, Жасвантни маҳлиё қилган нарса нима бўлди?

Тасвирий санъат билан шуғулланувчи киши учун — рассоми, ҳайкалтарошми, бундан қатъи назар — модель, яъни намуна жуда зарур нарса. Санъат мактабида-ку бусиз ҳеч иш битмайди. Лекин бизнинг мамлакатда шу кунгача кўнгил истаган моделни топиш амри маҳол, ваҳоланки бошқа мамлакатларда санъаткор хоҳлаган моделини жуда осонлик билан топа олади. Бу ерда, биринчидан, қизларнинг ота-онаси уларнинг моделчи бўлишига йўл қўймайди; иккинчидан, бирор ота-она рози бўлган тақдирда ҳам, бу нарса қизнинг қўлидан келмаслиги мумкин.



ва улар ҳам Байрон сингари шох ташлаб юришга ружу қилган экан.

Илгари Арунага нисбатан Жасвантда фақат қизиқиш уйғongan бўлса, энди ҳамдардлик ҳам пайдо бўлди. Одатда қизиқиш ва ҳамдардлик — шу икки туйғу бирлашса, бу омихтадан учинчи бир туйғу вужудга келади. Мана шу учинчи туйғуга одамлар «севги» деб нени берган бўлса ажаб эмас.

Синфда ўтириб бирор қизга қараш, қараганда ҳам тикилиб қараш ижтимоий нуқтан назардан одобсизлик ҳисобланади. Бундан Жасвантнинг ҳам яхши хабари бор эди. Жасвант ўзи қизлар у ёқда турсин, умуман бировга тик қарай олмасди. Шунинг учун унинг ҳозир Арунага тикилиши ақлга сиғмайдиган антиқа бир нарса эди. Рост шу ақлга сиғмайдиган нарса ҳақиқат бўлиб қолибдими, демак бунинг катта бир сабаби бўлса керак. Ўқтин-ўқтин Жасвант ўзига шу саволни берар эди ва ўзпга ўзи шундай деб жавоб берарди: «Қачон қарадим мен биронта қизга? Ҳусн деган нарса мени ўзига торта олармиди? Мен фақат бировнинг кўзида бир муаммони кўриб, уни ҳал қила олмай овораман, холос». Лекин кейин яна ўзига-ўзи дерди: «Лекин, бу нарса муаммоми, муаммо эмасми, кел, менинг нима ишим бор? Унинг менга бирор чатишган жойи борми? Нима, мен уни деб бош қотиришининг кафилини олибманми?»

Лекин кўп ўтмай шундай бир воқеа бўлдики, у Жасвантга руҳий курашни ҳал этиш, яъни жумбоқни ечиш учун бир восита бўлиб хизмат қилди.

Бир куни портретсозлик дарси эди. Бу дарс ҳафта-икки ҳафтада бир марта бўларди. Икки соат давомида талабалар моделга қараб қалам билан бир портрет чизиши ва кейин уйга олиб бориб, уни бўёқ билан такомиллаштириши керак эди. Дарсга қўнғироқ чалиниши билан талабалар синфга кириб, ҳар бири ўз столига картон қоғозини ўрнатиб, ярим доира шаклида ўтириб олди ва доиранинг худди ўртасига бир курсига моделини, яъни Арунани ўтқазиб қўйилди. Бугунги портретнинг номи «Интизорлик» эди. Ҳижрон ўтида ёниб, узоқ вақтдан бери ёрини кутаётган бир тоғлик қизнинг сиймосини ўқувчилар турли томондан чизиши керак эди. Директор кўнглидагидек қилиб Арунанинг юз-кўзига пардоз берди-да, у-бу нарсаларни тушунтириб, уни кутиш ҳолатида ўтқазиб қўйди.

Икки соатлик дарсни ўтказиш рассом учун унча қийин эмас. У одатда расм чизишга тушгач, ҳамма нарсани унутиб, бир неча соатлаб ишлаб ётаверади. Чарчамайди ҳам, зерикмайди ҳам. Лекин моделчининг иши жуда оғир. У руҳий жиҳатдангина эмас, балки жиҳмоний жиҳатдан ҳам ниҳоятда катта риёзат чекади. Бутун бир синфнинг кўз олдида бир тарзда, бир кайфиятда

қимирламай икки соат ўтириш Арунадек ёш қиз учун нақадар оғир ва зерикарли эканини тасаввур этиш қийин эмас. Гарчи у кўп марта шу ишни қилиб, ўрганиб қолган бўлса-да, икки соатни зўрға ўтказарди. Бир ҳолатда ўтиравериб, бўйни қотиб кетарди, оёқлари увушиб қоларди ва аъзойи баданида бир нарсалар ўрма-лаётгандек туюларди. Баъзан юзига ёки пешанасига пашшамашша қўниб қоларди. Аммо қимир эта олмасди. Ҳарқалай дарс тугагунча жуда ҳолдан кетарди.

Охири дарс тугади. Ўқувчилар чизган расмини олиб бориб, директорнинг столи устига қўйишди. Аруна ҳам бўйнини ишқалаб, қўлини ёзиб, керишиб олди-да, ўрнидан туриб бориб, директорнинг ёнидаги бир курсига ўтирди. Моделчи ўқувчи расм чизишда иштирок эта олмаганлиги туфайли унга шундай ҳуқуқ бериларди: у директорнинг ёнида ўтирарди-да, ҳар бир расмини кўриб, директорнинг тушунтиришларини тингларди.

Чизилган ҳамма расмлар бир жойга тўплангач, директор бирма-бир кўздан кечириб, ютуқ-камчиликларини бирма-бир ўқувчиларга тушунтира бошлади. У гоҳ оғзаки тушунтириш билан чегараланиб қолар, гоҳ резинка ва қалам билан иш кўрарди. Ҳаммадан кейин Жасвантнинг навбати келди. Синфга келиб директорнинг кўзи бора-бора йўлдаманинг охирига эди. Номини тилга олиниши билан у лик этиб ўрнидан турди-да, директорнинг олдида борди. Унинг ёнида ўтирган Арунага бир назар ташламоқчи бўлди, лекин жуврат эта олмади.

чиргач, директор унга мурожаат қилди.— Бу... олдиндаги моделга қараганда сен... хайр, майли, нима бўлса ҳам... бат ит из вандерфул.<sup>1</sup>

Директорнинг биринчи жумласини эшитиб, Жасвант қанча кўрқиб кетган бўлса, охириги жумласини эшитиб, шунча суюниб кетди. Арунанинг кўзларигина эмас, балки бутун вужуди кўз бўлиб, Жасвант чизган расмга тикиларди. Директорнинг гапини эшитиб, бошқа студентлар ҳам расмини кўришга ошиқди. Уларнинг иштиёқини сезиб директор расмини баланд кўтариб кўрсатди. Ҳамма расмга тикилиб, ундан директор айтган нарсани қидира бошлади. Лекин ҳаммаси оддийгина ўқувчилар эди, етишган рассомлар эмас эди. Директор ишора қилган нозик нарсани қандай қилиб дарров топа оларди? Юзаки қараганда ҳамманинг расми қандай бўлса, бу ҳам шундай эди, моделдан ҳеч фарқ қилмасди. Бор-йўқ фарқ унинг кўзларида эди. Жасвант ишлаган портретнинг кўзлари «интизорлик» ўрнига «орзу-армон» билан тўла эди. Модель билан бу расм ўртасида нозиккина, ле-

---

<sup>1</sup> Лекин бу жуда ажойиб (инглизча).

кин жуда муҳим фарқ бор эди. Лекин ўқувчилар шу нозик фарқни сезишмади.

Расмни яна стол устига қўйди-да, директор ёнида ўтирган Арунага бир қараб қўйди. Қиз шу пайтда шундай ўзинча ўзи маҳлиё эдики, худди синфда эмас, балки қандайдир бошқа бир дунёда кезиб юргандек кўринарди.

Навбатдаги дарсга қўнғироқ чалинувдики, Аруна чарчаб кетганини баҳона қилиб, уйига жўнаб кетди. У чиндан ҳам чарчаган эди.

Директор айтган муаммони ўқувчилардан ҳеч бири еча олмади. Синфдошлари ўртасида калака бўлишдан қўрқиб ҳеч ким уни ҳал қилишга урингани ҳам йўқ. Ҳаммаси директорнинг фаҳмига қойил қолди, лекин унга савол беришга журъат эта олмади. Директор ҳам негадир жумбоқни ечиб беришни муносиб кўрмади.

## 20 боб

«Қулоқ эшитди — кўз кўрди» дегандек, тўй ғалвалари ҳам бўлиб ўтди. Шунини ташвиш қилиб, Бҳажансингхнинг жони ҳалқумига келиб турганиди. Меҳмон жуда кўп бўлди. Буларнинг қариндош-уруғи жуда сероб эди. Ҳарнамкаур узоқ-узоқ қариндошларини ҳам битта қўймай тўйга айтган эди. Бир ҳафта-ўн кунгача уй тўс-тўполон бўлди. Бу томоша жуда орзу-армон билан бошланди-ку, лекин анча хафагарчилик билан тамом бўлди. Қариндош-уруғнинг деярли ҳаммаси лаб-лунжи осилиб қайтиб кетди.

Келин остона ҳатлаб уйга кирди. Қўни-қўшни, қариндош-уруғлар пардани кўтариб-кўтариб, унинг ҳусн-жамолини томоша қилди. Бировга ёқди, бировга ёқмади. Биров ундоқ деди, биров бундоқ деди. Ҳарнамкаур келинпошшани қучоқ очиб қарши олди,— ҳамма қайноналар бошида шундай қилади,— лекиннинг кўнгил гули унча очилмади. Келин ҳам бир оз бўйлангандек кўринарди. Ҳарнамкаур не-не орзу-умидлар билан қурдирган уй Нарендрга заррача ҳам ёқмади. Аксинча уйни кўриб, келиннинг жуда ҳафсаласи пир бўлди. Ҳафсаласи-ку пир бўлди, лекин кўрқиб-энтикмади. Чунки у бу уйда бор-йўғи уч-тўрт кунлик меҳмон эди. Кейин яна ота-онасининг бағрига қайтиб кетарди.

Тўрт кундан кейин эри билан бирга поездга чиққач, Нарендр худди қамоқдан озод бўлгандек, кўнгли ўрнига тушиб снгил нафас олди.

Шундай қилиб, орзиқиб кутилган тўй бўлиб ўтди. Аввал куёв бориб, келинни уйига олиб келди, кейин келин уни яна судраб олиб кетди. Шундай қилиб Ҳарбанс ичкюёв бўлиб қолди.

Унашув қандай бемаза бўлган бўлса, тўй ундан ҳам бешбаттар бўлди. Лекин шундай бўлса-да, Бҳажансингх билан Ҳарнам-каур ҳам, Ҳарбанс ҳам тарвузини қўлтиғидан туширмади. Лаъл-гавҳар қидирган одамнинг қўлига аввал тош тушади. Шунини улар биларди.

Лекин бир нарса туриб-туриб эр-хотинга нашъа қиларди. У ҳам бўлса Жасвантнинг тўйга қатнашмаганлиги эди. Лекин у бечораларда ҳеч айб йўқ эди. Ҳарбанс у билан учрашиб қайтиб келган кунгиде, ота-онасига: «Осмон ўзилиб, ерга тушган чоғда ҳам, мен у безорини бу уйга қадам бостирмайман», — деб қўйган эди. Тўй яқинлашган сари, Жасвантни ўйлаб ота-онасининг юраги жизиллай бошлади. Уйда тўй бўлса-ю, ўғли шу шаҳарда яшаб туриб, тўйга қатнашмаса, ахир қайси бир ота-она бунга тоқат қила олади? Икковни Ҳарбансга қайта-қайта ялинди:

— Ўғлим! Ҳеч бўлмаса, кишиларнинг кўзига уни ҳам чақир-иш керак. Сен боргинг келмаса, борма. Ўзимиз бориб, олиб келамиз.

— Агар биронтанг Жасвантни тўйга айтаркансан, — жавоб берди тутатқиб Ҳарбанс, — мен заҳар ичиб ўлиб қўй қоламан. Ўз оёғи билан келиб колгудек бўлса ҳам, тепиб-тепиб хантлаб чиқараман.

Бу гапни эшитиб, ота-онанинг нафаси ичига тушиб кетди.

Ҳарбанс ичкўёв бўлиб кетар экан, ота-онаси у ёққа бориб

гига кўниб қўйди. Шу гапларга амал қилгандагина Ҳарбанс тез орада бу уйнинг пешанасини ярақлатиб, уни ердан осмонга кўтара оларди. Бу йўл-йўриқларга жавобан Ҳарбанс шундай гапларни айтдики, эшитиб ота-онасининг кўнгли тоғдек кўтарилиб кетди ва уларда, йил-олти ой эмас, балки бир неча ҳафта ичидаёқ Ҳарбанс бутун қўйин-қўнжимизни пулга тўлдириб юборар экан, деган қатъий ишонч пайдо бўлди.

Ичкўёв бўлиб кетганига бир ҳафта ҳам бўлгани йўқ эдики, Ҳарбанс ота-онасига узун бир хат ёзиб юборди. Бу хатни ўқиб, булар бир оз ташвишга тушишди, лекин ноумид бўлишгани йўқ. Ҳарбанснинг ёзишича, унинг қайнона-қайнотасининг табиати жуда мураккаб экан. Бунинг устига уларнинг шубҳа қилиш одати ҳам бор экан. Шу сабабли уларни ўзиники қилиб олишга Ҳарбанс ўйлаганидан кўра кўпроқ вақт кетар экан. Нарендр ҳам ҳозирча ота-онасининг ноғорасига ўйнар экан. Уни қўлга олиш унча қийин бўлмаса-да, лекин осон ҳам эмас экан. Хатни шундай деб тугатибди: «Лекин ташвиш қилманглар. Худонинг даргоҳига сигинаверинглар. Мен ҳам кунда гурдварага бориб, худога илтижо қилиб турибман. Ху-

до хоҳласа, тез кунда омад ўнгидан келиб қолади. Хатни буювимикига юбраверинглар. Мен ўзим бориб, олиб келаверман».

Яна бир ҳафта ўтди. Уларнинг юборган хатига жавобан Ҳарбансдан яна хат келди. Бу хатда ҳам ўша илгариги гаплар битилган, ўша тўсқинлик зикр этилган эди. Бинобарин, манзил ҳали ҳам сира яқинлашганга ўхшамасди. Лекин бу ёқдагиларда узоқ кутадиган сабр-тоқат йўқ эди. Ҳаммадан кўра Гурдитсингх ёмон тиқилинч қилмоқда эди. Бҳажансингх жуда ялиниб қўймагач, у тўй ўтгунча индамай турди. Лекин тўйдан кейин ҳам Бҳажансингхдан ялиниб-ёлворишдан бошқа ҳеч нарса кўрмагач, яна сабр косаси тўлиб-тошиб кетди. Чунончи икки ҳафта ўтар-ўтмас бир куни бирдан суднинг одами Бҳажансингхнинг эшигини қоқиб қолди. Буни кўриб, эр-хотиннинг ранги оппоқ оқариб кетди.

Бҳажансингхнинг бундан бошқа ҳам қанча гам-ташвиш бор эди. Фишт, цемент, ёғоч-тахта сотадиган дўкондорлардан анча пул қарз эди. Бунинг устига, қисиб-қимтишга қармай, тўйнинг харажатлари ҳам мўлжалидан анча ортиб кетган ва буларга ҳам ундан-бундан қарз олишга тўғри келган эди. Қарз берганларнинг ҳаммасига, тўй ўтди дегунча қарзингни битта қўймай узаман, деб ваъда берган эди. Чунончи, ўшаларнинг ҳаммаси «пулимни бер» деб тиқилинч қилмоқда эди. Бу ёқда уйнинг устидан олинган қарз ҳам фойдага кириб, кундан-кунга кўпайиб борарди.

Шу гам-ташвишларнинг ҳаммасидан қутулишнинг фақат иккита йўли бор эди. Бири — Ҳарбанс, иккинчиси — ишхона. Ҳарбансга-ку хат устига хат ёзилмоқда эди. Лекин ишхонага келганимизда, шу кунларда Бҳажансингхнинг кайфи шундай бузуқ эдики, аввало унинг ҳеч қўли ишга бормасди. Ўзини бир амаллаб мажбур қилиб, ишга ўтирган чоғида ҳам кўнгли жойида бўлмагани учун арзимагангина иш қиларди. У ҳам ўлгудек бемаза, эшак ҳам ҳўркадиган бўларди. Жасвант уйни ташлаб кетган кундан бошлаб нозик буюмлар яшаш бекор бўлган эди. Яна ўша илгариги тароғу билагузукларга кун қолганди. Бинобарин, Бҳажансингх ишхонада ўтириб, топадиган арзимагангина пули уй-рўзгорнинг ўзидан ортмасди.

Бир ёқдан суд куни яқинлашиб келмоқда эди, иккинчи ёқдан чор атрофдан қарз берганларнинг талаб сиртмоғи таранглашиб борарди. Бунинг устига-устак Ҳарбанснинг хатлари ҳам борган сари сийраклашиб ва қисқариб борарди. Номигина хат бўларди, лекин шу қисқагина хатдан ҳам дардга дармэн бўладиган бирор гап чиқмасди. Ҳарнамкаур кундан-кунга этини еб борарди. На овқатга иштаҳаси бор, на кечалари уйқуси келарди. Ҳозирги



Бир ой ўтиб, иккинчи ой бошланди ва у ҳам секин-секин ўтиб бораверди. Лекин Ҳарбанснинг сеҳр-жодулари давлатни босиб ўтирган эр-хотинга қор қилишидан нишона йўқ эди. Ҳарбанс охири Нарендрни гапга солиб, ўшандан бирор сирни билишга уринди. Лекин ундан ҳам фойда чиқмади. Нарендр, мен бу нарсаларга қизиқмайман ҳам, ҳеч нарсани билмайман ҳам, деб жавоб бераверди. Аммо Ҳарбанс умидини узмади. Риёзат чекиб, сеҳр-жодусини ишга солиб юраверди. Шунча сабр-тоқат қардан пайдо бўлиб қолганига ўзининг ақли ҳайрон эди.

Қишлоқдаги муҳит шаҳардагидан бошқача бўлади. Шаҳарда ҳамма ўзи билан ўзи овора, шундай ёнида бир уйдан ўлик чиқиб, иккинчи уйда тўй-томоша бўлиб турса ҳам, ўшанга одам кўпда аҳамият бермайди. Лекин қишлоқда аҳвол бутунлай бошқача. Чунончи ҳар тўрт кун-беш кунда сайр-саёҳат баҳонасида Ҳарбанснинг бувисиникига қатнаши тўғрисидаги хабар қайнона-қайнотасининг қулоғига етди. Куёвининг бундай ўз қариндош-уруғиникига бориб туриши-ку умуман айб ҳам эмас, гуноҳ ҳам эмас. Лекин зиқна одам жуда шубҳа қиладиган бўлади. Ҳалиги гапни эшитувдики, Анупсингх билан Дҳарамкаурунинг ичини ит тирнай бошлади. У ёққа бориб, худо билади, бувиси билан нималар деб тил бириктираётганикин, ҳойнаҳой бир гап бор бунда, деб хавотир қилиб қолишди улар. Ўша кундан эътиборан уйда ҳам, кўчада ҳам Ҳарбансни кузатиш бошланди. Эраклардан кўра, хотинлар кўпроқ шубҳачи бўлади. Ундан ҳам кўра бахил, ҳасадчи, рашк қиладиган бўлади. Шунинг учун ҳам илгари ўтган донишмандлар: «Хотин кишининг ичига жин кирса чиқади, шубҳа кирса чиқмайди», деган. Куёвни кузатишни қайнона-қайнота бўлиб олишди. Қайнона ичкарини олди, қайнота ташқарини.

Уй жуда кенг-ковил, баҳаво ва шаҳарча бўлиб, пастки қаватида қайнота-қайнона, устки қаватида эса келин-куёв туришарди. Дҳарамкауру исковучлик вазифасини ўтай бошлагандан бери Ҳарбанснинг ҳар бир қадамини диққат билан кузатарди. Куёв кўчага чиқиб кетди дегунча, лип этиб юқорига чиқарди-да, унинг хонасидаги ҳар битта нарсани тинтув қилишга тушарди. Бироқ уйдан унинг шубҳасини тасдиқловчи биронта далил тополмасди. Лекин бир куни шунақа бир далил унинг қўлига тушиб қолди.

Туш пайти эди. Ҳарбанс кўйлак-пойжома кийиб, кўчага чиқиб кетди. Нарендр ҳам бир ўртоғиникига кетган эди. Дҳарамкауру лип этиб, уларнинг хонасига кирди-ю, қоziқда осифлиқ турган костюмнинг чўнтақларини титқилай бошлади. Унинг ички чўнтагидан очилган бир конверт чиқиб қолди. Ичидагини олиб қараса, бир хат. Ёзувни Дҳарамкауру қареддир кўргандай бўлди. Хатнинг биринчи сатрини ўқиди-ю, юраги гун-гун уриб кетди.

«Ёзувчи Бҳажансингҳ, бориб етсин Ҳарбансингҳга» деб ёзилган эди. Дҳарамкауr бир дамда бутун хатни ўқиб чиқди. Хатни ўқиди-ю, ҳамма нарса равшан бўлди-қолди. Эр-хотин қудаларини қандай деб хаёл қилиб келган бўлса, худди ўшандоқ чиқди. Дҳарамкауr ҳатто қуённинг изидан бориб тулкини ҳам ушлади. Буларнинг давлатига чанг солаётган қудаларигина эмас экан. Уларнинг ўғли, яъни буларнинг куёви ҳам ўшалар билан бирга экан.

## 22 боб

Кўнгил девори қилдаккина дарз кетса бўлди, бу дарз кенгайиб-кенгайиб, бир кун қарабсизки, девор икки бўлак бўлиб ажралиб кетади.

«Бу иккови нега мендан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди? — деб ўйлаб ташвиш қилиб юрарди Ҳарбанс бир неча кундан бери. — Шу кунгача-ку менинг атрофимда гирдикапалак бўлиб юришарди. Энди эса қорамни кўрса, қочади. Худди мен буларга куёв эмас, ишчи-хизматкор бўлиб ёллангандай». Кейин яна ўзига ўзи тасалли берди: «Бу хойнаҳой завои кунини судда ютқазганининг асорати бўлса керак», — деб кўнгилдан ўтказди у. Лекин қайнотасининг судда ютқизишида Ҳарбансинг нима айби бор? Демак бошқа бирор сабаби бўлса керак. «Асл сабаб

кунгагина бэрарди; кейин яна муомаласи жойига келиб қоларди, — деб ўйлади Ҳарбанс. — Лекин буларнинг менга муносабати кундан-кунга ёмонлашиб боряпти; булар менга меҳр-шафқат кўрсатиш у ёқда турсин, ҳатто юзимга оёқ тирайдиган бўлиб қолди. Менинг бу ерда туришим буларга оғирлик қилиб қолдими нима бало. Мендан бирор шубҳа қилиб қолган бўлмасин тағин?»

Ҳарбанс эртаю кеч шу масала устида бош қотирадиган бўлиб қолди. Бир иш қилиб кўнглидаги васвасадан қутулиши керак эди. Шу ниятда бир кун кечқурун у Нарендрни сўроқ қилди:

— Сендан бир нарса сўрасам майлими, Нарендр?

— Ҳа, сўранг.

— Ростини айтасанми?

— Шу маҳалгача мен сизни бирон марта алдэвдимми?

— Бўлмаса менга бир нарсани айт-чи. Сенинг ойинг билан даданг нега мендан ўзларини тортадиган бўлиб қолишди?

Эрининг бу саволига Нарендр унча ажабланмади. Гоҳ-гоҳда буни унинг ўзи ҳам сезарди. Лекин, шундай бўлса ҳам ўзини билмасликка олиб деди:

— Менинг ҳеч хабарим йўқ.

— Лекин сен ўзинг кўраётганинг йўқми буларнинг илгариги менга нисбатан меҳри-муҳаббати бошқачароқ бўлиб қолганини?

— Мен бу нарсага ҳеч эътибор бермабман.

— Бўлмаса, Нарендр, сен жуда ҳам содда экансан. Рост айт-япман. Ҳу бошиданоқ буларнинг муомаласини сезувдим, лекин буларнинг табиати ўзи шунақа бўлса керак, деб ўйловдим. Энди очиқ-ойдин кўриб турибман: булар мени ҳеч ёқтирмас экан. — Шундай деб туриб, Ҳарбанснинг кўнгли бузилиб кетди.

Эски эр-хотинга нисбатан янги келин-куёв албатта бир-бирига кўпроқ меҳр қўйган бўлади. Эрининг умидсизлик тўла гапларини эшитиб, Нарендрнинг ҳам кўнгли бир хил бўлиб кетди ва у ҳамдардлик тўла оҳангда деди:

— Агар шу гап рост бўлса, унда сиз билан баробар мен ҳам хафаман улардан. Улар менинг минг ота-онам бўлсин, мени сизга бир умрга қўшиб қўйган экан, шунга яраша муомала қилиши керак. Сизга ёмон муомала қилаётган экан, демак бу фақат сизга эмас, менга ҳам зулм қилишяпти деган сўз.

— Нарендр!— деди Ҳарбанс хўрсиниб.— Мен бунинг сабабини тушундим. Менимча, бунинг сабаби шуки, мен бир камбағал ота-онанинг фарзандиман, сенинг ота-онанг бўлса давлатига ғурур қилади. Агар гап шундоқ бўлса, нега энди улар кўнглидагини менга очиқ айтмайди? Нарендр! Биз-ку камбағалмиз, аммо жуда ўлар ерда эмасмиз. Булар мени бу ерга қорин дардида келган деб ўйламай қўя қолсин. Ит нимаю ичкуёв нима, деб биров жуда тўғри айтган экан.

Бу гапларни эшитиб Нарендрнинг кўнгли яна ҳам лат еди. Кўзларидан шашқатор ёш оқиб кетди ва ҳеч нарса деб жавоб беролмади. Ҳарбанс гапида давом этди:

— Нарендр! Мен уларга шунчалик эғир тушиб қолган эканманми, энди бу ерда бир кун ҳам тура олмайман. Бу ўтакетган орсизлик бўлади. Нарендр, сен менинг номимдан уларга айтиб қўй: улар мени ўғил ўрнида кўра олмас экан, бу ерда ит бўлиб яшашга тоқатим йўқ.

Нарендр баттар йиғлаб юборди. Ҳарбанс ўша шиддат билан гапида давом этди:

— Сен, Нарендр, менинг номимдан уларга очиқ қилиб айтиб қўй...

Оғзидаги гапини тугатгани ҳам йўқ эди, қўлида иккита стаканда сут ушлаб эшикда турган қайнонасига кўзи тушди. Бу ҳойнаҳой менинг гапимнинг бир қисмини эшитган, деб дарҳол кўнглидан ўтказди Ҳарбанс ва бир оз ранги ўчиб кетди, лекин дарров ўзини тутиб олди.

Дҳарамкаури ичкарига кириб, қўлидаги стаканларни уч оёқ устига қўйди-да, қизининг йиғлаб ўтирганини кўриб, сўради:

— Нима гап, ҳой, қиз? Нега ёшинг оқиб қолди?

Нарендр жавоб бермади. У бошини кўтариб онасига бир қаради-да, яна бошини қуйи солиб олди. Саволига жавоб ололмагач, Дҳарамкаур баттар безовта бўлди. У каравотга ўтириб олди-да, энди Нарендрни қўйиб, Ҳарбансга савол ёғдира бoshлади:

— Нима дединг бунга, Ҳарбанс миён? Бу нега йиглаб ўтирибди?

— Ўзидан сўранг, — жавоб берди Ҳарбанс ўпкаси тўлиб.

Икки-уч минутча ҳеч кимдан садо чиқмади. Кейин Дҳарамкаур охири сукутни бузди:

— Нега индамайсан, ҳой? — сўради у қизидан. — Нима гап бўлди ўзи?

— Ойижон! — деб жавоб берди Нарендр онасининг бетига тикилиб. — Сиз бу кишини нима деб олиб келгансиз уйингизга?

— Нима деб олиб келгансиз? Бу нима деганинг, ҳой қиз?

Шундай деб сўрашга сўради-ку, лекин Дҳарамкаур гапнинг тагига етиб олган эди.

— Бунинг маъносини, ойи, бундан эмас, мендан сўранг, — деб ўртага тушди Ҳарбанс. — Мен бунга ҳеч нарса деб хафа қилганим йўқ. Ўзидан сўранг, нимадасанми. Мен бунга шунчаки кўнглимдаги ғам-аламимни айтаётган эдим.

— Ғам-аламимпи? — қаттиқ ажабланган ҳолда Дҳарамкаур сўради — Қанақа ғам-алам? Ниманинг ғам-алами?

— Ҳарамкаурнинг кўнглимдаги ғам-аламимни бошидан битта қўймай қайнонасига гапирди. Гапирганда ҳам янада кучлироқ қилиб гапирди. Дҳарамкаур пастки лаби-ни тишлаб миқ этмай ҳаммасини тинглаб ўтирди. Ҳарбанс ҳам-ма гапни айтиб, обдан кўнглининг ғуборини чиқариб бўлгач, сўради:

— Лекин, Ҳарбанс миён, бизни сенга яхши муомала қилмайди деб ким айтди?

— Бунга менга, ойи, менинг кўнглим айтди. Бошқа ҳеч ким айтгани йўқ.

— Хўп, майли, — деди Дҳарамкаур бир оз ўйланиб тургандан кейин. — Сенинг кўнглинг агар шундоқ деган бўлса, унда менинг кўнглим ҳам менга бир нарса деди.

— Хўп, майли, ойи, — жавоб берди Ҳарбанс донишмандона тарзда. — Менинг кўнглим нимаики деган бўлса, сизга айтиб бердим. Энди сиз ҳам, кўнглингиз нима деган бўлса, ҳаммасини очик-ойдин айтинг.

Дҳарамкаур ўйланиб қолди. Ҳойнаҳой келажакда юз берадиган бирор ҳангомадан чўчимоқда эди. Унинг нафасини ичига

ютиб ўтиришини кўриб, Ҳарбанс майдонга чақирган оҳангда деди:

— Рост гап деб оғиздан чиққан гапни айтилади, ойи. Шунинг учун сиз ҳам кўнглингизда бор гапни қўрқмай айтаверинг.

Дҳарамкаур кўнглидаги гапларни ҳойнаҳой ҳали айтмоқчи эмас эди. Аммо Ҳарбанснинг танбеҳи айтишга мажбур қилди.

— Ҳарбанс миён!— деди у.— Сизлар мени ўғил қилиб олган эдинглар, лекин энди бегонадек бўлиб қолдим, деган гапни қаердан олдинг, ўғлим! Қимлар қизини бериб ўғил олган бўлса, ўшаларнинг кўнглидан сўрагин. Мана, кимлар ўтмаган жойда ўтирибман, аввал худо, қолаверса сени деганидим. Не-не орзумидлар билан, не-не ҳасратда етишган эдим сенга, қоқиндиқ! Оҳ! Қачон мен ҳам бировни «ўғлим!» деб чақираркинман, қачон менинг ҳам юзим ёруғ бўларкин деб орзу қилувдим. Лекин менинг...

— Шунинг учун экан-да, ойн, иккёвинглар ўғилни шундоқ ардоқлаб ўтирган экансизлар?— деди Ҳарбанс қайнонасининг гапини бўлиб. — Худони қудратидан танийди киши, одамни эса муомаласидан. Сизнинг ёшингиз менинг онам билан тенг, ойи. Сизнинг олдингизда мен бир кичкина боламан. Аммо кичкина бўлсам ҳам, менинг миямда ҳам унча-мунча нарса бор. Сизларнинг қилаётган муомалангларни тушунолмайдиган нодон эмасман.

Нарендр кўз ёшини артган ҳолда ташқарига чиқиб кетди. Дҳарамкаур ҳам ҳойнаҳой шуни кутиб турган эди. Шундан кейин иккови ўртасидаги узилиб қолган гап яна улашиб кетди.

— Ўғлим!— деб гап бошлади Дҳарамкаур,— мен сени нодон деб қачон айтдим? Ўзинг тенгиларнинг ўнтасини қочирасан. Ўқимишли, билимлисан. Лекин, рост гапдан гап чиқдим, энди уч-тўрт оғиз мендан ҳам эшит.

Шундай деди-да, у бундан беш-олти кун бурунги гапни, яъни ҳалиги хат билан боғлиқ гапни бирма-бир айтиб берди. Бу гапларни эшитди-ю, Ҳарбанснинг ранги бўздек оқариб кетди. Шундай қўрқиб кетдики, пешанасидан дувиллаб тер оқа бошлади, оёқ-қўли муз бўлиб қолди, кўз олдини туман босди. Қайнонаси унинг жон ўрнида сақлаб юрган сирини билиб олган эди.

Қайнонаси, костюмингни ювдиргани кирчига бермоқчи эдим, чўнтагини ковласам, бирдан ўша хат чиқиб қолди, деб баҳона қилди. Лекин Ҳарбанс унинг баҳонасини сезмайдиган бир лақма эмас эди. Кирчига бермоқчи экан, нега бермапти, деб дарров кўнглидан ўтказди. Лекин бу ёғини суриштиришдан нима фойда? Бўлар иш бўлди. Ҳарбанс чаён чаққанда ҳам бунчалик азобланмасди. Ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмади. Ҳаммадан

ҳам шуниси ўтиб тушдики, у нима деб жавоб беришни билолмай қолди.

Табиат хотин кишига икки нарсани ато этган: қаҳр-ғазабда у — баҳайбат бир шер, лекин шу билан бирга раҳм-шафқатда — позик-ниҳол бир оҳу ҳам. Куёвининг номус оловида ёнаётганини кўриб, Дҳарамкаурунинг кўнгли эриб кетди. Унинг қалбидан кўтарилган оналарга хос меҳр-шафқат бўрони қўлларини олиб бориб, Ҳарбансининг елкаларига ташлаб қўйди. Мана шу оналик меҳри Ҳарбансини тортиб Дҳарамкаурунинг бағрига босди.

Бу антиқа бир аҳволни онанинг фарзандга бўлган меҳр-муҳаббати дейиш керакми ёки фарзанднинг онага садоқати дейиш керакми? Ёки бошқа бирор нарсами бу? Табиатнинг бу ажойиб сирини ким билади?

\*  
\*  
\*

Ҳарбанс продасининг кучсизлиги бўлдики ё чин дилдан қилган тавба-тазарусти бўлдики, ҳар ҳолда, кечаси қайнонаси билан бўлган суҳбатдан кейин тонг отгунча унинг кўнглида хилма-хил ўзгаришлар рўй берди. Шу кўнгача қилиб келган ишларига жуда афсусланди. У бир йилга ўзини қайирди, бир йилга эса онанинги сўкарди. Бўлмаган нарсаларни менинг миямга қўйиб, қайнона-қайнотамнинг олдида шарманда қилган ўшалар, дерди.

Лекин афсус-надомат ва тавба-тазару уни холос ёки бега-

қайнонасининг кечаги айтган гапларидан унинг эси анча жойига келиб қолганди; ўзининг ҳирс ва ғаразини дарров ошкора қилиб қўйганидан афсусланди, холос. «Чиндан ҳам шу уйдаги ҳамма нарса меники бўлгач, мен ота-онам билан хуфия хат ёзишиб нима қиларканман? Шошқалоқлик қилишнинг нима кечаги бор экан?— деб ўйларди у.— Уларнинг гапига кирмай, ўзимни эҳтиёт қилиб юрсам бўлмасмиди? Ота-онам бир йил-ярим йил кутса кутарди-да, нимаси кетарди? Улар мени қора ерга қориб юборди. Энди мен ҳеч ҳам уларнинг ҳийла-найрангига учмаганим бўлсин, шу қайнота-қайнонамни чин кўнглидан ўзимнинг ота-онам деб билганим бўлсин. Шуларнинг кўнгли илиб қолса бўлди, менинг келажагим порлаб кетади. Менинг келажагим шулар билан чамбарчас боғлиқ бўла туриб, шуларни алдашга уринсам — дили бир, тили бошқа бўлиб юрсам, бу нарса фақат ёмонгина эмас, балки мутлақо фойдасиз ҳам. Бу аҳволда бутун умрим шу ерда ўтиб кетганда ҳам мен ҳеч нарсали бўлолмайман. Иззатимни йўқотаман, холос. Шу бугундан эътиборан, булар мендан нимаки умид қилган бўлса, ҳаммасини оқлайман. Ота-онам норози бўлса бўлаверсин».

Ҳарбанс чин кўнгилдан шундай деб қарор қилдики ёки шу-  
чаки ўзини-ўзи алдадики, бундан қатъи назар, ўша кундан  
бошлаб, унинг оёқ олиши жуда ўзгариб кетди. Тез кунда бу  
ўзгаришнинг натижаси ҳам кўзга кўринди. Қайнона-қайнопаси  
унга қайтадан илиқ, самимий, меҳр-муҳаббат билан муомала қи-  
ладиган бўлиб қолди. Улар ҳар бир ишда унинг раъйини сўра-  
ди, қўлига мухторнома бериб, суд ишларига ҳам юборишарди.  
Кўп сарф-харажатларни ҳам шунга қилдиришарди ва ҳоказо.  
Ҳатто иш шунгача бориб етдики, бир кун Дҳарамкаур пўлат  
сандиқдаги ҳамма пулию ҳамма зеварларини битта ҳам яширмай  
Ҳарбансга кўрсатди. У ўқтин-ўқтин пўлат сандиқнинг калитини  
ҳам унинг қўлига бериб қўядиган бўлди. Буларнинг ҳаммасидан  
Ҳарбанс ўзида йўқ хурсанд эди. Қайнона-қайнопаси куёвгига  
деб қўя қолмай, ўғил ўрнида кўраётганига Ҳарбанс ҳар қадамда  
кўпроқ пшонч ҳосил қила бошлади. Кунда қайнона-куёв бирга  
ўтириб, узоқ-узоқ вақтгача илиқ-илиқ суҳбат қилишарди. Шун-  
дай қилиб, икковининг иноқлиги кундан-кунга ортиб бораверди  
ва Ҳарбанс ўз ота-онасига тааллуқли майда-чуйда гапларни  
ҳам ҳеч яширмай қайнонасига айтиб берадиган бўлди. Шу кун-  
гача ота-онаси ва унинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмаган сир-  
синатларни ҳам, яъни, улар қандай ниёт билан уни шу уйга  
унаштиргани, бу уйга келишидан олдин нималар деб унинг  
қулогига қўгани, кейин хуфия хатлар орқали қандай найранг-  
возликларни ўргатгани — ҳаммасини битта қўймай, иппидан игна-  
сигача гапириб берди.

Куёви шунчалик вафодор бўлганидан кейин қайнона-қайнопа  
унга жонини фидо қилиши турган гап эди. Лекин бунинг иккин-  
чи томони ҳам бор эди, яъни куёвнинг ота-онаси уларнинг назар-  
ида ўтакетган заҳарли илон бўлиб қолди.

Бир кун бориб, Ҳарбанснинг ҳам вафодорлиги охириги нуқ-  
тага бориб етди. У муқаддас китобни қўлига олиб қайнопаси  
олдида қасамёд қилди:

— Мен Гуруни ҳозир нозир билиб, шу бугун қасам ича-  
манки, танада жоним бор экан, сиз икковингларни ўзимнинг  
чинакам ота-онам деб биламан. Бу дунёда энди сизлардан бош-  
қа менинг ота-онам йўқ.

Бу қасамёдни эшитиб, Дҳарамкаурнинг томир-томирига қон  
югуриб кетди ва у Ҳарбанснинг пешанасини ўпиб деди:

— Тан-жонинг соғ бўлсин, бўтам. Бизга худо ўғилнинг юзи-  
ни кўрсатмовди. Шунинг учун биз шу қизимизни етти ўғилга ба-  
рорбар кўриб, боқиб-кўрган эдик. «Э худойим, бизга шундоқ куёв  
бергинки, ўғилнинг ўрнини босадиган бўлсин» деб эртаю-кеч  
худодан тилардик. Ахир худойим бизнинг оҳ-ноламинизни эшитди,  
бизга сендек куёвни берди. Энди, ўргилиб кетай, менинг сендан

**биттаю-битта илтимосим шуки, бизнинг кўзимиз очиқ экан, бизни ташлаб кетма.**

Сўнгги жумлани айтар экан, Дҳарамкаур худди худонинг қаршисида тургандек, беҳосдан куёвига қўл қовуштирди ва кўзлари ҳам жикқа ёшга тўлди. Қайнонасининг қовуштирилган қўлларини ушлаб, Ҳарбанс ҳам унга илтижо қилди:

— Худо ҳаққи, ойи, бунақа гапларни гапирманг. Мен бир минут бўлса ҳам агар сизлардан юз ўгирадиган бўлсам, худоё-худовандо менинг оёқ-қўлларим ириб оқсин.

— Сенинг оёқ-қўлларингни худойим ўзи соғ-саломат қилсин, — бошидан-оёқ гул-гул яшнаб деди Дҳарамкаур. — Лекин менинг гапимга жаҳлинг чиқмасин. Ҳадеб ишқаланаверса, ҳатто арқон ҳам қудуқнинг оғзини еб қўяди, Худди шунинг сингари кунда-кунда бўладиган ўғит-насиҳатлар ҳам одамни йўлдан адаштириб қўяди. Сен ота-онанг тўғрисида шунча гапларни гапирдинг, мен эшитдим. Аммо, ўргилиб кетай, одамнинг кўнгли ўзгариб қолиши ҳеч гап эмас, Бугун сенинг улардан ихлосинг қайтди-ю, чин кўнгилдан бизники бўлдинг. Эртага мабодо яна улар авраб-савраб сени ўзига оғдириб элса, унда бизнинг ҳолимиз нима кечади? Уларнинг-ку сендан бошқа ҳам яна битта ўғли бор. Бирин бўлмаса, иккинчиси кунига ярайверати. Лекин, ўргилиб кетай, сен агар бошидан юз ўгирудан бўлсанг, бу дунёда бизнинг кимимиз қолади. Сенсиз биз на ўликмиз, на тирик.

Худоба орқа қилароғини, ойи, — деди Ҳарбанс меҳр ва қандардинг туна овози билан. Бунақани ҳар кунинг ушбу гап сатмасин. Мен қандай қилиб юрагимни олиб кўрсатсамикини сизга. Улардан менинг бутунлай кўнглим совуб кетган. Бу дунё афдар-тўнтар бўлиб кетганда ҳам, энди мен уларнинг афтига қарамайман. Сиз дадамлардан бир сўранг: хоҳласалар мендан ёздириб-чиздириб олсинлар.

— Э, ўт тушсин ёзув-чизувга, — мумдек эриб деди Дҳарамкаур. — Асл ёзув-чизув кўнгилда бўлади, қўғозда бўлмайди.

— Ундоқ бўлса, ойи, — деди шодлиги ичига сиғмай Ҳарбанс, — сизки менга шунчалик ишонибсиз, мен ҳам бугун худони ўртага қўйиб туриб онт ичаманки, шу бугундан эътиборан дунёда менинг сизлардан бошқа ҳеч қанақа ота-онам йўқ. Бугундан бошлаб сизлар нима десанглар, шуни қиламан. Тур десанглар, тураман, ўтир десанглар, ўтираман. Агар шу онтимни заррача бузсам, менинг бошим сизнинг оёғингизни остида бўлсин.

— Азиз бошинг сира дард кўрмасин, ўғлим, — деди Дҳарамкаур унинг бошини кўксига босиб. — Рост сен бизники бўлдингми, энди менинг ҳам бир гапимни эшит. Шу уйнинг ипидан игна-

сигага ҳаммаси сеники. Шу бугундан бошлаб, бутун мол-дунёнинг эгаси сенсан.

Қайнона-куёвнинг бу суҳбати кечаси алламаҳалга бориб туради ва бугун Ҳарбанснинг боши кўкка етди.

## 23 боб

— Ҳариамкаур! — хотинига мурожаат қилиб деди Бҳажансингх ниҳоятда фиғони ошиб. — Қани айт, энди нима қиламиз? «Жувозкашлик қилдим, мой кўрмадим» дегандек бўлди-ку биз ҳам.

Ҳариамкаур бунга нима деб жавоб берарди. У ҳам оҳ тортиб деди:

— Оҳ! Шундоқ бўлишини билганимда, ўзимнинг оёғимга ўзим болта урмасдим.

— Ўша вақтда қаерда эдинг, лаънати? — деди жаҳл билан Бҳажансингх, — бу чироқларнинг ичида мойи йўқ, деб қанча жаврадим сенга. Менинг гапимга қулоқ солдингми? «Менинг қудам, менинг қудам...» деб лабинг лабингга тегмади. Кўкларга кўтардинг ўшаларини. Энди кўрдингми ҳаммасини? Қудаларингни ҳам, ўғлингни ҳам. Қўл билан қилинган тугунни тиш билан ечилади, деб жуда тўғри айтишади.

Ўзи айбдор бўлмаганда-ку, Ҳариамкаур эрининг бир гапига ўн гап билан жавоб берарди-я. Лекин ҳозир тили бориб танглайига ёпишди-қолди. Унинг ичида бир эмас, бир неча ўт ёнмоқда эди — нафрат ўти, рашк ўти ҳамда афсус-надомат ва ўзига нисбатан қаҳр-ғазаб ўти.

Хотинининг миқ этмай ўтиришини кўриб, Бҳажансингхнинг баттар ғазаби қайнаб кетди.

— Ҳа? Нега нафасинг ичингга тушиб кетди? — ўшқирди у хотинига. — Қани айт, мен бориб қайси бир қудуққа ўзимни ташлай энди? Сен туфайли аросатда қолдим-ку. Мана индинга анови расво мени судга чақирган. Менинг судда айбдор бўлиб туришимни кўриб, одамлар нима дейди. Энди менга қамоқдан бошқа жой йўққа ўхшаб қолди. Мана бу уй гаровга қўйилмаганда ҳам майли эди. Шунини сотиб-совиб, ўшанинг қарзини берардик-қўярдик.

Ҳариамкаур кўз ёшини оқизиб, ўзига-ўзи гапиргандек, гапириб ётарди:

— Ўша жодугар ўлгур бошини айлантириб қўйди боламнинг. «У ёққа бориб, ундоқ қилодурман, бундоқ қилодурман» деб қандоқ кекириб кетувди. Мана энди икки энлик хат ёзиб юбориш ҳам қўлидан келмай қолди. Қандоқ мўмин-маъқул бола эди. Чизган чизигимдан чиқмасди.

— Ҳаммаси ҳам ўзи шунақа бўлади, — деди Бҳажансингх баттар тутақиб. — Кўмирхонага кирган одам шунақа қора бўлиб қолади. Лекин, кўриб-билиб туриб шу кўмирхонага кирсин деб унга ким айтувди?

— Энди айбни менга тақамоччимисиз? — Ҳарнамкаур ҳам тутақиб кетди. — Қаердан ҳам мен ўзим бўриб, шу қудаларни топиб келган эканман. Мен-ку, келинг, бир хотин киши эканман. Ёркак бўла туриб, сизнинг ақлингизга қандоқ қилиб теша тегувди?

— Қўрққан олдин мушт кўтарар бўляптими? Сен қачон менинг гапимга қулоқ солдинг? Бу уйдагиларнинг бири кал, бири соқолли бўлса, менинг кимга гапим ўтарди.

Эр-хотин ўртасидаги бу даҳанаки жанг узоқ давом этди.

Ҳарбансингх қайнота-қайнонасиникига кетганига бир неча ой бўлганди. Бошида устма-уст хат ёзиб турди. Ота-онасининг ҳар бир хатига батафсил ва умидбахш жавоб бериб турди. Яқинда мурод-мақсадингизга етасиз, деб уларни ишонтирди. Лекин кейин бирдан нима бало бўлди-ю, ундан хат келмай қўйди. Бу ёқдан борган ҳамма хатлар жавобсиз қолиб кетди. Бу уйдагиларнинг аҳволи борган сари танглашиб бораверди. Угладан ёрдам кутавериш, буларнинг сабр косаси тўлиб-тошди. Лекин ишглаб-сикташ, ох-роҳ кўтиришдан бешинч қилиб...

Авваллари Бҳажансингх ишхонада ўтириб, озми-кўпми иш қиларди. Ҳар ҳолда ўна бир-рўзгор тебратилиб турувди. Лекин ғам-ташвиш юки ортиб ҳамла Ҳарбанслан умид узини...

лари уйқуси келмай у ёқдан-бу ёққа тўлғаниб чиқарди. Шундай қилиб ишхонадаги иш ўлган эди. Лекин Ҳарбансдан умиди ҳали жуда узингачча йўқ эди. Шунинг учун ҳам эрталабдан кечгача хат келгани деб тик этса эшikka қарарди. Баъзида эса почтальон келадиган вақтда эшикка чиқиб ўтирарди. Лекин почтальон келарди-ю, унга қайрилиб қарамай ўтиб кетарди.

Охири бир кун хат келиб қолди. Лекин уни Ҳарбанс эмас, бувиси юборган эди. Хатдан маълум бўлдики, Ҳарбанс неча вақтдан бери бувисиникига келмай қўйибди. Унинг номига юборилган хатларнинг ҳаммаси бувисиникида уюлиб ётган экан.

«Ундоқ бўлса демак, иш тамом», — деган қарорга келди Бҳажансингх хатни ўқиб.

Ҳарнамкаур эса шу кунларда ўз ичидаги оловда ёнмоқда эди. Уйдан ҳовлига чиқса, худди маст одамдек у ёқдан-бу ёққа гандиракларди. Ичкарига кирди дегунча, ўзини шаппа қаравотга ташларди. Ҳеч нарса қўнглига ёқмасди ҳам, оғиз очиб биров билан гаплашгиси ҳам келмасди. Энди бу дунёда унинг учун гўё ҳеч нарса қолмаганди.

Лекин шундай ўтираверган билан иш битармиди. Бу **ёнда** Гурдитсингх судга чақириб турувди. Шулар туфайли **бугун** Бҳажансингх ўтдек тутатиб, хотини билан **ғижиллашмоқда** эди.

Яна бир озгача эр-хотин ўзаро савол-жавоб қилиб ўтиришди. Чор аτροφдан ўраб олган мусибатлардан қутулишининг йўлини ўйлаб бош қотиришди. Ҳеч қаерда сал тирноқ илинадиган жой кўринмагач, охири Ҳарнамкаур журъат қилиб, бир таклиф **ки** ритди:

— Бўлмаса, бундоқ қилайлик: мен бир кун иш бораёй.

— Бораёй?— ҳайрон бўлиб сўради Бҳажансингх.— Қаёққа?

— Гўрга!— жаҳли чиқиб деди Ҳарнамкаур.— Ўша ярамаснинг олди-да. Қаёққа бўларди?

— Ҳарбансинг олди-ми?

— Ҳа, нима қилибди? Ўша ярамаснинг эшигига ҳам бир бориб кўрсам кўрибман-да.

— Нима, сен ўша Ҳарбансинг қайнонасиникига бормоқчи-мисан?

— Уникига қаёқда борардим. Ойимникига бориб, ўша ерга чақиртираман-да. Она-бола бир бўлиб қулоғини сал очармиз.

— Юз хотинда бир товуқча ақл йўқ, деб тўғри айтган экан биров. Она-бола икковинг бир бўлиб нимани уддасидан чиқардиларинг? Хатта ҳам жавоб бермайди-ку, ўшани ўқиб кўришга ҳам тоқати йўқ, кўнглини шундай тош қилиб ўтирибди-ку, унга сен нимани уқтирардингу, онангининг қўлидан нима келарди?

— Ҳа, нима бўпти? Ҳеч нарсани уқтира олмасам, лоақал ўша билан орани очик қилиб келаман-ку. Кичкинасидан айрилувдим, энди каттаси ҳам ўлди, деб хотиржам бўлиб келаман.— Шундай деди-ю, Ҳарнамкаур ҳўнграб йиғлай бошлади ва йиғи аралаш деди.— Хонавайрон бўлди. Э худо! Қайси қилган гуноҳларимизга шундай жазо беряпсан? Сендан шунинг учун ўғил сўровдикми? Шундоқ қилиб азоблагандан кўра...

— Ҳой, қўйсанг-чи бу дод-фарёдингни!— унинг гапини бўлиб вағиллади Бҳажансингх.— У ёққа бориб, сочларингни битталаб юлдирмоқчимисан дейман? Қайнона-қайнотасининг ноғорасига ўйнаб, унинг бўладигани бўлди. Энди сени тирноғига ҳам олмайди. Мана мени айтди дерсан.

— Хўп, майли. Бошга тушганни кўз кўрар. Мен бир бориб келай, хўп денг.

— Хўп, бўпти,— Бҳажансингх охири таслим бўлди.— Рўст сен ўз айтганингдан қолмас экансан, бор, бора қол. Кўзинг учаётганини кўра қол. Лекин менинг кўнглим айтиб турибди: оғзингни очдинг, лашша тушади, холос.

— Ҳа, пайша тушса тушар, Қўза кунда эмас, бир куни сиёди. Бу ғам-ташвишдан қутуламиз-қўямиз.

Эртасига Ҳарнамкаур онасиникига жўнаб кетди.

## 24 боб

Ҳарнамкаур бугун қишлоққа жўнаб кетган бўлса, эртага «Панжоб ҳунармандлик буюмлари» фирмаси Бҳажансингхни судга чақиртирган эди. Чунончи ўша куни Бҳажансингх умрида биринчи марта суднинг остонасини ҳатлаб, ичкарига кирди. У олдиндан битта адвокат олган эди.

Гурдитсингхнинг бели маҳкам эди. Шартномани бузди деб Бҳажансингхнинг айбини исбот қилиш унча қийин эмас эди. Бугун бўлмаса, ундан кейинги мажлисда суд унинг фойдасига қарор чиқаришига имони комил эди.

Бҳажансингхнинг адвокати ҳам даъвогарнинг бели маҳкамдигини биларди. Айбни инкор этиш ёки бирор бошқа эътироз билдиришнинг иложи йўқлиги туфайли адвокат Бҳажансингхга бундай маслаҳат берди:

Сиз айбингизга иқрор бўлаверинг,— деди у.— Лекин уйдати ғам-ташвишларингиз ҳамда моддий қийинчиликларингизни айтиб, даъвогарнинг пулини бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат беринглар, деб суддан илтимос қилинг.

Адвокат айтаётган гапларини Бҳажансингхнинг кўзи билан қадрар қилмаётган бўлди.

— Ҳеч нарса эмас экан,— Бҳажансингх ташқарига чиққач, ўзига ўзи деди.— Мен бекорга қўрқиб, ўз этимни ўзим еб юрган эканман.

Адвокат ҳам унинг руҳини кўтарди:

— Э, ташвиш қилманг, сардор. Пулни кичкина-кичкина қилиб, бўлдириб бераман. Ундан кейин кўрасиз бу даъвогар қилмишидан қандай пушаймон бўлишини.

Адвокатдан ташқари, Гурдитсингхни кўра олмаган бир неча бошқа кишилар ҳам Бҳажансингхга бирмунча маслаҳатлар берди. Ўша маслаҳатларга амал қилинса, Гурдитсингх берган пулини ундира олмай, бир неча йил овора бўлиб юрар экан. Бу томондан кўнгли тўқ бўлди-да, Бҳажансингх бошқа томонни, яъни Ҳарнамкаурни ўйлай бошлади. Бир жиҳатдан-ку Ҳарнамкаурнинг у ёққа боргани ҳам, бормагани ҳам бир эди. Лекин болта тушгунча кунда дам олади, дегандек эди Бҳажансингхнинг аҳволи. «Эҳтимол, бир нарсанинг уддасидан чиқиб қолар,— деб ўйларди у.— Жуда доно, узоқни кўрадиган аёл ўзи, Мана шу кунгача қанча-қанча қийинчиликлардан қутқарди».

Бҳажансингх сабрсизлик билан хотинининг қайтиб келишини кута бошлади. Ишхонада ишлаб ўтириб ҳам фикри-хаёли хотинида бўларди. Лекин: «Нега бу шунча ҳаяллаб қолди?— деб баъзи-баъзида хотинини койишга тушарди.— Шунча кун ўша ерда қолиб кетадиган катта иш эмас эди-ку. Жуда шундай бўлганда ҳам, икки энлик хат ёзпб юбориш қўлидан келмасмиди?»

Шунақа ўй-хаёллар билан бир неча кун ўтди. Ахир бир кун хотини қорасини кўрсатиб қолди ва Бҳажансингхнинг кўнгли ўрнига тушди. Лекин хотинининг юз-кўзини кўрди-ю, Бҳажансингхнинг юраги орқасига тортиб кетди. Бир нарса деб сўрашга-ку юраги йўқ эди. Лекин сўрамай иш ҳам битмасди. Чунончи у қисқагина савол берди:

— Ҳўш, нима гап?

— Э, сиз сўраманг, мен гапирмай,— худди болта билан бошига ургандай жавоб берди Ҳарнамкаур.— Эгасига топшириб, фотиҳасини ўқиб келдим, нима қилардим.

— Кимни топшириб келдинг?— гапнинг тагига етиб туриб ҳам, Бҳажансингх савол берди.

— Ўғлимни-да, кимни бўларди?— Ҳариамкаур худди юрагини тилгандай жавоб берди.

Экиннинг орасидан агар бегона ўт чиқиб қолса, ер унга тегмайди, лекин деҳқоннинг кетмони уни тагидан чопиб ташлайди. Ҳарнамкаур шу пайтда ер эмас, деҳқоннинг кетмони бўлиб қолган эди.

Хотинининг оғзидан ўз ўғли тўғрисида юракни тешиб кетадиган гапларни эшитиб, Бҳажансингхнинг жони ҳалқумига келди:

— Лаънати! Оғзингга қараб гапир!— койиди у хотинини,— нима деб вайсаяпсан? Ҳа, тилинг кесилсин! Одам ўғлини ҳам шундоқ дейдими?

Лекин бу койиш Ҳарнамкаурга заррача таъсир қилмади. У ўша-ўша ўт сочишда давом этди:

— Э, боридан йўғи бунақа ўғилнинг. Мен бориб кўмиб келдим уни. Сиз ҳам хоҳласангиз, бориб, дуо-фотиҳасини ўқиб келинг.

— Ҳў, бети қора! Нега менинг юрагимни тилияпсан? Ўз ўлганим ўзимга етмайдими? Бу кунингдан кўра ўлганинг яхши-масми? Ким ўзининг туққан фарзандини...

— Ўз туққан фарзанди ўлса, қайси бир она у билан бирга ўзини ҳам ўтга ташлайди?— эрининг гапини чўрт бўлиб деди Ҳарнамкаур.

— Ҳа, бундоқ ёрилсанг-чи. Нима қиёмат бўлди ўзи ўғлинг-нинг бунчалик кетига тушиб қолдинг?

— «Кетига тушиб қолдинг» ҳам гапми. Менинг бир қўлимга тушса эди, худди этини бурда-бурда қилиб ташлардим ўша кўпакни. Қандоқ ит кунимни бошимга солди у менинг. Ўғилларга ўхшаб муомала қилибдими у менга?

Ҳарнамкаур шундоқ бақириб-чақира бошладики, Бҳажан-сиягҳ бунинг вағиллашини қўшнилар эшитиб қолмасин, деб юраги така-пука бўлиб қолди. Хотинининг ичиди нима гап бўлаётганини тушуниб турган эди Бҳажансингҳ. Фарзанд масаласида отадан кўра онанинг кўнгли нозикроқ бўлишини яхши биларди у. Лекин ҳозир кўриб тургани бунинг бутунлай акси эди. У нима қилишни билмай таёқдек қотиб ўтирарди. Хотинини юпатишга ҳам журъат эта олмасди.

Охири йиғлаб кўзида ёш қолмагач, ўзини қўлга олишга уринар экан, Ҳарнамкаур деди:

— Менинг кунимни худо душманамга ҳам кўрсатмасин. Ушанда сизнинг гапингизга кириб, ўша худо ургурнинг олдига бормай қўя қолганимда, бу гапларнинг ҳаммаси йўқ эди. Бундоқ хасдан енгил, сувдан суёқ бўлиб ўтирмасдим.

Бу гапни эшитиб, айниқса хотинининг афсус-надомат ўтида қуяётганини кўриб, Бҳажансингҳ яна тилга кирди:

— Э, оарака тоқкур! Бу чироқда мени пуқанини аввалданоқ былардим. Лекин қани энди менинг гапимга қулоқ солсанг. Ҳа, майли, зарари йўқ. Биз энди худога орқа қилаверамиз. Бунақа қорам қулоқни олганимни ҳам бунинг тушунди.

— мен қора кунларни гапиратгапим нуқ,— Ҳарнамкаур яна йиғлашга тушди.— Менинг афсус қиладиган жойим шуки, ўғлим бўла туриб, мени шу кунларга солди. Унинг менга қилганини етти ёт бегона ҳам қилмайди. Ҳар қандай душман ҳам шундоқ бензат қилмайди мени.

— Хўш, нима гап бўлди ўзи? Бундоқ гапирсанг-чи.— Бҳажансингҳ бетоқат бўлиб сўради.— Сен нима дединг, кейин у сенга нима деди — бундоқ гапирсанг-чи ҳаммасини.

Ҳарнамкаур ўзининг ўн икки кунлик қиссасини бирма-бир ҳикоя қила бошлади. Онасиникига борибқ, Ҳарбансга одам юборибди. У кечқурун бораман деб айтиб юборган экан, лекин кеч ҳам кирибди, ярим кеча ҳам бўлибди у келмабди. Эртаси ҳам ўтибди, индини ҳам ўтибди, Ҳарбанс қорасини кўрсатмабди. Устма-уст одам юбораверибди, Ҳарбанс «бораман, бораман» дебди-ю, келмабди. Охири тўрт кун деганда эшикдан кириб келибди. Лекин келиб ҳам, онаси билан етти ёт бегонадай кўришибди. Она-бола икковн ўтириб гаплаша бошлабди. Гапни Ҳарнамкаур таъна-маломатдан бошлабди. Ҳарбанс уни сийқаси чиққан пластинкани эшитгандек эшитиб ўтираверибди. Ҳеч қандай садо чиқмабди. Бунинг миқ этмай ўтириши Ҳарнамкаурга

худди ёниб турган оловга керосин қуйгандек таъсир қилибди. У орқа-ўнгига қарамай, оғзига келганини вайсаб кетибди. Айтиш керак бўлмаган гапларни ҳам айтиб юборибди. Ҳарбанснинг ҳам жаҳли чиқиб кетибди-ю, у ҳам биттага ўнта қўшиб жавоб беришга тушибди. Ҳарнамкаур қайнота-қайнонасининг шаънига бир-икки аччиқ-чучук гап айтган экан, Ҳарбанснинг юраги ёрилиб кетибди. «Ҳу, менга қаранг ойи,— дебди Ҳарбанс жаҳлига чидамай.— Менинг ўзимга ҳар қанча гапингиз бўлса, айтаверинг. Лекин қайнона-қайнотамга тил тегиза кўрманг. Мен айтиб қўйганим бўлсин: қайнона-қайнотамнинг шаънига агар оғзингиздан яна биронта гап эшитар эканман, унда мендан ўпкаламанг...»

Шу гапларни бирор эркак кишига айтилса, у дик этиб ўридан турарди-ю, жўнаб қоларди. Лекин гапни эшитиб ўтирган аёл киши эди, фақат аёл эмас, балки она эди. Ўғлининг оғзидан ўша гапларни эшитиб, унинг қайнона-қайнотасининг ёнини олиб, онаси билан ёқалашишга ҳам тайёрлигини кўриб, Ҳарнамкаур илондек вишиллай бошлабди. У ўзини-ўзи уриб, ўғлини қўлга олиб олганларнинг бирма-бир номини айтиб гўрига гишт қалаб кетибди. Бунга жавобан Ҳарбанс онасига, дунёда сиздан ёмони йўқ экан, дебди. Онаси билан шундай айтишибдики, асти қўяверасиз. Охири ўтдек тутаққанича эшикка чиқиб жўнаб қолибди. Ҳарнамкаур эса унинг ўзини, қайнонасини, қайнотасини, уларнинг қизини — ҳаммасини қарғганича қолаверибди.

Ҳангома шунинг ўзи билан тугаб қўя қолганда ҳам, бир гап эди. Лекин Ҳарнамкаур уйдагиларнинг гапига қулоқ солмай, қудаси билан ҳам бир куч синашиб кўрмоқчи бўлпб, эртасигаёқ эшигини тақиллатиб борибди. Бунинг натижаси ҳамманинг кутганидан ҳам зиёда бўлибди. Иккала қуда ўртасидаги жангни кўриб, қўшнилариининг оғзи очилиб қолибди. Бири — аждар, иккинчиси — шер. Бири биридан қолишмайди. Икковидан ҳам Ҳарбанс ўтиб тушибди. У қайнонасининг ёнини олиб, онасига оғзини очирмабди. Буни кўриб, Ҳарнамкаур борган сари ўтдек тутақиб кетаверибди. У қудасини бир ёққа қўйиб, Ҳарбансга ўзини ташлабди-да, унга йўқ ердаги гапларни айтибди. «Ойи!— дебди Ҳарбанс ўшқириб.— Агар яхшиликни хоҳласангиз, бу ердан йўқолинг. Агар энди менинг қайнонам тўғрисида бир оғиз ёмон гап айтар экансиз, худди сочингиздан судраб, онангизникига олиб бориб қўяман».

Шашқатор йиғлаб, дард-алам тўла қиссасини ҳикоя қилаётган Ҳарнамкаур худди шу ерга келганда шундай ҳўнграб йиғлаб юборганидан, гапиролмай қолди. Бҳажансингх бошини қуйи-солганича хотинининг қиссасини тинглаб Ҳарбанснинг беҳаёли-

гига гижишиб ўтирарди. Ҳарбансан ҳам кўра кўпроқ хотинига жаҳли чиқарди.

— Хўш, кейин нима бўлди?— сўради у ўша-ўша тутатиб,— жўнаб келавердингни юзингга қора суртиб?

— Нима қилардим? Қўзлари ва бурнининг рутубатини артиб жавоб берди Ҳарнамкаур,— Уйга келишим биланоқ — ҳатто йўлдаёқ — бирдан иситма тутиб қолди. Тўрт кунгача иситмалаб ётдим. Сал тушувди, истансага қараб жўнадим. Яна нима қилишим керак эди?

— Сенинг жазсанг шу эди, падарингга лаънат!— деди Бҳажансингх газаб билан.— Қанча айтдим сенга, ҳў ўйлаб иш қил, ҳеч нарсанинг уддасидан чиқолмайсан деб. Лекин гапимга қулоқ солмадинг. Энди тирик қайтиб келибсан, шунга шукур қилавер, расвойи жаҳон! Ўзинг бир парча тузсан-ку, балиқ овлашга бориб ўтирибсан-а. Одамларига айтса-ю, улар сени ўлдириб, дала-палага олиб бориб ташласа, унда нима қилардинг? Уларни биров нима қиларди?

Ҳарнамкаур гик этмай ўтиравергач, Бҳажансингх ўтдек тутаққанча ўрнидан туриб, ишхонасига кириб кетди.

## 25 000

— Жасвантжий!— шеърият ва куйга тўла бир овоз Жасвантнинг кўлини кўлини урибди ва уларнинг овози билан турди. Бутун вужудини забт этиб олган бир шахс беҳосдан уйига кириб келиши, унинг мутлақо хаёлига келмаган эди. Бунинг устига кишининг ҳеч пазари нолмайдиган уйга бир гўзал қизнинг кириб келиши унинг учун айниқса ҳайратланарли нарса эди. Шу пайтда Жасвантнинг ўзи ҳам жуда антиқа бир ҳолатда ўтирган эди: эгнида кир-яғир бир шим ва енглари йиртиқ, тугмаси узилган бир кўйлак, бош яланг. Уй ифлос, ҳамма нарса сочилган. Оёқ қўйишга жой йўқ.

— У-ў! Арунажий!— уялиш ва шодлик аралаш кўтаринки руҳ билан меҳмонни қарши олди Жасвант.— Қандай қилиб топиб келдингиз?

Шундай деди-да, у Арунани ўтқазиб ниятида у ёқ-бу ёққа аланглаб қаради. Лекин Арунанинг ўзи унинг ташвишини бартараф қилди: худди маъсум бир гўдак сингари бемалол бориб чиқиндилар ўртасида турган омонатгина бир курсига ўтириб олди ва Жасвантнинг саволига жавоб берди:

— Одам қидирса бўлди, толиб олаверади.

— Уҳ! Сал туриб турунг,— деди Жасвант,— курсининг оёғи бир оз...

— Ҳеч зарари йўқ,— табассум билан жавоб берди Аруна.— Курсингиз худди менинг ўзимга ўхшаган экан.

Жасвантнинг икки кўзи Арунада, ўзи эса ҳайрон бўлиб ўйларди: «Бу мен ҳар кун синфда кўрадиган ўша Арунами ёки бошқами? Жиддийлик мужассамаси бўлган у Аруна қаёқда-ю, кулиб, табассум қилиб турган бу қиз қаёқда!» Арунанинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз шеърятга тўла бўлишини-ку Жасвант биларди, аммо унинг бунчалик ҳозиржавоб ва ҳазилкашлигини хаёлига ҳам келтирмасди.

Охири у ҳам ўтирди ва кўнглидаги ҳаяжон бир оз босилди.

Аруна кириб келишидан сал олдин Жасвант жуда ўхшовсиз бир иш билан банд эди. Сувга қорилган ганчга баъзи бир шакллар бериб, уларни қурисин деб қўйиб қўювди. Унинг майда-чуйда чиқиндилари ерда сочилиб ётарди.

— Уҳў! Бу ганч билан қачондан бери шуғулланяпсиз?— деб сўради Аруна ўтириб олганидан кейин.

— Шу кечаю кундузда нонни шундан еб турибман,— қисқагина жавоб берди Жасвант. Чунки шу пайтда унинг мияси бошқа нарса билан банд эди. «Аруна бу ерга нега келдийкин? Менда нима иши борикин?» деб ўйларди. Ниҳоят, бу паришонликка чек қўйиш учун у сўради:

— Лекин, Арунажий, бир бегонанинг уйига қандоқ қилиб кираман деб бир оз тортинган бўлсангиз керак?

— Менми?— дадиллик билан деди у.— Бошқа бировникига бўлса, эҳтимол, тортинадим. Лекин сизникига киришга ҳеч ҳам тортинганим йўқ.

— Раҳмат,— жуда хурсанд бўлиб кетди Жасвант,— упдоқ бўлса...

Шундай деб гап бошлади-ю, лекин уни тугата олмади. Аруна унинг гапига эътибор бермай, ярим жиддий ва ярим ҳазил оҳангда сўради:

— Сиз бошқа бировнинг «дунёсига» ҳеч тортинмай киравасиз-ку, сизнинг «уйингизга» киришга бошқа биров нега тортиркан?

— Мен-а?— бир оз ҳаяжон билан сўради у.— Мен бировнинг дунёсига кирибманми?

— Ҳалиги гап Арунанинг иродасига қарши бехосдан оғзидан чиқиб кетган эди. У бир оз ўзини ноқулай сеза бошлади. Тагин бу гап чўзилиб кетмасин деган ниятда у суҳбат мавзуини ўзгаришишга ҳаракат қилди.

— Сиз ҳайкалтарошлик билан ҳам шуғулланар экансизда, а?— ёнида турган бир ҳайкалча ва унинг атрофидаги тош зарраларига кўз югуртирар экан, сўради у.

— Ҳайкалтарошлик қаёқда?— Жасвант ҳам қайкалчага

тикилиб жавоб берди.— Шунчаки бир иштиёқни қондириш учун озгина йўниб-тарошлаб қўяман.

Аруна ўрнидан туриб, ҳайкалчани қўлига олди ва унинг у ёқ-бу ёғини диққат билан кўздан кечирар экан, деди:

— Бу шунчаки иштиёқ эмас. Сизда тузуккина маҳорат бор-га ўхшайди.

— Жуда қанақа маҳорат бўларди менда, Арунажий?

— Буни мана бу ҳайкалчанинг ўзи айтиб турибди. Чиндан ҳам катта санъат бор экан сизда.

Жасвант бунга жавоб бермади.

— Ҳайкалтарошнинг ҳаёти ҳам жуда қизиқ нарса,— деди Аруна ҳамон ҳайкалчани кўздан кечириб.— Шундоқ ғам-алам-га тўла.

— Нима деганингиз бу?— жон ҳолатда сўради Жасвант.

— Мен шуни айтмоқчиманки,— жавоб берди Аруна ҳайкалчадан кўзини узмай,— санъаткор бутун ҳаётини бағишлаб, бир парча тошга жон киритади, унга абадийлик бахш этмоқ учун ўзи ўлиб-йитади. Лекин у кўрсатган жонбозликнинг оқибати нима бўлади? У яратган ҳайкалларнинг йиллаб қандоқ бўлса шундоқ, қимир этмай тураверади, лекин у бечоранинг номи ҳам ҳеч кимнинг эсила қолмайди. Бечора санъаткорга нисбатан қандоқ зулм бу!

— Маълум бўлишича,— деди Жасвант унинг гапларидан таъсирланиб,— бу санъатдан ҳам анча-мунча хабарингиз бор

— Жуда унчалик эмас,— жавоб берди Аруна.— Лекин директорнинг лекцияларини тинглаб, ташқаридан келган бир-иккита санъаткорларнинг фикрини эшитиб, унча-мунча нарсаларни билиб олганман. Бундан ташқари бир марта экскурсияга борганимизда бир қанча қадимги ибодатхоналарни, қадимги ҳайкалларни кўриб, ўшалардан ҳам анча таъсирланган эдим.

— Ундоқ бўлса, сиз бу соҳада чиндан ҳам анча маълумотга эга экансиз. Лекин мени кечирасизу, ҳайкалтарошлар тўғрисида сиз бир оз нотўғри фикрга келибсиз.

— Нега? Мен нотўғри айтдимми?

— Ҳайкалтарош баъзан бирор нарса яратишга чиндан ҳам бутун ҳаётини бахш этади. Бу гапингиз-ку тўғри. Нега деганингизда, нафис санъатнинг барча бошқа турларига нисбатан ҳайкалтарошлик анча қийин нарса. Аммо сиз ҳайкалтарошларни «бечора», «бахтсиз» дедингиз-а, бу жиҳатдан сиз албатта, бир оз янглишибсиз.

— Нимада янглишибман? Сал очiqроқ қилиб гапиринг.

— Жуда унча нозик қилиб, санъаткорона тарзда-ку мен эҳтимол тушунтира олмасман, чунки менинг билимим мукаммал

эмас, аммо ўзимда бор билим-маълумотга суяниб туриб шупи айта оламанки, рост санъаткор бир парча тошга жон киритиб, унга абадийлик бахш этишга қодир экан, унинг ўзи яратган нарасидан ҳам кўра абадийроқ бўлади.

— Мен густоҳлик қилсам, кечирасиз, Жасвантжий, лекин экскурсия давомида мен қанча-қанча маъбуд ҳайкалларини кўрган бўлсам, одамларнинг айтишига қараганда, ўшаларнинг дунёга келганига минг-минг йил бўлибди. Лекин ҳали ҳам яп-янгига ўхшайди. Ҳойнаҳой яна минг-минг йилгача шундоқ туради. Шу ҳайкалларнинг ҳар бирини яратишга санъаткорлар ўзининг бутун умрини сарф қилибди. Баъзиларини эса катта буваси бошлаган бўлса, унинг ўғли-ю, неварасидан ўтиб, эвараси тугатибди. Лекин агар сиз шу бугун бориб, бу ажойиб сабр-тоқат эгаларининг номи нима, деб сўрасангиз, ҳеч ким айтиб беролмайди. Хўш, мана шу нарса одамни ҳайратга солмайдими? Шу аҳволни кўриб туриб, бечора ҳайкалтарошларнинг қисматига одамнинг кўз ёши тўкмай иложи борми?

Охирги жумлани айтар экан, Аруна чуқур хўрсиниб қўйди. Жасвантнинг лабларида енгилгина бир табассум, яъни енгилгина кесатув аломатини кўриб, у бир оз норозилик билдирди:

— Менинг ноқис фикримни эшитиб, кулишингиз мумкин, Жасвантжий. Лекин ўшаларнинг пешанасининг шўрлигини кўриб албатта одам йиғлайди-да, ахир...— шундай деб туриб у чиндан ҳам йиғлаб юборди.

— Сиз жуда ҳам бунақа кўнглингизга яқин олаверманг, Арунажий.— деди Жасвант,— анча-мунча лекциялар эшитиб, кўп жойларни кўриб, санъат деган нарса сизнинг анча қонингизга сингиб кетибди. Бу-ку тўгри. Аммо мен ҳам сиздан кўпроқ бўлмаса-да, сизчалик эшитганман, кўрганман. Шуларга асосланиб туриб, мен сизга айтсам, сиз ё ҳайкалтарошларнинг психологиясини яхши ўрганмабсиз ёки одамлар сизга нотўғри тушунтирибди.

— Бировнинг қандай тушунтирганини қўяверинг, Жасвантжий. Мен сизга ўзининг шахсий фикримни айтдим.

— Хайр, келинг, шундаёқ бўлсин. Лекин сиз, менинг шу шахсий фикрим ҳақиқатга мос, деб қандай қилиб айта оласиз? Менинг гапимни сал диққат билан эшитинг.

— Ҳа, жуда диққат билан эшитяпман. Гапираверинг.

Жасвант яна ҳам ўрнашиб ўтириб олди-да, гапида давом этди:

— Узоққа бориб юрмай, гулни мисолга олиб қўя қолинг. Гул нега дунёга келади, деб сўрасангиз, ҳар бир одам, очилиш ва хуш бўй таратиш учун, деб жавоб беради. Аммо ҳақиқат бошқача.

— Қанақа ҳақиқат?— ҳайрон бўлиб сўради Аруна.

— Гулнинг яшаш мақсади — мева қилиш,— жавоб берди Жасвант.— Мева вояга етиб борган сари гулнинг умри тугаб боради. «Мевани деб гулни яратди, мева келди — гул умри битди», деган экан бир шоир. Эҳтимол сиз, мева қиламан деб гул бекорга ўзини хазон қилди, деган хулосага келарсиз. Бу нотўғри. Ахир гул ҳаётининг бор-йўқ мазмуни мана шу мева-да.

«Гул» билан «мева» ўртасида қандай алоқа бўлса, ҳайкалтарошлик билан ҳайкал ўртасида ҳам худди шундай алоқа бор. Ҳайкалтарош ўзи яратган ҳайкалга ўз вужудини бахш этмас экан, у ҳақиқий ҳайкалтарош бўла олмайди. Сиз ҳали айтдингиз-а: баъзи ҳайкаллар бир неча авлоднинг меҳнат-машаққати билан дунёга келган экан, минг-минг йиллардан бери қандай бўлса, шундай турибди, дедингиз-а? Худди ўшалар — риёзат чеккан санъаткорларнинг абадий бўлиб қолган руҳи. Ёки қупа-қуруқ тошми?

Энди, ўша санъаткорларнинг номини ҳам ҳеч ким билмайди деган гапга келайлик. Хўш, ном нима деган нарса? Қани, айтинг-чи? Бу бор-йўғи бир этикеткага ўхшаган нарса. Этикеткани хоҳланг бировнинг пешанасига ёпиштириб қўйинг, хоҳланг бировнинг пешанасидан олиб ташланг — нима фарқи бор? Санъаткор ўзи яратган нарсани ўзини шеърлардан ҳам, ўшанинг ички сингигиб, ўша билан бир бўлиб кетмас экан, ундай санъаткорнинг номини одамлар минг атасин, ундан нима фойда? Ҳали сиз айтиб ўтган, бир неча авлоднинг меҳнат-машаққати билан бунёд бўлган ҳайкаллар бугун ҳам бундай санъаткорларнинг худди ўзи. Аслида абадий бўлиб қолган бу ҳайкалларнинг ўзи эмас, балки булар ичига жо бўлган санъаткорларнинг руҳи. Дунё аҳли минг-минг йилдан бери ўша руҳни қандай эъзозлаб келган бўлса, яна минг-минг йилларгача ўшандай эъзозлайверади. Асл нарса ном эмас экан, руҳ экан. Шундайми? Кабир<sup>1</sup> бир шеърда мана бундай деган экан:

Номингни мен такрорладим, бўлдим сен,  
Мендан қолди фақат ном.  
Сену менда фарқ қолмагач қарасам,  
Сени кўрдим ҳар томон.

Мана шу шеърдаги руҳоний мазмун ҳам мен айтган гапни тасдиқлайди. Руҳонийлар сингари санъаткорларнинг ҳам асосий қондаси шундан иборатки, санъатга хизмат қиламан деган одам ўзининг бутун вужудини санъатга топшириши керак, унинг

<sup>1</sup> Кабир — Ўрта асрларда яшаб ўтган ҳинд классик шоири.

ичига жо бўлиб кетиши керак. Хуллас, Арунажий, хизмат, хизмат қилинувчи ва хизмат қилувчи — учови бир бўлиб қўшилиб кетгач, ном ёки этикетканинг нима аҳамияти қолди? Бор-йўқ фарқ шу эканки, бировни тириклик вақтида дунё аҳли «санъаткор» деган ном билан эъзозлаган бўлса, ўлганидан кейин «санъатни яратувчи» деб унга бош эгаркан. Бор-йўқ фарқ шу эканми? Ана энди ўзингиз айтинг: абадийлик унвони кимга теги — тошгами ёки уни абадийлаштирган санъаткоргами?

Жасвантнинг гаплари Арунага қанчалик таъсир қилганини унинг кўзларидан билиб олиш мумкин эди. Унинг икки кўзи қаршисидаги Будда ҳайкалчасида эди. Жасвант гапини тугатгандан кейин ҳам, Аруна узоқ вақт сукутга чўмди. Жасвантнинг кўз олдида гўё тош ҳайкалчадан ташқари гўшт ва пўстдан иборат яна бир тирик ҳайкал турарди.

— Арунажий!

— Ҳа.

— Унга намунча тикилиб қолдингиз?

— Шундоқ, ўзим.

— Шу ҳайкалчада ҳеч нарса кўраётганингиз йўқми?

— Кўришга-ку кўп нарсаларни кўряпман, лекин сиз айтган нарса кўринмайди.

— Албатта, бу арзимагангина буюмдан унақа катта нарсани қандоқ қилиб умид қилиб бўлади. Бу бирор санъаткор яратган нарса эмас. Буни яратишга бирор умрини ҳам сарф қилган эмас. Бу бир кичкина бола ясаган ўйинчоқгина, холос. Ёки машқ учун қилинган кичкинагина нарса дейишимиз мумкин.

— Мен гапингизни тушунмадим,— Ҳайкалчадан кўзини узиб, Жасвантга тикилган ҳолда деди Аруна,— сиз шу тўғрида бирор жойда махсус бир курс тинглаяпсиз, шекилли?

— Йўқ, курс-пурс деган нарса йўқ. Шунчаки бир қизиқиш уйғониб қолувди.

— Қанақа қизиқиш? Айтса бўладими?

Бунга жавобан Жасвант ўзининг хоҳиш-иродасини, яъни Деҳлидаги кўргазмага атаб бирор нарса ясамоқчи бўлганини гапириб берди.

— Кўргазмага тайёргарлик кетаётганини мен ҳам газетада ўқиган эдим,— деди Аруна.— Демак, сиз ўша кўргазмага фил суягидан Будданинг ҳайкалини ясамоқчимисиз?

— Йўқ.

— Бўлмаса кимнинг ҳайкалини ясамоқчисиз?

— Бу масалани ҳали ҳал қилганимча йўқ.

— Жуда қизиқ.

— Менинг ўзимга ҳам қизиқ туюляпти, аммо...

Вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Аруна кетишга шошилмоқда эди. Чунончи, у мавзунни ўзгартириб деди:

— Мен сиздан анча нарсаларни сўраш, сизга анча нарсаларни айтиш ниятида келган эдим.

— Марҳамат, гапиринг.

— Анови синфда ишлаган расмингизга бўёқ беришингиз керак эди, ўшани нима қилдингиз? Аввало шунни айтинг-чи.

Жавоб бериш ўрнига Жасвант ёнидаги сандиқчани очди-да, унинг ичидан ўша расм солинган картон қоғозни трубка қилиб ўралган ҳолда олиб, Арунанинг қўлига берди. Аруна зўр иштиёқ билан қоғозни ёйди. Ёйди-ю, бутун иштиёқи сўнди, ҳатто тарвузи бир оз қўлтигидан ҳам тушиб кетди: расм қаандай бўлса, шундай турган эди, унга ҳеч ким мўйқалам тегизмаган эди.

— Бу қандай бўлса, шундай турибди-ку, Жасвантжий?

— Ҳеч вақтим бўлмади. Бу яқин ўртада қўлим тегмаса ҳам керак. Шунини сиз олиб кетсангиз-у, бирор кунини, қўлингиз текканда бўяб қўйсангиз, яхши бўларди. Йўқ десангиз, майли, тугаверсин.

— Сиз ишлаган расмга мен бўёқ бераманми?

— Ҳа, нима бўлибди? Суриштириб келганда, бу бўйом ўзинингизники-ку.

— Лекин сизнинг мўйқаламингиз қандай мўъжиза яратаркин, мен шунини кўрмоқчи эдим. Мана шу истак мени сизнинг ўйингизга етаклаб келган эди бугун.

май қолди. Чунки у жон-жаҳди билан Арунанинг кўзларига тикилиб келган эди. У гўё ўша кўзларда ниманидир изламоқда эди.

— Нимани қидирыяпсиз, Жасвантжий?— шундай деб Аруна бирдан Жасвантни гўё уйқудан уйғотиб юборгандай бўлди. У бирор беодоблик ёки густоҳлик қилиб қўйдимми, деб чўчинқиради ва кўзини Арунадан олиб, сўради:

— Нима дедингиз?

— Нимани қидирыяпсиз, дейман.

— Менми? Ҳеч нарсани қидираётганим йўқ.

— Ёлғон гапираётганингиз йўқми?

— Эҳтимол... эҳтимол гапираётгандирман ҳам.

— Ундоқ бўлса, ростини нима?

— Ростини шуки, Арунажий,— тўхтаб-тўхтаб гапира бошлади Жасвант,— мен сизнинг кўзларингизда ҳамма вақт бир нарсанинг соясини кўраман.

— Соя?

— Ҳа.

— Қанақа соя?

— Мана шуни тушунолмай турибман-да. Гоҳ бир нарс**ага** ўхшайди, гоҳ бошқа нарс**ага**.

— Бу нима деганингиз?

— Оғзимдан агар бирор ножўя гап чиқиб кетса кечирас**из**, Арунажий. Мен шундай демоқчи эдим: мен сизни синфда кўрганимда, сиз менга бошдан-оёқ бир туш, бир катта савол белгиси бўлиб кўринар эдингиз. Лекин бугун бутунлай бошқача кўриняпсиз.

— А-а?— деди Аруна ва унинг юзига бепарво бир табассум югурди.— Сиз, Жасвантжий, менимча, ҳаддан ташқари кўп ўйлайдиган бўлиб қолибсиз. Ҳаддан ташқари ҳам, беҳуда ҳам. Ҳа келинг, бу бефойда гапларни йиғиштириб қўяйлик. Бугун мен сизнинг олдингизга анча гапларни гаплашгани келувдим. Лекин, бу ерга келиб, билмадим, менга нима бало бўлди-ю...— шундай деб туриб у бирдан жим бўлиб қолди. Ҳаяжондан фикрлари чалкашиб кетиб, у нима дейишини билмай қолди.

Бирдан ўзининг афт-ангори Жасвантнинг эсига тушди ва югуриб ичкари хонага кириб кетди. Бошқа тузукроқ кийим кийиб, ўзини тартибга солиб олгач, Арунани ичкарига чақирмоқчи бўлди. Лекин бу ерда биттагина каравотда Аруна билан ёнма-ён ўтиришни эп кўрмади. Қайтиб чиқиб, яна бояги жойига ўтирди.

Бир оз ёлғиз қолиши Арунанинг жонига ора кирди. Жасвант қайтиб чиққунча, ўзининг сочилиб кетган фикр-хаёлларини қисман бўлса-да, тўплаб олди. Лекин, шунга қарамай, ҳозиргина Жасвантдан нимани сўраганини ҳеч эслай олмасди. Шунинг учун у гапни яна бошидан ва бошқача қилиб бошлади:

— Жасвантжий! Хафа бўлмайсиз, мен сиздан бир нозикроқ нарсани сўрамоқчиман. Бирдан оғзимдан бирор ножўя гап чиқиб кетса, кечирасиз.

Жасвант ҳали ҳам руҳий изтиробдан қутулгани йўқ эди. Лекин ҳар ҳолда анча ўзини тутиб олганиди.

— Хафа бўладиган гап айтгудек бўлсангиз, мен сизни кечирмайман,— деб жавоб берди у,—балки сиз ҳам менга ўч олишга, яъни сизни ҳам ўша миқдорда хафа қилишга ҳуқуқ берасиз?

— Хўп, розиман. Ҳозирча менга ҳеч қанақа хавф-хатар йўқми?

— Ҳозирча йўқ.

— Бўлмаса, қани айтинг-чи, сўрамоқчи бўлган гапларимни қисқа қилиб сўрайми ёки кенг қилибми?

— Қандай хоҳласангиз, шундай сўрайверинг.

— Мен-ку кенгроқ билмоқчи эдим, лекин майли, бу кейинроқ бўлар. Ҳозирча гапни қисқароқ қилиб қўя қоламиз. Даставвал, сиз менинг битта шубҳамни бартараф қилинг. Сиз бизнинг

синфга кириб келган дастлабки кунданоқ шу шубҳа мени қийнаб юрибди.

— Хўп, айтинг.

— Тўғрисини айтасиз-а? Шу билан бирга шу густоҳона саволни бераётганим учун ҳам мени кечирасиз.

— Густоҳликка густоҳлик, сурбетликка сурбетлик, деб келишдик-ку. Энди тўғрисини айтишга келсак, менинг фикримча, ростгўйлик ҳам баъзан беадаблик бўлиб қолади.

— Бу ҳам бизнинг шартномамизга киради,— деди Аруна.— Сизнинг ростгўйлигингизда қанча беадаблик бўлса, мен ҳам шунча беадаблик қилишга ҳақли бўламан.

— Тўппа-тўғри. Хўп, бўпти. Энди сиз бемалол сўрайверинг, мен қўлимдан келганича гапнинг ростини айтишга ҳаракат қиламан.

— Даставвал мен сиздан кичкинагина бир нарсани сўрамоқчиман. Менинг эшитишимча, сиз ота-онангиз билан уришиб уйдан чиқиб келган эмишсиз. Шу гап тўғрими?

— Жуда тўғри. Сизнинг эшитган гапингиз тўғри.

Шундан кейин Жасвант бутун воқеани, яъни қандай қилиб уйни гашлаб чиқиб кетганини бир-бир гапириб берди. Қисса жуда кўчи эди. Лекин Аруна уни жуда диққат билан эшитиб ўтирарди. Қисса тугагач, Аруна ҳеч нарса дея олмай, узун бир ух тортиб қўйди ва кўзларига ёш келди. Бир оз хопага сукут чўмди. Кейин Аруна бу сукутни бузди.

— Яъни, нима тўғри чиқди?

— Сизга бир нарса руҳан азоб бериб юрган бўлса керак, деб ўйлардим. Дарсда утирган вақтимизда, иккаламизнинг партамиз шундоқ қарама-қарши тургани учун табиий равишда кўп сизга кўзим тушиб турарди. Ҳар сафар сизнинг юз-кўзингизда мен шу нарсани кўрардим. Фақат шу нарсанигина эмас, бошқа бир нарсани ҳам кўрардим.

— Яъни, нима?

— Яъни, шу нарсани, сизда бир катта одамнинг қалби бор экан. Сиз дунёдаги кўп бошқа одамлардан анча устун экансиз. Сизнинг кўзингизда кўринган жиддийлик ва покизаликни мен бирор бошқа ёшда кўрмаган эдим. Шундай юксак руҳоний ҳислатга эга бўла туриб ҳам, нега бу одам ҳамма вақт мумтишлаб юаркин, деб ҳайрон бўлардим. Буни ўзингиздан сўрамоқчи ҳам эдим. Мана бугун сизнинг қиссангизни эшитиб, менинг иккала қиёсим ҳам тўғри чиқди. Сиз ҳақиқатан ҳам раҳматлик бувангиздан шундай буюк ҳислатни олган экансиз. Лекин, иккинчи томондан, уйдагиларнинг ёмон муносабати, менсимаслиги сизнинг қобилиятингизни бўғиб қўйган экан.

— Яхши бўлибди, саволларингизга жавоб топибсиз. Аммо бу ёқда менинг...

— Ҳали тура туринг,— уни тўхтатди Аруна.— Мен ҳали энг катта бир нарсани сўрамоқчиман, яъни бир сирни билмоқчиман.

— Хўп, сўранг. Қанақа сир экан у?

Аруна қўлидаги расм солинган картон қоғозни кўрсатиб деди:

— Мана бунга тааллуқли.

Жасвант яна бир оз чўчиди:

— Яъни, сиз... яъни сиз...

— Нима демоқчи бўлганимни мен ўзим айтаман,— жавоб берди Аруна.— Ҳу ўша мен модель бўлиб ўтирган куни сиз бутунлай бошқача расмни нега чизган эдингиз? Мен бир неча кунлардан бери шуни билишга ошиқиб юрувдим. Худди шу ҳошим мени бугун сизникига олиб келди.

Бунга жавобан Жасвант хиёл илжайиб қўйди.

— Ҳа? Нега куласиз?

— Бу ажойиб тасодифни қаранг.

— Қанақа тасодиф?

— Яъни, бу ёқда мен сизнинг кўзларингизда ҳар хил шарпаларни кўриб ўтирибман, у ёқда сиз ҳам менинг ичимдан нима балоларни қидириб юрибсиз.

— Гап фақат шунинг ўзи бўлганда-ку, бунга ҳеч ҳайрон бўладиган жойи йўқ эди. Мени ҳайрон қиладиган нарса шуки, сиз қаламингизнинг учи билан менинг ичимдаги сир-асрорни қандай қилиб осонгина ифодаладингиз-қўйдингиз? Ахир сиз мени ҳеч ҳам билмасдингиз-ку. Бу илмни сиз қаердан олгансиз? Мен сиздан шуни сўрамоқчи эдим, холос. Ундан кейин бу фақат битта менинг фикрим эмас. Эсингизда борми, ўша куни сизнинг расмингизни директор ҳам «ажойиб» деган эди. Менинг шу мактабга кирганимга бир йилу тўрт ой бўлди, лекин бирор марта бирор боланинг ишлаган расмига директорнинг шундай баҳо берганини эшитган эмасман. Ўша куни директорнинг ёнида ўтириб, сизнинг шу жодугарлигингизни кўргач, мен қандай аҳволга тушиб қолганимдан сизнинг хабарингиз йўқ. Ростини айтсам, олдимдаги шунча одамдан уялмаганимда, мен ҳойнаҳой... ҳойнаҳой...— шундан нарига ўтолмади Аруна.

— Арунажий, сиз...— шундай деб гап бошлаган эди Жасвант, Аруна уни тўхтатди:

— Тўхтаб туринг. Аввал мен ҳамма гапимни айтиб бўлай. Сиз бирор кекса киши ҳам эмассизки, каттакон ҳаёт тажрибангиз сизни одамнинг ичидагини ҳам билиб оладиган қилиб қўйган деб ўйласам. Менимча, ёшингиз йигирмадан ортиқ бўлмаса ке-

**рэк?** Шундай бўлгач, сиз қандай қилиб менинг кўзимдан шунча нарсани билиб олдингиз? Билиб олиш у ёқда турсин, ҳатто шундай аниқ қилиб ифодалаб ҳам бердингизки, манман деган **фотограф** ҳам шунчалик аниқ сурагга тушира олмайди.

— Хўп, энди менга гал келди,— деди Жасвант, хурсанд бўлганидан оғзи қулоғига етиб.

— Йўқ, ҳали гал келгани йўқ,— деди Аруна.— Яна бир-икки оғиз гап қолди. Мен сизга тўғриси айтсам, Жасвантжий, ўшанда мен шундай ҳайратга тушдимки, қаламда шундай расм чизган расм бўёқ билан қандай мўъжиза яратаркин деб ўйлаб қолдим. Лекин ўшандан кейин сиз мактабга боришни ҳам эсдан чиқариб қўйдингиз. Бу киши ҳойнаҳой ўша расмга бўёқ бериш билан овора бўлса керак деб ўзимга тасалли бердим. Бирдан тобим йўқ деб бир ҳафтага рухсат сўраб ариза берганингизни эшитдим-у менинг тарвузим қўлтиғимдан тушиб кетди. Бир бориб хабар олиб келай деган фикр кўнглимга келди. Лекин на кўчангизни биламан, на уйингизни. Охир сўраб-сўраб билиб олдим-да, мана бугун кириб келдим. Меники бўлди. Нимаики айтмоқчи бўлсам, айтиб бўлдим, ҳатто айтилмайдиган нарсани ҳам айтдим. Энди гал сизга келди. Ниманики сўрайман десангиз, сўрайверинг. Сиз қандай тўғри-тўғри жавоб берган бўлсангиз, мен ҳам шундай жавоб бераман.

— Сиз ҳойнаҳой янглишяпсиз, Арунажий,— деди хаёлга чўмган Жасвант.— Сиз менга шундай катта баҳо бериб юбордингизки, сиз айтган фазилатларнинг биттаси ҳам менинг ўзимда кўринадими? Ҳудди сиз шундан ҳам менда шунча нарсаларни кўраётган бўлсангиз, унда уларнинг ҳаммаси сиз туфайли.

— Ҳозиргина сиз менга ўз ҳаётингизни гапириб бердингиз. Худди сиз гапирган нарсаларнинг натижаси бу. Сизнинг ҳунарсанъатингиз ва олижаноб фикр-хаёлларингизнинг уйдагилар уч пуллик қадрига етмаган. Улар хоҳиш-иродангизни букиб, умидорзуларингизни поймол қилган. Натижада сизда ўзини паства уриш деган одат пайдо бўлган. Меҳрибон ва олижаноб бувангизгина сизнинг жонингизга ора кирибди. Бўлмаса сиздаги бу санъат ёки санъатга бўлган иштиёқ аллақачон йўқ бўлиб кетарди.

Шундан кейин икковлари яна узоқ вақт гаплашиб ўтиришди. Жасвант ўзи тўғрисида бир қанча нарсаларни гапириб берди. Аруна ҳам ўзининг бошидан ўтганларини батафсил унга сўзлаб берди.

Арунанинг ғам-алам тўла қиссасини эшитиб Жасвантнинг жуда юраги ачиди ва шу билан бирга қанча кунлардан бери унинг фикру хаёлини забт этиб келган жумбоқ ҳам ечилди. У

Арунанинг кўзларидаги соялар нималигини тушунди. Жасавант ўйлагандек, булар ғам-алам соялари экан.

Ўз қиссасини тугатар экан, Аруна айтишга ҳеч кўнгли бўлмаган бир ғалли ҳам айтиб юборди. Қандайдир бир туйғу туйфайли ёки ҳатто кучли нутқ зарбидан бу ғалл бехосдан ичидан отилиб чиқиб кетди.

— Кўпинча ўйлайман: табиат мени ҳойнаҳой роҳиба қилмоқчи бўлиб, оёғимни ногирон қилиб қўйган...— шундай деди-ю, йиғлаб юборди Аруна.

Аруна туш пайтида келган бўлса, ҳозир кун ботиб, қош қорая бошлаган эди. Бунинг устига Арунанинг қиссасидан кейин хонага шундай ғамгинлик ва маъюслик чўмдики, бу вазиятда суҳбатни давом эттириш жуда қийин эди.

— Хўп, бўлмаса, Жасвантжий!— кўз ёшини яширишга беҳуда уринган ҳолда деди Аруна ва шоша-пиша ҳалиги ўз расми чизилган қоғозини олиб ўрнидан турди.— Каттақон раҳмат.

— Юринг, сизни кузатиб қўяй,— деб Жасвант ҳам ўрнидан турди. Аруна қаршилиқ қилмади ва икковин олдинма-кейин зинадан пастга туша бошлади.

## 26 боб

Жасвант устидаги кийим бошига-ку сира парво қилмасди, лекин ишга жуда чаққон эди. Унинг илгаридан шундай одати бор эди: машғулот тўғрисида унинг фикр-хаёли муттасил ўзгариб турарди. Бир неча кундан бери, узокроқ вақт битта иш билан шугулланишга юраги тоб бермайдиган бўлиб қолган эди. Ҳали қарасангиз фил суягига ишлов бераётган, ҳали қарасангиз ганч қориб қолипларга солаётган, бир оздан кейин эса уни ҳам йиғиштириб қўйиб, ёғочга ўймакорлик қилаётган... Лекин унинг энг яхши кўрган машғулоти тош йўниш эди. Шу ишга ўтирса, кун бўйи йўнғич билан болғача қўлидан тушмасди.

Шундай руҳий беқарорлик вазиятида унинг қуллари ўтиб бормоқда эди. Лекин уни ҳаммадан кўпроқ ташвишга солаётган нарсаси Деҳлида бўладиган кўргазма, яъни ўша кўргазмага атаб ясамоқчи бўлган нарсаси эди. Ўша нарсаси керакли фил суягини олиб келиб тайёрлаб қўйган эди. Тош йўниб, қўлини пишитиб олмоқчи ва кейин суякни ишлашга ўтмоқчи эди. Бу машқ эса чўзилиб борарди. Бундан ташқари ҳали ўзи кўргазмага қандай буюм ясашга ҳам ҳайрон эди. Шунинг учун унинг кўнгли алғов-далгов эди, ҳеч эътиборини бир жойга тўплаёлмасди.

Арунанинг моделига биноан расм ишлаб, директорнинг мақтовига сазовор бўлган кундан бери унинг руҳи кўтарилиб, кўнгли анча ўзига келиб қолган эди. Аммо қўлга олмоқчи бўлиб

турган иши бунақа мақтовлар билан битиб қолмасди. Унинг учун кўнгил-эътиборни бир ерга тўплаб роса меҳнат қилиш лозим эди. Ҳисоблаб кўрса шу нарса маълум бўлдики, агар ясамоқчи бўлган нарсасини шу бугуноқ бошласа, кўргазма очиладиган кунгача аранг тугатаркан, сал кейинроқ бошлагудек бўлса, кўргазмадан қолиб кетаркан. Шунинг назарга олиб туриб, бир ҳафтага рухсат беришни илтимос қилиб мактабга ариза ёзиб жўнатди-да, ўша кунидек ишни бошлаб юборди. Лекин фил суяги устида эмас, балки яна ўша тош устида. Будда ҳайкалчасини умуман, битирган эди. Энди фақат юз-кўзини ишлаш қолган эди. Бир ҳафтагача шу иш устида ўтирди. Ўтирганда ҳам бошқа нарсаларнинг ҳаммасини унутиб, бутун вужуди билан фақат шу ишга шўнғиб кетди. Аммо кўзлаган натижасига эришолмади, яъни Будданинг юз-кўзида ўзи ўйлаган нарсаларни акс эттиролмади. Бундан бир қанча кун илгари ясаган ҳайкалчасида қандай камчиликлар бўлса, ўша камчилик-нуқсонлар бу сафаргида ҳам мавжуд эди. Лекин бу нуқсонлар нимадан иборатлигини аниқ тасаввур қилиб бўлмасди. Шунга қарамай Жасвант таслим бўлмади, ишни давом эттирди.

Лекин Жасвантнинг бундан бошқа тасаввурлари ҳам бор эди: қорин тўйдириш ғами, уйнинг ижара ҳақини тўлаш ғами, қарз олган пулини қайтариб бериш ғами ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммасидан ҳам кўз юмиб бўлмасди. У фил суягидан буюмлар ясаб ишга шу ишгагина шўнғиб кетди. Бундан бундан бундан кўп кетарди. Вақт эса асосий ишга, яъни кўргазмага аталган нарсани ясашга жуда зарур эди. Иттифоқан бир осонгина ишга унинг кўзи тушиб қолди. У ҳам бўлса ганчдан буюм ясаш эди. Раҳбарларнинг ва маъбуд-маъбудаларнинг ганчдан қилинган ҳайкалчалар бозори жуда чаққон эди.

Жасвантга бу иш жуда маъқул тушди. Чунки меҳнатни кам талаб қиларди, унча чиқим ҳам бўлмасди, лекин яхши даромад берарди. Чунончи бир неча кунгача муттасил шу иш билан шуғулланиб бир оз пул ишлаб олди. Кейин яна жон-жаҳди билан ўзининг асл ишига ўтирди. Бошқа ҳамма нарсани унутиб юборди. Чўнтагида яна сариқ чақа қолмади. Уйнинг кираси, мактабнинг ўқиш ҳақи, кунда икки-уч маҳал овқат берадиган ошпазнинг қарзи — шунга ўхшаш бир неча хил қарзларни тезлик билан узиш керак эди. Лекин буларнинг ҳаммаси унинг ҳеч эсига келмасди. Бироқ қачонгача эсига келмайди? Ахир қўлидаги ишни, яъни тош йўнишни йиғиштириб қўйиб, яна ганчга ўтишга мажбур бўлди. Уч-тўрт кун босим ишлаб, ганчдан анча-мунча ҳайкалчалар ясади. Буларни сотиб, яна бир ой-ярим ой бемалол ўзининг ишини қилиб ётиши мумкин

эди. Худди шу ўртада, кунн кеча тўсатдан Аруна унинг уйига кириб келиб қолди.

Кечаги икки-уч соатли суҳбат Жасвантга ниҳоятда катта таъсир қилди. Арунанинг бу келиши унинг ҳаёт, китобида гўё янги бир боб очиб юборди. Шу маҳалгача унинг учун фақатгина бир жумбоқ бўлиб келган ва шу жиҳатдангина унинг фикр-хаёлини забт этиб турган Арунанинг кириб келишини, ҳатто яқин бир кишисиникига келгандек ҳеч тортинмай кириб келишини у етти ухлаб тушида ҳам кўролмасди.

Аруна келди ҳам, жўнаб ҳам кетди, лекин шу бир неча соатлик учрашув давомида у Жасвантнинг ҳаётини шундай ағдартўнтар қилиб юбордики, бу ўзгаришни Жасвантнинг ўзи ҳам тушуниши жуда қийин эди.

Жасвант Арунани уйигача эмас, кўчасигача олиб бориб қўйди. Уйга қайтиб келгач, ярим кечагача Арунанинг фикр-хаёли билан банд бўлди. Тонг отганда эса, у ўзини мутлақо бошқача ҳис қилмоқда эди. Бугунги тонг унга янги ҳаёт муждаси олиб келгандай туюларди. У ниҳоятда тетик кўринарди.

Эртадан кечгача, ҳатто тун бўйи иш билан овора бўлиб, бир неча кундан бери у на уйнинг ҳол-аҳволига қарарди, на ўзининг уст-бошига-ю, афт-ангорига парво қиларди. Бугун ювиниб-тараниб олгач, уйни супуриб-сидиришга тушиб кетди. Кейин ўзини тартибга келтирди.

Ганчли ишини кечаёқ тугатган эди. Энди фақат ўша ясаган ҳайкалчаларига оройиш бериб, у ёқ-бу ёгини тўғрилаб, дўкондорга олиб бориб бериш қолган эди, холос. Бу ишни у кечқурунга қўйди-да, яна Будданинг ҳайкалчасини қўлига олди ва унинг кўзларидаги ифодани такомиллаштиришга тушди. Буни шу бутун тугатсам, эртага эрталабдан фил суягини ишлашга ўтираман, деб қарор қилди. Фил суягидан-ку ҳали нима ясаши номаълум эди. Дуч келган нарсани ясайвераман, деб қарор қилди у.

Эндигина ишга ўтирган эдики, бирдан останада турган Ҳарбансга кўзи тушди, айниқса унинг ўт сочиб турган кўзларини кўрди-ю, юраги орқасига тортиб кетди. Қўлидаги асбобларни ташлаб, дарҳол ўрнидан турди. У Ҳарбансни ҳовридан туширишга ҳаракат қилди. Лекин гапдан гап чиққан сари у баттар тутатиб кетаверди. Пировардида Жасвант акасининг уйга юр деган таклифини баъзи далиллар билан рад этгандан сўнг, акаси қаттиқ-қаттиқ депсиниб ва алланима балоларни вайсаб жўнаб қолди.

Акаси кетгандан кейин Жасвант яна ўз ишига ўтирди. Лекин диққатини ҳеч ишга қарата олмади. Акаси билан ота-онасининг қилаётган зулм-ситами унга сира тинчлик бермасди.

**Ўзида мутлақо айб йўқлигини, содиқ эмаслигини, ота-онасидан кечиб кетмаганлигини қандай қилиб исботлашга ҳайрон эди.**

Акасининг Аруна тўғрисидаги таънаси унга айниқса алам қилди. У Арунани уйига кузатиб қўйди, холос. Шу гапни биров ошириб-тошириб акасининг қулоғига етказибди. Лекин акаси ўз укасининг табиятини, одатини яхши биларди-ку. Бировнинг уйдирмасига қандай қилиб ишонди-қўйдийкин? «Кел, бировлар нима деса дер, айбим бўлмагандан кейин менга нима», деб ўзини юпатди Жасвант. Шу гапларни ўйлар экан, бир нарса уни қайта-қайта ҳайратга соларди. «Қандай қилиб бугун акасининг олдида оғзимнинг қулфи очилиб кетди?—деб ўйларди у.—Шу маҳалгача-ку уни кўрдим дегунча ўзимни қаерга уришни билмай дир-дир титрардим. Шу пайтгача унинг олдида даярли оғзимни ҳам очган эмасдим. Бугун қандай қилиб шундай дадил бўлиб кетдим? Бу ҳам Аруна келганининг каромати эмасмикин?»

Аруна эсига тушиши билан акасининг сурати кўз олдидан йўқолди ва у бутун диққат-эътиборини қилаётган ишига, яъни ҳазрат Будданинг юз-кўзини тўғрилашга қаратди. У ишга шундан ийғиб кетдики, теварак-атрофдаги ҳамма нарсаларни унутди. Эрталаб ишга утирган бўлса, пешин бўлди, пешиндан утиб, кеч кирди, Жасвант эса ҳамон ишдан бош кўтармасди. Бугун ҳатто овқатланиш ҳам эсига келмади. Охири хонанинг хос сарофари қилинган оқитибери ҳаммасига ҳам яхши тўғрилик қолгач, чироқни еқинш учун урнидан турди. Шу кўпгача у ҳеч шу бугунгидек роҳат қилиб ишламаган эди. Урнидан турганида на заррача чарчаш ҳис қиларди, на заррача зерикканга ўхшарди, аксинча, гўё кун бўйи кўркам боғ нчида сайр қилиб юргандек. Кун бўйи чўзилса, бундай сайр ҳам одамни бир оз чарчатиб қўяди. Лекин Жасвантда чарчаш деган нарсадан асар ҳам кўринмасди.

Бугун Жасвант ҳали яна кўпгина ишларни қилиши керак эди—ясаб қўйган ҳайкалчаларини дўкондорга топшириши, ундан пул олиб, даставвал ошпазнинг қарзини узиши, овқатланиши ва ҳоказо ишларни қилиши керак эди. У шошиб-пишиб чироқни ёқди. Лекин бошқа ишларга уринишдан олдин бугун қилган ишини яхшилаб кўздан кечириши керак эди. Ҳали қоронғида тузуккина кўролмаганди. У яна жойига ўтирди ва кўзларини, тўғрироғи, бутун вужудини кўз қилиб, ҳазрат Будданинг ҳайкалчасига тикиди.

— Ие! Бу нима?—ўзига-ўзи савол берди у.—Нима қилиб қўйдим? Шу ҳазрат Будданинг кўзларими? Буддага хос бўлган нуронийлик қаёққа кетди? Дилларни ўзига тортадиган жо-

зиба қани? Ҳазратнинг кўзлари умидсизлик билан тўла эди деб ким айтди? Унинг кўзларида умматларнинг ғами ўрнига ҳаёт азиятларининг сояси бор эди деб қайси муқаддас китобда айтилган?

Бу кетма-кет ёғилган саволлар Жасвантни қўрқитиб юбёрди. Лекин шу билан бирга бу саволлар унга янги ва ҳақиқий бир йўлни кўрсатиб ҳам берди.

Кечаси ўринга ётишдан олдин у ишхонасидаги ҳамма нарсаларни йиғиштириб ичкари хонадаги бурчакка олиб кириб қўйди. Фақат фил суягига мўлжалланган столни қандай бўлса шундай қолдирди. У ҳойнаҳой, фил суягини ишлашга ўтирганимда бошқа ҳеч нарасага кўзим тушмасин, деб шундай қилган эди.

Кеча ганчдан ясалган буюмларни дўконга топширгач, ошпазнинг қарзини тўлаб, озгина пул ёнида қолган эди. Ундан агар уйнинг икки ойлик ижара ҳақини тўласа, ёнида ҳеч нарса қолмасди. Шунинг учун ижаранинг бир ойлигини тўлади-да, қолган пулни олиб қолди. Чунки фил суягидан кўрғазмага буюм ясашга ўтирса, пул ишлашга, яъни ганч ҳайкалчалар ясашга қўли тегмасди. Шунинг учун озгина-узгина пул ёнида бўлиши керак эди.

У олиб қўйган узунлиги уч фут фил суягини яшикдан олиб стол устига ўрнатди. Кейин ўтириб унинг у ёқ-бу ёғини айлан-тириб, синчиклаб кўздан кечириб чиқди ва асбобини қўлига олиб, уни йўна бошлади.

## 27 боб

Ўтирган уйи қулаб тушса, уй эгасига моддий зарар етиши турган гап. Баъзан томнинг тагида қолиб, бир-икки киши ҳалок бўлиши ҳам мумкин. Лекин умид-орзуларнинг етти қават қошонаси бирдан қулаб тушса, айниқса, эгасининг қоқ бошига қуласа, ундай одамнинг ҳоли не кечаркин? Буни сиз Ҳарнамкаурдан ёки унинг эридан сўранг.

Ўз туққан ўғли олдидан хўп беиззат бўлиб қайтиб келгач, Ҳарнамкаур касал бўлиб ётиб қолди. Бҳажансингхнинг аҳволи ундан ҳам баттар эди. Фақат ўғлининг ёмон муомаласидан келган ғам бўлганда булар эҳтимол бир амаллаб бардош берарди. Бу воқеанинг кетида бир неча хил бошқа ғам-ташвишлар ҳам бор эди. Ўғил-ку қўлдан кетишга кетди. Лекин шу билан бирга буларнинг қуриб қўйган орзу-умид кўши ҳам вайрон бўлди. Улар ёнидаги икки қўшнисиникидан ҳам баландроқ иморат қуришни кўнглига тугиб қўйишганиди. Лекин ома-

ди шундай қайтдики, бир қават уй қурилганича қолаверди. Унинг ҳам қўлдан кетмай қолишини ҳали худо биларди. Уй устидан олинган пул кундан-кунга туғиб, кўпайиб бормоқда эди. Бунинг устига Гурдитсингхнинг қарзи, яъни Ҳарнамкаур «бир ҳафта ичида олиб бориб олдиға улоқтираман» деб керилган пул ҳам шу кунларда суддаги Азройил бўлиб, унинг эшигини қоқиб турарди. Булар эл-халқ олдида шарманда бўлаётган эди. Бундан ташқари ҳам яна қанча кичкина-кичкина қарзлар бор эди. Бирданига шунча том бошига қулаб тушса, манман деган ботир ҳам дош бериши амри маҳол.

Энди жонга ора кириши мумкин бўлган бирдан-бир нарса Бҳажансингхнинг ишхонаси эди. Аммо унинг эса кўнгил шишаси чил-чил бўлиб, ҳеч қўли ишга бормасди.

Эр-хотин иккови эртаю кеч ғижингани-ғижинган эди. Гоҳ катта ўғлининг бошига лаънат ёғдиришар, гоҳ кичкина ўғлини сўкиб-қарғашар, гоҳ пешаналарининг шўрлигига кўз ёши тўкишарди. Ҳатто баъзан бекорга буларнинг кетига тушиб юрган худога ҳам тил теккизиб қўйишарди. Аммо ғам-ташвиш ўтида ёниб, йиғлаб-сиқтаб ўтираверган билан иш битармиди? Тирик одамнинг турган-битгани ғам-ташвиш бўлади. Унинг кўнгли мийг бузилсин, ўзини қўлга олмай иложи йўқ. Ҳаёт араваси бир ерда тухтаб туролмайдн. Бир ерда тухтаб қолса, ерга кириб кетади. Қисман хотинининг турткиси билан, қисман бошқа иложи бўлмаганлиги туфайли Бҳажансингх орзу-армонлар қилиб-бериб оқибдан ўз жасаднинг олиб чиқишга, яъни ўзини қўлга олишга мажбур бўлди ва нажот нулини топиш устида беш қотира бошлади. Даставвал миясига келган нарса ишхонаси бўлди. Лекин бу фикр унга маъқул тушмади. Бу лаънатли ишхона шу маҳалгача нима каромат кўрсатувдики, энди нима умид қилардим, деб ўйлади у. Бундан ишлаган пул билан уй-рўзгор тебратаманми, қарзларни узаманми, уйни қутқариб оламанми, нима қиламан? Ишхона юз йилда ҳам шунча даромад бермайди. Хўш, бўлмаса нима қилиш керак? Нима қилиш керак? Нима қилиш керак?...

Бҳажансингх бир неча кунгача муттасил шу саволга жавоб ахтарди. Эрталаб нонуштадан кейин чиқиб кетарди ва кечгача бирор фойдалироқ ишни қидириб сарсон бўлиб юрарди. Кечқурун уйга қайтиб келгач, хотини Ҳарнамкаур кун бўйи йиғиб қўйган бутун қаҳр-ғазабини худди мағзава тўккандек, унинг бошига ағдарарди. Бҳажансингх баъзан бунинг ҳаммасини заҳар ютгандек қўлт этиб ютарди. Ҳадеб ютавериш кўнгли айнай бошлагач, бутун ютганини варақ этиб чиқариб ташларди. Бу ёқда Ҳарнамкаурга ҳам осон эмас эди. Чакаги бир очилиб қолса бўлди, керагини ҳам, керакмасни ҳам гапираверарди. Баъ-

зан иш қарғниш, сўкиш билангина тугамай, ундан у ёққа ҳам ўтиб кетарди. Бу уйдан чиқаётган дод-фарёдни эшитиб қўни-қўшнилари тўпланарди. Гоҳ-гоҳда сабр косаси тўлиб-тошиб кетганда, Бҳажансингх уйдан бошини олиб чиқиб кетишни ўйлаб қоларди. Ҳарнамкаури эса, жуда жони ҳалқумига келиб кетганда, бирор қудуққа ўзини ташлашни мўлжалларди. Лекин на Бҳажансингх уйдан бошини олиб чиқиб кетди ва на Ҳарнамкаури ўзини қудуққа ташлади. Шу аҳволда кунлар, кунлар кетидан тунлар ўтаверди.

Ун икки йилда битта тезак уюмининг ҳам омади келар экан. Омади келиши учун Бҳажансингхга эса ўн икки йил кутишга тўғри келмади.

Ўша кунлари Амритсар шаҳри контрабанданинг энг катта маркази бўлиб қолган эди. Шунинг орқасидан шаҳардаги бир қанча ўтакетган қашшоқ одамлар ҳам кундан-кунга бойиб бормоқда эди. Бҳажансингх бир кун бир танишини учратиб қолди-ю, ўша орқали контрабанданинг ҳиди унинг димоғига урди. У одам ҳам бу ишнинг машқини олибгина қолмай, шу орқали бойиб ҳам олган экан.

— Бу жуда хавф-хатарли иш,— деди ўша одам Бҳажансингхга.— Қайси кун чегара полициясининг ўқи кўкрагингга тегади ёки божхонанинг кишани билакларингга тушади — буни билиш қийин. Аммо одамнинг агар омади келиб қолса, ҳалиги иккита бало-офатдан омон бўлса, қўйни-қўнжини пулга тўлдириб олиши ҳеч гап эмас.

Огайниси Бҳажансингхга бу ишнинг бутун паст-баландларини айтиб тушунтириб берди. Бҳажансингх ўзи ўлим истаб унга етиша олмай юрганди. «Рост ўлиш тақдирда бор экан, кел, шу ишни қилиб ўлай. Хоҳ чикка, хоҳ пукка. Пешанамдан кўрдим», деб қарор қилди-да, бир неча кун ўтгач, ҳалиги меҳрибон огайниси билан контрабандистларнинг гуруҳига қўшилиб кетди. Лекин буни Ҳарнамкаурга айтмади. Контрабандистларда шундай бир қаттиқ қонун бор эди: сир-синоатни уйдагиларга айтиш у ёқда турсин, полиция қўлига тушиб қолиб ўлгудек қийноқ қилинганда ҳам дилидагини тилига чиқармаслик шарт эди. Бҳажансингх ҳам энг катта бир қасам ичиб, ўша шартни қабул қилди. Юраги анча маҳкам ва шу билан бирга жисмоний жиҳатдан ҳам анча бақувват бўлгани туфайли, Бҳажансингх бу янги ишга тезда ўрганиб кетди ва шерикларининг ишонч-эътиборини қозонди. Ҳар қандай қийин, ҳар қандай хавф-хатарли ишни ҳам ҳеч қўрқмай бажарарди. Ҳатто шу иш билан кўпдан бери шугулланиб келувчи шерикларининг юраги дов бермаган ишларни ўз устига олиб, мардонавор адо этарди.

Қасам ичганлигига қарамай, Бҳажансингх сирни хотинидан узоқ яшириб юролмади. Айниқса шунинг учун ҳамки, Ҳарнам-каур мард аёл эди. Ундан шубҳа қилиб бўлмасди.

Агар одам бирор ишга жон-жаҳди билан киришса, эртами-кечми — бир купи, албатта, муваффақиятга эришади. Чунончи Бҳажансингхнинг ҳам иши гуллаб кетди. Устма-уст жарақ-жарақ, пул кела бошлагач, Ҳарнамкаур ҳам тетиклашиб кетди ҳам орзу-умидлари харобасига яна бошқатдан баланд-баланд, илгаригидан ҳам ҳашаматли иморат кура бошлади.

Аввалига-ку эрининг бу антиқа машғулотини билиб, Ҳарнамкаур анча чўчиди, эрини бундоқ хавф-хатарли ишдан қайтармоқчи ҳам бўлди. Аммо бирин-кетин катта-катта пуллар кела бошлагач, унинг бутун қўрқуви тутундай тарқалиб кетди. «Қачонгача биз ўша арзимаган касбни қилиб ўтирамиз?— деб ўйлади у.— Уч-тўрт кунгина осмондан олтин ёға бошлаган экан, этагимизни тўлдириб-тўлдириб олганимиз яхши эмасми?»

Гал фақат этакни тўлдиришда эмас эди. Ҳарнамкаурга эртаю-кеч азоб бериб турган қалбидаги яраларнинг малҳами ҳам шу эди. Ўғлидан ва қудаларидан кўрган хўрлигини у умр бўйи эсидап чиқара олармиди? Мана, ўшалардан ўч олишга айни кунда фурсат келди. Яна битта гал, яна таълимга иморатли қўшниларига бўлган ҳасад ҳам унга кечаю-кундуз тинчлик бермасди. Ҳеч қандай илож қолмаганлиги туфайли бу рашиқ азоби бир оз камайиб қолганди. Лекин яна омади келиши

ганда баландроқ, ҳашаматлироқ иморат қилиш орзуси қайта уйғонди. Бҳажансингх шу кунларда кўпинча уйда бўлмасди. Лекин уйда қолди дегунча ҳеч қаёққа қарамай ишхонада ўтириб фақат ишларди. Вақтини зое кетказиб тароқ ясаб ўтириш-ку унга қимматга тушарди. Лекин шу кечаю-кундузда қилаётган нозик касби шундай эҳтиёткорликни талаб қиларди. Бирор қўни-қўшинининг пулини қаердан оляпти деган ҳаслга боришига ҳеч йўл қўйиш мумкин эмас эди. Бу тўғрида у хотинининг қулогига ҳам кўп гапларни қўйиб қўйганиди. Ўша гапларга Ҳарнамкаур ниҳоятда усталик билан амал қилмасда эди. Илгари уларнинг уйдан кунига икки маҳал тутун чиқса, энди бир марта чиқадиغان бўлди. Ҳарнамкаур илгари қашшоқлигини яширишга ҳаракат қилган бўлса, энди ким кўрганга арзи-қолини айтиб йиғлаб ўтирарди. Ким кўргандан унча-мунча қарз олиб, қайтиб беришни эсига келтирмасди. Биров қарзини қистаб келгудек бўлса, қашшоқлигини айтиб узундан-узоқ ҳасрат қилиб кетарди. Хотинининг бу ҳийла-найрағини кўриб, Бҳажансингх ёқасини ушларди.

Арава тартиб азоб чекиб юрган хачирни бирор саройга боглаб унга шоҳона овқат бера бошланса, у маст бўлиб, диконглашга тушади. Ҳарбанс ҳам тахминан шундай бўлиб қолган эди. Қайнона-қайнотани ўзимники қилиб олдим, деб жуда ишониб қолган эди. Она-бола жиққамушт бўлган кунни унинг кўрсатган ҳунарини кўриб қайнонаси ҳам, қайнотаси ҳам ўзида йўқ хурсанд бўлган эди. Энди ҳеч қандай хавф-хатар қолмади, Ҳарбанс энди бутунлай «пул — пир, хотин — устоз» деган қолипга тушиб қолди, энди ҳеч бизнинг чизигимиздан чиқмайди, деб уларнинг кўнгли тўқ эди.

Шу ҳийла-найранглар билан Ҳарбанс қайнота, қайнонасининг уйини анча эгаллаб олган эди. Касбикор ва олди-бердига тегишли ишларнинг ҳаммаси бўлмаса-да, жуда кўпи шунинг қўлига ўтган эди. Энди унинг ёнида жарақ-жарақ пул юрарди — хоҳлаганича еб-ичиб, хоҳлаганича сарф қиларди. Уйда ҳам, ташқарида ҳам унинг обрў-эътибори ошиб борарди. Илгари фақат «Ҳарбанс» бўлса, энди ҳамма уни «Сардор Ҳарбансингх» ёки «кичик сардор» деб атарди. Уйда биронта иш унинг маслаҳатисиз битмасди. Натижа шу бўлдики, у ҳам ҳалиги эркаланган хачирга ўхшаб маст бўлиб, эс-ҳушини йўқотиб қўйди. Сардорлик иззатини сақлаш учун катта-катта одамларнинг болалари билан дўст тутинди. Худди шу ниятда чекиш, ичиш деган нарсаларни ҳам одат қилиб олди. Лекин шу ишларнинг ҳаммасига ружу қилишдан олдин бир нарсани ўйлаб кўрмади. Яъни, не ҳасратда шунча мол-давлатни тўплаган, пул деб илоннинг инига ҳам қўл суқишдан тоймаган, бировга бир бурда нон берса жони чиқадиган кишилар, яъни қайнонаси билан қайнотаси унинг шу ўзбошимчаликларига жимгина қараб тура оладими — шу нарса унинг ҳеч эсига келмади.

Аввалига у бу ишларнинг ҳаммасини қайнона-қайнотасига билдирмай, ўғринча қилиб юрди. Бироқ ойни этак билан ёпиб бўлармиди? Ниҳоят сири очилиб қолди. Лекин қайнона-қайнота уларни деб ўз ота-онасидан ҳам юз ўгирган шундай вафодор куёвини ҳойнаҳой хафа қилгиси келмади. Бундан ташқари яна бир гап ҳам бор эди. Ёмон муомала қилсак, қизимизга жабр бўлмасмикин, жаҳли чиқиб «кичик сардор» қизимизни ташлаб кетиб қолса, нима бўлади, деб ҳам хавотирланишарди. Шунинг учун «давлатига тўнқайган хачирни» алдаб-сулдаб орқа-ўнгини силаб қўлга олишдан бошқа илож йўқ эди. Чунончи эр-хотин икковлари ҳар хил йўллар билан шу режани амалга оширишга ҳаракат қилишди. Бир оз кун-

дан кейин бу соҳада анча-мунча ютуқ ҳам кўзга кўриниб қолди. Лекин бу ютуқ қанча кунга боради — гап шунда эди.

Шу зайлда кунлар ўтиб бораверди. Ҳарбанс гоҳ қайнона-қайнотасининг насиҳатига қулоқ солиб тузалиб қоларди, гоҳ улфатларига қўшилиб яна бузилиб кетарди. Уй гоҳ ғалағовур бўларди, гоҳ яна тинчиб қоларди. Хуллас, айтарли жавф-хатар кўринмасди. Айниқса шунинг учун ҳамки, Ҳарбанс энди донолик билан ва орқа-олдини ўйлаб иш кўрмоқда эди. Қайнона-қайнотаси койиб қолса, дарров бошини ҳам қиларди. Шундай қилиб, унинг келажаги ёрқингина эмас, балки чарақлаган кўринарди. Ниҳоят -у, энди қайнона-қайнотамнинг жиғига тегадиган ишни асло қилмайман, деб аҳд қилди. «Озгинагина вақт қолди,— деб ўйлади у.— Бу иккови тагин қанча яшарди. Уч-тўрт йилнинг ичида жўнаб қолади. Булардан кейин менга тўсқинлик қиладиган ҳеч ким қолмайди...»

Гоҳ-гоҳда унинг миясига бошқа бир фикр ҳам келарди: «Худодан бўлиб икковидан биттасининг — айниқса қайнотамнинг қазоси етиб қолса ҳам майлидиди, майдон ўзимники бўларди, қайнонамнинг қўлидан ҳеч нарсa келмасди. Унинг фақат бир бурда нонга ҳаққи бўларди, холос. Бутун мол-давлатга мен қонуний ворис бўлиб қолардим».

Лекин яна бир уи бу ғояни ҳам орқага улақтириб ташларди: «Қайнотам ахир ҳали темир таёқдек маҳнам. Ёши ҳам ҳали ҳеч қаерга боргани йўқ. Куч-қувватда бўлса ёшларни ҳам йўлда қолдириб кетали. Бундан ҳали кутулуш осон эмас».

Шундан, Ҳарбанс бу масалага яна бошқа бир томондан ендашди. «Худонинг раҳми келиб, Нарендрга битта ўғил бериб юборса эди, масала ҳал бўларди-қоларди»,— деб ўйлади у.

Шу фикрга келгач, Ҳарбанс кунига икки маҳал қишлоқ ибодатхонасига қатнайдиган ва ҳар сафар «Э, худо! Ё қайнотамни чақириб ол, ёки қизига ўғил бер», деб худодан тилайдиган бўлди.

Шу билан бирга Ҳарбанс ўзининг хатти-ҳаракатларига ҳам қатъий ўзгариш киритди: қайнона-қайнотасига ёқмайди-ган йигитлар билан мутлақо алоқани узди, ичиш-пичишларни ташлади. Бунга кўникиш осон эмас эди. Олдида турган сутни кўриб туриб мушукнинг кўзини юмиб олишига ўхшаган гап эди бу ҳам. Лекин на чора. «Бошга тушса, кўз кўради» деган гап бор. Ҳарбанснинг бу риёзати яхши натижа берди: тез кунда қайнона-қайнотаси олдида унинг яна обрўси кўтарилиб қолди.

Ҳарбанс улфатлари билан алоқани узиш билангина чекланмай, ҳатто тақводор ҳам бўлиб қолди. Эрга-азонда туриб ибодат қилишни ўрганди. Илгариги икки маҳал ўрнига энди

кунига уч маҳал ибодатхонага борадиган бўлди. Унинг бу ишларини кўриб Дҳарамқаур билан Анупсингҳ ўзида йўқ хурсанд эди. Чеккан риёзати яхши натижа берганини кўриб, Ҳарбансинг ҳам шодлиги ичига сиғмасди.

Атроф-теваракдати одамлар илгари Ҳарбансини «кичик сардор» яъни «кичкина хўжайин» деб атаб келган бўлса, энди «гиёнийжий»<sup>1</sup> ва ҳатто «маҳатмажий»<sup>2</sup> деб атайдиган бўлди.

Нарендр илгари ҳам эрига меҳр қўйган эди. Лекин, энди Ҳарбанс янги йўлга ўтгандан бери унга ўзини фидо қила бошлади. Ота-онасининг эрка қизи бўлиб туш пайтигача ухлаб ётадиган Нарендр энди Ҳарбансдан ўрнак олиб, саҳар-азонда у билан баравар турадиган ва бирга ювиниб-тахорат қилиб, муножот ўқийдиган, бирга ибодатхонага борадиган бўлиб қолди. Ҳеч бир ишда эридан қолишмайдиган бўлди. Қизи билан куёвининг мунтазам равишда бирга-бирга тоат-ибодат қилишини кўриб Дҳарамқаур билан Анупсингҳнинг боши осмонга етарди. Яқиндагина қайнона-қайнотасининг шак-шубҳаси ва таъна-маломатидан боши аримай юрган Ҳарбанс энди уларнинг назарида олий хислатлар мужассами ва тақводорлик тимсоли бўлиб қолди.

— Э, ўртоқжон!— дерди кўпинча Дҳарамқаур қўшни аёллар билан суҳбатда.— Бу бизнинг уйимизга авлиё бўлиб кириб келди. Етти пуштимизнинг номини оқлади. Ишқилиб, худойим умрини узун қилсин.

Шу зайдда кунлар жуда тинч-осуда, роҳат-фароғатда ўтиб борарди. Бу уйдагиларнинг аҳиллигини кўриб одамларнинг ҳаваси келарди. Бутун шу муддат ичида Амритсардаги ота-онасини Ҳарбанс бирор марта эсга ҳам олгани йўқ, улардан биронта хат-хабар ҳам келгани йўқ. Аҳён-аҳёнда улардан гап очилиб қолган тақдирда ҳам у нафрат билан дерди:

— Менинг олдимда ўшаларнинг номини тилга олманглар. Мен уларни аллақачон ўлдига чиқариб қўйганман.

Қуриб-қовжираб ётган экин-тикини учун худодан икки томчи ёмғир тилаган деҳқон, охи худога етиб, осмонни булут қоплаганини кўргач, нақадар хурсанд бўлади! Лекин ўша осмонни қоплаган булутдан тўсатдан оби раҳмат, ўрнига дўл ёға бошласа, деҳқон қандай аҳволга тушиб қолади? Юриб-юриб тўсатдан қайнона-қайнотасининг унга қиладиган муомаласи бир оз бузилганини кўргач, Ҳарбанс ҳам қарийб ўша деҳқоннинг аҳволига тушиб қолди. Айниқса шунинг учун ҳамки, у ўз хаёлида

<sup>1</sup> Гиёнийжий — донишманд.

<sup>2</sup> Маҳатмажий — авлиё.

ҳеч қачон бирорта хатога йўл қўйгани, юзидаги ниқобни қилча ҳам у ёқ-бу ёққа жилдиргани йўқ эди. «Булар нега тўсатдан мендан юз ўгириб қолишди?»—деб. ўйларди у ниҳоятда ташвишланиб.— Мени ер-кўкка ишонишмасди. Биронта гапимни иккита қилишмасди. Мен «оқ» десам, «оқ», «қора» десам, «қора» дейишарди. Энди бўлса, мен билан тузуккина гаплашишга ҳам товлари бўлмади қолди. Нима бало, биров мени буларга ёмонладимикин? Ёки Амритсардаги ота-онамнинг бирорта ҳийланайранги кор қилдимикин? Ахир бирор сабаб бордирки, булар тўсатдан чопонини тескари кийиб олишди».

Роса бош қотирди Ҳарбанс шу масала устида. Ҳали ундоқ деб ўйлади, ҳали бундоқ деб, лекин гапнинг тагига етолмади. Ниҳоят бир куни кечаси бу гам-андуҳни хотини Нарендрага айтган эди, у эридан ҳам баттар ҳайрон бўлди. Уйда шунча ўзгаришлар бўлаётганидан унинг ҳам мутлақо хабари йўқ экан.

«Бўлмаса яна кимдан бориб сўрай?»—ўйлади Ҳарбанс.— Қайнонамга оғиз очайми? Ёки қайнотамдан сўрайми?» Бу оғир юкни кўтариб юришнинг сира иложи қолмагач, охири бир кун юрагидаги барча мадда-фасодни ниҳоятда куйиб-пишиб қайнонаси олдига ағдарди. Қайнонам ҳойнаҳой ярамга малҳам қўяр, деб умид қилган эди Ҳарбанс. Лекин қайнонаси унинг ловуллаб турган жароҳатига латга ҳуллаб оосиб куя қолди. Дҳарамкаур турли хил далиллар билан уни хотиржам қилишга уринди. Лекин далил-исбот бир гап, юракдан чиққан ширин сўз, эркалаш, юпанин бутунлай ботқоқга таш. Ўйловчи суҳбат қилиш бундан ҳам чанқоқроқ кетган муовчи улдим-улдим деганда икки қултумгина сув топса-ю, у ҳам офтобда исиб кетган бўлса у қанчалик таскин топади? Бу суҳбатдан Ҳарбанс ҳам ўшанчалик таскин топди, холос.

Даштдаги сувдан чанқоғи қопмагач, Ҳарбанс иссен кулбасига қараб йўл олди. Қайнота-куёв ўртасида ўзи илгаридан юпқагина бегоналик пардаси бор эди. Иккови жуда камдан-кам очилиб суҳбат қилишарди. Аммо қайнонасида тасалли топмагач, Ҳарбанс кўзини чирт юмиб бир куни дард-ҳасратини қайнотасига айтди, яъни гўё паст поғонадаги суднинг қароридан норози бўлиб, юқори поғонадаги судга арз қилди. Лекин у ерда умидсизликка дуч келди. Даштдаги сув иссиқ бўлса, кулбадаги сув шўр экан. Қайнонаси бунинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдирмоқчи бўлган бўлса, қайнотаси ҳам шамни ўчириб, пилик ёққандек иш қилди.

Уйини ўғри уриб кетса, одамнинг албатта юраги ачийди. Лекин ўғрининг изини тополмаса, ундан ҳам баттар бўлади. Қайнота-қайнонасининг қилаётган муомаласидан кўнгил шишаси дарз кетишга кетди. Лекин бунинг асл сабабини бнлолмай

жони ниҳоятда азобга тушиб қолди. Бу ғам уни кундан-кунга баттарроқ эзиб ташлайверди. Охири пичоқ бориб суякка тақалгач, сабр-тоқати тугади-ю, юзидаги ниқоб ҳам аста-секин ўрнидан жила бошлади.

Яна бир қанча кун ўтди. Ҳар янги тонг отган сари заҳар Ҳарбанснинг баданига кўпроқ тарқалиб бораверди. Ҳарбанс бу уйда қадр-қиймати, обрў-эътибори ниҳоятда тезлик билан йўқолиб бораётганини ҳис қиларди.

Бир ой, икки ой ва ҳатто уч ойни Ҳарбанс шу руҳий азоб ўтида ёниб ўтказди. Илгари зўрма-зўракайига ўзини бир оз қувноқ-тетик кўрсатиб юрган бўлса, энди унинг юз-кўзидан бу аломат ҳам ғойиб бўлди. Унинг ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлиб кетди. Энг алам қиладиган жойи шу эдики, уйдагилар уни ҳеч қайси ишга бийлатмай қўйди. Илгариги ҳамма иш-юмушларнинг жилови бунинг қўлидан чиқиб кетди. Бутун уйда унинг таянчларидан битта Нарендр қолди, холос. Лекин у ҳам бунинг кўнглини ҳеч юпата олмасди. Қачон Ҳарбанс дард-ҳасратини айтса, у жавоб берарди:

— Чиндан ҳам сиз ваҳма бўлиб қолибсиз. Нега сиз ҳадеб ўша бечоралардан шубҳа қилаверасиз? Ахир бирор гап бўлганда, мендан ҳам яширишармиди?

Ҳарбанснинг хотинидан ҳам ҳафсаласи пир бўлди. Уқтин-ўқтин у билан ғижиллашиб, унга ҳам анча аччиқ-чучук гапирадиган бўлиб қолди.

Бир кун ниҳоят у жаҳлга чидамай қайнонасига деди:

— Ойи! Агар меннинг бу ерда туришим оғирлик қилаётган бўлса, нега энди очиқ айтиб қўя қолмайсизлар? Итнинг олди-га ташлагандек, кунига икки маҳал олдимга бир бурдадан нон ташлайсиз-да, мен ўшанга маҳлиё бўлиб эшигингизда ётавераманми? Мен жуда ҳам ўшанақа паст-нокас эмасман.

Бунга далил сифатида Ҳарбанс кейинги бир неча ой мобайнида бу уйдагилар бунга қандай оқибат кўрсатган бўлса, ҳаммасини бирма-бир гапириб берди. Лекин Дҳарамкаурдан яна ўша илгариги пуч ёнғоқдап бошқа ҳеч нарса тегмади.

Бир неча кун ўтгач, Ҳарбанс уйда яна бир янгилик сеза бошлади. Қайнонаси у билан энди бутунлай учрашмайдиган, гаплашмайдиган бўлиб қолди. Унинг бетига қарашу унга икки оғиз сўз айтишни гўё ўзига ор билиб қолди. Айтадиган бирор гапни бўлса, қизни орқали айтарди. Бутун кун бўйи хонасидан ташқари чиқмай ётарди.

Ҳарбанснинг жуда тоқати тоқ бўлиб кетди. Энди у бутун аламини хотинидан олишга тушди. Унга оғзига келганини қайтармай гапирадиган бўлди. Лекин Нарендр бечора нима деб жавоб бера оларди? Унинг бирдан-бир қалқони кўз ёшиси эди.

На эрининг олган кесагига тош билан жавоб беришга юзи чидарди, на ота-онасига эридан шикоят қила оларди. Уз табиятидан ночор эди.

Эртаю кеч, туну кун Ҳарбанс азоб ўтида ёниб ўйлагани-ўйлаган: «Энди нима қилай? Арз-ҳолимни кимга айтай. Ота-онамнинг эшитини ҳам ўз қўлим билан ёпиб қўйган бўлсам. Энди бориб тақиллата олмасам. Дунёда яна кимим бор менинг? Қўзимни чирт юмиб бошқа бирор юртга бошимни олиб кетсаммикан? Бунақа қайнона-қайнотага ҳам лаънат, уларнинг қизига ҳам. Буларки мени демадими, мен нега буларни дерканман?...»

Аммо шуларнинг ҳаммасини амалга ошириш вақти келганда у гандираклаб қоларди ва унинг фикр дарёси бошқа томонга қараб бурилиб кетарди. «Кел, нима бўлибди,— деб ўйларди у.—«Нафасни ют, кун ўтишини кут» дегандек иш қилавер. Бир кунмас-бир кун бу дев ҳам, бу алвасти-кампир ҳам ўлади-ку».

Шу ўйлардан кўнгли бир оз тасалли топарди. Бироқ нафас-ни ичга ютиб, кун ўтишини кутиб ўтиришга ҳам биронта умид бўлиши керак эди. Биронта устун тагидан тираб турмаса, том бошига қўлаб тушиши турган гап эди. Шу устунни қаердан топ-сакин?

Кунлар бирин-кетин ўтиб бораверди. Ҳарбанс нафасини ич-га ютиб кутиб ўтираверди. Ҳафталаб қайнопасининг бетини кўрмасди. Ўн кунлаб қайнотасининг оғзидан бир сўз эшитмасди. Бора, уни эсининг, қайнопаси қайнотасининг ўғлини...

Мен тишчиб қўя қолсам, деган умид билан азоб-уқубат тўла кунларни ўтказмоқда эди.

Юрак-бағри шундай эзилганлигига қарамай, у ибодатхона-  
га қатнашни канда қилмади. Худодан қиладиган илтижолари  
ҳам ўша-ўша эди. Бир кун фавқуллодда бир гап унинг қуло-  
гига чалиниб қолди: қайнонаси анча кунлардан бери касал  
ёкан. «Менинг оҳим худога етибди», деб ўзида йўқ хурсанд бўл-  
ди у. Сўнгра аёл докторлару ҳамширалар бу уйга танда қўй-  
иб қолгандан кейин эса у кўзлаган манзилига жуда яқин ке-  
либ қолганини ҳис қила бошлади. Ибодатхонага яна ҳам тез-тез  
қатнайдиган бўлди. Худодан қиладиган илтижосини ҳам узай-  
тирди. Энди, ялмоғиз кампир бир ойда ўладиган бўлса, бир  
ҳафтада жўнаб қўя қолсин, деб худодан тилайдиган бўлди.

Ҳарбанс шунчаки хўжа кўрсинга кунда-кун ора қайнона-сининг олдига кириб, ҳол-аҳвол сўраб турарди. Аммо унинг олдида уч-тўрт минутдан ортиқ турмасди. Икки-уч оғиз расмий гапларни айтиб ҳолини сўраган бўларди-ю, қайтиб чиқиб кетарди. Қайнонаси ҳам ҳеч оғиз очиб, «Бир-икки минут ўтира тургин», демасди.

Ибодатхона билангина чекланиб қолмай, Ҳарбанс энди кечалари ҳам ўрнидан туриб, «Муродимга тезроқ етказгин» деб худога ёлворар эди. Ниҳоят, бир кун унинг илтижоларп худонинг қулоғига бориб етди. Бироқ илтижо қилувчи хато гапирганми ёки тингловчининг қулоғига янглиш эшитилган эканми, нима бало бўлди-ю, ҳар ҳолда ижобат илтижога мутлақо қарама-қарши бўлди: бир кун эрталаб туриб, Ҳарбанс тўсатдан «Сардор Анупсингх ўғил кўрди» деган гапни эшитди. Эшитди-ю, боши айланиб, кўзи тиниб кетди, бошини чангаллаганча ўтириб қолди.

## 29 баб

Битта бош огриғи деган дарднинг ўзи ҳам одамни олиб бораб-олиб келади. Бир эмас, етмиш икки дард бирваракай ҳужум қилиб қолса, одамнинг ҳоли нима кечаркин?

Мияси носоз бўлгани туфайли сардор Отмасингх ўзи азалдан бош огриғи касалига мубтало эди. Бунинг устига мактаб бөлаларининг ғалваси унинг миясини қоқиб, қўлига берарди. Қунига икки-уч соатлаб велосипеднинг гилдирагини айлантириш, ҳаммасидан ҳам йўқсиллик балоси умрининг эгови эди. Мана шу барча дардларга унинг «Санъат бакалаври» деган унвони сабаби эди. Бу унвонни у ўн тўрт йилгача китоб жиниси бўлиб юргандан кейин олганди. Шунча дардга қарамай, бирор марта Отмасингхнинг хафа ёки хомуш бўлиб юрганини ҳеч ким кўрмасди. Бунинг тагида ҳойнаҳой бир катта гап бор эди.

Сардор Отмасингх Амритсардан етти чақиримча наридаги бир мактабда ўқитувчилик қиларди. Қарийб ўттиз йилдан бери шу иш билан тирикчилик қилиб келарди. Унинг синфни битириши билан бир бошланғич мактабга ўқитувчи бўлиб ўрнашиб олган эди. Бир ёқда мактабда бөлаларни ўқитди, бир ёқда ўзи ўқиди. Сиртдан имтиҳон топшириб юриб охири «Санъат бакалаври» деган унвон олди. Шу орада онласи ҳам катта бўлиб бораверди. Аввалига кетма-кет учта қиз кўрган бўлса, улардан сўнг бирин-кетин иккита ўғилнинг ҳам отаси бўлди.

Деярли ўттиз йилгача сардор Отмасингх ҳали у мактабда ишлади, ҳали бу мактабда, ҳали у синфни ўқитди, ҳали бу синфни, аммо маоши ўттиз рупиядан сира ошмади. Яна бир поғона ўқиса, маоши юз рупияга етиши мумкин эди. Аммо ўқишнинг бу янги поғонасига чиқиб олгунча иш билан хайрлашиб туришга тўғри келарди. Бу эса унинг қўлидан келмасди.

Эллик ёшга етәр-етмас сардор Отмасингҳ кексалар қатори-  
га кириб қолган эди. Ваҳоланки кўпгина у тенгилар ёш бўл-  
маса-да, ҳар ҳолда, ҳали ўрта яшар бўлиб юрарди. Доимий бош  
оғриғининг касри бўлса керак, Отмасингҳнинг бошидаги сочию  
соқол-мўйлови оппоқ оқариб кетган эди. Бўйи қанчалик новча  
бўлса, эти шу қадар ориқ эди. Аммо юраги жуда бақувват ва  
кўнгли ниҳоятда маҳкам эди. Кекса кўрингани билан гоյ-прин-  
ципларга келганда манман деган ёшларни орқада қолдириб  
кетарди. Унинг фикр-ғоялари шундай юксак эдики, осмон бил-  
ан ўпишаман дерди. Уларни таърифлашга тушса, худди бир  
каттагина лекция ўқигандек бўларди.

Одам боласи теъарак-атрофдаги муҳит-шароитдан таъсирланмай иложи йўқ. Отмасингҳ ҳам инсон эди. Чунончи, муҳит-шароитнинг таъсирига учраб турарди. Бироқ баъзи одамлар сингари зинҳор тарвузи қўлтигидан тушиб, бошини эгиб ўтирмасди. Уй-рўзгор ва хилма-хил бошқа ғам-ташвишлар қофиясини танг қилгудек бўлса, юракка далда берадиган байт-шеърларни хиргойи қилишга тушарди, масалаи:

Қуз ҳам ўтиб кетади.  
Яна баҳор кетади  
сқамли куйча тўлиб  
Чаман яна кўлади.

Шу тариқа у ўзини қўлга оларди. Мастер<sup>1</sup> Отмасингҳ икки кундан кўнраб, оқибатда кўнраб қилди ҳам, шунингча, олган эди, етмасларининг эса бири саккизинчи сифда, иккинчиси олтинчида ўқирди.

Учинчи қиз Аруна ҳам ўн саккиз ёшга кириб, бўйи етиб қолган эди. Лекин бир нарсадан пешанаси шўр бўлиб, турмушга чиқиш деган нарсадан озод эди. Ҳусн-жамол, ақл-идрок жиҳатидан-ку Аруна опа-укаларидан устун эди. Аммо туғилишдан бир оёғи қалтироқ бўлиб, шу айби унинг барча яхши хислатларини йўққа чиқариб юборган эди. Отасининг озгина қўлида бўлса-ю, куёвга яхши пул беролса, эҳтимол бу қиз ҳам пешанаси ярақлаб уй-жойли бўлиб кетарди. Лекин отасида бунга пул қаёқда?

Мастер Отмасингх қизини узатиш галвасидан тинч, шу боисдан унинг кўнгли жойида деб бўлмасди. Узининг энг суюкли фарзандининг келажagini қоп-қоронғи кўриб, шўрликнинг юрак-бағри эзилиб оқса керак! Қизига уй-жойли бўлиш насиб қилмаслиғи хаёлига келди дегунча, унинг ичида бир нарса узилиб кетгандек бўлардн. Юраги, минг маҳкам бўлса ҳам, тарс ёрилай дерди.

<sup>1</sup> М а с т е р — ўқитувчи.

Аруна фақат шу балонинг ўзига мубтало бўлганда ҳам бир нав эди. Унинг бошида бундан бошқа ҳам кўп гам-ташвиш, азоб-уқубатлар бор эди. Бу ёқда унинг бўйи етди, бу ёқда онасининг жасади тобутга тушди. Онасининг ўлиши-ку кўнгли нозик Арунага жуда қаттиқ зарба бўлди. Аммо меҳрибон отасининг ёнидалиги унинг ярасига малҳам бўлиб, уни юпатди.

Арунанинг қоп-қоронғи келажаги, унинг қилаётган меҳнат-машаққати ва энг муҳими унинг ҳаёт-турмушдан кўнгли сову-ганлиги — бунинг ҳаммасини отаси равшан кўриб турарди. Лекин шунинг ҳаммасини кўриб-билиб туриб ҳам, ҳеч нарса қилиш қўлидан келмасди. Қўлидан келганда эди, юрагини сў-гуриб олиб бўлса ҳам бирор нарса қилишдан қочмасди. Лекин мавжуд шароитда у фақат ўзида бор нарсани — эллик йиллик умри мобайнида тўплаган билим-тажрибасини, маънавий куч-қувватини, мустақкам продасини ва бошқа хислатларини суюқли фарзандига секин-аста сингдириши мумкин эди. Унинг қўли-дан келадигани шу эди.

Унинг синфни битиргач, Аруна ўзини бус-бутун уй ишла-рига бағишлади. Доимий бош оғриқ дардига мубтало касал-ванд отаси шу қизининг парвариши билан жон сақлаб юрарди. Қизи унга вақтида овқат берарди, кечалари сут қайнатиб ичи-рарди. Шу туфайли у куч-қувватдан қолмай, ишлаб юрарди. Лекин энди чакана ўқитишга қурби етмай қолиб, даромади анча камайган эди. Бунинг устига бўйидаги қарз юзасидан тўланадиган фойда ҳам даромаднинг апча қисмини ҳўплаб ҳў-ярди. Отасининг ҳамма вақт хўшчақчақ бўлишига қарамай, Аруна уй-рўзгорнинг гам-ташвишлари уни ич-ичидан кемириб, ҳолдан тойдираётганини яхши биларди. «Отам ҳамма вақт гам-ташвишга ботиб юради,— деб ўйларди у.— Укаларим энг зарур нарсалардан ҳам маҳрум. Мен шу вақтда кўнга ярамасам, қачон ярайман? Қиз бола бўлсам ҳам, йигит бўлиб шуларга гамхўрлик қилишим керак».

Аруна оиланинг моддий аҳволини яхшилаш устида кўп бош қотирди ва ниҳоят бунинг кичкинагина бир йўлини ўйлаб топ-ди. Амритсарда «Нафис санъат мактаби» деб аталган бир рас-сомлик мактаби борлигини биларди. Ўша мактабнинг дирек-тори отасининг синфдоши эканлигини отасининг ўзидан эшитган эди. «Шу мактабга кириб ўқисам, қандоқ бўларкин?» деб ўйла-ди Аруна. Ўқиш муддати бор-йўғи икки йил эди. Яна шуниси ҳам борки, ўқиш кечқурун соат бешдан еттигача — икки соат-гина бўларди ва бу вақт Арунага жуда қўлай эди.

Арунанинг бу режаси отасига маъқул тушди ва у қизини дарҳол ўша мактабга киргизиб қўйди. Ўқиш ҳақини эса мактаб

дирекцияси кечди. Кўп ўтмай пул ишлашнинг ҳам бир йўли топилувдики, хурсанд бўлганидан Арунанинг боши осмонга етди. Мактабга рассомлик дарсида ўқувчиларга натурачи бир қиз керак эди. Биронта қизнинг ота-онаси бунга розилик бермай турарди. Арун шуни отасига айтувди, Отмасингҳ рози бўлди.

Табиат қонунига биноан йил фасллари ўрин алмашиб туради. Мавсум ўзгариши туфайли кўкат, дов-дарахтлар ҳам ўзгариб туради. Баҳор фаслида эсадиган ёқимли шабададан таъсирланмайдиган дунёда биронта гиёҳ йўқ. «Инсон» деб аталган гиёҳ ҳам худди шундай. Бу ҳам «болалик», «ёшлик», «қарилик» ва ҳоказо фаслларни кўради ва улардан таъсирланади. Аруна ҳам ўша инсоний гиёҳлардан бири эди. Баҳор ҳавоси унга ҳам таъсир қилиши, унинг қалб денгизида ҳам шу фаслга хос тўлқинлар кўтарилиши шубҳасиз эди. Баҳор — ёшлик фасли Арунага ҳам албатта таъсир қилди, лекин бу таъсир бошқа қизларга қараганда унда бошқачароқ бўлди.

Дунёда ҳар бир қиз — чиройлими, хунукми, бундан қатъи назар — умрининг маълум бир палласига қадам қўйгач, ўзининг келажақ ҳаёти — номаълум келажақ дунёси тўғрисида кўп нарсаларни уилаи бошланди. Бироқ Арунада шунақа бирор дунёга умид йўқ эди. Умид борми, йўқми, бари бир, табиатнинг қонуни ҳаммага бир — уриб турган юрак борки, унда орзуларнинг бўлиб-бўлиб қилиши ҳаммага бир. Бироқ Арунадаги орзуларнинг бошқа қизларникидан фарқ қиларди. Унинг орзу-ҳаваси шу қадар узуқ-юлуқ, сочиқ-тарқоқ эдики, бордин-ю, биров уларни, минг уринганда ҳам, бари бир кўнглидагидек қилиб тўплаб-чаттиштира олмасди. Арунанинг қалб денгизида ҳам, сўзсиз, орзу-армон мавж урарди, лекин бу мавж урган сув қисман бут бўлиб учиб кетарди, қисман эса ёш бўлиб Арунанинг кўзларида қалқирди.

Арунанинг бу ўзига хос ички дунёсини билувчи бошқа бирор киши бормиди, йўқмиди, буни-ку айтиш қийин, аммо бир одам Арунанинг ичидаги барча сир-асрорни унинг кўзларидан ўқиб оларди. Инсоннинг қалбидагини кўрувчи бу одам Арунанинг отаси мастер Отмасингҳ эди. Қизининг маънос кўзларига кўзи тушди дегунча гўё даҳшатли бир оғриқдан бутун вужуди зирқираб кетарди, томир-томири тортишиб, оғзидан жони чиқаётгандек бўларди.

Меҳр-муҳаббат тимсоли бўлмиш отасининг кўзида ёш кўрипти дегунча Аруна кичкина боладек унинг бўйнидан қучоқлаб олиб, «Дадажон, нима бўлди?» деб сўрарди. Лекин бу саволга у бечора нима деб жавоб берсин? Чунотчи, Аруна бирор нарсани тушунгандек дерди:

— Сиз нега ҳадеб уҳ тортаверасиз? Тўхтаб туринг, мен мактабни битириб олай. Ундан кейин, мана кўрасиз, бизларнинг турмушимиз бутунлай бошқача бўлиб кетади...

У шундай деб гап бошларди-да, қанчадан-қанча ёқимли гапларни гапириб кетарди. Охири отаси кулги билан ўзининг юз-кўзини ёритгач, кўнгли ўрнига тушиб, гапини тамом қиларди. Бироқ отасининг қалбига қайси бир дард уни уҳ тортишга мажбур қилаётганини содда Аруна ҳойнаҳой билмасди.

Отасининг маъюслиги, гам-алами ҳақиқатда ортадими, камаядими, бундан қатъи назар, Аруна ўз бурчини ҳеч оғишмай адо этиб борарди. Ҳар куни кечқурун иш-юмушларидан бўшагач, у отасининг ёнига келиб ўтирарди-да, у ёқдан-бу ёқдан гапириб унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қиларди. Асосий мавзу мактаб эди. Аруна мактабда кўрган-билганларини отасига бирма-бир сўзлаб берарди. Ўзи ншлаган расмларини кўрсатиб, уларнинг ютуқ-камчиликларини тушунтирарди, синфдошларининг ўқиши, қиладиган ишлари тўғрисида кўп нарсаларни ҳикоя қилиб берарди. Мактабда қандай дарслар бўлишини, қайси бир ўқитувчи нимани қандай тушунтиришини отасига шундай сўзлардики, гўё ота-бола гаплашиб ўтиргандек эмас, балки ўқувчи ўқитувчисидан дарс олаётгандек туюларди.

Кейин бир кун Аруна отасига бир янги келган ўқувчидан гап очиб қолди, яъни «Интизорлик» деган мавзуда ўзи натурачи бўлган кунги воқеани гапириб қолди.

— Бу янги ўқувчи ўзи кўринишдан-ку содагина: кўзга ташланмайдиган, камсуқум бир бола. Лекин натурачининг кўзларидаги ҳис-туйғуни ифодалашда шундай усталик кўрсатдики, чегарасига етказиб юборди.

— Ундоқ бўлса, бу бола бирор рассом оиласидан бўлса керак,— деди отаси.

— Қаёқда, дада,— жавоб берди Аруна.— Менинг эшитишимча, бир тароқчининг ўғлимиш. Тагин ота-онаси билан уришиб, уйдан чиқиб кетганмиш.

— Лекин чинакам усталиги расмга бўёқ берганда кўринади,— деди яна Аруна бир оз туриб.— Қаламдаки расмга шунчалик жон киритдим, бўёқда, худо билади, яна қандай ҳунар кўрсатаркин.

— Ҳа-ҳа? Ундоқ бўлса, олиб келиб менга ҳам бир кўрсатсанг-чи.

— Ҳа, бир куни олиб келаман агар у хўп деса.

Бир неча кун ўтгач, Отмаснинг шу гапини яна қизига эслатган эди, «У бола ўша кундан кейиноқ мактабга келмай қўйди», деб жавоб берди қизи.

— Ўзи қаерда тураркан?— қизиқиб сўради отаси.

— Билмадим,— жавоб берди Аруна.

— Бировдан сўра-чи.

— Хўп, сўраб кўраман.

Яна бир-икки кундан кейин Аруна мактабдан келиб айтиб қолди:

— Анави бола бир неча кунга мактабдан жавоб олибди: тоби йўқ эмиш.

— Тоби йўқ эмиш?— бир оз ташвишланиб сўради отаси.— Ундоқ бўлса, Аруна, сен бориб ҳол-аҳволини сўраб келишинг керак. Тагин ўзинг айтаётган эдинг, уйдан аразлаб чиқиб кетган экан деб. Ҳеч бўлмаса бечоранинг ота-онасига хабар қилиб қўйиш керак: мабодо оғирроқ касал бўлиб қолганми.

— Майли, бориб келаман.— Ваъда берди Аруна.

Шунинг эртасига Аруна уйга қайтиб келганида унга кўзи тушиши биланоқ Отмасингҳнинг худди кўзи қамашиб кетгандек бўлди. Қизининг юз-кўзи шундай чарақлаб очилиб кетган ёдики, Отмасингҳ қизида бундай хушчақчақликни ёш болалик пайтидагина кўрган эди. У бугун ҳойнаҳой жуда қимматбаҳо бир нарсага эришган эди.

— Бугун нима бало топиб олдинг, Аруна?

Отасининг бу саволини эшитиб, Аруна аввалига сат ҳаял билан кетди, кейин эса узини тутиб олиб, қўлидаги трубка қилиб ўралган картон қоғозни отасига узатди.

Қалам билан чизилган расмни узоқ вақт кўздан кечирган-дан кейин Отмасингҳ деди:

— Ҳақиқатан ҳам кузларини жуда боплапти. Худди фото-суратнинг ўзгинаси-я!

Шундан кейин ота-бола икковлари шу мавзуда узоқ гаплашиб ўтиришди.

— Уйини топиб борибсан-да?— сўради ниҳоят отаси мавзунини ўзгартириб.

— Ҳа, ахир топиб бордим.

— Нима касал бўлган экан? Ҳали ҳам тоби йўқ эканми ё тузалиб қолибдими?

— Дада, ҳеч қанақа касал-пасал эмас экан. Соппа-соғ экан.

— Ҳа-ҳа! Бўлмаса нега мактабга бормай қўйган экан?

— Худди шуни гапирмоқчи бўлиб турувдим сизга.— Жавоб берди Аруна ва кейин ўша учрашувда Жасвантдан эшитган билган гапларининг ҳаммасини бирма-бир гапириб берди. Жасвантнинг қандай қилиб уйдагилар билан уришиб чиқиб кетганини айтганда, Отмасингҳнинг кўзларида эътиқодга ўхшаган бир нарса кўринди.

— Чиндан ҳам, Аруна, шу кеча-кундузда дунёда бунақа одамлар жуда камдан-кам учрайди. Мен уни фақат рассомлик-

да доно бўлса керак деб ўйлардим. Лекин сенинг гапингга қараганда, унинг тапасида бирор фариштанing руҳи бор экан. Мана, акаси билан солиштириб қара. Сенинг айтишингга қараганда у...

Қалбига сиғмай турган кучли ҳис-туйғу Арунани отасининг гапини бўлишга мажбур қилди:

— Мен ҳам шунга жуда ҳайронман: қандай қилиб битта дарахтда битган икки меванинг бири заҳар, бири оби ҳаёт бўларкан? Аввалига мен унинг гапларига ишонмадим. Лекин кейин бошқа кўп фикр-ўйларини эшитганимдан кейин ишонишга мажбур бўлдим.

— Яна қанақа бошқа фикр-ўйлари бор экан? — қизига тикилиб сўради Отмасингҳ.

Бунга жавобан Аруна яна кўп нарсаларни гапириб берди.

— Ўғилнинг яхши-ёмони бошиданоқ маълум бўлади,— деди Отмасингҳ, қизининг гапини эшитиб бўлгач,— бу йигитча ҳақиқатан ҳам жуда бошқача экан. Ҳунар ва ахлоқни — бир-биридан қимматбаҳо бу икки сифатни — табиат унга осмондан олиб берган эмас. Бу нарсалар ҳойнаҳой бирга юриб-турган яхши одамларнинг таъсири билан ёки бўлмаса ўша сен айтган бувасининг файзи билан пайдо бўлган. Яхши суздиради, ёмон чўктиради, деб бежиз айтилмаган. Лекин, Аруна, менинг фикримча, бу бола шундай одоб-ахлоқли, шундай қўли гул бўлишига қарамай, анча девонароқ кўринади.

— Девонароқ?— ҳайрон бўлиб отасига тикилди Аруна,— қандай қилиб девонароқ бўлади?

— Ўзинг айтяпсан-ку, шундай катта конкурсда ютиб чиқишни мўлжаллаб ўтирибди, деб. Тагин шу маҳалгача қандай буюм яшашни ҳам билмас эмиш. Сенинг хабаринг бўлмаса керак, Аруна, бунақа катта конкурсларда ютиб чиқиш у бола ўйлагандек осон иш эмас. Бунинг устига фил суягини ишлаш ҳазилакам иш эмас. Бунга бир умрлик тажриба керак. Яна ўзинг айтяпсан, бу бечора ҳали фил суягини бир ёққа қўя туриб, тош йўнишни машқ қилаётган эмиш деб.

— Сизнинг гапингиз тўғри, дада,— деди Аруна деярли отасининг фикрига қўшилиб.— Чиндан ҳам бу иш унга оғирлик қилади. Аммо унинг ўжарлигини, тутган жойини кесиши назарга олинса...

— Фақат ўжарлик билан иш битмайди, Аруна,— деди отаси.— Ҳар бир ишни қилиш учун вақт керак, тажриба керак. Мана сен ўзинг қадимги санъаткорлар ишлаган ҳайкалларни гапирибсан унга. Ҳар бир ҳайкалга ҳайкалтарош бутун умрини сарфлаган, баъзиларига эса бир неча авлоднинг умри кетган, дебсан...

— Йўқ, ундоқ эмас, дада. Сиз ўйлаган нарсани мен ҳам сўрадим унинг ўзидан. У айтадики, мен жуда унақа шоҳ асар яратишни умид қилмайман; мен фақат ўзимни синамоқчи бўлиб шу ишга қўл урдим; енгилган чоғимда ҳам унча-мунча тажрибага эга бўлиб қоламан-ку, дейди. Яна бир томони ҳам бор, дада. Фил суягига ишлов беришни у эндигина бошлаётгани йўқ. Кичкиналик вақтидан бери қилиб келаётган экан. Бу унинг ота-бобосининг касби экан. Бу ҳам унинг ишини енгиллаштиради.

Бу гапни эшитиб Отмасингхнинг кўнгли ўрнига тушди ва у энди бошқа мавзуга ўтди:

— Бу расмга бўёқ беради деётган эдинг. Бу қандай бўлса, шундай турибди-ку.

— Мен ҳам шуни айтдим унга. Ўша тошни йўниш билан овора бўлиб қўли тегмаган эмиш. Бошқа ҳамма нарсани унутиб, ўша ишни қилиб ётаркан.

— Жуда қизиқ бола экан.

— Қизиқ ҳам гапми, дада. Унинг ҳар бир гапи менга жуда антиқа туюлди.

— Шундай бўлса, қизим,— деди отаси суҳбатнинг охирида,— бир кун ўша болани олиб келсанг-чи. Унинг фикр-хаёлларини мен ҳам бир эшитиб қуяй-чи.

— Мен билан бирга келган эди,— жавоб берди Аруна.— Мени кўчанинг бошигача олиб келиб қўйиб, қайтиб кетди. Ўзинг, бизникига кириб ҳам дедим. Лекин у бир оз тортинчоқ бўлди.

— Хайр, майли. Яна бир айтиб кўргин. Хўп деса, олиб келгин.

— Хўп, майли,— деди Аруна ўрнидан туриб.

Бугун суҳбат жуда чўзилиб, алламаҳал бўлиб кетган эди.

\* \* \*

\*

Олган таътили тугаши билан яна ўқишга келади деб ўйлаб, Аруна уни кутиб ўтирган эди. Лекин таътил тамом бўлиб ҳам Жасвант мактабда кўринмагач, унинг тоқати тоқ бўлиб кетди. Бир бўйдоқ йигитнинг уйига ёлғиз боши билан бораверишга уялар эди. Укасини бирга етаклаб боришга ҳам кўнгли йўқ эди. Чунки унинг олдида очилиб гаплаша олмасди. Чунончи Жасвантга бир хат ёзиб юборди. Лекин хатга жавоб келмагач, охири бир кун кўзини чирт юмиб, ўзи яна унинг уйига борди. Бориши билан эшикнинг тепасида осифлиқ турган «Шри

Санткумор. Ҳиндистон страхование корпорацияси» деб ёзилган тахтани кўрди-ю, тарвузи қўлтиғидан тушди. Паст қаватдаги ижарачилардан сўраган эди, улар бу рассом бола, бир неча кун бўлди бу ердан кетиб қолган, деди. Чунончи Аруна Жасвант билан учрашолмай қайтиб келди. Шундан кейин кунлар ўтган сари Арунанинг безовталиги ортиб бораверди. «Бу қаёққа кетдийкин? Нега кетдийкин? Ота-онаси билан ярашиб уйига қайтиб кетганмикин? Лекин, мен унинг уйи қаердалигини ҳам билмайман». Ўзига-ўзи шундай саволларни бериб ҳар хил ўйларга борарди Аруна. Шу орада отаси ҳам Жасвантни бир-икки сўради. Турган жойидан кетиб қолганини эшитиб унча-мунча ташвиш ҳам билдирди. Кейин эса уни унутиб юборди.

Қани энди Аруна ҳам отасига ўхшаб унутиб юбора қолса. Лекин бировни унутиш ёки эсга олиш одамнинг ихтиёрида бўлмайди.

Бир ой ўтди, икки ой ўтди, уч ой ўтди ва ниҳоят тўрт ой ўтди, аммо Аруна у ажойиб йигитни на унута олди, на унинг тўғри-сида бирон нарса била олди. Уни энди фақат ота-онасининг уйдан топиш мумкин эди. Ниҳоят суриштириб-суриштириб у Бҳажансингх тароқчининг адресини билиб олди. Лекин шунинг ўзи билан иш битмасди. Бу етти ёт бегона бир бола бўлса, Аруна бориб ота-онасидан уни нима деб сўрайди? Бунинг устига ота-онасининг Жасвантни кўргани кўзи йўқ эди. Бирдан улар Арунани ҳақорат қилиб қолса, нима бўлади?

Аруна бир неча кунгача шу нарса устида бош қотириб юрди «Дадамни юбора қолсаммикин», деб ўйлади. Лекин «ҳақорат» деган нарса эсига тушиши билан дарров қулогини ушлаб тавба қилди. «Укамни етаклаб бораверай» деб хаёлига келди. Лекин, «Иккаламизни баравар ҳақорат қилиб қоладими улар» деб ўйлаб бу аҳдидан ҳам қайтди. Охири «Яхшиси ёлғиз ўзим борай; изза бўлсам, битта ўзим бўлай» деган қарорга келди. Шундай деб ўйлади-да, эртасигаёқ Аруна сўраб-сўраб Бҳажансингх тароқчининг уйига борди. Лекин у ерга бориб Жасвант ҳақида бирор нарсани билиш ўрнига, ҳалиги ўзи кутган ва ниҳоятда қўрқиб турган нарсани топди, холос. Ўша вақтда Жасвантнинг онаси Ҳарнамкаур уйда ёлғиз ўтирган эди. Бир нотаниш қизнинг оғзидан Жасвантнинг номини эшитди-ю, ўтдек тутатди кетди ва оғзига келганини қайтармай Арунани ва у билан бирга Жасвантнинг ҳам гўрига гишт-қалаб кетди. Яхши ҳамки Ҳарнамкаурнинг оғзидан ўт чиқиши биланоқ Аруна қочиб қолди. Акс ҳолда Ҳарнамкаур унинг оёқларини ҳам бир-икки оғиз таърифларди.

Ўша кун кечаси адёлга бошини буркаб Аруна роса йиғлади. Эшитган ҳақоратларини эслаб ўртанди. Қилган аҳмоқлигига

ўзини ҳўп койиди. «Менга бу ҳам кам,— деди у ўзига-ўзи. Бундай аҳмоқликни ҳеч ким қилмайди. Ахир менинг кимим эди у? Бир неча ой ўтиб кетди. Бир оғиз ҳолимни сўрашга ярагани йўқ. Мен ўшани деб ўлиб боряпман. Ақлли одам шундай қиладими? Бўлди, бугундан эътиборан ўша бетсизни ҳаёлимга келтирмайман».

Шундан кейин яна уч ой ўтди. Аруна бир амаллаб ўқишни давом эттириб юрди. Битирув имтиҳонига озгина кун қолган эди. Шу имтиҳонни топширса, расмийлик дипломини оларди. Диплом қўлига теккандан кейин тузукроқ бир иш қилиши мумкин эди. Аруна шу келажақда қиладиган ишини кўп ўйлар эди.

Лекин шу уч ой ичида Жасвантни унутишга минг ҳаракат қилсин, ҳеч унута олмади. Шунинг учун ҳам Деҳлида бўладиган санъат кўргазмаси тўғрисида иложи борича кўпроқ маълумот олишнинг кетига тушиб юрди.

Санъат кўргазмаси белгиланган кунни жуда таптанали равишда очилди ва бир ойгача давом этди. Конкурса кимлар қатнашди, унга кимлар нима юборди, кимларга қанақа мукофотлар берилди — шулар тўғрисида газетадада мунтазам равишда маълумотлар босилиб турар эди. Шу маълумотлардан оирортаси Арунажийнинг пазарида қочиб қутулолмасди. Лекин ҳеч қаерда Жасвантнинг номи тилга олинмасди.

Аруна ўйламоғидики ҳар қанча ҳинди ҳам Жасвантнинг унинг қонлариди, ким у қасқа кетди қолди? — уиларди у, — ер ютиб юбордики ёки осмон домига тортиб кетдики?»

Жасвантнинг фикр-хаёли билан ҳиняс банд бўлганидан ташқари у руҳан ҳам эзилмоқда эди. Унинг кўзларидаги илгариги соялар энди яна ҳам қуюқлашиб борарди. Бу руҳий ҳорғинилик натижасида унинг танаси ҳам кундан-кунга ориқлашиб бормоқда эди.

Отмасингҳнинг ҳам соғлиги тобора ёмонлашиб бормоқда эди. Лекин ҳоли ҳар қанча танг бўлса-да, богбон гулзордаги бирёр гиёҳнинг қуриб-қовжирашига индамай қараб тура олармиди? «Бу Аруна нега кундан-кунга озиб-тўзиб кетяпти, — деб ўйларди у. — Нега юзлари саргайиб кетяпти? Нега илгаригидек мён билан кулиб-кулиб гаплашиб-сўзлашмайди?»

Шу нарсаларни кўп ўйларди. Ўйлаш билан чегараланмай, унинг ўзидан ҳам сўрарди. Лекин Аруна ҳамма вақт дарҳол ясама табассум билан бир хил жавоб берарди:

— Қаёқда, дада! Менга ҳеч нарса бўлгани йўқ. Шунчаки...

Кейин шу «шунчаки»нинг маъносини тушунтириш учун унибуни ичидан тўқиб гапирарди. Бундан отасининг кўнгли заррача тасалли топармиди, йўқми, бундан Аруна беҳабар эди.

Яна уч ой ўтди. Аруна икки йиллик ўқишни тугатиб, дипломни қўлига олди. Аммо дипломнинг ўзи билан кўнгли ўрнига тушармиди?

Гиёҳ сўлиб борарди. Буни кўриб боғбоннинг, яъни Отмасингхнинг юраги жиз-жиз ачишарди. Лекин гиёҳни сақлаб қолиш учун қилган ҳамма уринишлари сира фойда бермасди.

Бир куни кечаси, қизи билан гаплашиб ўтириб нима учундир бехосдан қизидан сўраб қолди:

— Аруна, сенинг анави синфдошинг қаёққа ғойиб бўлиб кетди?

— Қайси синфдошим?— сўради Аруна.

Отмасингх минг урнса ҳам у боланинг номини эслай олмади. Ахир бир йил бурунги гап эди у.

— Ҳа, анови-чи, оти қургур нима эди... ҳа, ҳамниша ўзинг гаприб юрардинг-ку. Чизган расмини ҳам олиб келиб кўрсатувдинг.

Худди бита бошлаган ярани биров тўсатдан эзиб юборгандек, Арунанинг юраги орзиқиб кетди. У шу руҳий азобдап қутулиш учун бир йилдап бери уриниб келарди. Шу пайтда биров ўчай деб турган оловни қўзғаб, яна бошқатдан ёндириб юборди. Яна бирор душман эмас, ўзининг меҳрибон отаси.

— Ҳа, Жасвантни айтяпсизми?— ўйлаб-ўйлаб зўрға топгандек сўради Аруна. Лекин унинг овози сетордан чиққан товушдек тебранарди.

— Ҳа, худди ўшани айтаётувдим.— Шундай дейишга деди-ю, лекин Отмасингх шу саволни берганига минг пушаймон еди. Қизининг юз-кўзига бир қаради-ю, қайтиб иккинчи қарашга журъат етолмади. Арунани энди бирпас ёлғиз қўйиб қўйганим яхши, деб ўйлади у. Лекин шундай қилишидан олдинроқ Аруна «Ўчоқ бошига мушук-пушук кирдими, нима бало» деди-да, ўридан туриб ҳовлига чиқиб кетди. Отасининг олдида йиглаб юборишдак қўрққан эди у. Ошхонага кириб эшикни беркитиб олди.

### 30 боб

Қуёш энди оламга нур соча бошлаган эдики, «Арунажий!» деган бир овоз хона ичига кириб келди. Шу овозни эшитди-ю, Аруна сапчиб тушди. Худди биров унинг кўкрагига икки нарсани — бир парча муз билан лаққа бир чўғни баравар қўйиб қўйгандек бўлди.

— Ўҳ! Си... сизми?..— шундай дедию, томоғига бир нарса тикилиб қолгандек бўлди. Тағин янглишган бўлмай деб у Жасвантга яна тикилиб қаради.

Бундан бир йил олдин Аруна шу юзни биринчи марта кўрган

эди. «Уша вақтда ҳам бу юз шунақа сўлғинмиди?— ўйлади у. — Уша вақтда ҳам бунинг соқол-мўйлови бормиди? Эндигинз сабза ураётган эди, шекилли. Демак... демак Жасвант узоқ вақт касал бўлиб ётибди-да? Бўлмаса нега бундай озиб кетади?»

— Янглишаётганингиз йўқ, Арунажий,— деди Жасвант, гўё Арунанинг кўнглидагини билгандек,— мен ўшаман.

Аруна лип этиб туриб эшик томонга ўзини ташлади, лекин уч-тўрт қадам босиб тўхтаб қолди. Тоғдан думалаб тушаётган тошларни бирор катта харсанг тош тўхтатиб қолгандек, Арунанинг оёқлари бирдан тўхтаб қолди. Денгиздаги қарама-қарши икки оқим, яъни қирғоққа келаётган ва қирғоқдан қайтаётган оқимлар сингари, Арунанинг қалбида ҳам муҳаббат ва нафрат тўлқинлари ўзаро тўқнашиб кетди. Қаршисида турган йигитнинг ярми тош, ярми гулдек туюлди унга. Тошга урилиб пачоқ-пачоқ бўлиб кетиш хавфи бўлса, гулнинг ичига кириб хуш бўлишга кўмилиб кетиш умиди бор эди.

— Арунажий!— Тошу гулдан иборат гавдадан яна овоз чиқди.— Мени кечирасиз...

Жасвант шундай деб улгурган эдики, қўшни хонадан мастер Отмасингҳ чиқиб қолди. Хойначой иккарида ўтириб бечора адамнинг овозини эшитган эди. Отасининг чиқиб келиши Арунанинг жонига жуда ора кирди. У юрагидаги ҳис-туйғуларини жинловлашга уринаркан, юз-кўзидаги жahl ёки ғазаб аломатларини сохта табассум билан яширди.

— Дедан сиз анави куни сўраётган эдингиз-ку, сеининг синфдошинг қаёққа кетибди деб, ўша шу киши бўладилар.

— Ким? Сардор Жасвантсингҳми? Хуш келибсиз! Ҳеч келай ҳам демайсиз.

Шундай дер экан, мастер Отмасингҳ эҳтиром юзасидан эгилиб Жасвантнинг оёғига қўл тегизмоқчи бўлди. Лекин Жасвант унинг қўлларини ушлаб қолди ва аксинча, ўзи унинг оёқларига қўл тегизиб, деди:

— Шароит шундай бўлиб қолди, мастержий. Бўлмаса сизни бир кўрай деб кўнглимга тугиб юрардим.

Шундан кейин учовлари ичкари хонага кириб ўтиришди. Мастержий билан Жасвант иккови бир каравотга ўтирди, Аруна иккинчисига ўтирди.

Жасвантнинг оғзидан «шароит» деган сўзни эшитиб Аруна анча ҳовридан тушди. «Бечора. Эҳтимол ҳар хил мусибатларга дучор бўлгандир,— деб кўнглидан ўтказди у.— Эҳтимол оғир касалдан туриб келаётгандир. Ёнида ота-онаси ҳам йўқ бунга қарайдиган. Шунинг учун ҳам бир бурдагина бўлиб қолибди шўрлик».

Лекин бир нарсани кўриб Аруна ҳайрон бўларди: Жасвантнинг «бир бурдагина» юзида зўр кўтаринкилик жилва қиларди.

— Мастержий, кечирасиз,— бир оз шошилиңқираб деди Жасвант.— Мен Арунажийни бир оз безовта қилгани келувдим. Бир соат-ярим соатга мен билан бирга борсалар девдим.

Жасвант жўрттага Отмасингҳга мурожаат қилиб шу илтимосни қилди. Шундай қилиши ҳам керак эди. Кейин Арунанинг ҳам кўнглини билиш учун унга қаради. Лекин Арунанинг юз-кўзида бепарволик аломатларини кўриб, руҳи анча тушиб кетди.

Жасвантнинг бу илтимоси шубҳасиз қутилмаган бир нарса эди, шу билан бирга, эҳтимол бемаъни, ҳатто бир оз одобсизлик ҳам эди. Аммо Отмасингҳнинг юз-кўзида ҳеч қандай норозилик аломати кўринмасди. Жасвантни шу нарса аросатда қолдирдики, норози бўлади, кўнмайди деган одаманинг юз-кўзида тўла розилик кўринарди, рози бўлади деб умид қилиб келган одаманинг юз-кўзида эса бутунлай бошқа нарса ифодаланган эди.

Жасвантнинг таклифида ажабланадиган ҳеч нарса йўқдек, Отмасингҳ очиқ кўнглилик билан деди:

— Ҳеч зарари йўқ. Бунинг қанақа безовтали жойи бор?— Сўнгра Арунага қараб деди,— Аруна! Бора қол, қизим.

Аруна эса ҳайрон бўлиб ўйларди: «Дадам қизиқ қилдиларку. Ҳеч бўлмаса, бориб нима қилади, деб ҳам сўрамадилар. Шу бугун биринчи марта кўриб турган одамларига қандай қилиб мени ишондилар?» У отасининг ҳукмини бажо келтиришга унча кўнгли бўлмади ва илгаригидан ҳам кўра бепарволик билан Жасвантга деди:

— Лекин... лекин менсиз битмайдиган жуда қанақа иш бор экан? Шунга айтинг.

Саволига жавоб ололмагач, у Жасвантнинг юз-кўзига тикилди ва ундан ўқигани шу бўлдики, Жасвант жуда шошилиб турибди, шодлиққа тўла бир нарсага ошиқяпти.

Эҳтимол Жасвантнинг шунча вақтдан бери бепарво юриши Арунанинг юрагини шунчалик тош қилиб юборгандир. Лекин багри тош бўлишига қарамай, у Жасвантни юрагидан чиқариб ташлаганмиди? Ушандай бўлганда эди, дарров шундай мулоҳим бўлиб қолмасди.

Қизининг сукут сақлаб туриши, яъни бир оз рози бўлмай турганини кўриб, Отмасингҳ ўзининг буйруғини такрорлади:

— Ҳа? Нима бўлди, қизим? Нега жим бўлиб қолдинг?

— Йўқ, дада,— деди Аруна,— жим бўлиб қолганим йўқ. Лекин, мен, бирор бошқа куни бора қолсам нима қиларди, деб ўйлаб турибман.

Аввалига Арунанинг норозилик тўла сукутини кўриб, Жасвант қўрқиб кетган эди. Лекин унинг отасига берган жавобини эшитиб, яна бир оз кўнгли ўрнига тушди. «Мен билан бирга бо-ришни мутлақо истамаганида эди, нима қиларди» демасдан, «нима қилади» дерди, деб ўйлади Жасвант.

— Йўқ, қизим, ундай эмас,— Отмасингҳ қизининг гапига қарши жавоб берди.— Бу бечора атайлаб сени айтгани келибди. Йўқ дейишинг яхши эмас. Ахир ўзингнинг синфдошинг, бегона одам эмас.

Арунанинг ярим розилиги тўла розиликка айланди. Мутлақо нотаниш, энди биринчи марта кўриб турган йигитига шунчалик ишонч билдираётганини кўрган Аруна отасининг одамнинг ичидагини билиш қобилиятига қойил қолди. Лекин ҳали ҳам рози бўлганга ўхшамасди.

— Хўп, майли, Арунажий,— деди Жасвант ғурури лат егандай бўлиб.— Сиз агар хоҳламасангиз, мен мажбур қилмайман.

Шундай деб Жасвант ўрнидан турган эди, Арунанинг назари унинг кўзларига тушди ва бу кўзларда шод-хуррамлик ўрнини қаттиқ бир азоб эгаллаб олганини кўрди. Чунончи у тўла-тўқис рози бўлди.

— Йўқ, тўхтаб тур,— дея Отмасингҳ эшикка йўл олиётган Жасвантни тўхтади ва сунгра қизини койиган бўлди:— Бунақа ўжарлик яхши эмас, қизим. Синфдошингни ўзинг қандоқ мақтаб юрардинг. Бунинг хислатларини соатлаб таърифлаб берчамасдинг. Хеч бўлмаганда унинг билан йўқ бўлишга шунчаки қўрқиб қолганми...

— Ахир, дада, олдин айтсинлар нима ишлари борлигини,— отасининг гапини бўлиб деди Аруна.

Мастер Отмасингҳ қизини қувватлагандек Жасвантга қаради. Унинг нима демоқчи бўлганини сезиб ва Арунанинг талабини назарга олиб, Жасвант жавоб берди:

— Менинг ишим санъатга тааллуқли. Ҳозирча шуни айта оламан, холос. Арунажий мен билан борсалар, бундан ортиқ гапириб ўтиришнинг ҳам ҳожати қолмаса керак.

— Хўп, борганим бўлсин.— Шундай деди-да, Аруна отаси билан Жасвантга катта яхшилик қилаётгандай бўлиб ўрнидан турди. Жасвант иккови йўлга тушишди.

\* \* \*

Катта кўчага чиқиб рикшага ўтиришгач, Жасвант Арунадан сўради:

— Бир оз тобингиз бўлмаганга ўхшайди, а?

— Йўқ.

— Анчагина озиб қолганга ўхшайсиз. Ўқишни тамомлаб олган бўлсангиз керак, а?

— Ҳа,— тишлари орасидан жавоб берди Аруна.

— Дипломни олдингизми?

— Ҳа.

Кўчага чиқиши билан Арунанинг бошқатдан жаҳли чиқа бошлади. Жасвант Амритсардан кетиб қолиб, бошқа бирор шаҳарда шунча вақт ўтказиб келган бўлганда, Аруна ҳойнаҳой бунчалик хафа бўлмасди. Лекин шу шаҳарнинг ўзида туриб ҳеч таниш-билишлиги йўқдек ундан юз ўгириб юрибди. Рикшада ўтириб кетаркан, шуни ўйлаган сари унинг ғазаби қайнаб бормоқда эди. «Шунча кунгача эсига келмабману, бугун келиб тўсатдан озиб қолганимни айтиб, ўқишларимни сўраб юрибди. Яна бу сурбетлигини қара!» деб ўйларди Аруна.

Саволларига Арунанинг жуда кўнгилсизлик билан қуруқ-қуруқ жавоб беришини кўриб, Жасвантнинг кўнглига қаттиқ озор етди. У яна бир нарса дейишга ор қилди. Чунончи бутун йўл бўйи иккови нафасини ичига ютиб кетаверди. Ниҳоят бир жойга бориб Жасвант рикшани тўхтатди ва икковлари рикшадан тушишди.

Аруна Жасвантнинг кетидан борар экан, унинг қалбида Жасвантга нисбатан ғазаб ўти борган сари баттароқ яллиғланиб борарди. «Менинг бу ерга келишим санъатга тааллуқлимиш!— деб ўйлаб борар эди у.— Рост шундоқ экан, бор гапни дадамга бирма-бир айтмайдими? Бунинг қанақа яширадиган жойи бор эди? Санъатга тааллуқли ишмиш. Санъатга тааллуқли...»

Лекин бир вақт қараса, Жасвантнинг кетидан бир эшикка кириб кетяпти.

Икковлари бир хонага киришди. Ундан яна бир хонага ўтишди. Аруна хоналардаги ҳар бир нарсани қизиқиш кўздан кечирган ҳолда Жасвантнинг кетидан борарди. Иккинчи хонага киришгач, Жасвант дарҳол электр чироқни ёқди. Тахминан икки юз шамли лампочка нуридан кичкинагина хона ярақлаб кетди.

— Ўтиринг,— деди Жасвант курсига ишора қилиб. Аруна худди сеҳрлангандек курсига ўтирди. Жасвант ҳам ёнидаги курсига ўтирди.

Аруна Жасвантнинг оғзидан чиқадиган гапни шундай сабрсизлик ва иштиёқ билан кутардики, йўл бўйи унинг юрагини тирнаб келган ачинқ туйғулар бирдан қаёққадир ғойиб бўлгандек туюларди. Беш минут ўтиб кетди. Аруна ҳамон Жасвантнинг лабларига тикилиб ўтирарди. Лекин у лаблар гўё очилмас-

ликка қасам ичгандек эди. Ниҳоят Аруна ўзи оғиз очишга мажбур бўлди:

— Хўш, гапиринг.

— Нимани гапирай?— деди Жасвант гўё Арунани у олиб келгани йўқ, балки унинг ўзи ўз оёғи билан бекордан-бекорга кириб келгандек.

— Ахир мени бу ерга нимага олиб келдингиз?— деди жаҳли чиқиб Аруна.

— Арунажий!— деб гап бошлади Жасвант, гўё Арунанинг жаҳл билан берган саволини эшитмагандек.— Сизда менинг шунчалик ҳам ҳақим йўқмиди?

— Қанақа ҳақ?— Аруна тагин ҳам баттар тутақиб кетди.— Мен сизнинг кимингиз бўламанки, сизнинг менда ҳақингиз бўлади?

— Жуда унча бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда...

— Келинг, ишга ўтинг,— газаб билан унинг гапини чўрт бўлди Аруна.— Нимага олиб келган эдингиз мени бу ерга?

— Ахир бирор мақсад билан олиб келгандирман,— шундай деб Жасвант илжайди.— Миям айниб қолгани йўқки...

— Мен бу ерга сиздан лекция эшитишга келганим йўқ. Мен кетдим.

Шундан деди-да, у ўрнидан турди. Жасвантнинг илжайиши унинг сабр косасини тўлдириб юборган эди.

— Кетишга шунчалик ошикиб турган бўлсангиз, мен сиздан каттароқ ҳақни сўрашга ҳақим йўқми?— деди Аруна лабларини ҳам енилиб кетди.

— Миннатдорман,— деди Аруна ва эшикка қараб йўл олди. Лекин ҳали ташқари хонага чиққанича йўқ эдики, Жасвант орқасидан айтиб қолди:

— Лекин фақат бир минутгина мана бу ёққа қараб қўйинг.

Жасвантнинг қилган сурбетлигидан газаби қайнаб, тезроқ шу ердан чиқиб кетишни ўйлаб турган Аруна бу гапни эшитиб, негадир таққа тўхтади ва газаб тўла бир хўрсиниб орқасига қайрилиб қаради. Шу орада Жасвант ўрнидан туриб бурчакдаги тумбочка ёнига бориб туриб олган эди. Аруна қайрилиб қараши билан у артистча бир тарзда тумбочканинг устини бекитиб турган пардани очиб юборди. Парда орқасидаги нарсани кўрди-ю, Арунанинг кўзлари қамashiб кетди ва танаси турган жойида ёғочдек қотиб қолди. Унинг иккала кўзи ўша нарсага қадалди-қолди. Лаблари эса борган сари бир-биридан узоқлашиб борарди. Бир минут, икки минут, уч минут, тўрт минут ўтди, лекин Аруна ҳамон нафаси ичига тушиб қимир этмай турарди. Ниҳоят Жасвант унинг бу вазиятини бузди:

— Бўпти, Арунажий, энди кетишингиз мумкин.

Жасвантнинг бу жумласини бедаблик ҳам дейиш мумкин эди, кесатиш ҳам. Аммо шу гапдан кейин Арунанинг оёқлари уни тезлик билан ташқарига олиб чиқиб кетиш ўрнига яна ичкарига судради.

Унинг иккала кўзи қаршисидаги нарсага тикилган эди. У гўё ойнада ўз аксини томоша қилмоқда эди. Унинг кўз олдида қаламнинг учини лабига босиб шодасидан сочилиб кетган орзу-армон марваридларини фазодан қидираётган Аруна турарди. Олдидаги ҳайкални юқоридан пастга синчиклаб кўздан кечириб оёғига келганида, икки нарса уни ниҳоятда ҳаяжонга солди: ҳайкалдаги Арунанинг оёқлари соппа-соғ эди, бу — бир, иккинчидан, ҳайкал ўрнатилган обнус ёғочига чиройли ҳарфлар билан «Туш кўраётган гўзал» деб ёзиб қўйилган эди.

Жасвант икки кўзини Арунага тикиб унинг ҳар бир ҳаракатини, юз-кўзидаги ҳар бир туйғуни диққат билан кузатиб турарди. Бирдан Арунанинг танаси бир томонга огаётгандек бўлди. Унинг йиқилиб кетишига кўзи ётиб, Жасвант дарҳол ҳайкалча-ни парда билан бекитди. Сўнгра Арунани кўлидан ушлаб суяган ҳолда курсига олиб келиб ўтқазиб қўйди-да, ўзи ҳам унинг қаршисига ўтирди. Анча вақтгача Аруна киприк ҳам қоқмай, бутунлай ҳис-ҳаракатсиз ўтирди. Кейин ҳуши ўзига келгандек, қаршисида ўтирган Жасвантнинг кўзларига тикилди. Бу оддийгина кўзларда шу пайтда унга кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган бутунлай бир янги дунё кўринмоқда эди. Шундай бир дунёки, уни у шу кунгача ҳойнаҳой ўзининг сочилган ва узук-юлуқ тушларида кўриб келган эди.

Узоқ вақтгача хона ичида ёқимли бир сукунат ҳукм сурди. Ниҳоят Жасвантнинг овози бу сукунатни бузди:

— Арунажий! Мен сизни шу мақсадда безовта қилувдим-ки...

Лекин энди Арунанинг тили ҳам ниҳоят гапга киришга ошиқмоқда эди. У Жасвантнинг гапини бўлди:

— Уҳ! Сиз... сиз...— шу сўзларни айтди-ю, лекин тили яна нимагадир гўлдираб қолди.

— Ҳўш, нима деяётган эдингиз?— сўради Жасвант бир оз кутгандан кейин. Лекин Арунадан садо чиқмади. Бир оз жим ўтирганидан кейин Аруна, ниҳоят ўз ҳис-туйғуларини жиловлаб олди-да, яна гапга тушди. Лекин бошлаб қўйган гапини нутиб, бутунлай бошқа нарсани гапира бошлади:

— Мени кечирасиз, Жасвантжий. Мен сизга зулм қилган э-анман.

— Зулм қилган эканман? Сиз-а?

— Ҳа,— жавоб берди Аруна ўзини яна ҳам қўлга олиб.— Мен ўйлаган эдим, сиз... сиз...

— Менга қаранг, Арунажий.— Бир оз зарда қилгандек бўлиб деди Жасвант.— Кечирасиз-у, лекни мен сизнинг гапингизга ҳеч тушунмаяпман. Сал очиқроқ қилиб гапиринг.

— Мен ўйлаган эдим...— Ўша-ўша оҳангда давом этди Аруна, Жасвантнинг гапига парво қилмай,— мен сизни жуда ҳам қуруқ экан, мақтанчоқ экан, мени назарига илмай улоқтириб кетди, деб ҳаёл қилган эдим. Лекин...

— Сизнинг шундай деб ҳаёл қилишингиз турган гап эди, Арунажий,— деди Жасвант ҳамдардлик билдирган тарзда.— Ўзимнинг бевафолигимни ўйлаб мен ҳам унча-мунча қайғурганим йўқ. Аммо Арунага сажда қилиш кўйидагина Арунани унутиб ўтирибман деган ҳаёл менга тасалли берарди.

— Лекин мен сиздан бир нарсани сўрамоқчиман,— деди ҳаяжонини энди бутунлай босиб олган Аруна.— Сиз-ку мени ўшандан кейин бошқа кўрганингиз йўқ. Қўлингизда менинг биронта расмана суратим ҳам йўқ эди. Шунга қарамай, фил суягида мени аниқ-таниқ акс эттириш қанчоқ қилиб қўлингиздан келди?

— Менда сиз айтган нарсанинг иккови ҳам бор эди,— жавоб берди Жасвант.— Ўшалар бўлмаганда, ҳақиқатан ҳам бу иш менинг қўлимдан келмасди.

— Иккови ҳам бор эди? Қаёқда?

— Мана бу ёқда,— кукрагининг чап томонига кафтини қўйиб жавоб берди Жасвант.— Сиз бир роҳибанинг ҳайкалининг ясаган битта карнотаклик сангтарошнинг қиссасини эшитганингиз?

Аху, эшитган эмасман.

Жасвант ўша қиссани ҳикоя қила бошлади. Бу қисса Орис-са вилоятида катта-кичик ҳар бир одамнинг оғзида бўлиб, Карнотак ҳокими Нарсингхдев қурдирган «Қуёш ибодатхонаси»га тааллуқли эди. Бу ибодатхона 238 йили қурила бошлаб, 264 йилда битган. Буни бунёд этиш учун уч мингта одам эртаю кеч тош йўнган. Шу уч мингта сангтарошга Кунорак исмли бир машҳур ҳайкалтарош бошлиқ экан. Бир куни ужайинлик роҳибаларнинг бир гуруҳи шу қурилаётган ибодатхона томоша қилгани келибди. Улар ҳамма нарсани бирма-бир кўздан кечириб юриб, ҳалиги Кунорак деган энг катта ҳайкалтарош ишлаб турган жойга келишибди. Ўша вақтда Кунорак ҳамма нарсани унутиб, маъбуда Маҳомайянинг ҳайкалининг яшаш билан банд экан. Роҳибаларнинг бошлиғи Қаништҳа ҳайкалтарошнинг орқасида тўхтабди-да, у яратаётган ҳайкалга тикилиб қолибди. Шу пайт бирдан Кунорак орқасига қайрилиб қолибди-ю, унинг кўзи худди ҳайкалдек қотиб турган Қаништҳага тушибди. Қаништҳанинг ўша туриш-турмуши ҳайкалтарошга шундай зўр, шундай эсдан чиқмайдиган таъсир қилибдики...

Худди шу ерга келганда Жасвант қараса, Аруна ҳам худди ҳайкал сингари қимир этмай қотиб ўтирбди.

— Эшитяпсизми, Арунажий?— деб сўради у ва Аруна «ҳа» деб бош қимирлатгач, ҳикоясинн давом эттирди: — йигирма олти йил деганда ибодатхона битиб, тайёр бўлибди. Подшоҳнинг амри билан унинг очилиш маросими бўлибди. Шу маросим бўлаётган вақтда бирдан-бир ёмон воқеа юз бериб қолибди. Ибодатхонанинг деворларига гир айлантириб маъбуд-маъбудаларнинг ҳайкаллари ишланган экан. Подшоҳ сарой аҳллари билан бирга ўшаларнинг ҳаммасини бирма-бир кўздан кечириб юриб, асосий ҳайкалнинг ёнига келибди. Уни кўрибди-ю, подшоҳ: «Оҳ! Гуноҳга ботдик. Қиёмат-қойим бўлди. Бу маъбуда Маҳомайянинг ҳайкали эмас. Бу Ужжайн ибодатхонасидаги бош роҳиба Каништҳанинг ҳайкали-ку», деб бақириб юборибди.

Эртасигаёқ подшоҳ шу каттакон гуноҳи учун Кунорак ҳайкалтарошни дорга остирибди.

Бу қиссани айтиб бўлгач, Жасвант Арунага қараб яна шундай деди:

— Кунорак ҳайкалтарош билан роҳиба тўғрисидаги бу қисса қуруқ эртак эмас, Арунажий. Бу бўлган нарса. Бир қанча кун бўлди, мен ҳам бир саёҳатга чиқувдим. Ўша саёҳат вақтида Ориссага ҳам бордим. Атайлаб ўша «Қуёш ибодатхонаси»ни кўришга бордим. Бу ибодатхона шундай денгизнинг бўйида бир-бир ярим мил жойни эгаллаган. Лекин бузилиб-ёрилиб жуда хароб бўлиб ётибди. Кетганича ҳаммаси маъбуд-маъбудаларнинг ҳайкаллари. Ўшаларнинг ичида ҳалиги мен айтган Кунорак ҳайкалтарош ишлаган Каништҳанинг ҳайкали ҳам бор экан. «Қуёш ибодатхонаси»да Қуёшнинг ўзи-ку йўқ, аммо Каништҳанинг ҳайкалидан сочилиб турган ёғду «санъатга эътиқод» нури билан кишининг қалбини мунаввар қилади.

— Энди тушундим,— деди эс-ҳушн бутунлай ўзига келган Аруна.— Демак, тақсир, сиздаги сеҳр-жодунинг ҳаммаси ўша санъат ёғдунининг асари экан. Бундан чиқди ўша роҳибанинг ҳайкали сизга руҳ багишлаган экан-да. Шунинг учун сиз бошқа бир роҳибанинг ҳайкалини шундоқ усталик билан ишлабсиз.

— Роҳиба ҳайкалини, яъни, қуёшнинг бир нурини денг. «Аруна» нинг маъноси нималигини биласизми. «Арун» деб қуёшни айтилади. «Аруна» «қуёш қизи», яъни «қуёш нури» демак. Ростини айтсам, мен ҳам қачонлардан бери бир нурни ахтариб юардим, менинг кўнгил уйимни санъат...

— Ҳа, бўпти энди,— уни тўхтатди Аруна.— Ўзингиз айтган

гапни ўзингиз яна йўққа чиқаряпсиз. Ҳу анави илгариги уйингизга бир келганимда айтган гапингиз эсингиздами?

— Йўқ, эсимда йўқ. Нима девдим?

— Бир парча тошнинг ичига санъаткор ўз руҳини жойлаб қўймагунча, у тошнинг ҳеч қанақа қиммати йўқ, деган эдингиз. Мана шу ҳайкалча ҳам бир тош ҳисоб. Келинг, тош эмас, фил суяги денг. Лекин жонсизгина бир нарса эди. Сиз бунга жон киритдингиз ва бундан ташқари яна ҳеч ким билмайдиган-танимайдиган бир бахти қаро қизни ётган жойидан турғизиб, одамлар қаторига қўшиб қўйдингиз. Бунинг ҳаммасини ҳам қўяверинг, сиз менинг оёғимдаги анави қора доғни ювиб ташлабсиз. Қандай чиройли сиз яратган бу «Аруна» нинг оёқлари! Жасвантжий! Утиниб сўрайман, бир-икки минутга юзидаги пардани олиб ташланг. Мен ҳали кўриб тўйганим йўқ.

Жасвант ўрнидан туриб, пардани олиб ташлади.

Аруна яна бир марта бутун вужуди билан ўша бир парча фил суягига тикилди. Арунанинг иккала кўзи ҳайкалчада эди. Жасвант эса унинг яратилиш тарихини сўзламоқда эди. Бутун бир йилгача кечаю кундуз шу ҳайкалчани ясаш билан машғул бўлганини, секин-аста уни тегишли қиёфага киритиб, ўз руҳини унинг ичига жойлаб борганини батафсил гапириб берди у.

Жасвант бу ҳайкалчани Деҳлидаги кўرғазмага атаб ясай бошлаган эди. Унинг юз-кўзидаги ифода мукаммаллашиб борган сари, унга Жасвантнинг меҳри ортиб борди. У ўнга ён-маёнқ бўлиб қўлиб олган эди. Унинг оёқларида ҳам, тугаю ҳам кетди, лекин ўшанга атаб бир нарса қилаётгани Жасвантнинг эсидан ҳам чиқиб кетган эди. Ҳайкалча битишга келганда эса Жасвантнинг унга бўлган меҳри ортиб бориб, «ишқ» даражасига етиб қолган эди. Бу ҳайкалчадан жудо бўлиш ўз жонидан жудо бўлиш билан баробар деса бўларди. Ўзундан-узоқ ўн икки ой ўтиб кетди. Бу орада акаси уйланди ҳам, хотининикига ичкуёв бўлиб кетиб ҳам қолди, ундан кейин ота-онасининг ҳоли нималар кечди — буларнинг ҳеч биридан унинг хабари ҳам бўлмади. Ҳатто бир неча ойгача ижара ҳақини тўламагани учун уй эгаси ўтирган уйдан чиқариб ҳам юборди. Шундан кейин ҳам ҳуши ўзига келмади.

— Яхшиямки, оғайним Пракош бор экан. Ўша яхшилик қилиб мени ўз уйига олиб келиб жойлади. Бунинг устига мени боқиб-кўриш ва ҳоказоларни ҳам бус-бутун ўз устига олди.

Аруна гапларини эшитяптими, йўқми, бунга парво қилмай, Жасвант ўз достонини айтишда давом этди. Ун икки ойлик бутун саргузаштини сўзлаб бўлгач, у Арунанинг бетига назар солди-ю, бу гапларнинг ҳаммасини Арунага эмас, тумбочка устида турган ҳайкалга гапирганини ҳис этди. Аруна эса ўтирган

жойида. бутунлай бошқа бир дунёни сайр этмоқда эди. Қисса тугагандан сўнгина унинг хаёли жойига келди.

— Ҳеч нарсани эшитдингизми?— сўради Жасвант Арунанинг фикр-хаёлини ҳайкалчадан ўзига буриб.

— Кечирасиз, менинг хаёлим анави ёққа кетиб қолибди,— жавоб берди Аруна.— Шундоқ бўлса ҳам гапингизнинг деярли ҳаммасини эшитдим. Лекин сиз шу маҳалгача ҳам менга бир нарсани айтганингиз йўқ. Сиз мени бу ерга шуни кўрсатгани олиб келувдингизми ёки бирор бошқа иш бормиди?

— Шунга ҳам олиб келувдим, яна бошқа бир иш ҳам бор эди. Фақат ҳайкални кўрсатиш бўлганда-ку, бунча шошилишнинг ҳожати йўқ эди.

— Бўлмаса ўша ишни айтинг. Мен ҳам ўшанга ошиқиб турибман.

— Гап шундаки, Арунажий,— деб гап бошлади Жасвант,— шунча ишни қилиб бўлганимдан кейин ҳам битта нарсадан кўнглим безовта бўлиб турибди. У ҳам бўлса шуки, ҳаммаси аниқ-таниқ чиқмаган бўлса керак, аслидан фарқ қилиб қолган бўлса керак, деб хавотирдаман. Аслига солиштириб қанчалик фарқи бор-йўқлигини аниқлаб олмагунимча кўнглим ўрнига тушмайди. Фақат шу мақсадда мен сизни овора қилиб олиб келган эдим.

— Тоғни қазидим, сичқон чиқди. Ана холос!— кулиб юборди Аруна.— Бор-йўғи шуми? Фақат шуни билмоқчи бўлсангиз, мен сизни ишонтириб айта оламанки, тўла-тўқис муваффақиятга эришибсиз. Мен билан бунинг ўртасида, менинг назаримда, қилдек ҳам фарқ йўқ.

— Келинг, сизнинг гапингиз тўғриёқ дейлик,— бир оз ўжарлик билан деди Жасвант.— Лекин шу билан менинг кўнглим тўладиган бўлса, сиздан нима кетди? Келинг, бир туриб беринг.

— Менинг ҳеч қандай қаршилигим йўқ. Айтинг, қаерга бориб турай?— шундай деб Аруна ўрнидан турди.

— Ҳали бир оз илгари тумбочканинг олдида турган жойингиз бор-ку, худди ўша ерда туринг,— шундай дея чўнтагидан бир қаламни чиқариб Арунага тутқазди-да, давом этди:— шунинг очилган учини одатдагидек қилиб лабингизга бошиб олинг. Ҳайкалда кўряписиз-ку худди ўшандоқ қилиб.

Аруна қўлидан келганича шу кўрсатмага амал қилди.

— Йўқ,— деди Жасвант худди устоз шогирдига тушунтирган оҳангда.— Менга кераги фақат сизнинг лабингиз эмас, Менга кўпроқ юз-кўзингиздаги ифода, аниқса кўзларингизнинг қаёққа қараб туриши керак.

Аруна қўлидан келганича Жасвант айтгандек қилиб турди. Жасвант ҳали у томондан, ҳали бу томондан, ҳали яқинроқ

дан, ҳали узоқроқдан қараб Аруна билан ҳайкалчани таққослашга тушди. Аммо унинг юз-кўзидан Аруна вазифасини яхши адо эта олмаётгани кўриниб турарди.

— Кечирасиз, Арунажий,— деди у ниҳоят бир оз жаҳли чиққандек бўлиб,— юз-кўзингизда табассум деган нарсдан пом-нишон бўлмаслиги керак. Аксинча, хафалик, маъюслик, умидсизликка ўхшаган нарса бўлиши керак. Шунингизга нима қийинлиги бор? Сизнинг юз-кўзингиздан шундай туюладнки, гўё...— шунингиз деб туриб, у тўхтаб қолди.

— Нима туюлади?— Аруна ҳам сал қизишиб сўради.

Лекин бу саволга жавоб беришнинг ўрнига Жасвант яна деди:

— Кечирасиз, мен сизга бирор қийин ншнини топшираётганим йўқ-ку. Сизнинг уйингизга кириб борганимга жуда қанча вақт бўлди? Ўшанда юз-кўзингизда озгина бор эди. Ҳеч бўлмаса ўшани қайтара олмайсизми?

— Бу менинг қўлимдан келмайди,— деди хафа бўлиб Аруна ва аразлаб ўтириб олди.— «Ундоқ қил, бундоқ қил». Жуда қизиқ бўлди-ку бу! Натурачиликни шу бугун биринчи марта қилаётганим йўқ, Жасвантжий.

— Ундоқ бўлса, мен сизни бекорга оғора қилиб олиб кетман.— шундан дер экан Жасвант жаҳл билан курсига келиб ўтирди.— Билмаган эканман...

— Шундоқ ношуд қизга ишим тушганини.— Жумланинг тугатди Аруна.

Аруна Жасвант жавоб бермади. Илжайиб қўя қолди. Кейин бир нарса эсига тушиб қолди шекилли, жонланиб сўради:

— Айтгандек, Арунажий, анови қалам билан ишланган расм ҳали ҳам турган бўлса керак, а?

— Қайси?

— Ҳў бир марта бўёқ бермоқчи бўлиб олиб кетган эдингиз-ку, ўша.

— Уми? Уни мен аллақачон йиртиб ташлаганман.

— Йиртиб ташлаганман? Нега?

— Бир кунни ўтириб-ўтириб бирдан сиздан жаҳлим чиқиб кетувди.

— Жуда қизиқ гап: мендан жаҳлингиз чиқса-да, ўз расмингизни йиртиб ташласангиз! Ўша расм бўлганда ҳам, эҳтимол, иш битармиди. Ўша эҳтимол, сиздан ҳам кўра кўпроқ фойда берарди. Ростдан йиртиб ташлаганмисиз?

Аруна бир оз изза бўлган тарзда «ҳа» деб бошини қимирлатди.

— Лекин, Арунажий, у қоғоз бечорада нима гуноҳ бор эди?

— Қачон ўшанга қарасам, сиз эсимга тушардингиз,—

жавоб берди Аруна.— Сизни бўлса мен бир амаллаб унутиб юбормоқчи эдим. Ўша кунлари мен ўзим бир оз шунақа бўлиб қолган эдим. Тўғрироғи, сиз туфайли фигоним шундоқ осмонга чиқиб кетганидан ўшандоқ азиз нарсамни нобуд қилишдан ҳам тоймадим. Айниқса, ўша кунлари бўлган бир воқеадан кейин...

— Қанақа воқеа, Арунажий? Айтинг. Нега тўхтаб қолдингиз?

— Бир кун мен сизнинг ота-онангизнинг уйига борувдим.

— Борувдингизми ўша ерга?— қўрқиб сўради Жасвант.— Ростданми? Нега борувдингиз?

— Буни сиз ўзингизнинг дилингиздан сўранг.

— Хўп, майли. Кейин нима бўлди?

— Кейин нима бўларди, Жасвантжий? Дарёлар бўлади-ку, у ери чуқур, бу ери юза? Худди ўшандоқ бўлди.

— Топишмоқни қўйинг. Очиқ-ойдин гапиринг.

— Эшитиб нима қиласиз?

— Уйда кимлар бор экан?

— Ойингиз ёлғиз ўтирган эканлар.

— Ў! Ундоқ бўлса... ундоқ бўлса....

— Йўқ, жуда ҳам унақа ёмон иш бўлгани йўқ.

— Қарғиш-наргншлардан ташқари. Шундайми? -

Аруна ҳеч нима демади.

— Ундоқ бўлса, сизнинг жаҳлингиз чиқиши табиий экан,— деди Жасвант.— Менга жаҳл қилиб, меннинг жондек азиз нарсамга мушт кўтарибсиз-да?

— Жондек азиз нарсамга?

— Бўлмаса-чи. Ҳа, сизнинг фикрингизча ўша картон қогоз мен учун уч-тўрт пайсалик буюм эди холосми?

— Бўлмаса, сизнинг фикрингизча, мен учун лаъл-гавҳардан камроқмиди?

— Албатта!— жавоб берди кесатиб Жасвант.— Ахир худди шу лаъл-гавҳарни одамлар пўчоққа қўшиб ахлатга ташлаб юборади-ку. Шундоқ эмасми?

— «Қулоқни оғритган тиллани ер ютсин» деган гапни эшитмаганмисиз? Лаъл-гавҳар агар бигиз бўлиб юракни тешаверса, одам уни олиб улоқтирмай нима қилади? Ўзингиз айтинг.

— Келинг, бу гапларни қўйинг, Арунажий.

— Шу-да. Жавоб топиб беролмовдингизки, келинг, қўйинг. дейишга тушдингиз.

Жасвант бир оз уялиб, кулди.

Яна анча маҳалгача уни-буни гаплашиб ўтиришди. «Жасвантжий! Энди уйдагилар билан қачон ярашасиз?»— деб Аруна сўради. «Дипломни олибсиз. Энди у ёғига нима қилмоқчисиз,

«Арунажий!» деб Жасвант савол берди. «Ўзингиз нима қилмоқчисиз энди?»— деб яна Аруна сўради. Шунақа саволларни бериб, уларга жавоб бериб яна анча вақт бирга ўтиришди.

Аруна кетмоқчи бўлиб ўрнидан турганида катта бир ўзгариш содир бўлганини ҳис қилмоқда эди. Гаплашиб ўтириб-ўтириб қачон Жасвант Арунанинг пинжига келиб ўтирди, қачон ва қандай қилиб Арунанинг қўли Жасвантнинг қўлига тушиб қолди— булар Арунанинг эсида йўқ эди.

— Хўп, Жасвант, энди рухсат берасиз. Жуда кеч бўлиб кетди,— Аруна ўтирган жойидан турар экан деди.

— Келганингизга раҳмат, Аруна.— Шундай деб Жасвант ҳам ўрнидан турди.— Анчагина вақтингизни олдим, кечирасиз.

Бу «кечирасиз»га Аруна фақат табассум билан жавоб берди.

Иккови бир-бирининг номини айтганда «жий» қўшимчасини қандай қилиб тушириб қолдирди? Билиб турибми, билмасданми? Шу «хато»нинг ўтиб қолганидан иккови ҳам беҳабар эди.

### 31 боб

«Худога етишганида одам қандай кайф қилади — буни мен билмайман. Чунки мен худонинг ҳеч учратгани эмасман. Лекин мен шу нарсани тўла ишонч билан айта оламанки, ҳинда иним қолмайди».

Улуғ рус ёзувчиси Максим Горькийнинг шу гапи агар рост булса, унда шунини айтиш керакки, уйини ташлаб чиқиб кетгандан кейин Жасвант Рампракош исмли йигит қиёфасидаги худога етишибди.

Рампракошнинг ота-онаси-ку унга унча-мунча уй-жой қолдириб кетган эди. Лекин ризқ-рўз топиш унинг ўзининг зиммасига тушди. У «Оммабоп универсал магазин» деб аталган бир катта дўконда анча вақтдан бери сотувчи ва ҳисобчи бўлиб ишлаб келарди. Уй-жой ўзиники эди. Оиласи бор-йўғи уч кишидан иборат эди — ўзи, хотини, кичкина боласи. Чунончи оладиган маоши ўзига етиб, турарди. Уйининг ярмини ижарага қўйган бўлиб, ундан ҳам бир оз даромад қиларди.

Жасвант билан Рампракош ўртасидаги оддийгина танишлик тез орада дўстликка айланиб кетишини бир тасодифий нарса дейиш мумкин.

Уйдан бош олиб чиқиб кетгач, Жасвант оёққа туриб олишга ҳаракат қилар экан, дастлаб бир оғайнисининг уйида ўтириб фил суягидан европача тарзда бўйинга тақадиган бир

яҳши зевар ясади. Ўз уйидалик вақтида ҳам у ўқтин-ўқтин шунақа нарсаларни ясаб турарди. Лекин жуда кўнгил қўйиб ишлашнинг иложи бўлмасди. Чунки отаси билан акасининг «Тез бўл! Тез бўл!»и яланғоч қилич бўлиб тепасида турарди. Ўзига ўзи хўжайин бўлиб шоширадиган ҳеч ким бўлмагандан кейин, ҳойнаҳой умрида биринчи марта шу тақинчоқни шошмасдан жуда кўнгилдагидек қилиб ишлади. Бунақа буюмлар Деҳли бозорида катта пулга сотилишидан, уларга талаб катталигидан хабарн бор эди.

Кўпдан бери Бҳажансингх «Панжоб ҳунармандлик буюмлари» фирмаси билан савдо-сотиқ қилиб келарди. Лекин Жасвант тез кунда бу қабилдаги савдогарларнинг ҳийла-найрангларини билиб олди: улар ҳунармандларнинг пешана териси билан топган пуlining ярмини ўз чўнтагига соларкан. Чунончи у одам қилган меҳнатига тўла ҳақ оладиган жойни қидира бошлади. Кимдир, «Оммабоп универсал магазин» эгалари ҳам фил суягидан қилинган буюмлар билан савдо қилади, савдо қилганда ҳам жуда кенг кўламда, деб айтиб қолди. Чунончи, Жасвант янги ясаган буюмини кўтариб ўша дўконга борди. Худди ўша пайтда иттифоқан дўконнинг эгаси йўқ экан-у Жасвант Рампракош билан гаплашиб қолди. Рампракошдан шу нарса маълум бўлдики, Жасвантнинг усталик шуҳрати кенг тарқалган экан. У ясаган буюмларни «Оммабоп универсал магазин» нинг эгаси ҳам «Панжоб ҳунармандлик буюмлари» дўконидан кўрган экан ва ўшандан бери у билан учрашишни орзу қилиб юраркан. Рампракошдан бу гапларни эшитиб, Жасвантнинг руҳи ҳам кўтарилди, жуда хурсанд ҳам бўлди. Аммо Рампракош баъзи бир сир-синоатларни айтгач, «Ҳамма бўриларнинг ҳам оғзи қон экан» деган қарорга келиб, ҳафсаласи пир бўлди. Шундай қилиб, у эртасига Рампракош билан унинг уйида учрашмоқчи бўлиб келишиб, олиб борган молини қайтариб олиб келди.

Эртасига Рампракош ўз уйида Жасвантга яна бир қанча сирларни айтиб берди. Чунки, унинг ўзи бу савдогарнинг, айтиқса ўз хўжайинининг кирдикорларидан жуда ғазабланиб юраркан.

Рампракошнинг маслаҳатига кўра, Жасвант ўша буюмни Деҳлидаги бир дўконга юборди. Амритсардаги савдогарлар ўша буюмга жуда кўпи билан эллик ёки олтмиш рупия берарди. Деҳлидаги дўкондан эса Жасвант юз эллик рупия олди, яъна икки ярим-уч баравар ортиқ.

Икковининг дўстлиги мана шундан бошланди. Тез кун ичида шу оғайнисининг ёрдами билан Жасвант бир жойни ижарага олиб, жойлашиб олди.

Бир оз кундан кейин Жасвант билан Рампракош анча қалинлашиб қолишгач, ҳунармандлик ишини бошқачасига уюштиришнинг режасини туза бошлашди, яъни кооператив тузишни мўлжаллай бошлашди. Лекин, ўша кунларда Жасвант бир томондан, рассомлик мактабида ўқимоқда эди, иккинчи томондан, кўргазмага атаб бирор нарса ясашнинг пайига тушган эди. Шундай қилиб, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолган эди. Унинг кўргазмада қатнашиш қарорини Рампракош ҳам қувватлади.

— Чиндан ҳам, оғайни,— деб Жасвантга далда берди у,— агар шу ишда муваффақиятга эришсанг, шу баҳона билан сен ҳаётда катта йўлга чиқиб оласан. Белингни маҳкам боғлаб ишга тушавер. Ҳар қанча вақт кетса, кетаверсин. Агар шу иш туфайли ўқишни ташлашга тўғри келиб қолса ҳам, зарари йўқ,— деди Рампракош.— Шу ишни қойил қилсанг, марра сеники — ўша билимини эгаллаган бўласан.

Шундан кейин худди шу Рампракошнинг муруввати билан, ўша берган икки юз рупияга ёнидан юз эллик рупияни қўшиб, Жасвант қўлини ўргутсин бир фил суяги сотиб олди.

Шундай қилиб, Жасвант жон-жаҳди билан ўша ишга ўтирди. Лекин бир неча кун ўтгандан кейин бу йўлда турган энг катта бир ровин кўриб қолди. У ҳам бўлса ровин масаласи эди. Бир йил ёки олти ойда мўлжаллаган ишнинг қилиб ётса, унда бунинг қорини ким тўйгазди-ю, уйнинг ижара ҳақини ким тўлайди — шу масала қўйдаланг бўлиб қолди. Рампракош чи-

Аммо Жасвант бунга кўнмади. Ўзига ўхшаш жафокаш бир дўстининг елкасига шундай оғир юкни ортиб қўйишга кўнгли бўлмади. Охири Рампракош бу қийинчиликдан қутулишнинг бир осон йўлини кўрсатиб берди, яъни у ганчдан ҳайкалчалар ясашни маслаҳат берди, ҳатто керакли хом ашёни олиб келиш ва тайёр молини олиб бориб сотишни ҳам у ўз устига олди. Ганчдан ҳайкалчалар ясаш қийин иш эмас эди. Бор-йўқ қийин жойи қолип ясаб олиш эди. Ундан кейин ганчни қориб, тайёр қолипга солиб ташлайверади. Чунончи бир ҳафта босиб ўтириб, қолип ясади-да, анча-мунча мол тайёрлаб олди. Энди талай кунгача қорин ва бошқа нарсанинг гамини қилмай, бемалол ўз ишини қилавериши мумкин эди.

Лекин парироқ бориб яна бир қийинчилик чиқиб қолди. Жасвант қилаётган ишга шундай берилиб кетдики, ганч билан шуғулланишга вақтини кўзи қиймай қолди. Натижа шу бўлдики, уйнинг ижараси тўланмай қолиб кетди. Уй эгаси қаттиқроқ эди. Бунинг устига ижара ҳақини каттароқ тўлашга тайёр турган одамлар бор эди. Чунончи, уй эгаси, ёки ижара ҳақини вақ-

тида тўла, ёки чиқиб кет, деб тиқилинч қила бошлади. Рампракош бундан хабардор бўлиб қолди-да, қўярда-қўймай Жасвантнинг ўз уйига кўчириб олиб кетди. У иккита кичкина-кичкина хонани Жасвантга бўшатиб берди ва шу билан бирга Жасвантнинг боқиш-кўришни ҳам тўла-тўкис ўз устига олди. Хотинининг бугунми-эрта кўзи ёрийдиган эди. Шу сабабдан уйдаги меҳмонга қарай олмасди. Чунончи Рампракош унча қўриб етмаса-да, дўсти учун бир болани хизматкор қилиб олди.

Жасвант бошқа ҳамма нарсани эсидан чиқариб иш билан машғул бўлди. Ҳатто овқат ейиш ҳам эсига келмасди. Буни кўриб Рампракош уни қаттиқ койирди. Лекин Жасвант кулиб енгарди.

— Пракош дўстим, сен мени бекорга койийсан, — дерди у. — Мен бу ишдан шунча руҳий озىқ оламанки; ўн кун овқат емасам ҳам, менга ҳеч нарса қилмайди...

Рампракош баъзан нима дейишни билмай қоларди. Лекин қўпинча Жасвант ўн соат-ўн икки соатлаб қимирламай ишлаб қолган пайтда Пракош уни қўлидан ушлаб ўрнидан турғазардиди, йўқ деганига қўймай, очиқ ҳавода айлантиргани олиб чиқиб кетарди. Қайтиб келгач, олдида олиб ўтириб овқат едирарди ва кейин анча вақтгача иккови гаплашиб ўтиришарди.

Жасвантга сабр-тоқатдан худо берган эди. Ахир битта ишни бир йилдан бери эртаю кеч қилиб келарди. Лекин чарчашу зерикш нималигини билмасди. Рампракошнинг сабр-тоқати эса ундан ҳам зўр эди. Бутун вужудини санъатга бағишлаган дўстим заррача озор чекмасин, фикри бўлинмасин, қилаётган муқаддас ишига халал етмасин, деб қўлидан келганича ҳаракат қилди. Жасвантнинг чекаётган рибзати яхши натижа беришига унинг ишончи комил эди.

Вақт ўтиши билан Рампракош Жасвантнинг барча сирасорини билиб олган эди. Унинг ўжарлигини ҳам биларди. Шунинг учун унинг кўнглига қараб иш тутди. Хизматкор боланинг қиладиган иши фақат Жасвантга қараш, нон-чойини айтган вақтида ҳозир қилиш, шунга ўхшаш ишлар эди. Рампракош ўзи ҳам кунда бир-икки маҳал Жасвантнинг олдига кирарди, қиладиган ишини кўздан кечириб беш-ўн минут гаплашиб-сўзлашиб чиқарди. Жасвант эса бир минут вақтини ҳам бекорга кетказмай, йўниш-тарошлар билан машғул бўларди.

Нихоят бир куни Рампракош қоронғи тушгандан кейин Жасвантнинг олдига кириб борувди, у ўзини осмонга этиб дўстига бир хушхабар эшиттирди.

— Пракош! Менинг ишим битди. Шу бугун кечаси яна бир ўтириб у ёқ-бу ёғини тўғрилаб, силлиқлайман холос. Шунинг учун худо ҳаққи, шу бугун менга халақит бермагин.

«Халақит бериш қаёқда. Хоҳлаган вақтинггача ишла» деб кўнглидан ўтказди Пракош. У шу пайтда ҳайкални томоша қилар экан, Жасвантнинг қўлларини ўпиб-ўпиб олгиси, унинг нозик-нозик асбобларига эгилиб сажда қилгиси келарди.

Бугун эрталаб Рампракош ҳар кундагидан эртароқ уйғониб кетди. Ужар Жасвант, ўзи айтганидек, бугун ҳойнаҳой, тун бўйи ишлагандир, деб ўйлади-да, унинг хонасига қараб йўл олди. Келиб қараса, хонанинг эшигига ичкаридан илмоқ солинган. Чирок ёниб турибди. Эшикнинг тирқишидан ичкарига мўралади. Қараса, ичкарида Жасвант орқа-ўнгига қарамай ишлаб ўтирибди — ҳайкалнинг сиртига мой беряпти. Рампракош эшикни тақиллатмоқчи бўлди, бироқ кейин «бу ибодат қилиб ўтирган одамнинг ибодатини бузишдек гап бўлади» деб ўйлади-да, қайтиб кетди.

Рампракош одатдагидек эрталаб барвақт бир ўзи ўтириб нонушта қилди-да, ишига жўнаб кетди. Кета туриб хизматкор болага, «Сардоржий эшикни очишлари билан даррўв нонуштани олиб бор» деб тайинлаб кетди.

Хўжайиннинг буйруғига биноан бола бирпасдан кейин хабар олгани борувди, қараса, эшикка қулф солинган.

\*  
\*  
\*

Жасвантнинг олдига кирди. Жасвант ҳайкални тугатган ва неча кунлардан кейин бугун биринчи марта стулда ҳеч нарса қилмай бўшгина ўтирган эди.

Жасвант ҳойнаҳой Рампракошни кутиб ўтирган эди. У кириб келиши билан бугун кун бўйи бўлиб ўтган воқеаларни унга сўзлаб кетди — эрталаб вақтли чиқиб, Арунанинг уйига борганини, уни олиб келганини, бу ерга келгач, икковининг ўртасида қандай гаплар бўлганини — ҳаммасини гапириб берди. Кейин унга ҳайкални кўрсатди.

Жасвантнинг қиссаси жуда узун ва мароқли эди. Рампракош Аруна тўғрисидаги гапларни Жасвантнинг оғзидан биринчи марта эшитиши эмас эди. Аруна тўғрисида Жасвант нимаики билса, унинг тўғрисида Жасвантнинг нимаики фикри бўлса, ҳаммасини Рампракош билиб олган эди. Лекин бугунги гаплар бутунлай бошқача эди. Бу гапларни эшитиб ҳамда ҳайкални кўриб, Рампракошнинг севинчи ичига сигмай кетди.

Бу суҳбат икки ярим соатча давом этди. Ниҳоят суҳбат тугаб, Рампракош ўрнидан тураётганда бугунги бир эмас, икки

ютукдан чехраси гулдек товланиб турган Жасвант унга қараб деди:

— Пракош! Қанча вақтдан бери энди шу бугун мириқиб ухлайдиган бўлдим. Қачондан бери шунинг орзу қилиб келганимни билсанг эди!

Бунга жавобан Рампракош айёрона илжайиб, бир фильмда айтиладиган қўшиқнинг қўйидаги мисраларини куйлаганича ташқарига чиқиб кетди:

Ухла, севги шайдоси, ухла,  
Ухла, кўзим қароси, ухла.  
Ширин-ширин тушлар кўргин,  
Тушда висол кайфини сургин.

### 32 боб

— Наша чекиб ўринга ётганмидинг нима бало? Соат ўн бўляпти.— Рампракош Жасвантни туртиб уйғотди.

Чиндан ҳам соат ўнга яқинлашиб қолган эди, якшанба бўлгани учун Рампракош уйда бўлиб, дўсти билан бирга нонушта қилиш ниятида эди. Кейин кечаси Жасвантнинг уйқуси келиб, қиссаси чала қолган, бугун эса шунинг давомини эшитишга муштоқ эди. У бир қанча вақтдан бери мириқиб ухлашни орзу қилиб келган дўстини безовта қилишга кўнгли бўлмай, узоқ кутди. Лекин охири сабри чидамади.

Рампракош ҳадеб турткилайверганидан кейин Жасвант бир вақт кўзини очди. Рампракош ҳазиллашди:

— Тушингда Аруна келиб, бирор нарса искатиб кетдимидейман?

Жасвант керишиб туриб илжайди.

— Бўдса бордир. Бугун жуда...

— Хўп, бўпти, тур!— Рампракош унинг қўлидан ушлаб торга бошлади.— Худого шукур-е, ҳартугул, мени танидинг. Жин-пин деб ўйлаб бақириб юборасанми деб турувдим.

Иккови хохлаб кулиб юборишди.

Бир оздан кейин иккала оғайни нонушта қилишга ўтиришганда стол устига, териб қўйилган ноз-неъматларни кўриб, Жасвант кулиб деди:

— Уҳхў! Сен, Пракош, бугун...

— Асл зиёфатни кейинроқ бераман.— Рампракош Жасвантнинг гапини бўлиб деди.— Ҳозирча бир оз оғзингни чучитиб турасан.

— Зиёфат? Қанақа зиёфат?

— Укамнинг унашув зиёфати, қанақа бўларди?

— Сен жуда шўх бўлиб кетибсан-ку, Пракош.

— Ўзинг мендан ҳам ўтасан. Сен ҳам шўхсан, ҳам сўфисан. Лекин «бошқалар» ҳам жуда узоқни кўзлаган.

— Хўп, бўпти, ҳазилни йиғиштир. Чой совиб қоляпти.

— Сиз нима десангиз ўша-да,— деди Пракош икки қулоқли пиёлага чой қуяр экан.— Бўлмаса чойни ичиб кечаги қиссанинг қолганини ҳам эшитайлик.

— Кечаги қисса кечаёқ тамом бўлган.

— Йўг-е! Муҳаббат қиссаси бунақа дарров тамом бўлмайди. Мен бунга ҳеч ишонмайман. Сен кеча айтаётган эдинг: жўнаб кетмасидан олдин Аруна...

Шу ерга келувдики, бирдан эшикда турган новча бир одамга кўзи тушиб, гапи оғзида қолди.

— Ў! Мастержий!— шундай деб Жасвант дарҳол ўрнидан турди-да, меҳмоннинг қаршисига юрди. Ундан ўрнак олиб, Пракош ҳам ўрнидан турди.

— Бу киши Аруна бегимнинг оталари мастер Отмасингхжий бўладилар,— Жасвант меҳмонни таништирди. Кейин Пракошнинг меҳмонга таъриф қилди:— Бу киши менинг дўстим бабу Рампракош.

Рампракош хизматкор болани чакириб, яна бунга кўлоқли йиса олиб кеттирди-да, учовлари чой ичишга уғришди.

Мастер Отмасингхнинг тўсатдан кириб келиши иккала оғайинини ажаблантирди ҳам, чўчитди ҳам. Айниқса, Жасвант кўрқиб кетди. Бунгагина қўли ҳаттич қилди, қўлларидан нисонча кетди «тагин Арунанинг оу ерда узоқ қолди кетганидан... уша бориб тагин бир нарсалар... тагин...»

Нима бўлса ҳам, нима мақсадда келган бўлса ҳам, ҳар ҳолда бир нарса аниқ эди: Отмасингх Жасвант билан гаплашгани келган эди. Шуни ўйлади-да, Рампракош нонушта тугаши биланоқ бир зарур ишни баҳона қилиб, ташқарига чиқиб кетди. Оғайиниси чиқиб кетгандан кейин Жасвант Отмасингхнинг юзига сал диққат билан назар солди ва уни кўриб кўнгли ўрнига тушди: хавфсирайдиган ёки чўчийдиган ҳеч нарса йўқ экан.

— Жуда яхши қилибсиз, мастержий,— деди Жасвант одоб юзасидан ва сабрсизлик билан бунга жавоб кута бошлади. Лекин Отмасингх жавоб беришга шошилмади. Буни кўриб Жасвантнинг юрагига яна гулғула тушди. Бир оз индамай ўтиргач, Отмасингх айтмоқчи бўлган гапини йўниб-силлиқлаб олиб, ниҳоят деди:

— Сизнинг санъатингизни бир кўриш иштиёқи мени шу ерга бошлаб келди, Жасвантжий.

— Ў!— деди Жасвант жуда хурсанд бўлиб ўрнидан турар-

кан.— Арзимаган нарсани деб шунча овра бўлибсиз, мастер-жий. Айтиб юборсангиз, мен ўзим ҳузурингизга борардим. Қани, юринг бўлмаса.

Икковларни олдинма-кетин юриб, пчкари хонага киришди. Кириши биланоқ Жасвант бориб, худди кечаги сингари тумбочкани ёпиб турган пардани очиб юборди. Отмасингҳ узоқ вақтгача ҳайкалдан кўзини узмай, уни томоша қилиб турди ва уни таъриф қилиб бир қанча нарсаларни гапирди. Сўнгра икковлари иккита курсига юзма-юз ўтиришди ва мастер Отмасингҳ Арунадан эшитган гапларини шавқ-завқ билан Жасвантга сўзлай бошлади. Жасвант эса, нафасини ичига ютиб қимир этмай бу гапларни зўр мароқ билан тинглаб ўтирарди.

— Лекин, мен,— деди Отмасингҳ гап орасида,— шу нарса вақтида битса-ю, ўша кўргазмага юборилса, қандай яхши бўларди дейман. Ўша ерга борганида, эҳтимол сизни ҳам катта катта санъаткорлар қаторига киришиб қўярмиди.

— Бундай катта нарсани-ку мен умид қила олмайман, мастержий,— жавоб берди Жасвант.— Аммо юборилганида кўпми-озми фойдаси бўларди, албатта.

— Лекин яна бир томони ҳам бор,— гап бошлади Отмасингҳ. — Бунинг ўша ёққа бормай қолгани ҳам бир ҳисобда яхши бўлди — бемалол ўтириб ишладингиз. Шўҳрат, албатта, жуда яхши нарса. Лекин тажриба ундан ҳам зўр нарса. Шўҳрат келтирадиган худди шу. Жуда яхши бўлди — сиз инсон табиятини батафсил ўрганиб олдингиз. Шошганингизда, уч-тўрт ойда ҳеч нарсага эга бўла олмасдингиз. Эҳтимол, конкурсда ютиб чиқардингиз. Лекин бу бутунлай бошқа нарса. Аслини олганда, Жасвантжий, инсон ҳаёти шундай бир бозорки, бу бозорда арзонгаровга ҳеч нарсани олиб бўлмайди. Қанчалик яхши бўюмни олмоқчи бўлсангиз, шунчалик катта ҳақ тўlaysиз. Санъат деган нарса айниқса қиммат. Менинг фикримча, ҳар қандай катта санъаткор ҳам инсон табиятини мукаммал билишга ожиз. Ахир чегараси йўқ бир нарсанинг чегарасига етиб бўладими? Денгиздан ҳам катта, осмондан ҳам кенг бир нарсани қайси бир санъаткор ўз санъати билан қамраб ола билади? Бу жуда ўйлаб кўрадиган нарса.

Отмасингҳнинг нафис санъат ва унинг турли соҳалари ҳақида анчагина маълумоти борлигини Жасвант Арунадан эшитган эди, лекин санъатни психологик нуқтаи назардан таҳлил қилишга ҳам қодирлигини ҳеч ҳаёлига келтирмаган эди. Бу жиҳатдан Жасвант Отмасингҳга қойил қолишга-ку қолди, лекин унинг айтган гапларидан ҳозирча аниқ бир тасаввур ҳосил қила олмади.

Отмасингҳ гапида давом этарди:

— Мен инсон ҳам — бир санъат асари деб биламан. Қон-  
шотни қамраган бир санъаткор уни худди ўзига ўхшатиб ярат-  
ган. Шундай экан, ўша чексиз-поёнсиз ҳайкалтарошнинг ўзи  
яратган бирор одам ўшанинг ўзи яратган бирор асарни қандай  
қилиб ўз ҳунари билан қамраб олади!

Шу гапдан кейин Отмасингх тўхтади. Ҳайкалга бир қа-  
раб олди-да, кейин яна давом этди:

— Кеча кечқуруп Аруна сизнинг тўғрингизда кўп нарсаларни гапириб берди. Илгарилари ҳам кўп гапириб юарди. Шундай қилиб, менинг кўнглимда сизга нисбатан меҳр уйғониб қолди, Аруна сиздан бир ҳайкалтарош тўғрисида қисса айтишган экан. Уни ҳам менга айтиб берди. Ўша ҳайкалтарош бир роҳибани бир мартагина кўриб, унинг ҳайкалини жуда ўхшатиб ясаган экан. Ўша ҳайкалтарош шу ҳайкални ясашда ниҳоятда катта маҳоратини намоиш қилган, дейлик. Лекин, бу, шу маҳорат билан ўша ҳайкал «мукаммал» бўлди ёки ҳайкалтарош яратган асар «абдий» бўлиб қолди; деган гап эмас. Ўша ҳайкалтарошни «буюк санъаткор» ва унинг асарини «умри боқий» дейиш мумкин. Лекин бундан ортиқроқ деб бўлмайди. Чунки у ҳайкал билан поёнсизнинг поёни ўртасида ҳали анча масофа бор!

— Эшитявексан, менинг гапларимни? — деди Аруна. Отмасингх Жасвантнинг хаёлга чўмганини кўриб ва унинг хаёли ўзига келгач, яна гапида давом этди: — Ўша ҳайкалтарош қиссасини айтишдан сизнинг мақсатингиз шу бўлса керакки, сиз

«Молот» гавҳарини олиб чиқди ва натижада унинг яратган асари абдийлик поғонасига чиқди, демоқчи бўлсангиз керак. Шумиди сизнинг кўнглингиздаги?

— Ҳа, мастержий, — жавоб берди Жасвант, — сиз тўғри ўйлабсиз. Менинг мақсадим худди шу эди.

— Ўндоқ бўлса, сиз янглишибсиз. — Илжайиб деди Отмасингх. — Бу — мутлақо бўлмаган нарса.

— Бўлмаган нарса? — Жасвант ишонқирамай унга тикилди. — Мен қанчаки ўқиган-билган бўлсам, ўшанга биноан...

— Шошмай туринг бирпас. — Унинг гапини бўлди Отмасингх. — Мен кўнглимдаги гапни тузук тушунтира олмайман, чиқилли. Хайр, майли. Бўлмаса мен бошқа йўл билан тушунтиришга ҳаракат қиламан.

Шундай деб Отмасингх тумбочка устида турган ҳайкалга шоҳора қилди ва Жасвант ўшанга қаради.

— Шу ҳайкални сиз ясагансиз, а?

— Ҳа.

— Шуни битиришга қанча вақт кетди?

— Бир йилга яқин, мастержий.

— Анави қиз қурмағур жаҳл орасида йиртиб ташлаган қаламда чизилган расм бор эди-ку, ўшани ҳам сиз ясаганмидигиз?

— Ҳа.

— Булардан ташқари, Аруна айтаётган эди, сиз фақат машқ қилиш мақсадида тошдан Будданинг ҳам бир ҳайкалини ясаган экансиз. Ўшанда сизнинг қўлларингиз беҳосдан Будданинг кўзларини ҳам худди ўша расмдагидек қилиб ишлаб қўйган экан. Буни ҳам ўзингиз Арунага айтган экансиз. Шундоқ бўлганмиди?

— Ҳа, худди шундоқ бўлган эди.

— Лекин, мен сизга чин гапни айтсам, Жасвантжий, ўз асарингиздаги бир хатони йўқотиб туриб, сиз ўзингиз яна бир хатого мубтало бўлиб қолибсиз.

— Қанақа хатого мубтало бўлибман, мастержий?— қўрқиб сўради Жасвант Отмасингҳа тикилиб.

— Бу хатого ҳар хил ном бериш мумкин, Жасвантжий, — илжайиб жавоб берди Отмасингҳ. — Буни «ғурурланиш» ҳам деб аташ мумкин, «янглишиш» ҳам дейиш мумкин, «туш кўриш» ҳам дейиш мумкин.

— Мен тушунолмадим. Сал очиқроқ қилиб гапиринг, мастержий.

— Мен ўзим ҳам, тушунмагандирсиз, деб ўйловдим. Чунки масала ўзи бир оз чигал ҳамда кўп қиррали. Мен аввал шунинг бир қиррасига сизнинг диққатингизни жалб қиламан. Хўп, шундай қилиб, Жасвантжий, сиз Арунани ҳайкалнинг олдига тургазиб қўйганингизда кўзингиз нимани кўрди?

— Менинг кўзимми? Менинг кўзим...

Жасвантнинг тили айланмай қолганини кўриб, Отмасингҳ ўзи унга ёрдам қилди:

— Ҳа, майли, мен ўзим айта қолай. Бу нега ўзини мен хоҳлаган кайфиятга сололмаяпти, деб Арунанинг ношудлигидан жаҳлингиз чиқди. Шунинг айтмоқчимидигиз?

— Ҳа, мастержий, шундай демоқчи эдим.

— Лекин, э содда одам, айна ўшани кўриб, сиз тушунишингиз керак эди чексизлик нималигини. Худди ўшандан тушуниб олишингиз керак эди санъаткор ҳеч қачон тўла-тўқис камолотга етмаслигини, унинг маҳорати ҳеч қачон охири нуқтага етмаслигини. Арунани сиз қайси кайфиятда кўриб келган бўлсангиз ёки кўрмоқчи бўлсангиз, у энди ўша кайфиятни ўзида акс эттиролмади. Бир амаллаб сунъий равишда акс эттирганда ҳам, ундан сизга ҳеч қанақа фойда йўқ эди. Чунки сунъий билан табиийнинг ўртасида ҳамма вақт фарқ бўлади. Сиз эса ҳайкалда ифодаланган кайфиятни асли билан, табиий кайфият

билан солиштирмоқчи эдингиз. Натижада Арунани ношудга чиқариб, хафа ҳам бўлдингиз, маъюс ҳам бўлдингиз. Э, содда одам, хафа ёки маъюс бўлиш ўрнига сиз бир нарсани ўйлашингиз керак эди, яъни ўз уйидан чиқиб сизникига етиб келгунча ярим соат вақт ўтган бўлса, шу ярим соат ичида Арунанинг ҳаёти ахир агдар-тўнтар бўлиб кетган эди: унинг қалбидаги бутун ғам-андух ўрнини шод-хуррамлик эгаллаб олган эди. Сиз билан уч-тўрт минут суҳбат қилганидан кейиноқ унинг бутун қалб дунёси зулматдан қутулиб, чароғон бўлиб кетган эди. Лекин айна мурод-мақсадига етиб турган Арунадан сиз номурад кўринишни талаб қилибсиз. Манзилга етиб турган одам қандай қилиб дашт-бёёбонда саргардон кўринарди? Табиатда шундай бир қонун бор: вазият-шароит билан биргаликда инсон ҳам ўзгариб боради.

— Мени кечирасиз,— деди Отмасингҳ бирон хатосини бўйнига олиб,— мен қизишиб кетганга ўхшайман. Шунинг учун ҳам асл мавзудан узоқлашиб кетибман. Мен айтаётган эдимки, санъаткор ўзи нисбатан чекланган бир махлуқ бўлиб, у санъатнинг охиригача чеккасига ҳеч етган ҳам эмас, ҳеч қачон ета олмайди ҳам. Ўзингиз бир ўйлаб қаранг: инсон шароит-вазиятга қараб бўлиб, у билан бирга ўзгариб туради. Бир қарасангиз, бир қарасангиз эчки, бир қарасангиз фариншта, яъни бир қарасангиз шайтон бўлиб қолса — унинг ўзгариши чақмоқдан ҳам тез, симобдан ҳам нотўғрив бўлса — шу ўзгаришдан тинмай олган инти-

бўлганда ҳам ўз санъати билан тўла-текис қамраб ола олади? Хайр, айтайлик, бир санъаткор инсоннинг пешанаси остида чарақлаб турган кузларидан анча-мунча нарсани уқиб олди, дейлик. Лекин инсондаги сир-сирзатнинг ҳаммаси кўзда бўлмайди-ку. Бу дегиздаги бутун сувни бир ҳовуч сув билан таққослагандек гап. Лекин шунга қарамасдан шу нарсани тан олиш керакки, сиз менга бу олдимизда турган ижодингиз билан бирга «камолот» деган нарсанинг чеккасига жуда яқин бориб қолибсиз.

Шундай деб туриб Отмасингҳ Жасвантга қаради ва унинг юз-кўзида кўнгли тўлмаганликка ўхшаш бир аломатни кўриб, тўхтаб қолди. Кейин мавзудан четлашиб, унга қараб деди:

— Сиз, Жасвант, ҳойнаҳой кун бўйи бешинчи-олтинчи синф болаларини ўқитиб ётадиган бу муаллим менга ҳам дарс бергани келган экан, деяётгандирсиз ичингизда? Лекин менда бунақа мақсад йўқ. Мен сизга дарс беришга қодир ҳам эмасман. Мен шунчаки сизга ўзимнинг турмушдан олган тажрибаларимни гапиряпман, холос. Буни ҳам фақат, кўп санъаткорларга ўхшаб шу йигитча ҳам йўлдан адашиб қолмасин, деган мақсадда гапиряпман, холос.

— Мастержий! — деди Жасвант ўзини гуноҳкор ҳис қилган-деқ, — Шундай қилишга сизнинг ҳақингиз бор. Сиздек тажрибакор одамнинг олдида мен ҳақиқатан ҳам бир талабаман. Менинг келажагимни хавф-хатарлардан сақлаш учун менга қанча маслаҳат берсангиз, мен шунча хурсанд бўламан.

— Сизнинг яхши одамлигингиз шундан маълумки, — деди Отмасингҳ хурсанд бўлиб, — ўзингиз доно бўлшингизга қарамай, мендан маслаҳат кутяпсиз, ваҳолаки, мен сиз ўйлагандек маслаҳатгўй бўла олмайман. Хайр, ҳар ҳолда, ўзимнинг турмуш тажрибамга суяниб туриб, мен сизга бир нарсани айтаман. У ҳам бўлса шуки, манман деган санъаткор ҳам, мен камолот чўққисига чиқдим, деб ҳеч вақт ўзпни ўзи алдамаслиги керак. Ҳатто, менинг фикримча, санъаткорлиқнинг боши талабалик бўлса, охири, чўққиси ҳам талабалик. У ўзини талаба ҳисоблар экан, унинг санъати ўсиб ривожланиб боради. Лекин ўзини «устоз» деб ҳисоблай бошладими, бўлди — ўсиш, ривожланиш деган нарса барҳам топади ва ҳатто у руҳоний жиҳатдан пасайиб кетади — аввалига мағрур бўлади, кейин рашк, кўнгли қоралик пайдо бўлади, ундан кейин эса тўғридан-тўғри муштумзўрлик йўлига ўтади. Бунинг оқибати нима бўлади? Шу бўладими, тошга ҳусн-назокат багишлашга қодир бўлган санъаткор ўзи тошга айланиб қолади, унинг «ҳақиқат, садоқат ва ҳусн» деган принципга таянувчи вужудни ўзи ёлгон ва бад-бурушлик тимсоли бўлиб қолади.

— Жуда тўғри, жуда тўғри, — деди Жасвант қалби ҳаяжонга тўлиб. — Сиз, мастержий, айти ҳақиқатни гапирдингиз. Тўғрисишни айтсам, Арунанинг ҳайкалини ясаётган вақтимда менда худди шундай фикр пайдо бўлган эди. Жуда унчалик эмас-ку, лекин бор эди. Сиз менинг олдимда турган бир катта хатарни даф этдингиз, бунинг учун сиздан ниҳоятда миннатдорман. Димоғига хушбўй ҳид уриб, ўзини аттор деб хаёл қилиб ўтирган сиқонга ўхшаб қолган эканман мен ҳам. Сизнинг гапларингизни эшитиб, ўшандан кейин тушундим бунни.

— Ҳойнаҳой шунинг учун ҳам, — яна илгариги мавзуга қайтди Отмасингҳ, — сиз бунни кўргазмага юбормагандирсиз яъни ўйлагандирсиз: шундоқ ўлмас асарни...

— Йўқ, мастержий, — унинг гапини бўлди Жасвант, — бу гап йўқ. Ҳа, шу нарсани битирганимдан кейин менда ғурурга ўхшаган бир нарса уйғонувди. Бу гапингиз тўғри. Аммо бунинг намоёнишга юбормаганимнинг сабаби сиз ўйлаган нарса эмас, бошқа.

— Бўлмаса уни ҳам айтинг, агар унақа-мунақа жойи бўлмаса.

— Унақа-мунақа жойи-ку айтарли йўқ, аммо...

— Келинг, ўзингизни қийнаб ўтирманг. Менинг психология

деган нарсадан унча-мунча хабарим бор. Шунинг учун асл сабаб нималигини ўзим ҳам сезиб турибман. Хоҳласангиз, айтиб беришим ҳам мумкин.

— Жуда яхши бўларди, мастержий. Мени қийинчиликдан қутқарардингиз. Менинг ҳеч тилим айланмай қолди.

— Бўлмаса, эшитинг. Бу буюмда сиз бир нарсани кўриб қолгансиз. Яъни, юрагингизнинг каттагина бир қисмини анча вақтдан бери эгаллаб келаётган бир нарсани. Ҳўш, менинг қиёсим тўғрими?

— Сиз жуда катта авлиё экансиз, мастержий.

— Бунда ҳеч қанақа авлиёллик деган нарса йўқ, Жасвантжий. Нафсиётни билиш бор, холос. Ҳеч қандай натура ё суратга қарамасдан туриб шу ҳайкални шунчалик муваффақият билан ясаган экансиз, шу ишга бутун бир йил жон-жаҳдингиз билан берилиб ётган экансиз, демак шу нарсанинг асл натураси ёки сурати сизнинг қалбингизда мавжуд экан. Буни нафсиётдан унча-мунча хабардор одамгина билади. Мен энди сиздан бир гапни сўрамоқчиман. Шу нарсани ясаш учун сиз бир йил вақт сарфлаб қанчадан-қанча азият чеккан экансиз, ахир бунга у-бу нарса олиш шийтингиз ҳам бўлса керак, а? Ҳунармандлик буюмлари билан савдо-сотик қилувчи бирор савдогарга сотмас экансиз ҳам, каттагина пул беради. Албатта савдогар агар унча-мунча нарсани кўрадиган ва инсофли бўлса.

— Йўқ, мастержий, биров олтинга тортаман деган такдирда...

— Луш,— деди кулиб Отмасингҳ,— сизнинг назарингизда санъат, ҳунар жиҳатидан бунинг мартабаси шунақа баландми?

— Бундан сал илгарироқ мен чиндан ҳам бунинг мартабасини жуда юқори деб ўйлардим. Аммо сизнинг фикрингизни эшитганимдан кейин у ғурурдан қутулдим. Лекин чин гапни айтсам, менинг назаримда... — шундай деб туриб Жасвант жим бўлиб қолди

— Демак, ҳеч қанақа пулга ҳам сотмайман, денг?— гўё жиғига теккандек деди Отмасингҳ.— Шундайми?

— Шундай,— жавоб берди Жасвант ва ерга қараб олди. Мастер Отмасингҳ бир оз чуқур ўйга толди. Кейин тўсатдан деди:

— Агар мана шу жонсиз нарсанинг эвазига биров сизга худди шунга ўхшаш жонли нарса бераман деса-чи?

Бу тушига ҳам кўрмаган саволни эшитиб Жасвант ҳайрон бўлганича оғзи очилиб қолди. У бир нарса демоқчи бўлиб Отмасингҳга қаради, лекин ҳеч нарса демай яна бошини эгди. Бироқ унинг ичида қолган жавоб юз-кўзидан аён эди ва айниқ-

сә, Отмасингхдек доно одам уни уқиб олганига мутлақо шубхаси йўқ эди.

— Жасвант!— деди Отмасингх унинг елкасига қўлини қўйиб.— Сизнинг жавобингизни мен кўзларингиздан уқиб олганга ўхшайман. Лекин оғзингиздан ҳам бир эшитсам дейман.

— Мастержий!— деди Жасвант худди унинг гапини эшитмагандек.— Мен арзимаган бир нарсани сизга ёлгон гапирган эдим.

Мастер Отмасингхнинг юзларига енгилгина табассум югурди: ўғри қилган ўғрилигини бўйнига олмасдан илгариеқ қўлга тушган эди. Отмасингх ўша-ўша табассум билан жавоб берди:

— Лекин сиз алдаганингизга уялманг ҳам, у тўғрида ҳеч нарса демай ҳам қўя қолинг. Бу ҳайкални сиз кимга тортиқ қилмоқчи бўлганингизни мен кечаги, Арунага айтган гапларингизданок билувдим. Кечаги суҳбат вақтида шу «тортиқ» деган сўз ҳойнаҳой бир неча марга оғзингиздан чиқай-чиқай дегандир-у, Арунанинг ёки менинг норози бўлишимиздан қўрқиб, чиқмай қолгандир. Буни ҳам фаҳмловдим. Лекин мени ҳайрон қолдирган нарса шуки, шунинг ҳаммаси бўла туриб ҳам, яъни иш шу даражага кела туриб ҳам, Арунанинг кўнглидагини била олмасиз. «Кўнгилнинг тили бўлмайди» деб-ку биров тўғри айтган. Лекин сизда ҳам, кўнгилнинг унсиз овозини эшитадиган қулоқ йўқмиди? Шунга жуда ҳайрон қолдим,

— Мастержий!— деди Жасвант ҳаяжонли овозда.— Мен қўрқдим, тағин... тағин...

— Ишнинг пачаваси чиқмасин, деб шундайми? Шундан қўрқдингизми? Бўпти, бўлмаса, энди бу хатардан қутулдингиз. Бўпти, олиб келинг, бу нарсани эгасига топширайлик — Арунанинг буюмини ўшанинг ўзига топширайлик.

Жасвант беҳосдан ўрнидан турди, ҳайкални турган жойдан олиб, бир матага ўради-да, олиб келиб, Отмасингхга узатди.

— Раҳмат!— шундай деб Отмасингх ўралган нарсани иккала қўли билан олди ва уни иккала қўли билан энгаҳи ўртасига жойлаштыриб жуда эҳтиёт қилганимча ташқарига чиқиб кетди.

### 33 боб

Йил нима? Бу уч юзу яна қанчаям кун демак, Лекин табиатнинг қилмишини қарангки, шу муддат бировга юз йилдан ҳам ортиқ кўриниб кетади, бировга эса ўн-ўн беш кунчалик ҳам кўринмайди.

Бҳажансингх билан унинг хотини назарида охирги ўн бир-ўн икки ой худди кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Янги касбикори орқасидан ой кетидан ой ўтган сари уларнинг пул-давлати ҳам кўпайиб бораверди. Шу пул-давлатнинг нашоиси билан эр-хотин уч юз эллик кунинг қандай қилиб ўтиб кетганини ҳам билмай қолишди.

Контрабандистлар гуруҳига қўшилган дастлабки кунларидо Бҳажансингхнинг кўнгли бир оз ғаш бўлиб юрди. Бироқ жуда унча гандираклаб қоладиган даражада эмас. Биринчидан, унинг ўзи «ё ўламан, ё қоламан» деб майдонга чиққан эди. Иккинчидан, кундан-кунга омади келиб, иши гуллаб бораверди. Буни кўриб унинг иродаси узил-кесил маҳкам бўлиб кетди. Натижада кўнглидагидан ҳам ўн чандон ортиқ ютуққа эриша бошлади.

Бу кўнглидагидан зиёд ютуқлар эр-хотин икковига шундай катта, шундай заҳарли таъсир қилдики, бир томондан, уларнинг орзу-армонлари харобаси тагидан янги деворлар қад кўтариб чиқа бошлади, иккинчидан, уларнинг юрагидаги унча-мунча афсус-надомат ҳам йўқолиб кетди. Жасвант ташлаб кетган бўлса, кетиб ўлсин. Ҳарбанс агар қайнота-қайнопасининг ногорасига ўйнаб, булардан юз ўнгирган бўлса, ўгириб ўлсин. Буларнинг ҳам ейдиган жойи йўқ. Дунёда энг керакли нарса — пул. Буларнинг пулга қўйини-қўнжи тўлиб олсин, иккови ҳам ўз оёғи билан кириб келади. Кириб келмас экан, бориб уларга

Ҳа, аҳён-аҳёнда ўғиллари эсига тушиб, Ҳарнамкаурунинг сал юраги ачишгандек бўларди. Лекин бунинг ҳам йўлини топа олган эди. Эсига тушди дегунча икковини роса қаргарди. Улар билан бирга уларни йўлдан урганларнинг ҳам роса гўрига ғишт қаларди. Шундай қилиб кўнглига тасалли бериб оларди.

Лекин бир куни ором топиб қолган юраги яна тўсатдан қаттиқ, чидаб бўлмайдиган бир зарба еди — у қудаси ўғил кўргани тўғрисидаги шум хабарни эшитиб қолди. Қуданинг мулодини номуродликка айлантириб юборишнинг ҳеч йўли йўқми? Ҳарнамкауру бир неча кунгача, тўғрироғи, бир неча ҳафтагача бунинг устида бош қотириб ётди. Бунинг-ку бир эмас, бир неча йўлини ўйлаб топди. Лекин уларни амалга ошириш ниҳоятда қийин эди. Шунга ўйлаб-ўйлаб туриб Ҳарнамкауру оҳ тортиб ўзига-ўзи дерди:

— Оҳ! Қани энди ўғлим ҳали ҳам менинг изимда бўлса! Бу жувонмакларни кўз очиб юмгунча тахтдан тушириб, балчиққа ботирардим. Ўша итларнинг кунини кўргазиб қўйиш ҳеч қийин эмас эди...

Гоят дахшатли эди Ҳарнамкаурунинг юрагидаги рашк ўти. Бу ўт эртаю кеч унинг вужудини куйдириб ётарди. Бу дахшатли ўт яллигидан Ҳарнамкаурунинг, худо билсин, ҳоли нима кечарди, лекин бир нарса унинг юрагига сал-пал далда берарди, туриб-туриб ўтнинг дамини хиёл қайтариб турарди. У ҳам бўлса қайнонасининг сўзига кириб туққан онасини қора ерга қорган муштумзўр Ҳарбансининг иши пачава бўлганлиги эди.

Кичик ўғли Жасвантни ҳам жуда кўргани кўзи йўқ эди. Бир куни бир чўлоқ қиз тўсатдан Жасвантни сўроқлаб келиб қолди-ю, шундан кейин Ҳарнамкаурунинг ўғлидан яна ҳам беш-баттар кўнгли қолди. Қизнинг гапларини эшитиб, у, бу юзи қора дайди бола бирор ёққа бошини олиб кетибди, деб аниқ хулосага келди. Жуда соз бўлибди, бу балодан бир оз қутулибман, деб кўнгли анча ўрнига тушди.

Энди Бҳажансингҳа келганимизда, унинг иши шундай кўпайиб кетган эдики, бошқа бирор нарсани ўйлашга фурсати ҳам, иштиёқи ҳам йўқ эди. Тақдир хазинанинг эшигини очиб, хоҳлаганингча ол, деб турган бир вақтда бошқа бирор нарсани қандай қилиб ўйларди? Лекин шу билан бирга хазинанинг йўлида турган хавф-хатарлардан ҳам унинг кўнгли жойида эмас эди. Чунончи, у эртаю кеч ҳушёр бўлиши ва боло-офатларнинг олдини олишни ўйларди. Бунинг энг яхши бир йўли ҳақиқатни яшириш, яъни ўзини ниҳоят даражада қашшоқ ва гариб-бекас қилиб кўрсатиш эди, токи одамлар булар пулни қаёқдан топяпти, деб ўйлаб қолмасин.

Бҳажансингҳ-ку қўлидан келганича шу қондага амал қиларди. Лекин Ҳарнамкауру бу ҳунарда уни жуда йўлда қолдириб кетарди. У ўзининг камбағал-қашшоқлик ролини шундай ўринлатиб ижро этардики, гоҳ-гоҳда қўшнилари раҳми келиб, бир-икки маҳал қорин тўядиган ун-пун, дон-дун ҳам бериб турарди. Ҳатто баъзилар ярим-бир рупия пул ҳам қўлига тутқазарди. Ҳарнамкауру кўз ёшини артаётган бўлиб, «иккала ўғил ташлаб кетди... эрим кундан-кунга кўздан қоляпти... қарз берганлар қарзини қистаб кўз очирмайди» деб ҳасрат қилишга тушса, тингловчи аёлларнинг ҳам кўзларига ёш келиб кетарди.

Ҳарнамкауруни ёлгон гапиряпти дейишнинг ҳам иложи йўқ эди, Гурдитсингҳнинг қарзини бўлиб-бўлиб тўлашга худди ўша кунлари суд қарор чиқарган эди. Бир нечта бошқа одамлар ҳам ҳамманинг кўз олдида эшикни тақиллатиб тўхтовсиз келиб турарди. Келиб туриш ҳам у ёқда турсин, қаттиқ-қуруқ гапларни ҳам айтиб турарди.

Шу кунларда Бҳажансингхнинг ҳамёнида ўн беш-ўн олти минг рупия пул бўлиб, у хоҳласа Гурдитсингхнинг қарзиши ҳам, бошқа қарзларни ҳам бир зумда узиб юборарди, уйини ҳам гаровдан қутқариб оларди. Лекин бундай қилганида сири ошкор бўлиб қолиши мумкин эди. Бу шунча пулни қаёқдан олди, деб қўни-қўшниларининг дарров қулоғи диккаярди. Шунини ўйлаб, уйини ҳам гаровдан қутқармай, гаровга олган қарзи юзасидан қанча-қанча фойда тўлаб келмоқда эди.

Энди Бҳажансингхнинг уйидаги касбига келсак, ишни қилишга унда вақт қаёқдайди? У кун бўйи аллақайларда тентираб юрарди. Лекин уйдаги ишни бутунлай йиғиштириб қўйишнинг иложи йўқ эди. Бу ҳолда ҳам одамларда шубҳа туғилиб қоларди. Худди шу хатардан қутулиш ниятида у «кўзим ожиз бўлиб қолди» деган гапни ўйлаб топди. Чунончи энди кўзига қора ойнак тақиб, қўлида йўғон ҳасса ушлаб юрадиган бўлди.

Бҳажансингх кун бўйи қаёқларда юради, деган яна бир савол туғилиши мумкин эди одамларда. Бу саволга жавоб бериш қийин эмас эди. Агар биров шундай деб сўраб қолгудек бўлса, Ҳарнамкаур гоҳ «Бечора ёриққа шидай олмайди, ичкарига ётгани ётгани деб жавоб беради, гоҳ эса «онг тавонининг дарагини эшитган экан, ўшалга кўзини кўрсатгани кетди», дерди.

Кўча-кўйининг кўзига шундоқ килинарди. Лекин ичкарига ётгани ётгани деб жавоб беради «қуш бўлса, назорат узи келаверади» деган гапга мос тушарди. Ҳарнамкаурнинг Бҳажансингхга тасдиқлатиб олган режалари ичида энг муҳими каттакон, дангиллама уй қуриш режаси эди. Фақат роҳат-фароғат учунгина эмас, балки яна бир неча дардларга даво сифатида Ҳарнамкаур шу режани тезроқ амалга ошириш ниятида эди. Иккита қўшнисининг дангиллама иморати унга ҳеч тинчлик бермасди ва у ўшалардан бир том баландроқ қилиб иморат қуришни орзу қилгани-қилган эди.

Лекин сал нарироқ бориб уй қуриш режаси ўзгариб қолди. «Ҳар қандоқ қилиб қурганимда ҳам, одамлар, уй қурди дейди, холос,— деб ўйлай бошлади у.— Шунинг учун уй қуришни қўйиб туриб, шаҳарнинг ўртасидан тайёр қулинг ўргилсин катта бир уйни сотиб олиб қўя қолганимиз яхшимасми? Уйни олиб олганимиздан кейин битта машина оламиз. Ундан кейин, ўлмай юрсак, бир куни мана бу уйни ҳам одамларнинг кўзини ўйнатиб минорадек баланд кўтариб оламиз».

«Минорадек баланд уй» қуришдан Ҳарнамкаурнинг яна бир мақсади бор эди. Пешанадаги ёзувни ўқириш қўлидан келганда-ю, Ҳарнамкаур ўша «ит товоқ»ларнинг, яъни қудаларининг

қўзига дунёни қоронғи қилиб қўярди. Нима қилсинки, бевафо ўгли туфайли бу нияти рўёбга чиқмай қолди. Бу бўлмади бўлмади, аммо энди пулнинг кучи билан ҳам ўшаларнинг мағрур бошини эга олмайманми, деб ўйларди у.

Бҳажансингх бир неча кун бурун уйдан чиқиб кетганича шу бугун шомга яқин уйга кириб келган эди. Уни кўриши биланоқ Ҳарнамкаурунинг кўнгли тоғдек кўтарилиб, чеҳраси гулдек очилиб кетди. Эрининг шаҳдам кириб келишидан ва юз-кўзидан унинг ошиғи олчи келганини сезді. У дарҳол ички-ташқи эшикларнинг ҳаммасини тақа-тақ ёпди ва эр-хотин энг орқа хонага кириб кетишди. Ҳарнамкаурга одат бўлиб қолган эди: биронта сирли нарсa тўғрисида гап борадиган бўлса — ҳар қанча бемаъни, хомхаёл гап бўлса ҳам — эшикларни яхшилаб бекитиб қўймағунича кўнгли ўрнига тушмасди. Эшикларни бекитиб олгандан кейин ҳам, худди деворлар эшитиб қолади деб қўрққандек иккови секин-секин шивирлаб гаплашарди.

Эрининг ишорасига кўра Ҳарнамкаур ташқаридан тешани олиб келди. Сўнгра иккови ўз-ўзининг ишига тушиб кетди. Бҳажангсингх оббо деб теша билан хонанинг бир бурчагини ковлаяпти, Ҳарнамкаур қўли билан тупроқни тортаяпти. Шу билан икки ўртада гап-сўз ҳам бўляпти.

— Шу қилиб келган сафарим, эҳтимол, охирги сафар бўлар, Ҳарнамкаур.

— Нега?

— Яна ушла-ушла бўлиб қолганга ўхшайди чамамда.

— Вой ўлмасам.

— Лекин қўрқадиган ҳеч гап йўқ, Ҳарнамкаур. Полициянинг кўзи олдида айланишиб юрадиган, ўзига шубҳа тугдириб қўйганлар бор. Хавф-хатар кўпроқ ўшаларга. Лекин шундоқ бўлса ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Менинг фикримча, ҳамма нарсани бу ердан бошқа бирор жойга олиб бориб қўйган маъқул. Лекин жуда унақа шошилишнинг ҳожати йўқ. Агар бирор хавф-хатар туғилиб қолгудек бўлса, бунинг хабари бизга олдинроқ етиб келади.

— Бошқа қаерга олиб борамиз?

— Аввалига мен, нақд пулнинг ҳаммасини банкага топшириб қўяйлик, деб ўйловдим. Кейин ўйлаб қарасам, бу ҳам хавфли экан. Ҳозир шундай бўлиб қолганки, полиция бировни қўлга туширгудек бўлса, қўйган пулини қидириб банкаларни ҳам алғов-далғов қилади.

— Ундоқ бўлса, нима қиламиз энди?

— Ҳечқиси йўқ. Сен бунақа қўрқма. Қўяман десак жойдан кўпи йўқ. Вақти келганда кўрамиз.— Шундай дегач, Бҳажансингх бошқа гап бошлади:

— Анави куні қанча ҳисоблаган эдик?

— Анави куними?— Ҳарнамқаур қўлидаги тупроқни қоқди-да, ҳисоб қилиб деди:— Ўн тўрт минг нақд, яна озгина тилла.

— Ўн тўрт минг бўлса, энди бу галги ҳам қўшилиб. ўн... олти мингдан сал кўпроқ бўпти. Менда яна битта фикр бор, Ҳарнамқаур.

— Қанақа фикр?

— Деҳлигами, Амбалагами бориб тайёр бир уйни олсак. Хавф-хатардан, кунда-кунда бўладиган галвалардан ҳам қу-тулардик.

— Йўқ, ҳозир бўлмайди. Ҳозир пулни банкага қўйган ҳам бир, уй сотиб олган ҳам бир. Полиция билиб қолса — бўлди.

— Э, полиция қаёқдан билиб ўтирибди.

— Хўп, бўлмаса, битта каттакон уйни қанчага қурса бў-лади?

— Чойга қандни қанча кўп солсанг, шунча ширин бўлавера-ди. Хоҳла ўн беш мингга қур, хоҳла йигирма мингга.

— Хўп, яна битта машинани қанчага олса бўлади?

— Жинни бўлдингми? Олдин биттасига лойиқ пул тўплаб олсанг-чи.

— Э, худо! — иккала қўлининг кафтини жуфтлаштириб, те-нага қараб иттико килди Ҳарнамқаур: — Хон бўлмаса яна бир йил-ярим йил ишимиз шундоқ юришиб турса эди!

— Ҳе нафасинг қурсин! Нима, ҳозир тўхтаб деб турибдимми? Худо хоҳласа, мана кўрасан, бир эмас, иккиталаб машина.

уининг миясига келди: — Мен эшикка чиқиб ўтира тураман, — де-ди у. — Кўчадан хабардор бўлиб тураман. Куппа-кундузи эшик-ни ичидан бекитиб ўтириш яхшимас. Ичкарида нима бало бўл-япти, деб одамлар шубҳа қилади. Унгача сен бу ерни ковлаб, ҳаммасини чиқариб ол. Лекин тешани секинроқ ургин, овози чиқмасин.

— Бўпти, бора қолинг.

эса чиқиб, кўча эшикни очди-да, эшик олдига каравотини қў-

Шундай деб Ҳарнамқаур яна ишга тушиб кетди. Бҳажансингх йиб ётпб олдп. Икки кўзи кўчада, қулоғи ичкарида. Бир оз ётган-дан кейин туриб ўтирди-да, кўйлак тагидан кийиб олган пимчасининг ички чўнтагини ковлади. Солиб қўйган нарсаси жойида турганини билгач, хотиржам бўлиб яна чўзилди — икки минг юз рупиялик ҳамён қимирламай турган экан.

Ётган жойида Бҳажансингх кайфи тарақ бўлиб Ҳийр-Ранжа-данми, Сўҳний-Маҳвалданми<sup>1</sup> бир байтни хиргойи қила бошла-

<sup>1</sup> Панжоб халқ дostonлари.

ди. Ўтган кечанинг ярмисини мижжа қоқмай ўтказган эди, шунинг учун бўлса керак, хиргойи қилиб туриб бир оз кўзи илйинди. Бироқ беш-ўн минутлар ўтган эдики, йўтал овозини эшитиб, кўзлари очилиб кетди. Эшикдан ташқарига қаровдики, қилаётган кайфи ғазабга айланиб кетди-ю, бақирдишга тушди:

— Ҳа алвасти! Сен ҳали ҳам тирикмидинг? Аллақачон гўрга киргандирсан деб ўйловдим.

— Э, чирогим... куйган... бандага... ўлим...— ташқаридаги зинага чиқишга уриниб, чиқа олмай турган Пармешварийнинг онаси зўрға шу уч-тўртта сўзни айтган ҳам эдики, йўтали яна бўғди.

Унинг афт-ангори илгаригидан ҳам бешбаттар бўлиб кетган эди. Кўзлари тўрт энлик ичига тушиб кетган. Қолган-қутган тишлари ҳам тўкилиб, иккала юзи жағининг ичига кириб кетган. Олиб ташланиб, қайта чиққан, ранги тупроққа ўхшаган тикка-тикка сочларидан боши даҳшатли тус олган. Юзидаги ажинлар чуқур-чуқур бўлиб, қоп-қорайиб кетган. Хириллаган тез-тез нафаснинг зарбидан йиртиқ кўйлак тагидаги қовургаларининг гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиши кўриниб турарди. У мириқиб йўтала олмасди, лекин йўтал орқали ичидаги балғамни чиқариб ташлашга беҳуда уринмоқда эди.

— Чиқма тепага! Жўна бу ердан!— ўшқирди Бҳажансингх.

Лекин кампир кетмади. У зинанинг ёнига ўтирди-да, йўтал аралаш яна гапга тушди:

— Сенга... ўғил... бахт... сенинг онангга бола-чақали...

— Бола-чақа ҳам ўлсин, сен ҳам ўл!— яна бақирди Бҳажансингх.— Бети қора! Керакли жойга жўнасанг ўласанми! Йўқол кўзимдан, бўлмаса худди...

Пармешварийнинг онаси остона ёнида ўтирганича ҳассасини икки қўли билан чангаллаб, пешанасига босиб гапира ётарди:

— Бҳажансингх... ўғлим... менга дорига...бир... руп... кошо-наларинг...

— Ўлиб қўя қол, бети қора!— Бҳажансингх унинг сурбетлигидан тутақиб, бақирди.— Бор, йўқол! Ўзим ейишга овқат тополмайману, бунга дорига пул берармишман.

— Хўп, майли... ҳеч... бўлмаса... ярим рупия... болаларинг...

— Ярим рупия эмас, бир чақа ҳам бермайман. Сенга айта-япман: даф бўл бу ердан.

— Хўп... тўрт анна... ўғлим, ўламан...

— «Ўламан, ўламан».— Бҳажансингхнинг ғазаби энди ниҳоясига етди.— Нега ўлиб қўя қолмайсан? Сенинг яшаб юришингга биров зормиди?

Шу маломатдан кейин кампир жим бўлиб қолди. У бутун оғирлигини ҳассасига ортиб, зўрға ўрнидан турди, яна бир марта ола-кула кўзлари билан Бҳажансингҳга қаради-да, кейин йўтала-йўтала оёқларини судраб босганича қайтиб кетди.

\* \* \*

Эртасига маҳаллада «Пармешварийнинг онаси ҳовузга чўкиб ўлибди» деган хабар тарқалди. Биров, «Сув олаётган экан, оёғи тойиб, йиқилиб кетибди», деса, биров, «Одамлар итариб юборибди», дерди. «Кампир ўзини ўзи сувга ташлаган» дерди баъзилар. Хуллас ҳар оғизда ҳар хил гап юарди.

\* \* \*

Сардор Анулсингҳнинг ўғил кўриши Ҳарбанс учун чилаб бўлмас, заҳардан қолтирмайлиган воқеа эди. Эртасига кундан ўрнидан туриб шу гапни эшитди-ю, қиёмат-қойим бўлгандек туюлди унга. Устидаги кийими ёниб кетган одам анҳорга қараб юургандек, Ҳарбанс югурганича уйдан чиқиб кетди.

қайтишга юраги бетламасди. «Қайфим бузуқлигини уйдагилар билиб қолиб, бир-бирининг қулоғига шивирлашиб юради; жаҳл устида бирор ножўя иш қилиб қўйишим мумкин», деб қўрқарди у. У боши оққан томонга бораркан, ичида ўйларди: «Шу гап бор экан, булар мендан яшириб нима қиларди? Бир ой эмас, икки ой эмас, чорак кам бир йилгача менинг кўзимни бўяб келибди. Бошқалар-ку майли-я, анави ярамас Нарендр ҳам чурқ этиб оғзини очмабди-я! Чиндан ҳам буларнинг ҳаммаси бир бўлиб менга қарши тил бириктиришган экан. Шунинг учун ҳам ҳаммасининг менга муомаласи бирдан бошқача бўлиб қолган экан...»

Қаёққа кетяпти? Нимага кетяпти? Бу сира эсига келмасди. Далама-даёла кезганича ҳадеб бир нарсани ўйларди: «Бир неча кундан бери омборхонанинг эшигига нега қулф тушиб қолди десам, бунинг сабаби ҳам ўша тил бириктириш экан. Омборхонага бемалол кириб-чиқиб турардим. Вақти-бемаҳал уни-буни олишга пўлат сандиқнинг калитини ҳам қўлимга бериб қўярди. Ярим йилчадан бери бўлса калитларни қўлимга ушлаганим ҳам йўқ. Гоҳ анави иккаласида бўлади, гоҳ — кези

келиб қолганда — қизининг қўлида кўриниб қолади. Ҳа! Энди тушундим. Ўғил кўришга умид пайдо бўлган экан. Шунинг учун ҳаммасининг авзойи бузилиб қолган экан. Ахир ўғил пайдо бўлгандан кейин, кўёвнинг кимга кераги бор? «Ўй қурилди — чайла бузилди» деган гап бор. Энди меннинг буларга ҳеч кераклигим йўқ. Ўн кун-ўн беш кун ёки бир ой-икки ой сабр қилади-да кейин орқамга бир тепиб, «Бор, сардоржий, йўлингни қил. Бу ерда сенга нима бор» деб ҳайдаб чиқаради.

Юриб-юриб Ҳарбанс чарчаб кетди ва бир даланинг марзасига ўтирди. Миясини эса ҳамон ўша ўйлар чулғаб ётарди: «Лекин ярамас Нарендрдан буни ҳеч кутмаган эдим, Энди маълум бўлди: буларнинг ҳаммаси ҳам бир гўр экан. Бу ярамаснинг ҳам ота-онаси билан тили бир экан. Рост ота-онам шунга хотин қилиб бердим, мен ҳам сал шунга яраша иш тутишим керак, деб ҳам ўйламабди-я бу бетинг қурғур! Майли, яхши бўлди: оқ-қорани таниб олдим. Товоқ синди, лекин итнинг зоти билинди».

Дала чеккасида ўйга толиб ўтираркан, яна бир нарсани унинг юрагини баттар таталади: «Рост шундай экан, нега булар, «Бор, ишингни қил», деб дарров айтиб қўя қолмади менга? Ҳойнаҳой, ўғилнинг ўрнига бирдан қиз туғилиб қолса, бу яна керак бўлади, деб ўйлаган булар. Паст, ярамаслар! Гўё мен буларга кўёв эмасман, эшигида ётган бир итман. Хоҳласа, «баҳ-баҳ» деб чақириб олади, хоҳласа, «тур! тур!» деб ҳайдаб юборади».

Унинг ҳаммасидан кўпроқ ўзининг аҳмоқ-лақмалигидан жаҳли чиқарди. Нега буларнинг кирдикорини бошидаёқ билиб ололмадим, деб ғижинарди.

Ўтириб-ўтириб, ўйлаб-ўйлаб у охири бир қарорга келди: «Бўлди, энди мен ҳам ақли ҳуш билан иш қиламан. Кўёвининг қўлидан нима келишини кўриб қўйсин булар. Бир йил-бир ярим йилдан бери мен буларнинг нишхўртини егани ўтирганим йўқ буларнинг эшигида. Менда ҳам мия бор. Баҳоим қанчалигини айтиб қўяман, итдек бўлиб тўлайди булар».

Шундай қарорга келди-да, Ҳарбанс ўрнидан турди ва орқага, уйга қараб йўл олди. «Шуларни деб мен уй-жойимдан айрилдим, ота-онамдан юз ўгирдим. Энди буларнинг менга кўрсатаётган оқибати шуми?— ўзига ўзи дерди у яна.— Лекин мен ҳеч шошилмаслигим керак. Ҳовлиқсам, ўзимга зарар қилиб қўяман. Бунақа кезларда одам орқа-ўнгига қараб иш қилиши керак. Ҳеч зарари йўқ. Шунча вақт ўтди, бу ёғига яна бир ой-ярим ой ўтса ҳеч нарсани қилмайди. Рост шу уйдан чиқиб кетадиган бўлсам...»



Уйда шу маҳалда ўйин-кулги жуда авжига чиққан эди. Таб-риклагани келган ҳар бир эркак ва аёлнинг оғзи чучитилмоқда эди. Ҳарбанс ҳам режа-ниятларини ичига яшириб, ўшаларнинг ўйин-кулгиси, қувонч-шодлигига қўшилиб кетди.

Дҳарамкаур беш кунни ўтказди, ўн уч кунни ўтказди, йигирма бир кунни ўтказди ва ниҳоят қирқ кунлик чилласини чиқардида, ўтирган хонасидан ташқарига чиқди. Шу қирқ кунгача уйда узлуксиз тўс-тўполон бўлди. Узоқ-яқин қариндош-уруғлар худди тўйга келгандек кетма-кет келаверди. Аслида бўлаётган ҳангома ҳам тўйдан ҳеч қолишмас эди.

Чақалоқ гарчи ёши анчага бориб қолган ота-онанинг фарзанди бўлса-да, лекин жуда чиройли ва ёқимли эди. Жисмоний жиҳатдан-ку бир оз заиф эди, лекин бу кучсизликни йўқ қилиш ҳеч гап эмас эди. Чунки куч бағишлайдиган нарсалар бозорда тиқилиб ётган эди. Бу ёқда сардор Анупсингхнинг жуда зарур бўлиб қолгандагина оғзи очиладиган пўлат сандигидан ҳозир кетма-кет жарақлаб пул чиқмоқда эди.

Чилласи чиққандан кейин чақалоққа онасининг сутидан ташқари бозордан банкадаги сутдан олиб келиб ичирила бошладди. Чақалоққа атаб қулинг ургилсин бир беланчак ҳам келди. Аммо одамларнинг қўлидан тушиб, беланчакка ётишнинг камдан-кам хонаси келарди. Қимми қарасангиз, уни ортмоқлаганини ўтмоқдаган эди. Айниқса Нарендра хонасини ҳам ортмоқдаган эмасди. Чунки уни ҳам шунақа уғил қуришдан умидини узиб қўйган эди.

Ҳарбансининг эса чақалоққа кўзи тушди дегунча юрагини ит тириарди. Бола дуркунлашиб, кўзга кўриниб борган сари, Ҳарбансининг юрагидаги ўт яллиғланиб борарди. Айниқса хотини Нарендрнинг чақалоққа шишадан сут ичираётганини кўрса, жони ҳалқумига келарди-ю, заҳар-иаҳар топиб келиб сутга қўшиб юборгиси келарди.

Ҳарбансининг дилидаги нафрат ва интиқом алангаси кундан-кунга зўрайиб борарди. У энди уйда гўё бир ортиқча буюм бўлиб қолган эди. Ҳеч ким унга кўпда эътибор ҳам бермасди, ҳолини ҳам сўрамасди. Биров эсга олиб қолган тақдирда ҳам фақат «Ҳарбанс! Бозорга бориб чақалоққа сут олиб келгин», «Сардор Ҳарбансингх! Чақалоқнинг ичи келмаяпти; фалон докторга бориб дори олиб келгин!» деб буйруқ бериш учунгина эсга оларди. Ёки бўлмаса баъзида меҳмонларга қараш топшириларди, гўё у бу уйда куёв эмас, хизматкор бўлиб ёллангандек. Нақадар азоб-уқубат билан ўтмоқда эди бу уйда унинг кунлари! Ҳар бир соат,

ҳар бир кунни санаб ўтказарди Ҳарбанс ва минут сайин, соат сайин, уззукун ўйлагани-ўйлаган эди: «Мен яна қачонгача бу уйда хизматкор бўлиб ўтираман. Ҳаммолт-мардикорлар ҳам мендан кўра тузукроқ обрў топади. Ишн тушиб қолганда одамлар ўшаларни ҳам сал ҳурмат билан чақиради. Менга ўшаларча ҳам ҳурмат йўқ. Ахир менп нега бунча ерга уряпти булар? Менинг юрагимни нега бунча тепкилаяпти? Мен буларга нима ёмонлик қилдим? Мен ёмонлик қилмаган эканман, айб кимда — мендами, булардами? Агар айб буларда бўлса, мен шунча таҳқир-ҳақоратга нега чидаб ўтирибман? Ахир эркак кишиман-ку, йнгит кишиман-ку. Ахир танамда жоним бор-ку. Ўлиб ётган мурда эмасман-ку биров устимга чиқиб тепса ҳам, нндамай ётаверсам. Йўқ, бўлди энди. Бу ҳақоратларга ортиқ чидаб бўлмайди. Бундан ортиқ чидаш — аҳмоқлик, қўрқоқлик. Энди нима бўлса бўла қолсин».

Инсон кўнгли деган ердан униб чиққан заҳар тўла нафрат ва иштиқом гиёҳи гуллаб, мева тугиш арафасида эди.

Бир куни сардор Анупспнгҳ Ҳарбансга бир неча меҳмонларни олиб бориб поездга чиқариб келишни топширди. Бу ўзи-ку арзимаган иш. Лекин Ҳарбансга шундай туюлдики, гўё қайноғаси одамлар олдида унинг бошидаги салласини ечиб олиб, ерга улоқтиргандек бўлди. Бир кўнглига келди: «Ҳў, инсон! Мен сенга куёвманми, хизматкорманми?» деб бойваччанинг ҳушини ўзига келтириб қўйй, деб ҳам ўйлади. Лекин ўзини тийди. Чунки унинг сабр косаси тўлиб кетган бўлса-да, ҳали тошганича йўқ эди, тўғрироғи, дилидаги режалари ҳали амалга ошганича йўқ эди. Ҳарбанс меҳмонларни қузатгани жўнади.

Меҳмонларни поездга чиқарди-да, уйга қайтмоқчи бўлди. Лекин қараса, ёнида рикша ёллашга лойиқ ҳам пул йўқ. Арзимаган гап. Баъзан ҳаммада ҳам шундай бўлиб қолиши мумкин. Лекин, умуман, баданнинг қичиши бир гап, яранинг қичиши бутунлай бошқа гап. Баъзан арзимаган яра ҳам, қашисангиз, қоп-қора қоп бўлиб кетади.

Ҳарбанс пнеда йўлга тушди ва пешин вақтидаги жазирама офтобда бораркан, ўзини калтак еган итдек ҳис қилди. У пешанасидан нолиб ичида ўйлаб борарди: «Ёнимда рикшага лойиқ тўрт анна ҳам пул йўқ. Бир вақтлар қайнотам катта-катта пулни йўқ десам ҳам чўнтагимга солпб қўярди. Кейин бир вақт келди, қайнотамдан ёки қайнонамдан ўзим сўраб оладиган бўлдим. Ундан кейин яна бир вақт келди, улардан сўрагани уялиб, хотинимдан сўрайдиган бўлдим. Мана энди бўлса хотинимдан ҳам сўрашга юзим чидамайди. Мана оқибатда шундоқ жазирама иссиқда уйга яёв кетяпман. Илгари Нарендрнинг ўзи ҳам гоҳ-гоҳда, пул берайми, деб сўраб турарди.

Энди анави ашаддий душманим туғилганидан бери Нарендр пул деган нарсани оғзига ҳам олмайди. Энди қачон қарасанг, «қўзичоғим», «қуёшим», «оймўмам» дегани-деган. Бошқа нарса эсига ҳам келмайди».

Ҳарбанс ярим йўлни ўтиб қўйди, лекин рикшага тааллуқли масала ҳамон унинг юрак-бағрини тўхтовсиз эзмокда эди. «Бундан чиқди, энди бундан буён пешанам билан бирга чўнтагимнинг ҳам шўри қурийдиган бўлибди. Бир апна-икки аннани ҳам қаердан топишга ҳайрон бўлиб юрарканман энди. Оҳ! Бу дунёда мендек бебахт бўлмаса керак. Қўчадаги гадойлар ҳам мендан тузукроқ бўлса керак».

Шундай даҳшатли фикр-хаёллар билан юрак-бағри эзилиб уйга етиб келди. Бир ёқда йўл азоби ва бир ёқда ғам-андух бўлиб, у жуда қолдан тойган эди. Хонасига кириб бир оз чўзилиш ниятида зинага оёқ қўювди ҳамки, бирдан юқоридан тасиртусир қилиб Нарендр тушиб кела бошлади. Зинанинг ўртасида иккови тўхтади ва Нарендр ўн рупиялик қоғозни Ҳарбансга узатиб деди:

— Сиз бозорга бориб, дарров банкадаги сутдан олиб келинг. Чақалоқ бечора эрталабдан бери оч ётибди.

Ҳарбанс қордан қутулиб, ёмғирга тушди. Ў жаҳл билан Нарендрни қароқчи ҳарадиди, лекин яна бошини эгиб олди. Тепадаги бир талай хопиш-халажнинг гапириб-кулган овозини эшитиб, айтмоқчи бўлган гапи ичида қолиб кетди. Нарендрнинг қўлидаги пулни олди да, юракни қийинча босиб, бозорга кетди. Нарендр бозорда тасиртасир қилиб юқорига чиқиб кетди.

Йўлдан адашиб қолган йўловчи кўп саргардон бўлиб, охири йўлни топиб олгандек, Ҳарбанс ҳам хўп бош қотирганидан кейин, ниҳоят бозордан қайта туриб ниятига етишнинг бир йўлини топди. Бир неча кун бурунги бир воқеа унинг эсига тушиб қолди. Қаттиқ шамоллаб қолган эди. Бир одам бобо Рурсингх деган бир табибнинг дарагини айтди-да, битта мошдек дори билан ҳар қанақа шамоллаш йўқ бўлиб кетади, деди. У дарров ўша табибникига борган эди, табиб мурч донасидан ҳам кичкина-кичкина икки думалоқ кучала дорини қўлига бераркан уқтирди:

— Лекин, Сардоржий, бир ичишда дорининг фақат биттасини ичинг. Бу ўткир заҳар. Икковини баравар ичиб қўйсангиз, ҳолингиз вой бўлади.

«Бўлди, ҳаммасидан кўра мана шу йўл яхши», деб ўйлаганича Ҳарбанс уйга кириб келди.

Уйга келиши биланоқ банкадаги сут билан ортиб қолган пулни Нарендрнинг қўлига берди. Шундай қилар экан, унинг

қўллари титрарди, кўзларида шундай туйғу бор эдики, Нарендрнинг кўзи тушганда, қўрқиб кетарди. Лекин Нарендр сутни тезроқ ичира қолай деб шошиб турган эди, ҳеч нарсага аҳамият бермади.

Ҳарбанс ортиб қолган уч-тўрт рупияни хотинига узатар экан, пулни олмайди, олса ҳам, қайтариб беради, деб умид қилган эди. Илгари ҳам бир неча марта шундай бўлган эди. Лекин бу сафар Нарендр бундай қилмади. Эҳтимол, шошиб тургани учундир ёки умуман эсига келмагандир.

Уша кунни кечаси ҳамма уйқуга кетгандан кейин Ҳарбанс секин ўрнидан турди-да, уйдан чиқиб, Рурсингх табибнинг уйига қараб йўл олди. «Нарендр ҳар куни кечаси чақалоққа сут бериладиган шиша билан резинка сўргични ювиб-тозалаб қўйиб қўяди,— деб ўйлаб борарди у йўлма-йўл.— Эрталаб туриб, унга янги сут солади-да, чақалоққа ичиради. Демак, менинг ишим қийин эмас. Сал эҳтиёт бўлсам бўлди. Заҳарни обдан майдалаб оламан-да, кечаси бир амаллаб сўргичнинг ичига...— масала ҳал».

Шу ҳаёл билан у бир неча қадам юрувди ҳамки, тўсатдан худди кўкрагига биров бир туширгандек бўлди. Бу зарбадан оёқлари ўзидан-ўзи бўшашиб кетди. Унинг кўз олдида майда қилиб эзилган кучала турарди. Бундан ташқари яна бир нарса худди илон сингари жилпанглаб тўғри унга қараб келмоқда эди. Бу дор арқони эди!

«Оҳ! Қандоқ аҳмоқона иш!— шундай деди Ҳарбанс ўзига-ўзи ва таққа тўхтади.— Ўз оёгимга ўзим бўлта урмоқчиман. Ўз бўйнимга ўзим сиртмоқ солмоқчиман. Мутлақо лаззатсиз гуноҳ! Ахир шундоқ қилиб мен нимага эришаман? Сиртмоққа эришаманми? Аҳмоқ! Шу ҳам ишми? Ахир денгизга шўнғийдиган одам гавҳар топгани шўнғийдими ёки тимсоҳга ем бўлганими?»

Табибнинг уйига бор-йўғи йигирма-ўттиз қадамча қолган эди, орқасига бурилди ва тез-тез юриб уйга жўнади. Энди унинг миёсида бошқа бир режа вужудга келмоқда эди.

«Бўлди, ўч олишнинг энг яхши усули мана шу,— деб бошқа бир қарорга келди у уйига яқинлашганда.— Ўч олишнинг ҳам, унча-мунчалик бўлиб қолишнинг ҳам. Қалитлар гоҳ-гоҳда Нарендрнинг қўлида бўлади. Бир куни қулай пайт топаман-да...»

Қачондир эшитган бир воқеа шу пайтда унинг кўз олдида гавдаланмоқда эди. Бир бойнинг уйида малайлик қилиб юрган бир бола бир куни мумга уйдаги қалитларнинг изини тушириб олибди-да, ўша нусхада қалитлар ясатибди. Кейин бир куни кечаси хўжайинининг уйдаги бутун олтин-кумушларни олиб, қаёққадир жўнаб қолибди. Полиция роса қидирибди, лекин тополмабди.

Қайта уйга кириб келганда Ҳарбанс, кўнгли қувончу шодликка тўлиб, ўзига ўзи дерди: «Бўлди, иш битди. Энг яхши йўли мана шу. Энди мен ҳеч кимдан қўрқмайман. Лекин шошмаслик керак. Қанча вақт кетса кетар. Овқат секин пишса, ширин бўлади».

### 35 боб

— Ҳарнамкуур!— эрталаб ўрнидан турибоқ Бҳажансингх хотинини чақирди.

Ҳарнамкауэр ҳовли супураётган эди, супургини ерга ташлаб, дарров ичкарига кирди.

— Менга қаранг!— деди у эридан ўпкалаб.— Шунча йилдан бери шаҳарда яшаб келяпсизу, ҳали ҳам ўша қишлоқлигингиз қолмади.

— Нима бало бўлди эрталабдан бошлаб?— сўради Бҳажансингх илжайиб.— Нега жаҳлинг чиқиб қолди?

— Жаҳлим чиқаётгани йўқ,— жавоб берди Ҳарнамкауэр.— Лекин ўзингиз ўйланг, эртас-индинга бизлар ҳам юзага чиқадиганмиз— шаҳарнинг ўртасидан уй оладиганмиз, машина оладиганмиз. Бу ерда-ку кун ўтаверади, ҳеч ким ҳеч нарса демайди. Лекин ўша ёққа боргандан кейин ҳам шунақа «Ҳарнамкуур» деб юраверасизми? Ахир бу «кур» нима деганимиз?

— А-ҳа!— Хахолаб кулди Бҳажансингх.— Гап бу ёқда дегин? Хўп, бўпти, Ҳарнамку... Ҳарнамкауэр. Бўпти, бундан буёқ шундоқ қиламан. Кел, бундоқ ушланг.

Ҳарнамкауэр утирди.

— Сен-ку кечаси билан роса хурракни отдинг,— гап бошлади Бҳажансингх.— Лекин мен мишжа қоққан бўлсам, ҳар нарса бўлай.

— Нега?— бир оз безовта бўлиб сўради Ҳарнамкауэр.— Нима бало, тағин бирор ушла-ушланинг...

— Э, ушла-ушлани полиция кеча-кундуз қилиб ётибди-ку. Хайр, бу ташвиш-ку ҳамма вақт бор. Лекин яна бошқа бир нарса тун бўйи мени ухлатмади.

— Яна қанақа нарса?

— Кеча айтувдим-а сенга, аввал ўзим сал ўйлаб олай, кейин айтаман деб? Лекин, ўйлаб ҳеч ерга етолмадим. Нима қилишга ҳайронман.

— Бундоқ айтинг, нима гап ўзи?— қизинқираб деди Ҳарнамкауэр.— Ҳамма вақт одамни чўчитиб юрасиз. Ўзи шундоқ ҳам полиция хавфидан титраб ўтирибман. Ҳа? Нима гап ўзи?

— Кеча учратган эдим сенинг анавинингни.

— Қимни?

— Ҳа ўша Жасвантни-да.

— У чўкиб ўлгур қаёқдан келиб қолибди яна?  
— Шу ернинг ўзида экан. Қаёққа борарди.  
— Шу ернинг ўзида экан?  
— Бўлмаса қаёқда бўларди.  
— Шу ерда ўтирган эканми, а шунча вақтдан бери-я? Мен бўлсам, бирор ёққа даф бўлибди, деб ўйлаб ўтирувдим.  
— Мен ҳам шундоқ деб хаёл қилувдим.  
— Шуни нега кечаси айтмадингиз менга?  
— Айтсам, фиғонинг осмонга чиқарди. Ўзи шундоқ ҳам еганинг ичинга тушмай юрибди. Эртага эрталаб мавридини топиб айтарман, деб ўйловдим. Ундан кейин...

«Бир йилдан бери шу ерда юрган экан-ку, қорасини ҳам кўрсатмабди-я. Тўйга ҳам келмади, ўликмисан, тирнкмисан деб ҳолимиздан хабар ҳам олмади»—шунга ўхшаш қанча-қанча гаплар бир зумда Ҳарнамкаурунинг миясига келиб кетди ва унинг ғазаб ўтини алангалатиб юборди. Бу ёқда Бҳажансингх кечаги учрашув қиссасини сўзлаяпти, у ёқда Ҳарнамкаур жигибийрон бўляпти.

— Жуда катта-катта режалар тузиб ўтирган экан у ёқда. Эшитиб, менинг оғзим очилиб қолди. «Ундоқ қиламиз, бундоқ қиламиз, корхона очамиз». Яна нима балоларни гапириб ётибди. Лаби лабига тегмайди...

— Э, миш лаънат ўшандоқ махлуққа,— ғазабига чидамай деди Ҳарнамкаур.— Нима бўларди жуда. Тезак босиб, оғзидан гуллаб юргандир-да.

— Ҳарнамкаур!— гапида давом этди Бҳажансингх.— Унинг важоҳатини кўрсанг эди! Ҳў илгариги Жасвант қаёқда! Худди ташқаридан келган бўйваччаларга ўхшайди.

— Э, ўхшаса ўхшаб ўлмайдами!— Ҳарнамкаур яна гапни бўлди.— «Отнинг ўлими итнинг байрами» деган экан. Кўсага соқол битибди-да энди.

— Ҳў, сен ҳадеб ўзингникини маъқуллайверасанми?— бир оз ўшқириб деди Бҳажансингх.— Бундоқ бошқанинг гапини ҳам эшитсанг-чи охиригача.

— Менга керак эмас,— деди ғазаб билан Ҳарнамкаур ўрнидан турар экан.— Сизга агар керак бўлса, бориб ўшанга сажда қила қолинг. Мен бунақаларнинг башарасига ҳам қарамайман.

— Эсингни ема!— деди Бҳажансингх буйруқ берган оҳангда.— Бундоқ ўтир. Мен нима демоқчиман-у, сен нима деб алжираяпсан. Эҳтимол худди сенинг кўнглингдаги гапдир. Бундоқ сабр қилиб эшитсанг-чи.

Ҳарнамкаур афт-башарасини буриштириб яна жойига ўтирди.

— Хўп, гапиринг.

— Гап бундоқ Ҳарнамку... Ҳарнамкау.— Хушомад қилган оҳангда деди Бҳажансингх.— «Давлат қўлдан кетаётган бўлса, ярмини бўлиб бер» деган экан донишмандлар. Менинг гапимни сал диққат билан эшитгин. Худойим бизга бор-йўғи шу иккита ўғилни берган экан. Олти-еттита бермаган экан. Лекин нима гуноҳ қилган эканмизки, бири биздан юз ўғирди, иккинчиси ташлаб кетди. Қарабсанки, ёлғиз ўзимиз қолдик. На орқа қиладиганимиз бор, на суюнадиганимиз. Худо кўрсатмасин, касал-пасал бўлиб, ётиб қолгудек бўлсак, бир ҳўплам сув берадиган ҳеч ким топилмайди. Шундай бўлгандан кейин мол-давлатга ўт қўйиб юборамизми ёки орқалаб ўша ёққа олиб кетамизми? Шуни бундоқ ўйлаб қара.

— Хўш, энди нима демоқчисиз?— сўради Ҳарнамкау.— тутақиб.— Нима қилишимиз керак энди? Энди бориб...

— Сабр қил!— Бҳажансингх хотинининг гапини бўлди.— Мен сенга айтаётганим йўқ-ку ўғилларингнинг оёғига бош ургин деб. Менда ҳам озгина ақл бор. Лекин туриб-туриб мен бир нарсани ўйлаб қоламан. Худойим бизга шунча ризқ-насиба берди. Сен шаҳарнинг ўртасидан уй оламиз, машина оламиз, ундоқ қиламиз, бундоқ қиламиз, деяпсан. Лекин ҳой, барака таявир, бундоқ ўйлаб қаратин. Бу умрда ишониб бўладими? Эртага лоп этиб оғзимиздан жонимиз чиқиб кетса, ҳаммаси кўмилган жойида қолиб кетади— на қизнинг кунига ярайди, на ўғилнинг. Шунинг учун менинг масаҳатим шунки, сал эс-ҳушинг

— Эс-ҳушингни йиғиб иш қилгин!— Ҳарнамкау яна тутақиб кетди.— Ҳа, бориб ўша жувонмаргнинг оёғига бош ургин, дейсизми? Мен уни оёғимнинг учига ҳам илмайман.

— Яна ўша тутақиш,— Бҳажансингх насиҳат қилган тарзда деди.

— Ким сенга шундоқ қилгин деяпти? Одамнинг гапини гапга қовуштирмайсан-а! Бундоқ диққат билан эшитсанг-чи. Ҳой, Ҳарнамкау, ҳар нарса бўлганда ҳам, менинг бир гапимни эшитгин. Бу боланинг ўзи кўнгли ёмон эмас. Қаттасининг йўли бошқа. У ҳам ўзи ёмон эмас эди. Лекин бошидан бир оз лақ-мароқ бўлгани учун у ёққа бориб, қайнота-қайнонасининг найрангига учиб қолди. Лекин, Ҳарнамкау, сен ишонавер, Жасвант унақа эмас. Мен сени қандай қилиб ишонтирсамикин: бунинг фикр-хаёллари жуда бошқача бўлиб кетибди. Мен сенга айтдим-ку: унинг гапларини эшитиб, мен ёқамни ушлаб қолдим. Илгариги Жасвантга ҳеч ҳам ўхшамайди. Шундоқ одамни элитадиган гапларни гапиряптики, худди жодугар дейсан. Менга ишонсанг, унинг гапларини эшитиб туриб менга шундай

туюлдики, гўё бир... гўё бир...— жумлани тугатолмади Бҳажансингҳ, чунки нима билан таққослашни билмади. Гапида яна давом этди:— Менинг кўнглим айтиб турибди: бу бола, албатта, бир ердан чиқади. Шунинг учун бундай қилсак, менинг-ку унга ҳеч гапим ўтмайди; сен агар бориб, тушунтирсанг, ўшанда йўлга кириб қолса ажаб эмасиди.

Ҳарнамкауэр чуқур ўйлаб қолди.

— Ундан кейин,— гапида давом этди Бҳажансингҳ,— анави сен айтган гап ҳам тўгри гапга ўхшайди.

— Қайси гап?— Ҳарнамкауэр чўчиб тушгандек сўради.

— Бир марта айтувдинг-ку, битта чўлоқ қиз Жасвантни сўраб келди, деб.

— Ҳа, ҳа. Хўш?

— Ўзинг айтаётувдинг, Жасвант ҳойнаҳой шу қиз билан тил бириктириб юргандир, деб. Хў бир бориб учрашиб келгандан кейин Ҳарбанс ҳам шунга ўхшаган гапни айтган эди.

— Ҳа, айтган эди. Хўш?

— Нима бўларди. Баччағар ўз оғзи билан айтиб қолди.

— Ўз оғзи билан айтиб қолди? Нимани? Ахир сиз уни ўзи қаерда кўрдингиз?

— Бозорда учраб қолди. Мен бир шеригим билан бирга кетаётган эдим. Кўрдим-да, индамай ўтиб кетмоқчи бўлувдим, йўлимни тўсиб туриб олди. Туриш-турмушининг таърифини айтсам, сен ҳойнаҳой ишонмайсан. У-бу деб ўйлаб ўтиргандирсан ўзингча. Кийим-боши ўзи-ку соддагина, лекин шундоқ топ-тоза, ўзига шундай ярашганки, қўяверасан. Соқол-мўйловининг нимасини айтасан — худди бир шахзоданинг ўзгинаси. Шундай гапиряптики, худди оғзидан гул сочаётганга ўхшайди. Танаси-ку хипчагина, лекин кўрган одамнинг ҳаваси келади. Ўзи ҳам мени кўриб жуда ийиб кетди. Эгилиб оёғимга қўл теккизди, кўзларидан ёш оқиб кетди. «Дада! Сизларни жуда кўргим келади. Лекин уйга боришга юрагим бетламайди»,— дейди. Иккаламиз гаплашиб анча жойга бориб қолдик. Бир соатга яқин суҳбатлашдик. Ҳамма нарсани гапирдим унга — Ҳарбанснинг нима қилганини, уйдаги қийинчиликларни ҳам айтдим. Эшитиб жуда ҳам хафа бўлди. «Юр мен билан бирга уйга. Ойинг ҳеч нарса демайди. Мен ўзим гапириб, уни ҳовуридан тушираман»,— дедим. Лекин ҳеч кўнмади. «Мен ҳозир шахардан бошқа бир ёққа кетяпман. Қайтиб келганимдан кейин бир кун ўзим бораман», деди.

Ҳарнамкауэр бу гапларни юрагини тош қилиб ғиқ этмай тинглаб ўтирарди. Лекин кўзларининг қисилиб ҳамда лабларининг жуфтлашиб кетишидан «тошға» ҳар ҳолда бир нарса бўлаётгандек туюларди.

— Сиз,— деди у йўталиб,— бошқа бир гапни айтаётган эдингиз.

— Ҳа! Эсимдан ҳам чиқиб кетибди.— У яна қайтиб ўша мавзуга келди.— Мен айтдим: «Жасвант, уйга қайтиб келганимда эди, сени уйлантириш масаласини ҳам бир гап қилардик», дедим. Шундоқ десам, у «Дада, менинг уйланишимни сиз ташвиш қилмасангиз ҳам бўлади. Мен аллақачон чатишиб бўлганман», деди. Бу гапни эшитиб мен кўрқиб кетдим, лекин ундай-бундай деб суриштириб ўтирмадим. Аммо кечаси ўринга ётганимдан кейин хаёл мени аллақачон олиб кетиб қолди. Туриб-туриб шу нарсани ўйлайманки, каттасидан-ку худо буюрмади. Кичкинасидан ҳам ҳеч нарса насиб қилмайдими? Ўзинг ўйлаб қара, Ҳарнамкаур: у вақтдаги гап бошқа эди: катта қудаларга, яъни ўша таги пастларга қўл узатдигу лекин қўлимизда ҳеч нарса йўқ эди. Энди бўлса худонинг инояти билан қўлимизда ҳамма нарса бор, ҳар қанча кекирсак арзийди. Кейин Жасвантнинг ўзи айтганидек, бир йил-ярим йил ичида агар иши гуллаб кетса, биронта катта бойшикидан совчи келиб қолиши ҳеч гап эмас. Шундай бўлиб қолса борми, ўн беш минг-йигирма мингги индамасдан олаверасан. Лекин бу ишнинг ҳаммаси ўзининг қўлида. Мен ўйлаб келиш мендан, лекин йўлга солиш сендан. Ундан кейин шаҳарнинг ўртасидан хоҳласанг, битта эмас, икки уй ол. У ёғини энди ўзинг биласан.

ларни ўйлапти — бу номаълум.

— Хўш, сен нима дейсан? — сўради Бҳажансингх.

— Сиз нима десангиз, ўша-да.

— Мен яна нима дердим. Э, барака топгур! Сен ўзинг ўйла: ўғлимиз уйга келади — бағримиз тўлади. Кейин уйланишга келганда Жасвантни ҳалиги мен айтган томонга буриб юборсанг бўлди — Ҳарбансдан қолган армонларингни ҳам кўнглингдан чиқариб юбормаса, ўшанда айтасан.

— Шундай қилиб, қачон кетмоқчи эди кетадиган жойига?

— Бир-икки кундан кейин, деётувди.

— А, қачон қайтиб келаркан?

— Аниқ маълум эмас, эҳтимол бир ҳафта кетар, эҳтимол ундан кўпроқ ё камроқ кетар, деган эди.

— Ундоқ бўлса... — сал тортиниб деди Ҳарнамкаур. — Шу бугуноқ судраб олиб келсангиз, нима қиларкин?

— Йўқ, бугун у келармиди. Мен ўзим ҳўп уриндим, деяпман-ку.

— Хайр, майли. Қачон десангиз, ўшанда олиб келарсиз. Сиз бошланг, у ёғи мендан.

— Яшавор!— деди Бҳажансингх хотинининг елкасига қо-  
қиб.— Иш деган мана бундоқ бўлибди-да! Қўшнинг кўр бўлса,  
кўзининг қис, деб айтган-ку донишмандлар.

### 36 боб

- Уйғоқмисан, Ҳарнамкаур?
- Ҳа, уйғоқман. Уйқу келармиди.
- Уйлаб қарадингни яна?
- Миямга ҳеч нарса келмаяпти.
- Яна бир иш қилсак дейман сен агар хўп десанг.
- Сиз нима десангиз, ўша-да. Қани, айтинг.
- Эшикларни яхшилаб ёпганмидинг?
- Ҳа.
- Кўча эшикни ҳам-а?
- Ҳа.
- Ўрта эшикни-чи?
- Уни ҳам бекитиб қўйган эдим ётмасдан олдин.
- Ичкаридан тамба қўйганмидинг?
- Ҳа, яхшилаб тамбалаган эдим.
- Мен айтаман... бундоқ ўрнингдан тур-чи.

Тун ярмидан оғиб қолган эди. Қоп-қоронғи кеча. Бойқушнинг сайраши уни яна ҳам даҳшатли қилиб юборган эди.

Бир неча кундан бери полиция «ушла-ушла» қилмоқда эди. Бҳажансингхнинг шерикларидан икkitаси қўлга тушган эди. Қолганларининг ҳоли нима бўлади — маълум эмас. Чегарани ошиб ўтиб ташқаридан ўғринча мол олиб келувчилар жуда ҳуш-ёрлик билан иш кўриб, шу кунгача омон-эсон келган эди-ку, лекин энди аҳвол анча чатоқ кўринарди. Ўғринча мол олиб келувчиларга чегара полицияси билан божхона ходимлари анча-мунча кўмаклашади деб давлат органлари бир неча бор маълумот олган эди. Чунончи, иккала маҳкаманинг ҳам состави бутунлай ўзгартириб юборилди. Лекин бундан айтарли фойда чиқмади. Янги ходимлар жон-жаҳдлари билан ишлашига қарамай, натижа кўнгилдагидек эмас эди. Сабаби — янги тайинланган қўриқчилар чегара ўғриларини эскилардек яхши билмасди. Ходимлар состави ўзгартирилаётган вақтда-ку қондага биноан чегара ўғриси сифатида шубҳа тугдирган шахсларнинг рўйхати янги ходимларга берилган эди. Лекин бу рўйхатни тузувчилар ўша эски ходимлар эди. Қанча кунлардан бери дала орқасидан кун кўриб келаётган эски қўриқчилар унинг пайҳон қилинишига йўл қўярмиди. Айниқса чегара ўғрилари рўйхатга тушмаслик учун уларга қанча-қанча пулни ҳадя қилгандан кейин.

Лекин бунинг ҳаммасидан қатъи назар, янги ходимлар енг шимариб ишламоқда эди. Бир-икки ҳафта мобайнида юзлаб одам қўлга туширилди. Полиция уларни тилга киритиш учун қўлидан келган ҳамма чораларни кўрди.

Чегара ўғриларининг энг асосий қондаси — «калтак остида ўлиб кет, лекин ёнги деб оғзингги очма». Полициянинг қўлга тушганлар учун айни шу қондага амал қилиш вақти келган эди. Полиция уларни ҳўп бошлаб калтакларди, калтаклаганда ҳам жамоатнинг олдида. Полиция офицерлари қишлоқлардаги аҳолини тўпларди-да, ҳўп томоша кўрсатарди. Бу томоша эрталаб бошланса, кечгача давом этарди. Масалан, мана бунақа томошалар бўларди: айбдорнинг икки қўлини орқасига боғлаб, юзини ерга қилиб ётқизиларди-да, иккала қўлини каравотнинг оёқлари тагига бостириб қўйиларди, кейин каравотнинг устига бир неча одам чиқиб ўтириб оларди. Бировни оёғидан осиб қўйиб, роса калтакланарди, бировга бундан ҳам кўра ибратлироқ жазолар бериларди. Одамлар шўларни кўриб дир-дир титтарди.

Қўлга тушганларнинг қўпи шундай юраги бақувват одамлар эдики, ҳафталаб қийноқ-азоб чекиб ҳам, дилидаги гапни тилига чиқармасди. Лекин баъзи бир шунақалари ҳам учрардики, дарров оёқ-қўли бўшашиб қоларди-да, полициянинг таёғи нимани оёғидан, ҳаммасини айтиб берарди. Ўларнинг оғзидан яна янги одамларнинг номини эшитиб олиб, полиция кечаю кундуз ўшаларнинг кетидан изғиб юрарди.

Шундай шарафли, табиийки, қўлга тушиб қолган хавфдор одамларнинг ҳаммасидан ҳаммаси, унинг ҳам орқа-ўнгида юзлаб душманлари бор эди. Шулардан бири Гурдитсингх. Бҳажансингх ўзини ҳеч ким шубҳа қилмайдиган кўнга солиб келмоқда эди. Эр-хотин иккови эгнига йиртиқ-ямоқ, увринди-чувринди кийимларни илиб, ким кўринганга камбағал-қашшоқлигидан ҳасрат қилгани-қилган эди. Ўғилларининг содиқмаслиги, ота-онасини ташлаб кетганлиги, буларнинг бўйида турли-туман қарзлар борлиги, шу туфайли яқиндагина иши судга тушганлиги, ҳатто уй-жойининг гаровга қўйиб қўйилганлиги, Бҳажансингх «бечора»нинг кўзи ожиз бўлиб қолганлиги — ҳаммасидан одамлар воқиф эди. Лекин шунга қарамай, хавф-хатар жуда катта эди. Қўлга тушган шерикларидан биронтаси агар тилга кириб қолиб, номини айтиб бергудек бўлса, бунинг ҳам оёғи осмондан келиши турган гап эди. Фақат Бҳажансингхнинг кўнглига далда берган нарса шу эдики, қўлга тушган иккала шериги ҳам патанлар<sup>1</sup> бўлиб, жуда жони қаттиқ одамлар эди. Уларнинг қийноқдан кўрқиб полиция олдида бош эгишига Бҳажансингхнинг ҳеч кўзи етмасди. Лекин, иккинчи томондан, улар ҳам ҳаммага ўхшаш одам эди. Полиция суягини синдиришу

терисини шилишдан тоймай турса, уларнинг ҳам жони кўзига кўриниши мумкин эди.

Бир неча кундан бери эр-хотин шуларни ўйлаб, ўз этини ўзи еб ётарди. Бу хатардан қандай қилиб қутулиш ва бундан ташқари ўрадаги йигирма-йигирма беш мингга қандоқ қилиб асраб қўлиш керак — бунга икковининг ҳеч ақли етмасди. Чумчуқ «пир» этса, икковининг юраги «шир» ётарди. Не ҳасратда тўплаган давлатини бало-қазодан асраш учун булар амалий чоралар ҳам кўрмоқда эди. Пул солинган мис идишни бу ердан ковлаб олиб, у ерга кўмарди, у ердан олиб, яна бошқа жойга кўмарди. Олти-етти кундан бери кечалари буларнинг қиладиган иши шу эди. Шунда ҳам бир минут хотиржам бўлиб ўтира олмасди.

Бугунги кечанинг ҳам ярмидан кўпини эр-хотин каваровтда ётиб у ёқдан-бу ёққа тўлганганича ўтказди. Уйқу келиши у ёқда турсин, аъзойи бадани худди қурт кемиргандек жимирлашиб, қўрқувдан юраги пақ ёрилгудек бўлмоқда эди.

Эрининг гапи билан Ҳарнамкауэр ўрнидан туриб, унинг ёнига келиб ўтирди-да, деди.

— Хўш, гапиринг.

— Шу дейман,— гап бошладн Бҳажансингх қаттиқ ташвиш билан,— худо кўрсатмасину, лекин қўлга тушиб қолганим-да ҳам, уч-тўрт йил қамоқнинг тузини тотаман холос, ҳеч ким мени осиб юормайди. Уч-тўрт йил деган нарсa дарров ўтиб кетади. Ишқилиб мана бу ишонганимиз омон бўлса бўлгани.

Ҳарнамкауэр қўрқув тўла кўзларини эрига тикканди. Ҳатто қаттиқроқ нафас олишга ҳам юраги дов бермасди. Бҳажансингх гапида давом этди:

— Сен бундоқ қилсанг энди: шу нарсаларнинг ҳаммасини олиб, ойингникига жўнасанг.

— Сиз-чи?— сўради Ҳарнамкауэр тасалли ва қўрқув аралаш эрига қараб.

— Мен қаёққа борардим, — ўзини маҳкам тутиб жавоб берди Бҳажансингх. — Мен уйда ўтираман.

— Уйда ўтириш хатарли.

— Бир ёққа кетиш бундан бешбаттар хатарли. Полицияда дарров шубҳа туғилиб қолади. Полиция келиб тинтув қилганда ҳеч нарсa чиқмаса бўлгани. Унча-мунча қамоқ муддатини мен ўйлаб-кулиб ўтказиб юбораман. Хўш, менинг маслаҳатим маъқулми?

— Сиз бир нарсa деганингиздан кейин, мен нима дердим, лекин...

— Барака топгур, сен кўпда ўйлаб ўтирма шунақа вақтда. Ўзингни маҳкам тутиб, иш қилавер. Бир йил-ярим йил нима бўпти. Кўз очиб, юмгунча ўтиб кетади. Қарабсанки, яна қайтиб келиб турибман. Ундан кейин, ҳеч кимнинг биз билан иши бўлмайди. Маза қилиб яшайвераимиз. Бу пул бир умр ётиб еганингда ҳам тугамайди.

— Бўпти, сиз нима десангиз, ўша, — деди ниҳоят Ҳарнамкаур бир оз маъюс бўлиб.

— «Десангиз-песангиз» деган гапни қўй, Ҳарнамкаур, вақт ғанимат. Менинг фикримча, ҳамма нарсани кўтариб, эрталабки поездга чиқ-да, жўнайвер. Эртагаёқ нима бўлиб-нима қўйишини худо билади. Отни қанча вақтлпроқ қамчилаб қолсанг, шунча яхши.

— Хўп.

— «Хўп» эмас. Ўрнингдан тур-да, бориб, бурчакни ковла. Тонг отишига ҳали анча вақт бор. Тонг отгунча...

— Лекин ойимга айтишга тўғри келади-да ҳамма гапни, — эрининг гапини бўлиб деди Ҳарнамкаур.

— Ҳа, айтишга-ку тўғри келади... — Бҳажансингх чуқур ўйга толиб қолди.

— Ҳа, нимани ўйлаб қолдингиз?

Сенин гапни тўғри, Ҳарнамкаур. Сенинга бу гапларнинг ҳаммаси маълум бўлса, унда... унда... аҳвол чатоқ бўлиб қолмасайди. «Сен мени оғзингдан чиқарсанг, мен сени қишлоқдан чиқараман», деган оқил. Тағин бирини икки қилиб қўйишга ўзини кимга ўқирмасанди дейман.

— Хўш, бўлмаса нима қилиш керак?

— Бўлмаса... нима десангиз. ҳеч ниям ишламай қолди. Аро йўлда қолган одамнинг кунига тушиб қолдик. Агар борди-ю... — Шундай деб туриб Бҳажансингхнинг бирдан қулоғи диккайди. Ҳарнамкаур ҳам шундай бўлди.

— Ҳарнамкаур... бу...

— Ҳа, эшикни тақиллатди биров.

— А?

— Ҳа.

— Худди чамамда...

— Э, худо! Ўз паноҳингда асра. Э, худо! Ўз паноҳингда асра.

Иккови ҳам ўтиргач жойида тахта бўлиб қотиб қолди. Бҳажансингх бир нарса демоқчи бўлиб энди оғзини очган эди, яна «тақ-тақ» қилган овоз эшитилди.

— Ҳарнамкаур! — дир-дир титраб деди Бҳажансингх. — Худди айтганим келганга ўхшайди. Бадбахт! Неча кундан бери айтаман сенга буни уйдан йўқот, деб...

Эшик яна тақиллади. Бу гал илгаригидан ҳам қаттиқроқ тақиллади. Бҳажансингх нафаси оғзига келиб кетди. Ҳарнамқаурнинг тили бориб танглайга ёпишди, аъзойи бадани увушиб қолгандек бўлди. Эшик ҳадеб тақиллайвергач, иккови ўрнидан туриб эшикка қараб шундай йўл олдики, гўё эшикнинг тақиллаши магнит бўлиб уларни ўзига тортаётгандек туюларди. Ҳарнамқаур оббо деб худога ёлворарди. Бҳажансингх қочишга йўл қидиргандек, у ёқ-бу ёққа алангларди. Қочишнинг илжани тополмади шекилли, бориб хонанинг эшигини очиб юборди ва кейин ҳовлига чиқиб, кўча эшикка қараб юрди. Ҳарнамқаур ҳам овозини чиқариб худога ёлворганича унинг кетидан борарди. Эшикка етиб боришгунча Ҳарнамқаур эрининг орқасига энгаҳини тираб унга шивирлаб уқтирди:

— Эшикни ҳазир бўлиб очинг. Очинг-да, ўзингизни эшикнинг орқасига олинг. Тагин... эшитдингизми?

Лекин Бҳажансингх ҳеч нарсани эшитгани ҳам, тушунгани ҳам йўқ. Унинг иккала қулоғи худди ичида пәезд юриб кетаётгандек шанғилларди. Эс-ҳушидан айрилган, эшиккача етмай ярим йўлдаёқ ағанаб тушгудек гандираклаб борарди. Лекин бир амаллаб эшиккача етиб борди. Оёқ-қўли дир-дир титраган ҳолда эшикнинг занжирини очди. Кейин эшикнинг бир тавақасини секин ичкарига тортди. Эшик очилиб, кўзи ташқарида турган одамга тушиши билан Бҳажансингхнинг кўрқиши газабга, титраши мардликка айланиб кетди. Тўхтовсиз калима келтириб эрининг орқасида турган Ҳарнамқаурда ҳам у одамни кўриши билан эридагидек кайфият пайдо бўлди ва унинг оғзидан беҳосдан ўшқирган овоз чиқди:

— Ҳа! Ҳарбанс?

Оқпадар ўғлига кўзи тушиши билан Бҳажансингхнинг бир мушт уриб уни ерга чилиарчин қилгиси келди. Ҳарнамқаурда ҳам худди шу истак уйғонди. Аммо иккови ҳам бу ниятини амалга оширишга ожизлик қилди.

Учови худди соя сингари олдинма-кетин юриб яна хонага қайтиб келишди. Ичкарига киришдан олдин Бҳажансингх ташқи ва ички — иккала эшикни қайтадан яхшилаб занжирлади.

Уйга киргач, чироқнинг ёруғида Ҳарбансинг қиёфасини кўриб, эр-хотин иккови яна бошқатдан кўрқиб кетди. Одам ўлдирган қотилнинг афт-башараси ҳам бу қадар даҳшатли бўлмасди уларнинг назарида. Кўзлари худди мурда куйдириладиган жойда ловуллаб ёниб турган иккита аланга. Ташвиш, қўрқув-даҳшатдан бош-оёқ титраб турибди.

Ўтиргандан кейин анча вақтгача учаловининг ҳам тили танглайга ёпишиб ётди. Охири биринчи бўлиб Бҳажансингхнинг

тили ҳаракатга келди. Ниҳоятда бераҳм ва дағал овоз билан у сўради:

— Ҳа. Бу ерда ниманг қолган экан, олгани келдинг? Сенга нима бор эди бу ерда?

Ундан кейин Ҳарнамкаурга гал келди. У ҳам кўзини олавула қилиб, эри айтган гапларни қайтарди.

Бир-биридан дағал, бир-биридан ҳақоратли гапларни эшитгандан кейин ҳам Ҳарбанс ғиқ этмай ўтираверди. Унинг боши бутунлай эгилган эмас, бутунлай кўтарилган ҳам эмас эди. Унинг ғиқ этмай ўтириши ҳамда без бўлиб қараб туриши эрлотинни баттар тутактириб юборди.

— Нега ғиқ этмайсан, ҳў итвачча?— ўшқирди отаси.

— Илон чақиб олдими дейман?— пишқирди онаси.

— Тилингга қурт тушдими?— яна бир ўқ отди отасн.

— Йўқол бу ердан, яхшиликни истасанг, бети қора!— онасининг яна бир қарғиши Ҳарбанснинг қулоғига урилди.

— Шунча қилганинг каммиди? Яна қасдингни олгани келдингми бизлардан? — Бҳажансингхнинг яна бир дағдағасини эшитди Ҳарбанс.

— Булар ўлиб-йитиб кетгандир. Бориб фотиҳа ўкиб кел, деб ўйлагансанми-да, ах! Ҳарнамкаур яна қизиган темирни босди.

Шу орада Ҳарбанс унча-мунча гапиришга лойиқ куч тўплаб олган эди. У худди бўшаб ўтган қулоқнинг эшигини тинчлатишга ҳаракат қилади.

— Дада... улар... улар мени...

— Улар сени худди шундоқ қилиши керак эди, ярамас! — Бҳажансингх дарҳол ичидаги ғуборни чиқаришга тушди. — Сенга ўхшаганларни ҳар нарса қилса арзийди. Сен ота-онангга не-не озор бермадинг. Уларни...

— Дада! — Ҳарбанс сурбетлик билан гапида давом этди. — Мен уларни ташлаб келдим. Умрбод кечиб келдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишбманг.

— Нима дединг?— сўради Ҳарнамкаур. — Улардан кечиб келдим, дейсанми? Энди ўзингга келибсан-да? Сенинг «сардор» бўлиб керилиб юришларинг ворис туғилгунча эди. Мен буни беш қўлимдек билардим. Улар ўғил кўриб олдим, энди сенинг сардорлигинг қаёққа борарди? Улардан кечиб келганмиш! Сен улардан кечиб келдингми ёки улар сени ҳайдаб чиқардимми? Бизнинг кўзимизни бўямоқчимисан?

— Йўқ, ундоқ эмас, ойи. — Ҳарбанснинг овозида ялинишдан кўра ўзига ишонч кўпроқ эди. — Мен қасам ичиб айтаман. Сиз айтгандек, ўғил туғилгандан кейин уларнинг мени кўришга кўзи

бўлмай қолди. Уша кунданоқ мен уларнинг ўзидан ҳам кечиб, қизидан ҳам кечиб, бошимни олиб чиқиб кетишни ўйлаб қолдим. Лекин қаёққа бораман? Сизга қилган муомаламнинг оқибати ўшанда менинг кўзимга кўринди. Мен сизни жуда ёмон куйдирдим, ўз ўғлингиз бўла туриб, душманлардек иш қилдим, ойи. Нима бало бўлиб менинг кўзимни парда босиб қолган экан. Улар ҳақиқатан ҳам менинг бошимни айлантириб қўйган экан. Уларнинг охири шундоқ қилишнинг билганимда, ўз оёғимга ўзим болта урармидим?

Шундай деб Ҳарбанс қўлидаги тўрвага қўл суқиб ниманидир ола бошлади ва шу билан баробар ўз саргузаштларини сўзлашни ҳам давом эттирди. Қисқагина қиссасини сўзлаб бўлгунча унинг олдида анчагина олтин-кумуш уюлиб қолди. Олдида бирдан шунча давлатни кўриб, Бҳажансингх билан Ҳарнамкаур икковининг кўзлари қамашиб кетди. Олтин-кумушнинг чақнаши гўё сурма бўлиб, уларнинг кўзидаги қип-қизил ғазаб алапгасини ўчирди.

Ҳарбанс яна анчагина қайнота-қайнонасини қандай ташлаб келганини, бу олтин-кумушни қандай олганини ва ҳоказоларни гапирди. Унинг дидича, олдида уюлиб ётган олтин-кумуш саксон тўвлага яқин эди. Ниҳоят, Ҳарбанс онасига мурожаат қилиб деди:

— Бунинг ҳаммасини йиғиштириб олинг, ойи. Майда-чуйда-сигача.

Шу гап Ҳарбанснинг оғзидан чиқиши билан Ҳарнамкаур олтин-кумушнинг ҳаммасини йиғиштириб олди-да, тегишли жойга жойлаб қўйди. Бир озгина олдин худди бало-қазодек кўриниб турган Ҳарбанс энди ота-онасига оби ҳаёт чашмасидек туюлмоқда эди.

— Ҳой, барака топкур!— деди Бҳажансингх хотинига қараб. — Бундоқ нон-чойнинг ҳаракатини қилгин. Ўғлинг бечоранинг роса қорни оч бўлса керак.

Ҳарнамкаур, уқувсизлиги эсига тушиб, юраги ачиди. У энди ўрнидан тураётган ҳам эдики, Ҳарбанс уни тўхтатди:

— Йўқ, чой ичмайман, ойи. Мен ҳозироқ жўнашим керак.

— Жўнашим керак?— ачиниб сўради Бҳажансингх. — Қаёққа?

— Бу ерда туриш ҳали менинг кўнглимда йўқ,— деди Ҳарбанс. — Бир ой-ярим ойни Бомбейдами ёки бирор бошқа жойдами ўтказаман. Кейин ҳамма нарса босди-босди бўлиб кетгач, яна қайтиб келамаи. Аввалига, кирмай тўппа-тўғри ўтиб кетаверай, дедим. Лекин яна, буларнинг буюмини ўзига топшириб кетай, деб ўйладим.

Ҳарбансининг бу гапни эр-хотинга ёқди ва уларнинг кўнгли анча тасалли топди. Аммо шундай бўлса ҳам Ҳарнамқаур ўглига қараб деди:

— Лекин, ўғлим, бирдан удар бориб, арз қилиб қолса, нима бўлади?

— Авваламбор, ҳеч ким арз қилмайди, — жавоб берди Ҳарбанс. — Аксинча, улар шунинг ўзи билан қутулиб қолганига шукр қилади. Арз қилган тақдирда ҳам, мен қўлга тушиб бўлибман. Кейин яна бир нарсани ўйлаб ҳам улар бу аҳмоқлиқни қилмайди. Ахир ўзининг қизини ҳам ўйлайди-ку. Шундоқ қилгудек бўлса, қизи умр бўйи бева бўлиб қолади. Шу арзимаган нарсани деб қизининг умрига завол бўлармиди. Сиз буёғидан ҳеч ташвиш қилманг.

Ҳарбансининг далиллари анча вазмин кўринди ва эр-хотин хотиржам бўлди.

— Хўп, бўлмаса, дада, — деб Ҳарбанс ўрнидан турди. — Мен энди кетдим.

— Бирпас ўтира тур, — деб Бҳажансингх ўғлини яна ўтқазди, кейин Жасвант тўғрисидаги ғам-ғуссаларини унга гапира бошлади. Бу гапларни эшитиб Ҳарбанс ҳам қаттиқ хафа бўлди ва яна ўрнидан турар экан, деди:

— Майли дада. Бирон одамларга кўриниб, сизлардан юз ўгириб кетган бўлса, ҳеч зарари йўқ. Худо хоҳласа, мен қайтиб келиб, сизларни ҳамма ғам-ташвишлардан халос қиламан. Ма-на бу нарса босди-босди бўлиб кетсин, мен ошиғинларни олди-

Етти минг-саккиз минг рупиялик олтин-кумуш ҳамда шундай катта ваъдаларга эга бўлиб эр-хотиннинг боши осмонга етиб кетди. Ҳарбанс уларнинг назарида шундай баланд кўтарилиб кетдики, худога етишга сал қолди.

Ҳарбансни ушлаб қолишнинг эви йўқлигини кўриб, эр-хотин унинг жўнашига рози бўлишди ва уни кўча эшиккача кузатиб боришди. Лекин эшикни очмасдан олдин бир нарса Бҳажансингхнинг эсига тушиб қолди.

— Ўғлим! — деди у. — Агар сарф-харажатларга унча-мунча пул керак бўлса, ола кетгин. Мусофир юртга бориб, тагин қийналиб юрмагин, ўғлим.

— Менинг ёнимда пул кўп. — Жавоб берди Ҳарбанс. — Иш тезроқ босди-босди бўлиб кетсин деб, худодан тилаб ўтирсанглар бўлди. Ундан кейин ҳеч қанақа ғам-ташвиш қолмайди. Худо хоҳласа, қайтишимда сизларга атаб шундай совға-салом олиб келаманки, кўриб оғзинглар очилиб қолади.

— Худо ўзи мададкор бўлсин. — Бҳажансингх унинг елкаси-га қоқиб дуо қилди:

— Худо менинг боламга ёмон кунни ҳеч кўрсатмасин. — Ҳар-  
намнабр ҳам ўғлини пешанасидан ўлиб дуо қилди.

### 37 боб

Бир йил муттасил давом этган ишидан қутулиши биланоқ Жасвант неча вақтлардан бери навбат келишини кутиб ётган ре-  
жаларига эътиборини қаратди. Жасвантнинг қўли бўшабини  
кутиб ўтирмай, дўсти Рампракош бу ишларни аллақачон бошлаб  
юборган бўлиб, Жасвантнинг қўли бўшаганда иш анча жойга бэ-  
риб қолган эди.

Рампракош тузиб қўйган аниқ режасига мувофиқ фил суяги-  
га ишлов берувчи усталарни уюштириш, яъни кооператив тузиш  
устида қизгин иш олиб бормоқда эди. Амритсардан ташқарида-  
ги қанча усталар билан танишлиги бўлса, ўшаларнинг деярли  
ҳаммаси билан зимдан ҳат ёзишга ёлварди. Амритсардаги уста-  
ларнинг ҳам кўплари билан яқиндан танийи эди. Баъзилар-  
ини ўзи илгаридан биларди, баъзилари билан эса Жасвант ор-  
қали танишиб олган эди. Чунончи ўшаларнинг ҳаммаси билан  
ўқтин-ўқтин учрашиб, ўзи тузиб қўйган режани тушунтириб,  
уларни шу ишга тайёрлаб борарди.

Қўл остидаги бирор хизматчисининг ўзига зарар етказадиган  
иш қилишга тоқат қилувчи хўжайин топилмаслиги барчага аён.  
Рампракошнинг-ку шахсан ўз хўжайинига қарши ёмон ҳияти  
йўқ эди. Лекин тузган режаси амалга ошган тақдирда Амрит-  
сардаги савдогарларнинг ҳоли вой бўлишини, жумладан ўз хў-  
жайини Лола Гуптийчанд ҳам зарар кўришини, албатта биларди.  
Бунинг натижасида хўжайини уни ишдан бўшатиб юбориши тур-  
ган гап эди. Ишдан эса у ўзиёқ кетмоқчи, фақат Жасвантнинг  
қўли бўшашини кутиб ўтирган эди. Жасвант қилаётган ишидан  
кутулди дегунча у хўжайинига ариза ёзиб топширди-да, иш би-  
лан хайрлашди. Икки дўст бир ёқадан бош чиқариб, зўр завқ-  
шавқ билан қанча муддатдан бери кўнглида ардоқлаб келаёт-  
ган режага амалий тус беришга киришиб кетишди.

Режа жуда катта умид ва илҳом бағишлайдиган эди. Қайси  
томондан олиб қаралса ҳам, фойдали эди, ҳеч нуқсон деган нар-  
са кўринмасди. Битта қийин масала бор эди, яъни маблаг маса-  
ласи. Иш бошлаб юборилса-ку, пул ўзи келаверарди. Аммо ишни  
бошлаш учун ҳам анча-мунча пул керак эди. Бироқ бир кун  
Рампракош бунинг ҳам йўлини топди.

Бир томондан касбикор, тирикчилик масаласи Жасвантнинг  
жуда миясини қотирган эди. Лекин, иккинчи томондан унинг  
ҳаётида юз берган баъзи қувончли воқеалар қалбининг энг қо-  
риғи бурчакларини ҳам ёритиб, мунаввар қилиб юборган эди.

Дастлаб Аруна билан ва эртасига унинг отаси Отмасингх билан бўлган учрашув Жасвантнинг руҳини кўтариб, унинг келажак ҳаётини нақадар порлоқ қилиб юборган эди! Жасвантнинг фикрича, унинг тўсатдан Арунага эришиб қолгани шундай катта бахт эдики, одам боласи юз ўлиб, юз тугилганда ҳам бундай бахтга эриша олмасди.

Уша икки учрашувдан кейин мастер Отмасингхнинг уйи Жасвант учун ва ҳатто Рампракош учун ҳам ўзиникидай бўлиб қолди. Аруна ҳам энди Жасвантникига келишдан тортинмасди. Чунки, бу уйнинг бекаси, яъни Рампракошнинг хотини Сукарма унинг келишига ҳамма вақт мунтазир бўларди. Сукарма яна бир боланинг онаси бўлиб олгандан кейин Аруна бу уйга айниқса керакли бўлиб қолган эди. Бечора Сукарманинг қайнона-қайн-бувиси ҳам, она-сингиллари ҳам йўқ эди. Бир эмас, иккита кеннойиси бор эди, узоқда туришганлиги учун уларнинг бунга фойдаси тегмасди. Иккала акаси онаси билан Тайландда истикомат қиларди.

Янги режа юзасидан иш бошлаган кезларида Жасвант билан Рампракош ширкати кўлга киритган энг катта ютуқ узоқни кўрувчи, доншманд мастер Отмасингх бўлди.

Рампракош усталарни бир жойдан қайтариб, бир кишини ўқоғиш керак, деб ўйлаб юрарди. Қўли бўшаб бу ишга бош қўшиши билан Жасвант ҳам худди шу таклифни киритди. Чунки икковининг фикри бир жойдан чиқиб улар усталар қанчалар

йиғилган ва бу ишда мастер Отмасингхнинг ҳамкорлик қилиши ниҳоятда зарурий деб топилди.

Жасвантнинг Амритсардаги таниш-билиш усталари орасида энг донги кетган, фил суягини ишловчи Суччасингх номли бир уста эди. Бу киши қадимдан шу ҳунарни қилиб келарди, лекин ҳеч қорни овқатга, усти кийимга ёлчмасди. Аммо жуда сабр-қаноатли одам бўлиб, савдогарлардан қанча унса, ўша билан индамасдан тирикчилик қилиб юрарди. Бир йил-бир ярим йилдан бери Жасвант билан таниш бўлиб қолган эди. Жасвант ўқтин-ўқтин уникига бориб, кўп гапларни гапириб турарди. Баъзи гапларини эшитиб, уста Жасвантни Шайх Чиллий<sup>1</sup> хаёл қиларди, баъзи гаплари эса унга анчагина маъқул бўларди.

Суччасингхдан кейин Жасвантнинг энг яқин танишлари ака-ука усталар Бутасингх ва Тарасингхлар эди. Хотин-бола чақали бўлишига қарамай, бу икковининг рўзғори бир эди. Иккала уста

---

<sup>1</sup> Ҳиндистонда латифалар қаҳрамони, кўпроқ б-бурдлик ва хаёлпарастлик тилсиз бўлиши афсонавий шахс.

«Панжоб ҳунармадлик буюмлари» фирмасининг хўжайини Гурдитсингхнинг шартномэ тузоғига илиниб юрарди ва уй-рўзгор эҳтиёжлари туфайли ундан қарздор ҳам бўлиб қолган эди. Жасвант уйдан чиқиб кетганидан кейин то ўзи устахона қилиб олгунча шуларнинг устахонасида ишлаб турган ва шундай қилиб, булар билан жуда яқин бўлиб қолган эди. Жасвант билан иккала ака-уканинг кўп нарасада фикри бир эди ва улар бунинг гапларини диққат билан тингларди.

Булардан ташқари яна бир уста билан Жасвант жуда узоқ вақтдан бери гаплашиб-сўзлашиб юрарди. Бу ромнурлик Маҳирум деган бир одам эди. Бу киши бир вақтлар Жайпурда яшаб, тоғаси Рулияромдан фил суягини ишлаш ҳунарини ўрганган бўлиб, бундан ўн беш йилча буруп ҳунармандчилик буюмлари билан савдо-сотиқ қилувчи бир фирманинг хўжайини сардор Премсингх деган одам уни ўзи билан бирга Жайпурдан Амритсарга олиб келган эди. Шу ерлик яна бир неча ҳунармандлар билан Жасвант унча-мунча борди-келди қилиб турарди.

Рампракошнинг таниш-билиш усталари ҳам анчагина эди. Уларнинг деярли ҳаммаси у ишлаган фирма билан алоқа қилиб юрарди. Фирманинг эгаси буларга нисбатан қандай ҳийла-найранглар ишлатишини, буларни чўмичда қоқиб, шулар ҳисобига ўзи бойиб бораётганини Рампракош жуда яхши биларди. Уларга жуда раҳми келарди, лекин ёрдам қилишга қўли етмасди. Чунки ўзининг रिज़қ-рўзи ҳам ўша фирмага боғлиқ эди. Уларга ҳамдамлик қилиш, тузукроқ бир маслаҳат бериш Рампракош учун денгизда туриб тимсоҳ билан ўчакишгандек гап эди. Лекин, Жасвант ўзи ясаган тақинчоқни кўтариб дўконга кириб келган куни, нима бўлди-ю, сабр косаси тўлиб Рампракош хўжайинининг бутун кирдикорларини унга айтиб берди.

\* \* \*

Якшанба куни кечқурун Рампракошнинг уйида ҳунармандларнинг йиғилиши бўлди. Йиғилишда Рампракош, Жасвант ва мастер Отмасингхдан ташқари саккиз-тўққизта ҳунарманд қатнашди. Ўн беш-ўн олти кишига таклифнома юборилган эди, ўшаларнинг ярмигина келди. Баъзилар хўжайинидан қўрққан, баъзилари эса гапларнинг ҳаммасини кўкнори хаёл деб ишонмаган эди.

Мажлис Жасвантнинг кичкинагина нутқи билан бошланди. Жасвант йиғилганларга фил-суягини ишлаш касби тўғрисида билгандарини гапирди; унинг қадим замонда Ҳиндистонда вужудга келиб, қандай ривож топганини сўзлаб берди. Фил су-

яғини ишлаш ҳунари бошқа ҳунардан катта фарқ қилади; бу ҳунар аслида Ҳиндистонга хос бўлиб, ҳинд усталарининг санъати бутун дунёга машҳур, деб ишонч билан гапирди Жасвант. Кейин у шу буюмлар билан савдо-сотиқ қилувчи кишилар ҳунаرمандларнинг омилигидан фойдаланиб, қандай қилиб ўз чўнтагини тўлдираётганини айтди. У ўзи ясаган апави бўйинга тақиладиган зеварни мисол қилиб кўрсатди.

— Амритсарлик савдогарлар ўша нарсани мендан бор-йўғи олтиш-етмиш рупияга оларди,— деди Жасвант.— Лекин мен оғайним Рампракошнинг маслаҳати ва ёрдами билан бошқа шаҳардаги бир савдогарга юбориб, уни уч барабар ортиқча сотдим. Кейинчалик эшитсам, у савдогар ўша молни бир америкалик сайёҳга беш юз эллик рупияга, яъни олтиндан ҳам қимматга сотибди.

Шундан кейин Жасвант асл мақсадга ўтди:

— Агар шу ердаги ҳунаرمандлар биз айтаётган ишга бош қўшса,— деди у,— бунинг натижасида, биринчидан, уларнинг даромади бир неча ҳисса ортиши мумкин ва иккинчидан, фақат қўл билангина ишламасдан, машиналарни ҳам ишга солиб, ясаладиган буюмларни яна ҳам нозикроқ, яна ҳам кўркемроқ қилиш мумкин. Агар,— деди у,— тўр-панжара ясаш, қирқиш-йўтиш, тешаш каби ишларни ёки маида-нозик наққошлик ишларини машинада қилишса, натижада ишнинг сифатига яхшилаш қолмайди, балки бешта-олтита одамнинг қиладиган ишини бешта одам қилиши мумкин бўлади. Бунақа машиналар кишиларнинг, шунингча буюмлар — вентиляторнинг паррагини олиб ташлаб, уни мотор қилиб ишлатишаверади.

Агарда сизлардан ҳар бир киши шу кечаю-кундузда ясаётганига қараганда икки ҳисса ортиқ буюм ясага ҳамда ясаган буюмига ҳозиргида икки ҳисса ортиқ ҳақ оладиган бўлса, ҳозиргига нисбатан тўрт ҳисса ортиқ даромад қилади. Яъни, бошқача қилиб айтганда, ҳозир кунига беш рупия ишлаётган бўлса, унда кунига йигирма рупия ишлайдиган бўлади.

Бу кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган гаплар эди ва тўпланган ҳунаرمандлар бу гапларни мароқ билан тинглаб ўтиришарди. Гўё бир сеҳргар ёки кўзбойлагич бир рупиялик қогоз пулни кўрсатиб, шунинг беш рупия қилиб бераман, дейгандек туюларди уларга.

Жасвантдан кейин Рампракош сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Ундан сўнг мастер Отмасингх сўзлади. Буларнинг гаплари ҳам ҳунаرمандларга жуда катта таъсир қилди ва улар нотикларнинг гапига тўла қўшилишди. Шу гаплардан кейин программага ўхшаган бир нарсанинг лойиҳаси ўтирганларнинг эътиборига ҳавола қилинди. Унда бундай деб

таклиф қилинган эди: шу ишга бош қўшган ҳунармандга меҳнатига яраша яхши ҳақ тўланади. Бундан ташқари савдо-сотиқдан қанча фойда олинса, унга ҳам улар шерик бўлади. Кейинроқ бориб ҳунармандлик мактаби очилади. Бу мактабга биринчи галда шу уюшма аъзоси бўлган ҳунармандларнинг болалари қабул қилинади ва уларга фил суягига ишлов беришнинг энг нозик усуллари ўргатилади.

Бундан кейин Жасвант яна бир нарсани гапирди:

— Деҳли, Агра, Калкутта, Бомбей ва бошқа баъзи шаҳарда, яъни қаерларда фил суягидан ясалган ҳунармандлик буюмларнинг бозори чаққон бўлса, ўша ерларда ушбу ташкилотнинг дўконлари очилади,— деди у.— Ташкилотнинг ишлари агар яхши бораверса, кейинчалик ҳунармандлик яхши ривожланган баъзи шаҳарларда ҳам шунақа мактаблар очилиб, устаконалар ташкил этилади. Сўнгра иш яхши ривожга миниб кетгач, ҳукуматдан ёрдам олиш ҳам мумкин бўлади. Чунки Ҳиндистон ҳукумати ҳозирги кунда шу хилдаги корхона ва устаконаларга қўлини катта очиб ёрдам кўрсатяпти.

Шу кеча-кундузда мамлакатда фил суягидан ясалган ҳунармандлик буюмларига талаб нақадар катталиги устида тўхталиб Жасвант мисол тариқасида қуйидаги гапларни айтди:

— Утган йил саёҳатга чиққанимда савдогарлардан жуда кўп буюртмалар олувдим. Лекин шу буюмлардан фойдаланиб қололмадим. Сабаби шуки, биринчидан, менинг ҳеч қўлим тегмади. Иккинчидан, қўлим текканда ҳам, мен бир ўзим қанча мол тайёрлай олардим. Энди агар ўн-ўн бешта ҳунарманд менинг ёнимга кирса, тез куннинг ичидаёқ мен уларнинг ошигини олчп қилпб юбораман.

Шундан кейин ҳунармандлардан баъзилари ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди ва ўз бошларидаги қийинчиликларни гапирди. Айниқса савдогарлар билан шартнома тузиб қўйишганини ва шу шароитда шартномадан ташқари бирор иш қилишга имкон йўқлигини таъкидлашди.

— Чиндан ҳам сизлар учун бу жуда оғир масала,— деди уларга жавоб бериб мастер Отмасингх.— Аммо бунинг ҳам бир йўлини топса бўлади. Агар сизлар биз айтаётган режага қўшилсанглар, унда менинг ҳисобимга кўра олти ойнинг ичидаёқ ҳамманглар олган пулларингизни савдогарларга қайтариб бериб, шартнома тузоғидан қутулиб оласизлар.

— Лекин, тақсир,— деди Суччасингх,— пулнинг ўзини қайтариб олишга савдогарлар кўнармиди. Шартномага мувофиқ олинган пулни мол билан узишимиз керак.

— Сиз янглиш ўйлабсиз, ота,— деди Рампракош.— Менга бу нарса жуда яхши маълум. Ҳеч битта савдогар шартнома қи-

либ ҳунармандни ўзига қул қилиб олишга ҳаққи йўқ. Хоҳлаган вақтингизда пулни қайтариб бериб, ўзингизни шартномадан халос қилишингиз мумкин.

— Бунга мен битта жонли мисол ҳам келтиришим мумкин,— деди Жасвант ва отаси билан бўлган воқеани, яъни Бҳажансингхнинг шартнома тузиб савдогардан катта пул олганини, кейин иши судга тушиб, суд пулни бўлиб-бўлиб тўлашга ҳукм чиқарганини гапириб берди.

— Лекин бу ҳам осон гап эмас,— эътироз билдирди Жўга-сингх деган яна бир ҳурманд.— Қанчамиз савдогарлар билан шартнома тузиб қўйибмиз. Шу шартномаларнинг ҳаммасини бир қилсак, ҳозирнинг ўзида бир неча минг рупия пулни нақд қайтариб беришимиз керак бўлади. Шунча пул кимда бор? Биронгамизда шунақа пул бўлганда, шартнома бўйинтуруғини бўйинимизга солиб ўтирармидик.

— Гап фақат шунинг ўзида эмас,— деди мастер Отмасингх.— Шу ишга қўл урадиган бўлсак, ишни бошлашга ҳам анча-мунча пул керак. Менинг ҳисобимда мол тайёрлашни бошлашга ҳеч бўлмаганда ўттиз-қирқ килограмм фил суяги керак. Буни олишга ҳеч бўлмаганда икки ярим-уч минг рупия бери кетади.

Жуда тўғри,— деди Рампракош.— Бундан ташқари бир қатор бешқа сарф-харажатлар ҳам бор. Менимча, иш бош-лашининг ўзига камида беш минг рупия нақд пул бўлиши керак.

Беш минг рупия дарагини эшитио утирганларнинг тарвузи қўлтигидан тушиб кетди.

— Ундок бўлса, бу ташкилотнинг ҳаммасидан нима фойда?— деди Суччэсингх.— Ҳаммадан олдин пишириб қўйиш керак бўлган нарсанинг эътиборига ҳам келмабди.

— Бу тўғрида кўп ташвиш қилишнинг ҳожати йўқ,— жавоб берди унга Жасвант.— Бу масалада дўстимиз Рампракош ваъда берганлар. Ҳозир ўз оғзиларидан эшитасизлар.

— Биродарлар!— деб гап бошлади Рампракош.— Мен ҳам худди ўзингларга ўхшаган бир меҳнаткаш одамман. Бирор бой-савдогар ёки судхўр эмасман. Лекин бир озгина ота-бобомдан қолган мол-мулким бор. Ўшани бир бало қилиб, шу керакли пулни амаллайман.

Бу гапни эшитиб, ҳамманинг яна руҳи кўтарилиб кетди. Рампракошнинг сахийлигини кўриб, ҳамма бу ишга қўлидан келганча кўпроқ ҳисса қўшишга аҳд қилди.

Шундан кейин тузиладиган ташкилотнинг номи ва қонун-қоидалари тўғрисида суҳбат бошланди. Ташкилотга «Ҳиндистон ҳунармандлик ширкати» деб ном берилди ва ташкилот ишга тушиши билан «Прайвит лимитид каппанай», яъни «ҳукумат то-

монидан тасдиқланган ширкат» сифатида рўйхатдан ўтказил-  
диган бўлди.

Шу режани амалга ошириш ниятида иложи борича тезроқ  
яна бир мажлис чақиривга қарор қилинди ва шу билан бугун  
йигилиш тугади.

### 38 боб

Жасвант билан Рампракош икковлари мажлисдан кейинги  
ўн икки-ўн уч кунни катта меҳнат-машаққат ҳамда гам-ташвиш  
билан ўтказишди. Фақатгина ҳунармандларни бир ерга тўплаб,  
мол тайёрлашни бошлашнинг ўзи бўлганида-ку, унчалик қи-  
йин бўлмасди. Тўсатдан бир бошқа катта галва чиқиб қолди. У  
ҳам бўлса шуки, савдогарлар Гурдитсингх бошчилигида бирла-  
шиб туриб, ҳунармандларни исканжага олди.

Қилинаётган иш ҳеч кимдан хуфия эмас эди. Хуфия бўлган  
чоғда ҳам, тез кунда ҳаммага маълум бўлиши турган гап эди.  
Чунончи ўзининг қўл остида ишлаб турган кишилар янги бир  
режа тузаётганини эшитиб, савдогарларнинг қалалаги учиб кет-  
ди. «Тузимишни еб, тузлигимизга тушурди» деб Рампракош би-  
лан Жасвантдан улар айниса ёмон газабланишди.

Лекин «бузоқнинг югургани сомонхонагача». Савдогарлар-  
нинг қўлида биронта қонуний восита йўқ эдики, кўз очиб-юм-  
гунча ҳунармандларнинг жазосини бериб қўйса. Уларнинг ихти-  
ёрида «бебошбоқлик» қилган ҳунармандларга жазо бериш-  
нинг фақат битта йўли бор эди, яъни улар шартнома тузилган  
вақтда берилган пулни дарҳол қайтариб беришни талаб қилиб  
ҳунармандларни азобга солиб қўйиши мумкин эди. Шундай қи-  
линганда, уларнинг фикрича, ҳунармандлар пулни топиб берол-  
май, мажбур бўлиб, яна савдогарлар олдида тиз чўкарди.  
Чунончи улар бир ёқадан бош чиқариб, ҳунармандларга ҳамла  
қилди ва шу билан бирга улар, кимда-ким пулни қайтариб  
беришдан бош тортар экан ёки галга солар экан, унинг ишини  
судга берамиз, ҳеч кимни юз-хотир қилмаймиз деб қарор  
қилишди.

Лекин иш судгача бормади. Рампракош уй-жойини гаровга  
қўйиб, беш минг рупия пул олган эди, ўшани тўлаб ҳунарман-  
дарни савдогарларнинг сиртмоғидан халос қилди. Икки ярим  
минг билан иш битади, деб гумон қилинган эди, лекин битмади.  
Чунки савдогарлар берган пулининг ўзини олиш билан қаноат-  
ланмай, унинг фойдасини ҳам берасан, деб туриб олди. Бу ҳам,  
албатта, ҳунармандларни тиз чўктириш ниятида қилинган эди.  
Лекин улар тиз чўкиш ёки бош эгиш ўрнига баттар ўзбошимча  
бўлиб кетди. Бу ҳам майли-я, савдогарларнинг қилган муома-  
ласи-ю оқибатини кўриб, ҳунармандларнинг дили уларга нис-  
батан нафрат билан тўлди. Шу билан бирга ҳунармандлар дўст

ким, душман кимлигини билиб олишди. Бир ёқда қанча йиллардан бери шу ҳунармандлар билан боғланган бўлиб, шуларнинг орқасидан бойиб келаётган савдогарлар сурбетлик билан уларга шунча жабр-зулм қилди, иккинчи ёқда Рампракошдек бутунлай бегона бир одам орқа-ўнгини ўйлаб ўтирмасдан ўз уйини гаровга қўйиб, буларни қарз бўйинтуруғидан озод қилди.

Шу хабар тарқалувдики, бошқа ҳунармандлар ҳам савдогарлардан юз ўгириб, ўз биродарларининг сафига кирди. Улар кооперативчиларни, туш кўряпти, деб ўйлаган эди. Қарасаки, ҳаммаси туш эмас, ўнг. Буни кўриб уларнинг ҳам фикри ўзгарди.

Иш бошлаб юборилувди ҳамки, кундан-кунга авжига миниб, тез кун ичида анча жойга бориб қолди. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси қўлидан келганини аямай ташкилотнинг фондига ўз ҳиссасини қўша бошлади. Биров хотинининг зар-зеварини сотиб берди, биров қарз олиб берди ва ҳоказо. Шундай қилиб, тўпланган маблағ билан янги қўшилган ҳунармандларни ҳам бўйиндаги қарзидан халос қилинди.

Дастлабки мажлисдан икки кун кейин яна бир мажлис бўлди. Уч-тўрт кун ўтгач, учинчи мажлис ўтказилди. Уша кунга етар-етмас Амритсарда фил суягига ишлов берувчи қанчаки ҳунарманд бўлса, ўшарнинг ҳар бири ҳаммаси бу ширкатга аъзо бўлиб кирди. Шундай қилиб, «Ҳиндистон ҳунармандлар уюшмаси» тўла равишда шаклланди.

Уюшма фонлига тўпланган бул қарағидан анча кам эди. Демак, ҳунармандлар керак бўлса уй-жойини сотиб, пулини уюшмага беришга ваъда қилди. Рампракош ҳам зарурат туғилиб қолса, гаров қўйиб қўйилган уйини олти-етти мингга сотиб юборишга тайёр эди.

Қаердаки, тўртта доно мия ва тўрт жуфт бақувват қўл бир бўлиб тўпланган экан, қаердаки сидқидиллик, ҳалоллик, ғайрат-ҳафсала ҳамда бошқалар учун ўзини фидо қилиш туйғуси мавжуд экан, ўша ерда муваффақиятсизлик деган нарсаси бўлмади. Чунончи уюшма аъзоларининг бир ёқадан бош чиқариб фидокорлик билан қилган саъ-ҳаракати борган сари яхшироқ натижа бераверди. Жасвант билан Рампракош кечани кеча, кундузни кундуз демай, шу иш билан машғул эди. Уларнинг мураббийси Отмасингх ҳам ҳозирча мактабда ишлаб туриб, бутун қолган вақтини уюшманинг ишларига сарф қиларди.

Режага кўра, умумий бир цех қуриш керак эди. Бунинг учун эса сайҳон ер керак эди. Бу ишни тез орада амалга оширишнинг иложи йўқлиги сабабли, ҳозирча уюшма аъзоларидан қайси бирида ўзига тегишли каттароқ ишхона бўлса, ўшаникида ишлаб

туриладиган бўлди. Яна иккита муҳим масала бор эди. Биринчи — савдогарлардан буюртма олиш, иккинчиси эса хом ашё, яъни фил-суяги ҳозирлаш масаласи эди.

Шаҳардаги савдогарлар ҳали ҳам буларга қарши тўғрисида тескари кийиб турган бўлиб, улардан ҳозирча буюртма олишнинг иложи йўқ эди. Бошқа шаҳардан буюртма олиш учун эса бир сафар қилиб, ҳамма ёқни айланиб чиқиш керак эди.

Тез орада уюшма аъзоларининг яна бир мажлиси чақирилди ва унда Жасвант билан Рампракошнинг командировкага юборишга қарор қилинди. Икковини баравар юборишдан шу мақсад кўзда тутилган эдики, Рампракош савдо-сотиқ билан шуғулланиб юрган киши сифатида бошқа шаҳарлардаги дўкондорлар билан алоқа ўрнатарди, Жасвант эса, бир моҳир санъаткор сифатида қаерда қанақа моллар чаққонлигини кўриб-билиб келарди.

Бу ердаги ишларга раҳбарлик қилиш мастер Отмасингхнинг зиммасига юкланди. Ҳозирча, яъни уюшманинг ишлари тўла авжига минмагунча, мастер Отмасингх ўзининг ўқитувчилигини ҳам қилиб турадиган бўлди. Унга яна бир иш топширилди: у Амритсардаги савдогарлар билан умумий тил топиб, уюшманинг иззат-нафсига тегмагани ҳолда савдогарларни ҳам қониқтирадиган, уюшмани ҳам буюртмалар билан таъминлаб турадиган бир шартнома тузиши керак эди.

Аввалига савдогарлар, ҳунармандлар билан бизнинг гаплашадиган гапимиз йўқ, деб туриб олди. Лекин уч-тўрт кундан кейин гапнинг маъносига тушунгач, ҳаммаси ҳовуридан тушди. Чупончи савдогарлар номидан Гурдитсингх ва ҳунармандлар уюшмаси номидан мастер Отмасингх ўртасида шартнома юзасидан музокаралар бошланди.

\* \* \*

Ишлар билан жуда банд бўлиб, Жасвант кейинги кунларда Аруна билан унча учраша олмади. Унда эса Арунага айтадиган кўпгина гаплар тўпланиб қолган эди. Аруна Жасвантнинг умр йўлдоши бўлиши муқаррар бўлиб, биринчи босқичдан ўтилган, энди иккинчи босқичдан ўтиш, яъни никоҳ, тўй-томоша масаласини ҳам ҳал қилиш керак эди. Жасвант шу кунларда худди етимча болага ўхшарди, бу масала олдида жуда боши қотганди. Ота-онасининг иштирокисиз ёки уларнинг розилигисиз уйланаверсинми, йўқми — шунга ҳайрон. Иккинчидан, моддий жиҳатдан ҳам қўли калта. Бирдан-бир ишонган кишиси Рампракош ўзининг бутун бор-йўғини уюшмага бағишлаб бўлди. Бунинг устига уни яна чиқимдор қилишга Жасвантнинг ҳеч кўнгли йўқ эди. Яна бир йил-ярим йил, то ўзимни яхши

тутиб олмагунимча туй-томоша қилмайман, деб у мастер Отмасийгача шама қилиб қўйган эди. Лекин бу тўғрида Арупанинг ҳам олдида ўтмаса, албатта, бўлмайди. Чунончи Жасвант сафарга жўнашдан олдин Аруна билан учрашиб, шу масала устида у билан суҳбат қилишга қарор қилди. Рампракош ҳам унга шундай деб маслаҳат берган бўлди.

Сафарга тайёргарлик кўриб бўлинган эди. Эртага жўнаб кетиш керак эди. Жасвант Аруна билан учрашмоқчи бўлиб уйдан чиқди. Лекин бу суҳбатга мўлжалланган вақтининг ярми йўлда бошқа нарсача сарф бўлиб кетди. У бозордан ўтиб кетаётган эди, бирдан кўзи қаршисидан келаётган отасига тушиб қолди. Отасини кўриши билан унинг қалбидаги сокин турган фарзандлик меҳр-туйғу денгизи бирдан мавж уриб кетди. Дарҳол бориб отасининг бағрига ўзини отди.

Ота-бола бир соатча суҳбат қилишди. Суҳбат охирида Жасвант сафардан қайтиб келиши билан дарҳол уйга боришга ваъда берди ҳамда қўлидан келганича ота-онасини қашшоқликдан қутқаришга аҳд қилди.

У акасининг қилган бевафолигидан жуда ранжиди ва шу билан бирга ўзининг қилаётган бебурдчилигига ҳам жаҳли чиқди. Ўшдан бош қилиб чиқиб кетгани-ку тўғри бўлиши керак сабаб бор. Лекин минг қилганда ҳам булар ота-онаси эли-ку ўшалар олдидан Жасвантнинг маълум фарзандлик бурчи бор эди. Ўша бурчини нега адо этмади? Отасининг айтишича, кўпинча ўша бурчнинг қилинмасини унинг ота-

отаси иш-кучдан қолдибди. Турдитсингхнинг қарзини бўлиб-бўлиб ҳам тўлаёлмай, ундан қанча хўрлик кўраётган эмиш. Бу ёқда уйни гаровга қўйиб олинган қарз кундан-кунга туғиб-кўпайиб, бўйинга чиқиб бораётган эмиш. Шуларни эшитиб, Жасвантнинг фикри осмонга чиқди.

Шу маҳалгача Жасвант ота-онасининг аҳволини бошқача тасаввур қилиб келган эди. «Акам бадавлат одамларнинг ёлғиз қизига уйланиб, ичкуёв бўлиб, уларнинг бутун мол-мулкига эга бўлиб олди, ўшанинг орқасидан энди ота-онам бой бўлиб кетгандир, энди ҳеч кимга муҳтож бўлмай қолгандир»,— деб хаёл қиларди Жасвант. Лекин отасининг оғзидан ҳол-аҳволни билгач, уларга жуда раҳми келиб кетди. Қудаларнинг кўрсатган ёмон оқибатига, ўғлининг онасини беҳурмат қилганига асосий сабабчи ота-онасининг ўзи эканини яхши биларди Жасвант. Чунки, унинг фикрича, давлатнинг кетидан қувиб, ота-онаси одамгарчилик чегарасидан бутунлай чиқиб кетган эди. Лекин шуни билиб туриб ҳам уларнинг ҳозирги аҳволига жуда ачиниб кетди. «Минг ёмон бўлсин, минг тамагир, минг очкўз-очофат бўлсин, бари бир ўзимнинг ота-онам-ку,— деб ўйларди у.— Улар

ўзининг қилмишига яраша топди. Лекин энди қашшоқлик бал-  
чигига ботиб ётган экан, уларни қутқариш менга фарз эмасми?»

Шундай деб ўйлаб, у сафардан қайтиб келгач, дарҳол ота-  
сининг дардига малҳам бўлишга, уларни очлик азобидан қутқа-  
ришга аҳд қилди. Бу масалада шу бугун Аруна билан ҳам мас-  
лаҳатлашмоқчи бўлди. Чунки Арунанинг ўзи, ота-онанг билан  
тезроқ ярашиб олгин, деб юарди.

Шу ғамгин хаёллarga мияси чуллаган ҳолда у мастер Отма-  
сингнинг уйига етиб келди. Шу пайтда унинг юраги шундай  
сиқилган эдики, худди каттакон бир тош унинг кўкрагини эзиб  
ётгандек туюларди. Бу аҳволдан қутулишнинг бирдан-бир йўли  
юрагидаги бутун дард-ҳасратини Арунанинг олдига тўкиб-со-  
лиш эди.

Уйда Аруна ёлғиз ўзи эди. Отаси ишдан ҳали қайтмаган,  
укалари эса мактабга спорт ўйинини томоша қилгани кетган эди.

Арунанинг кайфиятини кўрди-ю, Жасвантнинг юраги орқа-  
сига тортиб кетди. У шу қадар маъюс ва эзилган кўринардикки,  
қўяверасиз. Жасвант ҳў биринчи марта Арунани олиб кетгани  
келганида уни шу ҳолда кўрган эди. Лекин ўшандан кейин Ару-  
на ҳамма вақт қувноқ ва хушчақчақ кўринарди. Бугун эса ўша  
кайфиятдан ном-нишон қолмаган эди. Жасвант йўл-йўлакай  
ота-онаси тўғрисида, ўзининг иш-юмушлари тўғрисида ўйлаб  
келган бўлса, бир зумда у фикр-хаёллар тумандек учди-кетди  
ва уларнинг ўрнини Аруна тўғрисидаги ташвиш эгаллаб олди.

Аруна ташқи хонадаги каравотда ярим ўтирган, ярим ётган  
ҳолатда бўлиб, кўзлари қаршидаги қуп-қуруқ деворга тикилган  
эди.

— Аруна!— худди ухлаб ётган одамни уйгатаётган тарзда  
чақирди Жасвант ичкарига киргач.

— Лаббай.— Жавоб берди Аруна бўш ва мароқсиз овоз би-  
лан.

Жасвант стулни каравот ёнига суриб, унга ўтирди. Аруна  
истар-истамас Жасвантга бир оз бурилди. Мурожаатига  
тегишлича жавоб ололмай, Жасвант ўзини худди уясидан ту-  
шиб кетган ва нажот истаб, онасига термулиб турган қуш бо-  
ласидек ҳис қилмоқда эди.

— Нима бўлди, Аруна?— сўради Жасвант жуда ташвиш  
билан.

— Ҳеч гап йўқ?— жавоб берди Аруна ва чуқур хўрсиниб  
қўйди.

Жасвант «Нега хафасиз?» деб савол беришга улгурмасданоқ  
Арунанинг ўзи айтиб қолди:

— Мен бугун жуда хафаман, Жасвант. Мен бир ёмон хабар  
эшитдим.

— Ёмон хабар?

— Жуда ёмон хабар.

— Топишмоқни қўйинг, Аруна. Нимаики эшитган бўлсангиз — яхшими, ёмонми, айтинг. Менга азоб берманг.

— Сўрамасангиз ҳам, ўзим айтмоқчи эдим. Эртага сафарга жўнаёпсиз, бугун, албатта келиб кетсангиз керак, деб ўйловдим. Келмаганингизда, мен ўзим борардим.

Жасвантнинг яна ҳам тоқати тоқ бўлди. Аруна гапида давом этди:

— Бу хабарни кеча дадамлардан эшитган эдим. Жуда ишончли бир одам айтибди, сизнинг дадангиз чегара ортидан ўгринча мол олиб келиб сотиш билан шуғулланар эканлар. Бу иш билан анча вақтдан бери шуғулланар эканлар.

Бу гап билан гўё Аруна бир челақ ахлатни унинг бошига ағдариб юборгандек ҳис қилди Жасвант ўзини.

Жасвант ота-онасининг пасткаш хатти-ҳаракатларини ва шу туфайли уйдан чиқиб кетганини Арунага айтиб берган эди. Лекин у отасининг шу қадар паст кетишини, манман деган газандалардан ҳам жуда камдан-кам журъат қиладиган разилона ишга қўл уришини мутлақо ҳаёлига келтирмаган эди. Бунинг оғасидек умрида қўй билан қўн олмаган соддагина бир одамнинг учига чиққан қароқчилар шайкасига қўшилиши унинг назарида мутлақо мумкин бўлмаган нарсга эди. Ҳа, қўн вақтдан бери хотинининг новорасига ўйнаб, отасининг қайиби билан қўн билан қўн олган Жасвант биларди. Аммо шунга қарамай, Аруна айтган гапга унинг ҳеч ишонгиси келмасди. Чунончи бу гапни эшитиб, Жасвант бир оғиз сўз ҳам айтолмай, тошдек қотиб қолди.

Жасвантнинг жим ўтиришини ва унинг юз-кўзидаги қаттиқ қайғуни кўриб, Аруна деди:

— Айтинг-айтинг, бу гап ёлгон бўлсин. Дадамларнинг фикрича, рост эмиш. Агар шу гап рост бўлса, унда ўзингиз ўйланг, қандоқ хатарли нарсга бу! Худо кўрсатмасин, бирдан...— у ёғини айтолмади Аруна.

— Сизнинг шубҳангиз тўғри, Аруна,— деди Жасвант сал ўзини тутиб олиб.— Шу хабар агар тўғри бўлса, унда ҳақиқатан ҳам бир кунмас-бир кун ўғри қўлга тушиб, қилмишга яраша жазо тортиши ҳеч гап эмас. Лекин Аруна, агар сиз шунинг ҳаммасидан Жасвант хабардор экану, кўзини юмиб юрган экан, деб ўйлаётган бўлсангиз, унда мен жуда афсус қиламан. Сиздан ҳам кўра, ўзимдан афсус қиламан. Негаки, шу маҳалгача ўзимнинг юрагимни сизга очиб кўрсата олмаган бўламан.

— Сиз буни айтмасангиз ҳам бўларди, Жасвант,— деди Аруна.— Сизнинг тўғрингизда шунақа шубҳа билдирувдим, дадам-

лар ҳам мени роса уришиб бердилар. Шунча йил умр кўриб, мен бошқа ҳеч нарсани ўргандимми, йўқми, билмайман, лекин одамнинг яхши-ёмонини ажратишни ўрганиб олганман, деди-лар.

Бу гапдан Жасвантнинг кўнгли анча таскин тонди, лекин афсус бутунлай йўқолмади.

— Лекин мени,— деди у ўпкаланган тарзда,— у кишидан ҳам кўра Аруна яхшироқ билиб олгандир, деб ўйловдим.

Шундай деб туриб, унинг хўрлиги келиб кетди. Унинг кўнгилида нима бўлаётганини фаҳмлаб, Аруна қўлини узатиб унинг қўлини ушлади.

— Мени кечиринг, Жасвант. Чиндан ҳам мен дадамлар сингари бировнинг ичидагини билиб ололмайман. Қусур менинг юрагимдами, кўзимдами — нима деб ўйласангиз ўйланг, лекин ўша гани эшитганимдан кейин мен, ҳа, бўладиганим бўлди, деб ўйладим. Мен ўзим-ку, худога қандай ишонсам, осмонда чарақлаб турган қуёшга қандай ишонсам, сизга ҳам худди шундай ишонаман. Шундай бўлса ҳам, билмадим, негадир кўнглим алғов-далгов бўлиб кетди. Менинг юрагим жуда бўш. Бунинг учун сиздан кечирим сўрайман. Уқтин-ўқтин бир нарсани ўйлаб, қўрқиб кетаман: билмадим, илгариги туғилишимда қилган бирор савоб ишим учун худойим Жасвант шаклида менга мукофот бердимикин, деб ўйлайман. Ё, эҳтимол, худо бошқа бировга берадиган нарсасини янглишиб менга бериб қўйдими; шу катта бахт ҳақиқатан ҳам меникимкин, йўқмикин, дейман. Тагин бирор сароб кўраётган бўлмасам эди, кўзимнинг олдидаги нарса бирдан ғойиб бўлиб қолмаса эди, дейман ўзимга-ўзим... Агар шундай бўлиб қолса... агар Жасвант... мени ташлаб...— шу ерга келиб, Арунанинг гани кўз ёшига чўкиб кетди.

Жасвант ўрнидан туриб каравотга, Арунанинг ёнига ўтирди ва унинг муз бўлиб қолган қўлларини қўлига олиб ишқалар экан, деди:

— Сиз нима деб ўйлаяпсиз, Аруна? Нима, сиздан жудо бўлиб ҳам мени шу дунёда яшаб юради деб, ўйлайсизми? Қани энди мен юрагимни суғуриб олиб сизга кўрсата олсам! Менинг кўнглим меҳр-муҳаббатга ташна эди. Ёшлик вақтимдаёқ онамдан ҳам, отамдан ҳам, акамдан ҳам, раҳматлик бувамдан ташқари ҳеч кимдан менга меҳр-шафқат деган нарса nasib қилмаган эди. Яхши ҳам бувам бор экан. Агар ўша кишининг меҳр-шафқати бўлмаганда, менинг вужудим аллақачон тошметин бўлиб кетарди. Лекин, мана, бир куни худойим мен юзюз йиллардан бери зор бўлиб келган давлат билан бирдапига этагимни тўлдириб юборди. Бундай бўлиши менинг ҳеч тушимга ҳам кирмаган эди. Хўш, Аруна, шу менинг давлатга тўлиб

турган этагим тўсатдан бўшаб қолгудек бўлса, ўшанда ҳам мени яшаб юраверади, деб ўйлайсизми?

Бунга жавобан Аруна бир нарсa демоқчи бўлди, лекин деёлмади, бошини Жасвантнинг кўкрагига суяганича шашқатор ёш тўкди.

— Хўш, Аруна,— деди Жасвант унинг бошини силар экан,— менинг гапимга ишондингизми?

Аруна бошини қимирлатиб, «ҳа» деб жавоб берди.

— Бўлмаса нега йиғлаяпсиз?— сўради Жасвант бармоқлари билан унинг ёшини артар экан.

Аруна Жасвантнинг кўкрагидан бошини кўтарди. Унинг нокала юзи кўз ёшига чўмилган эди.

— Миннатдорчилик билдириб, худога тортиқ қилишга менда кўз ёшидан бошқа яна нима бор?— жавоб берди у.— Худойи таоло менга...— у ёғини айта олмади.

Шу билан бу мавзу тамом бўлди: уни давом эттиришга ё зарурат қолмаган эди ёки давом эттиришни иккови ҳам истамди. Бу ерга аслида нималарни гапирмоқчи бўлиб келгани Жасвантнинг эсига тушиб қолди. Бундан ташқари, у йўлда отасини учратиб қолганини, икки ўртада бўлган гапларини ҳам айтмоқчи эди, лекин Арунадан эшитган гапларини кейин бунга ҳожаат қолмади.

Аввалига Жасвантнинг сафари тўғрисида гап кетди. Кейин икковининг келгуси ҳаёти хақида бехосан гап бошланди. Шу суҳбат давомида икковининг ҳам фикри бир ердан чиқди. Бир-бирининг гапига эътироз билдириш ёки қаршилик қилишга мутлақо ҳожаат қолмади.

Суҳбатнинг охирида Жасвант Арунага ўзининг бундай деб қарор қилганини айтди: сафардан қайтиб келиши билан оқ даставвал уйига, ота-онасининг олдига боради ва у ерда кўрган билган нарсаларининг ҳаммасини тўғри келиб, Арунага айтиб беради.

Шундан кейин Жасвант кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди. Лекин жилишдан олдин Арунага бир гапни айтмоқчи бўлиб, бир оз тўхташга тўғри келди.

— Аруна!— деди у.— Агар ота-онам чиндан ҳам сиз эшитганингиздек бўлса, мен шу бугун сизнинг олдингизда қасам ичиб айтаманки, мен оғзимдан жоним чиққунча ҳам уларнинг бетига қарамайман.

— Йўқ, ундоқ деманг, Жасвант.— Қатъий эътироз билдириб, деди Аруна.— Ота-онасининг гуноҳга ботиб кетаётганини кўриб туриб, ўзини кўрмасликка олиш ва улардан юз ўгириб кетиш яхши фарзанднинг иши эмас. Мени кечирасиз, Жасвант.

— Шундайлигини биламан, Аруна,— деди Жасвант қайта жойига ўтираркан.— Менинг кўнглимда ҳам ота-онамга катта меҳр бор. Мен ҳам ўшалардан жудо бўлганимга чидаёлмай, кечалари ухламай, оҳ тортиб чиқаман. Лекин «одамгарчилик» деган нарсa ота-онадан ҳам азиятқор бўлади. Агар ота-она одамгарчиликдан юз ўгириб, гуноҳга ботиб кетган бўлса, уларни қутқариш фарзанднинг қўлидан келмаса, фарзанд нима қилиши керак?

— Сизнинг гапингиз тўғри, Жасвант,— деди Аруна кўнглида шу пайтда чиннакам аёллик ҳисси уйғониб.— Аммо бу ожизлик ярашмайди. Бу, биттагина, у ҳам бўлса ҳеч ишга ярамайдиган нимжон қўлли одамнинг гапи. Лекин кимки бир эмас, тўртта бақувват-бақувват қўлга эга бўлса, унга ҳар қанча қийинчилик писанд эмас.

— Бу «тўртта қўл» нима деганингиз, Аруна?

— Мана, мен тушунтирай.— Шундай деб туриб, Арунанинг кўзлари беҳосдан Жасвант билан ўзининг бирикиб турган қўлларига тушди.

Жасвант илжайиб юборди.

Аруна эса илжая олмади.

### 39 боб

Жетҳ<sup>1</sup> олдидаги иссиқ сел каби «ушла-ушла» гоҳ авжига миниб кетар, гоҳ босилиб қоларди. Авжига минганда, Ҳарнам-каур билан Бҳажансингхнинг оёқ-қўлига зўр келарди ва улар юрагига ғулғула тушиб, у ёқдан-бу ёққа зир югуришар, кўмиб қўйилган мол-давлатни асраб қолишнинг пайига тушишар, шу билан бирга, бу хавф-хатарли ишдан тавба қила бошлашарди. Лекин тўс-тўполон босилди дегунча қилган ҳамма аҳдларию тузган режалари жой-жойида қолиб кетарди. Давлатни яшириш ташвиши ҳам йўқоларди ва хавф-хатарли иш тўғрисидаги фикр ҳам ўзгариб кетиб, улар ўйлай бошларди: «Яна озгинагина, бир ой-ярим ой тагин ҳаракат қилиб, яна ўн мингча ишлаб олсак бўлди. Ортиғи керак эмас. Ўшандан кейин бу лаънати ишга ҳеч қўл урмаймиз».

Худди ўша «ушла-ушла» авжига миниб турган ва қўрқувдан эр-хотиннинг жони ҳалқумига келиб қолган кунларда худо ғойибдан, Ҳарбанс орқали яна бир катта давлат юбориб қолди. Хавф-хатар ҳам икки барабар ошди. Бир неча кунгача эр-хотин ўтиргани жой тополмай юрди. Олти-етти кун эсон-омон ўтиб кетгандан кейингина уларнинг кўнгли бир оз ўрнига тушди. Лекин иккинчи томондаги хавф-хатар қандай бўлса,

---

<sup>1</sup> Жетҳ — ҳинд календарининг учинчи ойи (май-июнь).

шундай турарди — «ушла-ушла» балоси ҳалл ҳам давом этмоқда эди.

Энг муҳими мол-давлатни асраб қолиш эди. Лекин бунинг бир тузукроқ йўли топилмасди. Бир куни кечқурун Ҳарнамкаур бутун пул-мул, зар-зеварларини олиб, онасиникига кетади деб қарор қилинди. Лекин тонг отгунча бу режа ҳам пучга чиқди. Эрталабоқ Ҳарнамкаур бир доно гаини айтиб қолди:

— Ахир Ҳарбанс қўшни қишлоқдан қанча нарсани кўтариб келган. Бирдан полиция келиб ойимнинг уйини ҳам тинтув қилиб қолиши мумкин.

Бу гап Бҳажансингхга маъқул тушди ва шундай қилиб, бу режа ҳам амалга ошмай қолиб кетди.

Шундан кейин бу масала устида яна кўп бош қотирилди, яна хилма-хил режалар тузилди. Аммо улардан биронтаси амалга ошгани ҳам йўқ эдики, бирдан бир куни полициядан одам келиб, Бҳажансингхни олиб кетди. Полицияда у контрабанда тўғрисида хўп сўроқ қилинди. Яхшиямки, полиция ундан бир озгина шубҳа қилган экан, холос. Қўлга тушган шерикларидан ҳеч қайси бири ҳойнаҳой сирни очмаган. Божхона ҳам бунга қарши биронта далил кўрсатмаган экан. Фақат Бҳажансингхнинг чегара атрофида айланиб юрганини билар эканларки, шу сабабдан полиция уни сўроқ қилиб кўришни лозим деб тонган экан.

Лекин Ҳарнамкаурга қойил қолингки, у ёқдан полиция ола-

ми Бҳажансингхнинг қўлини оғир қилиб кетди. Бир кундан кейин бу одам бугун маҳаллада уйма-уй кириб, уввос солиб йиғлаб, ҳаммага ялиниб-ёлвора бошлади. Унга раҳми келиб маҳалла оқсоқол ва яна бир неча киши полицияга боришди ва Бҳажансингхнинг камбағал-қашшоқлигини яхшилаб таърифлаб беришди. Ҳарнамкаурин-ку қўяверинг, у ерга бориб, қилди қиёматни! Натижада Бҳажансингх уйига эсон-омон қайтиб келди. Полициянинг шу терговидан кейин эр-хотин яна бир марта шу ишдан тавба қилишди. Бироқ ғалва босилиши билан икковининг тағин бошқатдан феъли айниди. Бу сафар Ҳарнамкаур: «Бор-йўғи бир ой-ярим ой ишлаб, яна озгина пул топиб келсангиз бўлди. Ундан кейин бунинг номини озгипгизга олманг»,— деб қаттиқ таъкидлади.

Худди шу орада бир кун бозор оралаб кета туриб, Бҳажансингх Жасвант билан учрашиб қолди ва иккови узоқ суҳбат қилишди. Жасвант отасининг гапини қайтаролмай, сафардан қайтиши билан уйга боришга ваъда берди.

Хайрлаша туриб, Бҳажансингх унинг қаерда туришини ҳам сўраб билиб олди. Шундан кейин эр-хотин иккови бугун қайтади, эртага қайтади деб ниҳоятда сабрсизлик билан Жасвант-

ни кута бошлади. Шундай сабрсизлик билан кутишнинг катта бир сабаби бор эди.

Улар «Ҳиндистон ҳунармандлик уюшмаси» деган нарсдан тўла-тўқис хабардор бўлиб қолишган эди. Амритсардаги фил суягини ишловчи усталарнинг деярли ҳаммаси шу ташкилотга аъзо бўлиб кирганидан ҳам тўла воқиф эди. Одамларнинг гапига қараганда, буларнинг иши яхши кетса, уюшма аъзоларининг ҳаммаси бой бўлиб кетаркан. Энг муҳими — шу ташкилотга бошлиқ бўлган Жасвант тез кун ичида юз-юз минг пулга эга бўлиб қоларкан. Шу гап Бҳажансингхнинг, айниқса, руҳини кўтариб юборди.

Шундан кейин ҳали бир ҳафта ҳам ўтгани йўқ эдики, Бҳажансингх ўғли тўғрисида яна бир катта хушхабар эшитиб қолди, эшитгани йўқ, балки бир панжобча газетада ўзи ўқиди. Хабарни ўқиди-ю, ўша заҳоти газетани қўлига олиб, югурганича уйига етиб келди.

— Ҳарнамкаури!— останага қадам қўйиши биланоқ қичқириб хотинини чақирди у.— Чоп бу ёққа, мен сенга битта хушхабар олиб келдим.

Ҳарнамкаури қилаётган ишини ташлаб, дарров эрининг олдида югурди.

— Қанақа хушхабар экан?— эрининг қўлидаги газетани кўриб ҳовлиқиб сўради у.

— Ичкарига юр, айтаман,— югурганича ичкарига йўл олар экан Бҳажансингх жавоб берди.

Газетадаги хабарни ўқиб эшиттиришдан олдин Бҳажансингх каравотга ўтириб, муқаддима тариқасида деди:

— Омад келиши деб ана шуни айтади, Ҳарнамкаури. «Худо бераман деса, томи тешиб ташлайди», деб одамлар тўғри айтган. Худо «Ол қулим» деса, ҳеч гап эмас. Мана, у ёқда суддан омон-эсон қутулдик. Кейин Ҳарбанс ортиб-тортиб у ёқдан келди. Мана эди худойим яна бир томондан бериб турибди.

Бунини эшитиб Ҳарнамкаури асл гапни билмай турибоқ, худого миннатдорлик билдириб кетди. Бҳажансингх эса зўр иштиёқ билан газетадаги хабарнинг сарлавҳасини ўқиди: «Калкуттадаги бўлиб ўтган санъат кўргазмасида биринчи мукофот панжоблик йигирма ёшли бир йигитга тегди. Сарлавҳадан кейин Бҳажансингх энди хабарнинг ўзини ўқишга киришди: «Ҳиндистон санъат маркази томонидан Калкуттада ўтказилган санъат кўргазмасида фил суягидан ишланган энг яхши буюм учун икки минг рупия мукофот тайинланган эди. Бу мукофот амритсарлик сардор Жасвантсингх ясаган «Туш кўраётган гўзал» ҳайкалига берилди... Премьер-министр Неру жаноблари мукофотларни ўз қўллари билан тақдим қиладилар. Бу асарнинг

улуғлигини шу нарсадан билиш мумкинки, Ҳиндистон ҳукумати уни беш минг рупияга сотиб олиб, президент саройидаги санъат ажойибхонасига қўйишга қарор қилди. Бу ерга эса Ҳиндистонда яратилган олий даражадаги санъат намуналаригина қўйилади».

Бу хушxabарни эшитиб, Ҳарнамкаурунинг суюнганидан нафаси оғзига текилиб қолди. Эр-хотин анча маҳалгача худога миннатдорлик билдириб ўтиришди.

Эр-хотин энди илгаригидан ҳам баттар сабрсизлик ва ҳаяжон билан Жасвантнинг йўлига термула бошлашди. Жасвант қачон қайтиб келаркин деган гап уларга деярли бирдан-бир мавзу бўлиб қолди.

Шу ҳаяжонли мунтазирлик билан бирга, туриб-туриб бир хавф уларнинг кўнглига гўлгула солиб турарди. Шунақа пайтда улар ўртасида қуйидагича савол-жавоб бошланарди:

— Лекин Ҳарнамкаур, бу бола ўлгудай ўжар. Билмадим, гапимизга кирадими, йўқми.

→ Нега кирмас экан? Сиз худога орқа қилаверинг.

→ Албатта худонинг хоҳлагани бўлади-ку, лекин ота-она ҳам ўз фарзандининг табиатини яхши билди-да. Ўзи бошидан билиб, мунча деган сўз бир нарсани ушлаб олса булди, ушлаганимни кесаман деб тураверади.

— Сиз жуда қариб-чуриб кетган одамларнинг гапини гапирасиз-а. Сиз қараб туринг мен нима кўришканман

... Ҳарнамкаур, энгини ишимиз жуда унгидан келиб кетарди-я. Шунда бу бўлмагур ишинг бизга нима кераги бор эди? Қачон қарасанг, одамнинг юраги така-пука бўлиб туради.

— Ҳа, унда жуда бой бўлиб қолардики. Мана, ҳозир ҳам ҳисоблаб кўринг, ўттиз минг бўлиб қолгандир. Бунга яна Ҳарбансинг олиб келганини қўшинг. Тагин анави Жасвантдаги етти минг ҳам қўлга тегса, қанча бўлади ҳаммаси бўлиб?

— Унда бўлади... қирқ тўрт минг.— Ҳисоблаб чиқиб деди Бҳажансингх.

— Қирқ тўрт минг? Яна одамлар айтгани рост бўлиб, Жасвантнинг бу ёқдаги иши ҳам ўнгидан келиб кетса...

— Унда-ку биз авлиёсидан қўрқмайдиган бўламиз,— хотиннинг гапини бўлди Бҳажансингх.— Лекин ҳали қачон унинг иши юришадию, қачон унча-мунча пул ишлайдию, қачон бизнинг қўлимизга олиб келиб тутқазади. Бунинг устига ҳали у сўзга кирадими, йўқми — бу ҳам маълум эмас. Шунинг учун, Ҳарнамкаур, унга ишониб, бу ёқдаги ишни йўқ қилиб юборсак, унда...

— Элбурутдан нега йўқ қиларкансиз? Яна бир өй-ярим ой

қунт билан ишласангиз, ўн минг-ўн беш минг чиқиб қолади. Бир юз минг рупия тўплаб олганимизда эди, ҳеч нарсадан камлигимиз қолмасди. Умр бўйи роҳат қилиб еб-ичиб юраверардик. Ҳеч кимга қарам ҳам бўлмасдик, ҳеч кимнинг миннатига ҳам қолмасдик.

— Ҳўп, бунн вақти келганда кўраверамиз,— деди Бҳажансингҳ яна ташвишланиб.— Лекин Ҳарнамкауэр, мен яна бир нарсани ўйлаб қолдим. Шу қилаётган ишимизни бирдан Жасвант билиб қолса, унда нима бўлади?

— Қаёқдан биларди?— Ҳарнамкауэр унга далда берди.— Биз ишимизни шундоқ қиламизки...

— Э, барака топгур-е!— унинг гапини бўлди Бҳажансингҳ.— Биз-ку ишни пишиқ қиламиз-а, лекин ташқаридан бирор қулоғига шипшитиб қўйса-чи? Бизни-ку худонинг ўзи асраб қолди, аммо полицияга тушганим ҳамма ёққа гап бўлиб кетди-ку.

— Сиз ҳам ўлгудек соддасиз. Полициянинг кўзини бўяб, унинг қўлидан қутқариб олган худо нега ўғлимиздан қутқара олмайди? Бир оз биздан шубҳа қилганда ёки бирор айбимиз исбот қилинганда, бошқа гап эди. Жасвантнинг қулоғига етиб қолганда ҳам мен ўзим унга тушунтириб қўяман: душманларимиз кўролмай, сенга ёлгондан шундоқ деган, дейман. Шу арзимас шубҳани унинг кўнглидан чиқариш қийин эканми? Сиз бунн ташвиш қилманг. Ўзим ҳаммасини тўғрилайман.

Хотинининг гапи билан Бҳажансингҳнинг кўнгли жуда бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда таскин топди.

Жасвантнинг мукофот олгани тўғрисидаги хабар ҳеч ким эшитмай қоладиган кичкина гап эмас эди. Бу бутун шаҳарга ёйилишга ёйилди, лекин шу билан бирга бу хабарни эшитиб, савдогарлар ва қарз берганлар Бҳажансингҳнинг эшигига бирма-бир кела бошлашди. «Камбагал бечораларнинг ахир оҳи худога етибди,— дерди ҳамма.— Уйдан аразлашга-ку аразлаб чиқиб кетган эди, лекин фарзанд фарзанд-да. Тирноқ кўчгани билан, эт ҳам бирга қиқиб кетмайди-ку».

Жасвант бир ҳафтадан кейин ҳам қайтмагач, эр-хотин сўрагани Рампракошнинг уйига боришди. Рампракошнинг хотини Деҳлидан келган хатга асосланиб, Жасвантнинг мукофотни олиш учун Қалкуттага кетганини ва энди уч-тўрт кун кечикиб қайтишини айтди.

Жасвант билан Рампракош сафарга чиқишганида, бу сафар муваффақиятли ўтишига уларда тўла ишонч бор эди. Лекин улар бошлаган иш йўлида ҳам катта-катта тўқинлик мавжуд эди. Шундай катта юкни елкамизга ортиб олдик, лекин уни кўтариб манзилга олиб бориш қўлимиздан келармикин, деб туриб-туриб, шубҳа қилиб қоларди иккови. Уларни энг кўп

ташвишга солаётган нарса бошланган ишнинг жуда катта қўлами эди. Шунча елиб-югуриб қанчадан-қанча одамни шу ишга жалб қилишдими, энди ўшаларнинг умиди кўнгилдагидек рўёбга чиқмай қолса, улар Рампракош билан Жасвантни хоин демаганда ҳам, ҳар ҳолда ношуд деб уларга таъна қилиши мумкин эди.

Ишни тегишлича йўлга қўйиш учун иложи борича кўп миқдорда фил суяги ғамлаш лозим эди. Бунинг учун жуда кўп маблағ керак эди. Жасвант билан Рампракошнинг сафарга чиқишдан мақсади, мол тайёрлашга керакли фил суягини топиб келиш эди. Лекин уларнинг ёнида бор-йўғи минг рупия пул бўлиб, авваламбор, бу эҳтиёжга нисбатан кам бўлса, иккинчидан, хом ашё бир йўла қанча кўп олинса, шунча арзон, қанча кам олинса, шунча қимматга тушарди.

Тузиб қўйилган режага кўра, иккала оғайни тўппа-тўғри бориб Деҳлида тушишди ва дарҳол ҳар ким ўз ишига киришиб кетди. Рампракошнинг зиммасидаги иш савдогарлар билан алоқа ўрнатиш ва улардан буюртма олиш бўлиб, унинг учун унча қийин эмас эди. Аммо Жасвантнинг вазифаси жуда оғир эди. У ўзининг ҳунар хазинасини тўлдирish иятида вилаи чиққан эди. Бундан алғари ҳам бир марта шу ерларни айланиб ҳунар-санъатга тегишли анча-мунча нарсаларни кўриб-билиб кетган бўлса-да, лекин бу анча илгариги гап эди. Харидорнинг диди, талаби эндиликда анча мунча талаб қилган боради. Бундан алғари ҳам бир марта шу ерларни айланиб қанчадан-қанча нарсалар пайдо бўлган эди.

Жасвант ҳаммадан олдин ўзининг эски миқозини дўкондор Мансасингхнинг олдига борди ва унинг дилидаги бир қатор кудуратларга барҳам беришга ҳаракат қилди. Мансасингхни энг қаттиқ норози қилган нарса шу эдики, Жасвантнинг отаси Бҳажансингх у билан шартнома тузиб, уни бажармаган эди. Охири бу иш судга тушиб, шундан кейин ҳам савдогар шу маҳалгача пулини ундириб ололмай юарди. Жасвант отасининг бўйнида қолган пулнинг ҳаммасини тез кун ичида яхлит қилиб узишга ваъда берди. Жасвант билан Пракошнинг янги бошлаган ишидан Мансасингх яхши хабардор эди. Бу борада унда қанча шак-шубҳа ёки тушунмовчилик бўлса, уларнинг деярли ҳаммасини Жасвант йўққа чиқаришга ҳаракат қилди ва бу масалада қисман муваффақиятга эришди. Лекин умидини узиб турган пули қайта қўлига тегишини эшитиб, Мансасингхнинг осилиб турган қош-қовоғи ҳар ҳолда анча жойига келиб қолди.

Жасвант фил суягидан мол тайёрланадиган ва шунақа буюмлар сотиладиган жойларнинг ҳаммасини биларди. Чунон-

чи ўша жойларнинг ҳаммасини бирма-бир айланиб, у ердаги молларни диққат билан кўздан кечириб чиқди. Бир буюмининг бир марта яхшилаб синчиклаб кўриб олса, ўша буюмининг худди ўшандай ёки ундан ҳам яхшироқ қилиб яшаш унга ҳеч гап эмас эди. Шундай қобилият эгаси бўлгани сабабли у жуда кўп нарсани кўриб-билиб, миясига жойлаштириб олди. Чет эллик харидорларга манзур бўладиган буюмларнинг, яъни чироқ соядонлари, ула-элик ва ҳоказолар солинадиган идишлар, тарихий жойларнинг акси, маъбуд-маъбудаларнинг ҳайкал-ҳайкалчалари, фил, оҳу, оққуш, лайлак ва бошқа шунга ўхшаш Ҳиндистон ҳайвонот ва паррандалари, Ҳиндистон раҳбарларининг ҳайкал-ҳайкалчалари, чет эл қизларининг кўнглига ёқадиган, бўйинга тақиладиган ва бошқа хил зеварларнинг қандай услубда ясалишига, айниқса, катта эътибор қилди. Нозик ўймакорлик санъатининг бутунлай янги намуна ва услубларини диққат билан ўрганди. Шу янги нарсаларнинг ҳаммасини бирма-бир синчиклаб кўздан кечирар экан, у ичида ўйларди: «Мен кўрган нарсаларимдан ҳеч бирига тақлид қилмайман, қандай кўрган бўлсам, шундай қилиб ясамайман. Булардан фақат ўртак оламан, илҳом оламан, холос. Мен ўзим ясайдиган ёки бошқаларга ясаттирадиган нарсаларим мутлақо ўхшаши йўқ, мутлақо ўзига хос нарсалар бўлади».

Деҳлида уч-тўрт кун туриб, шу орада Жасвант билан Пракош иккови анчаггина иш қилди — дўкандорлар билан алоқа ўрнатиб, буюртмалар олиш жиҳатидан ҳам, бозорга чиқадиган моллар билан танишиш жиҳатидан ҳам.

Деҳлидан улар Аграга боришди. Аградан эса Ражастонга ўтишди. Қаерга боришса, ўша ердан уйга хат ёзиб, мастер Отмасингхни ва бошқа шерикларини қилаётган ишлари, эришадиган ютуқлари ва ҳоказолардан муттасил хабардор қилиб туришди. Мастер Отмасингх ҳам хат орқали бу ёқдаги ҳол-аҳволдан хабар бериб турди. Қайси бир шаҳарга, қайси адресга хат ёзишни улар сафарга чиқишдан олдин Отмасингхнинг қўлига ёзиб қўйишган эди.

Ражастоннинг марказий шаҳри Жайпурга етиб келиб, илгаридан тайинланган жойга келишганида улар уйдан битта конвертда иккита хат олишди — бири Отмасингхдан, иккинчиси Арунадан. Яна битта хат тегди, уни бир давлат идораси Жасвантнинг номига юборган экан.

Мастер Отмасингхнинг хати «Уюшма»нинг ишларига тааллуқли эди. Лекин Арунанинг хати бутунлай бошқа нарсага бағишланган эди. Бу хатни ҳамда учинчи хатни ўқиб, иккала оғайнининг боши осмонга етди.

Арунанинг хатининг мазмуни қуйидагича эди:

«Азизим!

Сизнинг сафарингиз кундан-кунга муваффақиятли бўлаётганини билиб, мен жуда хурсанд бўляпман. Бу яхши хабарлардан нақадар руҳим кўтарилиб, дилим нақадар севинчга тўлаётганини сўз билан ифода қилолмайман. Шунга жавобан менда ҳам сизга аталган битта кичкинагина хушxabар бор. Хўп десангиз, айтай.

Умуман-ку шу қонвертдаги сизнинг номингизга ёзилган бошқа бир хатни ўқиб, асл гапни билиб олгандирсиз. Лекин мен айтадиган ҳам бир гап бор. Шу маҳалгача айтмай юрувдим, энди ўша хат муносабати билан айтмоқчиман.

Ёсингизда бўлса керак, бир куни иккаламиз учрашдик-да, ўша куннинг эртасига дадамлар сизнинг олдингизга борган эдилар ва қайтишларида сизнинг ўша «Туш кўраётган гўзал» ингизни ола қелган эдилар. Ушанда мен уларнинг бу қизиқ ишларини кўриб жуда ҳайрон бўлувдим, сўрашга уялувдим, лекин булар қандай қилиб кўтариб келдилар, деб ўйлаб қолувдим. Дадамларнинг айтишларига қараганда, улар ўша нарсани сиздан жуда бир артистчасига, қизиқ қилиб сўраб олибдилар. Лекин шунга қарамай, сиз ўзингиз ҳам бу кишининг ишларига ҳайрон бўлгандирсиз. Лекин дадамнинг асл ниятларини мен кейинроқ билдим. Бир куни озордан битта тахта яшик билан икки сер<sup>1</sup> келадиган пахта олиб келдилар-да, ўша ҳайкаллик пахтага ўраб, яшикка жойлашга тўхтов...

Биринчи эдим, улар: «Жасвант бир қулай фурсатни қўлдан бой бериб қўйди, энди иккинчисидан ҳам қўруқ қолмасин», деб жавоб бердилар. Тахминан шундай дедилар. Кейин Калкуттада бўладиган бир санъат намойишини гапирдилар. Деҳлидаги сингари у ерда ҳам фил суягидан ишланган энг яхши буюмга икки минг рупий мукофот тайинланган экан. Деҳлидаги кўрғазмада биринчи мукофотни ҳеч ким ололмаган экан, шунинг учун Калкуттадаги янги кўрғазмада яна ўша нақа мукофот тайинланибди.

Эртасигаёқ дадам ўша посилкани бизнинг адресдан, лекин сизнинг номингиздан Калкуттага жўнатдилар. Лекин менга айтиб қўйдилар: охирги натижа маълум бўлмагунча бу гапни Жасвантга ҳам, бошқага ҳам зинҳор айтмагин, деб тайинлаб қўйдилар.

Охири дадамларнинг орзулари амалга ошди. Кўрғазмадан сизнинг номингизга хат келди. Уни сизга юборяпман.

Дадам жуда хурсанд бўлдилар. Шундай хурсанд бўлдиларки, қўяверасиз. Лекин мен хурсанд бўлишдан кўра, кўпроқ

<sup>1</sup> Сер — Бир килограммга яқин оғирлик ўлчови.

улардан жаҳлим чиқди. Ахир сиз ҳеч қандай пулга ҳам сотмайман, ҳеч қаёққа юбормайман ҳам деган нарсани дадам сизнинг раъйингизга қарши нега бундай қиладилар? Мен шундай деган эдим, улар жавоб бердилар: «Қизим! Қимки бир нарсани сотиб олган экан ёки бирор нарсага алиштириб олган экан, уни нима қилса ўзи билади»,— дедилар. Бу далилларига қарши мен нима дёрдим?

Хайр, бу ёғи нима бўлса бўлди, Лекин энди сизга Калкуттага ҳам боришга тўғри келади. Бир жиҳатдан яхши ҳам бўлади. Биратўла иккита ишни қилиб келасиз, Калкутtagа бориб келишга уч-тўрт кун кетади, ҳолос.

Кеннойим (Рампракошнинг рафиқалари)нинг айтишларича, ойингиз бир неча марта келиб кетибдилар, Отангиз ҳам бир-икки бор келибдилар. Улар сизнинг қайтиб келишингизни бегоҳат бўлиб кутишаётган эмиш. Мен сизга бир нарсани тайинлаб айтиб қўймоқчиман: уларнинг тўғрисида фикрингиз қандайлигидан қатъи назар, қайтиб келишингиз билан дарҳол уларни бориб кўришингиз керак. Менинг илтимосимни йўлда қолдирмассиз деб ўйлайман.

*Сизнинг Аруна.*

## 40 боб

— Дўстим!— деди Рампракош қувонч тўла қаҳқаҳа билан.— Энди бизга ҳеч бало урмайди.

— Бу нима деганинг?— сўради Жасвант.

— Нима деганим бўларди. Сенинг чеккан риёзатларинг бекор кетмади, Бутун бир йилгача маъбудага тоат-ибодат қилувдинг, мана, у сенга иноят қилди. Менимча, бу унинг иноятининг фақат бошлангичи. Уйингга кириб келгандан кейин эса сени шундай ярлақайдики, орқа-ўнгингни тўлдириб юборади. Менинг бунга ишончим комил. Сенинг орқангдан ошна-оғайнилариңгнинг ҳам омади келиб кетса ажаб эмас. Мана мени айтди дерсан, энди биз ҳамма бало-қазолардан қутулдик.

— Айтганинг келсин, оғайни,— деди Жасвант уни бағрига босиб.— Лекин ўйлашимча, бунинг ҳаммаси менинг дўстимнинг каромати. Шу дўстимга етишдим, менинг пешанам ярақлаб кетди. Бўлмаса мен қаёқдайдим, бу гаплар қаёқдайди? Хайр, буларнинг ҳаммасини қўяверу, дўстим, энди бу еттининг қўлга тегса, бизнинг молиявий аҳволимиз анча яхши бўлиб қолади.

— Сен ҳақиқатдан анча узоқ экансан, дўстим,— деди Рампракош.— Э, оғайни! Худонинг инояти билан, ёки тўғрироғи, Арунанинг инояти билан сен эришай деб турган нарсага нис-

батан бу етти минг нима бўлибди. Арзимаган бир нарса. Бу мукофот-ку, албатта, ҳазил нарса эмас. Лекин сенинг асарингнинг олий даражадаги санъат намунаси деб ҳисоблаб, ҳукумат уни сотиб олибди. Бу ахир бунақа мукофотларнинг мингтасига арзийди. Тагин сенинг асаринг президент саройига қўйилар экан. Ахир бу бутун дунё аҳлини Ҳиндистон санъатининг энг катта ютуқлари билан таништирадиган жой-ку. Бундай шараф жуда бахтли одамларгагина муяссар бўлади. Шахсан сен-ку бундан катта фойда кўрасан. Турган гап. Лекин мен савдо-сотиққа ўрганган одам бўлганим учун ҳар бир нарсага коммерсия нуқтаи назаридан қарайман. Чунончи коммерсантлар орасида, фалон ташкилотнинг бошлиғи шундай машҳур одам экан, деб доврўғ тарқалдим, бўлди, бизнинг ишларимизнинг авжи ёмон-фалакка чиқиб кетади.

— Айтганинг келсин, биродар!—севинчи ичига сиғмай деди Жасвант.— Лекин, оғайни, бир нарсага мен жуда ҳайрон қўлиб ўтирибман. Мастержийнинг кўзлари шундай узоққа етганини қара. Ахир...

— Э, тентак!—унинг гапини бўлиб деди Рампракош.— Шу маҳалгача ҳам «Мастержий, мастержий» деб ётибсанми? Сен ҳам энли Аруната ўхшаб «дада» деб гапиргин. Шу аҳмоқликни қилсанг, худди кўрасан мендан.

— Э, кечирадилар!—қилган хатосини тўғрилаб, Жасвант яна ҳалиги гапини давом эттирди. Мен жуда ҳам кўнмасан бўлишим керак. Ахир... қандай усталлик билан ҳайкални мендан олиб...

— Э, оғайни! Сен шу маҳалгача ҳам у кишини менчалик яхши билмабсан. Мен бўлсам бир кўришнинг ўзидаёқ томир-томирини билиб олдим. Яна хафа бўлмагин. Мен сени ёмонлаётганим йўқ. Биринчидан, мен сендан тўққиз-ўн ёш катта бўлсам керак. Иккинчидан, ҳар турли одамларга менинг ишим тушган. Жасвант, мен сенга айтсам, у кишининг ориққина, кучсизгина танасида жуда катта, жуда кучли юрак бор. Мактабда ишлаб туриб ҳам мастержий бизнинг ишимиздаги барча чигалларни ёзиб бериб турибди. Бутунлай бизнинг ёнимизга киргудек бўлса борми, унда нур устига аъло нур бўларди. Ишимиз шундай гуллаб кетадики, қўяверасан. Сенинг фикринг қандоқ, Жасвант, мактабни ташлаб, бутунлай бизга ўтишга рози бўлармикин у киши?

— Сен билан менинг гапимизга кўнмаса, ахир, Аруна бор-ку. Ўзи кўндиради.

Хат келган куннинг эртасига иккала оғайни газетада босилган хабарни ҳам ўқиди. Мазмуни Арунанинг хатида нима дейилган бўлса, деярли ўшандай эди.

Жайпурдан кейин яна бир-икки шаҳарни айланишмоқчи эди, лекин Қалкуттага тааллуқли гап буларнинг режасини ўзгартириб юборди. Чунончи эртасигаёқ улар Қалкуттага қараб йўл олишди.

## 41 боб

Бир ҳафта эмас, ўн икки-ўн уч кун деганда савдогар ва санъаткорлар гуруҳи ютуқ ва муваффақиятларга қўмилган ҳолда Амритсарга қайтиб келди.

Булар қайтиб келгунча бу ёқда ишни бошлаб юборишга деярли замин ҳозирлаб қўйилган эди. Бу ишга «Уюшма»нинг барча аъзолари сидқидилдан ўз ҳиссасини қўшди, аммо мастер Отмасингх асосий роль ўйнади. Унинг қилган энг катта иши шу бўлдики, у Амритсардаги тарқоқ, ҳар қайсиси ўз ҳолига ишлаётган ҳунармандларнинг ҳаммасини бир ерга тўплади. Бунинг учун унга хўп меҳнат қилишга тўғри келди. Савдогарларнинг кўнглини овлаш, уларнинг фикр-муносабатини ўзгартиришнинг ҳам ўзи бўлмади. Қисман ўзининг мантиқий, доно гап-сўзлари ва шахсий обрў-эътибори, қисман самимий муносабати билан алоҳа муваффақиятга эришди. Савдогарлар бир томондан, «Ҳиндистон ҳунармандлик уюшмаси» билан ҳамкорлик қилишга розилик берди, иккинчи томондан, ўз қўл остида ишлаб келган ҳунармандларга нисбатан уларнинг кўнглида нимаики кудурат бўлса, у анчагина йўқолиб, улар ҳунармандларга бирмунча хайрихоҳ бўлиб қолди. Бу масалада арзимаган кўнгилхиралик қолган бўлса, у ҳам тез орада теп-текис бўлиб кетишига умид бор эди.

Битта умумий ишхона — цех барпо этиш ҳали узоқдаги бир нарсаси эди. Лекин «Уюшма» аъзолари шундай мардлик билан ўз-ўзининг ишхонасини таклиф қилдики, битта умумий ишхонанинг йўқлиги ҳам унча билинмай қолди.

Кечаси поезддан тушиб, иккала оғайни Рампракошнинг уйига келишди. Жасвант, бугун кечаси ётиб дам оламан-да, эрталаб эрталаб мастер Отмасингхнинг уйига бораман, деб мўлжаллаганди. Лекин Рампракош бунга йўл бермади. «Қайси маъбуд билан қайси маъбуда сенинг юлдузингни шундай ёрқин қилган бўлса, даставвал бориб ўшаларга учрашиш сенга ҳам фарз, ҳам қарз»,— деди у.

Овқатланиб олишга бир соатдан ортиқроқ вақт кетди. Булар ўтириб овқатни еяверди, Рампракошнинг хотини Сукарма булар йўғида бўлиб ўтган воқеа, гап-сўзларни уларга гапириб бераверди. Жасвантнинг ота-онаси бир неча бор келганини ва

Жасвант қайтиб келиши билан дарров бизнинг олдимизга юборинглар, деб тайинлаб кетганини ҳам айтди.

Овқатланиб бўлгандан кейин Жасвант мастер Отмасингхнинг уйига жўнади.

Мастер Отмасингхнинг оиласи Жасвантнинг йўлига кўз тикиб ўтирган эди. Жасвантнинг хатига кўра, у бугун-эрта келиб қолиши керак эди. Лекин қайси поездда келиши маълум эмас эди. Бўлмаса Аруна бутун оиласини ёнига олиб, кутиб олгани вокзалга чиқиш фикрида эди.

Жасвант кириб келганда уйда жамоат жам эди — Отмасингх, Аруна, унинг иккала укаси Ҳардиёл билан Кирпол — ҳаммаси уйда эди. Жасвант остона ҳатлаб ичкарига оёқ қўйиши билан иккала бола уни кўриб, «Акам келдилар! Акам келдилар!» деб қичқириб юборди. Бу шовқин-суронни эшитиб, ичкаридан Отмасингх билан Аруна ҳам югуриб чиқиб келишди. Хонага кириб бешовлари полга ёзилган шолча устига гуж бўлиб давра қуриб ўтиришди. Болалар ҳали ёш, маъсумгина эди, лекин қачондан бери уйга кириб юрган бир бегона йигитнинг мавқеини тушунмайдиган даражада нодон эмас эди. Аруна-ку шу кунгача ҳеч нарса кўрмагандек тутарди ўзини, лекин оғаси ниҳоятда кўнгли очиқ одам бўлиб, ўғилларига анча муносабатларни таъкидлаб берган эди. Аммо ҳамма гандан хабардор бўлиб туриб ҳам, болалар ҳали Жасвантни «ака» демай, «почча» деб аташга журъат қилмасди, ваҳоланки энди шундай деяверишса ҳам бўларсандай.

— Жасвант бошмади!  
— Ҳўш, мастержий, қалайсиз? Бош оғриғи қийнаётгани йўқми?

Шу саволни берар экан, бирдан Рампракошнинг қилган танбеҳи, яъни «мастержий» демасдан, «дада» деб атагин деган гапи Жасвантнинг эсига тушди. Лекин нима қилсин, бу янги сўзни ишлатишга дарров ўргана олмади.

— Ҳозир бош анча тузук, — жавоб берди Отмасингх.

— Яна бошқа бирор дори-дармон қилдингизми?

— Дори-дармон билан тузаладиган бўлса-ку, Жасвант, аллақачон тузалиб кетарди-я.

— Бўлмаса қандай қилиб тузалиб қолди?

— Ўзим ҳам ҳайронман. Ўзидан-ўзи тузалиб қолганга ўхшайди.

— Ҳа, яхши бўлибди.

Бу савол-жавоблар бир муқаддима эди, холос. Аслида қанча-қанча муҳим гаплар Отмасингху Арунаю Жасванту — учаласининг ичидан қайнаб чиқиб, тилига келишга маҳтал бўлиб турарди. Учови ҳам асл мавзуга ўтишга бир-биридан

баттар ошиқмоқда эди. Аммо тўртинчи бир киши улардан ҳам илгари отни қамчилаб қолди.

Болаларнинг каттаси Ҳардиёл қизиқчироқ эди. Гоҳ-гоҳда шундай қизиқ гапларни айтиб қолардики, унинг олдида катталар ҳам ип ечолмай қоларди. Мана ҳозир ҳам бир ажойиб нарсаси лоп этиб миясига келди-ю, Жасвантга савол бериб қолди:

— Ака! У ёқларга бориб темир қовуриб едингизми дейман? Жуда семириб кетибсиз, а?— ҳамма «гурр» этиб кулиб юборди. Аруна уни койиди:

— Диёл! Сал бундоқ катта-кичикнинг фарқига борсанг-чи.

Лекин бола бу койишга парво қилмади. Аксинча, яна ўша шўхлик билан деди:

— Ҳа? Мен ёлгон гап айтдимми? Имонимдан қайтдимми?

Энди отаси билан опаси бараварига ўқрайишди. Бундан ҳайиқиб, Ҳардиёл секин туриб, қочиб қолди. Унинг кетидан кичкинаси ҳам жуфтакни ростлади. Улар иккови бир-бирига жуда илашган эди. Бири қаёққа борса, иккинчиси ҳам кетидан борарди.

Катталар ҳам ҳойнаҳой шуни кутиб турган эди. Майдон болалардан холи бўлди дегунча, ўртада суҳбат бошланиб кетди. Аввало, учовининг ичига сигмай турган мавзуда гап кетди.

— Мастержий! Сиз ишни жуда ҳам қизиқ қилибсиз-ку.— Гап бошлади Жасвант.

— Нимани қизиқ қилибман?— Отмасингҳ қизишиб савол берди ва кейин бу саволга жавобан ва ўз гапига жавобан анча вақтгача бир анча нарсаларни гапирди.

Ундан кейин Жасвант Қалкуттага бориб, қандай қилиб мукофотни олганини сўзлаб берди. У ерда каттакон мажлис бўлгани, мухтарам пандит Неру ўз қўли билан мукофотларни эгасига топширганини гапирди. Сўнгра уяла-уяла ўзи тўғрисида ҳам озгина гапирди:

— Бирдан менинг номимни айтиб чақирди. Мен ўрнимдан туриб бордим. Ҳамманинг кўзи менда. Ҳаммаси ҳайрон бўлиб, «ўзи кичкинагина-ку, кўрсатган ҳунарини қаранг» деяётганга ўхшайди.

У яна битта катта мукофот олганини гапирди. Бу мукофот Премьер-министрнинг оғзидан чиққан бир жумла экан. «Э, кичкина санъаткор! Сиз Ҳиндистоннинг юзини ёруғ қилиб, Ватан олдида нихоятда катта иш қилдингиз»,— дебди у Жасвантга мурожаат қилиб.

Отмасингҳ билан Аруна мукофотлар топширилган йилгилиш тўғрисидаги гапларни газетадан ўқиб, билиб олишган эди.

Лекин ўша гапларни Жасвантнинг оғзидан эшитишнинг кайфи жуда бошқача эди.

Кейин бу ердаги ишлар тўғрисида гап кетди ва Отмасингҳ ўз фаолиятини сўзлаб берди. Лекин Жасвант учун янгилик йўқ эди. Бу гапларнинг ҳаммасини у Рампракошнинг уйидаёқ эшитган эди.

Отмасингҳ кўрдик, Аруна шу мақалгача соқов бўлиб ўтирибди. Ўз бурчидан беҳабарлиги эсига тушиб, ичида ўзини койиди-да, «Мен бориб қарай-чи, болалар ўринга ётдимми ёки ҳали ҳам шўхлик қилиб ўтирибдими», деб ташқарига чиқиб кетди.

Отмасингҳ ҳовлига чиқиб кетгандан сўнг Жасвант билан Аруна бир-бирига шундай қарадики, гўё уларни бир-биридан ажратиб турган қалъин парда бирдан ғойиб бўлгандек туюларди.

— Хўш, Аруна, сен нега оғзингга қатиқ солиб ўтирибсан!— сўради Жасвант биринчи бўлиб. Шу бугун биринчи марта у Арунага «сиз» эмас, «сен» деб мурожаат қилди. Бу сўз унинг оғзидан шундай табиий чиқдики, бу сўзда унга заррача ҳам «одобсизлик» деган нарса сезилмади.

— Тўғри айтасан, Жасвант берди Аруна ва унинг юз-кўзига ёқимли бир табассум югурди.— Қатиқ, ахир, яхшилик нишонаси ҳисобланади.

Сукүт тўғони бузулувчи ҳамки, Аруна Жасвантга сўзлар олмай, Жасвант сўради:

— Ота-бола икковинглар бир бўлиб ахир менинг аҳдимни бўзибсизлар-да?

— Қайси аҳдингизни?

— Хў ўша, мен ўзингизнинг олдингизда айтувдим-ку, мен буни олтин унганда ҳам ўзимдан узоқлаштирмайман, деб. Ўша аҳдимни-да.

— Лекин бу ишда менинг ҳеч айбим йўқ. Бирор олди-берди бўлган бўлса, икковингларнинг ўртангларда бўлган.

— Лекин мен қаердан билибман...— Шундай деб туриб Жасвант жим бўлиб қолди.

Аруна лабларидан кўра кўпроқ кўзлари билан кулиб, жумлани тугатди:

— «Тўрт юз йигирма»<sup>1</sup> ишлатилишини. Шундоқми?— шу гапни айтиб Аруна хахолаб кулиб юборди. Жасвантнинг қаҳқаҳаси ундан ҳам ўтиб тушди.

---

<sup>1</sup> Ҳиндистон жиноят кодексининг фирибгар, алдоқчи, хуфия ишлар билан шуғулланувчиларга қарши чиқарилган 420-моддасига ишора.

— Сизлар жуда ўша ёқда қолиб кетдинглар.  
— У ҳам сизлар туфайли,— жавоб берди Жасвант.— Бўл-маса мен режамга мувофиқ тўрт-беш кун олдинроқ қайтиб келардим.

— Яна гапиринг: у ёқларда нима гаплар бор экан?

— Ҳаммасини айтиб бердим-ку.

— Дадамларга гапирганингизнинг ҳаммаси ишга тааллуқли гаплар-ку.

— Ҳўш, сен яна қанақа гапларни эшитмоқчисан?

— Менми? Мен ҳеч нарсани эшитмоқчимасман.

— Ҳеч нарсани эшитмоқчимасман? Лекин мендаги «ҳеч нарса» ўзгариб «бир нарса» бўлиб қолди. «Ҳеч нарса»ни қаёқдан оламан.

— Келинг, бўлмаса, ўша «бир нарса»ни айта қолинг.

— Лекин бу мендаги «бир нарса» ўзи кичкинагина кўринса ҳам, жуда катта жойни эгаллайди.

— Қанча жойни эгаллайди?

— Ҳойнаҳой... ҳойнаҳой сен билан мен иккаламиз ишғол қилиб турган дунёни эгаллайди.

— У ёқларга бориб шоир ҳам бўлиб келибсиз чамамда? Лекин мен шоирликнинг маъносига ётолмайман. Менга содда-роқ қилиб гапиринг. Бўлмаса тушунмайман.

— Шоирлик деб ўша содда гапларни айтилади-да.

Аруна бунга жавоб бермади. У чуқур ўйга толиб қолган кўринарди Жасвантга.

— Аруна! Нималарни ўйлаб қолдинг?

— Бир кунги бир гап ўсимга тушиб қолди.

— Қайси кунги?

— Бундан уч-тўрт кун бурунги.

— Қанақа гап?

— Сизнинг ойингизни кўрувдим.

— Қаерда?

— Пракош акамнинг уйида.

— Ҳа-ҳа? Лекин сен хатингда ҳеч тилга олмовдинг-ку? Пракошнинг уйига гоҳ-гоҳда келиб туришини ёзувдинг, холос.

— У хатдан кейинги гап бу.

— Ҳўш, нима бўлди?— сўради Жасвант бир оз кўрқиб.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ. У киши мен билан-ку, гаплашгани йўқ. Лекин кеннойим билан узоқ гаплашиб ўтирдилар. Сизни жуда мақтадилар. Сизни кўришга жуда ҳам муштоқ кўри-нардилар.

— Сени... сени танимадимми ойим?

— Менимча, таниганга ўхшадилар. Лекин унча яхши кўри-мабман шекилли кўзларига. Бунинг устига, кеннойим бир-икки

шунақа гапларни айтдиларки, у киши баттар хафа бўлиб кетдилар.

Онасининг нима деб хафа бўлганини сўрамай, Жасвант чуқур бир уҳ тортиб қўя қолди. Арунанинг бу гапни қойнаҳой чўзишга тоби йўқ эди, «Айтгандек, сизнинг роса ҳам қорнингиз очдир», деб ўрнидан турди.

— Йўқ, мен овқатланиб келганман,— деди Жасвант Аруна-ни қайтиб жойига ўтқазар экан.

Онаси тўғрисида бирор нарсани сўрашга Жасвант журъат этолмади. Арунанинг ўзи ҳам бошқа қеч нарса демади. Турли хил бошқа гаплар бошланиб кетди ва у алламаҳалгача давом этди. Гап билан овора бўлиб, тун қаерга бориб қолганидан хабарлари йўқ эди. Лекин бирдан Жасвантнинг кўзи чиқ-чиқ қилиб турган будильникка тушиб қолди.

— Уҳў! Соат ўн икки ярим бўлибди-ку,— деб Жасвант ўрнидан турди.— Бу соат ўзи тўғрими?

— Сиз келмасингиздан олдинроқ тўғри эди,— жавоб берди Аруна кулиб.— Яна бир-икки минут ўтиринг.

Жасвант яна ўтирди.

— Уйга бордингизми?

— Йўқ. Пракошникидан тўппа тўғри шу ерга келдим

— Бу ёкка қолдингиз. Бундан у етда боришингиз керак эди. Икковлари Пракош акамникига бир печа марта келиб кетишди. Бундан маълум бўладики...— Шундай деб Аруна жим бўлиб қолди.

...— сўради Жасвант.

— Улар хатосини тўғрилашга ошиқиб турганга ўхшайди.

— Айтганинг келсин, Аруна.

— Менга шундоқ кўринди, лекин у ёғини худонинг ўзи билади. Мен сизга бир нарсани албатта айтиб қўймоқчиман, биров ҳар қанча гуноҳ қилган бўлса ҳам, агар чин кўнгилдан афсус-надомат қилса, шу афсус-надомати унга энг катта жазо бўлади. Дадамлар ҳам худди шундай дейдилар. Шунинг учун агар ота-онангиз қилган гуноҳини бўйнига олиб, чин тавба-таваарру қиладиган бўлса, сиз ҳам уларга кўйглингизнинг эшигини очиб, уларнинг хатосига кўзингизни юминг. Тагин сиз ўз айтганингиздан қолмай, у бечоралар тўғри йўлга чиқолмасдан, ёмон йўлда қолиб кетмасин.

— Аруна!— Деди Жасвант унинг гапидан ниҳоятда таъсирланиб.— Сен ишонавер: Жасвант жуда унақа бағри тош эмас.

— Раҳмат!— Деди Аруна хурсанд бўлиб.— Эртага эрталаб борасиз-а?

— Эртага жуда иш кўп. Эрталаб боришга ҳаракат қиламан.

Агар иложи бўлмаса, унда пешинда ёки кечқурун албатта бо-  
раман.— Шундай деб Жасвант ўрнидан турди.

— Хўп, хайрли тун.

— Хайрли тун.

## 42 боб

Эртасига Жасвант кун бўйи жуда банд бўлди ва Арунага берган сўзининг устидан чиқолмади, яъни эрталаб турибёқ ота-онасини кўргани бора олмади. Кечқурун иш-юмушдан қу-  
тулгач, ўша ёққа жўнади.

Хилма-хил ўй-хаёлларга чўмган ҳолда у уйига яқинлашиб борди, лекин шу ерга келганда бирдан иккиланиб қолди. Ўзи ту-  
гилиб ўсган, вояга етган уйга кириб боришга тортина бошлади. Худди бир бегона уйга кетаётгандек ҳис қилди ўзини ва юраги гуп-гуп уриб, оёғи орқага торта бошлади.

Эшикни очиши билан унинг кўзи ҳовлини супураётган она-  
сига тушди. Онасининг кийим-боши, ҳол-аҳволини кўриб, худди биров кўкрагига мушт уриб юборгандек, унинг вужуди ларзага келиб кетди: Ҳарнамкаур кўчадаги гадонинг худди ўзгинаси ёди.

Ҳарнамкаур ҳам Жасвантни кўрди ва қўлидаги супурги-  
сини ерга ташлаб, югурганича келиб, уни қучоқлаб олди ва юз-кўзини ўпишга тушди. Кейин она-бола икковлари олдин-  
ма-кейин ичкарига киришди.

— Дадам қанилар, ойи?

— Кўзларига дори олиб келгани кетувдилар эрталаб.

— Кўзлари оғриётувдими?

— Оғришдан ҳам бурун кўзлари кундан-кунга ишдан чиқиб қоляпти отанг бечоранинг,— жавоб берди Ҳарнамкаур оҳ тортиб.

Буни эшитиб, Жасвантнинг юраги ачишиб кетди.

Уйдаги ҳол-аҳволни кўриб, Жасвантнинг баттар фигони осмонга чиқиб кетди. Деворларнинг сувоғи тушган, поллар кў-  
чиб, ўнқир-чўнқир бўлиб кетган. У ерда-бу ерда эски-туски латта-путталар ёйилиб ётибди, уларнинг ичида ҳам биронта қўлга илинадигани йўқ. Ўтган бир-бир ярим йил ичидаёқ булар шу аҳволга тушиб қолганини кўриб, Жасвант жуда афсус қилди. «Арунанинг отасига биров ҳойнаҳой ёлгон айтган экан,— деб ўйлади у.— Бўлмаса, контрабанда билан шуғуллан-  
ган одамнинг уйи шунақа бўладими?»

Она-бола ўтириб суҳбатлаша бошлади. Ҳарнамкаур ўзи-  
нинг танглигини, фарзандларининг бевафолигини айтиб ҳасрат

қилмоқда ва шунинг орасида шунча жудалиқдан кейин ўғлининг дийдорини кўрсатган худога миннатдорлик билдирмоқда эди.

Жасвант индамай тинглаб ўтирди, онаси эса тўхтамай гапирди:

— Э, ўғлим! Шу сенларни деб бизлар не-не қийинчиликларни кўрмадик. Не-не орзу-армонлар билан катта ўлгурни уйлантирдик. Ушани деб бўйинмизга катта-катта қарз орттириб олдик, уй-жойни гаровга қўйдик. Унинг қилган оқибати шу бўлдики, бизни хасдан енгил, сувдан суюқ қилиб қўйди, бетимизни балчиққа ботирди. Шундоқ бўлса ҳам, бизлар, ҳа, майли, каттаси юз ўгириб кетган бўлса, кичкинаси кунимизга ярар, деб сабр-шукур қилиб ўтиравердик. Лекин фарзандлардан роҳат кўриш деган нарса биз шўрликларнинг пешанамизга ёзилган бўлса қанийди.

Шундан кейин Ҳарнамкаур Ҳарбансга тааллуқли қиссани сўзлаб кетди. Бу ҳам жуда узундан-узоқ ва аянчли қисса эди. Шу гапларни гапириб туриб, у худди бир нарса эсига тушиб қолгандек, тўсатдан тўхтаб қолди ва мавзунини ўзгартириб, Жасвантга қараб деди:

— Бир кунни даданг. Бир газетани олиб келиб, ўқиб бердилар. Эшитсам, сени етти минг мукофот олди, деб ёзибди. Буни эшитиб мен ҳам, даданг ҳам шундоқ суюниб кетдикки, нимасини айтасан. Мен илгари ҳам даданга айтаётган эдимки, кичкиналик вақтидаки жуда пешанаси ярқираган кўринарди, шунинг учун ҳам ўқини-ёзинини ўринлатди, дердим. Кесилган қўл ахир юзга тегади, деб шунини айтар экан. Худога минг қатла шукур, жудо бўлганларни яна бир-бирига етказди. Майли, ҳеч зарари йўқ, ўғлим. Тўрт кун камбағаллик-қашшоқлик азобини чеккан бўлсак, чекибмиз-да. Бунақа кун пошшоларнинг ҳам бошига тушади. Сенга етишдик — ҳамма нарсага етишдик ҳисоб. Менинг кўнглим энди анча ўрнига тушди. — Шундай деб, Ҳарнамкаур Жасвантнинг орқасини силай бошлади.

Онаси тўхташи билан Жасвант гап бошлади:

— Хўп, ойи, энди менинг ҳам уч-тўрт оғиз гапимни эшитинг. Агар бирор ножўя гап айтиб юборсам, кечиринг. Мен сиздан фақат бир нарсани сўрамоқчиман. Хўш, айтинг-чи, сизнинг нимадан камчилигингиз бор эди? Эсингизда борми, ҳу анави кунлар? Қандай ўйнаб-кулиб, роҳат қилиб яшардингиз!

— Гапинг жуда тўғри, Жасвант, — деди Ҳарнамкаур ух тўртиб. — Уша кунлар эсимга тушса, мен ўзим ҳам йиғлаб юбораман. Тўсатдан биронта ёмоннинг кўзи тегиб қолди бизларнинг уйга...

— Ҳеч кимнинг кўз-пўзи теккани йўқ, ойи, — унинг гапини бўлди Жасвант. — Ҳамма ўз қилмишига яраша топади. Менинг гапимни сал диққат билан эшитинг. Ўзингиз айтинг: бувам раҳматлик ҳаёт юрган вақтида бизнинг уйимизга бирорта бало-сфат кирганмиди?

— Жойи жаннатда бўлсин, — деди Ҳарнамкауэр оҳ тортиб. — У киши ўзи бир авлиё одам эди. У кишининг вақтида бу уйда сут-қатиқ дарёдек оқарди. Бойваччаларга ўхшаб яшардик. Ҳовлимиздан ҳеч сигир-бузоқ ариган эмас эди. Ўлдилару бутун баракамизни ҳам бирга олиб кетдилар. — Шундай деб туриб Ҳарнамкауэр кўзларини арта бошлади.

— Сизнинг бу гапингиз нотўғри, ойи, — Жасвант эътироз билдирди. — Ҳамма баракани олиб кетди, дейсиз. Аксинча, у киши ўла-ўлгунча шу уйга барака бағишлади. Уйдаги бутун барака-маракани сизлар ўзинглар кўчага олиб чиқариб ташландилар.

Шу гапини тасдиқлаш учун Жасвант буваси ҳаёт вақтида уйга «ўғри тушган» воқеани онасига эслатди ва сўнгра Ҳарбанснинг уйланишидан олдинги қиссаларни гапирди.

— Қилганларимиз олдимизга келди, — деди онаси шарманда бўлиб. — Азиз-авлиёларнинг қарғишига учрадик.

Бунга жавобан отаси, онаси ва акасининг мана шунақа «азиз-авлиёларнинг қарғишига қоладиган» ишларини эслатиб, Жасвант роса юрагининг ғуборини чиқарди.

Она-бола ўртасида анча маҳалгача суҳбат давом этди. Жасвант онасини қийинверди, у тинглаб ўтираверди. Ора-чора ўғлининг иқболини мақтарди ва шу билан бирга у олган етти минг рупия мукофотни ҳам тилга олиб қўярди.

— Пракошникига айтиб келган экансиз, борсин, деб, — деди ниҳоят Жасвант. — Сафардан қайтиб келдим, бир бориб келай, деб ўйладим-да, келдим. Хўш, бирор зарур иш бормиди?

— Нега бўлмасакан иш? — жавоб берди Ҳарнамкауэр. — Ота-онанинг ўз ўғлига иши тушмаса, яна кимга тушади? Олти-етти кунда қайтаман, деб кетган эди, нега шунча узоқ қолиб кетди, тинч юрганмикин, деб бизлар бу ёқда куйиб-пишиб ўтирдик. Уйдаги ишларнинг бўлса қайси бирини айтай сенга. Даданг бутунлай иш-кучдан қолган. Неча вақтлардан бери пул бетини кўрмаймиз. Уйдаги асбоб-ангорларгача сотиб еб бўлдик. Энди ўзинг айт, ўғлим, сену худодан бошқа бизнинг ишонган яна кимимиз бор энди? Ўтган кун бўлса кечқурун ўтириб даданг, кунда-кунда очлик азобини тортиб ётганимиздан кўра, энди шипга арқон ташлаб, осилиб ўлиб қўя қолганимиз яхшироқ, деб қолдилар. Мен уларга: нега бунақа ёмон ният қиласиз, деб дал-

да бердим. Худо хоҳласа, Жасвант етти минг олиб кириб келса, ҳамма ғам-ташвишлардан қутуламиз-қўямиз, дейман.

Жасвант гапнинг тагига анчагина етиб қолди: ота-онасининг Рампракошникига қатнагани ўғлини кўришга зорлигидан эмас экан, унинг етти мингини олиш учун экан. Аруна айтган гаплар ҳам тўғрига ўхшаб қолди. Лекин ҳар ҳолда аниқ бир фикрга кела олмади. Масалани очиқ-ёйдин қилиб олиш мақсадиди у темирни темир билан уриш қабилида иш тутди, яъни кичикроқ нарсани кўрсатиб, каттароқ нарсани тортиб олиш пайига тушди.

— Сиз пулдан ҳеч ташвиш қилманг, ойи, — деди у. — Пулни ҳўл олиб келиб бераман сизга. Лекин бунинг эвазига сизлар ҳам менинг бир гапимга кўнасизлар.

— Сенинг гапинггами? — Ҳарнамкаурунинг севинчи ичига сигмай кетди. — Ўзингни ўтга ташла, десанг ҳам, ташлаймиз, Қани айт, қайси гапингга киришимиз керак?

Жасвант ҳийласи иш бераётганини ҳис этиб, деди:

— Менга, ойи, ўзингларни ўтга ташлашларинг ҳам керак эмас, сувга ташлашларинг ҳам. Менинг айтадиганим фақат шўки. Сизларга бор-йўғи пул-керакми? Ҳар қанча пул десангиз муҳаббат бўлади. Дедимки, пулни олиб келсангиз пул. Шундан экан, дадамларнинг ўғри-қароқчиларга қўшилиб гуноҳ ботқоғига ботиб юришларига нима ҳожат бор?

— Ўғри-қароқчиларга қўшилиб? Дедимки, кичикнинг леги... — Ҳарнамкаурунинг кўрсатишга уринди. — қайси бир жувонмарг сенга шу гапни айтди, сенинг шу даданг ўғри...

— Сал сабр қилинг, ойи. Менинг гапим тамом бўлди. Сиз ҳойнаҳой Жасвант ҳеч нарсани билмайди деб ўйларсиз? Ахир мен ҳам шу шаҳарда юрибман. Ҳамма гапни эшитганман. Сизларнинг бу янги касбинлар ҳар бир уйда достон.

Буни эшитиб Ҳарнамкаурунинг юраги шув этиб кетди, лекин бўш келмади, ўзини ўша ўша тутаққанга солиб деди:

— Э, худоё худованда! Ўзинг жазосини бер ўша жувонмаргларнинг, ёлғон-яшиқни менинг ўғлимнинг қулогига қуйган фитначиларнинг. Худога солдим бундоқ ярамасларни, биз ўлай деб турган бечораларнинг устига чиқиб тепган галамусларни.

Ҳарнамкауру тўхтовсиз гапириб-қарғаб ётаверди. Жасвант индамай қулоқ солиб ўтираверди. Шу билан бирга у онасининг юз-кўзидан унинг ичидагини билиб олишга уринди. Онасининг юз-кўзида эса қўрқув ва саросимага ўхшаш бир нарса сезила бошладди. Гап орасида Жасвантнинг гоҳ елкасига, гоҳ кўкрагига ва гоҳ қўлларига тегиб онасининг қўллари совиб муз бўлиб қолган эди. Буни кўриб Жасвант жуда ҳайрон бўлди. Гапириб-га-

пириб, у ахир тўхтади-да, ёшнин артаётгандек рўмолининг учини кўзларига сурта бошлади. У, ҳойнаҳой энди Жасвант узундан-узоқ панд-насиҳат қилишга тушади, деб хаёл қилган эди. Лекин ундай бўлмади. Жасвант унга тешиб юборгудек қараб турарди. Жиноят устида қўлга тушган ўғрининг башарасига полициячи шундай ўқрайиб қарайди. Буни кўриб у ҳайрон ҳам бўлди ва бир қадар бўшашиб ҳам кетди. «Ўз ўғлимдан шунча қўрқаманми?— ўзини қойиб бошлади у.— Нега менинг оёқларим қалтираб кетяпти?» Шундай ўйлаб туриб, бирдан эрининг «ўлсанг ўл, лекин оғзингни очма» деб қайта-қайта тайинлаган гапи унинг эсига тушиб қолди. У яна ўзини маҳкам тутиб олди ва қайтадан ҳасрат қилишга тушди:

— Э, Ҳарбанс! Бизнинг бошимизга шундоқ кунлар тушдики, қайси бирини айтай сенга. Уч кун-тўрт кунлаб оч қолиб кетган вақтларимиз бўлди. Неча замонлардан бери бир қултум суту бир томчи ёғ бетини кўрмаймиз. Танамизда қон деган нарса қолгани йўқ. Шундоқ бўлса ҳам, Ҳарбанс, бу жувонмарглар ўз ҳолимизга қўймайди...

Ҳарнамкаур ўғлини ўзига оғдиришга ҳўп уринди, лекин гаплари Жасвантга сира ҳам таъсир қилмади. У энасининг борган сари баттарроқ саросимага тушаётганини сезиб турарди. Ҳарнамкаур ҳасрат қила туриб икки-уч марта «Жасвант» дейишининг ўрнига «Ҳарбанс» деб юборди. Бу ҳам унинг ўзини йўқотиб қўяётганидан далолат берарди. Жасвант яна бир нарсага эътибор берди: онаси гапириб туриб бир неча марта йўталиб, томоғини тозалади. Бу ҳам ҳаяжон ва саросима аломати эди.

— Ие, ойи! — деди Жасвант унинг қўлини ушлаб. — Қўлларингиз муз бўлиб кетибди-ку. Томоғингиз ҳам қуриб кетяпти. Сув элиб келайми?

Ўғлининг бу гапидан Ҳарнамкаур яна хийла бўшашиб, лекин ўғлига таслим бўладиган даражада эмас.

— Ҳа ҳеч нарса қилмайди,— жавоб берди у.— Икки-уч кундан бери сал безгак тутиб турибди. Шунинг учун озгина мазам кетиб қолди.

— Менга қаранг, ойи!— деди бирдан Жасвант катта амалдорларга ўхшаган важоҳат билан. — Бўлди, йиғиштиринг энди бу майнабозликни. Гапнинг тўғриси айтинг менга. Сизларнинг сир-асрорингиз аллақачон ҳаммага маълум. Қачонгача кўзбўямачилик қилиб юрасизлар? Сизнинг феъл-атворингизни мен яхши биламан. Ўзи бошидан одатингиз шунақа: пулни пуфлаб тугиб қўясиз-да, ким кўрганга йиглаб, ҳасрат қилиб юрасиз. Мен баҳс бойлашиб айтаман: худди шу вақтда ҳам сизнинг ичингизда дунё-жаҳон пул бэр. Сизнинг бу камбағаллигингиз, қашшоқлигингиз фақат хўжакўрсинга. Сизга пул керакми?

Қанча пул керак? Айтинг, мен олиб келиб бераман. Лекин, худо ҳақи, сизлар бу ҳаром йўлдан қайтинглар. Шундоқ қилмас экансизлар, ҳадемай ўзларингизни қамоқда кўрасизлар. Шу эсларингизда бўлсин. Қани, бор гапни яширмасдан айтинг.

Ҳарнамкаур энди бардош бера олмади. У ҳақиқат олдида бош эгишга мажбур бўлди.

— Хўп, сўра. Нимани билмоқчисан?

— Ростини айтасизми?

— Айтаман.

— Шу кунгача қанча пул тўпладингиз?

— Икки-икки ярим минг.

— Ёлғон гапирманг, ойи.

— Сенинг жонингга қасам ичаман.

— Ўғилларнинг жонига ёлғон қасам ичиш яхши эмас. Бунинг оқибати нима бўлишини биласизми? Хўп, майли. Рост менинг жонимга қасам ичасизми, бўлмаса менинг бошимга қўлингизни қўйиб, «Ёлғон гапирсам, ўлигингни кўрай» дег-чи.

Шундай деди-да, Жасвант онасининг муздек қўлини кўтариб ўзининг бошига қўйди. Лекин Ҳарнамкаурнинг тили айланмади.

— Қани, айтинг, ойи, «ёлғон гапирсам, ўлигингни кўрай» дег.

Ҳарнамкаур ниқ этмади.

— Мен сизнинг пулингизни тортиб олгани ёки ўғирлаб кетгани келганим йўқ.— Деди Жасвант дўқ қилиб.— Мен сизга пул бергани келганман. Қўрқманг.

Пул бергани келган бўлса ҳам, Ҳарнамкаур, — ундан кейин ҳаммасини айтиб бераман.

— Олдин менинг гапимга жавоб беринг.

— Қайси гапингга жавоб берай?

— Мен сиздан сўраяпман: қанча пулни кўмиб қўйибсиз?

— Беш минг. Рост гапим.

— Ҳали ҳам ёлғон гапиряпсиз.

Ҳарнамкаур индамади. Унинг индамаганидан Жасвант бир оз маъно бўлди ва жаҳли чиқди.

— Чамамда пул сизнинг юрагингизни тош қилиб юборибди, ойи,— деди у ойисига қараб.— Мен сизга айтдим-ку: мен сиздан олгани келганим йўқ, сизга бергани келдим. Хайр, майли, сиз шуни истар экансиз, иложим қанча.

Шундоқ деди-да, Жасвант ўрнидан туриб, жўнамоқчи бўлди. Ҳарнамкаур қўрқув ва саросима тўла кўзлари билан унга тикилди, лекин чурқ этиб оғзини очмади. Онасининг жим туришини ярим розилик аломати деб билиб, Жасвант яна деди:

— Аммо бир нарса эсингизда бўлсин, ойи, «Ярмига қаноат қилмаган, қолганидан ҳам айрилибди» деган гап бор, а? Сизлар ҳам худди ўшанақа бўлиб қоласизлар. Пул деб ўғилларингиз-

дан ажралдингизлар. Энди ўша пул сизларга вафо қилиш-  
ни худо билади.

— Ўтир, бундоқ, — деди Ҳарнамкаур уни қўлидан ушлаб  
ўтқазар экан. — Хўш, нима демоқчисан, Жасвант? Бундоқ очиқ-  
очиқ айт.

— Менинг айтмоқчи бўлганим фақат шуки, сиз дадамга ту-  
шунтиринг, бу ярамас пшни ташласинлар.

— Бўпти. Шу бугундан бошлабоқ ташладилар, деб ҳи-  
соблайвер. Мен тушунтирганим бўлсин. Яна нима дей-  
сан?

— Яна шуни айтаманки, ичкарига қанчаики кўмиб қўйган  
бўлсангиз, ҳаммасини чиқариб олиб, биронта корхайрга сарф  
қилинг.

— Қорхайрга сарф қилинг?

— Ҳа. Чунки ҳаромдан топилган сариқ чақа ҳам бу  
уйда турмаслиги керак. Ҳаммасини халққа, фойдали бирор иш-  
га сарфлаш керак.

Ҳарнамкаур чуқур ўйга толиб қолди.

— Ҳа, ойи? Кўзингиз қиймаяптими?

— Кўзим-ку... қияди-я... аммо...

— Нима «аммо»?

— Дадангинг бир элдидан ўтсам деяпман. Тагин менинг қо-  
нимга ташна бўлиб ўтирмасин. Жуда феъли айниб қолган.  
Ушандан қўрқиб ҳамма вақт дир-дир титраб ўтираман.

Онасининг бу хавотирига Жасвант ҳам қисман қўшилгандек  
бўлди. Шу билан бирга, дадам билан учрашиб, унга ўзим ту-  
шунтирганим тузукроқ бўлар, деб ўйлади. Шунини ўйлаб, у она-  
сидан сўради:

— Дадам қай маҳалда келадилар?

— Ҳозир келиб қолсалар ҳам ажаб эмас. «Ҳолиса коллеж»  
нинг ёнидаги бир корхонага бориб келаман, биронта иш-пиш  
топилиб қолармикин деб чиқиб кетувдилар.

— Иш-пиш? — ҳайрон бўлиб сўради Жасвант. — Ҳозиргина,  
кўзларига дори олиб келгани кетдилар, девдингиз-ку?

Ҳарнамкаур шарманда бўлиб қолди, лекин бўш келмади:

— Ҳа, дори ҳам ўша яқин ўртада экан.

Лекин бу «иш-пиш», «дори» деган нарсаларнинг ёлғонлигини  
Жасвант сизди.

— Хўп, бўлмаса, ойи, — деб у яна ўрнидан турди, — келса-  
лар, сўрайдиганингизни сўраб, бир ёқлик қилиб қўйинг. Мен  
яна бир кунни келаман.

— Ҳа, қаёққа кетяпсан? Бу уй ахир сеники эмасми?

— Йўқ, ҳозирча меники эмас, — жавоб берди Жасвант. —  
Ғалимга кўнмагунларингизча меники эмас.

— Ҳа, гапингга кўнишнинг яна нимаси қолди? Ўғил айтди — она кўнди ҳисоб-да.

— Бўпти. Ундоқ бўлса шу уйда туришга мен ҳам розиман. Сиз ўзингизнинг ваъдангизни бажаринг, мен ҳам ваъдамни бажараман.

— Яхши. Лекин, Жасвант, мен сенга ҳамма гапни айтиб бердим. Энди сен менинг бир гапимга жавоб берарсан?

— Нега жавоб бермас эканман? Қани, сўранг.

— Сен қанча пул тўпладинг? Жуда катта пул топганмишсан деб эшитдим.

— Ҳозирча топганим йўқ, ойи. Лекин ҳадемай топадиган бўламан.

— Ҳа, майли, худо баракасини берсин. Ниятнинг яхши бўлса, худо ўзи бераверади. Ҳа, айтгандай, Жасвант, менга қара, анави етти мингга олиб келган бўлсанг, бериб кетгин. Мен эҳтиёт қилиб олиб қўяман. Шу кеча-кундузда кўчада ўғри кўп, одамнинг қўлидагини ҳам тортиб олиб кетади. Сенинг ўзинг ҳам соддасан.

Бу гапни эшитиб Жасвант онасининг ниятига яхши тушунди. Буларнинг Рампракошнинг эшигига кунда-кунда боришдан нияти шу етти мингга олиб келиш экан.

— У пулларнинг ҳаммасини сарф қилиб қўйдим, ойи.— жавоб берди Жасвант.— У пулга фил суяги олиб қўйдим.

Бу гапни эшитиб Ҳарамкашнинг жавобини сенинг  
— Ҳа, пулга фил суяги олиб қўйдим, ойи.— жавоб берди Жасвант.— У пулга фил суяги олиб қўйдим.

— Хўп, бўлмаса ёнингга қанча бўлса бериб кет.

Жасвант ғазаб ва нафратдан аъзойи бадани титраб кетди.

— Ростини айтсам, мен ҳозир сизга ҳеч нарса бермоқчи эмасман.

Шундай деб югурганича чиқиб кетди.

— Ҳе, даф бўл бермоқчи бўлмасанг,— кетидан шангиллади опаси.

### 43 боб

Ота-онасининг уйидан чиққанида Жасвантнинг таъби жуда хира эди. Йўл-йўлакай онаси билан бўлган суҳбат унинг миясидан чиқмади. Онасидан энди ҳафсаласи жуда пир бўлган эди. «Дадам билан гаплашсам яхши бўларди»,— деб ўйлади у. Лекин бир оздан кейин бу фикри ҳам ўзгарди. «Ҳа, иккаласи ҳам бир гўр,— деди ўзига-ўзи.— Бўлди, шу бугундан бошлаб мен булар билан алоқани уздим».

Жасвант аввал тўпла-тўғри Арунаникига бормоқчи бўлди,

Лекин кўнгли шундай вайрон эдики, бирор киши билан бир оғиз гаплашишга ҳам тоби йўқ эди. Чунончи тўғри Рампракошникига йўл олди. Келиши билан Рампракош нима бўлди деб суриштиришга тушди. Лекин Жасвант у-бу деб қутулди.

Кечаси ўриига ётгандан кейин ҳам Жасвант ота-онасини ўйлаб у ёқдан-бу ёққа ағанаб ётди.

Эрталаб ўрнидан тургандан у жуда маъюс кўринарди. Бу шаҳарни ташлаб бирор узоқ ерга, ота-онаси тўғрисида бирор гап қулоғига етмайдиган жойга кетиб қолгиси келди. Лекин, бир оздан кейин ўзининг иш-юмушларига тушиб кетгач, кўнгли ўз-ўзидан анча жойига келиб қолди.

Пешин вақтига чақирилган мажлис ҳар жиҳатдан жуда муҳим, кўриладиган масалалар ҳам анчагина эди. Рампракош билан Жасвант сафарда бўлгани учун кўп масалалар ҳал бўлмай ётган эди.

Ингилишни мастер Отмасингх очди. Даставвал Рампракош билан Жасвант ўзининг сафари тўғрисида ҳисобот бериб, умид қилинганидан ҳам кўпроқ муваффақиятга эришганини айтди. Кейин Жасвантнинг олган мукофоти, у ясаган ҳайкални ҳукумат сотиб олгани ҳамда мукофотни топшира туриб Премьер-министр Нерунинг Жасвантни мақтаб айтган сўзлари — ҳаммасини мажлис аҳлига гапириб берилди. Жасвант мукофотга ҳамда ҳайкалнинг ўзига олган етти минг рупиясини сахийлик билан «Уюшма»га қарз берган ва ўша ёқдан яхши навли анча-мунча фил суяги олиб келган эди. Буни эшитиб, мажлис аҳли ниҳоятда хурсанд бўлди.

Аввал ташкилот фақат Амритсарда иш кўради, деб қарор қилинган эди. Кейин мастер Отмасингх ва бошқалар чуқур ўйлаб кўргандан кейин шу қарорга келишдики, Деҳлида ҳам ташкилотнинг бир шохобчасини очмай туриб иш яхши юришмас экан. Уларнинг бу таклифини мажлис аҳли тасдиқлади.

Мастер Отмасингх Жасвантни ташкилотнинг Амритсардаги тармоғига, Рампракошни эса Деҳлидаги тармоғига бошлиқ қилиб тайинлашни таклиф этди. Лекин, Жасвант, мени Деҳлига тайинласанглар яхши бўларди, деб қолди. Аммо унинг бу таклифига мажлис аҳли қўшилмади. Чунки қайси тарздаги молларни ишлаб чиқариш мўлжалланган бўлса, уларни тайёрлашга Жасвантнинг шахсан ўзи бош-қош бўлиб туриши керак эди. Бироқ бир оз вақтдан кейин ҳунармандлар ўзи Жасвантсиз ҳам ишнинг уддасидан чиқадиган бўлиб қолса, унда Жасвантнинг илтимосини қондириб, уни Деҳлига юбориш мумкин деб қарор қилинди.

Деҳлида ташкилот тармоғини очиш учун бино топиш керак эди. Деҳлидек азим шаҳарда бу жуда қийин масала эди.

Лекин, Рампракош у ердаги кўпгина қариндош-уруғларига орқа қилиб, жойни ўзим топаман, деб ваъда берди.

Мажлис тугагач, Жасвант кўчага чиққан эди, эшик олдида айланиб юрган отасига кўзи тушди. Ўғлини кўриши билан у югуриб келди-да, ўзида йўқ хурсанд бўлиб, уни бағрига босди. Жасвант отасини ўз хонасига олиб кирди. Бҳажансингх кўчада ноқ дард-ҳасратини айтиб келмоқда эди.

— Сафардан қайтиб келдимикин, келмадимикин, бир хабар олиб ўтай дедим,— деди курсига ўтиргач, Бҳажансингх.— Кеча ҳам, бирдан келиб қоладими деб кечгача пўйлаб уйда ўтирдим. Бугун ҳам шу маҳалгача кутдим.

Отасининг оғзидан чиққан ёлгон гапни эшитиб Жасвант жуда хафа бўлиб кетди. Бир кўнгли кеча уйда эмасдингиз, демоқчи бўлди, лекин тили бормади.

— Ойинг ҳам бориб хабар олиб келсангиз-чи, деб ҳеч қўймади,— гапида давом этди Бҳажансингх. Бу иккинчи ёлгонни эшитгач, дадам кеча ҳойнаҳой уйга бормапти, деб ишонч ҳоли қилди Жасвант.

Ота-бола ўртасида бошланган суҳбат анча вақтгача давом этди. Кеча Ҳарнамкаур нималар деб ҳасрат қилган бўлса, бугун Бҳажансингх ҳам ўшаларни айтиб йиғлади. Жасвант онасининг ёлгон гапи билан отасининг гапи ўртасида деярли фарқ йўқлигини сизди. Отаси ҳам худди онасидек уни хўп мақтади, кайта-кайта у олган етти мингга гапирди. Ниҳоят юз ойи деб

Бунга жавобан Бҳажансингх ҳам ўзини оппоқ қилиб кўрсатишга уринди.

— Мен уйга бормаيمان деяётганим йўқ, дада,— деди Жасвант.— Лекин сизлар аввал...

Лекин, Бҳажансингх қизариб-бўзариб ўғлини гапиришга ҳам қўймай, унга «туҳмат қилганларни» сўкиб-сўзлаб кетди. У ўзини оқлаш учун обдан гапириб бўлгач, ниҳоят Жасвант деди:

— Менга қаранг, дада, биз иккаламиз ота-боламиз, бу тўғри. Аммо шундай деб мен сизнинг фирт ёлгон қасамларингизга ишонишим керакми? Йўқ, ундай эмас. Сиз эшикдан кириб келишингиз биланоқ, кеча кун бўйи сени уйда кутиб ўтирдим, деб ёлгон гапирдингиз. Нега ёлгонлигини мендан эшитинг. Сиз кеча кундузи ҳам уйда эмас эдингиз, кечаси ҳам уйга келганингиз йўқ. Борган бўлганингизда, ойимдан эшитардингиз: мен кеча уйга борувдим. Алламаҳалгача ойим билан суҳбатлашувдим. Ойим менга ҳамма гапни айтиб берган эди. Ҳатто уйга кўмиб қўйилган пулни ҳам айтиб берди ойим. Хўш, шунинг ўзи бўлдимми ёки яна гапирайми? Агар керак бўлса далил ҳам келтиришим мумкин.

Бу гапларни эшитиб Бҳажансингх бўйинни ҳам қилиш ўрнига, яна баттарроқ гердайиб, баттарроқ оёғини тираб олди. Шу маҳалгача бошқаларни сўкиб-сўзлаган бўлса, энди Жасвант билан онасининг гўрига гишт қалади. Отасининг бу сурбетлиги Жасвантнинг газабини қайнатиб, сабр косасини тошириб юборди.

— Менга қаранг, дада,— деди у тутатиб.— Сиз бекор менинг оғзимни очтирдингиз. Сизнинг қилиб юрган ишларингиз аллақачон ҳаммага маълум. Энди сирни яшираман деб бекорга уринмай қўя қолинг. Сиз менинг олдимга келибсиз, бош устига. Лекин, Жасвант қилаётган ишимда менга ёрдам беради деган умид билан келган бўлсангиз, чучварани хом санабсиз.

Жасвантнинг бу гаплари ҳам отасига тескари таъсир қилди.

— Ҳў, бас қил авлиёлнингни!— ўшқирди у.— Ҳали отангга ақл ўргатадиган бўлиб қолдингми? Мен сенинг насиҳатларингга зор эмасман. Мен шу маҳалгача нима иш қилиб келган бўлсам, бундан буён ҳам ўша ишни қиламан. Қўлингдан келганини қил. Мен кўриб қўяй, нима қиларкинсан.

Шундай деб, Бҳажансингх сапчиб ўрнидан турди. Жасвант-ники ҳам тутиб кетди.

— Оғзингизга қараб гапиринг,— деди у отасига дўқ қилиб.— Кўп унақа чиранманг. Агар шундай қилаверадиغان бўлсангиз, мен полицияга бориб арз қиламан. Ушанда кўрамиз сизнинг нима қилишингизни.

Бҳажансингх яна бешбаттар тутатиб кетди ва оғзидан боди кириб-шоди чиқди. Шундай пфлос сўзларни айтдики, бундоқ сўзларни Жасвант шу вақтгача эшитган ҳам эмасди, эшитарман деб ўйлаган ҳам эмасди. Энг ёмони шуки, қулқ бардош бермайдиган сўзларни отаси Жасвантнинг оғайнисининг уйида туриб айтмоқда эди. Ер ёрилмади-ю, Жасвант ерга кириб кетмади. Яхши ҳамки ўша вақтда уйда ҳеч ким йўқ эди. Бўлмаса Жасвантнинг бўладигани бўларди.

Сукиб-сўзлаб Бҳажансингх чиқиб кетди. Жасвант афсуснадомат ва ғазаб ўтида қовурилиб қолди. Сал олдинроқ, яъни йиғилиш тугаган вақтда руҳи қандай енгил тортиб, севинчи ичига сиғмай турган эди. Лекин ҳозир ўзини қаноти қайириб ташланган қушдай ҳис қилмоқда эди. Ўз хонасида ўтирганича тўхтовсиз уҳ тортарди, кўзларидан шашқатор ёш оқмоқда эди.

#### 44 боб

Умид қуши ноумидлик қоясига бориб урилса, одамнинг юрак-бағри қон бўлиб кетади.

Бир неча кундан бери ўғлини, тўғрироғи, унинг етти минг рупия пулини сабрсизлик билан кутган Бҳажансингх бугун ишдан қайта туриб не-не умид билан ўғлидан хабар олгани Рампракошнинг эшигига келган эди. Лекин, ўғли билан бўлган суҳбат натижасида унинг умиди умидсизлик билан тўқнашиб, парча-парча бўлиб кетди. Шу билан бирга ўғлининг дўқ-пўписаси ва хотинининг қилган аҳмоқлиги уни бир оз ташвишга ҳам солиб қўйди. Ўзини зўрга тутиб уйига қараб бораркан, худди биров унга заҳар бергандек, олдида ўлим қучоқ очиб тургандек туюлмоқда эди унга.

Ҳарнамкаур ҳойнаҳой эрим сафардан катга пул олиб келаётгандир деган умидда эшик олдида кутиб турган экан шекилли, кўзи эрига тушиши биланоқ оёқ-қўли бўшашиб кетди. Бҳажансингх худди одам ўлдиришга шайланиб тургандек кўринарди.

У индамасдан тез-тез юриб ичкарига кириб кетди. Ҳарнамкаур ҳам «Нима гап ўзи? Тпнчликми?» деганича унинг кетидан эргашди.

— Минг лаънат сени туққан онанга.— Худди оғзидан ўт пуркагандек деди Бҳажансингх ва «тап» этиб каравотга ўтирди. Ҳарнамкаур қўрқиб-иттраб бир нарсга таб бўлиб олди ва қамолмади ва уша каравотга эридан нарироққа ўтирди.

— Ўўқол, аблаҳ!— газаб билан бақирди Бҳажансингх ва хотинининг қаракатини келтириб, «тап» этиб каравотга ўтирди. Ҳудди қўли солибсан-да уша ярамаснинг олдида.

Ҳарнамкаур турган жойида тахтадек қотиб қолди. Бутун бадани дарахтнинг баргидай титрамоқда эди. У гапнинг тагига етиб олган эди. Бҳажансингх бир озгача тўхтовсиз бақириб-ўшқириб давом этди. Унинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз Ҳарнамкаурнинг юрагига худди қиздирилган темирдек тегмоқда эди.

— Лекин мен сенга ўхшаган аҳмоқ эмасман.— Ўшқириб давом этди Бҳажансингх.— Мен унинг тузоғига илиниб бўпман. Ҳамма бор-йўғимни унинг қўлига тутқазиб, ўзим гадойчилик қиламанми! Чучварани хом санабди. Ҳароми! Отасини алдайман дейди-я! Мен бунақа муттаҳамларнинг ўнтасини бир илга тизиб, олиб бориб сотиб келаман. Мени нима деб юрипти у ҳали! Биз ўғри, муттаҳам бўлиб, у киши авлиё бўлиб кетибдилар. Менга насиҳат қилади-я. Бегона одамнинг уйи бўлмаганда, ёқасидан бўғиб дабдаласини чиқардим. Ярамас! Аблаҳ!— Шундай дегач, у ўғлини ҳам бир ёққа йиғиштириб қўйиб, энди хотинига ҳамла қилди:— Худо жонининг олеин сенинг. Нима қилиб қўйдинг? Уйдаги сир-си-

ноатнинг ҳаммасини очиб берибсан-ку ўша лаънатига. Углинг шундай яхши кўриниб кетдими кўзингга? Бундоқ ўйлаб қарамадингми, эси паст! У бизни юлгани келган-ку! Шерикларининг олдида мен бойман деб чиранган бўлса, улар, қани, олиб кел бой бўлсанг, деган. У нима қилишни билмай, кел, бориб ота-онамни шилиб келай деган. Муттаҳам! Иблис! Сенинг аҳмоқлигингга доғман. Ҳаммасини битта-битта айтиб бериб ўтирибсан. Шу қилган ишингга терингни шилиб ташлайми?!—Шундай деб Бҳажансингх оҳ-воҳ қилишга тушди.

Ҳарнамкауэр бугун чиндан ҳам терим шилинаркан деб ўйлаб, оёқ-қўллари муз бўлиб кетмоқда эди.

— Лекин... мен... унга... ҳеч нарса берганим...— Қуриб-қақшаб қолган томоғидан Ҳарнамкауэр зўрға шу сўзларни чиқарувди ҳамки, Бҳажансингхнинг оёғи зарб билан унинг биқинига бориб тегди.

— Йўқол кўзимдан!— Бақирди Бҳажансингх.— Бўлмаса худди шу бугун қиёмат-қойим қиламан сен туфайли. Ҳеч нарса берганим йўқ эмиш. Қўлинг билан-ку ҳеч нарса берганинг йўқ, лекин сирнинг ҳаммасини билиб кетди-ку! Полицияга бориб ҳаммасини айтиб бераман деб дўқ қилди менга огзини катта очиб. У ярамас айтганини қилишдан тоймайди. Энди бўлди, ҳамма нарсадан айрилдик, деявер. Бунинг устига мен яна қамоқда ҳам ётиб чиқаман.

Ҳарнамкауэр баттар титраб кетди.

— Энди нега нафасингни ичингга ютиб ўтирибсан?!— Бҳажансингх яна ўшқирди.— Ўрнингдан туриб энди бирор йўлини қил агар қўлингдан келса! Бўлмаса тонг отгунча, худо билади, нима бўлади, нима қўяди.

Ҳарнамкауэр эрига тикилди. У гўё қандай йўлини қилай, деб ундан сўрамоқда эди.

— Оҳ! Мен жувонмарг қаердан билибман унинг ўғил бўлиб туриб мендан ўч олгани келганини?— деди Ҳарнамкауэр ниҳоятда маъус ва унсиз овоз билан.

— Бўпти, йигиштир энди бу дод-фарёдни,— дўқ қилиб деди Бҳажансингх.— Энди буни қўйган жойингдан олиб, бирор бошқа ерга жойла. Тезроқ бўл. Бўлмаса ҳаммасидан ажраб қоламиз.

— Яна қаерга жойлайман?— сўради Ҳарнамкауэр қўрқув тўла кўзлари билан эрига тикилиб.

— Ўзингнинг ичингга тиқ.— Ўшандай жаҳл билан жавоб берди эри.— Энди ташқарига олиб чиқишга вақт йўқ. Ҳар бир дақиқа ганимат. Менимча, ичкаридан олиб чиқиб, оғилхонанинг бирор чеккасига кўмиш керак. Устига хашак-хушак, бало-баттарларни тўкиб қўямиз. Оғилхонани ким қовларди.



гара ошиб ташқаридан мол олиб келадиган шериклари билан учрашишни ҳам йўқ қилди.

Бҳажансингх қиладиган ишимни ҳеч ким билмайди деб юрарди, бу умиди ҳам пучга чиқди. Бир неча яқин таниш-билишлари ўша ишга яқин саволлар берди. Бундан ташқари, Бҳажансингх яна баъзи одамларнинг унга шубҳа билан ўқрайиб-ўқрайиб қараганини сездди. У Жасвантдан шубҳа қилди. Уша ҳойнаҳой кўчама-кўча жар солиб юргандир деб ўйлади. Эр-хотин икковининг жони ҳалқумига келиб қолди. На кечаси уйқуси келарди, на еган-ичгани ичига тушарди. Қачон қарасангиз, эшикларни тақа-тақ бекитиб, ичкарида турли-туман режалар тузиб ўтиришарди.

— Энди, Ҳарнамкаур,— деди Бҳажансингх шивирлаб хотинига,— қутулиб кетишнинг ҳеч иложи йўқ.— Шундай дедида, у хотинини бўралаб сўкиб кетди. Чунки унинг назарида, шу ғалваларнинг ҳаммасига сабабчи ўша. Уйдаги бутун сир-синоатни ўглига очиб берган ҳам ўша. Ҳарнамкаурнинг ўзи ҳам қилиб қўйган хатосидан ғоят пушаймон эди. Эрининг сўкишларини ғиқ этмай эшитиб, ичида ўзини койиб ўтирарди.

Ҳар бир янги кун эр-хотинга янги хавф-хатар олиб келарди. Ҳар бир янги тун уларнинг этини баттар кемирарди. Аҳвол шунгача бориб етдики, Бҳажансингхнинг юраги бир гуп-гуп ура бошласа, қанча-қанча вақтгача ҳеч босилмасди.

Эрининг гапларини ва унинг сўкиш-сўзлашишларини эшитиб, Ҳарнамкаур баттар қўрқиб кетди. Худди биров унинг ичига қўл суқиб, юрагини тортиб олаётгандай туюлди унга. Ранги оппоқ оқариб, дир-дир титраб у эридан шивирлаб сўради:

— Бўлмаса нима қиламиз энди?

Бирор нарса таклиф қилишдан олдин Бҳажансингх хотинини яна бир бўралаб сўкди. Кўрдик, сўкиш-сўзлашларнинг кети узилмайдиган. Чунончи Ҳарнамкаур секин ўрнидан туриб жўнаб кетмоқчи бўлди. Лекин Бҳажансингх пишқириб уни ушлаб қолди.

— Ҳа, қаёққа қочяпсан? Шу ерда ўлмайсанми? Ундан кўра менга айт энди, қайси бир қудуққа бориб ўзимни ташлай?

Ҳарнамкаур қўрқа-писа яна эрининг ёнига ўтирди, лекин эрига ҳеч нарса деб жавоб бера олмади.

— Мен сенга нима деб жағ уряпман, эшитяпсанми?— Яна дагдага қилди Бҳажансингх.

— Нима деяпсиз?— Овозини ичидан зўрга чиқариб сўради Ҳариамкаур.

— Қачонгача энди шу ерда қўрқиб-титраб ўтирамиз! Ано-ви ит тўсатдан полицияни етаклаб келиб қолиши мумкин.

— Хўш, нима қилиш керак?

— «Ўл» қилиш керак, «дард» қилиш керак. Эртагаёқ сен боргин.

— Қаёққа?

— Гўрга. Ўша ўзинг туғиб қўйган итнинг олдига-да, қаёқ-қа бўларди?

— Жасвантнинг олдигами?

— Ҳа, ўша итнинг олдига.

— Нима қиламан?

— Бориб ялиниб-ёлвор энди ўша итга. Кўрмаяпсанми, қонимизга ташна қилиб ўтирибди. Биз сенга нима гуноҳ қилдикки, бизни шундай қийноққа солиб қўйдинг, дегин.

— Хўп, борганим бўлсин эртага. Лекин айтиб қўяй: у меннинг гапимга қулоқ солмайди.

— Хўп, қулоқ солмаса, кейин кўрамиз. Мен ўз отамнинг ўғли эмасман агарда ўшани...— У ёғи ичида қолиб кетди.

— Нима... Нима дедингиз?

— Ҳеч нарса. Товуқнинг оёғи куйса, жўжаларини ҳам оёғининг остига олиб эзиб ташлашдан қўяман.

Ўзи қўрқиб турган Ҳарнамкаур бу гапни эшитиб, титраб кетди. Шу пайтда бирдан эшик тақиллаб қолди. Эр-хотиннинг жони оғзига келди.

— Бирдан эшик тақиллаб қолди. Эр-хотиннинг жони оғзига келди.

— Мен. Сардор Ҳарбансингхнинг олдидан келдим.

— Ҳарбансинг олдидан?— сўради Ҳарнамкаур.

— Ҳа. У киши сардор Бҳажансингхни йўқлаяптилар.

— Қаерда ўзи?

— У киши ўзи кеча келганлар. «Жантар» меҳмонхонасида турибдилар.

Эшик очилди ва келган одам ичкарига кириб, бир парча қоғозни Бҳажансингхга узатди. У ўғлининг қўлини дарров таниди ва хатни хотинига ўқиб берди:

«Азиз отажон!

Кечирасиз, зарур ишлар чиқиб қолиб, уйга келолмадим. Борган одам билан бирга келиб, менга учрашасиз деб умид қиламан. Бир зарур иш бор. Ўзингизга жуда фойдали иш.

Ўғлингиз Ҳарбанс».

Бу хатни ва айниқса, «Ўзингизга жуда фойдали иш» деган гапни ўқиб, эр-хотин иккови бирпас барча хавф-хатар, гам-ташвишларни унутишди.

Келган узун бўйли бир йигит эди. Жуда келишган, жуда ва-  
жоҳатли. Уни дарров ўтқазиб, Ҳарнамкаур нон-чойга ҳаракат  
қилмоқчи бўлди, лекин у одам, шошиб турибман деб, кўнмади.  
Бҳажансингх ўрнидан туриб ўша одам билан бирга йўлга  
тушди.

— Узини бирга ола келинг, — деб тайинлади унга хотини. —  
Ойинг йўлингга кўзи тўрт бўлиб ўтирибди, денг.

— Албатта олиб келаман, — жавоб берди Бҳажансингх ва  
ҳамроҳи билан бирга кўчага чиқиб кетди.

«Эй, худойим! Илгарӣ ҳам жуда қийналди турганимизда  
кириб келувди Ҳарбанс. Бугун ҳам нима қилишни билмай тур-  
ган вақтимизда яна бирдан етказиб қолдинг. Узингга минг-  
минг шукур». — Худога миннатдорлик изҳор қилди Ҳарнам-  
каур.

## 46 боб

Бирга олиб келган одам Бҳажансингхни Ҳарбанс турган ҳо-  
на эшигига олиб бориб қўйиб, ўзи қайтиб кетди. Бҳажансингх  
ичкарига кириб Ҳарбансга кўзи тушиши билан ҳайрон бўлиб,  
сўзи очилиб қолди. Ундан бошқа одам бўлса, Ҳарбансни ҳайно-  
ҳой танимасди. Соқол-мўйлови қирилган. Эғнида қулинг ўргил-  
син костюм-шим. Ёнидаги уч оёқли курсида шляпаси ётибди.

Ҳарбанс отасини кутиб ўтирган экан, дарров ўрнидан туриб  
келиб, уни қарши олди ва у билан қизғин кўришди. Кейин уни  
етақлаб олиб келиб ўз ёнига ўтқазди.

Бҳажансингх жаҳл ва таажжуб аралаш ўғлининг бетиغا ти-  
киларди. Отасининг бу туйғуларини босиш ниятида Ҳарбанс  
деди:

— Сиз, дада, жуда ҳайрон бўлаётгандирсиз. Жаҳлингиз ҳам  
чиқаётгандир. Лекин мен шундай қилишга мажбур бўлдим.  
Шундай қилмаганимда, албатта, бирор балога мубтало бўлиб  
қолардим.

Бу гапдан отасининг кўнгли тасалли топдимн, йўқми, бунга  
парво қилмай, Ҳарбанс ўз саргузаштини сўзлаб кетди. Бу қис-  
сани эшитиб, Бҳажансингхнинг жаҳли ҳам босилди, ҳайратидан  
ҳам асар қолмади.

Ҳарбанс қайнота-қайнонасининг зар-зевар ва пул-мулларини  
кўтариб келганидан кейин қаерларда юрганини, қандай  
ҳийла-найранглар билан ўзини хавф-хатардан асраб қолгани-  
ни лаби лабига тегмай батафсил сўзлаб берди. Бҳажансингх  
унинг ҳикоясини тинглаб, ниҳоятда завқ қилди. Фақат завқ-  
қина қилгани йўқ, балки ўғлининг уддабурунлиги, ҳамирдан  
қил суғургандек осонлик билан ҳамма хатарлардан қутулиб

кетгани унинг кўнглига далда бериб, руҳини кўтариб юборди. Ҳарбанснинг ишбилармонлигию мардлиги олдида ўзини сувга тушган мушукдек ҳис қила бошлади. Ҳарбанс гапида давом этарди:

— Иш чиндан ҳам жуда хавфли эди, дада. Бу зиқна эр-хотин албатта полицияга арз қилар деб ўйловдим. Бир оғайним айтган битта ҳийлани ишлатмаганимда, полицияга арз қиларди ҳам булар. Ўша кун ишларнинг олдингиздан чиққанимдан кейин мен уларга битта номсиз хат ёзиб жўнатиб юбордим-да, кейин ўзим Анбала-Деҳлига қараб жўнадим.

— Нима деб ёздинг хатда?— қизиқиб сўради Бҳажансингх.— Хатда уларнинг кайфини учирадиган нима гап бор эди?

— Хатда бундоқ деган эдим: агарда полицияга арз қилар экансанлар ёки бировга ундоқ-бундоқ деб оғиз очар экансанлар, бир кечанинг ўзида бутун уй пчинг билан қирилиб кетасанлар, деб ёзган эдим.

— Баракалла!— деди Бҳажансингх ўғлининг орқасига қоқиб.— Бунақа паст, ярамасларнинг шундоқ адабини бериш керак эди. Лекин сенинг хатинг етиб бормасдан олдинроқ полицияга хабар қилиб қўйса, унда нима бўларди?

— Бунинг йўлини ҳам қилиб қўйган эдим, дада. Жўнатишдан икки кун илгари, Деҳлида бир оғайним уйланаётган экан, ўшанинг тўйига бораман, деб огоҳлантириб қўйган эдим. Жўнайдиغان куним, мен тонг-азонда жўнаб кетаман, деб ҳаммага хабар берганимни қилиб эдим. Қанча вақт кўришганимни кўриб қўйган эдим. Уйдагиларнинг ҳаммаси тарракдек қотиб қолганидан кейин, секин ўрнимдан турдим. Пўлат-сандиқни очиб, оладиганимни олдим-да, яна ҳаммасини боягидек қилиб қулфлаб қўйдим. Эрталаб бўлса, Нарендрни ҳам уйғотиб, мен кетяпман деб айтиб, кейин уйдан чиқиб кетдим. Бу ёғини жуда маҳкам қилиб қўйдим. Ҳеч ким мени ўғрилиқ қилган деб гумон қилмасди. Унинг устига икки ёки уч кундан кейин хат ҳам бориб теккан.

— Ҳа, жуда қойил қилибсан!— мақтади Бҳажансингх.— Лекин ўғлим, шуларга қарамай ҳам улар полицияга арз қилса, нима бўларди?

— Қанақасига арз қилади? Сиз нима деяпсиз, дада, мени хатда шунчаки қуруқ дўқ қилган деб ўйлайсизми? Мана бунга бир қараб қўйинг.— Шундай деди-да, Ҳарбанс шимининг чўнтагидан мамлакатнинг ўзида ясалган бир кичкинагина револьвер олиб кўрсатди.

Бҳажансингх ҳайрон бўлиб бир ўғлига, бир унинг қўлидаги нарсасига қаради. «Арзимаган вақт ичида бу бола шундай устадона бўлиб кетибди,— деб ўйлади у ичида.— Мен бўлсам,

шунча йил бу ерда яшаб туриб ҳам содда-лақмалигимча қолибман».

— Ундан кейин, дада,— гапида давом этди Ҳарбанс,— бунақа ишларни одам ўзи якка қила олмайди. Мен уларнинг уйида туриб, неча вақтгача хўп хўрлик кўрдим. Аммо шунинг бир фойдали томони ҳам бўлди. Хайр, буларнинг ҳаммасини бошқа бир куни бемалол ўтирганимизда айтиб берарман. Ҳозир мен бу ерга бир зарур ва яхши иш билан келиб ўтирибман. Ҳозир ўша хушхабарни эшитинг.— Шу гапни айтиб, Ҳарбанс қўлидаги револьверни яна чўнтагига солиб қўйди.

«Хушхабар» деган сўзни эшитиб, Бҳажансингх яна ҳам хурсанд бўлиб кетди. Ҳарбанс тагин бирор давлат кўтариб келганга ўхшайдиган деб ўйлади у. Ҳарбанс хушхабарни айтишга улгурмасданоқ Бҳажансингх ниҳоятда меҳр-муҳаббат билан ўглига қараб деди:

— Лекин ўғлим, нега тўғри уйга боравермадинг? У ёқда ойинг сени соғиниб жуда хафа бўлиб ўтирибди.

— Мен жўрттага уйга борганим йўқ, дада,— жавоб берди Ҳарбанс.— Биринчидан, шу афт-башарам билан боришга уялдим. Иккинчидан, бир сиз билан ёлғиз гаплашадиган гапим бор. Ойим-ку ўзи жуда мард аёл. Уйдаги гапни кўчага чиқармайди. Лекин шундоқ бўлса ҳам хотин кишига жуда ҳам ишониб бўлмайди. Хотин кишининг кўнгли бир хилда турмайди. Бирдан кўнгли бўшашиб кетиши мумкин.

Ўглининг бу доно гапларига Бҳажансингх жуда қойил қолди. «Мен ҳам худди шунга ўхшаб иш қилганимда, сирни Ҳарнамкаурга айтмай, ичимда сақлаганимда, шу бугун шундоқ гам-ташвишга мубтало бўлмасдим», деб афсус қилди у.

— Сен, Ҳарбанс, жуда ҳам доно бўлиб кетибсан,— деди Бҳажансингх яна ўглининг орқасига қоқиб.

— Бошига тушгандан кейин, одам ўзи доно бўлиб қоларкан, дада,— жавоб берди Ҳарбанс.

— Хўш, шундай қилиб, нима демоқчи эдинг сен?

— Унп-ку айтаман, дада. Лекин олдин сиз бу гапни ҳеч кимга айтмасликка, ҳатто ойимга ҳам айтмасликка сўз беришингиз керак.

— Сен хотиржам бўлавер, Ҳарбанс. Мен унақа нодон эмасман. Мен ҳам дунёда унча-мунча нарсани кўрганман.

— Сиздан-ку кўнглим тўқ. Мен кўпроқ ойимдан қўрқаман. Бундан олдинроқ битта хато иш қилиб қўйибсан, ўшани ўйлаб мен ҳайрон бўлиб турибман.

— Қанақа хато иш қилиб қўйибман?

— Айтайми?

— Ҳа, айт.

— кеча мен Жасвант билан учрашган эдим.

— Жасвант билан? — ранги ўчиб сўради Бҳажансингх.

— Ҳа. У катта мукофот олганидан хабарингиз бўлса керак, Иттифоқан келиб қолдим шу ерга, бир учрашиб кетай, дедим. Да, кеча унинг олдида бордим. Мен кеча кечқуруноқ сизни чақиртириб келмоқчи эдим. Лекин йўлма-йўл гаплашиб у ҳам мен билан бирга шу ерга келиб қолди. Бу ерда яна алламаҳалгача гаплашиб ўтирдик. Яхшики, менинг тўғримида ҳеч нарсани билмапти. Ойимни қаранг-а, уйдаги бутун сирларни очиб берибдилар. Ахир, «Гап чиққан эшикдан бало киради» деган гап бор..

Бҳажансингхнинг ранги ўчиб кетди. Ҳарбанс гапида давом этди:

— Хайр, хато ўтишга ўтибди энди. Аммо ойимдан жуда ҳаффа бўлдим мен. Сизнинг кўп яхши пул топаётганингизни мен ҳам анчадан бери билардим. Лекин сўрашга шошилганим йўқ. Шошилиб нима қиламан. Ота-она топса, ахир ким учун топади? Била-чақаси учун топади-да. Мен суриштириб, тагини қовлаб нима қиламан. Кўнглида қораси бор одам бировининг тагини қовлайди. Жасвант, ҳойнаҳой отам ҳамма топган-тутганини акамга бериб қўяди, деб қўрққан. Шунинг учун ҳам тилбегламалик килиб ҳамма сирин билдиб кетган. Бу ҳақни қўнғилидан «кака, ака» деб тургани учун бир нарса дейишга кўнглим бўлмади. Бўлмаса, бошлаб таъзирини берардим. Унинг гапларини эшитиб, мен жуда ҳайрон бўлиб қолдим. Улар бу йўлдан қайтмаса, мен ҳам қайтмасам бўлади. Бу ҳақни сўраб бўлиб кетибди. Аслини айтсам, дада, бу ҳирс, очкўзлик деган нарса одамни ақлидан оздириб қўяди. Ахир, ённида оз эмас, отти минг рупия пул бор экан. Тагини ундоқ иш қиляпман, бундоқ пул ишлайман, деяпсан. Энди ота-онангнинг қўлига тўрт танга пул тушган бўлса, ўшанга ҳам кўз олайтирасанми?! Ушанинг гапига қараганда ҳам бошқа одамларнинг айтишича ҳам, сиз элик минг ишлаб олганмишсиз. Ҳа келинг, юз мингоқ бўлсин. Ахир қўлида унча-мунча бўлса, ота-она бирор бегонага бериб кетмайди-ку. Лекин у эшак қани энди шунини тушунса. «Очкўзлик гуноҳнинг онаси» деб биров ҳақ айтган экан.

Бҳажансингх бу гаплардан шундай ҳушини йўқотиб қўйдики, эътироз билдириш кўнглида бўлиб туриб ҳам ҳеч нарса деолмади. Аслида Ҳарбансингх ўзи ҳам унга гал бермади — ўзи бетўхтов гапириб ётаверди. Унинг чакаги бир он тинган эди, Бҳажансингх гап бошлади:

— Оҳ! Шундоқ ярамас чиқди. Бунчалик ёлгон, бунчалик бўҳтонни ҳеч ким...

— Ҳа, келинг энди, бўлар иш бўлибди. Хўш, энди асл мақсадга келайлик. Мен сизга ҳушхабар эшиттирмоқчи эдим.

Ҳарбанс «хушхабар»ни биринчи марта тилга олганида, Бҳажансингх уни эшитиш учун бутун вужуди қулоқ бўлган эди. Лекин энди эса кўнгли вайрон бўлиб, фикр-хаёли қаёқлардадир учиб юрарди ва Ҳарбансинг «хушхабар»ини эшитиш ва тушуниш учун эътиборини бир жойга тўплашга зўр бериб уринмоқда эди.

— Сизнинг фикр-хаёлингиз қаерда, дада?— огоҳлантирди Ҳарбанс отасини. асл гапни бошлашдан олдин.— Келнинг, қўйинг энди ўша санғи болани, ташвиш қилманг. Мен бор эканман, ҳеч ким сизни, минг уринсин, ҳеч нарса қилолмайди. Полицияга бориб айтса, айта қолсин. Мен ҳаммасининг йўлини биламан, дада. Ўзингизнинг ҳам ишингиз тушиб турса керак уларга. Бунақа иш уларсиз битмайди-ку. Жуда бир нарса бўладиган бўлса, бир минг-икки минг оғзига урамиз-қўямиз. Шу билан сиз камайиб қолмайсиз. Чумчуқ бир қултум олгани билан дарёнинг суви камайиб қолмайди-ку.

— Ҳа, сен асл гапга ўтавер,— деди Бҳажансингх, ўғлининг бу хунук чекинишлари жонига тегиб. Унинг юраги шундай гулллаб урмоқда эдики, бундан олдинги уришларнинг ҳаммаси энди ҳеч нарса бўлмай қолди. Шу ернинг ўзнда менга бир баҳо бўлиб қолмаса эди, деб қўрқиб кетди у.

— Мен сизга айтсам, дада,— деб мақсадга кўчди Ҳарбанс,— меннинг шундоқ омадим келиб қолдики, бунақа омадни худо унақа-бунақа одамга бермайди. Бир иш юришиб кетса, пул шундоқ оқиб келадикки, қўйгани жой тополмай қоламиз...

Чўкиб кетаётган одамнинг қўлига тўсатдан бир ёғоч ё хода учраб қолса, у ўзини қандай ҳис қилади? Ҳозир Бҳажансингх ҳам ўша одамга ўхшаб кетди. Ҳарбанс гапида давом этди:

— Деҳлида тўсатдан бир эски оғайним учраб қолди. Сиз хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бир вақтлар очдан ўлай деб юрарди. Энди бугун бориб кўринг: тўрт юз-беш юз мингга қулинг ўргилсин қилиб уй солиб олибди. Эшигида машина турибди. Э, нимасини айтай сизга.

— Хўш, хўш, гапиравер,— қизиқиб деди фикр-хаёлини энди анча тўплаб олган Бҳажансингх.

— У ёғини қўяверасиз. Одамнинг омади келиб қолиши ҳеч гап эмас экан. Жуда қимматбаҳо инглизча дорилар тайёрлаб сотадиган бир кимёгар билан танишиб қолибди. Ташқаридан келадиган дориларни шундоқ усталик билан тайёрларканки, бунинг тайёрлаган дориларини ташқаридан келган асл дорилардан ҳеч ажратиб бўлмас экан. Сиз, ҳойнаҳой ҳайрон бўларсиз: дўконда йиғирма рупияга сотиладиган бир шиша дори бор-йўғи бир-бир ярим рупия билан тайёр бўларкан. Дорига кетган харажат, шишанинг баҳоси, устига ёпиштирилган қоғознинг

баҳоси — ҳаммаси шунинг ичида. Ака-ука иккови шерик бўлибди. Уч-тўрт йил роса меҳнат қилибди-ю, катта давлатли бўлиб ёлибди. Ҳозир сиз қилаётган иш ҳам жуда даромадли, аммо хавф-хатар ҳам катта. Лекин мен айтаётган ишнинг унча қўрқадиган жойи йўқ. Буларнинг ақлига, ҳунарига қойил қолингки, асл дориларни ясаган одамларнинг ўзи ҳам, агар кўрса, ясама дорининг ўзини асл дорисидан ажрата олмайди. Уларни кўрадиган, суриштирадиган ҳам ҳеч ким йўқ. Дориларнинг бири Америкадан келган бўлса, иккинчиси Италиядан келган, учинчиси Германиядан келган. Бу ернинг ўзидан чиқадиغان дориларга улар қўл ҳам урмайди. Минг-минг қақирим наридаги одамлар бу ерда нима бўлаётганини қаердан билади. Қалин оғайним эди, шунинг учун ҳам менга шу сирни айтди. Бўлмаса, бунақа олтин унади-ган ишга биров бировни шерик қилармиди.

Бҳажансингх ўғлининг гапларини анча мароқ билан тинглаб, тушуниб ўтирарди, лекин ўғлининг икки гапнинг бирида ўзининг қилаётган касб-корини тилга олиши унга ниҳоятда азоб бермоқда эди. Гўё ўғли унинг бўйига арқон ташлаб, кетма-кет силтаб тортипти ва бунинг нафаси бўғилиб, кўзлари ҳам косасидан чиқиб кетай даяпти — ўзини шундай ҳис этмоқда эди Бҳажансингх. Одам контрабанди билан шуғулланаркан ва қўлида фалонча пул бор экан деган фикрни Ҳарбансинг миясидан қандай қилиб чиқариб юборишга ҳайрон эди у. Хўш бош қотирди. Лекин бунинг ҳеч қанақа йўлини тепа элмади. Ахир бу ерда ҳеч қандай қўриқчи йўқ, деген эшик кетган эди. опасидан Жасвантга, Жасвантдан Ҳарбансга. Шунинг учун бу гапларни ёлғонга чиқариш осон эмас, қасам ичиндан ҳам фойда йўқ. Шуларни ўйлаган сари унинг юраги баттарроқ уриб, нафаси оғзига тикилиб борарди. На бу ердан қочиб чиқиб кетишнинг иложи бор эди, на вағиллаб, давара-даҳшат қилиб Ҳарбансдан устун келишнинг иложи бор эди. Жасвантдан шундай қилиб қутулиб кетган эди, лекин Ҳарбанс Жасвант эмас.

Ҳарбанс «хушхабар» деб айтаётган гаплар деярли Бҳажансингхнинг қулоғига кираётгани йўқ. У фақат шу нарсани тушундики, Ҳарбанс Деҳлига бориб бирон муттаҳамнинг қўлига тушиб қолибди. Бўлмаса, сохта дорилар тайёрлаш ҳеч унақа даромадли иш ҳам эмас, хавф-хатардан унчалик холи ҳам эмас.

Ҳарбанс бидирлаб гапириб ётибди, Бҳажансингх эса унинг биронта гапига, «йўқ, ундай эмас, бундай», деб жавоб бермай мум тишлаб ўтирибди. Шу бугунги ожизлигини кўриб, Бҳажансингхнинг жуда ўзидан жаҳли чиқди.

— Менинг гапларимни эшитяпсизми? — отасининг хотири-паришонлигини кўриб, Ҳарбанс уни яна бир огоҳлантирди. —

Энг бир яхши томопи шуки, мен бу ишга унча катта сармоя ҳам қўшмайдиган бўлдим. Бир неча бошқа одамлар шу шериклик ишга эллик минг, ҳатто юз минг ҳам қўшишга тайёр бўлиб турибди. Лекин оғайнимнинг аслигини қарангки, мени фақат ўн минггина билан ўзига шерик қилиб оляпти. Бор-йўғи ўн минг. Бу пулнинг қайтиб келиши, дада, узоғи билан бир ойлик гап. Арзимаган кунда қаердан қаерга бориб қоламиз! Ўйлаб қаранг. Бу ёқда сиз ўз ҳолингизча топаверасиз, у ёқда мен ўз ҳолимча топавераман. Бир йилнинг ичидаёқ орқа-олдимиз пул бўлиб кетади. Менинг бунга имоним комил.

Пешанани қаранг, дада, у ёқда қайнота-қайнонам юз ўғирувдики, дарров бу ёқдан омадим келиб қолди. Ўтга тушсин ота-онаси ҳам, уларнинг қизи ҳам. Бир ой — ўттиз кундан йигирма кун касал эди. Энди омон бўлсам, биронта миллионерга кўёв бўлай, улар томоша қилсин. Бегонага орқа қилганининг уйи куяди, деб биров жуда тўғри айтган.

Ҳарбанснинг оғзидан шатир-шутир отилиб чиқаётган гапларнинг сўнгги қисмини Бҳажансингх англаёлмади. Унинг миясини ўзининг ўй-фикрлари чулғаб олган бўлиб, Ҳарбансга тузукроқ бир жавоб қидириш билан овора эди. «Менга нима бўлди?— деб ўйларди у ўзини ўзи қойиб.— Сувга тушган мушукдек шумшайиб, бу нима деса, ҳаммасини миқ этмай эшитиб ўтирибман. Бу ўғил бўлса, мен ота бўлсам. Мен бунга муътеманми ёки менинг бундан қарзим бормики, ҳар бир гапига жим қулоқ солиб ўтираман?

Гапириб-гапириб Ҳарбанс бир оз тўхтовдики, дарҳол Бҳажансингх тўплаб қўйган гапларини ичидан чиқара бошлади:

— Сенинг гапларингни эшитдим. Ҳаммасини эшитдим,— деди у.— Лекин назаримда сен ҳам Жасвантга ўхшаб муттаҳамларнинг...

— Нима деяпсиз?— отасининг гапини дарҳол бўлди Ҳарбанс.— Муттаҳамлар? Ҳў, дада, жаҳлнингиз чиқмасин-ку, лекин ёшингиз шу ерга келиб ҳам ҳанузгача одамнинг яхши-ёмонини ажратишни билолмабсиз. Эсимда бор, ойим шу тўғрида сизни бир неча марта койнган эдилар. Ҳў, дада, ер тағида илон қимирласа, биладан. Сиз нима деяпсиз мени? Шунча кундан бери кўчама-кўча, шаҳарма-шаҳар юриб, мен тезак терганим йўқ, одамни одамдан ажратиб юрдим. Шунақанги одамларни кўрдимки, худди осмондаги юлдузга ҳам узиб олади. Энди менинг кўзимни бўяш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Манман деганларни қўғирчоқ қилиб ўйнатаман мана бу қўлимда.— Шундай деб Ҳарбанс ўнг қўлининг бармоқларини ўйнатиб қўйди.

— Ҳўп, яхши,— деди Бҳажансингх ночор,— ундок бўлса, ўзинг биласан.

—Худо хоҳласа, дада,— деди Ҳарбанс отасининг розиликка ўхшаган гапидан руҳланиб,— ҳозир айтаётганларимнинг ҳаммасини амалда қилиб кўрсатаман. Сиз мени ҳам Жасвантга ўхшатаётганга ўхшайсиз. У-ку, ўлгудек аҳмоқ. Эшак ундан афзал. У ёнидаги етти мингнинг ҳидига маст бўлиб ётибди, тагин фалон даромадли иш қиялман, деб гурур қилиб юради. Лекин, мана мен айтди дерсиз, бир сариқ чақа ҳам тополмайди. Аксинча, ёнидаги пулдан ҳам ажралиб қолади. Мен унинг гапларидан дарров тушундим: ҳа, бу бола ўғри-муттаҳамларнинг қўлига тушган экан, ёнида пули борлигини кўриб, буни авраётганга ўхшайди ўшалар, деб ўйладим дарров. Мен айтдим унга: рост шу пулни бирор ишга урмоқчи бўлсанг, менга бер, мен олти ойнинг ичида пулингни икки баравар қилиб бермасам, меннинг номимни бошқа қўй, деб хўп тушунтирдим. Лекин қани энди гапга тушунса. Ярамас одамлар бунинг бошини айлантириб қўйибди. Ҳадеб ўзиникини маъқуллаб ётипти. Ҳа, майли, бизга нима. Ҳадемай бир таъзирини ёйди-ю, кўзи мошдек очилади. Шундай қилиб, дада, қўрққанга қўша кўринар деган гап бор-ку, сиз ҳам ҳозир худди ўшанақа бўлиб қолибсиз. Лекин, мен айтаётган гаплар қанчалик рост. қанчалик ёлғонлигини ҳадеман ўз кўзингиз билан кўраман.

Ўғлининг гапларига нима деб жавоб беришга, унинг жағини, қандай қилиб тинчланишга ҳайрон бўлиб тинирчилаб ўтирган Бҳажансингх унинг сал тўхташини башмат билди.

— Дада, сиз ҳам ҳозирча қўша кўриб, унга юр. Ойнинг роса пойлаб ўтиргандир сени.

— Ўйга мен ҳозирча боролмайман,— жавоб берди Ҳарбанс.— Мен ҳозир Деҳлига кетялман. Яқинда яна қайғиб келаман. Ўшанда, албатта, бораман.

Бҳажансингх жавоб беришга улгурмасиданоқ Ҳарбанс шундай бир гапни айтиб қолдики, Бҳажансингхнинг кайфи учиб, қони қочди.

— Ҳа, айтгандек, дада,— деди Ҳарбанс,— сиз яна бир марта овора бўласиз. Лекин унча зарари йўқ. Ташқарида машина турибди. Фириллатиб олиб бориб, олиб келади. Кейин яна олиб бориб қўяди. Хў анави кўни бериб кетувдим-а кичкинагина тугунчак? Ўшани, ундан ташқари яна ёнингиздан ҳозирча уч минггина пулни ола келасиз. Иложи борича тезроқ ўн мингни тўғрилашим керак. Анави нарса бир етти мингга кетади.

Бу гапни эшитиб, жони чиқиб кетган Бҳажансингх ўғлининг бу сурбетлигига ҳам тили, ҳам қўли билан боплаб жавоб бергиси келди-ю, лекин қаёқда! Унинг олдида ўтирган Жасвант эмас, Ҳарбанс эди. Чунончи у иккала қўролдан биттасини ҳам ишлатмай, деди:

— Анави зар-зеварни айтасанми? Уни... уни мен мажбур бўлиб гаровга қўйиб қўювдим-ку, Қарз берганлар ёқамдан бўғиб, ҳеч қўймади. Кейин...

— Нима деяпсиз?— бирдан тутатиб деди Ҳарбанс.— Гароз қўйиб қўювдим? Нима деяпсиз ўзингиз, дада? Мени ҳали ёш бола деб ўйлаяпсизми? Ойига минг-минг пул ишлаб турган, пул қўмавериб, ҳовли-жойи дабдала бўлиб кетган одам арзимаган зеварни нега гаровга қўяркаи? Эс-ҳушингиз жойидами? Нима деётганингизни биласизми?— Шундай деб Ҳарбанс дик этиб, ўрнидан турди.— Жасвантни-ку, шунақа гаплар билан лақиллатибсиз. Лекин, менга бунақаси кетмайди. Қани, туринг, мен сизни олиб чиқиб машинага ўтқазиб қўяй.

Ҳарбанс эшикка қараб юрди. Аммо отаси ўрнидан турмагач, яна қайтиб келди:

— Ҳўш, нима дейсиз энди? Юрасизми, йўқми?— сўради у дўқ қилиб.

Олдида турган Жасвант эмас, Ҳарбанслигини-ку Бҳажансингх аллақачондан бери кўриб турган эди. Энди эса икковининг ўртасидаги фарқни жуда аниқ-таниқ кўрди. Ҳарбанс отасининг олдида оёқларини кериб турарди. Икки қўли шиммининг чўнтагида, ўнг қўли ҳалиги даҳшатли нарсани, яъни пистолетни чангаллаб, ўйнаб турибди.

— Ҳарбанс!— деди у титраган овоз билан.— Бундоқ ўтириб менинг гапимга қўлоқ сол. Мен сенинг буюмингни еб қўйганим йўқ. Туринг. Аммо ҳозир қўлимда эмас. Гапимга ишон. Қўлимда бўлганида, галга солармидим? Янаги қайтиб келгунингча олиб келиб тайёрлаб қўяман. Келган заҳотинг қўлингга тутқазаман.

Ҳарбансининг баттар қони қайнаб кетди. Кўзларини ола-кула қилиб, худди отасини еб қўйгудек бўлди. Лекин бир дақиқадаи кейин нима бўлдию, унинг кўзларидаги ловуллаб турган ўт тўсатдан ўчди ва у ҳовуридан тушиб, худди ҳеч нарсга кўрмаган оҳангда деди:

— Ҳайр, майли. Зарари йўқ. Бор-йўғи беш-тўрт кунлик гап-ку. Лекин ҳа, анови иккинчи нарсани ҳам эсдан чиқарманг.

— Қайси иккинчи нарсани?

— Ҳа, анави уч минг пулни.

— Ҳўп, уни ҳам кўраман.

— Йўқ, «кўраман-пўрагани» йўқ,— деди Ҳарбанс ётиқ, лекин дўқ қилган тарзда.— Ўшасиз менинг ишим битмайди.

— Ҳўп, бўпти, тўғрилаб қўяман,— деди Бҳажансингх ва ўрнидан турди.

— Шошмай туринг,— деди Ҳарбанс,— мен бориб шоферга айтишга, сизни олиб бориб қўйсин.

— Йўқ, ўғлим, қўявер. Мен рикшага ўтириб кетавераман. Узоқ эмас-ку.

— Майли, кўнглингиз.

Бҳажансингх эшикка борган эди, кетидан Ҳарбанс яна бир таъкидлаб қўйди:

— Мен энди, ҳойнаҳой камида олти-етти кундан кейин келаман. Ушангача ҳаммасини тўғрилаб қўйинг.

«Хўп» деди-да, Бҳажансингх чиқиб кетди. Меҳмонхона эшигидан кўчага чиққанида унга шундай туюлмоқда эдики, гўё у дорга осилди-ю, лекин энди осилди деганда биров бўйнидаги арқонни қирқиб юборди: сиртмоқдан-ку қутулди, лекин барибир бу ҳали ўлим балосидан ҳам қутулди деган гап эмас.

## 47 боб

Меҳмонхонадан чиқиб уйга етиб келгунча Бҳажансингхнинг жони ҳалқумига келиб кетди. Кўча эшик ичкаридан берк эди. Бҳажансингх чақиргач, Ҳарнамкаур келиб эшикни очди ва сиртмоқдан сиртмоқга ўтган эди. Бҳажансингх унинг бетида бир тарсаки тушириб, сурон солиб бақирди:

— Ҳа падарингга лаънат! Икка бҳажансингхнинг эшикни очиб, эри билан кетма-кет Ҳарнамкаур ҳам хонага кирди. Эрининг авзойини кўриб, у қўрқиб кетди. У эрининг бунчалик тутқанини энди кўриб туриши эди, Бирор қиёмат-қойим бўлганга ўхшайди, деб кўнглидан ўтказди у.

— Нима гап ўзи?— сўради у ичкари киргач, қўрқа-писа.— Нега бунақа...

— Минг лаънат сенга!— оғзидан ўт пуркагандек ҳайқириб деди Бҳажансингх.— Ҳамма қилгуликни қилган сен. Сен нафасингни ичингга ютиб ўтирганингда, шу балолар йўқ эди.

Ҳарнамкаур титраб кетди.

— Ҳа, нима бўлди ўзи? Бундоқ айтсангиз-чи.— Шундай деди-да, у эрининг ёнига каравотга ўтирди.

— Гўр бўлди, ер бўлди, падарингга лаънат!— Бҳажансингх жаҳлига чидай олмай ўрнидан туриб кетди. Кейин яна ўрнига ўтирди-да, меҳмонхонада бўлган сир-синаотни бошидан-оёқ гапириб берди.

— Шундоқ фарзандларга қирғин келсин!— деди қиссаи ашитиб, тутақиб кетган Ҳарнамкаур.— Шундан кўра фарзанд бетини кўрмаганимиз минг марта яхши эди.

Ҳарнамкаур эрининг бетига қаради. Унинг юз-кўзида эса ўлим сояси кўринарди. Бунинг устига эрининг эрталабдан бери туз тотмай юргани Ҳарнамкаурнинг эсига тушди. Овқат-повқат еб олинг, деб у бир неча марта ялғинди, лекин ҳар сафар эридан сўкиш-сўзлашдан бошқа жавоб ола олмади. Охири кўзини чиртта юмиб, деди:

— Ҳа, келинг, бўлар иш бўлиб бўпти. Лекин овқатда нима гуноҳ. Одам мисоли донга тушган қурт. Еб-ичиб...

— Овқат ҳам ўлсин, сен ҳам ўл!— вағиллаб берди Бҳажансингх.— Ҳадеб жонимга тегаверадиган бўлсанг, худди тепиб-тепиб абжағингни чиқараман.

Ҳарнамкаур «овқат» деб қайта оғиз очишга журъат қила олмади. Ўзи ҳам очдан-оч каравотига чўзилди.

Бҳажансингх учун бугунги тун дўзаҳ билан барабар бўлди. У ўлимни кутгандек ҳар бир дақиқани талваса билан ўтказди. У минг ҳайдашга уринса ҳам, Ҳарбанс ва унинг қўлидаги ўлим фарштаси — пистолет кўз олдидан кетмади. Сал кўзи илғиди дегунча ўша пистолетнинг бўйнига тақалганини ҳис этарди-ю, уйқуси қочиб кетарди. Гоҳ ўрнидан туриб ўтириб оларди, гоҳ ҳовлига чиқарди-да, огилхонага кириб, уйиб қўйилган хашакни ағдар-тўнтар қилишга тушарди. Кейин яна хонага қайтиб кириб ўрнига ётарди.

Ҳарнамкаурнинг кўзларига ҳам уйқу бегона эди. У эрининг ҳамма хатти-ҳаракатларини кўриб турарди, лекин бир нарса дейишга юраги дов бермасди. Охири эрининг девоналиги намайишининг ўрнига зўрайиб боравергач, кўзини чирт юмиб ўрнидан турди ва эрининг каравотига келиб ўтириб, уни елкасидан ушлаб ағдаришга ҳаракат қиларкан, деди:

— Менга қаранг, сиз нималар қилиясиз ўзингиз? Жуда қиёмат-қойим бўлгани йўқ-ку. Олса, ўзи бериб кетган зар-зева-рини оларкан, жонимизни олмас экан-ку. Келди дегунча, олдига улоқтирганимиз бўлсин.

— Э, эси паст!— жавоб берди Бҳажансингх кутилмаган мулоимлик билан.— Шунинг ўзи билан бало даф бўлиб кетганда-ку ҳеч гап эмас эди. Аммо бир оғзини очдими, энди уни тўйдиришнинг ўзи бўлмайди.

— Ҳа, нима бўпти!— далда бериб деди Ҳарнамкаур.— Бор-йўғи уч минг пул экан. Келинг, шуни ҳам бера қолайлнк.

— Қандоқ аҳмоқсан ўзинг!— Тутақиб кетди Бҳажансингх.— Қошкийди битта шунинг ғами бўлса! Бу ёқда ахир кичкинаси ҳам етти найза барабар чуқур сувга чўкгираман, деб ту-

рибди. Лоп этиб полицияга бориб айтиб қолса, унда нима бўлади? Шуни ҳам ўйласанг-чи.

— Худо ўз паноҳида асрар.— Ҳарнамкаур ҳамон тасалли беришда давом этди.— Эртадан бошлаб кунига икки маҳал ҳудонинг даргоҳига бориб ибодат қиламиз. Даргоҳига бормай қўйганимиз учун бизга қаҳри келиб ўтирганга ўхшайди.

Лекин унинг гаплари Бҳажансингхнинг қулоғига кирмасди. У икки қўли билан кўкрагини ушлаб инграй бошлади:

— Ҳарнамкаур! Менинг... менинг юрагим қинидан чиқиб кетай деяпти. Оҳ! Ҳарнамкаур!

Ҳарнамкаур қўрқиб кетди

— Бўлмаса... мен бориб биронта дўхтир-пўхтирни...

— Йўқ!— Қаттиқ қаршилиқ қилди Бҳажансингх. Унга қайтадан куч кириб кетгандек бўлиб.— Дўхтир-пўхтир керак эмас. Ҳеч нарса қилмайди, Ҳарнамкаур. Мени жуда бўладигани бўлди деб ўйлайсанми? Менда ҳали анча куч-қувват бор. Бу мишиқи нима бўлибди. Бунақаларни мен худди кучукваччадай думидан ушлаб улоқтирмаман. Уч минг? Уч минг у ёқда турсин, сариқ чақа ҳам бериб бўбман. Агар берсам, менинг оғимни бошқа қўявер. Ўзининг зар-зеварини олади, дейсан. Уни ҳам олиб бўпти. Зар-зеварда унинг нима ҳақи бор? Бу итваччанинг тўйига биз оғича нарса сарф қилдикми? Зар-зеварни олдига улоқтирамиз, дейсан. Улоқтириб бўбмиз, Зар-зеварни олдига улоқтириш у ёқда турсин, ковуш билан юзта уриб, битта ҳисоблайман. Бу газанда ўзининг муштум-муштинга орқа қўлини муштумлаб...

...шундоқ муштумзурлар борки, бир оғиз айтсам, бориб, бунақаларни ётган жойида, худди бит ўлдиргандай, мажақлаб келади. Пистолети билан машинасини иеш қилиб, мени қўрқитмоқчи бўлади. Мен...

Бҳажансингхнинг овози борган сари баландлашиб борарди. Қўни-қўшни эшитиб қолишидан қўрққан Ҳарнамкаур уни юпатишга ва елкасидан босиб ётқизишга уринар экан, деди:

— Жуда унақа қаттиқ гапирманг. Ётиб ухланг энди. Эртага бир гап бўлар.

Бҳажансингх индамасдан ётиб олди. Ҳарнамкаур эса «Бунинг мияси аиниганми, нима бало», деб хавотирланиб қолди.

Туннинг қолган қисми эсон-омон ўтди ва яна тонг отди.

Тун бўйи эр-хотин иккови деярли мижжа қоқмаган эди. Шунга қарамай, эрта азонда туриб олишди. Бҳажансингхнинг ичини ит тирнарди. У гоҳ бориб кўча эшикни занжирласа, гоҳ бориб очиб келарди. Ҳарнамкаур эрининг бу девонавор хатти-ҳаракатидан гижяниб, бир неча бор: «Бундай қилманг, одамлар шубҳаланиб қолади», деб унга уқдирмоқчи бўлди, лекин хотинининг гапи унинг қулоғига ҳам киргани йўқ. Унинг миясини ик-

ки нарса эгаллаб олган эди — жон хавфи ҳам мол хавфи. У гоҳ жондан кечиб молни сақлаш йўлини ахтарарди, гоҳ молдан кечиб жонни сақлаш кўйига тушарди. У бутун кунни ҳовлида у ёқдан-бу ёққа юриб, оғилхонани кўздан кечтириб ўтказди. Ҳарнамкаур эса кун бўйи каравотда чўзиллиб ётди. Бир неча кунлардан бери Бҳажансингҳининг юраги ҳовлиқиб, гуп-гуп урадиган бўлиб қолган эди. Кеча кечқурундан бошлаб эса бу дарди яна ҳам зўрайиб кетди. Лекин кечқурунга бориб, у анча ўзига келиб қолди. Чунки молнию жонини хатардан халос қилишнинг бир йўлини топган эди. У ҳам бўлса шундан иборат эдики, қоронғи тушиши билан мол-давлатини олиб, эр-хотин шаҳардан чиқиб кетиши ва узоқ вақтгача ташқарида юришни керак эди. Итнинг кўзидан узоқ бўлишса, ит кўрмайди ҳам, ҳурмайди ҳам. Бу режа Ҳарнамкаурга ҳам ёқди. Ҳеч ким шубҳа қилмасин, деган ниятда Ҳарнамкаур қўни-қўшнилари билан кибитчага: «Жоландҳарда, бир қариндошимизникида тўй бор эди, шу бугун кечки поезд билан ўша ёқа кетяёғмиз», деб айтиб қўйди.

Қоронғи тушиши билан эр-хотин икковини сафарга тайёргарлик кўришга тушди. Кўча эшикни жўрттага очиб қўйишди.

Ҳарнамкаур уйнинг ичида олиб кетадиган буюмларини ёйғиштирарди. У эрининг тайинлаб айтган гапларни қўлоғидан чиқариб, бўлар-бўлмас олам-жаҳон нарсаларни тунука сандиққа жойлаш билан овора, Бҳажансингҳ эса анчагина қоронғи тушиб қолганига қарамай, оғилхона эшигининг икки томонини тикка қўйилган каравотлар билан тўсиб, ичкарида тешани жуда эҳтиёткорлик билан уриб, пул кўмилган жойни қазирди. Ерпўла бўлгани учун иш яхши унинг, тезда сандиқча кўришилди қолди. Шу маҳал бирдан кўча эшикнинг ёйғирилаган овози унинг қўлогига чалинди. Ҳарнамкаур эшикни занжирлаб қўйди шекилли, деб ўйлади ва лип этиб ўрнидан туриб эшикдан ташқарига қаради. Ҳарнамкаурнинг ўрнига, оғилхонага қараб келаётган учта бетона одамга кўзи тушди ва шу билан баравар тўсатдан ёқилган фонарнинг ўткир нуридан кўзлари қамашиб кетди. Биргина дақиқадан кейин эса бошига тушган кучли зарбадан кўз олдини қоронғилик босди. У ҳушидан кетди, лекин ерга йиқилмай, тикка қилиб қўйган каравотига суялиб қолди. Беш минутлардан кейин ҳушга келиб қараса, иккала билагига кишан солинган ва олдида бир полиция инспектори ва иккита полиция сипоҳийси турипти.

Иккала сипоҳий, худди жон олгани келган азроилдек ёйғишиб, бир зумда Бҳажансингҳдан қолган ишларни қилиб битирди. Бҳажансингҳнинг аҳволи шундай танг эдики, хотинини чақи-

рпшга ҳам қурби етмади, Чақираман деб уринди, лекин говуши оғзидан чиқмади. Юраги гуп-гуп уриб, нафаси оғзига тикилиб, томоғию тили қуриб-қақшаб борарди.

Эшикнинг гижирлаганини Ҳарнамкаур ҳам эшитган эди. Чунончи, унинг ўзи ичкаридан чиқиб келиб қолди. У келиши биланоқ инспектор унга қараб деди:

— Опа, сиз ҳеч қўрқманг. Бор-йўқ гап шуки, ўғлингиз Ҳарбанс қўлга тушди. Ушанинг айтган гапига кўра, биз уйингизни тинтув қилгани келдик. Шундай қилишга мажбурмиз. Ҳарбанснинг қайнотаси полицияга берган арзномасида бир мунча зар-зеварни кўрсатган экан. Бизга фақат ўша зар-зевар керак, ҳэло.

Зар-зевардан ташқари яна бир қанча олтин-кумуш ҳам чиққач, инсофли полиция инспектори яна бир меҳрибонлик намойиш этди. Пул-мулларнинг ҳаммасини битталаб санаб, бир тўрвага жойлаб олди-да, эр-хотинга қараб деди:

— Қонун-қоидага биноан, ҳозирча, биз бу нарсаларнинг ҳаммасини олиб кетишга мажбурмиз. Аммо зар-зевардан бошқа қолган нарсаларнинг ҳаммаси сизга қайтариб берилади. Эрта ўтиб, индинга — чупки эртага якшанба — борсангиз, ҳаммасини қайтариб олиб келасиз.

У бир варақ қоғозга бир нарса деб ёзди-да, уни Бҳажансингхнинг қўлига бераркан, деди:

— Шу қоғозни олиб, сиз индинга Таунҳолга — Шахан полиция идорасига боришга. Менинг номим билан бу ердаги шаҳар полиция инспектори. Мен идорада бўламан. Борган заҳотингиз ҳамма пул-мулингизни битта қўймай қайтариб берэмиз.

Кейин оладиганни олиб, кетиш пайтида инспектор яна ияоят қилди.

— Қонунга биноан, шу жинойтга сизни ҳам шерик деб ҳисоблаш мумкин, — деди у Бҳажансингхнинг қўлларини кишандан озод қилар экан. — Лекин сиз ҳам синҳ биродарларимиздан экансиз, бунинг устига бегуноҳ экансиз. Шунинг назарга олиб, бизни ўғри-муттаҳамлар билан бирга қийноққа солишга, калтаклашга кўнглим бўлмаяпти. Аммо эсингизда бўлсин, бундан буён энди ўғирлик нарсани уйингизда сақламай. Ўз ўғлингиз олиб келганда ҳам олманг. Ўзимга ўхшаш синҳ бўлгангиз учун сизга бераётган маслаҳатим шу.

Полиция тун қоронғусидек босиб қолди ҳам, дарёдаги тўлқиндек қайтиб ҳам кетди. Шунинг ҳаммаси бир соатнинг ичида бўлиб ўтди. Полиция шундай раҳм-шафқат кўрсатдики, бу гапларнинг ҳаммаси маҳалла-қўйда ҳеч кимнинг қўлоғига етмади. У агар хоҳласа, гувоҳ тарзида қўни-қўшниларни битта

қўймай тўплаши ва яна турли йўллар билан Бҳажансингх<sup>ни</sup> изза қилиши мумкин эди. «Шунақа фариштасимон одамлар ҳам бор экан, яна полиция маҳкамасида-я, —деб ҳайрон бўлиб ўйларди Бҳажансингх.— Бу дунё остин-устин бўлиб кетибли: ўзинг боқиб-кўриб катта қилиб қўйган ўғилларингнинг аҳволи анави, етти ёт бегона одамларнинг оқибати мана бу!»

Полициячилар кетгандан кейин анча вақтгача эр-хотин шу мавзуда гаплашиб ўтиришди. Шундай осонлик билан бало даф бўлганидан Ҳарнамкау<sup>р</sup> хурсанд эди. Лекин Бҳажансингх нақд қўлда турган етти минг рупияли зар-зеварнинг қўлдан чиқиб кетганига жуда ачинарди. «Уч-тўрт кун плгарироқ отни қамчилаб қолсам бўлмас эканми?»— деб қайта-қайта афсус қилмоқда эди у. Лекин бўлар иш бўлди, энди афсус қилишда<sup>й</sup> нима фойда?

— Ҳалиги қоғозни эҳтиёт қилиб қўйдингми?— иккинчи ёки учинчи марта сўради Бҳажансингх хотинидан.

— Мени кичкина бола деб хаёл қиляпсизми?— жавоб берди Ҳарнамкау<sup>р</sup>.

Индинига эрталаб соат ўн эмас, тўққиз яримдаёқ Бҳажансингх полиция идорасига етиб борди. Ярим соат кўчада идора сддида у ёқдан-бу ёққа юрди. Полиция деса Бҳажансингх, ўзи қалт-қалт титрарди. Лекин бугун учрашгани келган одами, ўзи полициячи бўлса ҳам, фариштага ўхшаган эди. Шунинг учун унинг юраги бақувват эди.

Муниципалитет иморати тепасидаги катта соат ўнга занг уриши билан Бҳажансингх кечаги қоғозни тўрт буклаб қисимлаганича ичкарига кирди. Лекин у ерда шаҳар полиция инспектори сардор Дилдорсингх кўринмади. Бошлиқларнинг бошқаларга қараганда кейинроқ келишини Бҳажансингх билар эди. Ким келса ҳам, ташқаридан кириб келади-ку, ўша ерда учратарман деб ўйлади-да, кўчага чиқиб эшикнинг олдида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Ундан чорак ўтди, ўн ярим бўлди, чоракам ўн бир бўлди, ўн бир бўлди. Шунда ҳам полиция идораси эшигига биронта машина келиб тўхтамагач, Бҳажансингхнинг тоқати тоқ бўлиб кетди. Қўлига қисимлаб олган қоғозни тердан латтадек юмшаб кетган эди. «Бировдан сўраб боқсаммикин»,— деб ўйлади у. Шу пайт кўзи кўчанинг нариги бетида тахта каравот устида ўтирган жиккаккина аризанависга тушди. Олдида ҳеч ким йўқ, лекин ниманидир ёзиб ўтирарди. Шу одам билса керак, деб ўйлади-да, Бҳажансингх кўчани кесиб ўтиб, аризанависнинг олдида борди.

— Келинг, Сардоржий,— деб аризанавис уни қарши олди ва ўтиришни таклиф қилди. У Бҳажансингх<sup>ни</sup> бир нарса ёздир-

моқчи деб ўйлади, ҳойшаҳой. Лекин Бҳажансингҳ ҳеч нарса ёздириш нияти йўқ учун ўзини ўтиришга ҳақсиз деб билди.

— Лолажий! Сардор соҳиб қачон келаркинлар, хабарингиз йўқми?— сўради у аризанависдан.

— Қайси сардор соҳиб?

— Анави сардор Дилдорсингҳ, шаҳар инспектори-да.

— Дилдорсингҳ? Бу идорада бунақа номли амалдор йўқ-ку.

— Нега йўқ бўлади? Ўша кишининг ўзи буюрган эди мента, соат ўнда келгин, деб. Мана, у киши ўз қўли билан мана бу қогозни ҳам ёзиб берди.

Аризанавис қогозни олди ва бурнининг учига тушиб кетган кўзойнагини тўғрилаб, кичкина-кичкина кўзларини қогоздаги хатга тикди. Ўқиб-ўқиб туриб, у бирдан кулиб юборди, ваҳоланки, ҳеч куладиган одамга ўхшамасди.

— Ҳа? Нима гап? Нега куласиз?— сўради Бҳажансингҳ.

— Э, сардор!— деди аризанавис «Сардоржий» ни йигиштириб.— Жиннихона қаердаю, полиция идораси қаерда— шуни ҳам ажратолмайсанми?

— Нима деганингиз?— сўради Бҳажансингҳ жаҳли чиқиб.

Буни тушунтиришнинг ўрнига аризанавис қогоздаги ёзувини ўқиб беришга тушди, ҳолбуки, бешта бировнинг бир нарсасини ёзиб бериш билан ўқиб бериш унга одат эмас эди. Лекин баъзан кайф қилиш ниятида одам ўз манфаати тизгинини бўшаштириб ҳам қўяди.

Қогознинг мазмунини бундай эди:

«Амритсар, мия касаллари шифохонаси бошлиғи жаноблари!

Сардор Бҳажансингҳ меннинг бир жонажон оғайнимнинг оталарин бўладилар. Анча муддатдан бери мия касалига мубталолар. Сиздан илтимос қилардим, марҳамат қилиб, шу мўйсафид кишини кўрсангиз ва иложи борица дардларига шифо қилишга ҳаракат қилсангиз. Мен Сиздан жуда миннатдор бўлардим.

*Хўрмат билан полковник Догарман».*

Қогозни ўқиб бўлиб, аризанавис Вҳажансингҳга қаради ва кулиб турган одам бирдаф қўрқиб кетди. Бҳажансингҳ ўтириб олган эди, лекин сал қўл билан туртиб юборилса, йиқилиб кетгудек бир ҳолда ўтирарди. Боши кўкрагига эгилиб борар, кўзлари қотиб қолган эди.

Шу орада бир-икки йўловчи тўхтаб, Вҳажансингҳга тикила бошлади. Яна бир неча йўловчи тўпланди, Ҳаммаси: «Нима

гап?», «Нима бўлди?», деб суриштира бошлади. Аризанавис воқеани тушунтирди:

— Бечора бир полковникнинг тавсияномаси билан жиннихонага ётишга кетаётган экан. Мияси айниб, полиция маҳкамасига келиб қолибди. Жуда расво бўлади-да бу.

— Сув олиб келинглар,— деди биров.

— Рикша олиб келиш керак.— Бошқа биров маслаҳат берди.

— Халқ хизмати комитетига телефон қилиш керак.— Яна бир маслаҳат чиқди.

Бҳажансингх ҳушидан кетиб қолган эди.

— Хеч зарари йўқ,— деди тўпланганлардан бири.— Мияси айниган одам ўқтин-ўқтин шунақа ҳушидан кетиб туради. Лекин тезда ўзига келади.

У одамнинг гапи тўғри чиқди. Бир оздан кейин Бҳажансингхнинг қовоқлари қимирлай бошлади. Ҳаял ўтмай, ҳуши ўзига келиб қолди.

Раҳмдил кишилардан биттаси бир рикшани тўхтатди ва «Жиннихонага олиб борасан», деб рикшачи билан кира ҳақини келишаётган эди, Бҳажансингхнинг оғзидан бирдан садо чиқди:

— Йўқ. Бҳутанпурга.

Унинг бор-йўқ гапирган гапи шу бўлди.

Ҳалиги одам яна бир-икки кишининг ёрдами билан Бҳажансингхни авайлаб рикшага ўтқазди. Унинг аҳволи жуда танглигини кўриб, ўзи ҳам ёнига чиқиб ўтирди ва иккала елкасидан ушлаб суяб олди. Рикша юрай деганда аризанавис «Мана бунга эҳтиёт қилиб қўй, сардор. Полковник соҳибнинг хати жуда иш беради сенга», деб ҳалиги қоғозни Бҳажансингхнинг қўлига тутқазиб қўйди.

Рикша йўлга тушди. Бҳажансингхнинг иккала қўли шалвираб ётарди. Боши кўкрагига теккудек эгилиб кетса ҳам, бироқ эс-ҳуши бир оз жойида эди. Қўлига қисимлаб олган ҳалиги тавсиянома йўлда ўз-ўзидан тушиб кетдими ёки Бҳажансингх билиб туриб ташлаб юбордими — бундан на унинг хабари бўлди, на ёнида ўтирган одам бунга аҳамият берди.

## 48 боб

Олтин ўқ одамнинг миясидан киради-да, кўкрагини тешиб чиқиб кетади. Унинг кириши ҳам, чиқиши ҳам ниҳоятда хатарли бўлади. У киришда одамнинг миясини ишдан чиқарса, чиқишда юрагини дабдала қилиб кетади. Олтин ўқнинг икки

аъмали Бҳажансингх билан унинг хотинини шу аҳволга солиб қўйди.

Одатда одамлар, хотин кишидан кўра эркак кишининг юраги маҳкамроқ бўлади, дейишади. Аммо бу сафар унинг акси бўлгандек кўринарди. Бўлиб ўтган фожиа аслида Ҳарбансингх қўлидан келган иш эди. Уша шерикларини полиция кийиминда юбориб, бир кечанинг ўзида буларни хонавайрон қилган эди. Шу сир маълум бўлгач, эр-хотиннинг қолган-қутган умидларини ҳам сув олиб кетди. Уларнинг қанча кунлардан бери ардоқлаб келаётган орзу ва режалари тутундек учди-кетди. Яхши ҳамки, Ҳарнамкауэр кундалик сарф-харажатлар учун озгина пулни ажратиб олиб қўйган экан. Уша буларнинг сал жонига оро кирди. Бўлмаса, бир бурда нонга ҳам зор бўларди.

Зарба\*жуда кучли эди, ўлим билан барабар ёки ҳатто ундан ҳам ўтиб тушадиган эди. Бу зарбадан Бҳажансингхнинг-ку бўладигани бўлди, Ҳарнамкауэр кўринишда эрига нисбатан анча тезлик эди, аммо ич-ичида у ҳам қўйиб қўл бўлмоқда эди.

Инсоннинг бирор ери лат еса, баданига оғриқ туриши турган гап. Лекин лат еган жойга малҳам қўйиб, дол-фарёл қилиб, ёнлаб оқитиб ёки лат едирган кишини сукиб-қаргаб аламинида чиқишининг иложи бўлмаса, одамнинг суробини тўғри қилиб қўяди. Бҳажансингх билан Ҳарнамкауэрнинг аҳволи ҳам худди шундай эди. Ёшларнинг бу ҳолати ҳаққондан

дарднинг бир эди ва на ичидан дард-ҳасратини бировга айта оларди. Дардини айта олганда эди, эҳтимол бирон киши, ёлғондан бўлса ҳам, ўғри қўлга тушади, деб далда берарди ёки ҳеч бўлмаса дардига шерик бўларди. Шу билан буларнинг дарди бир оз енгиллашарди. Лекин булар шу имкондан ҳам маҳрум эди, ўз ёғида ўзи қовурилиб ётарди. «Дамим қайтиб ўлай мен — шу пстаги сайёднинг» деган гап айни шуларга мос эди.

Вақт ўтган сари Бҳажансингхнинг аҳволи танг бўлиб бормоқда эди. Унинг эртаю кеч афсус-надоматдан боши чиқмасди. «Қандай аҳмоқлик қилдим,— дерди у ўзига ўзи.— Жасвантнинг гапига кириб қўя қолсам бўлмасмиди... Ҳарбансгаёқ унча-мунча бериб, қутула қолсам бўлмасмиди... Нега ҳам эшикни очиб қўйган эканман... Полициячиларнинг сохталигини ҳам билмабман-а!... Тўппончаси ҳам худди ўша, Ҳарбансингх қўлидаги эди... Эҳтимол у ҳам сохтамиди. Ҳеч бўлмаса, ёзиб берган қоғозини дарров бировга ўқитиб кўрсам бўлмасмиди...»

Шуларни ўйлаган сари у баттар қуйиб жизгинак бўларди. Афсус-надомат билан оҳ-воҳ қилиб, ўзини ўзи уриб, сочини юлиб, ичкарида ўзи билан ўзи гаплашиб гўлдираб ётар, ўқтин-ўқтин ҳушидан кетиб қоларди. Ҳушига келгач, яна ўша алжиш,

гўлдираш бошланарди. Юраги кундан-кунга ишдан чиқиб бор-моқда эди.

Кунлар, ҳафталар ва ойлар бирин-кетин ўтиб бораверди. Бҳажансингх илгари фақат мия ёки юрак касалига мубтало бўлса, энди танасини ҳам кундан-кунга дард кемира бошлади. Аввалига қорни оғриди, кейин кучли санчиқ билан бирга ичидан қон кела бошлади.

Ҳарнамкаур кўрпнишидан-ку соппа-соғ эди, лекин ич-ичидан қуриб қовжираб борарди. Аммо шундай бўлса ҳам, бўш келмай, шалоғи чиқиб қолган ҳаёт аравасини бир амаллаб итариб-тортиб бормоқда эди. Лекин мол-давлатнинг устига-устак, энди эридан ҳам айрилиб қолай деётганини кўргач, сабр-тоқати тугади-ю, танаси ҳам шалвираб қолди. Қўлидан кетган пул-давлати, иккала ўғлининг ота безори-она безорилиги — буларнинг ҳаммаси унинг учун эридан жудо бўлиш олдида ҳеч нарса эмас эди. Эрининг жонини сақлаб қолиш учун у қўлидан келганича ҳаракат қилишга қарор қилди. Оддий хонаки шифокорлардан тортиб, табибу вейдларгача<sup>1</sup>, докторларгача — ким нима деб маслаҳат берса, ўшани қурби етганча қилди. Эртаю кеч эрига дори-дармон топиш кўйида юрди.

Бунинг устига-устак, унинг бошига яна бир мусибат тушди. Қўлидаги озгинагина пули ҳам тугаб, энди гал сот-сотга келди. Лекин сотиб-сотиб ҳам жуда неча кун тирикчилик қилиб бўларди? Бу ёқда уйни гаровга қўйиб олинган қарз ойма-ой туғиб, тўхтовсиз кўпайиб борарди. Қарз берган одам, тез кунда уй қўлимга ўтади, деб индамай дам сақлаб ўтирарди, ҳойнаҳой. Лекин Бҳажансингх билан Ҳарнамкаурни ҳайрон қилган нарса шу эдики, айланпб-ўргилиб пулни қистаб турадиган Гурдитсингх ҳам анча вақтдан бери буларни тинч қўйиб қўйган эди.

Эри ҳеч тузаладиган кўринмагач, Ҳарнамкаур хат юбориб, уйдагиларни чақирди. Хатни олгач, онаси дарров етиб келди. Ака-укалари ҳам бир-икки келиб кетди.

Бҳажансингх касал ётишининг ўзи бўлганда ҳам майли эди. Йўқчилик, пул масаласи ундан ўн чандон ошиб тушарди. Ҳарнамкаурнинг уйдагилар ҳам бой-бадавлат эмас, амаллаб кун кўриб турган одамлар эди. Шундай бўлса ҳам бечоралар қўлидан келган ёрдамни аямади. Ҳарнамкаурнинг онаси билан акалари қишлоққа кўчириб олиб кетайлик, деб хўп қистади. Ҳарнамкаур рози ҳам бўлди. Аммо Бҳажансингх ҳеч кўнмади. «Қайнотамнинг эшигидан ўлигим чиқса, маҳалла-кўй нима дейди?» — деб жавоб берди у.

Ҳарнамкаурнинг онаси бир томондан кексайиб қолган эди,

---

<sup>1</sup> Вейд — ҳинд ҳакими.

иккинчидан, уз унида иши бошидан ортиб ётарди. Шу сабабдан кўнда қизига боқишиб ўтира олмасди. Лекин бу ёғи ҳам поэтик эди. Айниқса, кувининг оғир ётишини кўриб туриб, уйига бориб, қандай қилиб ўтирарди. Чунончи, унинг қишлоқ билан шаҳар ўртасида қатнагани-қатнаган эди. Бир ҳафта-беш кун бу ерда турарди, бир ҳафта-ўн кун уйига бориб туриб келарди.

Икки азамат ўғли бўла туриб, бечоранинг шу аҳволга тушиб қолганига қариндош-уруғ, қўни-қўшни — ҳамманинг раҳми келарди. Шу тўғрида биров агар оғиз очиб қолгудек бўлса, ўрнидан туролмайдиган бўлиб қолган Бҳажансингх бирдан тутатқиб кетарди. Катта ўғлининг қаердалигину, нима қилиб юрганидан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. Лекин кичкинасининг Деҳлидаги иши жуда юришиб кетганини ҳамма биларди. Чунончи, Жасвантга хат-лат ёзиб юборсанг-чи, деб беҳосдан биров айтиб қолса, Бҳажансингх унинг оғзидан чиққанини дарҳол ёқасига ёпиштириб, Жасвантнинг гўрига ўнта гишт қаласа, маслаҳат берганининг гўрига йигирмата гишт қаларди. Сўкиб-сўзлаб, бақириб-чақириб, шундай ҳолдан кетиб қолардики, ўтирганлар, ўлиб қолмаса гўргайди, деб қўрқиб кетарди. Ҳарнамкаурнинг ҳам ўғилларининг номини эшитишга тоби йўқ эди. Ушлар тўғрида ҳеч ким ҳам худди эри сингари тутатқиб кетарди. Ахир буларнинг олдига ҳеч ким Ҳарбанс билан Жасвантни тингла олишга журъат этмайдиган бўлиб қолди.

Ҳарнамкаурнинг таби аҳвали ҳам шундай эди.

Бир кун булар қилиб қуяган эди. У бир неча йил, ҳатто бир неча ой бурунги Ҳарнамкаурга сира ўхшамасди. Аслига нисбатан йигирма ёш катта туюларди.

Ойлар кетидан ойлар ўтиб борарди. Бҳажансингхнинг касали кундан кунга оғирлашиб бормоқда эди. Ҳарнамкаур ҳам оёққа илашган ҳашакдек унинг кетидан судралиб борарди.

## 49 боб

Вақт соат стрелкаси сингари ўз йўлидан тўхтовсиз бир йўсинда олға қараб кетаверади. Лекин аҳвол-шароитга қараб, унинг йўриғи ҳар кимга ҳар хил туюлади. Бировнинг назарида, у худди қуртга ўхшаб судралиб кетаётгандек бўлади, бировга эса худди филдек ҳайбатли қадам ташлаб, елиб кетаётганга ўхшайди.

Етти-саккиз ой Жасвант учун кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди. Сабаби шуки, қулай вазият унга кетма-кет ютуқ-муваффақиятлар бахш этаверди. Арзимагангина дастмоя билан бошланган иш шу қисқагина муддат ичида шу қадар ривож

топиб, шундай ўсиб-улгайиб кетдики, ёшгина бир ташкилотнинг жусса-ҳайбатини кўриб, кишининг ақли ҳайрон қоларди.

Ҳам Амритсарда, ҳам Деҳлида «Ҳиндистон ҳунармандлик уюшмаси»нинг ишлари гуллаб-яшнамоқда эди. Яқиндагина қўрқа-писа «Уюшма»га аъзо бўлиб кирган ҳунармандларнинг аҳвол бутунлай бошқача бўлиб кетган эди. Энди улар ўзларининг кичкина-кичкина кўрimsиз шахсий устахонасини тарк этиб, каттакон бир цехда ёнма-ён ўтириб шавқ-завқ билан меҳнат қилишарди. Ишнинг бир қисми қўл билан қилинса, бир қисми машина билан бажариларди.

Қисқагина вақт ичида «Уюшма» аъзоларининг даромади деярли уч барабар ошган ва яқин вақт ичида яна ошиб тўрт ҳисса-беш ҳисса бўлишига умид бор эди. Даромаднинг шундай тез ортиб бориши ҳунармандларнинг руҳини кўтариб, уларнинг ғайратига ғайрат қўшаётгани-ку турган гап эди. Лекин уларга зўр қувонч ва илҳом бағишлаётган яна бир нарсa бор эди. У ҳам бўлса шуки, ҳунармандлар Жасвантнинг раҳбарлигида янгидан-янги, жуда нозик-нозик буюмлар ясашни ўзлаштириб боришмоқда эди.

Даставвал уч-тўрт ойгача «Уюшма»нинг ишлаб чиқариш фаолияти фақат Амритсарнинг ўзида бўлди. Лекин шу муддат ичида булар тайёрлайдиган молга талаб шунчалик ошиб кетдики, Деҳлида ҳам «Уюшма»нинг бир тармогини очмасдан туриб, талабни қондиришнинг иложи бўлмай қолди.

Муаллимликдан бўшаб, бутунлай «Уюшма»га ўтган ва донолигию тadbиркорлиги, ғайрат-ҳафсаласи билан «Уюшма» аъзолари орасида ғоят катта обрў-эътибор қозонган Отмасингх Деҳлида шохобча ташкил этиш учун бошиданоқ замин ҳозирламоқда эди. У «Уюшма» бошқармаси номидан марказий ҳукуматга икки-уч хат ёзиб, «Уюшма»нинг ғоя-мақсадларини, иш йўсинини ва ҳоказоларни батафсил баён этди. Унинг ташаббускори ва раҳбари яқиндагина каттагина ҳукумат мукофоти-га сазовор бўлган машҳур санъаткор эканлигини ҳам зикр этди. Чунончи, Отмасингхнинг шу хатлари туфайли, Рампракошнинг Деҳлидаги яқин таниш-билишларининг ёрдами туфайли ҳукумат Деҳлидаги Жома Масжид ёнидан бир парча сайҳон ерни «Уюшма»га берди. Шу билан бирга ҳукумат тез кунда унга моддий ёрдам ҳам ваъда қилди.

Ер тегиши билан бир кичикроқ цех қуриб, у ерда ҳам иш бошлаб юборилди. Амритсардаги ҳунармандларнинг бир қисми шу ерга кўчирилди.

Илгаридан Деҳлида турган Рампракош янги цехни қуриб ишга тушириб юборгач, Жасвантни ҳам шу ерга чақириб олди.

Амритсардаги цехга энди Отмасингхнинг ўзи бош-қош бўлиб қолди.

«Хинднстон ҳунармандлар уюшмаси»нинг бутун мамлакатга донғи кетди ва бунинг натижасида иши кундан кунга гуллаб, даромади мисли кўрилмаган даражада ортиб бораверди. Тез кунда яна бир қувончли воқеа бўлди: ҳукумат унга бир каттагина маблағни қарз берди. Бу маблағ ҳунармандлик мактаби счиш мақсадида олинган эди, чунончи, у қўлга тегиши билан мактаб лойиҳасини тузишга киришилди.

Янги цех очилганига уч ой бўлувди ҳамки, «Уюшма» аъзолари яна бир катта шодиёнанинг гувоҳи бўлди. «Уюшма»нинг бошлиғи сардор Жасвантсингх уйланди. Бу «Уюшма» аъзолари учун чинакам байрам бўлди. Тўй-ку ортиқча дабдабасиз, содагина ўтди, лекин воқеанинг ўзи одамларни жуда руҳлантириб юборди. Тўйдан кейин бошланган зиёфат, ўйин-кулгилар бир ҳафта-ўн кунгача давом этди.

Тўйдан кейин янги келин-куёв, албатта, Деҳлида қолди. Бунга сабаб: биринчидан, Жасвант Деҳлидаги ишларни ташлаб кета олмаслиги бўлса, иккинчидан, очилаётган мактабни бошқариш Арунанинг зиммасига юклатилган эди. Жасвант мактаб очилди дегунча Арунанинг иккита укмасини Амритсардан шу ерга олиб келиб, уқиш билан бирга уларга ҳунармандликни ўргатиш ниятида эди. Бундан ташқари бошқа ҳунармандларнинг болаларини ҳам мактабга олиш планлаштирилган эди.

Янги келин-куёв учун келинлик хона қуриб берилди. Бу уй-жой-ку у ёқда турсин, «Уюшма»нинг оддий бир ишчисига ҳам муносиб эмас эди. Аммо келин-куёв шу арзимагангина жойда ҳам ўзини худди дангиллама саройда тургандек ҳис қилмоқда эди. Улар ўзининг меҳр-муҳаббат, садоқат тўла ҳаётидан шундай мамнун эдики, гўё дунёдаги шод-хуррамликнинг ҳаммаси шуларга теккандек кўринарди. Икковининг фикр-ўйлари бир хил, завқ-иштиёқи бир хил, қиладиган иш-машғулоти бир хил — бундай уйғунлик камдан-кам эр-хотинга насиб бўлади. Чинакам бахт шундан ортиқ бўлиши мумкинми?

Жасвант билан Арунанинг турмуш қурганига бир ой бўлди. Шу бир ойнинг ҳар бир кунини улар ўн-ўн икки соатлаб меҳнат қилиб ўтказди. Арунанинг айниқса, иш-юмуши кўп эди. Эрта-лаб саҳардан иш-юмушга шўнғиганича кечаси ўрнига ётгунча дам олиш нималигини билмасди. Лекин бу ишлар уни ҳоритмасди, балки руҳига озиқ, танига қувват бағишларди.

Қанча кунлар муқаддам — ҳойнаҳой биринчи марта Жасвантнинг оstonасига қадам қўйган куниёқ Арунанинг кўнглида бир орзу пайдо бўлган эди. У ҳам бўлса Жасвантга шогирд

тушиш, орзуси эди. «Туш кўраётган гўзал» ҳайкали унинг бу орзусига яна ҳам қанот бағишлаб юборди. Ўзига «устоз» қилмоқчи бўлган кишиси устозгина бўлиб қолмай, умр йўлдоши бўлишига умид, кейинроқ ишонч пайдо бўлгач эса, Арунанинг кичкинагина қалби севинчдан тарс ёрилгудек бўлиб кетди. Бундай мўъжизани у тушида ҳам кўрмаган эди. Бир мажруҳ қиз қаёқдаю, бир улғу санъаткорнинг рафиқаси бўлиш қаёқда! Лекин ўша ақл бовар қилмайдиган нарса ҳақиқат бўлиб, унинг кўз олдида намён бўлди. Шундай катта бахт унинг пешанасига қандай сиғди, шундай катта қувонч унинг юрагига қандай жо бўлди — бунга жуда ҳайрон эди.

Тўйдан кейиноқ дарҳол Жасвант Арунани ўзига шогирд қилиб олди. Аруна кун билан тунни бир-бирига улаб фил суягини йўниш илмини ўзлаштиришга тушиб кетди. Унинг куну тун риёзат чекишини кўриб Жасвантнинг раҳми келиб кетарди.

— Аруна, бунақада ўзингга ўзинг жабр қиласан-ку. Қасал бўлиб қоласан-ку,— деб баъзан уни тиймоқчи бўларди Жасвант.

— Нима қилай?— жавоб берарди Аруна,— ўзингиз ахир мени муаллима қилиб тайинлаб қўйдингиз-ку. Мактаб очилгунча озгина оқ-қорани таниб олмасам, ўқувчиларимнинг олдидан нима деган одам бўламан?

Бу гапни эшитиб Жасвантнинг севинчи ичига сиғмай кетарди.

Шу кунлари иш бошдан ошиб ётарди. Цех буюртмаларни бажаришга оғизлик қилиб қоларди. Оддий усталар-ку кўпинча қўшимча ишларди. Лекин буюртмалар бажарилишини кўзлаб Жасвантнинг ўзи ҳам кўпинча улар билан бирга ўтириб, ишлашга мажбур бўларди. У баъзан Рампракошини койирди:

— Рампракош! Орқа-ўнгини суриштирмасдан олиб келаверасанми буюртмаларни?— дерди у.— Бунинг ҳаммасини бажаришнинг ўзи бўладими? Имконингга қараб иш қилсанг-чи.

— Тезроқ-тезроқ ишлайверларинг,— деб жавоб берарди Рампракош кулиб.— Нима, сенларнинг ҳаммаинг бу ерга текин томоқ едиргани олиб келиб қўйибманми?

Ўтган етти-саккиз ой мобайнида «Ҳиндистон ҳунармандлар уюшмаси»нинг аъзолари кутилгандан ҳам анча зиёд даромад қилди. Бундан ташқари тушган даромаддан «Уюшма» Рампракошдан олган қарзнинг ярмини узди, Жасвантнинг қарзини ҳам бир оз тўлаб қўйди. Рампракош билан Жасвант ҳам маош ва фойдага шериклик — иккови бўлиб шу вақт ичида каттагина даромад қилишди. У ёқда мастер Отмасингнинг иш фаолияти ҳам жуда самарали бўлди. Чунончи, унинг маоши ҳам ошиб, юз эллик рупиядан икки юз эллик рупияга чиқди. Бундан ташқари, у фойда ҳисобидан ҳам минг рупиядан ортиқ пул олди.

Касби-кори кун сайин гуллаб бораётган бўлса, шуҳрати уфқни қучаётган бўлса, унинг устига етти ўлиб, етти туғилганда ҳам насиб қилишига кўз етмайдиган бир кимсага уйланган бўлса, у одамдан бахтиёрроқ ҳеч ким бўлмаса керак. Лекин шундай улуг бахт эгаси бўлиб туриб ҳам, Жасвантнинг кўнгли ҳали тўла эмас эди. Бир нарса ҳануз унинг кўнглини гаш қилиб турарди. У ҳам бўлса ота-онаси билаи бўлган муносабати эди. Аруна кўп насиҳат қилди, кўп ялиндди, койиб ҳам гапирди. «Минг ёмон, минг гуноҳкор бўлганда ҳам, ахир ота-онаку. Фарзанд бўлиб туриб, лоақал икки энлик хат ёзиб, уларнинг ҳол-аҳволини сўрамасангиз, сиз қандоқ ўгилсиз», деб кўп гапирди у. Лекин Жасвант унинг бирор гапига, бирор далилига қулоқ солмасди. Кейинги бир ой ичида эр-хотин ўртасида шу масала бир неча марта кўтарилди. Лекин ҳар сафар ҳам Жасвант ўз гапини маъқуллаб тураверди.

Жасвантнинг далили жуда вазмин, илтимоси юракни эзиб юборадиган бўларди. Лекин шунга қарамай, Аруна ҳар тўрт кун-беш кунда яна шу масалани Жасвантнинг олдига кўндаланг қилиб турарди. Жуда ажойиб одам эди.

очишга ҳам улгурмасдан Жасвантнинг ўзи худди йиглагудек бўлиб гапириб қолди:

— Аруна! Нега ҳам сенинг гапингга кирмаган эканман. Ота-онамга шундоқ қаттиқлик қилиб бекор қилибман.

Аруна «Нима бўлди?» деб сўраган эди, Жасвант «Бугун акамни учратиб қолдим» деди ва акасидан эшитган гапларини битта қўймай айтиб берди. Катта кўчада кетаётган экан, бироз орқасидан елкасини ушлабди. Ўгирилиб қараса, акаси Ҳарбанс. Кўриниш-туришлари жуда янгича: соқол-мўйловларини олиб ташлаган, эгнида европача костюм-шим, ўзи маст. Ресторандан чиқиб, машинага ўтирай деб турган экан, укасига кўзи тушиб қолибди-ю, орқасидан келиб тўхтатибди. У Жасвантни машинага ўтказиб ўзи турган меҳмонхонага олиб борибди ва жуда дабдабали бир хонага олиб кирибди. У ерда иккови бир ярим-икки соат гаплашиб ўтиришибди. Шу орада Ҳарбанснинг Жасвантга айтган гапларини эшитиб Аруна ёқасини ушлаб қолди.

— Демак акангиз бир ўқ билан икки қуённи овладдиларда,— деди у ҳайрат ва нафрат билан.— Ўзларининг зар-зеварларини ҳам олибдилар, уларнинг йигиб қўйган пулларини ҳам ҳазм қилибдилар-да. Лекин, ажаб, у киши шунча тезлик билан полициянинг қийим-кечагини, полициячилар ролини шундай қойил қиладиган устаси фаранг муттаҳамларни қаёқдан топибдиларикин?

— Акам бунақа ишларга жуда уста.— Жавоб берди Жасвант.— Ешлигиданоқ ўзи шунақа одамларнинг ичида юриб келган. Қайноғасиникига ичкуёв бўлиб боргандан кейин-ку бунақа ишнинг жуда ҳам машқини олиб олган бўлса керак.

— Хўш, энди нима қиласиз? Энди бормайман дейишга ҳеч қандай асос қолмапти. Акангизнинг инояти билан у уйда энди қаромдан асар ҳам қолмапти.

— Менинг фикрим ҳам шу. Энди боришим керак.

— Бир ўзингиз борасизми?— сўради Аруна жаҳли чиқиб.— Менинг боришим керак эмасми?

— Эшитган ҳақоратинг эсингдан чиққан бўлса, мен бормани демайман, сен ҳам боравер.

— Қанақа ҳақорат?— жаҳл билан деди Аруна.— Ота-онанинг ҳақоратини фарзанд унутмаса, яна ким унутади? Мен албатта бораман. Гапингизга қараганда, бу воқеага ҳам камида олти-етти ой бўлганга ўхшайди.

— Ҳа, шунақага ўхшайди.

— Ўндан кейин бутун йиққан-терганидан айрилиб, шунча вақтдан бери қандоқ қилиб кун кўриб келишаётганикин улар, шуни ҳам бир ўйлаб кўриш керак.

— Ҳа, буни албатта, ўйлаш керак.

— Бундан ташқари, уларнинг бўйнида анчагина қарзи бор, ўтиришган уй ҳам гаровга қўйилган, деган эдингиз шекилли бир марта?

— Ҳа, «Панжоб ҳунармандлик буюмлари фирмаси»дан анчагина қарзи бор эди. Менимча, асосий катта қарзи ўша эди. Уни мен тўлаб қўйганман. Уй ҳали ҳам гаровга қўйилганича ётган бўлса керак.

— Ундоқ бўлса, уйни ҳам гаровдан халос қилиш керак,— деди Аруна.— Кейин бундан буён энди уларга ғамхўрликни бутунлай ўз зиммамизга олишимиз керак.

— Айтганинг келсин.

Шу гапдан кейин эртасигаёқ иккови Амритсарга жўнаш тараддудини қила бошлади.

## 50 боб

Мана бу Бҳажансингх ўғлини ердан сўқиб олиб кетган эди. Унинг хотинини қақирди, Ҳарнамкаур югуриб келди-да, «Нима дейсиз» деб унинг юзига энгашди.

Бундан тўн бўйи Бҳажансингх кўзини ҳам очмаган, бир оғиз ҳам қўймаган эди. Бўйида қанчалик қўнғир бўлиб кетган кун бўлган эди. Дори-дармон ҳам йиғиштириб қўйилган эди. Чунки, беморнинг тузалишидан умид ўзилган эди. У вақт-соатини кутиб пафас олиб ётарди, холос.

Фақат тапанигина эмас, мия билан руҳини ҳам қамраб олган оғир касалликка Бҳажансингх ярим йилдан бери қандай бардош бериб келаётганига ҳамма ҳайрон эди. Ҳарнамкаурнинг матонати ва садоқати эса ҳаммани яна ҳам ҳайрон қолдирарди. На танасида гўшти қолган, на томирида қон бор. Кўзининг нури ҳам анча кетиб қолган. Лекин бу ўжар аёл амаллаб ўзини тирик сақлаган ҳолда эртаю кеч бемор ётган эрига хизмат қилгани-қилган эди. Йўқчилик жонидан ўтиб-ўтиб кетарди, лекин шундай бўлса ҳам у ўзини йўқотмасди. Онасиникидан келадиган озгина-узгина ёрдамни егулик-ичкуликка етказиб, эрининг дори-дармонига пулни ўзи меҳнат қилиб топарди. Кун бўйи ва ярим кеча-ярим кечагача ташланди қоғозлардан қоғоз халта ясаб, ярим рупия — чорак кам бир рупия пул топарди. Кейинги ярим йил ичида Ҳарнамкаур жуда ўзгариб кетган эди. Мусибат, азоб-уқубат ўтида тобланиб у қаттиқ чидам, сабр-тоқат касб этган эди.

Деярли бир ҳафтадан бери Ҳарнамкаурунинг на қогоз қоп ти-  
кишга қўли тегди, на кечалари бир озгина мириқиб ухлай олди.  
Онаси бир ой-қирқ кунни шу ерда қимирламай ўтказиб, ўтган  
ҳафта уйига қайтиб кетган эди. Огир ётган кўеви билан қизини  
ташлаб кетишга-ку ҳеч кўнгли йўқ эди. Аммо нима қилсин?  
Унинг ҳам ўз уйи, ўзига яраша ғам-ташвиши бор. Кичик невараси  
касал бўлиб қолганини эшитиб, кетишга мажбур бўлди.

Онаси шу ердалигида кечалари она-бола икковлари ғалма-  
галдан ухлашарди. Онаси кетиб қолгач, Ҳарнамкаурунинг ўзи  
қолиб, кечаси билан эрининг тепасида ўтириб чиқадиغان бўлди.  
Чунки, ётиб ухлаб қолса, беморнинг жони узилганидан хабари  
бўлмай қолиши мумкин эди — унинг аҳволи шунча танг эди.

Аввалига қўни-қўшнилари ҳол-аҳвол сўраб кетма-кет кириб-  
чиқиб туришди. Қасаллик чўзилиб кетаверган сари уларнинг  
кириши ҳам камаяверди. Ниҳоят, онда-сондагина бирров кў-  
риниш берадиган бўлиб қолишди. «Бошга қийинчилик тушганда  
одамнинг сояси ҳам эгасидан қочади» дегандек, булар ҳам як-  
каю танҳо бўлиб қолди.

Бугунги тун Ҳарнамкауру учун жуда даҳшатли ўтди. Бҳажап-  
сингх тун бўйи тошдек қотиб ётди — на кўзини очди, на оғзи-  
дан биронта сўз чиқди. Ҳарнамкауру аҳён-аҳёнда қошиқ билан  
оғзига сут қуйса, сут томоғидан ўтмай икки лупжидан оқиб ке-  
тарди. Ҳарнамкауру, ҳуши ўзига келармикин, деб ҳўп чақирар-  
ди, лекин бемор қимир ҳам этмасди, оғзидан садо ҳам чиқмасди.

Бутун тунни мижжа қоқмай ўтказган Ҳарнамкауру тонг отгач,  
диққат билан эрининг бетига қараган эди, кўрқиб кетди. Бир  
кечанинг ўзида Бҳажансингхнинг кўзларини қалин туман  
босиб юзлари сап-сариқ бўлиб қолган эди. Унинг томирида бир  
томчи ҳам қон қолмагандек туюларди.

Ҳарнамкауру, ойимга телеграмма берай, деб ўйлади. Лекин  
бу аҳдидан қайтди. Қачонгача ўша бечораларга юк бўлади.  
Ахир онаси шунча кун ўтириб, яқиндагина уйига кетди. Унинг  
уйида бемори бор. Ҳали боланинг ҳоли нима кечади — бу ҳам  
маълум эмас. Шуларни ўйлаб, иккиланиб турди. Лекин, ишон-  
ган яна кими бор? Охири яна телеграмма бериб онасини чақи-  
ришга қарор қилди.

Шу ўйларга чўмиб ўтирувдики, тўсатдан эрининг овози чи-  
қиб қолди. Ҳарнамкауру югурганича унинг тепасига келди. Эри-  
нинг овозини эшитиб кўнгли ўрнига тушди. Шу билан бирга  
икки-уч йилдан бери «Ҳарнамкауру» деб келаётган одамнинг бу-  
гун бирдан эскича «Наъмий!» деб чақирганига ҳайрон бўлди.  
Яхши кунларда эрининг оғзидан шу сўзни эшитганида-ку Ҳар-  
намкауру жиғибийрон бўларди, аммо ҳозир ўлим тўшагида ёт-  
ган одамдан нима деб хафа бўлсин?

Ҳарнамкаур келиб эрининг устига энгашиди. Чалқанча ётган Бҳажансингх бошини буриб ўнг томондаги деворга тикиларди. Буни кўриб Ҳарнамкаур анча таскин топди. У эрининг ёнига ўтирди-да, унинг пешанасида ҳурпайиб ётган сочларини қўли билан тенага бурар экан, деди:

— Худого шукур, гапга кириб қолдингиз. Энди худо хоҳласа, тузалиб қоларкансиз.

Лекин хотинининг гаплари Бҳажансингхнинг қўлогига кирмади. У оббо деб деворга тикилиб ётарди.

— Намунча деворга тикилиб қолдингиз?— сўради Ҳарнамкаур унинг пешанасини силаб.

Лекин ҳали ҳам Бҳажансингхнинг бутун эс-ҳуши деворда эди,

— Наъмий!— чақирди у гўё хотини узоқдадек.

— Мана мен, олдингизда ўтирибман-ку,— деди Ҳарнамкаур.

— Олиб бер. Анавпни олиб бер,— деди Бҳажансингх кўзларини девордан узмай.

— Нимани олиб берай? Суратними?— сўради Ҳарнамкаур. Чунки деворда чанг босиб ётган битта суратдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

— Олиб бер... — деди Бҳажансингх хотинининг гапини эшитмагандек.

Ҳарнамкаур деворнинг олдида борди ва бўйини чўзиб рамкада осибдиқ турган расмни муҳн билан тортди олди. Нега билан... — деди Бҳажансингх олдидаги расмни кўриб кетди. Ҳарнамкаур суратни олиб келиб эрининг кўкрагида ётган қўлларига тутқазиб қўйди-да, яна бояги жойига ўтирди. Бҳажансингх суратни кўзларига яқинроқ олиб келди-да, узоқ вақтгача киприк қоқмай унга тикилиб ётди. Ҳарнамкаур эрининг бу ҳаракатини диққат билан кузатиб ўтирди. Бҳажансингх суратни гоҳ кўзига яқинлаштирарди, гоҳ узоқлаштирарди.

— Нимасига қараяпсиз бунинг?— сўради Ҳарнамкаур.

— Наъмий! Буни сал артиб-суртиб бер. Ҳеч нарса кўринма-япти,— деди жавобан Бҳажансингх.

— Жуда яхшилаб артиб қўйганман,— деди Ҳарнамкаур, лекин расмни қўлига олди-да, рамканинг ойнасини яна бир марта этаги билан арта бошлади.

Бҳажансингх кучсиз овоз билан тўхтаб-тўхтаб гапира бошлади:

— Ярманка... Қачон бўлувди... Наъмий?... Ташқарида бола йиғлаяпти... чиқиб... қарамайсанми?... Тез бўл... ишхонани су-пуриб-сидир... Ишлайман.

Рамканинг ойнасини артиб ўтирган Ҳарнамкаур эрининг кирди-чиқди гапларини эшитиб қўрқиб кетди.

— Нималарни гапиряпсиз ўзингиз?— сўради у эрининг устига энгашиб. Бҳажансингҳ эса ўша тарзда давом этди:

— Қандоқ чиройли эди... Бансий билан Жасса... ўшанда... Наъмий! Бизлар қандай... хуш-хуррам...— Шу пайт бирдан бирор овоз қулогига чалинди ёки шундай туюлди шекилли, бошқа гап бошлаб қолди: «Ие! ҳойнаҳой, Наъмий... бечора... Пармеш-варийнинг... онаси... тур, бор дорига озгина пул... бер... Қуруқ қайтарма... бечорани...

— Оҳ! Нима қиласиз эски гапларни эслаб?— куйиниб деди Ҳарнамкаур.— Нима бало бўляпти ўзи сизга? Нега бунақа...

— Наъмий!— деб яна гапириб кетди Бҳажансингҳ.— Эсингдами янги тушган пайтинг? Қандоқ хурсандчилик... келтирувдинг... сен... менинг уйимга. Қани энди... яна бир марта...

— Оҳ! Гапираверманг кўп. Қаранг, нафасингиз қисилиб кетаяпти,— деди Ҳарнамкаур йиғлаб ва эрнин қучоқлаб бошини унинг кўкрагига қўйди.

Бҳажансингҳ барибир гапираверди:

— Наъмий! Қаёққа кетди ўша яхши кунлар?... Қандай бахтли эдик... олиб кел... Қани Бансий билан Жасса? Олиб кел, қўлимга бер... Ётқизиб қўй икковини ёнимга.

Ҳарнамкаур расми яна унинг қўлига берди. Лекин энди Бҳажансингҳ уни илгаригидек маҳкам ушлай олмади. У гитраган қўллари билан суратни бир амаллаб кўзларига яқин олиб борди. Ҳеч нарса кўринмади шекилли, бир қўлини олиб бориб бармоқлари билан кўзларини артди. Бу ҳам натижа бермагач, хотинига қараб гижиниб деди:

— Сенга айтувдим-ку, артиб-тозалаб бергин, деб. Болаларнинг афти ҳеч кўринмайди-ку.

— Кўзингиз ожиз бўлиб қолган.— Шундай деб Ҳарнамкаур унинг қўлидан суратни олмоқчи бўлди. Лекин Бҳажансингҳ уни қўлидан чиқармади. Кўкрагининг устига тикка қилиб қўйиб олиб, унга тикилиб ётаверди.

— Наъмий! Ҳой, Наъмий!— жўшиб кетгандек деди Бҳажансингҳ.— Айтсанг-чи, бу уйдаги файз... баракани ким... олиб кетди?... Қаёққа кетди... хурсандчиликларимиз?

— Оҳ, худойим!— деб йиғлаб юборди Ҳарнамкаур ва эрининг гапини бас қилиш учун унинг оғзига қўлини қўйди.— У гапларни эсингизга олаверманг! Билмадим, ким бизнинг кўзимизни бўяб кетди. Оҳ! Бизни алдаб кетди биров, Бансийнинг отаси! Алдаб кетди бизни. Алдаб кетди...

Гапириб-гапириб, Ҳарнамкаур эрига қаради. Қараса, суратли рамка унинг кўкрагига ётибди. Иккала қўли, худди боласининг бошини силаб туриб бирдан уйқуга кетиб қолгандек суратнинг устида ётибди.

Бҳажансингҳ ҳақиқатан ҳам уйқуга кетган эди. Лекин у охири йўқ, абадий уйқу эди.

Ҳарнамкаур бирпас қараб турди. Кейин дод, деб ўрнидан турди-ю, ҳовлига қараб югурди. У биронта қўни-қўшнини чақириб чиқиш учун кўча эшикка қараб юрди ва бирдан таққа тўхтади. Эшикдан Жасвант билан Аруна кириб келмоқда эди. Ҳарнамкаур бир лаҳзагина тўхтаб турди холос. Шу бир дақиқа ичида нафрат ўрнини меҳр-муҳаббат эгаллади-ю, шу туйғу уни шитоб билан олдинга судради.

— Оҳ! Жасвант!— ўғлини бағрига босиб фарёд қилди Ҳарнамкаур.— Жиндайгина илгари келсаларинг бўлмасмиди... Жасвант. Отанг... Отанг...— Шундан ортиқ ҳеч нарса деёлмади у. Кейин ўғлини қўйди-да, «Келдингми, ўргулай!» деб келинини қучоқлади ва ёш билан ювилган юзларини унинг юзига босди.

Учовларни ичкарига киришди. Уч жуфт кўздан бараварига шашқатор ёш оқмоқда эди.

Сурат солинган кичкинагина кир рамка ҳали ҳам марҳумнинг кўкрагида ётарди.

Отасининг кўкрагига бошини қўйиб Жасвант ҳўнграб йиғларди.

Қайнотасининг бёғига бошини ҳўиб Аруна ҳамон йиғлаб турди.

Ҳарнамкаур: «Оҳ! Жиндай илгарироқ келсаларинг бўлмасмиди. Фарзандларини кўришга зор бўлиб дунёдан ўтиб кетдингиз...» — ҳам қачонки қалбидан ўтган сўзларни айтиб турди.

Кейин Аруна ўрнидан туриб, қайнонасини қучоқлаб олди.

— Энди сабр қилинг, ойижон!— деди у йиғлаб.— Менинг пешанам шўр экан. Дадамларни кўриш, уларга хизмат қилиш пешанамга ёзилмаган экан.

Ҳарнамкаур келинининг ёш оққан юз-кўзларини ўпardi.

— Мен ўлгурнинг пешанам шўр экан, ўргулиб кетай! Лаълавҳарлар бу ёқда қолиб, қаёқдаги бўлмаган нарсаларни тўплаб юрган эканман.

Жасвант эса отасининг кўкрагида ётган суратни қўлига олиб, отасининг бошида ҳамон ҳўнграб йиғлаб ўтирарди.

Ун уч миллион аҳолилик Панжобнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиёти тарихи буюк Ҳиндистон тараққиёти тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Бутун мамлакатда бўлгани сингари Панжобнинг ижтимоий ҳаётида ҳам гоҳ турғунлик, гоҳ таназул ҳодисалари кўплаб содир бўлди. Мамлакат узоқ вақт чет эл колонияси бўлишдек мислсиз азоб-уқубатни чекди. Халқ эса, феодал қолдиқларни таг-томири билан қуритиш учун тинимсиз кураш олиб борди. 1947 йилда Ҳиндистон тарихида унутилмас воқеа рўй берди: мамлакат иккига бўлиниб кетди. Бу, айниқса, панжоб халқи бошига мисли кўрилмаган кулфатлар солди. Турли динга мансуб халқлар ўртасидаги оммавий қирғини, аҳолиларнинг ғарбдан шарққа, шарқдан ғарбга оммавий кўчиши ўта мудҳиш оқибатлар келиб чиқишига сабабчи бўлди. Панжоб халқининг иқтисодий ҳаёти учун муҳим аҳамиятга молик бўлган аграр ҳунармандчилик бутунлай издан чиқди. Ҳиндистон инглиз асоратидан қутулиб, мустақил тараққиёт йўлига кирган кундан бошлаб панжоб халқи ҳам ўзининг иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётини тиклаш ва мустақамлашга киришди. 1971 йил октябрь ойида Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди: «Халқ ўзининг ҳозирги турмушидан кўнгли тўқ эмас. У иқтисодий ривожланиш йўлида юқори суръатларга эришишни истайди. У миллий шижоатларимиз самараларини ҳаққоний равишда тенг баҳам кўришни истайди. У кўпроқ ижтимоий адолат ва тенгликка эга бўлишни истайди», деганида панжоб халқининг ҳам туб манфаатларини назарда тутган эди, албатта. Ҳозирги кунда панжоб аҳолиси орасида ишчилар сони тобора кўпаймоқда. Шуниси характерлики, ишчиларнинг жуда кўпчилигини шаҳарга кўчиб келган қишлоқликлар ташкил этади. Бу нарса бир тарафдан эскича турмушнинг янги давр талаб-қоидаларига жавоб бера олмай қолганлигини ифода қилса, иккинчи тарафдан эскилик билан янгилик майллари ўртасидаги рақобатнинг яна ҳам кучайишига сабаб бўлар эди.

Ҳурматли китобхон! Қўлингиздаги китобда худди ана шундай ижтимоий шарт-шароитлар ҳукм сурган бир пайтда панжоб халқининг қай тариқа турмуш кечирганлиги маҳорат билан акс этдирилган.

XX аср панжоб адабиётида «панжоб романининг отаси» деб ном олган Нанаксингх (1898—1972) ўз мамлакатидан ташқарида ҳам маълуми машҳурдир. Она халқнинг руҳий кечинмаларини, чеккан беҳад азоб-уқубатларини чуқур ҳис қилган Нанаксингх ўз юртида қатор ижтимоий тадбирларни амалга оширади. Чунончи 30-йилларда у Гурбаҳсингх билан ҳамкорликда Панжобда бир қанча қишлоқ хўжалик коммуналарини ташкил этади. Шундай коммуналардан бири ҳозирги кунда ҳам самарали ишлаб турибди. Нанаксингх

адабий фаолият оламида ҳам ҳассос пешқадамлардан. Тараққийпарвар панжоб ёзувчилари ота-бола Гурбаҳш ва Навтежсингҳлар билан бир сафда туриб, у панжоб адабиётида танқидий ва социалистик реализм традицияларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида жуда кўп тер тўкди.

Ана шундай ҳалол тер тўкиб қилган меҳнатларининг самараси ўлароқ мазкур «Олтин ўқ» романи оламга келди. Юқорида таъкидлаганимиздек, асарда ҳозирги замон Ҳиндистонининг тараққиёт йўлида кўндаланг бўлиб турган актуал проблемалар акс эттирилган. Чунончи, келажакда озод ва фаровон Ҳиндистоннинг тикловчилари бўлмиш янги авлод, янги инсонни тарбиялаш шу кўннинг биринчи галда ҳал қилиниши лозим бўлган энг муҳим масаласидир. Бундан ташқари Нанаксингҳ бу романида майда ҳунармандларни меҳнат коммуналарига бirlаштириш ва шу йўл билан халқ иқтисодини яхшилаш масалаларини қўяди. Асарда акс эттирилган ижобий қаҳрамонлардан рассом-ҳайкалтарош Жасвант, дўсти Рампракош ва санъат муаллими Отмасингҳларнинг бир ёқадан бош чиқариб кўрсатган ташаббуслари тимсолида муаллиф ўз идеалларининг нақадар ҳаққоний ва ҳаётбахш эканлигига ўқувчиларни ишонтиради. Худди мана шу жиҳати билан ҳам «Олтин ўқ» романи панжоб адабиётида реализм методининг янада мустаҳкамланишига катта хизмат қилган.

Панжоб билан ўзбек халқининг маданий ва адабий алоқалари кенг кўламда авж олгани ҳаммага маълум. Ҳиндистонда ўзбек ёзувчи ва шоирларининг жуда кўп асарларининг панжоб тилида оммавий нашр билан chop қилиниши фикримизнинг яққол далилидир. Шу билан бирга панжоб адабиёти намояндаларининг асарлари Совет Иттифоқида, жумладан, Ўзбекистонда кетма-кет йилма-йил катта тиражларда нашр қилинмоқда. Бу гал ўзбек кинотопонларига панжоб адабиётининг яна бир даражаси бўлган «Олтин ўқ» романини тақдим қилар эканмиз, аввало, мазкур асарни бевосита панжоб тилидан ўзбек тилига ўгирган Раҳмонберди Муҳаммаджоновнинг шарафли меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўриллидир. Гарчи бу таржима ушбу соҳани кўйилган ilk олимлардан бири бўлса-да, у юксак даража ўзбек кинотопонини дилини қушшуд қилишга амалий.

*А. Файзуллаева.*

*На узбекском языке*

НАНАКСИНГХ

## ЗОЛОТАЯ СТРЕЛА

*Перевод с языка пинджаб*

Редактор **А. ФАЙЗУЛЛАЕВ**

Рассом **А. ВИЗЕЛЬ**

Расмлар редактори **А. БОЕРОЗ**

Техн. редактор **М. МИРҚОСИМОВ**

Корректор **О. ТУРДИБЕКОВА**

Босмахонага берилди 28/X-1974 й. Босишга рухсат  
этилди 7/II-1975 й. Формати 60×84/16. Босма л. 17,5.  
Шартли босма л. 16,27. Нашр л. 17,91. Тиражи  
60 000. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат  
нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома  
№ 113—74.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриёт-  
лар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича  
давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида  
№ 2-қоғозга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30,  
1975 йил, заказ № 221. Баҳоси 1с, 2 т.

Нанақсипқ.

Олтин ўқ. Роман. Панжоб тилидан. Р. Муҳаммаджонов таржимаси.  
Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.  
280 б.

Нанақсипқнинг ушбу романида ҳозирги замон Ҳиндистоннинг тараққиёт йўлида қўйдаланг бўлиб турган актуал масалалар ҳамда ижтимоий шарт-шароитлар ҳукм сурган бир пайтда панжоб халқининг қай тариқа турмуш кечириётганлиги маҳорат билан акс эттирилган.

Нанақсипқ. Золотая стрела, Роман,

И(Инд.)